

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-10
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№10 (81), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 468 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

**МУНДАРИЖА
АРХИТЕКТУРА**

Setmatatov M., Xanov B., Karimov M., Bekturdiyev I. Xorazm iqlim sharoiti uchun yangicha tipologik yondashuv	7
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Abdirasulov F.A. Jum-Jumsoy (Shimoliy Turkiston tizmasi) yo'sinlarining substrat guruhlari	11
Alloberganova Z.B., Abdullayeva S.I., Isayeva Z.B. Mentha piperita L - qalampir yalpiz o'simligini o'sish davri bo'yicha baholash	16
Babadjanova F.I., Ubaydullayeva H.A., Buriev Z.T., Sultanova Sh.A., Eshmurzayev J.B., Bolqiyev A.A. Kartoshka (Solanum tuberosum L.) RNKi liniyalarini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda in vitro sharoitida o'sishi va rivojlanishi	18
G'aniev K.X., Mirzaliev A.M. Qirguli sanoat ishlab chiqarish majmualari hududi atrofidagi mevali bog'larda Eriosoma lanigerum Hausm shirasining bioekologik xususiytlari	22
Авазметова И.Р., Рўзметов Р.С., Матякубов З.Ш., Сапарбоев З.Ю. “Хива локомотив” истирохат боғи куруклик моллюскаларининг таксономик таркиби ва уларга қарши кураш чоралари	26
Адиллов Б.А., Шомуродов Х.Ф., Шарипова В.К. Черносахсауловая формация (Haloxyleta arhylli) Каракалпакского Устюрта	30
Аллабергенова А.Д., Мирабдуллаев И.М. Флора рыбководных прудов	33
Аллабердиев Р.Х., Рузумова Г.К. Интродукция шароитида каноп (Hibiscus cannabinus) уруғини экиш усуллари ва экиш микдорининг ўзига хос хусусияти	37
Аманов А.М., Эргашев О.Р. 100 дон дон оғирлиги кўрсаткичларини соянинг ботаник коллекцияси намуналарида фарқланиши	42
Асенов Г.А., Алламуратов Б.Дж., Байгелдиева Н.Ж. Шимолий-ғарбий Қизилқумда тушки қумсичқоннинг (Meriones meridianus Pallas) эктопаразитлари	44
Ахмаджонова С.Ш., Каюмова О.И. К вопросу об экологии Туркестанского шелкоуна (Coleoptera, Elateridae) Ферганской долины	48
Ахмедов А.К., Номозова З.Б., Хасанов М.А., Умурзакова З.И., Расулова З.А. Антэкология Lagochilus proskorjakovii и Lagochilus olgae в условиях Нуратинского горного хребта	54
Бахши М.А., Рахимова Н.К., Темиров Э.Э., Абдиназаров С.Х., Носиров С.С. Адаптированность и аллелопатия некоторых многолетних видов Западного Тянь-Шаня в условиях Ташкентского ботанического сада АН РУз	58
Мамадияров М.У., Мамадиярова Д.У. Самарқанд шаҳри шароитида Paulownia tomentosa (thunb.) Stend. ўсимлик турининг биоэкологик хусусиятларини таҳлил қилиш	62
Матжанов Т.К., Отенов Т.О. Биоэкологические особенности высших водных растений в водоемах Южного Приаралья	66
Матжанова Х.К., Рахимова Т.Т. Динамика флористического состава растений на осушенной южной части дна Аральского моря	69
Матякубов М.Б., Расулов Ш.М. Ўзбекистон Республикасида сўзак ва захм билан касалланишнинг эпидемиологик таҳлиллари	74
Нормуратов О.У. Хар хил меъёрдаги азотли ўғитлар ва биологик препаратларни помидорнинг ўсиб ривожланишига таъсири	78
Соатова З.А., Бойбуриева З.С., Мухиддинова М.М. Мачайдара куруклик моллюскалари турлар таркиби ва экологияси	81
Турдиев Д.Э., Газиёв А.Ж., Ортиков Э.А. Ўзбекистон флорасида тарқалган Oxytropis Dc. туркум турларининг қисқача географик таҳлили	85
Халикулов Д.Х., Сиддиқов Р.Э. Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари	89
Ҳамроева М.К., Ёров К.Б., Абраматова Р., Ахмаджонова Ш., Бозорова К. Дуккаккли-мойли донлардан нон пишириш технологик хосалари	92
Ҳамроева М.К., Ёров К.Б., Мухаммадиева С., Нетьматова Д., Содикова Ж. Соя ва пахтанинг ҳосилдорлигига нитрагиннинг таъсири	95
Шодиева Ф.О., Холбоев Ф.Р. Распространение, экология и значение рода щурки (Merops) в Узбекистане	97

Эгамбердиева С.А., Жураев С.Т. Корреляционные связи между длиной вегетационного периода и основными хозяйственно-ценными признаками у линий хлопчатника в различных регионах возделывания	102
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ	
Avezbayev S.A., Shukurova N.O., Egamova D.A. Xorijiy mamlakatlarda yer kadastrini yuritishning hozirgi kundagi holati	105
Абдуалимов Ш.Х., Абдуллаев Ф.А., Рахимова Д. Гумин асосли стимуляторларнинг ғўзани физиологик жараёнлари ва пахта ҳосилдорлигига таъсири	108
Абдулхайрова Д.Ю., Қаххоров И.Т., Қодирова М.Р. Сув билан турлича таъминланганликда ғўза навларида ўсимлик сув баланси кўрсаткичлари	113
Абдурахмонов С.О., Абдуллаев И.И., Ахмаджонов Б.Қ. Кузги арпанинг мақбул экиш муддати, меъёри ва кўчат қалинлиги	115
Бойсунов Н.Б. Юмшоқ буғдойни технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлган дурагай тизмаларини танлаш	121
Дурдиев Н.Х., Джабборхон А.Ж., Матякубова Э.У., Мусаев Э. ЎзПТИ-103 ва Султон ғўза навларининг ҳосилдорлигига суғориш ва минерал ўғитлар меъерининг таъсири	124
Мадаминов Р.Р. Кузги буғдой ўсиши ва ривожланишига шўрланиш омили таъсири турли спектрал индекслар ёрдамида баҳолаш	126
Мамбетназаров Б.С., Отеулиев Ж.Б. Тупроқ-иклим шароитига боғлиқ районлаштирган ғўза навларини суғориш тартиби	132
Муталова М.К. Ғўзанинг турлараро дурагайлари ва уларнинг цитологик ва кариологик тавсифи	135
Халикова М.Б., Матякубова Э.У. G.BARBADENSE L. турига мансуб тизмаларда қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари	139
Юсупов А.Қ., Намазов Ш.Э., Матёқубов С.К. Маҳсулдорлик элементларини яхшилашда оддий ва мураккаб дурагайлаш услубларининг қиёсий самарадорлиги	142
Юсупов Х., Хайдаров Б., Юсупов Н., Муратқасимов А.С., Абдихаликова Б. Лалмикор майдонларда органик ва маъданли ўғитлар меъёри ҳамда қўллаш усулига қараб кузги буғдой ҳосилдорлигининг ўзгариши	146
Қодирова М.Р. Ғўзанинг генотипик узок шакллари f2 ўсимликларида бош поя баландлигининг ўзгарувчанлик кўлами	149
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Ро'latova Sh.B. Mineral zaxiralarni qayta ishlashda magnit tahlilining o'rni	153
Urunova X.SH., Oljaev D.N., Bozorov L., Esanbayeva H.N., Vaxromov Sh.M. Texnik suv tarkibidagi tuzlar miqdorini o'rganish va tahlil qilish	154
Ибрагимова Г., Абдукаххорова Н., Музафарова Г. Автоматизированная система управления насосного агрегата	156
Туляганова Л.С., Юнусходжаев С.Т. Подбор техники для повышения общего агрофона	159
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Abbasov B.A. Theoretical foundations of sports management	163
Djumanova A.B., Bobomurudov N. Ta'lim muammolarini hal qilish vositasi sifatida zamonaviy raqamli texnologiyalar	165
Djumanova A.B., Ismatullayeva N.N. O'zbekistanda distatsion ta'lim: tajriba va rivojlantirish istiqbollari	166
Mavlyanov A.P., Xaytbaeva Sh.N., A'zamjonov A.Sh., Xaydarova N.O. Yoshlar ma'naviyatini uksaltirishda milliy qadriyatlar va ma'naviy merosning o'rni	169
Muranov S.B. Ta'limda smart ta'lim texnologiyalari	172
Nazirov Q.Yu. Development of culture and sports in Uzbekistan during the period of self-sufficiency	175
Yusupalieva Sh.H. Sog'lom avlod - jamiyat taraqqiyotining hal qiluvchi omili va oila ma'naviyatining ko'zgusi	178
Парпиева М.М., Нишонов У.И. Высшее образование в условиях цифровой экономики	181
Холикова Ш.Ў. Ёш авлод тарбиясининг ўзига хос замонавий муаммолари	183
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Artikova R.A. Management of enterprise activities based on corporate governance	187
Hoshimov J. Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda hududlar investitsion jozibadorligini oshirish yo'nalishlari	189

Kurpayanidi K.I. Some features of the creation of business entities: world practice	194
To'uchieva V.F. Zamonaviy marketing tizimi asosida korxonalar faoliyatini rivojlantirish	200
Абдуллаев Ж.А. Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш йўналишлари ва моделлари	203
Абдуллаев И.И. Крипто-активларнинг ўзига хослиги ҳамда унинг халқаро терроризмни молиялаштиришда қўлланилиши	210
Алламуратова С.Ж. Социальная адаптированность женщин-каракалпачек в период независимости в Республике Узбекистан	213
Мамуров Д.Э. Инновация фаолияти инфратузилмаси ва уни ривожлантиришни бошқаришнинг методологик жиҳатлари	218
Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация фаолиятини бошқаришда туристик кластерларни шакллантириш механизмларини баҳолаш	225
Муминова Э.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида блокчейн технологиялар асосида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш механизмлари	234
Наурызбаев А. Факторы, влияющие на финансовую устойчивость малого и среднего бизнеса на развивающихся рынках	240
Олланазаров Б.Д. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида туризм саноатини ривожлантириш йўналишлари	248
Райимджанова Г.Х. Кластер менежментини ривожлантириш бўйича хорижий тажриба	254
Рахимов Д.Ш. Саноат ишлаб чиқариш тармоғида диверсификациялашган иқтисодий тизимларни яратишнинг жаҳон тажрибаси	257
Рашидова Ф. Тенденции влияния развития малого бизнеса в решении проблем занятости	260
Салаев Ж.К. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг айрим назарий ва услубий масалалари ...	263
Санъатбеков С. Тез овқатланиш тизимларини таснифлашнинг асосий мезонлари	269
Тухтамишев Ш.Қ. Қорамолчилик фермер хўжаликларида инвестициявий фаолиятни ривожлантириш	276
Ханкелдиева Г.Ш., Хамракулов И.Б. Ўзбекистонда тикув-трикотаж корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш	279
Хатамов О.Қ., Тошалиева С.Т. Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик ривожланишининг иқтисодий-статистик таҳлили	283
Холмирзаев У.А. Пандемия шароитида кичик корхоналарда касса усулининг ижобий жиҳатлари	290
Хонкелдиева К.Р. Тўқимачилик кластерлари фаолиятини бошқаришда кўп омилли моделлардан фойдаланиш ва прогнозлаш	298
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Doniyev S.I. Establishment and development of cultural relations between Uzbekistan and India	303
Doniyev S.I. Prospects of socio-economic relations between Uzbekistan and India in the context of globalization	305
Farmanova G.K. Archaeological works of V.V. Krestovsky at Afrasiyab	309
Saydullaev F. Sayeed Burhanuddin Muhaqqiq Termizi and his scientific legacy	313
Shadimetov M.N. “Avesto” asarida tabiatni e’zozlash haqidagi ezgu g’oyalarning ilgari surilishi ..	316
Алижонов Г. Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Шўро” журналидаги илмий фаолиятининг Туркистон тарихидаги аҳамияти	320
Алимбетов А.К. XIII-XIV асрлардаги Миздахкан маҳалла турар жойлари ҳақида	322
Бабожонов Д., Ташпулатова Д. Шиносий-Шайхназарбой ибн Муҳаммад Мурод девонбеги тарихи	325
Джумагельдиев Н.Р. Некоторые аспекты развития этапов экологической политики как фактор устойчивого развития региона Приаралья	328
Жўраева Н.О. Бухоро шаҳри муқаддас қадамжоларида амалга оширилган топографик ўзгаришлар	333
Ибрагимов Б. «Хлопковое дело» и репрессии в Каракалпакстане	336
Қайпназаров А.Ш. Оролбўйи минтақасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсати ва бошқариш тараққиётининг тарихий аспектлари	340
Қодирова Л.Б., Жўрабоев Ш. Хонликлар даври никоҳ муносабатлари	344
Маткаримова Н.М. Хоразм воҳаси никоҳ тўйларида олов култи билан боғлиқ маросимлар	348
Нормаматова Х. Ўзбекистоннинг илк давлатчилиги тарихи ва бошқарув тизими	350

Олимжонов Х. А. Мустамлака маъмуриятининг Сирдарё ва Каспийорти вилоятларида кутубхоналар ташкил этишига доир	353
Орзиев М.З., Кўчаров Ж.Қ. Амир Темур сиёсий фаолияти ва Бухоро уламолари	357
Ражабов Х.Ч. Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар тарихида тутган ўрни	361
Садуллаева В. Амир Абдулахадхон даврида маориф	366
Сейтимбетова Н.М. Межнациональные отношения – как неотъемлемая часть международных отношений	369
Тураев А.С. АҚШда неоконсерватизм мафкурасининг шаклланиши ва ғоявий ривожланиш босқичлари	374
Ходжанов М.И. Арвоҳларга атаб чироқ ёқиш одати	376

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Erdanova S.A. Conceptual research of the concept of "money" in linguoculturology	380
Eshbo'tayeva Sh. O'zbek tili musiqiy terminlarida metafora	382
Fattoyeva Z.R. Kadastrga oid qisqartma so'zlarning ingliz va o'zbek tillarida ifodalanishi	386
Fozilova N. The types of tasks and their usage in class	389
Ismoilov I. Alisher Navoiyning "Saddi Iskandariy" dostonida fol motivi va uning ildizlari	391
Jakbarov M.P. Peculiarities of translation of scientific and technical texts	394
Khakimova M.Kh. 3D learning environment as an important innovative technology for English language classrooms	397
Maxmudov R. Ogahiy tarixiy asarlaridagi "Avesto"ga oid ayrim o'zlashmalarning geniologik tahlili	400
Maxmudov R. Ogahiy tarixiy asarlaridagi yevropa tillaridan o'zlashgan ayrim so'zlarning genezisi	406
Namazova U.S. Dialogue-experience is the source of teaching	409
Rasulova M.A. Innovative approach in the teaching english language	411
Sherg'oziyeva G.A. Mo'minjon Toshqin – jaded adabiyotining so'nggi vakili	413
Shokirova D.A., Shokirov Sh.I. Analysis of the semantic features of words with the concept of "property"	416
Xajjiyeva D.A. Erkin Vohidovning "Donishqishloq latifalari" turkum she'rlarida latifalardan foydalanish mahorati	420
Xudoyberdiyeva G.Sh. Zamonaviy ingliz bolalar adabiyoti yozuvchilari va ularning asarlarini o'ziga xosligi	424
Абдуллоев Ш.Б. Ахура Маздага қарши курашда даъва култининг моҳияти	426
Жумаева Ш.Ш. Ибораларни иккинчи тилга эквивалентлар ёрдамида таржима қилиш	429
Қозоқбоева Д. Ўзбек тилида "кулок" семантикасига эга бўлган гапларнинг прагматик хусусиятлари	432
Маннонова С.А. Тижорий ёзишмаларнинг коммуникатив- прагматик аспекти	435
Мухаммедова Н. Тони Моррисоннинг "Сулаймон кўшиғи" романида мифлар моҳияти	438
Мухаммедова Х. Энн Бронте ижодида биографик манбалар	441
Омонов Б. Геологияга оид терминларнинг лингвистик хусусиятлари	444
Орипова Г.М. Жанр тушунчаси генезиси ва моҳияти	447
Остонова С.Н. Национальные традиции основа перевода в культурных подборках	450
Очилов У.С. А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарида образларнинг ўзига хос хусусиятлари	452
Очилов У.С. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарида натуралистик образлар	454
Очилова О., Машарибова Р. Бир башорат ҳайратлари	457
Сабирова Н.Э. Хоразм дostonчилиқ мактаблари	460
Ташева Н.З. Тамбурлен Великий как психотип восточного правителя в поэзии Кристофера Марлоу	464
Худайкулова Л.А. "Алпомиш" дostonида никоҳ тўйи маросимларининг бадий талқини	468
Юлдашев Д.Т. Антропонимларда саналаштириш тамойили ва тилак отларининг ўзига хосликлари	471

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

Янгибаев З., Батиров Д.Ю., Пирматов Ш.Ш., Янгибаев О.З. Холелитиазларда холедохоскопиянинг аҳамияти	474
---	-----

АРХИТЕКТУРА

УЎК 728.2

XORAZM IQLIM SHAROITI UCHUN YANGICHA TIPOLOGIK YONDASHUV*M. Setmamatov, arx.f.n., dots., Urganch davlat universiteti, Urganch**B. Xanov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch**M. Karimov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch**I. Bekturdiyev, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch*

Annotatsiya. Maqolada Xorazm iqlim sharoitida o'rta qavatli binolarining yangi tipologik yechimlarini yaratish borasidagi loyihaviy takliflar to'g'risida bayon qilingan.

Kalit so'zlar: Seksiyali, yo'lakli, galereyali, blokli, aralash, yacheykali, minorasimon, yo'lkali-xalqasimon, anfilada-halqali, atrium.

Аннотация. В статье раскрывается суть проектного предложения о создании новых типологических решений зданий средней этажности в условиях Хорезмской климатической зоны.

Ключевые слова: Секционные, коридорные, галерейные, блокировочные, смешанные, ячеистые, башенные, коридорно-кольцевая, анфиладно-кольцевая, атриумная схемы.

Abstract. The article describes the project proposals for the creation of new typological solutions for medium-rise buildings in the climatic conditions of Khorezm.

Keywords: Sectional, corridor, gallery, block, mixed, cellular, tower-like, lane-ring, enfilade-ring, atrium.

O'zbekiston shaharlari, shu jumladan, Xorazm viloyatidagi tuman va shahar markazlarining tez sur'atlar bilan rivojlanishi va taraqqiyot bosqichi ilgarilab borayotgani turar joy binolari qurilishida yaqqol namoyon bo'lmoqda. Keyingi 5 yil mobaynida davlatimizda olib borilayotgan islohotlar negizida davlatimiz rahbariyati tomonidan qishloq joylarida o'rta qavatli turar joy binolarini qurish bo'yicha topshiriqlar berilib bir qancha turar joy binolari qurilib o'z egalariga topshirilmoqda. Islohotlar negizida har bir tuman va qishloqlarda kichik shaharchalar tashkil qilinib, ularning o'ziga xos kommunikatsiyasi barcha infratuzilmasini shakllantirishga qaratilgan loyihalarni tatbiq qilish bo'yicha ishlar ko'lami yildan yilga oshib bormoqda.

Bugungi kunda Urganch shahrida o'rta qavatli turar-joy binolarini loyihalash va qurish bo'yicha ulkan ishlar amalga oshirilmoqda. Bu borada arxitektura va qurilish sohasida tajribalar to'plangan bo'lib, bu tajribalar nihoyasiga yetdi, endi boshqa yechim bo'lmasligi kerak degani emas, balki izlanishlarni davom qildirib, yangicha tipdagi binolarning loyihalarini yaratish borasidagi ilmiy izlanishlarni amaliyotga tatbiq qilish mavzuning dolzarb vazifalaridan sanaladi.


Xorazm iqlim sharoitiga xos yechimlarning yangi tipologik va kompozitsion yechimlarini topish, Urganch shahri uchun zamonaviy talablarga va me'yoriy qurilish qoidalari javob beradigan yangi tipdagi turar joy binolarini va ularning hajmiy-rejaviy tuzilishini takomillashtirish va rivojlantirish tamoyillarini ishlab chiqish va arxitekturasini yaratish davr talabidir.

O'rta va ko'p qavatli turar joy binolari o'zining kompozitsion tuzilishi va tipologik yechimi jihatdan seksiyali, yo'lakli, galereyali, blokli va aralash kabi tuzilishdagi turlarga ajratiladi. Bu turdagi turar joy binolarining tipologik yechimlari bugungi kunda me'yorlari oshgani va xonalarning kengligi jihatdan alohida qulayliklarga ega bo'ldi. Shu nuqtayi nazardan jamiyatimiz taraqqiy qilishi natijasida aholi turmush tarzi ham o'zgardi. Aholimiz ortiqcha omborxonalar, garaj va boshqa shunga o'xshash xonalarni shakllantirishga hojat yo'qligini tushunib yetishdi. Yangi milliy an'analarimizni inobatga olgan holda yaratilgan xonadonlar rejalari aholiga juda ham ma'qul bo'ldi. Bunga misol qilib, yozgi oshxonalar uchun balkonni oshxonaga o'zgartirish holatlari, ochiq balkonni yopib xonaga aylantirish xolatlari yoki balkon bilan xonani qo'shib kengaytirish holatlariga chek qo'yildi. Aholi talablaridan kelib chiqib, har bir xonadon egasining yashash tarziga mos bo'lgan turar joy binolari qurilishi tanlash imkoniyatini yanada boyitadigan loyihalar soni oshdi. Ular xohlagan yechimdagi

turar joy binosini tanlab kredit evaziga sotib olish va tayyor holatdagi xonadonda yashash imkoniyatiga ega bo'lish kabi sharoitlar yaratildi.


Xorazm cho'l hududida joylashgani bois quruq iqlim sharoiti yozi juda issiq qishi juda sovuq iqlim sharoiti bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Shunga ko'ra me'yoriy talablarga ko'ra pishiq g'ishtdan tashqi devorlar qalinligi 51 sm.ga o'zgargani bu turar joy binolarining yozda salqin qishda esa issiq bo'lishini ta'minlayapti.

Shu paytgacha yo'lakli, galereyali, minorasimon, bo'linmali va boshqa tipdagi o'rta qavatli binolar qurilishi hayotga tatbiq qilinib kelindi. Bu binolar o'z navbatida aholiga qanday qulayliklar yaratgani aholi ichida olib borilgan so'rovnoma asosida yaxshi va yomon tomonlari aniqlanishiga erishildi.



1-rasm. A-yo'lakli, B-yacheykali, V – minorasimon (turli xil shakldagi)

Xorazm iqlim sharoitida Urganch uslubidagi turar joy binolarining tipologik hamda kompozitsion yechimlari kam qavatli turar joy binolarida qulayligi ichki havo haroratining mo'tadilligi bilan aholiga manzur bo'lib keldi. Keyingi izlanishlar borasida turar joy binolarining tipologik yechimlariga yo'lakli-xalqasimon va anfilada-halqali tizimdagi yechimlarni kiritish borasida izlanishlar olib borilib, eksperiment sifatida qurib tadqiqotlar natijasini aholi so'rovnoma javoblarining ijobiy ko'rsatkichlarida ko'rishimiz mumkin.





2-rasm. A- Yo'lakli-xalqasimon, B- Anfilada-halqali


Bunday tipdagi kompozitsion yechimga ega bo'lgan o'rta va ko'p qavatli turar joy binolarini loyihalashda Urganch ayvoni uslubidan foydalanish nazarda tutiladi. Bunda o'rtada ochiq fazoviy muhit shakllantirib, o'rta qavatli turar joy binosida birinchi qavatdan to beshinchi qavatgacha yoki ko'p qavatli turar joy binosida esa birinchi qavatdan to to'qqizinchi qavatigacha markaziy qismida ochiq fazoviy muhit shakllantirib orayopmalari pastdan yuqorigacha maxsus teshiklar qo'yilib ularning atrofi pollar o'ynaganda xavf solmasligi uchun maxsus setka bilan o'rab olinadi. Natijada markaziy qismida salqin havo oqimi orqali shamollatish shaxtalari orqali turar joy binolarida salqin havo aylanishiga erishiladi.

Ushbu tipdagi taklif qilinayotgan loyihimiz bir qancha talablarga javob beradi. Loyihaviy taklifimiz boshqa qurilayotgan zamonaviy turar-joylardan tubdan farq qilinmaydi. Ilmiy yangiligi shundaki, unda faqat bugungi kundagi zamonaviy arxitektura bilan bir qatorda milliy an'analarimiz ham o'z o'rnini topgan. Ya'ni yuqorida aytib o'tganimizdek ayvon loyihasi bilan bir qatorda, ichki fazoviy bo'shliq, galereya tipidagi go'zal atrium va turar-joy binosiga kiraverishidagi baland peshtoq milliyligimizni ko'rsatib turibdi.

Shaharsozlik nuqtayi nazardan rejalashtirilayotgan turar-joy majmualari hozirgi kunda ariyentatsiyaga ahamiyat berilmayapti. Buning natijasida ko'plab noqulayliklar vujudga kelmoqda. Turar-joylarda istiqomat qilayotgan aholi ko'pgina muammolar ichida qolgan. Chunki, Xorazm va Qoraqalpog'iston Respublikasida ariyentatsiya muhim ahamiyatga egadir. Bu muammolarni hal qilish uchun ko'plab izlanishlar va amaliy ishlar qilinmoqda.



O'rta qavatli turar-joy binosining umumiy ko'rinishi.



Turar joyning tabiiy shamollatish tizimi

Turar-joy binolarini loyihalashda Xorazm iqlim sharoitida turli xil kompozitsion yechimdagi binolar qurilishi davomida ulardagi ichki muhitni shakllanganligini amaliy hayot faoliyatida aholining turmush tarzini inobatga olib, ularning yashash tarzidagi binolardagi yillik harorat va namlik miqdorining o'zgarishi hamda salbiy tomonlari o'rganildi.

Ushbu kompozitsion yechimlarga ko'ra yangi markaziy qismida xol bo'lgan galereya tipidagi turar-joy binosining kompozitsion yechimini Xorazm iqlim sharoiti uchun juda qulay bo'lgani isbotlangan. Unga ko'ra Xonqa tipidagi turar-joy binosidagi markaziy dolon, Urganch uslubidagi markaziy ayvon, galereyali atrium binolardagi havo aylanish sistemasi, yangilikning tayanchi hisoblanadi. Unga ko'ra ushbu loyihani mukammalroq tahlil qilgan holda kirish qismiga qo'shimcha ravishda yana yo'lak loyihalandi va xol atroflari himoya vositalari sifatida panjaralar bilan o'rab olinadi. Yangi taklifga ko'ra shamol aylanish jarayoni salqin havoni pastdan tepaga ko'tarish evaziga ichki havo haroratini mo'tadillashtiradi.

Kelajakda oldimizga qo'yiladigan maqsad bu zamonaviy arxitekturaviy yutuqlar yonida o'zligimizning an'analarimizni unutmasligimiz, ota-bobolarimiz tomonidan yillar mobaynida bunyod etilgan ulkan tajribalardan unumli foydalanishdir. Shu bilan bir qatorda, milliyligimizga zamon talablarini ham uyg'unlashtirib badiiy-kompozitsion yechimlarini o'zaro uyg'un, ixcham, qulay muhitga mos turar-joy binolarini arxitekturaviy takomillashtirish zarurdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Респ. ПҚ-3350 23.10. 2017 й.
2. Воронина.Р.Л. Народные традиции Узбекистана.-М. Стройиздат Архитектуры и градостроительства, 1951г.
3. Х.М.Убайдуллаев “Турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари“. Дарслик, Т. 2009 й.

БИОЛОГИЯ ФАҲЛАРИ

UO'K: 581.9(471.9)

JUM-JUMSOY (SHIMOLIY TURKISTON TIZMASI) YO'SINLARINING SUBSTRAT GURUHLARI*F.A. Abdirasulov, doktorant, Samarqand davlat universiteti, Samarqand*

Annotatsiya. Maqolada Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoydagi yo'sinlarining substrat guruhlarining turlar tarkibi keltirilgan bo'lib ushbu hududda 11oilaga mansub 25 tur berilgan. Aniqlangan turlarining ekologiyasi, namlikka munosabatiga ko'ra guruhleri, substratlar bo'yicha taqsimlanishi, (epigey, epilit, epifit, epiksil) o'rganilgan. Shuning natijasida epigeylar (50%) epilitlar (30%) keng tarqalgani ma'lum bo'ldi. Tadqiqot olib borilgan hudud uchun *Bryum turbinatum* (Hedw.)Turner. endemik tur ekanligi aniqlangan.

Kalit so'zlar: yo'sinlar, substrat, ekotoplar, epiksil, epifit, epilit.

Аннотация. В статье описан видовой состав субстратных групп мохообразных в Джум-Джумсае Севернее-Туркестанского хребта и дано 25 видов мхов, относящихся к 11 семействам этого сая. Изучена экология идентифицированных видов, их группы в зависимости от отношения к влаге, их распределение по субстрату (эпигейный, эпилитический, эпифитный, эпиксильный). В результате было обнаружено, что эпигей (50%) встречается чаще, чем эпилит (30%). *Bryum turbinatum* (Hedw.) Turner. на исследуемой территории признан эндемичным видом.

Ключевые слова: мхи, субстрат, экотоп, эпиксил, эпифит, эпилит.

Abstract. The article describes the species composition of the substrate groups of bryophytes in the Jum-Jumsay of the Northern Turkestan ridge and gives 25 species of mosses belonging to 11 families of this Say. The ecology of the identified species, their groups depending on the attitude to moisture, their distribution over the substrate (epigeal, epilithic, epiphytic, epixil) were studied. As a result, it was found that epigates (50%) are more common than epilepsy (30%). *Bryum turbinatum* (Hedw.) Turner. for the study area was recognized as endemic.

Key words: mosses, substrate, ecotope, epixil, epiphyte, epilith.

Kirish. Yo'sinlar o'sadigan muhitlar xilma-xil, ular tuproqda, daraxtlar po'stlog'ida, ildizida, chirigan to'nkalarida, antropogen omillar natijasida paydo bo'lgan yuqori namli substratlarda [3] uchraydi va o'ziga xos assotsiatsiyalarni hosil qiladi. Yo'sinlar o'zgaruvchan harorat va namlikda, unumsiz tuproqlarda ham o'sish xususiyatiga ega.

U.K. Mamatkulov va boshqalarning [6] ma'lumotlariga ko'ra, Markaziy Osiyoda yo'sinlarning 615 turi tarqalgan bo'lib, ular 2 ajdod, 68 oila, 186 turkumga mansub. Ilmiy manbalarda O'zbekistondagi yo'sinlarning florasi, taksonomiyasi va ekologiyasi to'g'risida ma'lumotlar juda ham kam. Bu ma'lumotlar asosan O'rta Osiyo uchun berilgan bo'lib Respublikamiz brioflorasi haqida kerakli materiallarni bera olmaydi va haligacha chuqur ma'lumotlar yetarli emas, so'nggi yaqin yillarda (2012-2018 yy.) ilk bor X.H. Jalov o'zini tadqiqot ishlarida O'rta Zarafshon havzasi yo'sintoifalari mavzusida bo'lib, ushbu hudud yo'sinlarini taksonomiyasi haqida ma'lumotlar keltirilgan, lekin bu ishlarda Shimoliy Turkiston tizmasi brioflorasi haqida ma'lumotlar berilmagan. Shu bois, biz Shimoliy Turkiston tizmasida briofloristik tadqiqotlar o'tkazildi.

Yo'sinlar har qanday kenglik hududlarida va turli xil joylarda o'sishga moslashgan [2]. Yo'sinlarning ko'plab turlari faqat ma'lum senozlarda uchraydi. Shu bilan birga, turlar tarkibi substratlarga ko'ra ham farqlanishi, o'simliklarning jamoalaridagi ayrim turdagi yo'sinlar turli xil substratlarda o'sishi mumkin. Substratlarning turlariga ko'ra, yo'sinlarning quyidagicha guruhlariga ajratish mumkin: epigey – tuproq, epilit – tosh, epifit – daraxt, epiksil - chirigan tonkalar sathi ularning o'sish muhitlari bo'lib hisoblanadi.

Boshqa tomondan, yo'sinlarning turli xil jamoalar ichida harorat, yorug'lik, namlik, tuproqning boyligi kabi o'xshash ekotoplari bo'lishi mumkin. Bularning barchasi yo'sinlarning o'sish muhitlarida tarqalishining ekologik xususiyatlarini o'rganishda ancha qiyinchiliklarni keltiradi [3].

Bizning tadqiqotimizning maqsadi - yo'sinlarni substrat xillari bo'yicha Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoy havzasida tarqalgan yo'sinlarni tahlil qilish, namlik va balandliklar bo'yicha tarqalishini o'rganish va turlar tarkibini taksonomik aniqlashdan iborat.

Tadqiqot metodologiyasi: Dala tadqiqotlari 2019-2021 yillar mobaynida olib borilgan. Ushbu hududda tarqalgan yo'sinlardan 150 dan ortiq gerbariy namunalari terildi va SamDU botanika kafedrasidagi gerbariy laboratoriyasida tahlil qilindi. Yo'sinlarning turlar tarkibini aniqlash qator aniqlagichlar va qiyosiy morfo-anatomik usullar asosida amalga oshirildi.

Gerbariy materiallarni makro va mikromorfologik tekshirish ishlarini bajarishda M-15295, OPTIKA MICROSCOPES rusumli monokulyar va Biolam mikroskoplaridan foydalanildi. Yo'sinlarning tabiatdan yig'ish va ularga ishlov berish L.I. Savich-Lyubiskaya, Z.N. Smirnova [7], M.S. Ignatov, Ye.A. Ignatova [4] I. V. Chernyadeva, [5] larning uslublarida amalga oshirildi.

Yo'sinlarni turlarini aniqlashda va sistemaga solishda L.I. Savich-Lyubiskaya, Z.N. Smirnova; U.K. Mamatqulov; I.I. Abramov, L.A. Volkova; M.S. Ignatov, Ye.A. Ignatova [1,2,5,6] larning solishtirma morfo-anatomik aniqlagichlaridan shuningdek, "Sharqiy Yevropa va shimoliy Osiyo moxlar ro'yxati" [8] va onlayn aniqlagichlardan [9,10] foydalanildi. Gerbariy namunalari yig'ishda asosan yo'sinlarning aynan spora ko'saklari hosil qilgan vaqtida namunalari terildi, shuningdek substrat tabiati yoki tur joylashgan mikrorelyeftning o'rni hisobga olindi.

Tadqiqot natijalari. Biz tadqiqot olib borayotgan hudud Tog'li O'rta Osiyo provinsiyasi, Ko'histon okrugi, Shimoliy Turkiston (Turkiston tizmasi) botanik-geografik rayoni, ma'muriy jihatdan Jizzax viloyati hududi bo'lib janubiy qismi Tojikiston Respublikasi bilan chegaradosh. Bu taqqiqot hududimiz Shimoliy Turkiston botanik-geografik rayoni tarkibiga kiruvchi Jum-jumsoy bolib hisoblanadi (1-rasm). Tadqiqot davomida yo'sinlarni o'sish joylarini tavsiflashda o'simliklar jamoasining turini ("quruq o'tloq", "archa o'rmoni", "botqoqli o'tloq"), substratning tabiatini ("loy", "qum", "daraxt tanasi", "o'lik yog'och"), uning namlanish darajasi, va muhit bilan ta'sirlanish darajasi ko'rsatildi, va materiallarni yig'ish joylarini GPS-navigator orqali belgilanib, namunani u yoki bu turdagi mikrorelyeftda saqlanishi etiborga olindi.



1-rasm. Tadqiqot olib borilgan hudud

Epifit yo'sinlarni yig'ishda daraxt turlari va namuna olingan muhit (o'sish joyi) balandligi qayd etildi. Suvda o'suvchi turlarni yig'ishda suv havzasining tabiatini ko'rsatishga harakat qilindi.

Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoy havzasida tarqalgan yo'sinlarning turlar tarkibi 1 ajdod, 7 qabila, 11 oila, 15 turkumga mansub 25 ta tur taksonomik tahlil qilindi (1-jadval).

1-jadval

Jum-jumsoy havzasi yo'sinlarining taksonomik tahlili

Ajdod	Qabila	Oila	Turkum	Turlar soni	% hisobida
Bryopsida	<i>Bryales</i>	<i>Bryaceae</i>	<i>Bryum</i>	4	16%
			<i>Pohlia</i>	1	4%
	<i>Grimmiales</i>	<i>Grimmiaceae</i>	<i>Grimmia</i>	3	12%
			<i>Schistidium</i>	1	4%
	<i>Hupnales</i>	<i>Hypnaceae</i>	<i>Calliergonella</i>	1	4%
	<i>Orthotrichales</i>	<i>Orthotrichaceae</i>	<i>Orthotrichum</i>	1	4%
	<i>Pottiales</i>	<i>Pottiaceae</i>	<i>Pterygoneurum</i>	1	4%
			<i>Tortula</i>	5	20%
	<i>Hupnales</i>	<i>Brachytheciaceae</i>	<i>Brachythecium</i>	2	8%
	<i>Bryales</i>	<i>Fontinalaceae</i>	<i>Fontinalis</i>	1	4%
	<i>Hupnales</i>	<i>Amblystegiaceae</i>	<i>Hygroamblystegium</i>	1	4%
			<i>Amblystegium</i>	1	4%
	<i>Funariales</i>	<i>Funariaceae</i>	<i>Funariya</i>	1	4%
<i>Polytrichales</i>	<i>Polytrichaceae</i>	<i>Polytrichum</i>	1	4%	
<i>Bryales</i>	<i>Mniaceae</i>	<i>Mnium</i>	1	4%	
1	7	11	15	25	100%

Mintaqaning turli qatlamlarida qayd etilgan 11 ta oiladan eng katta xilma-xillikka *Pottiaceae* (6 tur), *Bryaceae* (5 tur), *Grimmiaceae* (4 tur), *Amblystegiaceae* (2 tur) *Brachytheciaceae* (2 tur) *Hypnaceae*, *Orthotrichaceae*, *Funariaceae*, *Polytrichaceae* *Fontinalaceae*, *Mniaceae* oilalari bittadan turni o'z ichiga oladi.

Tadqiqot davomida hududning yo'sinlarni turlar tarkibini aniqlash bilan bir qatorda substrat guruhlari va dominant oilalari, namlikka munosabatiga ko'ra tur tarkibi, balandlik va muhitga ko'ra tarqalishi shuningdek har xil substratdagi turlar va bitta substratda uchrovchi har xil turlarga mansub moxlarni uchrashi substratlarni o'rganish jarayonida ma'lum bo'ldi.

Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoyda yo'sinlarni substrat turlari bo'yicha oilalar kesimiga nisbatan qiyosiy tahliliga ko'ra **epigey** turlar 5 oila 7 turkumga mansub 12 tur, **epilit** 5 oila 5 turkumga mansub 6 tur, **epifitalar** 2 oila 2 turkumga mansub 3 tur, **epiksil** 2 oila 2 turkumga mansub 2 tur bo'lib ba'zi turlar ikkitadan ortiq substratlarda uchraganligi munosabati bilan substrat bo'yicha mutloq taksonomik tahlillar natijasini bera olmaydi (2-jadval). Bunga misol qilib, epifit va epilit *Orthotrichum cupulatum* Hoffm. ex Brid., hisoblansa, *Pterygoneurum ovatum* (Hedw.) bo'lsa epigey va epilitligini kuzatishlarda ma'lum bo'ldi, va tahlil natijalari oilalar kesimida substrat guruhlari quyidagi jadvalda keltirilgan.

2-jadval

Jum-jumsoy havzasi yo'sinlarining substratlar bo'yicha tahlili

No	Oilalar	Epigey	Epilit	Epifit	Epiksil
1	<i>Amblystegiaceae</i>	-	+	+	-
2	<i>Brachytheciaceae</i>	+	+	-	+
3	<i>Bryaceae</i>	+	+	-	-
4	<i>Pottiaceae</i>	+	+	-	-
5	<i>Hypnaceae</i>	+	+	-	-
6	<i>Mniaceae</i>	-	-	-	+
7	<i>Orthotrichaceae</i>	-	+	+	-
8	<i>Grimmiaceae</i>	+	+	-	-
9	<i>Funariaceae</i>	+	-	-	-
10	<i>Polytrichaceae</i>	+	-	+	-

Epifitik yo'sinlarning Jum-jumsoyning o'sib turgan daraxtlar po'stlog'ida poyasida *Orthotrichum cupulatum* Hoffm. ex Brid. chirigan yog'och va novdalar sirtida *Amblystegium serpens* (Hedw.) Schimp. Archalarning ildizlari ostidagi soya joylarda *Polytrichum commune* Hedw. hamda

Mniaceae vakillari uchrashi aniqlandi. Epifitlar *Ailanthus*, *Populus*, *Juglans regia* va boshqa qator bargli daraxt turlarida o'sishi aniqlandi. Bu daraxtlarda epifit yo'sinlar chim hosil qilib yoki tarqoq ko'rinish hosil qiladi, balandlik bo'yicha *Polytrichum commune* Hedw. daraxt poyasining pastki qismida uchrashi, *Amblystegium serpens* (Hedw.) turi tuproq sathidan biroz ko'tarilgan ildizlarda, kichik guruhlar hosil qiladi va kamdan-kam hollarda daraxtlar tanasida 60 sm dan yuqoriga o'sishi ma'lum bo'ldi. Bunday "cheklangan" joylashishni muhitning ya'ni daraxt po'stlog'ining o'ziga xos xususiyatlari bilan izohlash mumkin. Daraxt poyalarning 60 smdan yuqori 2 metrgacha qismida, *Orthotrichum speciosum* Hedw., *Orthotrichum cupulatum* Hoffm.ex Brid., kabi turlar uchrashi aniqlandi.

Soy bo'yidagi sernam tuproqlar, shag'alli va qumli tuproqlarda, yassi toshlar ustidagi yupqa tuproq qatlamlarida, **epigey** hisoblangan *Brachythecium rutabulum* (Hedw.) Schimp., *Bryum pallescens* Schwägr., *Bryum moravicum* Podp, *Pohlia wahlenbergii* (F.Weber&D.Mohr.), *Funaria hygrometrica* (Hedw.), *Pterygoneurum ovatum* (Hedw.), *Tortula inermis* (Brid.)Mont., *Tortula muralis* (L.ex Hedw.), *Tortula subulata* (Hedw.), *Tortula acaulon* (With.), R.H.Zander., *Tortula brivissima* (Schiffn.), *Grimmia ovalis* (Hedw.), Lindb., kabi turlarni keng tarqalganligini ko'rishimiz mumkin.

Epilit yo'sinlar sifatida o'rganilgan hududda yaylovlarning toshli substratlarida quyidagi turdagi yo'sinlar qayd etildi, bularga misol tariqasida *Hygroamblystegium tenax* (Hedw.) Jenn., *Bryum turbinatum* (Hedw.) Turner., *Bryum arcentum* (Hedw.), *Brachythecium salebrosum* (Hoffm. ex F.Weber & D.Mohr) Schimp., *Pterygoneurum ovatum* (Hedw.), *Grimmia ovalis* (Hedw.) Lindb., *Grimmia elatior* Bruch ex Bals.-Criv.&De Not., kabi turlarni keltirishimiz mumkin bu turlarning barchasi epilit bo'lishiga qaramasdan namlikka munosabatiga ko'ra ham bir biridan farqlanishi aniqlandi. Bunday epilitlar masalan kichik oqar suvlar yaqinidagi toshlar sathida guruh hosil qilsa ayrimlari doimiy namlik bilan to'yinmagan toshlarda o'sishi kuzatildi.

Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoy hududidagi mavjud turlar namlikka munosabatiga ko'ra tahlil qilinganida quyidagi xulosaga kelindi (3-jadval).

3-jadval.

Yo'sinlarning namlikka munosabatiga ko'ra tahlili

№	Ekologik guruhlar	Turlar soni	% hisobida
1	Gidrofit	1	4%
2	Mezogigrofit	6	24%
3	Mezofit	7	28%
4	Kseromezofit	6	24%
5	Kserofit	5	20%
Жами:		25	100%

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, eng yuqori ko'rsatgichlarni mezofit yo'sinlar egallasa eng kam ko'rsatgichda esa gidrofit tur *Fontinalis hypnoides* C.J.Hartman. (*Fontinalis tenella* (Cardot)) ekanligi ma'lum bo'ldi. Bu tur uncha katta bo'lmagan oqar suvlarning suv to'planadigan yoki sizot suvlar kelib ko'lmaklar hosil qilgan doimo zax yerlardagi ko'lmak suvlarda uchrashi ma'lum bo'ldi.

Yo'sinlar asosan qaysi ekologik guruhga kirmasin ko'payish vaqti aynan namgarchilik etarli bo'lgan vaqtda amalga oshadi, va nasllar gallanishini taminlaydi. Yo'sinlar quruq tuproq sharoitida "nobud bo'lgan" bo'lib ko'rinsada namgarchilik yetarli bo'lgan vaqtda vegetatsiyasini juda tez tiklaydi.

Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoy hududidagi o'simlik qoplamida biz yo'sinlarning substratlarini ham o'ziga xos xususyatlarini ko'rdik. Jumladan: toshli substratlar; tosh yoriqlarida o'sdigan yo'sinlar, yerdan ko'tarilgan toshlardagi yo'sinlar, tog' jinslaridagi yo'sinlar aniqlandi.

Epifit yo'sinlarda; daraxtlar va butalarning o'sib chiqqan asosiy poyalarda, yer yuzasidagi ildizlarida, chirigan yog'ochda yoki nobud bo'lgan novdalar sathida, o'suvchi yo'sinlar guruhlari ma'lum bo'ldi.

Har bir guruh floristik va ekologik-senotik printsiplarga asoslanadi. Yo'sinlarning har bir ekologik-senotik guruhlanishi (jamoasi) yo'sinlarning o'ziga xos noyob kompleksiga ega va ma'lum ekotop bilan chegaralanadi. Agar o'xshash ekologik sharoitlar mavjud bo'lsa, unda turli xil uyushmalarda bir xil yo'sinlar o'sish muhiti paydo bo'lishi mumkin. Tadqiqot davomida, Shimoliy

Turkiston tizmasida Jum-jumsoy havzasi uchun endemik tur *Bryum turbinatum* (Hedw.) Turner., substrat xususiyatiga ko'ra epilit, namlikka munosabatiga ko'ra gigrofit tur (2-rasm) hisoblanadi.



2-rasm. *Bryum turbinatum* (Hedw.) Turner.

Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoyning substrat guruhlarini o'rganishda olingan natijalarga asoslanib, ko'rib chiqilgan substrat guruhlarini o'ziga xos xususiyatlari taqqoslandi. Yani har bir substrat guruhlarida uchrovchi asosiy turlar bir biridan ajralib turishi aniqlandi va oilalar kesimida substrat guruhlar farqlandi. Epigey yo'sinlarning yetakchi oilalari mavqeyi boshqa substrat guruhlar bryoflorasidan ancha farq qilib, *Pottiaceae* va *Bryaceae* oilalari vakillari yuqori o'rinlarni egalladi.

Epilit yo'sinlarda esa bu ko'rsatgich *Bryaceae*, va *Grimmiaceae* oilalari vakillari ustunlik qiladi agar bu ikki oilani umumiy taqqoslaganda, *Grimmiaceae* oilasining turlar tarkibi epilit xususiyatiga ko'ra ustunlik qilishi kuzatildi, demak *Grimmiaceae* oilasi tur tarkibi kam bo'lsada mavjud vakillari epilitligi bilan *Bryaceae* oilasidan ajralib turadi. Shu bilan birga, substrat yo'sinlarning florasida namlikka munosabati ham farq qilib kserofitlarga nisbatan mezofit turlarning keng tarqalganligi qayd etilgan. Shuningdek epiksillar, epifitlar va epilitlarning bryoflorasida mezofit yo'sinlar keng tarqalgani ma'lum bo'ldi. Shuningdek o'rganilgan hududning epilit yo'sinlar orasida kserofit turlar yetakchi ekologik guruhni hosil qilishi aniqlandi.

Xulosa: Tadqiqotlar davomida, Shimoliy Turkiston tizmasi Jum-jumsoy hududida uchrovchi yo'sinlarni o'rganish jarayonida hudud uchun 11 oilaga mansub 15 turkum 25 ta tur borligi ilk bor aniqlandi. Turlar tarkibi substratga ko'ra tahlil qilinganida epigeylar 12 tur 50% ga yaqin, epilit yo'sinlar 7 tur 30% ni, epifit yo'sinlar 3 tur 12%, epiksil yo'sinlar esa 2 tur 8% atrofida ekanligi ma'lum bo'ldi. Namlikka munosabatiga ko'ra, asosan mezofitlar 7 tur 28% bo'lsa va mezogigrofit, kseromezofitlar teng miqdorda 6 tadan turi bo'lib 48% ni tashkil qilsa, kserofit turlar 5 ta bo'lib 20% hosil qiladi va bitta gigrofit tur *Fontinalis hypnoides* C.J.Hartman. 4% ekanligi aniqlandi. Hudud uchun o'ziga xos morfo-anatomik xususiyati bilan ajralib turuvchi gigrofit epilit endemik tur *Bryum turbinatum* (Hedw.) Turner. uchrashi (67.842707-39.680942) aniqlandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROYHATI:

1. Абрамов И.И., Волкова Л.А. Определитель листостебельных мхов Карелии// Arctoa. -1998. Т.7, Прилож.1. - 390 с.
2. Бардунов Л. В. Древнейшие на суше. Новосибирск: Наука, 1984. - 157 с.
3. Васильев А.Н., Белова Н.В. Экологический анализ бриофлоры г. Красноярска// Ботанические исследования в Азиатской России. Мат. XI съезда Русского ботанического общества. Барнаул, 2003. -С. 200-201.
4. Игнатов М.С., Игнатова Е.А. Флора мхов средней части европейской России. Том. 1. Sphagnaceae-Hedwigiaceae. М., 2003. С. 1-608.
5. И. В. Чернядьева, Жалов Х.Х. Новые находки мхов в республике Ўзбекистан. 1. Журнал. Новости систематики низших растений 53(2): 431–479. 2019.
6. Маматкулов У.К., Байтулин И.О., Нестерова С.Г. Мохообразные Средней Азии и Казахстана. Алматы, 1998. С. 1- 230.
7. Савич-Любичкая Л.И., Смирнова З. Н. Определитель листостебельных мхов СССР. Верхоплодные мхи. Издательство «Наука» Ленинград. 1970. С. 1-891.
8. Ignatov M.S. Check-list of mosses of east Europe and northe Asia / MIS. Ignatov, M.O. Afonina, E.A. Ignatova // Arctoa, 152006. P. 1-130.
9. fieldguide.mt.gov

(<http://fieldguide.mt.gov/speciesDetail.aspx?elcode=NBMUS66010>)

10. WIKIMEDIA COMMONS

(https://commons.wikimedia.org/wiki/Category:Microscopic_images_of_Bryidae?uselang=uz-latn)

UO'K 633.822:631.524.82/86:581.1.

MENTHA PIPERITA L - QALAMPIR YALPIZ O'SIMLIGINI O'SISH DAVRI BO'YICHA BAHOLASH

Z.B.Alloberganova, dotsent, Urganch davlat universiteti, Urganch

S.I.Abdullayeva, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Z.B.Isayeva, talaba, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada *Mentha piperita* L - qalampir yalpiz o'simligini o'sish davri bo'yicha baholash ishlari olib borilgan bo'lib, fenologik ko'rsatkichlari asosida vegetatsiya davri davomiyligi o'rganilgan va shu o'simlikni fenologik spektri keltirilgan.

Kalit so'zlar: fenologik spektr, vegetatsiya davri, dekada, yetilish fazasi, generativ novda, ontogenez, tinim holati, o'sish.

Аннотация. В данной статье оценивается период роста растения мяты *L-перечной Mentha piperita*, изучается продолжительность вегетационного периода на основе фенологических параметров и представлен фенологический спектр этого растения.

Ключевые слова: фенологический спектр, вегетационный период, декада, фаза созревания, генеративная ветвь, онтогенез, покой, рост.

Abstract. This paper evaluates the growth period of the *Mentha piperita* L-pepper mint plant, studies the duration of the growing season based on phenological parameters, and presents the phenological spectrum of this plant.

Keywords: phenological spectrum, vegetation period, decade, maturation phase, generative branch, ontogeny, dormancy, growth.

O'lkamizning o'simliklar dunyosi o'zining xilma-xilligi, o'ziga xos xususiyatlari va shifobaxshligi bilan ajralib turadi. Keyingi vaqtlarda o'simliklar dunyosiga nisbatan qiziqishlar ortib, ular nafaqat qurilish material, qog'oz, mebel jihozlari, balki shifobaxsh dorivor sifatida keragicha foydalanilmoqda.

Bugungi kunda Respublikamizda dorivor o'simliklarning xalq tabobatida qo'llanilishi va farmatsevtika sohasidagi ehtiyojlarni qondirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Ayniqsa, efir moyli o'simliklarga bo'lgan talab hozirgi kunda muhim ahamiyatga ega [4].

Hozirgi vaqtda dori-darmon ishlab chiqarish tarmog'ida dorivor vositalarni tabiiylashtirish va dorivor o'simliklar xom-ashyosiga bo'lgan ehtiyojni qondirish, dolzarb vazifalardan biridir. Butunjahon Sog'liqni saqlash tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra, mavjud dori-darmonlarning 60 % ini o'simliklar xom-ashyolaridan olingan preparatlar tashkil etadi [5].

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 5-avgust 222 - sonli majlisi bayonining 3-bandida ko'rsatilgan - Dorivor o'simlikshunoslik va yangi dori vositalarini ishlab chiqarish korxonalarini tashkillashtirish uchun dorivor o'simliklarni sanoat miqyosida plantatsiyalarini yaratish, 2015-yil 20-yanvardagi №5-sonli "2015-2017-yillarda o'rmon xo'jaliklari tizimini rivojlantirish, dorivor va oziqabop o'simliklar xom-ashyosini yetishtirish, tayyorlash va qayta ishlashni yanada kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida" majlis bayonnomasi 1,12-bandida keng qo'llaniladigan dorivor o'simliklar plantatsiyalarini tashkil etishning ilmiy asoslangan yo'llarini aniqlash, ularning tavsifi, tarqalishi, xom-ashyosini tayyorlash va uning sifati, kimyoviy tarkibi, tibbiyotda qo'llanilish ko'rsatkichlarini yoritib berish borasida izlanishlar olib borish to'g'risida ko'rsatilgan va bu izlanishlar hozirgi kunda olib borilmoqda [1,2].

Bu o'rinda yalpizdoshlar oilasiga mansub ayrim dorivor o'simliklar istiqbolli va serqirra hisoblanib, ishning dolzarbligini ko'rsatadi.

Bu oila vakillari asosan bir yillik va ko'p yillik o't, yarimbuta, kamdan-kam tropik mamlakatlarda o'sadigan buta va daraxtlardan iboratdir. Yalpizdoshlar qabiladagi eng yirik oila bo'lib, ularning vakillari asosan issiq va mo'tadil iqlimli mamlakatlarda keng tarqalgan. Bu oilaga

200 tacha turkum, 3000 ga yaqin tur kiradi. O'rta Osiyoda 53 turkumga mansub 460 turi uchraydi. O'zbekistonda 42 turkumga oid 210 turi o'sadi. Yalpizdoshlar O'zbekistonda keng tarqalgan oilalardan bo'lib, ular foydali turlarga boyligi bilan boshqa oilalardan ajralib turadi. Yalpizdoshlar (Lamiaceae) oilasiga kiruvchi turlar O'rta Osiyoning barcha mintaqalarida tarqalgan.

Oilaga kiruvchi vakillari asosan efir moylariga boy, ba'zi vakillari sanoatda ishlatiladi. Ba'zi turlari ovqat mazasini yaxshilashda ishlatiladi. Moy beruvchi va manzarali o'simlik sifatida ekiladi. Begona o't sifatida o'sadigan vakillari ham ko'p. Yalpiz (*Mentha*) ko'p yillik, ba'zan bir yillik xushbo'y o't o'simlik. Gultojisi aktinomorf. Zax yerlarda, ariq va kanal bo'ylarida tarqalgan. Yalpizning O'zbekistonda 45 turi o'sadi. O'zbekiston florasida Osiyo yalpizi (*Mentha asiatica*) keng tarqalgan. Dala yalpizi (*Mentha arvensis*) va jingalak yalpiz (*Mentha erispe*) ekiladi. Yalpiz tarkibida efir moylari mavjud bo'lib, uning 41-65% ni mentol tashkil etadi. Mentol tibbiyotda atir upa tayyorlashda, oziq-ovqat sanoatida ishlatiladi. Yalpiz tish og'rig'ini qoldirish, bosh og'rig'ini davolash, qorin og'rig'ini davolashda ishlatiladi.

Mavrak-*Salvia*. Ko'p yillik o't yoki chala buta. O'rta Osiyo tog'larida keng tarqalgan. Gullari ikki labli, changchilari ikkita. O'zbekistonda 15 turi o'sadi.

Rayhon-*Ocimum basilicum*. Bir yillik o't o'simlik bo'lib, oq rayhon, qora rayhon, osh rayhon turlari juda mashhurdir. Rayhon manzarali va zirovar o'simlik sifatida ekiladi. Tog'jambil-*Thymus*. Dori tayyorlashda ishlatiladi. Qo'ziquloq-*Phlomis*. Ko'p yillik o'simlik bo'lib, tog' va tog' etaklarida keng tarqalgan.

Kiyik o't -*Ziziphora*. O'zbekistonda 7 xil turi tarqalgan. Ular ko'p yillik va bir yillik o'tlardan iborat. Kiyik o't tarkibida efir moylari ko'p bo'lgani uchun, ulardan dorivor va zirovar o'simlik sifatida foydalaniladi.

Yuqorida aytilganlarga asoslanib, Lamiaceae oilasiga mansub *Mentha piperita* L - Qalampir yalpiz o'simligining o'sish davri bo'yicha kuzatuvlar olib borilib, baholash ishlari amalga oshirildi.

O'sish va rivojlanish o'simlikning butun ontogenez davrini o'z ichiga oladi va ular bir-biri bilan uzviy bog'langan bo'lib, o'sish asosida rivojlanishni, rivojlanish asosida esa o'sishni ko'rish mumkin. O'sish deganda ko'pincha miqdoriy o'zgarishlar namoyon bo'ladi, bunda o'simlikni bo'yi, yo'g'onligi va massasini ortishini ko'z oldimizga keltirishimiz mumkin.

Tez o'suvchi o'simliklarning tanasi yo'g'on va yirik bo'ladi. O'sishi sekin, lekin rivojlanishi tez bo'lgan o'simliklarning tanasi ingichka, o'zlari esa kichik bo'ladi. O'sish va rivojlanish hujayra va to'qimalardagi moddalar almashinuvining jadalligiga bevosita bog'liqdir [6].

O'sish-o'simlik ontogenezining eng faol jarayonidir. Bu davrda sodir bo'luvchi barcha fiziologik-biokimyoviy jarayonlar yangi hujayralar va to'qimalarning massasini ortib borishini ta'minlaydi. O'simliklarning o'sishi uning ontogenezi davomida doimiy ravishda kuzatiladi. O'sishni faqat o'simlikning nobud bo'lishi to'xtatishi mumkin.

Tajribalarimiz davomida Xorazm viloyati Xiva tumani Chinobod qishlog'i hududida joylashgan dorivor o'simliklarni yetishtirishga ixtisoslashgan "Yaxshimurod-Nazarbek" fermer xo'jaligi dalasida yalpizdoshlar oilasiga mansub bo'lgan *Mentha piperita* L ya'ni qalampir yalpiz o'simligining fenologik ko'rsatkichlari asosida vegetatsiya davri davomiyligi o'rganildi va shu o'simlikni fenologik spektri tuzildi.

Fenologik ko'rsatkichlar o'simliklarni mavsum davomida o'sishi, rivojlanishini, gullash fazasi (g'unchalash va gullarning qurib qolungacha), mevasining hosil bo'lib, so'ng yetilishini, barglarning sarg'ayib, to'kilishi kabi davrlarni o'z ichiga qamrab oladi.

Turli xil sharoitlarda o'simliklarning fenologik davrlari ham mavsum davomida o'zgarib turadi.

Yog'ingarchilik va havoning nisbiy namligi o'simliklar jadal o'sishi va rivojlanishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Bundan tashqari fenologik kuzatishlarni o'rganishda o'simliklarning shart-sharoitlari ham katta ahamiyatga ega bo'ladi.

O'simlikning mavsumiy rivojlanish maromini o'rganish I.V. Borisova va I.N. Beydeman metodlarida bajarildi. Bunda o'simlik o'sishining boshlanishi, shoxlanish, faol o'sish, barglarning to'kilishi, generativ novdalarning o'sishi, g'unchalash, gullash, urug'larning shakllanishi, pishib

yetilishi va urug'li novdalarning qurib ketishi o'rganildi. Fenologik kuzatishlar har 5-10 kunda olib borildi [3].

Biz o'rgangan o'simlik qalampir yalpizning unib chiqish fazasi fevral oyining ikkinchi dekadasiya ya'ni 25-fevralga to'g'ri keldi. Fenologik kuzatishlardagi o'sish davri mart oyining birinchi dekadasi, ya'ni 5-martdan boshlab, iyun oyining birinchi dekadasiya ya'ni 7-iyungacha to'g'ri keldi.

Fenologik kuzatuvda qalampir yalpiz o'simligining g'unchalash fazasi mart oyining birinchi dekadasiya ya'ni 3-martgacha davom qildi.

Fenologik ko'rsatkichlaridan shu narsa ko'rinib turibdiki, o'simliklarimizning o'sish davrlari asosan iyun oyining birinchi dekadasiya boshlanib, iyul oyining birinchi dekadasiyagacha ya'ni 3-iyulgacha davom qilishi aniqlandi.

O'simlikning gullash fazasi iyul oyining birinchi dekadasiya ya'ni 4-iyuldan, avgust oyining birinchi dekadasiyagacha ya'ni 4-avgustgacha davom qilgan bo'lsa, o'simlik mevasining yetilish fazasi avgust oyining birinchi dekadasiya boshlanib, sentyabr oyining ikkinchi dekadasiyagacha, ya'ni 14-sentabrgacha davom qildi.

Bu o'simlikning barglarini sarg'ayib, to'kilib boshlashi vegetatsiya davrining sentabr oyining ikkinchi dekadasi o'rtalaridan boshlab, ya'ni 15 -sentabr oyidan, oktabr oyining ikkinchi dekadasiyagacha, ya'ni 14 - oktyabrgacha davom qilib, shu oyning ikkinchi dekadasiya 15- sanasidan boshlab tinim davriga o'tishi kuzatildi.

O'simliklardagi o'sish jadalligi asosan aprel oyidan to iyun oyigacha davom etganligi, ya'ni qolgan oylarga nisbatan shu oylarda o'sish jadalligi jadalroq bo'lishi aniqlandi.

Umuman olganda xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, agar olimlar va shifokorlar mamlakatimizdagi hali o'rganilmagan o'simliklarning xosiyatini va ta'sirini aniqlash bo'yicha tajribalar o'tkazishib, kerakli tavsiyanomalar berishsa, chet mamlakatlardan olib kelinayotgan, qimmat va ba'zan naf bermaydigan dori vositalaridan foydalanishga ehtiyoj qolmasdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. "Dorivor o'simlikshunoslik va yangi dori vositalarini ishlab chiqarish korxonalarini tashkillashtirish uchun dorivor o'simliklarni sanoat miqyosida plantatsiyalarini yaratish to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013-yil 5-avgustdagi №222-sonli majlis bayonnomasi.

2. "2015-2017-yillarda o'rmon xo'jaliklari tizimini rivojlantirish, dorivor va oziqabop o'simliklar xom-ashyosini yetishtirish, tayyorlash va qayta ishlashni yanada kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 20-yanvardagi №5-sonli majlis bayonnomasi.

3. Бейдеман И.Н. "Методика изучения фенологий растений и растительных сообществ". Новосибирск, "Наука", 1974, 153 стр.

4. Murdaxayev Yu. "O'zbekistonda vatan topgan dorivor o'simliklar". Toshkent, "Fan", 1990, 75 bet.

5. Xolmatov X.X. "Dorivor o'simliklar". Toshkent, "Ibn Sino", 1994, 365 bet.

6. Xo'jayev J. "O'simliklar fiziologiyasi". Toshkent, "Mehnat" 2004, 223 bet.

UO'K 576.57.085.23

KARTOSHKKA (*SOLANUM TUBEROSUM L.*) RNKi LINIYALARINI EKSPANTLAR VA SITOKININLARGA BOG'LIQ HOLDA *IN VITRO* SHAROITIDA O'SISHI VA RIVOJLANISHI

F.I. Babadjanova, doktorant, O'zR FA Genomika va bioinformatika markazi, Toshkent

H.A. Ubaydullayeva, DSc, b.f.d., O'zR FA Genomika va bioinformatika markazi, Toshkent

Z.T. Buriev, DSc, b.f.d., O'zR FA Genomika va bioinformatika markazi, Toshkent

Sh.A. Sultanova, kichik ilmiy xodim, O'zR FA Genomika va bioinformatika markazi, Toshkent

J.B. Eshmurzayev, kichik ilmiy xodim, O'zR FA Genomika va bioinformatika markazi, Toshkent

A.A. Bolqiyev, doktorant, O'zR FA Genomika va bioinformatika markazi, Toshkent

Annotatsiya. Kartoshka (Solanum tuberosum L.) RNKi liniyalarini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda in vitro sharoitida o'sishi va rivojlanishi intensivligiga ta'siri o'rganildi. Osimlikning o'rta qismi eksplantlari kinetin miqdori 5 mg/l bo'lgan muhitda o'stirilganda intensiv

rivojlanib borishi aniqlandi. Mikrotuganak hosil bolish jarayonlari 5 mg/l kinetinli muhitda apikal qismiga nisbatan o'rtta va bazal qismida mikrotuganak hosil bo'lishi intensivligi oshdi.

Kalit so'zlar: *Solanum tuberosum*, kartoshka, RNKi liniya, eksplant, mikrotuganak, *in vitro*, kinetin, BAP.

Аннотация. Изучено влияние эксплантов и цитокининов на интенсивность роста и развития линий РНКи картофеля (*Solanum tuberosum* L.) в условиях *in vitro*. Было обнаружено, что из экспланты микрочеренков средней части растения интенсивно развиваются при выращивании в среде с содержанием кинетина 5 мг/л. Процессы образования микроклубней в среде с кинетином 5 мг/л интенсивнее в случае с микрочеренками, средней и базальной части, чем апикальной.

Ключевые слова: *Solanum tuberosum*, картофель, РНКи линия, эксплант, микроклубни, *in vitro*, кинетин, БАП.

Abstract. In this study, the RNAi potato (*Solanum tuberosum* L.) explant lines was assessed the affect cytokinin on regeneration and development process. It was observed that plantlets derived from internode stems demonstrated high intensive growth development when the medium was supplemented with kinetin 5 mg / l. Tuberation process supplementing with kinetin 5 mg / l from (nodal segment and sprout) nodal cutting showed better microtuber formation than apical meristem.

Key words: *Solanum tuberosum*, potato, RNAi line, explant, microtuber, *in vitro*, kinetin, BAP.

Kirish. Hozirgi vaqtda kartoshka biotexnologiyasi soxasida ko'plab olimlar tomonidan ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilmogda. Kartoshka o'simligini *in vitro* mikroklonli ko'paytirish usullari bilan sog'lomlashtirilgan urug'lik materiallarini yaxshilash usublari ishlab chiqilgan [1]. Sun'iy sharoitda normal shakllangan o'simliklarning rivojlanishi ko'plab omillarga bog'liq bo'lgan jarayondir. Xar bir jarayonning tabiati va intensivligi *in vitro* kulturalash sharoitiga hamda eksplant turlariga bog'liq [2]. O'sish va rivojlanish jarayonlariga ta'sir qiluvchi asosiy omillardan biri bu fitogormonlar yoki fiziologik faol moddalardir. *In vitro* sharoitida hujayralar, to'qimalar yoki o'simliklarning organlari ekzogen ravishda kiritilgan o'sish regulyatorlarini talab qiladi. Bundan tashqari, fitogormonlar yoki fiziologik faol moddalarning nisbati o'stirish ob'ekti bo'lgan rivojlanish darajasiga va yetishtirishning yakuniy maqsadi nima bo'lishiga qarab juda aniq bo'lishi kerak. Ayni paytda turli xil o'simliklarning turli xil eksplantlarini yetishtirish bo'yicha aniq tavsiyalar mavjud emas. Morfogenez jarayonlarini induksiya qilish bo'yicha ko'plab olimlar tadqiqotlarini umumlashtirishga urinishlar bo'lgan, ammo asosiy qo'llanma tariqasida, gormonlarning kurtaklar hosil bo'lishiga va ildiz hosil bo'lishiga ta'sirining umumiy qoidalari yo'qligi ta'kidlangan [2].

Kartoshka urug'lik materialining sifati haqida gap ketganda, viruslarning ildiz mevalarida to'planishi yildan-yilga hosildorlikning pasayishiga va navlarning degeneratsiyasiga olib kelishi bilan belgilanadi. Kartoshkada urug'larining degeneratsiyasi virusli kasalliklar nafaqat vegetativ ko'payish paytida yuqadigan, balki nasldan – naslga to'planib boradigan fiziologik o'zgarishlarga olib kelishi bilan bog'liq. Shuning uchun kartoshkaning urug' materialini olish uchun sog'lomlashtirish usullaridan foydalanish kerak. Kartoshka biotexnologiyasi sohasidagi eng dolzarb muammolardan biri bu mikrotuganak hosil bo'lish jarayonini tartibga solishdir. Hozirgi vaqtda *in vitro* sharoitida apikal meristemalarni yetishtirish va mikrotuganaklar olish usuli asosida kartoshka urug'lik materialini yetishtirish iqtisodiy jihatdan samarali hisoblanadi. Bizning tadqiqotlarimizda kartoshkaning (*Solanum tuberosum* L.) fitoxrom B geni asosida RNKi texnologiyasi orqali olingan yangi biotexnologik liniyalarini mikroklonli ko'paytirish va mikrotuganaklar olish jarayonlari bo'yicha tadqiqotlar amalga oshirildi. Shunday qilib, ushbu tadqiqot ishning maqsadi eksplant va ekzogen sitokininlarning fiziologik holati o'rtasidagi munosabatni o'rganish asosida o'simliklarning ko'payishi va mikrotuganaklar ishlab chiqarishni birlashtirgan holda viruslardan holi sog'lomlashtirilgan urug'lik materiallarini yetishtirishning eng samarali usulini ishlab chiqish.

Tadqiqot ob'ekti va usublari. O'simlik material: Tadqiqot ob'ekti sifatida Genomika va bioinformatika markazininig Transgenomika va to'qimalar kulturasi laboratoriyasida kartoshkaning fitoxrom B geni asosida RNK interferentsiya texnologiyasi orqali olingan yangi biotexnologik RNKi liniyalari (RNKi 75-liniya; RNKi 85-liniya; RNKi 86-liniya; RNKi 126-liniya; RNKi 149-liniya;

RNKi 150-liniya; RNKi 151-liniya) tanlab olindi. Tanlab olingan liniyalarga ekzogen sitokininlarning fiziologik holati o'rtasidagi munosabatni aniqlash uchun eksplantlar uch turga bo'ldi: bazal, o'rta va apikal qismi mikroqalamchalariga. Eksplantlar quyidagi tarkibdagi ozuqa muhitida o'stirildi: Murashiga va Skoog tuzlar, Gamborg B5 vitaminlari, saxaroza - 8%, agar-agar - 0,7%, kinetin 5 mg/l va BAP 10 mg/l. O'simlik materialini kulturalash uchun xona harorati 20-22°C, fotodavrda 16:8, yorug'lik 2000-3000 lyuks bo'lgan holatda o'stirildi.


Tajriba natijalari va muhokamalar. Yuqorida aytib o'tilganidek, hozirgi vaqtda virussiz kartoshka urug'lik materialini olish va ko'paytirishning eng samarali usuli hujayra texnologiyalari uslubiga asoslangan. Kartoshkani mikroklonli kopaytirishning eng ko'p qo'llaniladigan usuli yon kurtaklardan meristemalar paydo bo'lishiga asoslangan. Asosan bu mikroqalamchalash usuli steril sharoitda virussiz o'simliklarni sun'iy oziqlantirish bilan amalga oshiriladi. Ko'plab olimlarning izlanishlari natijasida sitokininlar yuksak o'simliklarning o'sishi va rivojlanishida eng muhim rol o'ynashi aniqlandi [3]. Sitokininlar hujayraning bo'linishini [4], barglarning keksayishini, apikal dominantlikni, [5-6], ildiz tizimini rivojlanishini [7], reproduktiv funksiyalarni boshqarishda ishtirok etishi aniqlandi [8]. Shuningdek, sitokininlar meristem faolligini tartibga solish bilan bevosita bog'liqligi [9] va atrof-muhit omillariga javoban metabolizm va morfogenetik jarayonlarning modulyatsiyasi bilan bog'liq. Izolyatsiya qilingan hujayralar, to'qimalar va organlarni o'stirish jarayonida morfogenetik jarayonlarni maqsadga muvofiq tartibga solish faqat ma'lum bir jarayonni faollashtiradigan yoki to'xtatadigan (ingibiraydigan) o'ziga xos mexanizmlar aniqlanganda ijobiy natijalarga erishish mumkin bo'ladi. Shuning uchun ham hozirgi vaqtda sitokininlarning tuzilishi va ularning tartibga solish faoliyati o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganishga ko'proq e'tibor qaratilmoqda.

Tadqiqot ishining maqsadi kartoshkaning fitoxrom B geni asosida RNK-interferentsiyasi yordamida olingan biotexnologik liniyalariga turli xil sitokininlarning *in vitro* sharoitida o'simliklarining yon kurtaklari regenerativ faolligiga ta'sirini aniqlash. Bir xil genotipga ega kartoshka liniyalarini *in vitro* ko'paytirish jarayonida turli hil sitokininlarning morfofiziologik jarayonlarning induksiyasiga ta'sirini aniqlash sitokininlarning ta'sir mexanizmini tushunishga yaqinroq yondashishga imkon beradi va shu bilan aniq maqsadga yo'naltirilgan imkoniyat yaratadi hamda o'simliklarning o'sishi va rivojlanish jarayonlarini tartibga soladi. Eksplant sifatida olingan 28 kunlik o'simlik liniyalarini apikal, o'rta va bazal qismi mikroqalamchalaridan foydalanildi.

Mikroklonli ko'paytirish jarayonining asosiy muhim jihatlari - barg plastinkasi va yon kurtak bilan poyaning qismlari, hosil bo'lgan mikrotugunaklar soni. Ko'payish intensivligi rivojlanishi davomida hosil bo'lgan mikrotugunaklar soniga bog'liq bo'lgani uchun sitokininlarning ta'siri ham ushbu parametr bilan baholandi. Eksplantlar kopaytirishning 28-kunida sitokininlarning har xil konsentratsiyasi asosiy poyaning rivojlanishiga ta'sirini aniqlash natijalari quyidagi diagrammada keltirilgan (1-diagramma).

1-diagramma

Kartoshka RNKi liniyalarini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda o'sish intensivligi




*Nazorat - o'sish regulyatorlari bo'lmagan ozuqa

Kartoshka RNKi liniyalarini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda o'sish intensivligini

o'rganish natijasida 5 mg/l kinetinli ozuqada o'simlik o'rta qismi eksplantidan ekilgan o'simlik bo'yi yuqori ko'rsatkich 8,3 sm va bo'g'imlar soni 8 tani tashkil qildi. O'simlik apikal qismi eksplantidan ekilgan o'simlik bo'yi past ko'rsatkich 4,0 sm va bo'g'imlar soni 5,05 tani tashkil qildi. 10 mg/l BAP ozuqada o'simlik ildiz qismi eksplantidan ekilgan o'simlik bo'yi yuqori ko'rsatkich 3,27 sm va bo'g'imlar soni 3,07 tani tashkil qildi. O'simlik apikal qismi eksplantidan ekilgan o'simlik bo'yi past ko'rsatkich 2,7 sm va bo'g'imlar soni 1,71 tani tashkil qildi. Nazorat - o'sish regulyatorlari bo'lmagan ozuqa muhitida o'simlik ildiz qismi eksplantidan ekilgan o'simlik bo'yi 2,17 sm va bo'g'imlar soni 2,18 tani tashkil qildi. O'simlik o'rta qismi eksplantidan ekilgan o'simlik bo'yi 2,14 sm va bo'g'imlar soni 2,31 tani tashkil qildi. O'simlik apikal qismi eksplantidan ekilgan o'simlik bo'yi past ko'rsatkich 1,34 sm va bo'g'imlar soni 1,07 tani tashkil qildi.

2-diagramma


Kartoshka RNKi liniyalarini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda ildiz tizimini rivojlanish intensivligi



*Nazorat - o'sish regulyatorlari bo'lmagan ozuqa

3-diagramma

Kartoshka RNKi liniyalarini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda mikrotuganaklar hosil bolish intensivligi



*Nazorat - o'sish regulyatorlari bo'lmagan ozuqa

Kartoshka RNKi liniyalarini ildiz tizimining rivojlanishini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda rivojlanishi tahlil qilindi (2-diagramma). 5 mg/l kinetinli ozuqada o'simlik o'rta qismi eksplantidan ekilgan o'simlik ildizi uzunligi yuqori ko'rsatkich 6,68 sm va ildizlar soni 8,62 tani tashkil qildi. O'simlik apikal qismi eksplantidan ekilgan o'simlik ildizi uzunligi 2,08 sm va ildizlar soni 3,9 tani tashkil qildi. 10 mg/l BAP ozuqada o'simlik ildiz qismi eksplantidan ekilgan o'simlik ildizi yuqori ko'rsatkich 3,84 sm va ildizlar soni 3,64 tani tashkil qildi. O'simlik apikal qismi eksplantidan ekilgan o'simlik ildizi past ko'rsatkich 2,78 sm va ildizlar soni 2,5 tani tashkil qildi. Nazorat - o'sish regulyatorlari bo'lmagan ozuqa muhitida o'simlik ildiz qismi eksplantidan ekilgan o'simlik ildiz uzunligi 1,85 sm va ildizlar soni 1,5 tani tashkil qildi. O'simlik o'rta qismi eksplantidan

ekilgan o'simlik ildizi uzunligi 1,3 sm va ildizlar soni 1,15 tani tashkil qildi. O'simlik apikal qismi eksplantidan ekilgan o'simlik ildiz uzunligi past ko'rsatkich 1,22 sm va ildizlar soni 1,11 tani tashkil qildi.

Tajribalarimizning keyingi qismida eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda mikrotuganaklar hosil bo'lish jarayoniga ta'siri o'rganildi (3-diagramma). Mikrotuganaklar hosil bo'lish jarayoniga yuqori ko'rsatkich o'simlik o'rta qismi eksplantidan 5 mg/l kinetinli ozuqada ekilgan o'simliklarda mikrotuganaklar soni 0,84 tani, 10 mg/l BAP ozuqada 0,8 tani va nazorat - o'sish regulyatorlari bo'lmagan ozuqa muhitida 0,78 tani tashkil qildi. Mikrotuganaklar hosil bo'lish jarayoniga past ko'rsatkich o'simlik apikal qismi eksplantidan 5 mg/l kinetinli ozuqada ekilgan o'simliklarda mikrotuganaklar soni 0,18 tani, 10 mg/l BAP ozuqada 0,11 tani va nazorat - o'sish regulyatorlari bo'lmagan ozuqa muhitida 0,07 tani tashkil qildi.

Xulosa. Tadqiqot natijalarini xulosa qiladigan bo'lsak Kartoshka RNKi liniyalarini eksplantlar va sitokininlarga bog'liq holda rivojlanishida yaxshi ko'rsatkich 5 mg/l kinetinli ozuqada o'simlik o'rta qismi mikroqalamchalaridan foydalanilganda yuqori ko'rsatkichga erishildi. Mikrotuganak hosil bolish jarayonlari 5 mg/l kinetinli muhitda apikal qismlariga nisbatan o'rta va ildiz qismiga yaqin joylashgan mikroqalamchalarda mikrotuganak hosil bo'lishi intensivligi oshdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Thorpe T. A. Somatic embryogenesis: morphogenesis, physiology, biochemistry and molecular biology // J.: Korean J. Plant Tiss. Cult., 2000. - № 27.
2. Werner T., Motyka V., Strnad M., and Schmulling T. Regulation of plant growth by cytokinin // Acad. Sci. USA, 2001. - № 98. - P. 10487-10492.
3. Joseph J. Kieber and G. Eric Schaller. (2010). The Perception of Cytokinin: A Story 50 Years in the Making. Plant Physiology 154:487-492.
4. Ioio RD, Nakamura K, Moubayidin L, Perilli S, Taniguchi M, Morita MT, Aoyama T, Costantino P and Sabatini S (2008) A genetic framework for the control of cell division and differentiation in the root meristem. Science 322:
5. Gordon SP, Chickarmane VS, Ohno C and Meyerowitz EM (2009) Multiple feedback loops through cytokinin signaling control stem cell number within the Arabidopsis shoot meristem. Proc Natl Acad Sci USA 106: 16529-16534.
6. Gan, S., and Amasino, R.M. Inhibition of leaf senescence by autoregulated production of cytokinin. Science (1995). 270, 1986-1988.
7. Nishimura C, Ohashi Y, Sato S, Kato T, Tabata S and Ueguchi C (2004) Histidine kinase homologs that act as cytokinin receptors possess overlapping functions in the regulation of shoot and root growth in Arabidopsis. Plant Cell 16:
8. Werner, T., Motyka, V., Strnad, M., and Schmulling, T. (2001). Regulation of plant growth by cytokinin. Proc. Natl. Acad. Sci. USA 98, 10487-10492.
9. Matsumoto-Kitano M, Kusumoto T, Tarkowski P, Kinoshita-Tsujimura K, Vaclavikova K, Miyawaki K and Kakimoto T (2008) Cytokinins are central regulators of cambial activity. Proc Natl Acad Sci USA 105: 20027-20031

UO'K:59/595.752

QIRGULI SANOAT ISHLAB CHIQRISH MAJMUALARI HUDUDI ATROFIDAGI MEVALI BOG'LARDA *ERIOSOMA LANIGERUM* HAUSM SHIRASINING BIOEKOLOGIK XUSUSIYTLARI

*G'aniev K.X., b.f.n., dots., Farg'ona davlat universiteti, Farg'ona
Mirzaliev A.M., stajyor-tadqiqotchi, Farg'ona davlat universiteti, Farg'ona*

Annotatsiya. Maqola ayni kunlarda dolzarb ekologik muammo bo'lib qolayotgan atrof-muhit ifloslanishi bilan bevosita bog'liq hisoblanadi. Mazkur maqolada texnogen hudud sharoitida *E.lanigerum* shirasining mavsumiy rivojlanishi, hayotiy sikli va populyatsiya zichligi kabi xususiyatlari alohida tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: o'zgaruvchanlik, morfometrik, populyatsiya, texnogen, shira, asoschi, transformatsiya, differentsiallanish, bioindikatsiya, afidoindikatsiya.

Аннотация. Статья напрямую связана с загрязнением окружающей среды, которое до сих пор является серьезной экологической проблемой. В данной работе отдельно изучаются такие характеристики тли *E.lanigerum*, как сезонное развитие, жизненный цикл и плотность популяции в условиях антропогенной зоны.

Ключевые слова: изменчивость, морфометрические, популяция, техногенный, тля, основатель, трансформация, дифференциация, биоиндикация, афиоиндикация.

Abstract. The article is directly related to environmental pollution, which is still a serious environmental problem this days. In this article, the characteristics of *E.Lanigerum* aphid such as seasonal development, life cycle and density in the conditions of man-made zone are researched separately.

Key words: variability, morphometric, population, man-made, aphid, founder, transformation, differentiation, bioindication, aphidoindication.

Texnogen hududlar sharoitida shiralarning o'zgaruvchanlik xususiyatlarini o'rganishga bag'ishlangan ilmiy-tadqiqotlar chegaralangan bo'lsada, lekin atrof-muhit ifloslanishining hasharotlar faunasi va morfologik o'zgaruvchanligiga ta'siri nisbatan kengroq tadqiq etilgan. Ya.Golmanning ta'kidlashicha, noqulay sharoitda shiralarning o'lchamlari maydalashib, ularning morfometrik qiymatlari o'rtasidagi farqlanish kuchayib borishi mumkin [1].

Hasharotlarning populyasiyalari kimyoviy zaxarlarga oson moslashadi va ular 1-2 mavsumdayoq bir muncha chidamli bo'g'in berishi qayd etilgan [2,3]. K.Richter va B.Klausnitzer tadqiqotlarida atrof-muhitning ifloslanishi shiralarning morfometrik qiymatlarining o'zgarishiga sabab bo'lishi mumkinligi izoxlangan. Mualliflarning ta'kidlashicha, texnogen ifloslanish natijasida *Aphis sambuci* L. shirasi boshining eni, son va boldir, mo'ylov bo'g'imlari, dumcha va shira naychasi uzunliklari sezilarli o'zgargan [4].

Mavsumiy rivojlanishi. Tadqiqot natijalariga ko'ra *E.lanigerum* shirasining Qirguli sharoitidagi mavsumiy rivojlanishi boshqa hududlarga nisbatan sezilarli farq qiladi. Jumladan, Qirguli hududida tarqalgan shiralar qolgan hududdagi shiralarga nisbatan dastlabki uyqudan uyg'onish holati o'rtacha 12 kun ertaroq va keyingi bo'g'inlarning 1-3 kun erta voyaga etishi bilan ajralib turadi.

Qirguli sharoitda *E.lanigerum* shirasini lichinka va voyaga yetgan formalarining qishki uyqudan uyg'onishi fevral oyining oxiri va mart oylarida ro'y beradi. Masalan, ushbu hududda 2020 yil fevral oyining oxirlariga kelib, harorat +15⁰C ga qadar ko'tarilib bordi va shiralarning dastlabki qishki uyqudan uyg'onish holati (25.02.20) aniqlandi. 2019 yilda esa uyqudan uyg'onish holati mart oyida (7.03.19) qayd etilgan edi. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, Qirguli sharoitida ham boshqa hududlardagi kabi tuxumlarning qishlab chiqishi kuzatilmadi.

Ekotopik sharoitlarga bog'liq holatda *E.lanigerum* turining voyaga yetgan formalari qishki uyqudan uyg'ongandan so'ng ko'p o'tmay tirik tug'ib, ko'paya boshlaydi va oradan 6-10 kun o'tgach, birinchi bo'g'in lichinkalarni qayd etish mumkin. Mazkur avlodning dastlabki namunalari 2019 yilda martning o'rtalari (14.03.19), 2020 yilda esa oyning birinchi o'n kunligida (6.03.20) qayd etildi. Qirgulida *E.lanigerum* shirasining ko'payishi birmuncha jadal ketdi. Shuning uchun ham shira populyatsiyalari sezilarli darajada ertaroq shakllandi. Ushbu holat 2019 yil mart oyining oxirgi besh kunligida (27.03.19) kuzatilgan bo'lsa, 2020 yil mart oyining o'rtalarida (16.04.20) aniqlangan.


Mart oyining oxiri, aprelning ikkinchi o'n kunligi davomida shiralar to'dalari, asosan, qanotsiz tirik tug'uvchi formalardan iborat bo'lgan. Bir vaqtning o'zida ularning qishlab chiqqan lichinkalari ham voyaga yeta boshlaydi. Aprel oyining ikkinchi yarmiga o'tgach, shiralarning populyatsiya zichligi ortib boradi va dastlabki nimfalar uchray boshlaydi. Asoschilarning birinchi bo'g'ini va nimfalar dastlabki qayd etilgan vaqt orasidagi muddat 15-20 kuni tashkil etadi. Masalan, nimfalar 2019 yilda 10-12 aprel oralig'ida, 2020 yilda esa aprelning oxirlarida (26-28.04.20) kuzatilgan. Nimfalarning rivojlanishi ancha tez ketib, bu jarayon Qirguli sharoitida 3 kundan 7 kungacha davom etdi. Shundan so'ng qanotli shiralar chiqa boshladi.

Qirgulida dastlabki tirik tug'uvchi qanotli urg'ochi shiralarning uchrashi aprel oyining ikkinchi yarmiga to'g'ri keldi. Jumladan, ular 2019 yilda aprel oyining 16-kuni, 2020 yilda esa kechroq, may oyining boshlarida (5.05.20) kuzatildi. Qanotli formalar mavsum davomida uchraydi. Boshqa hududlardan farqliroq, Qirgulida *E.lanigerum* shirasining mavsumiy rivojlanishi ertaroq tugallandi.

Qirguli sharoitida amfigon bo'g'in shiralari 2019 yilda nisbatan ertaroq, ya'ni oktyabrning dastlabki kunlarida (02-04.10.19) aniqlandi. Ularning tuxum qo'yish davri 18 oktyabrdan 8 noyabrga

qadar davom etgan. 2020 yilda bu jarayon biroz kechroq kuzatildi, ya'ni 18 oktyabrda dastlabki jinsiy bo'g'in shiralari qayd etildi. Ularning tuxum qo'yish davri 28 oktyabrdan 12 noyabrga qadar davom etishligi kuzatildi. Shiralarning hayoti noyabrning o'rtalariga qadar davom etadi. Masalan, 2019 yilda oxirgi namunalar shu oyning 8-kuni olingan bo'lsa, 2020 yilda 14-kuni aniqlandi.

Hayotiy sikli. *E.lanigerum* shirasining hayot sikli nisbatan qisqa muddatga to'g'ri keladi. Bu hududda uning hayotiy sikli 5 kundan 18 kunga qadar erta boshlanadi va 1-1.5 oygacha erta tugallanadi.



***E.lanigerum* shirasining olma o'simligidagi hayotiy sikli**

Izoh: ● –tuxumlari; — - nobud bo'lgan tuxum; — -qishlayotgan lichinka va voyaga yetgan holdagi shira; *f*-lichinkalar; *v*-voyaga yetgan qanotli va qanotsiz urg'ochi tirik tug'uvchi shiralari; 1, 2, 3... – bo'g'inlar soni; I, II, III... - oylar; chiziqchalarning yo'g'onlik darajasi shiralarning muayyan miqdor zichligini hamda chiziqchalarning uzunligi bo'g'inlarning rivojlanishi uchun zarur bo'lgan muddatni ifodalaydi.

Bu holat Qirguli sharoitida olma daraxti vegetatsiyasining erta tugallanishi bilan bog'liq. Chunki hududdagi noqulay ekologik sharoit tufayli yozning o'rtalariga kelib, daraxtlarning barglari sarg'ayib to'kila boshlaydi. Birinchi bo'g'inning rivojlanishi aprelning dastlabki kunlaridan boshlanib, hayot sikli oktyabr oyining boshlariga qadar davom etdi. Uning birinchi bo'g'ini asoschilardan, ikkinchi va uchinchi bo'g'inlari qanotsiz tirik tug'uvchi shiralardan tashkil topadi, to'rtinchi bo'g'inidan boshlab qanotli tirik tug'uvchi shiralari rivojlana boshlaydi. Shiraning butun hayot sikli davomida qanotlilar uchrasa-da, lekin ular son jihatidan 9-11 bo'g'in to'dalarida yuqori bo'ladi. Qirguli sharoitida *E.lanigerum* shirasi aksaryat holda 13 bo'g'in beradi. Ayrim hollarda yana qo'shimcha 2 bo'g'in berishini kuzatish mumkin.

Oktyabrning o'rtalaridan boshlab 13 va 14-bo'g'in shiralari tarkibida erkak va urg'ochi formalar uchray boshlaydi hamda ular tuxumlarni oktyabr oyining ikkinchi yarmi va noyabr oylarida qo'yadi.

Mazkur turning olmada yashash tarzi shu bilan izohlanadiki, mavsum boshlarida u o'simlikning yuqori yaruslarida oziqlanadi, may oyining oxirlaridan boshlab esa, bachkilarga o'tib yashay boshlaydi. Uning to'dalari Toshloq va Bog'dod tumanidagi olma ko'chatlarida nisbatan kichik va siyrak bo'ladi.

Populyatsiya zichligining sur'atlari. Qirguli sharoitida *E.lanigerum* shirasi populyatsiya zichligining o'zgarishidagi o'ziga xos xususiyat juda qisqa muddat davomida tez va ko'plab ko'payishidir. Bu hududda aprel oyining ikkinchi yarmidan shiralari soni keskin ortib ketishi mumkin. Dastlabki ko'tarilish may va iyun oyining boshlarida kuzatiladi. 2019 yil mavsumida 10 sm novdadagi shiralari soni mart oyida o'rtacha 20 donani tashkil etgan bo'lsa, aprelga o'tgach, bu ko'rsatkich 7-8 martaga ortgan va 155 tani tashkil etgan. May-iyun oylarida populyatsiya zichligi mos ravishda 341 va 279 tani tashkil etgan. Shiralar miqdor zichligining pasayishi iyun oyining 3-dekadasidanoq boshlanadi va iyul, avgust oylarida ular juda oz sonda qoladi. Shuni ta'kidlash lozimki, *E.lanigerum* shirasi populyatsiya zichligining kuzgi ko'tarilish davri sentyabr oylariga to'g'ri kelishi tadqiqot olib borilgan ikkala yilda ham bir xil kuzatilgan.

2019 yilda shiralari soni sentyabrda 19 donani va oktyabrda 13 donani tashkil etib kuzgi populyatsiya to'liqini past darajada bo'lgan. 2020 yil mavsum davomida shiralarning rivojlanishi va ko'payishi nisbatan jadal ketgan. Natijada mart oyi davomida populyatsiya zichligi sezilarli ko'tarilgan. Aprel oyiga o'tib, shiralarning miqdor zichligi keskin ko'tarilish davriga o'tgan, oyning ikkinchi va uchinchi o'n kunligida shiralari soni 130 va 206 taga to'g'ri kelgan. Eng yuqori ko'rsatkich

may oyining boshlarida 306 tani tashkil etgan. Populyatsiya zichligining bu holati iyun oylarigacha saqlanib turgan.

Atrof-muhitning texnogen ifloslanishi jarayonida tabiiy ekotizimlarning o'zgarishi va barqarorligining buzilishi ro'y berib, bu holat ayrim turlarning tarqalishi, morfologiyasi, biologiyasi va ekologiyasida o'z ifodasini topadi[5].

Tadqiqot natijalaridan ma'lum bo'ldiki, atrof-muhitning ifloslanishiga *E.lanigerum* shirasi tolerantligi jihatidan yashil olma shirasidan keyingi o'rinda bo'lib, u mavsum davomida barqaror koloniyalar hosil qiladi va texnogen hududlar bo'ylab yoppasiga hamda keng tarqalmaydi.

Texnogen ifloslanish shiralar tanasidagi mumsimon g'uborning joylanishi, zichligi va uzunligiga ta'sir etadi. Qirguli shiralarning mumsimon g'ubori siyrak, kalta va nisbatan tartibsiz, Bog'dod namunalarning mumsimon g'uborni zich, uzun va tartibli joylashganligi bilan farqlanadi.

E.lanigerum shirasining o'zgaruvchanligi yillik, mavsumiy va lokal ekologik sharoitlarga bog'liq va texnogen hududlar sharoitida muayyan yo'nalishda yuzalanmaydi. Geografik-ekotopik o'zgaruvchanlikning qiyosiy ko'rsatkichlari Toshloq-Qirguli, Toshloq-Bog'dod va Qirguli-Bog'dod juftliklari yo'nalishida pasayib boradi. Geografik-ekotopik o'zgaruvchanlik Toshloq va Qirguli shiralarda yuqori ishonchlilik chegarasida ifodalangan.

Morfologik belgilarning yuqori darajada differensiallanishi bahor mavsumida, kuz faslida esa nisbatan past darajadagi ajralishi ro'y berib, yozda belgilarning farqlanishi oraliq holatga mos tushadi. *E.lanigerum* shirasi populyatsiya zichligining o'zgarishi mavsumiy va yillik sharoitlarga bog'liq. Uning populyatsiya to'liqini o'zgarishida - bahorgi-yozgi va kuzgi hamda bahorgi-kuzgi davrlar farqlanadi, populyatsiya zichligining eng yuqori chegarasi Toshloqda may-iyun oylarida kuzatiladi, Qirgulida bu holat aprel-iyunga, Bog'dodda may-iyulga qadar davom etishi mumkin. Populyatsiya zichligining kuzgi ko'tarilishi sentyabr-oktyabrda kuzatiladi. Atrof-muhitning texnogen ifloslanishini bioindikatsiya-afidoindikatsiya qilish amaliyotida *E.lanigerum* shirasining populyatsiya zichligi va hayotiy siklining davomiyligidagi o'zgarishlarni inobatga olish mumkin, chunki texnogen ifloslanishning jadalligi shiralar populyatsiya zichligining pasayishi va hayotiy siklning qisqarishiga sabab bo'ladi.

Tadqiqotlar davomida *E.lanigerum* shirasining morfologik o'zgaruvchanligini o'rganish turli ekotizimlar holatini izohlash va baholash imkoniyatini berdi. *E.lanigerum* shirasining turli yo'nalishlar va darajadagi morfologik o'zgaruvchanlik xususiyatlari bu hasharotlarni kuchli antropik transformatsiyalangan ekotizimlarning o'ziga xos sharoitlariga ekologik va mikroevolyutsion moslanish belgilari sifatida namoyon bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Голман Я. Оценка признаков для таксономического анализа тлей на уровне вида и ниже// Систематика и экология тлей - вредителей растений: Тез. докл. 1 Межреспублик. афидологич. симпозиума. -Рига, 1983.с.29-31.
2. Шапошников Г.Х. Биологические предпосылки защиты растений от тлей и задачи афидологов// Систематика и экология тлей - вредителей растений: Тез. докл. 1 Межреспублик. афидологич. симпозиума. -Рига, 1983. с. 4-11.
3. Шапошников Г. Х., Шаров А. А. Изменчивость в панмиктических и клональных популяциях у тли *Anuraphis farfara* Koch (Homoptera, Aphidoidea) // Ж. Энтотомол.обозр. 1977. Т. 56. Вып. 3. С. 601-609.
4. Trojan P. Association structure as indicators of the ecosystem homeostasis: Schubert R., Schun J. (Hrsg.). Bioindikation, Teil 5, Wiss. Beitr. Martin-Luther-Univ., Halle-Wittenberg 1980/28 (P 12). 1980. P. 50-56.
5. Ахмедов М.Х., Ганиев К.Х., Зокиров И.И. Воздействие техногенного загрязнения на морфологические структуры тлей (Homoptera, Aphidoidea) //Цсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона штардан ъмомя билишнинг ривожланиш истибыоллари: Илмий-амалий конференция маорузаларининг тезислари. -Тошкент, 2001. 120-121 б.

**“ХИВА ЛОКОМОТИВ” ИСТИРОҲАТ БОҒИ ҚУРУҚЛИК
МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ТАКСОНОМИК ТАРКИБИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

И.Р.Авазметова, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Р.С.Рўзметов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

З.Ш.Матякубов, PhD, Хоразм Маъмун академияси, Хива

З.Ю.Сапарбоев, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада “Хива Локомотив” истироҳат боғида тарқалган қуруқлик моллюскалари ва уларга қарши кураш чоралари ҳақида маълумотлар берилган. Тадқиқотлар 2021 йилда олиб борилган. Намуналар тўплаш учун “Хива Локомотив” истироҳат боғи танланган. Жами олинган намуналарнинг сони 578 донани ташкил қилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра “Хива Локомотив” истироҳат боғида қуруқлик моллюскаларининг 5 тури учраб, улардан 2 тури кенг тарқалган бўлиб, улар шу ҳудуд учун доминант тур ҳисобланган. Бу турларга қарши инсектоцидлар самарадорлиги ўрганилган ва юқори самарали препаратлар тавсия қилинган.

Калит сўзлар: қуруқлик моллюскалари, популяция, экология, биотоп, лимоцит, инсектицид, самарадорлик

Аннотация. В статье представлена информация о наземных моллюсках и мерах борьбы с ними в Хивинском парке “Локомотив”. Исследование проводилось в 2021 году. Для выборки был выбран Хивинский парк “Локомотив”. Всего отобрано 578 проб. По результатам исследования в Хивинском парке “Локомотив” обнаружено 5 видов наземных моллюсков, 2 из которых широко распространены и являются доминирующими видами в регионе. Эффективность инсектицидов против этих видов была изучена, и были рекомендованы высокоэффективные препараты.

Ключевые слова: наземные моллюски, популяция, экология, биотоп, лимоцит, инсектицид, эффективность.

Аннотация. The article provides information about land mollusks and measures to combat them in the Khiva Locomotive Park. The research was conducted in 2021. Khiva Locomotive Park was selected for sampling. The total number of samples taken was 578. According to the results of the study, 5 species of terrestrial mollusks were found in the Khiva Locomotive Park, 2 of which are widespread, which are the dominant species in the region. The effectiveness of insecticides against these species has been studied and highly effective drugs have been recommended.

Keywords: terrestrial mollusks, population, ecology, biotope, limocyte, insecticide, efficiency

Кириш. Ўзбекистон малакофаунасини режали тарзда ўрганиш ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланган бўлсада, бироқ Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларига оид илк маълумот 2020 йилда[1,5] пайдо бўлиб, унда Хоразм воҳасининг табиий экосистемалари малакофаунасига тааллуқли бўлган маълумотлар келтирилган. Бироқ, шу кунгача Хоразм воҳаси урбанлашган ҳудудларига оид малакологик маълумотлар мавжуд эмас.

Шунинг учун, биз томонимиздан урбанлашган ҳудудлар малакофаунасини ўрганиш мақсадида 2021 йил баҳор ва ёз ойларида “Хива Локомотив” истироҳат боғида илк маротаба малакологик тадқиқот ишлари олиб борилди.

Олиб борилган тадқиқот ишининг асосий мақсади “Хива Локомотив” истироҳат боғида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш ва уларнинг хўжалик аҳамиятини ўрганиб, зараркунанда турларга қарши тегишли чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва методлари.

Тадқиқот материаллари Хива шаҳрида Ичан қалъадан 1 км шарқда жойлашган, “Хива Локомотив” истироҳат боғидан дарахтли ўсимликлар остидан, поясидан ва 4 гектарли “газон” майдонидан йиғилган (1-расм) бўлиб, жами намуналар 578 тани ташкил этади.



1-расм. Тадқиқот олиб борилган ва материал терилган жой харитаси.

● - материал терилган ҳудуд.

Куруклик моллюскаларини тарқалиши ва морфологик хусусиятларини ўрганиш И.М.Лихарев ва А.Й.Виктор[3], А.Пазилов, Д.А.Азимов[4], А.А.Шилейко[8], услублари бўйича амалга оширилди.

Моллюскаларга қарши PestKil фипронил 5% сус.конц. Гроза Метальдегид 60 г. кг Элнур-Д хлорпирифос 500 г.л. циперметрин 50 г.л. эм.к Agro-pirifos хлорпирифос 48% эм.к. перепаратлари қўлланилди. Тажрибалар 4 та такрорийликда 100 метр квадрат делянкаларда олиб борилди[2]. Биологик самарадорлик Аббот формуласи асосида ҳисоблаб топилди[7]. Моллюскаларни нобуд бўлганлари лабораторияга келтирилиб уч кун мобайнида нам шароитда сақланди. Шу йўл билан моллюскаларни нобуд бўлганлиги аниқланди. Бунда нобуд бўлмаган моллюскалар чиғаноқ ичига ҳимояланганлари чиқиб, яна ўз ҳаётини давом эттириши кузатилди.

Тадқиқот натижалари ва уни таҳлили.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига қўра “Хива Локомотив” истироҳат боғида куруклик моллюскаларнинг *Cochlicopa nitens*, *Vallonia costata*, *Pupilla muscorum*, *Xeropicta candacharica*, *Candaharia aethiops* турлари тарқалган.

Cochlicopa nitens, Палеарктика бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, Ўзбекистоннинг чўл минтақасида ариқ бўйларидаги ўтлар ораси, дарё ёқаларидаги сернам ажриқзорларда, боғлардаги дарахт остидаги ўсимликлар орасида учради. “Хива Локомотив” истироҳат боғида, асосан газон орасида тарқалган бўлиб, унинг популяциядаги зичлиги 1 м² майдонда 3-4 та учрайди.

Vallonia costata, бутун Голарктика бўйлаб кенг тарқалган ва ўрганилаётган ҳудудда *Cochlicopa nitens* тури билан биргаликда учрайди. Бироқ унинг популяциядаги зичлиги бир оз юқори, яъни 1 м² майдонда 9-10 тагача учрайди.

Pupilla muscorum, Голарктик тур бўлиб, ер шарининг қариб ҳамма қисмида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг чўл минтақасидаги барча сернам биотопларда учрайди. “Хива Локомотив” истироҳат боғида, ўтлар остида учраб, популяциядаги зичлиги 1 м² майдонда 5-6 та учрайди.

1-жадвал

“Хива Локомотив” истироҳат боғида қайд этилган турларнинг чиғаноқ ўлчамлари(мм да)

№	Тур номи	Адабиёт маълумотлари			Шахсий маълумот		
		Чб	Кад	Кид	Чб	Кад	Кид
1	<i>Cochlicopa nitens</i>	3,4	1,8	1,4	5	2	1,6
2	<i>Vallonia costata</i>	1,3	2,6	2,2	1,5	2,9	2,4
3	<i>Pupilla muscorum</i>	2,5	1,8	1,4	3	2,2	1,6

Изоҳ. Чб-чиғаноқ баландлиги, Кад-катта диаметр, Кид-кичик диаметр.

“Хива Локомотив” истироҳат боғида қайд этилган юқоридаги турлар морфологик белгилари асосан адабиёт[4], маълумотларига мос келиб, фақат чиғаноқ ўлчамлари билан фарқланади (1-жадвал).

Xeropicta candacharica, ксерофил тур бўлиб, ҳамма баландлик минтақаларида турли хил биотопларда, асосан чўл минтақасида кенг тарқалган. “Хива Локомотив” истироҳат боғида ўсимликлар пояси ва дарахтлар танасида, ҳамда “газон” экилган майдонларда кенг тарқалган ва популяциядаги зижлиги олдинги турларга нисбатан анча юқори бўлиб, 1 м² майдонда 30-35 та ва баъзида ундан ҳам кўп учрайди.

Xeropicta candacharica (2 расм,А) турининг морфологик белгилари ўта ўзгарувчан бўлиб, тадқиқот худудида учрайдиган индивидлар қуйидаги морфологик белгига эга: чиғаноқ тузилиши икки томонидан сиқилган баъзида қапишган бўлиб, унинг ўрамининг баландлиги оғиз баландлиги билан тенг. Чиғаноқ айланаси 5-5.5 та бўлиб, бир оз бўртиб чиққан. Чиғаноқнинг охириги айланаси тугаш қисмида бир оз айланасимон, оғиз қисмига бир текисда эгилиб тушган. Чиғаноқ ранги оқсимон ёки чизик-чизик ленталардан ташкил топган, бу чизиклар пастки қисмида доғ-доғ шаклини олган. Скульптураси ингичка шуъласимон чизиклардан ташкил топган. Чиғаноқ оғзи юмалоқ, бир оз қийшайган, унинг ичида лабсимон ўсимта турли даражада ривожланган. Оғиз четлари юпқа ва ўткир.

Чиғаноқ баландлиги 8-20 мм, катта диаметри 14-16 мм, кичик диаметр 12.5-13.5 мм.

Candaharia aethiops (2 расм,Б) гигрофил тур бўлиб, сув бўйига яқин бўлган биотопларда яшайди. “Хива Локомотив” истироҳат боғида илк мартаба қайд этилиб, унинг танаси ранги ўзгарувчан, қора ёки сарғиш бўлиши мумкин. Оёқ қисми доимо оқиш рангда. Бўйинда доимо иккита яхши ривожланган қалин чизиклар мавжуд. Мантия қисмида қалин пигмент билан қопланган, чап қисмида бу пигментлар шунча яхши ривожланганки, баъзида ҳаттоки чизик ҳосил қилиши мумкин. Худди шундай қалин пигментлар ўнг томонида ҳам ривожланади.

Танасининг узунлиги ҳаракат пайтида 65 мм га тенг. Қисқарган пайтида эса 45 мм.



А



Б

2-расм. “Хива Локомотив” истироҳат боғида учрайдиган йурик турлар: А-*Xeropicta candacharica*, Б-*Candaharia aethiops*

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, “Хива Локомотив” истироҳат боғида куруқлик моллюскаларининг 5 тури учраб, улар 5 та авлод ва 5 оилага мансуб.

“Хива Локомотив” истироҳат боғида тарқалган турларнинг барчаси ўзига хос хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, *Cochlicopa nitens*, *Vallonia costata*, *Pupilla muscorum*, ва *Xeropicta candacharica* турлари гельминт касалликларни тарқатишда оралик хўжайин вазифасини ўтаса[6], *Candaharia aethiops* ва *Xeropicta candacharica* ўсимлик барглари билан озиқланиб, уларга катта зарар етказилади.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, куруқлик моллюскаларини ўсимликлар, жумладан кишлок хўжалик экинларига келтирадиган зарари ва уларга қарши кураш усуллари Ўзбекистонда умуман ўрганилмаган. Шунинг учун, “Хива Локомотив” истироҳат боғида тарқалган *Candaharia aethiops* ва *Xeropicta candacharica* турларининг популяциядаги сонини назорат қилиш ва уларга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида PestKil

фипронил 5% сус.конц; Элнур-Д хлорпирифос 500 г.л. циперметрин 50 г.л. эм.к; Agro-pirifos хлорпирифос 48% эм.к.; ва Гроза метальалдегид 60 гр. кг инсектицидлар илк маротаба синаб кўрилди(2-жадвал).

2-жадвал

Моллюскаларга қарши инсектицидларнинг биологик самарадорлиги

№	Вариантлар	Ишчи эритма	Биологик самарадорлик (% ҳисобида)	
			<i>Xeropicta candacharica</i>	<i>Candaharia aethiops</i>
1.	Назорат	0	0	0
2.	Pest Kil фипронил 5% сус.конц.	10 литр сувга 50 мл	76	88
3.	Гроза Метальалдегид 60 г. Кг	15 гр 5 м. кв.	86	95
4	Элнур-Д хлорпирифос 500 г.л. циперметрин 50 г.л. эм.к	10 литр сувга 30 мл	67	87
5	Agro-pirifos хлорпирифос 48% эм.к.	10 литр сувга 30 мл	92	92

Назорат вариантга сув сепилди. *Xeropicta candacharica* ва *Candaharia aethiops* турларига қарши Pestkil fiprolin 5 % суспензияли концентрацияси 10 литр сувга 50 гр қўлланилганда 10 кундан кейин *Xeropicta candacharica* турида биологик самарадорлик 76% бўлса, чиғаноксиз *Candaharia aethiops* турида 88% ни ташкил қилди.

Гроза метальалдегид 60 гр. кг. гранула препаратидан 5 м² жойга 15 гр дан қўлланилганда *Xeropicta candacharica* турига нисбатан 86%, *Candaharia aethiops* турига 95% баланс самара бериши аниқланди.

Элнур-Д (хлорперифос 500 гр/л циперметрин 50 гр/л эм.к 10 литр сувга 30 мл солиб қўлланилганда *Xeropicta candacharica* тури 67%, *Candaharia aethiops* турига қарши 87% биологик самара бериши аниқланди.

Agro-Prifos etil 48 % ЭМК (Chlorpyrifos 480 g/l) *Xeropicta candacharica*, *Candaharia aethiops* турларига қарши қўлланилганда 92% биологик самара бериши аниқланди.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш мумкинки “Хива Локомотив” истироҳат боғида куруклик моллюскаларнинг 5 тури учраб, улар 5 та авлод ва 5 оилага мансуб бўлиб, истироҳат боғи ҳудудида *Xeropicta candacharica*, *Candaharia aethiops* турларининг популяциядаги зичлиги бошқа турларга нисбатан анча юқори бўлиб, доминант тур сифатида эътироф этилди.

Моллюскаларнинг популяциядаги сонини назорат қилиш ва уларга қарши курашиш мақсадида синалган инсектицидлардан Agro-Prifos etil 48 % препарати бошқа кимёвий препаратларга нисбатан юқори самара бериши аниқланди ва уни истироҳат боғида куруклик моллюскаларга қарши курашишда фойдаланиш тавсия этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авазметова И.Р. Хоразм воҳаси малакофаунасига оид илк маълумот. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2020, №7.- С.20-23
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта, Изд. 5-е и перераб М: Агропромиздат, 1985.- 351 с.
3. Лихарев И.М., Виктор А.Й. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. – Ленинград: Наука, 1980. – Т.3. – Вып.5. – № 122. – 437 с.
4. Пазиров А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (Gastropoda, Pulmonata) Узбекистана и сопредельных территорий. -Ташкент: Фан, 2003. -315 с.
5. Пазиров А., Авазметова И.Р. Видовой состав и изменчивость конхологических признаков наземных моллюсков рода *Cochlicopa* в Северо западной части Узбекистана. Universim: химия биология: №7(73): С.6-7.
6. Пазиров А., Кучбаев А. Ўзбекистонда уй ва ёввойи ҳайвонлар гельминтларининг оралик хўжайини- куруклик моллюскалар (Аниқлагич-Атлас). – Тошкент, 2017. – 79 б.
7. Флоров А.Н. Современные тенденции фитосанитарного мониторинга и прогноза // Вестник защиты растений.-Санкт- Петербург-Пушкин, 2010.- №2.- С 3-11
8. Шилейко А.А. Наземные моллюски надсемейства Hellicoidae // Фауна СССР. Моллюски. – Москва: Наука Ленинградское отделение, 1978. – Т.3. – Вып.6 . – 384 с.

ЧЕРНОСАКСАУЛОВАЯ ФОРМАЦИЯ (HALOXYLETA APHYLLI)
КАРАКАЛПАКСКОГО УСТЮРТА

Б.А. Адиллов, с.н.с., Институт ботаники АН РУз, Ташкент
Х.Ф. Шомуродов, в.н.с., Институт ботаники АН РУз, Ташкент
В.К. Шарипова, с.н.с., Институт ботаники АН РУз, Ташкент

Аннотация. Мақола Қорақалпоғистон Устюрти ўсимликлар қопламанинг шаклланишида қорасаксовулзорларнинг фитоценотик роли унинг таъкил этувчиларнинг замонавий ҳолатини ҳисобга олган ўрганиш бағишланган. Қорақалпоғистон Устюртида тупроқ омиларига боғлиқ равишда қорасаксовулзор формацияси 5 та ассоциациядан иборат бўлиб, галофит гуруҳига мансуб ярим буталар, яримбутачалар ва дарахт вакиллари ўз ичига олган. Ўрганилаётган ҳудудда қорасаксовул формацияси вакиллари кенг тарқалмаган. Асакаудан геоботаник районида ер ости сувлари сатҳининг пасайиши туфайли қорасаксовул массивларининг ҳолати ўта оғир деб баҳоланган.

Калит сўзлар: *Haloxylon aphyllum*, Қорақалпоғистон Устюрти, формация, фитоценоз, галофитлар.

Аннотация. Статья посвящена изучению фитоценотической роли черносаксаульников при сложении растительного покрова Каракалпакского Устюрта с учетом современного состояния его составителей. В Каракалпакском Устюрте черносаксауловая формация состоит из 5 ассоциаций, которые распространены в зависимости от почвенных факторов и включают представителей полукустарников, полукустарничков и древесных сообществ галофитного ряда. В районе исследований представители черносаксауловой формации широко не распространены. Состояние черносаксаульных массивов Асакеуданского геоботанического района оценивается как критическое, за счет снижения уровня грунтовых вод впадины.

Ключевые слова: *Haloxylon aphyllum*, Каракалпакский Устюрт, формация, фитоценоз, галофиты.

Abstract. The article is devoted to the study of the phytocenotic role of *Haloxylon aphyllum* forests in the formation of the vegetation cover of the Karakalpak Ustyurt, taking into account the current state of its compilers. In the Karakalpak Ustyurt, the *Haloxylon aphyllum* formation consists of 5 associations, which are widespread depending on soil factors and include representatives of shrubs, semishrubs, and tree communities of the halophytic series. In the study area, representatives of the *Haloxylon aphyllum* formation are not widespread. The state of the *Haloxylon aphyllum* arrays of the Asakeaudan geobotanical region is assessed as critical, due to a decrease in the level of groundwater in the depression.

Key words: *Haloxylon aphyllum*, Karakalpak Ustyurt, formation, phytocenosis, halophytes.

По эколого-физиономическим, фитоценотическим, ландшафтным и хозяйственным критериям саксаульники представляют собой один из самых своеобразных и характерных для Сахаро-Гобийской пустынной области типов растительных сообществ [1]. Генетически род *Haloxylon* Bunge связан с литоральными неогенового периода [2, 3], из которых он широко расселился в глинистые солончаковые и песчаные пустыни и каменистую гаммаду.

Из 3 видов рода *Haloxylon*, распространенных в Казахстане и Средней Азии, черный (*Haloxylon aphyllum* (Minkw.) Pjin) и белый (*Haloxylon persicum* Bunge ex Boiss. & Buhse) саксаулы имеют обширный ареал в пустынях Ирано-Туранского региона и Аравийского полуострова. Как отмечает Лавренко [4], саксаул зайсанский (*Haloxylon ammodendron* (С.А. Меу.) Bunge) встречается только на востоке Казахстана в Джунгарской провинции. Основной ареал этого вида – гобийские пустыни Центральной Азии. Однако, последними исследованиями доказано более широкий ареал вида, включающий и Приаральских пустынь. Он также приводится для северо-западного Китая. Выделяются 3 эколого-физиономических типа саксауловых пустынь: черносаксауловые (*H. aphyllum*), белосаксауловые (*H. persicum*),

смешанносаксауловые (*H. aphyllum*, *H. persicum* – Mixto-Haloxyloneta) и зайсанкосаксауловые (*H. ammodendron*) [1].

Саксаульники – одна из самых продуктивных формаций Земли, рассматривается многими авторами как лесной тип. Благодаря высоким эдификаторным свойствам, они создают главный слой наиболее мощный в пустыне. Имеют наибольшее влияние на среду, чему способствует их долговечность (30-60 лет), определяют направление смен в пределах саксаулового цикла развития [5]. Территории с доминированием трех эколого-физиономических типов саксаульников (черносаксауловых, белосаксауловых, смешанносаксауловых) занимают 24,3% от площади пустынной зоны. В составе содоминантов и ингридиентов виды *Haloxylon* отмечены еще в 27 подразделениях карты [1].

Благодаря существующей экологической среде (своеобразных глинистых и щебнистых почвах, в разных степенях засоления), в плато Устюрта редколесье саксаула черного (*H. aphyllum*) в небольших участках образует своеобразные фитоценозы.

Haloxylon aphyllum – ирано-туранский вид [4], северная граница ареала которого проходит в районе Тургайского прогиба. Черносаксаульники занимают сравнительно небольшие площади: в северных пустынях – 1,2%, в средних – 2,8, в южных 3% [1].

Растение с широкой экологической устойчивостью к почвенному засолению [2]. Произрастает как на песчаных, так и на глинистых и щебнистых почвах разной степени засоленности [6]. Встречается преимущественно на территориях с близким залеганием грунтовых вод, но может произрастать и в автоморфных условиях [7] и как мощный эдификатор, формирует своеобразную среду обитания [8]. Распространение черносаксаульников связано с аллювиальными равнинами – это главным образом современные и древние сухие долины рек. Обычно крупные массивы черносаксаульников приурочены к местам с низкими отметками рельефа – руслообразным понижениям, обширным котловинам [8].

По отношению к почве черный саксаул обладает большим диапазоном толерантности. Он формирует разные ассоциации в зависимости от почвенных условий. Распространены галопелитофитные, эугалофитные, псаммофитные, гемигалоппсаммофитные, галогемипетрофитные экологические группы черносаксаульников по территориям республики [8].

Характеристика черносаксауловой формации более подробно описывается в первой классификации растительности Каракалпакского Устюрта [9]. В составе черносаксауловой формации Е.П. Коровиным [9] приводятся 6 ассоциаций, из которых две в настоящее время не встречаются: речь идет о белосаксаулово-иляковой и белосаксаулово-ковыловой ассоциациях, отмеченных в южных районах Устюрта. В последние годы дестабилизация среды в связи с высыханием Аральского моря приводит к реструктуризации черносаксаульников Устюрта. Примером тому служит вымирающие саксаульники огромных массивов района Асакеаудан в результате снижения уровня грунтовых вод. Исследованиями доказано, что оптимальным условием для нормального развития саксаульников является местообитания с слабозасоленным, относительно неглубоким залеганием грунтовых вод, которое характерно для периферии впадины плато [9].

Целью данной работы является исследование фитоценотической роли черносаксаульников при сложении растительного покрова Каракалпакского Устюрта с учетом современного состояния его составителей.

Методы исследования. В ходе исследования использованы следующие методы: геоботанические описания сообществ осуществлены по общепринятой методике [10, 11, 12, 13]; при описании растительных сообществ (экологическое условие, видовой состав, численность) использована шкала Р. Drude [14]. При составлении современной классификации растительности придерживались классификации К.З. Закирова и П.К. Закирова [15].

Результаты и их обсуждения. Для Каракалпакского Устюрта характерно распространение черносаксаульников эугалофитного ряда, в составе ассоциаций которого встречаются поташник (*Kalidium caspicum*, *K. foliatum*) и кейреук (*Salsola orientalis*),

распространённые на солончаках и сильнозасоленных почвах Центрального Устюрта. Основные участки поташниково-черносаксулового сообщества (*Haloxylon aphyllum*, *Kalidium caspicum*, *K. foliatum*) распространены на территории между солончаками Барсакелмес и Агыин. В ассоциации сочетаются экологические группы гипсофитного и галофитного ряда. С одной стороны, на межрядовых участках, солончаковых гипсоносных почв в районе Барсакелмес в составе сообществ участвуют галоксерофильные полукустарники – *Reamuria fruticosa*, *R. songarica*, а в районе Агыин по окраинам пухлых солончаков перемешивается суккулентный галофит *Halocnemum strobilaceum*.

На впадинах, ближе к подземным водам, поташниково-черносаксуловое сообщество сочетается с гребенщико-сарсазановым (*Halimocnemum strobilaceum*, *Tamarix hispida*) – с видами галомезоксерофитного ряда. При этом саксаульники представляют собой чоколаки, которые считаются оригинальными эоловыми явлениями в понижениях Средней Азии. Чоколоки в понижениях – это фрагменты тугая [9] или являются реликтами прибрежных лесов [16]. Однако, в настоящее время саксаульники и юлгунники в чоколаках остаются угнетёнными в связи с аридизацией климата, особенно, на юге Устюрта.

Другой характерной чертой саксаульников является сочетание черного саксаула с кейреуком (*Salsola orientalis*) как в средних пустынях на суглинистых почвах, так и в южных на супесчаных почвах [1]. В Каракалпакском Устюрте замкнутая бессточная впадина – Ассакеауданский геоботанический район считается ареной для кейреуково-черносаксулового (*Haloxylon aphyllum*, *Salsola orientalis*) сообщества. Ассоциация занимает огромную территорию района и распространена на северной денудационной чинковой части Сарыкамышской впадины. Территория отличается своеобразной почвенной характеристикой, не встречающейся в других частях Каракалпакского Устюрта. Это гипсированные псевдопески, сформированные влажным гипсированным солончаковым илом, ослепительно белой коркой солей, образовавшейся в связи с денудацией плотных карбонатных коренных пород. В районе Ассакеаудан, где в структуре преобладает гипсово-солончаковый слой, в составе кейреуково-черносаксулового сообщества встречаются такие виды, как *Reamuria fruticosa*, *Zygophyllum pinnatum*, а в понижениях они меняются с галомезоксерофитным полукустарником *Kalidium caspicum*. Под чинковой равниной – вдоль береговой линии озеро Сарыкамыш при сложении кейреуково-черносаксуловой ассоциации участвуют *Tamarix elongata*, *Calligonum junceum*, *Reamuria fruticosa*, *Salsola arbuscula*, а в понижениях и вблизи берега – *Tamarix hispida*, *T. elongata* образуют густые заросли.

В западной чинковой линии озеро Сарыкамыш и в окрестностях Агаыинского солончака, во волнистых гипсированных солончаках *Artemisia terrae-albae* выступает в роли субдоминанта, а в песчаном массиве в районе Картпайкум на склонах и в понижениях бугристых гипсированных песков черносаксул участвует с кейреуком (*Salsola orientalis*) и белоземельнопопынью (*Artemisia terrae-albae*) и сочетается с характерным для песчаных пустынь Казахстана и Средней Азии видом *Haloxylon persicum*.

Мозаичные серии черносаксуловых сообществ распространены в районе солончака Жарыккудук, где биюргуново-белоземельнопопынно-черносаксуловые (*Haloxylon aphyllum*, *Artemisia terrae-albae*, *Anabasis salsa*) сообщества проявляются как представители галопелитофитных групп, обхватывая отакыренные солончаковатые почвы, а на солончаках и небольших чоколаках поташниково-черносаксуловое (*Haloxylon aphyllum*, *Kalidium caspicum*) с участием *Halostachys belangeriana* и сарсазановое (*Halocnemum strobilaceum*) сообщества участвуют как доминанты эугалофитного ряда черносаксуловых синузий.

В целом в Каракалпакском Устюрте черносаксуловая формация состоит из 5 ассоциаций, которые распространены в зависимости от почвенных факторов и включают представителей полукустарников, полукустарничков и древесных сообществ галофитного ряда. В районе исследований представители черносаксуловой формации широко не распространены. Здесь они встречаются на солончаковатых и солончаковых пухлых почвах, а также псевдопесках бессточных впадин на небольших участках. Огромные массивы черного саксаула отмечены в окрестностях солончака Агыин, Чурук, Барсакельмес и вокруг

Сарыкамьшской и Асакеауданской впадины. Состояние черносаксаульных массивов Асакеауданского геоботанического района оценивается как критическое, за счёт снижения уровня грунтовых вод впадины.

Работа выполнена по программе лаборатории геоботаники Института ботаники АН РУз по теме “Оценка современного состояния растительного покрова и пастбищных ресурсов Республики Каракалпакстан”.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Курочкина Л.Я. Саксауловые пустыни / Ботаническая география Казахстана и Средней Азии (в пределах пустынной области). – СПб, 2003. – С. 92-104.
2. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1961. Т.1. 452 с.
3. Быков Б.А. О происхождении песчаной растительности Средней Азии и Казахстана // Проблемы освоения пустынь. 1968. №1. – С. 12-21.
4. Лавренко Е.М. и Корчагина А.А. Полевая геоботаника. – М.: Наука, 1964. – Т.3. - 230 с.
5. Курочкина Л.Я. Псаммофильная растительность Казахстана – Алма-Ата, 1978. - 272 с.
6. Шамсутдинова Э.З., Шамсутдинов Н.З., Ибрагимов И.О., Нидюлин В.Н., Шамсутдинов З.Ш. Пастбищезащитные чёрносаксауловые полосы в среднеазиатской пустыне: средообразующая и продукционная функции // Аридные экосистемы, 2019. Т. 25, № 2 (79). – С. 43-51.
7. Енсен Н.П., Карти Д.Дж., Мартин Р., Руддер К., Шамсутдинов З.Ш., Шамсутдинов Н.З. Об использовании галофитов для реабилитации земель солеуглеводородного загрязнения и производства кормов // Сельскохозяйственная биология, 2004. № 6. – С. 78-91.
8. Акжигитова Н.И. Галофильная растительность Средней Азии и ее индикационные свойства. – Ташкент: Фан, 1982. - 190 с.
9. Коровин Е.П. Устюрт Каракалпакский: его природа и хозяйство. – Ташкент: Изд-во АН УЗ ССР, 1949. - 227 с.
10. Лавренко Е.М. Провинциальное разделение Центральноазиатской и Ирано-туранской подобластей Афро-азиатской пустынной области // Ботанический журнал, 1965. – Т.50. №1. – С. 13-15.
11. Методические указания по геоботаническому обследованию естественных кормовых угодий Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1980. - 170 с.
12. Работнов Т.А. Вопросы изучения состава популяций для целей фитоценологии // Проблемы ботаники: сборник научных трудов. 1950. Т.1. – С. 465-483.
13. Шенников А.П. Введение в геоботанику. – Л.: Наука, 1964. - 447 с.
14. Drude P. Handbuch der Pflanzengeographie. – Stuttgart, 1907. – P.10-15.
15. Закиров К.З., Закиров П.К. Опыт типологии растительности Земного шара на примере Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1978. - 55 с.
16. Викторов С. В. Пустыня Устюрт и вопросы ее освоения. – Москва, 1971.

УДК 635.926

ФЛОРА РЫБОВОДНЫХ ПРУДОВ

А.Д. Аллабергенава, преподаватель, Ургенчский филиал Ташкентского университета информационных технологий, Ургенч

И.М. Мирабдуллаев, д.б.н., Ташкентский государственный аграрный университет, Ташкент

Аннотация. Ушбу мақолада олимлар тамонидан турли сув ҳавзаларида сувўтлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Олиб борилган натижаларда олимлар турли типдаги сувўтиларининг турларини ҳар хил сув шароитида аниқлаганлар.

Калим сўзлар: фитопланктон, сувўтлари, хавзалар.

Аннотация. В этой статье представлены данные, изученные учеными о водорослях в разных водоемах. В данной статье представлены данные, изученные учеными по водорослям в различных водоемах.

Ключевые слова: фитопланктон, водоросли, пруда.

Abstract. This article presents the data studied by scientists about algae in different bodies of water. This article presents the data studied by scientists on algae in various bodies of water.

Key words: phytoplankton, algae, pond.

Ценологическое изучение водорослей, включающее установление структуры и

организации их группировок, выявление внутренних взаимосвязей и функциональных особенностей, связей с другими компонентами биоценоза и внешней средой, уже давно привлекает к себе внимание альгологов. В настоящее время этот вопрос приобретает все больший интерес, что в определенной мере, обусловлено развитием комплексных биоценологических исследований. Необходимо однако, констатировать, что принципы и методы ценологического изучения водорослей разработаны очень слабо.[3]

В исследованных прудах, отличающихся эвритермностью и эвригалностью, альгофлора представлена пресноводными видами, характерными для эвтрофных водоемов, несмотря на различия температурного режима и солености более 40 видов водорослей оказались общими для всех прудов.[5]

Фитопланктон как первичный продуцент обладает высокой чувствительностью к изменениям среды, в том числе в результате антропогенного воздействия. Особенно важны исследования фитопланктона в крупных водоемах, где он является основным продуцентом органического вещества и важным фактором формирования качества воды. Фитопланктоценоз в целом быстро реагирует на различные изменения водной среды, что отражается, в первую очередь, в его структурных изменениях. Биоиндикация водных объектов по показателям развития фитопланктона, включая как структурные, так и количественные показатели (численность и биомасса), широко применяется в России и европейских странах (Руководство по..., 1992; Баринава и др., 2000; РД 52.24.309-2011, (2011); Р52.24.763-2012, (2012); CommissionDirective., 2014).

Система прудов рыбхоза «Калган-Чирчик» была изучена П.Н. Саксенем (1965, 1966) в течение 1963-1964 гг. Автор обследовал 12 прудов рыбхоза, из них 3 нагульных, 4 выростных и 5 зимовальных. В результате собрано около 600 проб и определено 522 вида и разновидности водорослей, которые распределяются следующим образом: золотистых-6, пиррофитовых-6, эвгленовых-37, зеленых-172, желто-зеленых-4, сине-зеленых-87, красных-1 и диатомовых-209.

Весной, летом и осенью в фитопланктоне доминировали представители диатомовых, протококковых и сине-зеленых, а зимой-диатомовые с золотистыми водорослями. По развитию руководящих видов фитопланктона и по их численности П.Н. Саксена изученные пруды разделяет на 5 групп: пруды с преобладанием протококковых; пруды с доминирующими сине-зелеными; пруды с господством диатомовых (по численности клеток); пруды с обилием эвгленовых (в видовом отношении) и пруды с преобладанием золотистых (по численности клеток).

1968 г. А.М. Музафаров, А.Э. Эргашев изучали осенний фитопланктон некоторых прудов Ташрыбопитомника и Дамашинского рыбхоза.

Ташкентский рыбопитомник находится на территории колхоза «Ленинский путь» Верхне-Чирчикского района Ташкентской области, где имеется около 27 прудов площадью от 0,5 до 3 га. В исследованных прудах Ташкентского рыбопитомника обнаружено 128 видов и форм водорослей, из них золотистых 3, сине-зеленых 14, диатомовых 18, эвгленовых 22, зеленых 71. Среди найденных водорослей новыми для Средней Азии были: *Tetrahedronhastatum* (Keinsch) Hansg., *T. Trigonum* (Naeg.) Hans., *T. constrictum* G. M. Smith, *Ankistrodesmus Lundbergii* Korschik., *Botryosphaerasudetica* Chod., *Scenedesmusacuminatus* var. *Elongates* G.M. Smith., *Coenochlorisovalis* Korschik, *Golenkiniapaucispina* Westet West - из зеленых, *Schizothrix Heufleri* Grun, - из сине-зеленых; *Rhabdomonascostata* (Korsch.) Pringsh., *Euglenopsisvorax* Klebs – из эвгленовых, которые известны из водоемов Европы и европейской части Союза ССР.

В прудах колхоза им. Генерала С. Рахимова (Сурхандарьинская область) и в одном пруде колхозе им. М. И. Калинина (Кашкадарьинская область) определено 212 видов и форм водорослей. Из них сине-зеленых 48, зеленых 18, эвгленовых 12, диатомовых 134 (Эргашев, 1969). Общими для них являются 14 видов: *Oscillatorialimosa*, *Phormidium corium*, *Euglena deses*, *Cyclotellameneghiniana*, *Naviculacryptocephala*, *Gyrosigmascapenceri* и др.

Общность некоторых видов водорослей для прудов в разных районах Средней Азии обусловлена их широким экологическим приспособлением и географическим диапазоном, самое главное наличием аналогичных условий среды и прудах (объем, площадь, глубина, температура, прозрачность, солевой состав, удобряемость и т. д.)

Всего в прудах Средней Азии обнаружено около 1050 видов и разновидностей водорослей, из них красных 1, харовых 1, желто-зеленых 6, золотистых 16, пирифитовых 23, эвгленовых 106, сине-зеленых 117, зеленых 387, диатомовых 330.[2]

Настоящие очерки представляют результаты более 15-летних исследований различных водоемов Средней Азии. В них изложены данные о первом общетеоретическом размышлении о флорогенетическом пути развития водорослей нашего региона. Последующие разделы работы посвящены, экологическому распределению водорослей в искусственных водоемах Средней Азии и т.д. К наиболее примитивным организмам отнесены бактерии и сине-зеленые водоросли, протоплазма которых еще не дифференцирована на ядро и цитоплазму и не имеет хроматофора. Первичный признак сине-зеленых - преимущественное распространение их в тропических морях, где, как представляется, условия более способствуют обстановке жизни первичных эр земного шара.

Сине-зеленые водоросли устроены более сложно, они обладают пигментами, дающими им способность ассимиляции углерода, а бактерии проще организованы и большинство их является паразитами или сапрофитами, требующими готовых органических соединений.

Таблица 2

Экологическое распределение числа видов главнейших видов водорослей в искусственных водоемах Средней Азии

Род	Всего видов	По характеру водоема			По отношению к солености воды				Всего видов
		Планктон	Бентос	Бентос-планктон	пресноводные	пресноводно-солонатоводные	солонатоводные	Солонатоводно-морские	
Сине-зеленые									
Anabaena	70	32	14	24	45	19	6	-	70
Oscillatoria	120	2	99	20	30	72	15	4	120
Spirulina	18	2	9	7	6	8	4	-	18
Phormidium	54	3	49	2	30	20	4	-	54
Lungbya	42	-	36	6	19	5	2	-	42
Зеленые									
Pediastrum	42	20	1	21	38	4	-	-	42
Tetrahedron	34	26	1	7	31	2	1	-	34
Scenedesmus	58	20	5	33	31	21	3	-	58
Oedogonium	40	-	40	-	23	7	10	-	40
Mougeotia	34	-	26	8	21	8	5	-	34
Spirogyra	49	-	45	4	22	21	6	-	49
Closterium	53	10	21	22	44	4	5	-	53
Staurastrum	68	35	17	16	54	3	11	-	68
Диатомовые									
Synedra	42	1	26	15	16	20	6	-	42
Achnanthes	33	-	30	3	17	10	6	-	33
Mastoglola	15	-	13	2	1	5	8	1	15
Navicula	153	3	126	24	62	77	14	-	153
Pinnularia	68	-	66	2	42	14	12	-	68
Cymbella	60	1	47	12	41	18	1	-	60
Gomphonema	48	-	40	8	29	18	1	-	48
Nitzschia	99	-	75	24	25	56	14	4	99

По отношению к солености воды наблюдается удивительная картина распределения не только отдельных типов водорослей, но и отдельных родов. Например, из общего числа сине-

зеленых (540) водорослей 258 являются пресноводными, 215-пресноводно-соленоватоводными и 58- соленоватоводными; из 148 эвгленовых 86 - пресноводные, 46 – пресноводно - соленоватоводные; из 1016 зеленых более 71% являются пресноводными, 204-пресноводно - соленоватоводными. Среди диатомовых водорослей такого резкого различия, как у зеленых, не наблюдается. Из 844 видов и разновидностей 398 являются пресноводными, 340-пресноводно-соленоватоводными и 99-соленоватоводными.

Такая же картина наблюдается при распределении количества видов и разновидностей отдельных родов (табл.2). Например, род *Anabaena* имеет 70 видов, из них 45 – пресноводные и 19 – пресноводно-соленоватоводные, а из 120 *Oscillatoria* 30 – пресноводные, 72 – пресноводно-соленоватоводные; из 42 *Pediastrum* 38 - пресноводные, 4 пресноводно-соленоватоводные; из 150 *Cosmarium* 95 - пресноводные, 36 - пресноводно-соленоватоводные и 20 – соленоватоводные.

Некоторые виды диатомовых распределяются несколько иначе: из общего числа видов пресноводных меньше, чем пресноводно-соленоватоводных или даже соленоватоводные. Так, род *Synedra* имеет 42 вида, из них пресноводных 16, пресноводно-соленоватоводных 20, соленоватоводных 6; в искусственных водоемах Средней Азии выявлено из рода *Navicula* 153 вида, среди них пресноводных 62, пресноводно-соленоватоводных 77, соленоватоводных 14. Из 99 видов и разновидностей р. *Nitzschia* 25 – пресноводные, 56 - пресноводно-соленоватоводные, 14 – соленоватоводные и 4 – характерные для соленых водоемов.

Экологическое распределение обнаруженных водорослей в искусственных водоемах показывает, что большинство из них (58%) являются пресноводными. Число их увеличивается по направлению от равнин к горам и высокогорьям и, наоборот, от высокогорий к равнинам постепенно возрастает количество пресноводно-соленоватоводных.[4]

В главе представлена сводка данных о значении фитопланктона в экосистеме водоемов, в самоочищении воды, а также продуцировании органического вещества. Рассмотрена ценность планктонных водорослей в качестве кормовой базы для последующих звеньев трофической цепи – беспозвоночных и рыб, а также влияние фитопланктона на гидрохимический режим водоемов, его способность утилизировать биогенные элементы. Показаны отличия прудовых экосистем от других водоемов и условия «цветения» фитопланктона. Отмечена недостаточная изученность, а также противоречивость сведений по вопросам, связанным с влиянием различных методов интенсификации на фитопланктон интенсивно эвтрофируемых прудов и, в связи с этим, необходимость проведения исследований в этом направлении.[1]

Экосистема рыбоводного пруда - это динамический комплекс сообществ бактерий, растений и животных и неживой окружающей среды. Экосистемы пруда получают энергию от солнца. Как в случае с другими экосистемами, как правило, растения (зоопланктон, водоросли 26 и водные сорняки 27) являются первичными производителями. Хлорофилл в их теле и листьях получает солнечную энергию, чтобы преобразовывать углекислый газ и воду в органические соединения и кислород. Это - процесс фотосинтеза. Углерод, азот и фосфор являются важными питательными веществами для водорослей. Добавление данных веществ повысит первичную продуктивность. Фитопланктон является непосредственной пищей пестрого толстолобика.

Улучшение производства естественного корма для рыбы в воде пруда является важной задачей. Унавоживание и удобрение являются источником питательных веществ, которые способствуют росту бактериопланктона и фитопланктона, которыми питаются зоопланктон и другие водные животные. Поэтому урожай рыболовных прудов может быть увеличен, благодаря надлежащей питательной поддержке посредством унавоживания и удобрения.

Солнечная энергия, путем фотосинтеза, вносит свой вкладв производство фитопланктона и высоких растений. Зарыбленные личинки карпа питаются зоопланктонами. От организмов зоопланктона, растущие мальки всегдавыбирают размер, который больше всего подходит кразмеру собственного рта. Хищники потребляют маленьких карпов и потери

могут быть огромными. Веслоногие, принадлежащие к подтипу ракообразных опасны тем, что они охотятся на зарыбленных питающихся личинок [6].

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Земляничина, Т.Ю. Особенности развития фитопланктона в интенсивно эксплуатируемых рыбноводных прудах. Автореф. дисс. канд. биол. н. - Москва, 1989. 3-4с
2. Музафаров А.М., Эргашев А.Э. Флора и значение споровых растений Средней Азии. Флора и значение споровых растений Средней Азии. 1972г-Т. «Фан» УзССР.- С.3-5, 17,18
3. Пежева м.х., Хабжоков а.б., Казанчев с.ч., Губачикова с.з. Альгологическая характеристика рыбноводных прудов кабардино-балкарской республики // современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 6.; <https://www.science-education.ru/>
4. Эргашев А.Э. Некоторые теоретические (Флорогенетика) и другие вопросы альгофлоры водоемов Средней Азии. Флора и значение споровых растений Средней Азии. 1972г-Т. «Фан» УзССР.- С. 23, 62-66
5. Технический документ ФАО по рыбному хозяйству и аквакультуре. Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН. Анкара, 2011
6. Учебное пособие по производству малькови сеголетков карпа в прудах. Продовольственная и сельскохозяйственная организация объединенных наций. Будапешт, 2018 с-25

УЎК 633.524.2

ИНТРОДУКЦИЯ ШАРОИТИДА КАНОП (*HIBISCUS CANNABINUS*) УРУҒИНИ ЭКИШ УСУЛЛАРИ ВА ЭКИШ МИҚДОРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

Р.Х. Аллабердиев, Ўзбекистон миллий Университети, Тошкент

Г.К. Рузумова, Ўзбекистон миллий Университети, Тошкент

Аннотация. Илмий тадқиқот ишлари Ўзбекистон Миллий университети Экология кафедраси томонидан Қорақалпоғистоннинг Орол денгизига туташ ҳудудларида ўтказилган. Экспериментал илмий изланишлар Экология факультетининг «Экология» кафедрасининг илмий мавзулари асосида ўтказилган. Илмий ишлар «Орол ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш дастури» лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Калит сўзлар: галофитлар, мослашув, адаптация, интродукция, иқлим, рельеф, шўрланиш, микрофлора, эндемика.

Аннотация. Научное исследование было подготовлено на основе экспедиции, проведенной кафедрой Экологии Национального Университета Узбекистана, на четырех территориях, прилегающих к Аральскому морю: Каракалпакистана, Бухарской, Хорезмской и Навоинской областей, в частности в 20 городах Узбекистана. Экспедиция проводилась в рамках проекта "Программа адаптации к изменениям климата в бассейне Арала и смягчение его последствий", под эгидой и помощи Международной ассоциации развития. А также, в проекте активно участвовали "Агентство по структурным преобразованиям сельскохозяйственных предприятий" и Консалтинговая компания "Intellect management".

Ключевые слова: галофиты, адаптация, приспособление, интродукция, климат, рельеф, засоления, микрофлора, эндемики, исчезновение.

Abstract. The scientific research was prepared on the basis of an expedition conducted by the Department of Ecology of the National University of Uzbekistan in four territories adjacent to the Aral Sea: Karakalpakstan, Bukhara, Khorezm and Navoi regions, in particular in 20 cities of Uzbekistan. The expedition was carried out within the framework of the project "Program for adaptation to climate change in the Aral Sea basin and mitigation of its consequences", under the auspices and assistance of the International Development Association. Also, the Agency for the Structural Transformation of Agricultural Enterprises and the Consulting Company Intellect management took an active part in the project.

Key words: introduction, halophytes, adaptation, adaptation, climate, relief, salinization, microflora, endemics, extinction.

Каноп ўсимлигини ўстиришда экиладиган майдонларга уруғларни экиш усуллари ва миқдори етарлича ўрганилмаганлиги туфайли унинг уруғини экиш усуллари ва экиш миқдори масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда. Айниқса, канопни экологик экстремал, ноқулай

худудларга интродукция қилишда бу жараён янада яққол кўзга ташланади. Баъзи муаллифлар каноппи қатор оралиғи 45 дан 70 см гача бўлган битта қаторда ўстириш самарали деб ҳисоблашган (4,6,8) бўлса, баъзи муаллифлар эса каноппи икки—уч ва тўрт қаторли усулда 34 + 11 см, 48 + 12 см, 60 + 15 см, 50 + 10 + 10 см, 45 + 11 см, 23 + 11 см. (1.3) схемалар бўйича экишни таклиф қилишган. Ушбу экиш усулларини қўллашдан мақсад энг кам харажат сарфлаб эвазига каноппдан сифатли ва мўл ҳосил олиш учун оптимал усулни аниқлаш эди.

Каноп уруғини экиш миқдорлари ҳақидаги фикрлар ҳам турлича эди. Баъзи тадқиқотчилар (7, 8) кам миқдорда (20-35кг/га) уруғ экиш тарафдорлари бўлишса, бошқалари уруғ экишнинг юқори миқдорларини (45-55кг/га) тавсия қилишади.

Юқори миқдорли ҳамда кўп қаторли уруғ экишда хом ашёнинг сифати кескин ёмонлашади ва майдон бирлигидан олинadиган даромад камаяди (4). Ишлаб чиқаришга машиналарни жорий этиш натижасида кўп қаторли ва зич экиш усулларининг камчиликлари кескин намён бўлади (4). механик ишлов орқали яхши хомашё олиш учун олинadиган ҳосиллардан бир хил, текис қаторли поялар талаб этилади.

Бир вақтнинг ўзида, кўп йиллик илмий изланишлар натижасида (4,5) ушбу муаллифлар анъанавий худудларда бир гектар экин майдонига аниқ бир уруғ миқдорига эга бўлган бир қаторли экинларга устунлик беришади.

Бундан ташқари, муаллифларнинг фикрига кўра (4-5) каноп етиштиришнинг ушбу шакли иқтисодий самарадорлик учун фойдали деб таъкидлайдилар. Шу тарзда, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, каноп уруғларини экиш усули ва экиш миқдорлари бўйича фикрлар турлича бўлиб, аниқ тавсиялар мавжуд эмас.

Айниқса, Орол бўйи экологик ноқулай экстремал худудларига каноп ўсимлигини интродукция қилишга бағишланган илмий изланиш ва тадқиқотлар адабиётларда учрамайди.

Ўзбекистоннинг экологик жиҳатдан ноқулай экстремал худудларида каноп ўсимлигини биоэкологик ва адаптив—мослашиш жараёнлари ўрганилмаган соҳа бўлиб қолмоқда. Шунингдек, канопнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда самарадорлигининг 45, 50, 60 см ли қаторлар орасида экиш ва уруғ экиш миқдорларига боғлиқлиги ҳам етарлича тадқиқ қилинмаган.

Шу сабабли, илмий изланишимизнинг асосий мақсади 45, 50, 60 см.ли бир қаторли экиш усули ва уруғ экиш миқдорининг пояларнинг ўсиши, ривожланиши, бир хиллиги ҳамда каноп ҳосилдорлигига таъсирини, шунингдек, ноқулай экологик шароитлар, экстремал худудларга каноппи интродукция қилишда вегетатив ўсиш ва ушбу ишлар самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари

2017 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани Бўзатов маҳалласи Шигарти қишлоғида Ўзбекистон Миллий университети учун ажратилган ердан маданий ўсимликларни ўрганиш учун тажриба майдони ажратилди. 2018 йилда канопнинг селекцион нави (*Hibiscus cannabinus*), “Ўзбекистон—2268” навини интродукция қилиш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилди. Гектарига 0,9; 1,2 ва 1,5 миллион дона (21, 28 ва 35 кг) уруғ экишда қатор оралари 45—50 ва 60 см бўлган бир қаторли экиш амалга оширилиб ўрганилди.

Тажриба учун канопнинг селекцион нави (*Hibiscus cannabinus*), “Ўзбекистон—2268” навидан фойдаланилди. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2008 йилдаги 659-сонли гувоҳномаси билан ушбу нав қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази томонидан тасдиқланган ва экиш учун таклиф қилинган. Пайкалларнинг ўлчами уруғ экиш услубига қараб 260—290 м² ташкил қилди.

Экиш ишлари бир вақтнинг ўзида бир нечта далаларда параллель равишда амалга оширилди. Уруғлик миқдорларининг ҳисоб-китоблари 100% қишлоқ хўжалигига яроқлилик билан олинган. Экиш 24-30 апрель кунлари амалга оширилди, ўша пайтда тупроқ ҳарорати ўртача 16°-18°С даражани ташкил этди. Экиш ишлари қўл меҳнати орқали амалга оширилди. Тупроқ ўтлоқли-дашт бўлиб, ер ости сувлари чуқурлиги ўртача тупроқ сатҳидан 0,9-1,8 метр чуқур масофада жойлашган. Бу далаларда бундан аввал табиий равишда галлофит, ўтлоқ ва

камиш ўсимликлари табиий ҳолда ўсган. Далалар қишлоқ хўжалиги экинларини экишда ишлатилмаган, чунки ерлар бу мақсадга яроқсиз деб топилган.

Тажрибадаги агротехника атроф-муҳит ва иқлим шароитига қараб баъзи ўзгаришлар билан каноп учун оддий, қабул қилинган схемада тайёрланди. Тадқиқот статистикаси барча далалардан олинган кўрсаткичларнинг уч йиллик ўртача қийматларини кўрсатади. Униб чиққан ўсимликлар, ўсиш тезлиги, поянинг диаметри, умумий баландлиги, гуллаши, техник пишиши, уч йиллик климадиаграмма, теримдан олдин тўлиқ ривожланмаган ўсимликлар сони ҳамда бошқа кўрсаткичлар ўрганилди.

Тупрокни тайёрлаш пайтида кузги шудгорлаш, баҳорги мола босиш; вегетация даврида 2 марта культивация ишлари, 2 марта қатордаги бегона ўтларни олиб ташлаб ерни юмшатиш, 1 марта катта бегона ўтларни олиб ташлаш, 4-5 марта зарпечакка қарши ишлар амалга оширилди. Минтақанинг иқлим шароити туфайли ер ости сувлари чуқурлигини инобатга олган ҳолда суғориш жараёнини бироз ўзгартиришга тўғри келди.

Экинлар икки марта минерал ўғитлар билан кўшимча озиклантирилди. Йиллик минерал ўғитлаш меъёри: азот-210, фосфор-150 ва калий-90 кг/га ташкил қилди. Каноп ўсимликларнинг етилишидан келиб чиққан ҳолда август ойининг учинчи ўн кунлигида ёки сентябрнинг биринчи ўн кунлигида йиғиштириб олинди.

Тадқиқот натижалари

Каноп ўсимлиги тўпларининг қалинлиги. Тадқиқотлар натижасида униб чиққан ўсимликлар сони экилган уруғлар сонига тўғри пропорционал эканлиги аниқланди (1-жадвал). Шундай қилиб, 1 га ерга 0,9 миллион уруғни экишда 801 минг (89,0%) (1-жадвал, 3-вариант), 1,5 миллион уруғ экишда эса 1 млн 250 минг (83,3) ўсимлик (1-жадвал, 5-вариант) униб чиққан. Бирок, кам миқдорда уруғ экилганда униб чикувчанлик даражаси юқорироқ, кўп миқдорда уруғ экилганда эса аксинча камроқ бўлган. Шундай қилиб, 1-жадвал, 3,6-вариантда экилган уруғларнинг униб чиқиш даражаси 89,0%—93,1%, зич экилган барча вариантларда, 2,4,5,7,8 -вариантда 83,3%—88,9% фоиз атрофини ташкил этди. Бу кўрсаткичлар шуни кўрсатмоқдаки, уруғ миқдори нисбатан кам, (21кг) ва эгатлар масофаси 50—60 см. бўлган вариантларда унувчанлик юқори бўлиши ва ҳосилдорликка ўз таъсирини кўрсатиши аниқдир.

Биринчи чопиқдан аввалги ўсимликлар қалинлиги, тўпларининг ҳисоби ўсимликлар сони сезиларли даражада камайганлигидан далолат беради ва бу айниқса кўп миқдорда уруғ экилган ҳолларда яққол кўзга ташланади. Ўсимликларнинг бундай қисқариши ўсимликларнинг илдиз шикастланиши ёки паразит замбуруғ (ризоктониоз—Рҳизостониа солани Ж.Г. Куху) касаллигидан чириши туфайли нобуд бўлишига боғлиқ бўлиши мумкин

Биринчи чопиқдан сўнг, ўсимликлар сонининг камайиши кузатилди, айниқса битта тор қаторли (45 см) экиш усуллари кўп миқдорда уруғ экилган ҳолларда. Ўсимликларнинг бундай қисқариши зич ўсаётган ўсимликларга механик иш қуроли орқали чопиқ қилиш вақтида етказилган кичик механик шикаст туфайли кузатилди. Ўсимликлар қанчалик зич жойлашган бўлса, механик шикастланиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Иккинчи чопиқдан олдин камайган ўсимликлар сони кўп эмас. Биринчи чопиқдан иккинчисига қадар 80-85 кун ўтди, шу вақт ичида тупроқ майдаланиб, минерал ўғитлар сепилди. Тор зичлигининг ҳар қандай даражасида бир хил қонуният кузатилади: экиладиган уруғлар сони ошиши билан нобуд бўладиган ўсимликлар сони ҳам ошиб бориши кузатилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кўп сонли ўсимликлар, асосан вегетация даври бошида ҳам, ўртасида ҳам нав нобуд бўлади. Экинлар қанчалик зич экилган бўлса, ушбу даврда нобуд бўладиган ўсимликлар сони шунчалик кўп бўлади. Ўсимликлар илдизи мустаҳкамлангандан сўнг нобуд бўлган ўсимликлар фоизи камаяди. Ҳосилни йиғишдан аввал ўтказиладиган ҳисоб-китоб ишлари ушбу қонуният вегетация даврининг сўнгига қадар сақланиб қолишини кўрсатди.

Йиғим-терим учун сақланиб қолган ўсимликларнинг мутлақ сони барча усуллар билан униб чиққан ўсимликлар сонига тўғри пропорционалдир: баҳорда қанча ўсимлик униб чиқса терим учун шунча кўп ўсимлик омон қолади. Бирок, баҳорда кам миқдорда ўсимлик униб чиққан ҳолларда ҳосилга қадар сақланиб қолганлар фоизи сезиларли даражада юқорироқ.

Бир хил миқдорда уруғлар экилганда ҳосилга қадар ўсимликларнинг энг яхши сақланиши кенг қаторлар орасида кузатилди. Бу ҳолат ушбу услубда уруғ экилганда тупроққа ишлов бериш жараёнида ўсимликка камроқ зарар етказилиши, ўсимликнинг илдиз чириши оқибатида ва йиғим-терим вақтида нобуд бўлиши фоизининг камайиши билан изоҳланади.

Пояда кам ривожланган ўсимликларнинг кўп бўлиши толаларни механик ишловчи машина орқали қайта ишлашда пўст сифатининг ёмонлашиши ва пўстнинг сифат кўрсаткичларидан бўлган пўстдаги ўзакнинг катталашшига олиб келади. Яхши ривожланмаган экинлар айниқса зич экинлар орасида кузатилади. 1 га майдонга 1,5 млн уруғ (1-жадвал, 5 ва 8 вариант) экишда яхши ривожланмаган ўсимликлар сони 261 ва 262 мингга тенглиги аниқланди. Бу эса, 1 га ерга 0,9 млн уруғ экилгандаги вариантлардан деярли 2 баробар кўпроқдир.

Қаторлар ораси нисбатан кенгроқ (50-60 см) бўлган бир қаторли экиш услубида ҳосилга қадар сақланиб қоладиган нисбатан кўп, яхши ривожланмаган ўсимликлар сони камроқ бўлади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, экиш миқдорлари кўп бўлган ҳолатларда уруғларнинг самарасиз сарфланиши кузатилади. Шундай қилиб, 1 га майдонга 0,9 миллион уруғ (21 кг) экилганда (1-жадвал, 1, 3 ва 6 вариантлар) униб чиқувчанлик (86,4%—89,0%—93,1%) ни, яхши ривожланмаган ўсимликлар эса мос равишда 146-133-110 мингга (23,1%-18,4%-14,3%) ташкил этиб бошқа вариантлардан афзалликка эгаллигини кўрсатди.

Уруғларни бир қаторли экиш услубида 1 га майдонга экилган 1,5 млн уруғдан (35 кг) 1-жадвал 5 ва 8 вариант (83,3%—82,5 %) униб чиқди, яхши ривожланмаган ўсимликлар сони эса 261-262 мингга ташкил этди. 1,3 ва 5 вариантларни 2, 5 ва 8 вариантлар билан солиштирганда уруғлар оғирлигидаги фарқ 2-вариантда (7 кг), 4-5 ҳамда 7-8 вариантларда (7-14 кг) ни ташкил этди. Уруғларнинг самарасиз йўқотилиши канопо ўстиришнинг тежамкорлигига, иктисодий сарф-ҳаракатини кўпайишига, ва ҳосилни таннархини ошишида акс этади.

Канопо ўстиришда энг кўп учрайдиган касалликлардан бири бу Ризоктониоз—илдизнинг замбуруғли чиришидир. Бундан ташқари, Рҳизостониа солани Куху ва бошқа шу каби шикастловчи касалликларни ҳам шу қаторга киритиш мумкин. Унинг тарқалиши кўп жиҳатдан экиш усуллари ва ўсимлик зичлигига боғлиқ.

Қаторлар орасининг нисбатан кенг бўлиши ва кам миқдорда уруғ экилиши илдиз чиришидан нобуд бўладиган ўсимликлар сонини камайтиради. (1-жадвал. 1,3 ва 6 вариантлар) 1 га майдонга 0,9 млн уруғ экилганда бор йўғи (146-81-73) минг ўсимлик нобуд бўлган. 1 га майдонга 1,2 млн ва 1,5 млн уруғ экилганда эса (1-жадвал. 2, 5 ва 8 вариантлар) ҳосил теримига қадар 227 – 272 – 290 минг ўсимлик нобуд бўлган.

1 – Жадвал

Канопо ўсимлигини экиш усули ва миқдори билан униб, ўсиб чиқиш зичлиги, теримгача бўлган ҳолати орасидаги боғлиқлик (2018-2019-2020 йиллар бўйича ўртача кўрсаткич)

Вариант №	Қаторлар оралиғи см.	1 гектарга экилган уруғлар миқдори		Ўсимликнинг унвчанлиги		Теримгача сақланиб ўсган ўсимликлар			
		млн. дона	Оғирлиги кг.	минг га.	%	жами		шу жумладан тўлиқ ривожланмаганлар	
						минг. га.	%	минг га.	%
Бир қаторли экиш									
	45	0,9	21	778	86,4	632	81,2	146	23,1
	45	1,2	28	1039	86,6	812	78,1	215	26,4
	50	0,9	21	801	89,0	720	89,8	133	18,4
	50	1,2	28	1067	88,9	848	79,4	158	18,6
	50	1,5	35	1250	83,3	978	78,2	261	26,6
	60	0,9	21	838	93,1	765	91,2	110	14,3
	60	1,2	28	1015	84,5	780	76,8	161	20,6
	60	1,5	35	1238	82,5	948	76,6	262	27,6

Канопонинг ўсиши ва ривожланиши

Канопонинг ҳосилдорлиги ўсимликнинг баландлиги, агротехник ишлов беришнинг ўз вақтида бажарилиши ва унинг ривожланишига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ўсимлик зичлигига боғлиқ. Уруғларни экиш миқдори ошиши билан ўсимликларнинг ўсиши ва

ривожланиши секинлашади (2-жадвал). Каноппинг ажралиб турувчи битта биологик хусусияти бор: униб чиққанидан тахминан 30-40 кун гача, у жуда секин ўсади (кунига 3-5 мм) ва куртак очишдан гуллашгача унинг ўсиши тезлашади (кунига 50-60 мм). Бу ҳодиса каноппинг ривожланиши, шаклланиши ва ўсиш даражасига боғлиқ бўлиб, бевосита илдиз тизимининг ер ости сувларига қадар шаклланиши ва ўсиши ҳамда озуқа моддалар билан таъминланишига боғлиқ.

Агар экиш усулига қараб ўсимликларнинг ўсишини алоҳида ўргансак, унда 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қатор оралиғи 45-50-60 см бўлган тор қаторли экиш усули ва жуда зич экилган экинларда (2, 5 ва 8) вариантларда (1 га майдонга 1,2; 1,5 ва 1,5 млн уруғ) ўсимлик ўсиши ва ривожланишининг сезиларли ортда қолиши кузатилади. Бу ҳолат айниқса вегетация даврининг охирида яққол кўзга ташланади. Каноппинг ривожланиши терим ишларини ўз вақтида ўтказиш учун жуда муҳим.

2 – Жадвал

Каноп ўсимлигини йиғим-теримгача бўлган ўсиш ва ривожланиш жараёнларига ўсимлик уруғини экиш усули ва экиш миқдори билан боғлиқлиги (2018-2019-2020 йиллар бўйича ўртача кўрсаткич)

Вариант №	Қаторлар оралиғи см.	1 гектарга экилган уруғлар миқдори		Ўсимлик баландлиги	1 суткада ўртача ўсувчанлиги мм.	Гуллаган ўсимликлар %	Техник етилган ўсимликлар %
		млн. дона	кг				
Бир қаторли экиш							
1.	45	0,9	21	254,4	23,1	81	69
2.	45	1,2	28	245,7	22,4	56	47
3.	50	0,9	21	263,9	23,9	87	77
4.	50	1,2	28	253,6	23,3	61	51
5.	50	1,5	35	234,1	21,3	36	21
6.	60	0,9	21	263,9	24,9	85	72
7.	60	1,2	28	254,3	23,1	61	53
8.	60	1,5	35	237,1	21,6	27	13

Адабиётлардаги маълумотларга кўра Каноппни йиғиш ишларини ўсимликнинг 50 фоизи техник пишиб етилган вақтда бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳосилдорликни пасайтирмасдан, вегетация даври давомийлигини қисқартириш муҳимдир. Бунда ўсимлик зичлиги муҳим роль ўйнаши аниқланди. Шундай қилиб, 1 гектар майдонга 0,9 миллион уруғни экишда барча экиш усуллари билан ўсимликлар 1 августгача гуллашни бошлади ва 20-25 августгача техник пишиш бошланди.

Уруғларни экиш миқдорининг ўсиши каноппинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди – 30 августга қадар ҳам техник пишиб етилмаслиги кузатилди. Каноп йиғим-терими максимал қисқа давом этиши катта аҳамиятга эга. Йиғим терим ишлари кеч бошланса ҳосилга ёмғир тушиши хавфи бор, бу эса пўстнинг сифатини пасайтиради. Максимал қисқа муддатда ҳосилни йўқотишларсиз, сифатига путур етказмасдан йиғиб олиш талаб этилиши туфайли йиғим-терим ишлари катта меҳнат юктамаларига сабаб бўлади.

Шу тарзда, барча экиш усуллари орасида 1 га майдонга 0,9 млн уруғ экилиши йиғим терим ишларини ўсимлик зич экилган майдонларга нисбатан 10-14 кун аввал бошлаш имконини беради.

Тақдим этилган материаллар шуни кўрсатадики, экиш зичлиги ошиши билан ўсимликларнинг баландлигига таъсир этиши кузатилди ва уларнинг ривожланиши ҳосил сифатининг пасайиши фонида кечади. Буларнинг барчаси маҳсулотларнинг иқтисодий рентабеллигида акс этади.

Хулосалар

1. Уруғларнинг далада энг кўп сонда униб чиқиши, ўсимликларнинг йиғим-теримга қадар энг кўп яхши сақланиб қолиши экин майдонига оптимал миқдорда (21 кг уруғ ва эгатлар ораси 60 см) усулда ва бир қаторли экиш услубида эришилди.

2. Йиғим-теримда яхши ривожланмаган ўсимликлар сони кўп бўлиши экин майдонига (28-35 кг уруғ ва эгатлар ораси 45-50 см) ва бир қаторли экиш услубида кузатилди.

3. Зич экилган ўсимликларда ўсиш ва ривожланиш секинлашади, ўсимлик бўйи ва диаметри, поя вазни, барг юзаси, куруқ модданинг абсолют миқдорини қисқариши кузатилди.

4. Диаметри бўйича бир хил пояларнинг катта фоизи 1 га майдонга бир қаторли экиш усули орқали 0,9 млн уруғ (21 кг—эгати 60см) экилганда кузатилди.

5. Пўст ва толанинг максимал ва деярли бир хил ҳосилига 1 га майдонга 0,9 млн уруғ экилган, қаторлар ораси 60 см бўлган бир қаторли экиш услубида эришилди.

6. Қаторлар ораси 60 см бўлган бир қаторли экиш услуби қаторлар ораси 45-50 см бўлганга нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча самаралироқлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашр., 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони.

4. Назиров Х.Н., Дьяконова Е.В. Возделование кенафа., Ташкент, Изд-во “Узбекистан, 1969, № 2

5. Недзвецкая Г.Л. Корневая гниль кенафа. “Лён и конопля”, 1969, № 2

6. Лев В.Т. Дело не только в количестве, но и в качестве “Лён и конопля”, 1965, № 8.

7. Т.Рахимова, Р.Х.Аллабердиев. Перспективные засухоустойчивые растения для посева на осушенном дне Арала. Материалы международной конференции. Ташкент, 2018.

8. Ў.А.Набиев, Изменение климата, оценка и понимание их действия и её опасных последствий., НУ Уз, «INTELLEKT MANAGEMENT» консалтинговая компания., Ташкент, 2018г.

9. Холмуминов Ж.Т. Действие изменения климата на развитие сельского хозяйства, вопросы и задачи современных решений, меры предотвращения, ослабления и противостояния. Учебное пособие. Ташкент-2018.

УЎК: 633.853.52

100 ДОНА ДОН ОГИРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ СОЯНИНГ БОТАНИК КОЛЛЕКЦИЯСИ НАМУНАЛАРИДА ФАРҚЛАНИШИ

А.М. Аманов, илмий ходим, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тошкент

О.Р. Эргашев, илмий ходим, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада ЎЗРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида сақланаётган соянинг ботаник коллекцияси намуналаридан 100 дона дон оғирлиги кўрсаткичлари юқори бўлган намуналарни янги тадқиқотларда бошлангич ашё сифатида фойдаланиши учун танлаб олиш мақсадида 2019 йилда йиғиштириб олинган уруғлик ҳосил устида олиб борилган таҳлилий ўрганиш натижалари келтирилган. Олинган маълумотларга кўра, таҳлил этилган 142 дона намуналар орасида 19 донанинг ўрганилаётган белги кўрсаткичлари бўйича бошқа шаклларга нисбатан юқори эканлиги тасдиқланган.

Калит сўзлар: Соя, ботаник коллекция, намуналар, 100 та дон оғирлиги, кўрсаткичлар.

Аннотация. В статье представлены результаты аналитического исследования урожайности зерна сезона 2019 г. по отбору образцов с высокими показателями массы 100 зёрен из ботанической коллекции сои, хранящейся в Институте генетики и экспериментальной биологии РАН, с целью использования их в качестве исходного материала для дальнейших генетико-селекционных работ. Было определено, что из 142 проанализированных образцов 19 превосходят другие формы по исследуемому хозяйственно-ценному признаку.

Ключевые слова: соя, ботаническая коллекция, образцы, масса 100 семян, показатели хозяйственно-ценных признаков.

Abstract. The article presents the results of an analytical study regarding soybean grain yield of the 2019 growing season on the selection of samples with high rates of 100-seed weight of soybean plants from the botanical collection of soybeans stored at the Institute of Genetics and Experimental Biology of the Russian Academy of Sciences, for the purpose of using them as a starting material for

further genetic research and selective breeding work. It was determined that out of 142 analyzed samples, 19 outperform other forms in terms of the studied economically valuable trait.

Key words: soybeans, botanical collection, samples, 100-seed weight, indicators of economically important traits.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг майдонларда экиб ҳосили йиғиладиган барча турдаги экинларнинг янги дурагайлари яратишда соҳа изланувчилари ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган шакллардан бошланғич ашёлар сифатида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир экин тури каби соя ўсимлиги наъмуналарининг ҳам ҳосилдорлик кўрсаткичларини ифодаловчи асосий омил ҳисобланган хўжалик, биологик, биохимик, физиологик ва бошқа хусусиятлари ҳамда кўрсаткичларини ўрганиш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган[1-5]. Соя ўсимлигининг барча ҳосили яъни ниҳолларда мавжуд бўлган (биринчи ва охири) дуккаклардаги донларнинг тўлиқ пишиб етилиши жараёнлари бир пайтда содир бўлмаслигини инобатга олинадиган бўлса, ушбу ўсимликнинг ҳосилини тўлиқ етилтириб бир вақтда поя ва ҳосилни йиғиб олиш муаммо ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дуккакларнинг маълум бир қисми йиғиб олишга тайёр ҳолатга келганида ўримни бошлаш зарур бўлади. Чунки, поядаги дастлабки пайдо бўлган ва пишиб етилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олинмаса қуриган дуккакларнинг ёрилиб кетиши оқибатида етилган донларнинг сочилиб кетишига олиб келади. Соя ўсимлиги ҳосилининг бир вақтга пишиб етилмаслиги ва тўлиқ йиғиб олишнинг иложи йўқлиги ҳисобга олинадиган бўлса, 100 та дон оғирлиги белгиси кўрсаткичлари юқори бўлган дурагайлари яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади: Таҳлилдаги соя наъмуналарининг 100 та дон оғирлиги кўрсаткичларини ўрганиш асосида янги тадқиқотларга ота-она шаклларини танлаш ва ушбу хусусияти бўйича имкониятларига баҳо бериш мақсадида қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқот ашёси: ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида сақланаётган соянинг ботаник коллекцияси наъмуналарининг 2019 йилда акс эттирган 100 та дон оғирлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар ушбу тадқиқотларнинг ашёлари ҳисобланади.

Тадқиқотни ўтказиш услублари: Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяцион таҳлил услубидан фойдаланилди. Маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуби бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

Тадқиқот амалга оширилган жой: Ушбу тадқиқотлар ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган “Дўрмон” илмий тажриба базасида амалга оширилди.

Натижалар: ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида сақланаётган соянинг ботаник коллекцияси наъмуналарининг 2019 йилда акс эттирган 100 та дон оғирлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар тадқиқ этилди ва ўрганилган 142 та намунанинг 19 донаси бошқаларига нисбатан юқори кўрсаткичларни акс эттириб, саралаб олинди. Бунда 100 та дон оғирлиги 20 гр ва ундан юқори кўринишни фенотипик намоён этган шакллар танлаб олинди.

Саралаб олинган тадқиқот ашёларининг 100 дон дон оғирлиги белгиси кўрсаткичларини акс эттирувчи маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

Жадвал

Ботаник коллекция намуналарининг жами дон оғирлиги(2019 йил)

№	Ашёларнинг тартиб рақами	Ашёларнинг номи	100 дон дон оғирлиги		
			$X \pm m$	σ	v
1	3	БК – 4	21.47±0.07	0.48	2.22
2	5	БК – 6	21.26±0.05	0.36	1.69
3	7	БК – 9	20.23±0.07	0.46	2.26
4	8	БК – 11	20.67±0.05	0.31	1.49
5	14	БК – 17	22.40±0.08	0.53	2.36
6	20	БК – 20	21.52±0.06	0.42	1.96

7	23	БК – 23	20.60±0.05	0.31	1.52
8	29	БК – 30	21.98±0.17	1.13	5.15
9	30	БК – 31	22.52±0.05	0.30	1.34
10	35	БК – 36	20.00±0.05	0.32	1.44
11	41	БК – 43	20.54±0.06	0.38	1.85
12	46	БК – 79	21,83±0,07	0,48	2,21
13	89	БК – 525	20,42±0,07	0,47	2,32
14	113	БК – 1	20,46±0,05	0,30	1,47
15	116	БК – 4	20,58±0,05	0,36	1,74
16	119	БК – 7	20,63±0,05	0,34	1,67
17	123	БК – 11	20,49±0,04	0,29	1,40
18	130	БК – 18	20,52±0,04	0,27	1,31
19	135	БК – 23	26,43±0,05	0,34	1,29

Юқоридаги маълумотлардан маълум бўлишича, 2019 йил экилиб, парваришланган соянинг ботаник коллекцияси намуналари орасида келтириб ўтилган жадвалдаги шакллар таҳлилдаги бошқа ашёларга нисбатан юқори кўрсаткичларни акс эттирган.

Ўрганилаётган белги кўрсаткичлари бўйича ўзгарувчанлик кўлами 29, 14, 89, 7 ва 3 ашёларда бошқа намуналарга нисбатан юқори эканлиги кузатилиб, ушбу ҳолат мазкур популяцияларнинг таҳлил этилаётган белгиси бўйича шаклланиш жараёнлари давом этаётгани ва шу сабабга кўра саралаш ишларини давом эттириш зарурлигини билдиради. Танлаб олинган шаклларнинг қолган барчасида бир-бирига яқин ва 2 % дан паст кўриниш фенотипик жиҳатдан намоён бўлганига асосланиб белги кўрсаткичлари бўйича барқарорлашув жараёнига яқин келган дейиш мумкин.

Ўрганилган намуналарни тадқиқ этиш асосида тўпланган маълумотлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, таҳлилдан кейинги сараланиб танланган 19 та ашёларнинг 100 дона дон оғирлиги энг юқори бўлган дурагайлари ажратиш олиш бўйича донорлик имконияти юқори экан. Ушбу ажратиш олинган шакллардан келгусидаги генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашёлар сифатида фойдаланиш ижобий самара бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абзалов М.Ф., Қиличева О.Б. “Генетическая коллекция растения сои Института генетики и экспериментально биологии растений АН РУз” – Докл. АН РУз. – 2008 г. - № 2.-стр.77-80
2. Аманов А.М. “Соянинг тезпишар фотонейтрал генотипларида шоналаш давридаги бош поя баландлиги ва илдизидаги тўплаган туганаклар сони кўрсаткичлари” – Ўзбекистон аграр фани хабарномаси 2020 йил, № 6/2 (84), 100-102 б.
3. Дидоренко С.В., Карягин Ю.Г. “Соя – важнейшая зернокармальная культура” – Вестник с/х науки Казахстана, 2006, № 1 – С. 19-21
4. Девид Д. Эсбридж. “Соя как источник пищевых масел в сравнении с другими растительными маслами”. В. кн.: Практическое руководство по переработке и использованию сои. Под редакцией Д. Эриксона Пер. с англ. Под. ред. Д. Доморошенко. – «Макцентр. Издательство», Москва 2002, -672 стр.
5. Ёрматова Д. “Соя” Т-т, Мехнат. 1989 йил.
6. Сафанов В.И., Сафанова М.П. «Исследование белков и ферментов растений методом электрофореза в полиакриламидном геле» Биохим. Методы в физиологии растений. Сб. изд. «Наука», Москва, 1971.-С. 113-137.
7. Семак И.В., Зырянова Т.Н., Губич О.И. / Биохимия

УЎК.599.323.4

ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМДА ТУШКИ ҚУМСИЧҚОННИНГ (*MERIONES MERIDIANUS PALLAS*) ЭКТОПАРАЗИТЛАРИ

Г.А.Асенов, б.ф.д., Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Б.Дж.Алламуратов, ўқитувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Н.Ж.Байгелдиева, лаборатория мудири, ЎзР СССВ, Республика ўлат, карантин, ўта ҳавфли юқумли касалликлар профилактика Марказининг Қорақалпоқ филиали, Нукус

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистоннинг Шимолий-Ғарбий Қизилқум бўлимида олиб борилган тадқиқот натижасида тушки қумсичқони (*Meriones meridianus Pall*) эктопаразитларининг кенг тарқалган турлари экологияси ва тарқалиши ҳақида

маълумотлар берилган. Шунингдек бу турларнинг физико-географик ҳудудлар бўйича тарқалиши ўрганилган ва аниқланган маълумотлар жадвалларда акс эттирилган.

Основными доминантами осушенной Южной части дна Аральского моря являются растения из семейства маревых – *Chenopodiaceae* Vent. Это семейство во флоре Приаралья по числу видов и родов занимает одно из первых мест. Многие виды – соленакапливающие галофиты, имеют суккулентный тип строения листа, наиболее распространенные виды являются доминантами и эдификаторами.

Как видно, флористический состав района исследования сравнительно не очень богат. Преобладают галофитные, ксерофитные и тугайные виды.

Продолжившиеся исследования динамики растительности на Южной части дна Аральского моря показали происходящие интенсивные сукцессионные процессы. Обнаружено, что даже самое широко распространенное и более адаптированное к неблагоприятной среде семейство маревых (*Chenopodiaceae*), претерпело уменьшение. Например, виды мари сизой (*Chenopodium glaucum* L.), мари красной (*Chenopodium rubrum* L.) не обнаружены вообще, а вместо климакоптеры родственной (*Climacoptera affinis* (С.А.Мей) Botsch.), климакоптеры растопыренной (*Climacoptera brachyata* (Pall.) Botsch.), климакоптеры заамударьинской (*Climacoptera transoxana* (Litv.) Botsch.) появились другие виды: климакоптера Ольги (*Climacoptera olgae* (Илjin) Botsch.), климакоптера шерстистая (*Climacoptera lanata* (Pall.) Botsch.), климакоптера мясистая (*Climacoptera crassa* Vieb. Botsch.). Все эти факты свидетельствуют об исчезновении многих неадаптированных к засолению

экологических ниш видов растений из флоры Приаралья и диктуют необходимость продолжить систематический мониторинг растительности Южной осушенной части дна Аральского моря для дальнейшего изучения закономерностей развития различных биологических и экологических групп растений.

Из всего выявленных 73 видов растений – представителей маревых составило 22 вида, что составляет 30% [14].




Рис.1. Динамика количества видов растений на Южной части осушенного дна Аральского моря

Примечание: 1981 год – 106 видов (Кабулов, 1981); 1990 год – 62 вида (Кабулов, 1990); 1994 год – 201 вид (Беркле и др., 1998); 2000 год – 89 видов (Отчет НИР, 2002); 2006 год – 50 видов (Матжанова и др., 2007); 2012 год – 73 вида (Матжанова и др., 2012).

Как видно из анализа динамики растительного покрова (рис.1.), сукцессионные процессы на осушенной Южной части дна Аральского моря продолжаются, происходит замена одних видов другими, что указывает на приспособление растений (галоадаптацию, ксероадаптацию) к изменяющимся условиям среды. Линейный тренд показывает заметное снижение растительного покрова на осушенном дне Аральского моря (1,3 вида в год). Малочисленность видов (2-3 вида), слагающих фитоценозы осушенного дна свидетельствует о не полных растительных сообществах и, как следствие, они характеризуются крайней неустойчивостью.

Характерная особенность галофитов – способность накапливать значительное количество минеральных солей [16]. Нами изучены галоаккумулятивные свойства некоторых видов растений – *Atriplex Fominii*, *Climacoptera aralensis*, *Tamarix hispida*, *Halostachys Belangeriana* [13].

Лебеда (*Atriplex fominii*) эндемик побережий Аральского моря, пионер зарастания осушенных песчаных его побережий, чрезвычайно терпима к содержанию солей в почве. Большую часть поглощенной соли лебеда сохраняет в листьях. Она аккумулирует до 11,1% водорастворимых солей на 100 г абсолютно сухого вещества и является хлоридофилом (134,5 мг/экв) не смотря на то, что произрастала на средnezасоленной почве (0,81%) сульфатного типа засоления.

Климакоптера (*Climacoptera aralensis*) сможет накапливать в себе 30,1% водорастворимых солей, она произрастала на очень сильнозасоленных почвах (3,22%), хлоридно-сульфатного типа засоления. Она также показала себя как хлоридофил.

Тамарикс (*Tamarix hispida*) – типичный галофит, наиболее солеустойчивый вид, широко распространенный на осушенном дне Аральского моря и в солончаках Приаралья.

Произрастает на солончаке (4,4%) сульфатно-хлоридного типа засоления. Из общего количества накопленных им водорастворимых ионов (242,1 мг/экв) почти 70% или 168,9 мг/экв составляют хлорид-ионы. Тамарикс также является хлоридофилом.

Карабарак (*Halostachys belangeriana*) – один из солевыносливых представителей высших растений. Содержит в себе 5,57% водорастворимых солей. Как показали результаты исследований, из общего количества накопленных им анионов – 89,8 мг/экв, почти 61,0% (54,5 мг/экв) приходится на долю хлорид-иона. Произрастал на сильнозасоленной почве (1,48%) хлоридно-сульфатного типа засоления.

Таким образом, происходящая трансформация растительности оказывает определенное воздействие на окружающую среду. В частности она приводит к сокращению численности и даже исчезновению некоторых видов флоры Приаралья. Интенсивные изменения растительного покрова в 70-80-х годах шли в направлении изменения и обеднения растительности.

В связи с повсеместным засолением почвенной среды создались благоприятные условия для зарастания территорий представителями галофильной растительности. Каждый рассмотренный вид растений накапливал в себе различные ионы лишь в пределах своей галотолерантности.

Благодаря избирательному поглощению водорастворимых солей, изученные нами дикорастущие растения в основном, проявляют себя как хлоридофилы. Преобладание хлоридофилов, возможно является следствием адаптации растений к сульфатно-хлоридному и хлоридно-сульфатному типу засоления почв, широко распространенных на территории Каракалпакстана.

Деградирующий растительный покров является фактором изменений в окружающей среде не только как один из главных элементов экосистемы, но и как важный компонент климатической системы (подстилаящая поверхность).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв.- М.- Изд. МГУ.- 1970.- 275 с.
2. Бахиев А.Б. Экология и смена растительных сообществ низовьев Амударьи. Ташкент, «Фан», 1985. 192 с.
3. Бондаренко О.Н. Определитель высших растений Каракалпакии.- Ташкент.- Наука.- 1964.- с. 66-72.
4. Брекле З.В., Агаханян О.В., Вухрер В. Опыт моделирования Аральского кризиса. Проблемы освоения пустынь. 1998. №6. С. 7-14.
5. Курочкина Л.Я., Кузнецов Н.Г. Экологические аспекты антропогенного опустынивания Приаралья // Проблемы освоения пустынь.- 1986.- № 5.- с. 68-74.
6. Кабулов С. Состояние компонентов природной среды Южного Приаралья и их охрана // Проблемы Аральского моря и дельты Амударьи.- Ташкент.- ФАН.- 1984.- с.135-143.
7. Кабулов С. Изменение пустынных фитоценозов при аридизации.- Ташкент.- ФАН.- 1990.- 240 с.
8. Кабулов С., Матжанова Х.К., Орел М.М. Особенности изучения водорастворимых солей растений // Вестник ККО АН РУз.- 1997.- № 1-2.- С. 15-21.
9. Ковда В.А. Проблемы борьбы с опустыниванием и засолением орошаемых почв.- М.-Колос.1984.-304 с.
10. Коровина О.Н., Бахиев А.Б., Таджигдинов М.Т., Сарыбаев Б. Иллюстрированный определитель высших растений Каракалпакии и Хорезма.- Ташкент.- Фан.- 1982.- Т.1-2.- 214 с.
11. Матжанова Х.К. Биоэкологические особенности соленакопления растений в условиях Каракалпакстана.- Ташкент. Автореф. канд. дисс.- 1999.- 18 с.
12. Матжанова Х.К., Рахимова Т., Алланазарова У. Современное состояние растительности осушенной Южной части дна Аральского моря. Вестник ККО АН Руз, Нукус. 2007. №4. С.28-31.
13. Матжанова Х.К. Изучение растительности на осушенной Южной части дна Аральского моря и ее галоаккумуляция. // Вестник ККО АН РУз.- 2009/- № 1 (214).- с.34-37.
14. Матжанова Х.К., Орел М.М., Матжанов Т.К. Современное состояние растительности осушенной Южной части дна Аральского моря в связи с опустыниванием и засолением среды. Вестник ККО АН РУз, 2012 г. №3, стр. 16-20.
15. Матжанова Х.К. Доминантные виды растений осушенной Южной части дна Аральского моря. Вестник ККО АН РУз.- 2013/- № 1 (230).- с.22-27.
16. Строгонов Б.П. Физиологические основы солеустойчивости растений.- М.- Изд. АН СССР.-1962.-366 с.
17. Черепанов С.К. Сосудистые растения СССР.- Л.- Наука.- 1981.- 509 с.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СЎЗАК ВА ЗАХМ БИЛАН
КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ**

М.Б. Матякубов, магистрант, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент
Ш.М. Расулов, таянч докторант, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

Аннотация. Мақолада сўзак ва захм касаллигининг дунёда тарқалганлиги, оқибатлари, репродуктив соломатликка таъсири ва Ўзбекистон Республикасида касаллигининг кўп йиллик динамик таҳлили, жинслар тафовути ва ҳудудий тақсимланиши келтирилган.

Калим сўзлар: эпидемиология, сўзак, захм, касалланишнинг динамикаси, ҳудудий тарқалиши.

Аннотация. В статье представлены глобальная распространенность гонореи и сифилиса, их последствия, влияние на репродуктивное здоровье и долгосрочный динамический анализ заболевания в Республике Узбекистан, гендерные различия и региональное распределение.

Ключевые слова: эпидемиология, гонорея, сифилис, динамика заболевания, региональное распространение.

Abstract. In the state there is a global prevalence of gonorrhoea and syphilis, its consequences, impact on reproductive health and long-term dynamic analysis of the disease in the Republic of Uzbekistan, gender differences and regional distribution.

Key words: epidemiology, gonorrhoea, syphilis, the dynamics of the disease, regional spread.

Сўзак - *Neisseria gonorrhoeae* бактерияси касаллик қузғатувчиси бўлиб, жинсий йўллар билан тарқалувчи, аёллар ва эркеклар бирдек касалланиши мумкин бўлган юқумли касаллик ҳисобланади. Сўзак жинсий аъзолар, сийдик чиқарув каналларини, тўғри ичак, кўз, оғиз бўшлиғи ва юткиннинг зарарланиши билан кечувчи касалликларини келтириб чиқаради. Бу касаллик дунё бўйлаб жуда кенг тарқалган бўлиб, касалланиш 15-24 ёшлар атрофидаги кишиларда нисбатан кўп учрайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ҳар куни дунё бўйлаб 15-49 ёшлар атрофидаги кишиларнинг 1 миллионга яқини жинсий йўллар билан юқувчи касалликни юктириб олиши тасдиқланган, бундан келиб чиқиб, йилига асосий 4 та инфекция (хламидия, сўзак, трихоманада, захм) билан 376 миллион инсон зарарланиши мумкинлигини кўришимиз мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра 2012 йилда бутун дунё бўйлаб сўзак билан касалланишнинг 27 миллионта ҳолати аниқланган бўлиб, 15-49 ёшлар атрофидаги аёлларнинг 0,9% га ва эркекларнинг 0,7% га сўзак ташхиси қўйилган. 2016 йилда эса дунё бўйлаб 15-49 ёшлар атрофида кишиларда сўзак билан касалланишнинг янги ҳолатлар 87 миллионтани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ҳар 1000 та аёлдан 20 тага, ҳар 1000 та эркекдан 26 таси касалланганини билдиради.

Захм – жинсий йўллар билан юқувчи антропоноз касаллик бўлиб, қўзғатувчиси трепонема ҳисобланади. Оқ трепонема жуда ҳаракатчан бўлиб, организмга тез киради ва бир неча қисмларга бўлиниб кўпаяди. Захм маиший мулоқат йўли билан юқиши исботланган, бунга сабаб оқ трепонема организм ички органларига киришдан ташқари ташқи шиллик қаватларда ҳам сақланиб қолиши мумкинлиги тасдиқланган. Захмда турғун иммунитет ҳосил бўлмайди, тўлиқ тузалган инсон яна қайта касалликни юктириб олиши мумкин. Захм қузғатувчиси организмдан ташқарида ҳам ўз яшаш қобилиятини сақлаб қолади, захм билан касалланган инсон ўлгандан сўнг ҳам, захм қўзғатувчиси ўз яшаш қобилиятини организмда 96 соатгача сақлаб қолар экан.

Захмда биологик маҳсулотлардан зарарланган сўлак, сперма, қон ва қон препаратлари, инецион наркотик воситалар қабул қилиш натижасида ҳам юқиши мумкин. Захм 2016 йилнинг ўзида 200 000 га яқин чақолақлар ўлимига ва ўлик туғилишига сабабчи бўлган. Ҳозирги кунда бола йўқотишнинг асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланган.

Сўрак билан энг кўп қайд қилинган касалланиш ҳолатлари Африка минтақасига тўғри келган. *Neisseria gonorrhoeae* (*N. gonorrhoeae*) нинг микробга қарши дори воситаларга

сезгирлиги тобора йўқолиб бормоқда, сўнги 80 йил ичида тетрациклин, макролит (азитромицинга ҳам), сульфонамид ва триметопримларнинг комбинирланган препаратлари ва хинолинларга ҳам сезувчанлик камайганлиги аниқланди. Биринчи маротаба цефиксимнинг сўзакни даволашда эффективлиги йўқолганлигини Япония давлати эълон қилди.

Гонококк инфекцияси билан касалланганларда онанинг ва янги туғилган болаларнинг репродуктив саломатлигида юзага келувчи жиддий ўзгаришли оқибатларга сабабчи бўлиб ҳисоблади:

- Одам иммун танқислиги вируси билан касалланиш ҳолатини 5 мартагача ошириб юборади

- Бепуштлиқка сабабчи бўлади

- Аёлларда қориннинг пастки қисмида ўткир ва сурункали оғриқлар билан кечувчи яллиғланиш жараёнларини пайдо бўлиши

- Бачадондан ташқари хомиладорлик ва она ўлимига сабабчи бўлади

- Хомиладорликнинг биринчи уч ойлигидан тўхташи

- Чақалокларда кўрлик юзага келиши билан асоратланувчи, оғир неонатал кўз касаллигини келтириб чиқариши мумкин.


- Гонококк камдан кам ҳолатларда бўлсада қонга тушиб гонококкли артрит, юрак, мия ва терининг гонококкли зарарлашини келтириб чиқариши мумкин.

Захм билан барча ёшдаги инсонлар касалланиши мумкин. Мойиллик барча организмда бирдек, асосий юқиш йўли жинсий аълоқа бўлганлиги сабабли, актив жинсий ҳаёт кечирувчи ва жуфтини тез-тез алмаштирувчи шахсларда кўпроқ учрайди. Афсуски Ўзбекистонда ҳам бу юқумли касаллик билан касалланиш ҳолатлари кенг учрамоқда. Аммо шу билан бирга маиший мулоқот орқали юқиш йўли ҳам захм касаллигининг тарқалишида етакчи йўлларини унутмаслигимиз керак.

Тадқиқотнинг мақсади: 2009 – 2019 йилларда Ўзбекистон республикасида сўзак ва захм билан касалланганларнинг таҳлили.

Тадқиқот материали ва услублари. Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлик хизматининг аҳолининг сўзак ва захм билан касалланиши бўйича 2009-2019 йилладаги ҳисоботлари. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда эпидемиологик ва статистик тадқиқот услубларидан фойдаланилди.


Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ўзбекистон Республикасида жинсий йўллар билан тарқалувчи юқумли касалликлар билан касалланиш ҳолатлари барча давлатлар каби кенг учрамоқда. 2009 йилдан 2019 йилгача Ўзбекистон Республикасида сўзак ва захм касаллигининг тарқалганлигини таҳлил қилиш натижасида, касалликларнинг динамик ўзгариши келтириб ўтилган (1-расм). Тадқиқотнинг бошланғич даврида яъни 2009 йилда сўзак билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичлари 100 минг аҳолига нисбатан 19,9 ни ташкил қилган. 2009 йилдан 2015 йилга қадар сўзак билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичи камайиб борган ҳамда 2016 йилда касалланиш даражасининг нисбатан кўтарилиб, сўнгра яна камайиш давом этган. Касалланишнинг интенсив курсаткичи йиллар ўтган сайин тушиб боргани аҳоли сонининг йиллар давомида кўпайиши ҳисобига ҳосил бўлган.



1-расм. 2009-2019 йилларда Ўзбекистонда сўзак ва захм билан касаланиш динамикаси


Захм билан касалланиш таҳлил қилганда 2009 йилда касалланишнинг интенсив кўрсаткичи 9,84 ни ташкил қилиб, 2014 йилгача камайиб борган ҳамда 2015 йилдан бошлаб интенсив кўрсаткич 7,05 дан бошлаб кўтарилган ва 2019 йилга келиб захнинг интенсив кўрсаткичи 8,67 ни ташкил қилган. Йиллар ўтишига қарамасдан захм билан касалланиш ҳолатлари тобора ортиб борганини кузатишимиз мумкин (1-расм).

Захм ва сўзакни Ўзбекистон Республикасида тарқалганлиги ҳудудлар бўйича ўрганиб чиқилди (2-расм). Тошкент шаҳри ҳамда 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида сўнги 11 йил ичида аниқланган иккита касалликни фоиз курсаткичлари аниқланди. Сўзак ва захм сўнги 11 йил ичида Тошкент вилоятида кўпроқ аниқланди. Бунда 19,3 фоиз сўзак ташхиси ҳамда 15,0 фоиз захм билан касалланганлар Тошкент вилоятига тўғри келган. Қолган вилоятларда ҳам касалланиш юқори кўрсаткичларда қайд қилинган. Иккала касалланиш билан нисбатан кам касалланиш Республика бўйича Сирдарё вилоятига тўғри келган. Бунда сўзак билан касалланганларнинг 1,3%, захм билан касалланганларнинг 2,6% Сирдарё вилоятида аниқланган.



2-расм. Республикада 2009-2019 йилларда сўзак ва захм билан касалланганларнинг ҳудудий тақсимооти (% да)

Сўзак ва захм билан касалланганларнинг ҳудудий таҳлилида касалланганларнинг яшаш шароити ёки яшаш муҳитига кўра ўрганилди. Ўрганиш натижасига кўра жами касалланганларнинг қишлоқда ва шаҳарда яшашига кўра таҳлил қилинди. Сўнги 11 йил ичида сўзак билан касалланганларнинг 42,2 % шаҳарда, қолган 57,8% қишлоқ ҳудудида яшаши аниқланди. Тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида Захм билан касалланганларнинг 46,8% шаҳар ҳудудида қолган 53,2% касалланганлар қишлоқ шароитида яшаши аниқланди (3-расм).




3-расм. Сўзак ва захм билан касалланганларнинг ҳудудий тақсимланиши

Бундан кўриниб турибдики сўзак ва захмда касалланганларни кўпроқ қисми қишлоқ аҳолисига тўғри келган, бунинг асосий сабаби деб аҳолининг жинсий йўллар билан юқувчи

касалликларни билиш даражасига боғлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу асосан тарғибот - ташвиқот ишлари олиб борилганлиги ёки маълумотлар камровига ҳам боғлиқ бўлади.

Сўзак ва захм билан касалланганларни таҳлил қилишда касалланганларни жинсий тафовути ўрганилди. Сўзакда касалланганларнинг 65% эркаклар, 35% аёлларга тўғри келган (4-расм). Захмда касалланганларнинг 63% эркаклар, 37% аёллар ташкил қилган.



4-расм. Сўзак ва захм билан касалланганларнинг жинс бўйича тафовути

Таҳлилий натижалардан шу маълум бўлдики, иккала касалликда касалланганларнинг асосий қисмини эркаклар ташкил қилган бўлиб, касалликни тарқалишида ва кўп учраши билан жинслар ўртасида фарқланиш мавжудлигини билдиради.

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда сўзак касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятларини тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу касалликнинг профилактикаси ва эпидемиологик назоратини такомиллаштириш керак эканлигидан далолат беради. Касалланиш кўп учрайдиган ҳудудларда тарғибот ишларини йўлга қўйиш, аҳолини билим даражасини ошириш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Козин В.М., Козина Ю.В., Янковская Н.Н. “Учебно-методическое пособие для студентов лечебного и стоматологического факультетов высших медицинских учебных заведений” // Витебск, 2015.
2. Макинтош Д. “Разработка вакцин против гонореи, сифилиса, хламидиоза, вируса простого герпеса, вируса иммунодефицита человека и вируса Зика” // КМАХ. 2019. – Том 21. № 4.
3. Потееаев Н.Н., Фриго Н.В., Алмазова А.А., Лебедева Г.А.. “Эпидемиология сифилиса в современных условиях” // Клиническая дерматология и венерология 1, 2015.
4. Ковалык В.П., Владимирова Е.В., Рубашева Т.В., Сирмайс Н.С. “Клиническое значение уреоплазм в урогенитальной патологии” // Академия постдипломного образования ФГБУ “Федеральный научно-клинический центр специализированных видов медицинской помощи и медицинских технологий Федерального медико-биологического агентства” Москва, Российская Федерация.
5. Пестрикова Т.Ю., Юрасова Е.А., Шматкова А.С., Ковалева Т.Д. “Проблемы диагностики и профилактики рецидивов при хронических цервицитах и вагинитах” // Гинекология. Том 19, № 6 (2020).
6. Миронюк В. И. “Сифилис и другие инфекции, передающиеся половым путем, у потребителей психоактивных веществ: распространение, клинические особенности, медико-социальная помощь” // Дерматовенерология. Косметология. Сексопатология 1-4., 2018.
7. Порсохонова Д.Ф., Абидов А.М., Собиров У.Ю., Эшбоев Э.Х., Халидова Х.Р. “Рациональная диагностика негонококковых ИППП у пациентов с репродуктивными нарушениями и воспалительными процессами мочеполовых органов” // Dermatovenerologiya va estetik tibbiyot, № 1 – 2., 2011.
8. Инфекции, передаваемые половым путем руководством для дерматовенерологов, акушеров-гинекологов, урологов, инфекционистов, педиатров, семейных врачей и руководителей здравоохранения. институт здоровья семьи, 2009.

ҲАР ХИЛ МЕЪЁРДАГИ АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР ВА БИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАРНИ ПОМИДОРНИНГ ЎСИБ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

О.У.Нормуратов, катта ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Мақолада ҳар хил меъёрдаги азотли ўғитлар ва биологик препаратларни помидорнинг ўсиб ривожланишига таъсири кўриб чиқилади. Жумладан, тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидор уруғини етиштириши учун минерал ўғитларнинг мақбул меъёрларини белгилаб олинади, Сурхон-Шеробод воҳасида тарқалган суғориладиган тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига минерал ўғитларнинг таъсири аниқланади, ўғитлаш жараёнини ҳар хил вариантларда қўллаш орқали азотли минерал ўғитларнинг помидор меваси таркибидаги нитратлар миқдори рухсат этилган меъёри (РЭМ)ни лаборатория усулида аниқланиб, юқори ҳосил етиштириши бўйича агротехнологиясини ишлаб чиқиши бўйича тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: ўғит, азот, биологик препарат, помидор, ҳосил, тупроқ, Сурхон-142, ТМК-22, нав, кўчат.

Аннотация. В статье рассматривается влияние азотных удобрений и биологических препаратов в разных дозах на рост и развитие томатов. В частности, будут определены оптимальные нормы минеральных удобрений для выращивания семян томатов в условиях тақыр-луговых почв, определено влияние минеральных удобрений на агрохимические свойства орошаемых почв, распространенных в Сурхан-Шерабадском регионе, лабораторным методом будет определен допустимый норматив (ДН) содержания нитратов азотных минеральных удобрений в плодах томатов путем применения процесса внесения удобрений в различных вариантах, даны рекомендации по разработке агротехники выращивания высоких урожаев.

Ключевые слова: удобрение, азот, биологический препарат, томат, урожай, почва, Сурхан-142, ТМК-22, сорт, рассада.

Abstract. The article considers the effect of various doses of nitrogen fertilizers and biological drugs on the growth and development of tomatoes. Zumladan, taqir-ўtloqi acceptable tuproqlar шароитида tomatoes uruғini etishtirish ucun ўғitlarning mineral me'jorlarini belgilav olinadi, Surxon-Шеровод vohasida tarqalgan suғoriladigan tuproqlarning agrokimjovij xossalariga mineral ўғitlarning aniqlanadi, ўғitlash zarajonini xil variantlarda qўllash orqali azotli mineral tomatoes ўғitlarning Mevasi tarkividagi nitratlar amount permitted etilgan rate (REM) is determined by laboratory methods and recommendations are given for the development of high-yield agrotechnology.

Key words: fertilizer, nitrogen, biological preparation, tomato, crop, soil, Surkhan-142, TMK-22, variety, seedlings.

Кириш. Инсоният XXI асрга қадам қўйган бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири, аҳолини экологик тоза витаминга бой маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат. Ҳар бир даврда аҳолини сабзавот, полиз каби маъданларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳа мутахассислари ва албатта раҳбариятнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан аҳолини сабзавот, полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондириш мақсадида сабзавотчиликда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан помидор етиштиришнинг салмоғи ва сифатини яхшилаш мақсадида қатор инновацион технологиялар жорий этилмоқда [1].

Бугунги кунда мамлакатимизда 200 минг гектардан ортиқ майдонларга сабзавот, полиз экинлари экилаётган бўлса, шундан деярли 35%и помидор экини экилиб ундан ўртача гектарига 24 тоннагача ҳосил етиштирилмоқда. Табиийки, бу ҳосилдорлик кўрсаткичи жуда кам, шу сабабли ҳам бу соҳа бўйича янгидан-янги тадқиқотлар ўтказишни тақазо этади. Шуларни инобатга олиб азотли ўғитларнинг помидор ҳосили ва сифатига таъсири бўйича илмий изланишларни бошлашга жазм қилдик.

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларни минерал ўғитлар билан таъминлашига қаратилган тадбирларни қўлламасдан туриб режалаштирилган ҳосилни олиб бўлмайди. Шунинг учун сабзавот экинларида минерал ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш, уларнинг тупроқ унумдорлигини тикланишида турли хил биологик препаратлар билан биргаликда қўллаш орқали етиштирилаётган помидор экинидан режалаштирилган ҳосил олиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда минерал ўғитлар билан таъминланиш даражасига қараб тупроқ ҳолатини яхшилаш, улар унумдорлигини сақлаш ва оширишда турли хил биопрепаратларнинг мақбул меъёрларини минерал ўғит фонида биргаликда қўллашга қаратилган устивор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалик экин ер майдонларини агрокимёвий ҳамда биологик хоссаларини аниқлаш, минерал ўғитларни биопрепаратлар билан бирга қўллаш йўли билан уларнинг озика элементлари билан таъминланиш, помидор ўсимлиги касалликларига чидамли бўлган биопрепаратларни ва иссиқ ҳудудларига мос помидор навларини танлаб олиш, эртапишар, тақир-ўтлоқи тупроқларига мослашган помидор навларини ажратиб олишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. [2, 63]

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Помидорни янги навлари ва уларни уруғига ишлов бериб экиш бўйича илмий-тадқиқотлар хорижлик олимлардан С.Ф.Гавриш, В.Ф.Пивоваров, П.М.Ахмедова, В.А.Fortnum D.R.Decoteau, Е.М.Matheket, P.SHolloway, ҳамда ўзбекистонлик олимлардан Х.А.Хосрови, Б.Д.Азимов, Е.В.Ермолова, М.Х.Арамов, А.М.Аббосов, Ф.Р.Ганиев, С.И.Дусмуратова ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган. Лекин, Сурхондарё вилояти тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитига мослаштирилган помидор навларини танлаш, экологик тоза помидор етиштиришда минерал ўғитлар ва касалликларга чидамли бўлган биологик препаратлар меъёрини белгилаш ҳамда юқори ҳосил етиштиришга қаратилган илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

Тадқиқотлар олиб борилган жой. Сурхон-Шеробод воҳаси Ўзбекистон Республикасининг энг Жанубий қисмида 37°, 39° Шимолий кенглик ва 68°, 67° Шарқий узунлик чегарасида, Сурхон ва Шерободдарё хавзасида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилояти ҳудуди. Термиз туманидаги Сабзавот-полиэ экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти.

Тадқиқотнинг мақсади. Сурхондарё вилояти тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ҳосил етиштиришда азотли ўғитлар ва биологик препаратлар меъёрини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхон-Шеробод воҳасида тарқалган суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқлар, помидорнинг «Сурхон-142» ва «ТМК-22» навлари, азотли ўғитлар (аммоний сульфат, аммоний нитрат ва карбамид), молдстим ҳамда экостим препаратлари танланган.

Тажриба борилишини инobatга олиб, кўчат тайёрлаш мақсадида помидорни маҳаллий шароитда яратилган ТМК-22 ва Сурхон-142 навлари танланиб, уларнинг уруғларини экишдан олдин вирус касалликларига қарши 48 соат давомида 50-52 С° ва 24 соат давомида 80 С° қиздириб совугандан кейин 3-5 дақиқа 5% шўр сувда сараланди. Уруғни ерга сепиш учун кичкина хандаклар казиб, хандакларга 15-20 см қалинликдаги гўнг, 20 см қалинликда эланган тупроқ солиниб, 24.02.2018, 22.02.2019, 2020 йил 23 февраль кунлари 1 м² майдонга 10 гр ҳисобидан ТМК-22 ва Сурхон-142 помидор уруғлари сепилди. Сепилган уруғлар усти 1 см қалинликда чиринди ва кипиқ аралашмаси билан ёпилиб сувланди. Шундан сўнг устига ёйсимон сим тортилиб усти полиэтилен плёнка билан ёпилди. Уруғлар усти қотиб қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун заруратга қараб вақти-вақти билан сув сепилиб турилди. Уруғлар ердан униб чиқиб 3-4 тадан чинбарг чиқарганда, кўчатлар озика майдонини кенгайтириш, поялар бақувват бўлиши мақсадида қисман сийраклатилди. Кўчатлар ўсиб ривожланишидан орқага қолмаслиги учун ҳар 10 л. сувга 10-12 гр.дан азот, фосфор ва калийли ўғитлар аралаштирилиб 3 м² майдондаги кўчатларга сепилди [3, 96-98].

Экилган кўчатлар Термиз шароитидаги иссиқни инобатга олиб яхши тутиб олиш учун эртаси куни кечки паллада энгил сувланди. Бу тадбир М.Х.Арамов ва М.Х.Асамовалар томонидан тавсия этилган “Сурхондарё вилояти учун қабул қилинган агротехник тадбирлар” тавсияномасига асосан ҳар уч йилда ҳам такрорланди [4, 29].

Ҳар хил меъёрдаги азотли ўғитлар ва биологик препаратларни помидор ТМК-22 навининг 2020 йилги тадқиқот натижаларига кўра уруғнинг иссиқхонага сепиш жараёни барча вариантлар бўйича 23 февраль куни амалга оширилиб уруғнинг ердан униб чиқиш жараёни молдстим билан ишлов берилган 11 вариантда 2.03., экостим 3.03. ва сув билан ишлов берилган барча 1-10-вариантларда 5 март куни уруғларнинг униб чиқиш жараёни кузатилди (1-жадвал). Ниҳоллар 10 апрель куни кечки салқинда барча вариантларда бир кунда экилди. Иқлим шароити иссиқ эканлиги туфайли кўчатлар яхши тутиб олиши учун 11 апрель куни кечки соат 15⁰⁰-16⁰⁰ оралиғида энгил сувланди. Илк агротехник тадбирлардан кўчатларни юмшатиш (чопик қилиш) тадбири 16 апрель куни ўтказилди. Вариантлар бўйича ўтказилган кузатишлар натижасига кўра мутлоқ назорат азот берилмаган 1 вариантда помидор кўчатининг 10% гуллаш жараёни 72 кунда, 50% гуллаш жараёни 81 кунда, мева тугиши тегишлича 84, 89 кунни ташкил этган бўлса меванинг 50% пишиши 136 кунни ташкил этди. Ушбу вариантдаги ТМК-22 навининг ўсиб ривожланишдан орқага қолишига сабаб тупроқда минерал озикаларнинг етарлича бўлмаганлигидан далолат беради. Чунки ўтган уч йил 2018-2020 йиллар давомида ушбу вариантдаги NPK-0дан иборат эди.

Уруғ унуб чиққандан гуллаш давригача бўлган энг қисқа вақт гектарига NPK-250-250-125 кг дан берилган. NPK нисбати 1:1:0,5 нисбат ҳамда молдстим биологик препарати қўлланилган 11-вариантда 52 кун, шунингдек экостим қўлланилган 12-вариантда эса 53 кунни ташкил этди. Вариантлар бўйича таққосланганда ҳам помидор мевасини тугиш ва пишиш жараёнлари ҳам айнан юқоридаги ҳолатларга тўла мос келди. Масалан 1-вариантда NPK-0 уруғнинг униб чиқишидан токи ҳосилнинг 50% пишишигача бўлган даври 136 кунни ташкил этган бўлса, NPK-1:1:0,5 бўлган

1-жадвал

Ҳар хил меъёрдаги азотли ўғитлар ва биологик препаратларни помидор ТМК-22 навининг ўсиб ривожланишига таъсири (2020)

Вариантлар	Азотли ўғитнинг йиллик меъёри, кг/га	Уруғ сепилган кун	Уруғ унуб чиққан кун	Ниҳол далага экилган кун	Ўспасига униб чиққан кундан					
					гуллагунгача		Мева тугқан кундан		Мева пишгунгача	
					10%	50%	10%	50%	10%	50%
1	0	23.02	5.03	10.04	72	81	84	89	121	136
2	0	23.02	5.03	10.04	70	78	81	86	117	132
3	150	23.02	5.03	10.04	67	74	79	82	113	127
4	175	23.02	5.03	10.04	60	65	75	78	108	114
5	200	23.02	5.03	10.04	57	62	71	74	103	108
6	225	23.02	5.03	10.04	57	61	70	74	104	109
7	250	23.02	5.03	10.04	54	59	68	73	104	111
8	275	23.02	5.03	10.04	57	60	69	75	106	113
9	300	23.02	5.03	10.04	59	63	72	79	109	118
10	325	23.02	5.03	10.04	66	72	76	84	114	123
11	250	23.02	5.03	10.04	52	58	66	70	101	108
12	250	23.02	5.03	10.04	53	59	68	72	105	109

Эслатма: 11-вариантга - молдстим, 12-вариантга экостим биологик препарати билан ишлов берилган.

Ушбу тадқиқот натижалари бўйича помидорнинг Сурхон-142 навида ўтказилган тадқиқотларга назар ташлайдиган бўлса авалламбор ушбу навнинг ТМК-22 навига нисбатан бироз кеч пишар эканлиги кузатилади (ўртача 20 кунга). Иккинчидан вегетация даврининг бироз узоклиги туфайли минерал ўғитларга нисбатан анча талабчан.

Азотли ўғитларга нисбатан муносабатига назар ташлайдиган бўлса, айти NPK-0 , бўлган биринчи вариантда йилдан йилга (2018-2020) Сурхон-142 навининг барча кўрсаткичлари салбий кўрсаткичга эга бўлди. Масалан: 2018 йилда экилгандан 50% гуллагангача давр 59, мева тугуни 64, меваси 50% пишгунгача вақт 114 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 67, 83, 129 кундан иборат бўлиб, 2020 йилда эса 89, 96, 151 кунга чўзилди.

Хар хил меъёрадаги азотли ўғитлар ва биологик препаратларни помидор Сурхон-142 навининг ўсиб риводланишига таъсири (2020)

Вариантлар	Азотли ўғитнинг йиллик меъёри, кг/га	Уруғ сепилган кун	Уруғ унуб чиққан кун	Нихол далага экилган кун	Ўппасига униб чиққан кундан					
					гуллагунгача		Мева туккан кундан		Мева пишгунча	
					10%	50%	10%	50%	10%	50%
1	0	23.02	5.03	10.04	74	80	89	96	145	151
2	0	23.02	5.03	10.04	71	77	86	93	142	147
3	150	23.02	5.03	10.04	68	74	81	87	136	143
4	175	23.02	5.03	10.04	68	73	80	86	134	140
5	200	23.02	5.03	10.04	66	70	79	83	132	138
6	225	23.02	5.03	10.04	64	67	78	80	130	136
7	250	23.02	5.03	10.04	62	66	74	76	124	130
8	275	23.02	5.03	10.04	64	68	75	77	125	130
9	300	23.02	5.03	10.04	69	75	83	87	132	140
10	325	23.02	5.03	10.04	71	77	85	88	135	143
11	250	23.02	5.03	10.04	63	65	72	75	122	126
12	250	23.02	5.03	10.04	64	67	74	76	123	127

Эслатма: 11-вариантга - молдстим, 12-вариантга экостим биологик препарати билан ишлов берилган 7-вариантда 111, молдистим ва экостим қўлланилган 11 ҳамда 12 вариантларда 108, 109 кунларни ташкил этди.

Хулоса. 1-2-жадвалларда келтирилган натижалар илмий жиҳатдан таҳлил қилинганда, азотли ўғитлар берилмаган вариантлардаги деярли барча кўрсаткичлар айнан ушбу ўғит берилган (гектарига 100, 175, 200, 225) вариантларга нисбатан салбий натижалар кўрсатган. 8, 9, 10-вариантларда эса NPK нисбатларини ўзгариши яъни азотли ўғитнинг йиллик меъёрини 275, 300, 325 кг/га гача ортиб бориши билан деярли барча йиллар ниҳолнинг гуллаш, ҳосил туғиш ва мевани пишиш жараёнлари ҳам кечикиб борди. Демак шу ўринда айтиш лозимки азотли ўғитларни муттасил оширганда ҳам, камайтирганда ҳам қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ваҳоланки сабзавотчиликда, умуман қишлоқ хўжалигида етарлича сифатли мўл ҳосил етиштириш учун минерал ўғитларнинг аниқ NPK нисбатини аниқлаш агрокимёнинг асосий вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги «2016–2020 йилларда хом ашё базасини янада ривожлантириш, мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспортини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2505-сон қарори.
2. Арамов М., Каримов Қ. Помидорнинг ташки муҳит шароитига талабчанлиги//Қўлланма. Помидор навлари ва уни етиштириш технологияси. Тошкент, 2002. – 63 б.
3. Нормуратов О.У., Курбонов.Ф.Ч., Абдуллаев. Ш. М., Худайбердиев. Ж.А. Сурхондарё Такир- ўтлоқи тупроқларида помидор етиштиришда минерал ўғитларнинг меъёри. // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. Хива -2020, - № 6.1-сон, 96-98 бетлар.
4. Нормуратов О.У. Установление норм минеральных удобрений при выращивании томата в долине сурхандарьи. // Международный научный журнал «Наука и мир». Волгоград -2020, №2, (78) Том-1. С. 29-31.
5. Нормуратов О.У. Влияние разных доз азотных удобрений и биологических препаратов на рост и развитие томатов // Актуальные проблемы современной науки, Москва, №6 (115), 2020, стр.84-87.

УЎК 594.3:630*1(476.5)

МАЧАЙДАРА ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИ ТУРЛАР ТАРКИБИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ

З.А. Соатова, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз
З.С. Бойбуриева, талаба, Термиз давлат университети, Термиз
М.М. Мухиддинова, талаба, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада Бойсун тоғ тизмасининг Мачайдара дарёси ҳавзасида учровчи қуруқлик моллюскаларининг турлар таркиби ва экологик гуруҳлари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: қуруқлик моллюскалари, тоғ минтақаси, тошлар ораси, чиганоқнинг дефинитив қисми, таксаномик тавсиф, экологик гуруҳ.

Аннотация. В статье представлен анализ видового состава и экологических групп наземных моллюсков, обитающих в бассейне реки Мачадыра Байсунского хребта.

Ключевые слова: наземные моллюски, горный регион, межпородный слой, дефинитивная часть раковины, таксономическое описание, экологическая группа.

Abstract. This paper provides an analysis of the species composition and ecological groups of terrestrial mollusks found in the Machaydara River Basin of the Boysun Mountain Range.

Keywords: terrestrial mollusks, mountainous region, between rocks, definitive part of shell, taxonomic description, ecological group.

Антропоген таъсир остида кучаяётган табиий экотизимларнинг умумий таназзули ва фрагментацияси, ҳайвонлар турларининг табиий яшаш жойлари қисқариши ва сезиларли даражада трансформацияси биологик хилма-хиллик учун асосий хавф ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда бутун дунёда биологик хилма-хилликни сақлаш, уларни муҳофаза қилиш ва ҳайвонот дунёси биоресурсларидан оқилона фойдаланишни ривожлантириш соҳасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, республикамизда ҳам бу борада эндемик турлар сон жиҳатдан олдинда турадиган минтакалар фаунаси хилма-хиллигини илмий тадқиқотларнинг замонавий усллари ёрдамида аниқлаш, автохтон турлар марказларининг шаклланишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай ҳудудлардан бири сифатида географик ўрни, ўзига хос иқлим шароити, малакофаунасининг хилма-хиллиги, автохтон турларнинг шаклланишига имкон яратганлиги билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан кескин ажралиб турувчи жанубий Ўзбекистон тоғларидаги қуруқлик моллюскаларининг замонавий таксономик ҳолатини баҳолаш ҳамда экологик хусусиятларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан тадқиқотларимизни Бойсун тоғ тизмасининг Мачайдара ҳудудидаги қуруқлик моллюскаларини ўрганишлар устида олиб бордик.

Ишнинг асосий мақсади Мачайдара қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркибини аниқлаш ҳамда баъзи экологик хусусиятларини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Материал ва методика: Ушбу ишда 2020-2021 йилларда, Мачайдара ҳавзасининг турли жойларидан йиғилган 277 донадан ошиқ моллюскалар коллекцияси асосий материал бўлиб хизмат қилди.

Мазкур ишда қуруқлик моллюскаларини йиғиш, фиксация қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тур таркибини аниқлашнинг стандарт усуллари қўлланилди (Шилейко, Братчик, Лихарев, Виктор).

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Мачайдара дарёси ҳавзаси ва унинг атрофида қуруқлик моллюскаларининг 8 оила, 8 авлодга мансуб, 11 тури тарқалганлиги аниқланди.

Аниқланган турларнинг таксономик тавсифи қуйидагича:

1. Orculidae Steenberg, 1925 оиласи, *Lauria* Gray, 1840 авлоди *Lauria cylindracea* Da Costa, 1778. Материал: 23 дона бўлиб, Мачайдара дарёси ҳавзаси булоқ сувига яқин бўлган ўтлар орасидан йиғилган.

Чиғаноқнинг барча морфологик белгилари адабиёт [2,5] маълумотларига тўлиқ мос келади.

Чиғаноқ баландлиги 3,5-4,5 мм, катта диаметри 1,7-2,1 мм.

Экологияси. Тоғ минтақасида оқар сувларга яқин бўлган ўтлар орасида яшайди.

2. Vallonidae Morse, 1864 оиласи, *Vallonia* Risso, 1826 авлоди *Vallonia (Vallonia) pulchella* Muller, 1774. 33 нусхада Мачайдара дарёси ҳавзасида булоқ сувларига унча узоқ бўлмаган ерлардаги ўтлар орасидан йиғилган.

Чиғаноғи сиқилган, паст конуссимон, ўртача қалинликда, ялтироқсимон. Чиғаноқ ўрамлари 3-4 та бўлиб, бир оз қавариб чиққан. Чиғаноқ охириги ўрами бир оз юмалоқлашган ва 1,5 маротаба олдингисидан каттароқ. Чиғаноқ ранги ойнасимон ялтироқ. Чиғаноқнинг дефинитив қисми бир қараганда силлиққа ўхшаб кўринади, бироқ уни бинокуляр остида 20-30 марта катталаштирилганда бир текисда бўлмаган шуъласимон чизиқларни ва ажинларни

кўришимиз мумкин. Чиғаноқ оғзи юмалоқлашган, бир оз қийшиқ жойлашган, унинг бирига қўшилган қисми яқинлашган, оғиз четлари орқага яхши қайтган.

Чиғаноқ баландлиги 1,3 мм, катта диаметри 2,1-2,6 мм, кичик диаметри 1,9- 2,4 мм.

Экологияси. Ҳамма баландлик минтақаларида тарқалган бўлиб, денгиз сатҳидан 3500 метргача кўтарилади

3. Cochlicopidae Pilsbry, 1900 оиласи, *Cochlicopa* Ferussac, 1821 авлоди *Cochlicopa (Cochlicopa) lubricella* Porro, 1838. 25 дона бўлиб, Мачайдара дарёси ҳавзалари турли хил ўтлар орасидан йиғилган.

Чиғаноғи узун овальсимон, ўртача даражада ялтироқ. Чиғаноқ айланаси 4-5 та бўлиб кучли ён тарафларидан сиқилган.

Чиғаноқнинг охирги айланаси оғиз қисмига эгилиб тушмаган. Чиғаноқ ранги оч-жигарсимон, бу турнинг чиғаноғи шу авлоднинг бошқа вакилларига нисбатан оч тусга эга. Чиғаноқ усти силлиқ бўлиб, ойнасимон, ялтироқ эмас. Чиғаноқ оғзи чўзиқсимон бўлиб, ангуляр қисмида бурчак ҳосил қилади. Чиғаноқ оғиз четлари тўғри, бир оз ўтмаслашган ва бир оз йўғонлашган. Чиғаноқ оғзининг колумелляр четлари осилиб қолганга ўхшайди, унда бурмалар ривожланмаган.

Чиғаноқ баландлиги 3,5-5,0 мм, катта диаметри 1,8-2,0 мм.

Экологияси. Денгиз сатҳидан 1500-2400 м баландликда учраб, жанубий ён бағирлардаги сийрак ўтлар орасида яшайди [2].

4. Pupillidae Turton, 1831 оиласи *Gibbulinopsis* Germain, 1919 авлоди *Gibbulinopsis (Primpupilla) signata* Mousson, 1873. Материал: 50 дона бўлиб, Мачайдаранинг тоғ минтақасидаги ён бағирларнинг тош уюмлари остидан йиғилган. Чиғаноқнинг барча морфологик белгилари адабиёт [2,5] маълумотларига тўлиқ мос келади. Экологияси. Ўрганилган худуднинг адир ва тоғ минтақаларида денгиз сатҳидан 1300-1800 м. баландликда, асосан жанубий ён бағирлардаги турли хил чала бутали ўсимликлар остидаги майда ҳажмдаги тош уюмлари остида яшайди.

5. Enidae Woodward, 1903 оиласи *Pseudonapaeus* Westerlund, 1887 авлоди *Pseudonapaeus albiplicatus* Martens, 1874. 18 дона бўлиб, Бойсун тоғ тизмасининг шимолий ён бағирлари, Мачайдара дарёси ҳавзаси, Пастки ва Юқори Мачай қишлоқлари атрофидаги бутазорлардан йиғилган.

Чиғаноқнинг барча морфологик белгилари адабиёт [2,5] маълумотларига тўлиқ мос келади. Бирок, тур ниҳоятда ўзгарувчан бўлиб, экологик шароитга мос тарзда барча белгилари ўзгариши мумкин.

Чиғаноқ ўлчамлари: баландлиги 7-17 мм, катта диаметри 2,5-5,5 мм.

Экологияси. Юқори адир ва тоғ минтақасида учраб, ярим бута ва буталар орасидаги тошлар остида яшайди [3].

6. *Pseudonapaeus (Chondrulopsis) sogdianus* Martens, 1874. Материал 21 дона бўлиб, Мачайдаранинг 15 дан ортиқ жойидан, ярим бутали ўсимликлар орасидан йиғилган.

Чиғаноқнинг барча морфологик белгилари адабиёт [2,5] маълумотларига тўлиқ мос келади. Тур ниҳоятда ўзгарувчан бўлиб, экологик шароитга мос тарзда барча белгилари ўзгариши мумкин.

Чиғаноқ ўлчамлари: баландлиги 13-17 мм, катта диаметри 5,5-6,5 мм.

Экологияси. Тоғ олди минтақасида учраб, чала буталар поясида ва улар орасидаги тошлар остида яшайди [4].

7. Higromiidae Tryon, 1886 оиласи *Leucozonella* Lindholm, 1927 авлоди *Leucozonella (Leucozonella) schileykoi* Pazilov et Daminova. 2001. Материал: 27 дона бўлиб, Мачайдара дарёси ҳавзаси, Пастки ва Юқори Мачай қишлоқлари атрофидаги чала буталар поясининг остки қисмидан йиғилди.

Чиғаноқнинг барча морфологик белгилари адабиёт [2] маълумотларига тўлиқ мос келади. Бирок биз томонимиздан йиғилган материалларнинг чиғаноғи ялтироқ эмас, чиғаноқ ўрамлари 6 та, периферик боғи яхши ривожланган.

Чиғаноқ баландлиги 8,5 – 9,5 мм, катта диаметри 13,5 – 16,5 мм, кичик диаметри 10– 13,5 мм.

Экологияси. Тоғ олди ва тоғ минтақасида учраб, буталар орасидаги тошлар остида яшайди [2].

8. Parmacellidae Gray, 1860 оиласи *Candaharia* Godwin-Austen, 1888 авлоди *Candaharia rutellum* Hutton, 1849. Материал: 16 дона бўлиб, Мачайдара дарёси ҳавзаси, Пастки ва Юқори Мачай кишлоқлари атрофларидан йиғилган.

Тана тузилиши. Танаси сарғиш ёки сариқ тусга эга. Мантияда бўйига чизилган иккита чизик ривожланганки, улар тананинг икки четида жойлашган.

Танасининг узунлиги ҳаракат пайтида 45-50 мм га тенг. Қисқарган пайтида эса 30-35 мм.

Экологияси. Адир ва тоғ минтақасида денгиз сатҳидан 1300-2800 м. баландликда учрайди. Дарё бўйларидаги турли хил ўтлар орасида яшайди [2].

9. *Candaharia levanderi* Simroth, 1901. Материал: 20 донадан ошиқ бўлиб, Мачайдаранинг турли хил биотопларидан йиғилган.

Тана тузилишининг морфологик белгилари ўзгарувчан бўлиб, умумий ҳолатда адабиёт [1, 5] маълумотларига мос келади.

Экологияси. Асосан текислик ва тоғ олди минтақаларида учраб, маданий ўсимликлар орасида, ариқ бўйларидаги турли хил ўтлар остида ҳаёт кечирилади [2].

10. *Candaharia (Candaharia) aethiops* Westerlund, 1896. Материал: 9 дона. Мачайдаранинг турли жойларидаги тошлар ораси ва йўл четларидан йиғилган. Тана ранги ўзгарувчан, қора ёки сарғиш бўлиши мумкин. Оёқ қисми доимо оқиш рангда. Бўйинда доимо иккита яхши ривожланган қалин чизиклар мавжуд. Мантия қисмида қалин пигмент билан қопланган, чап қисмида бу пигментлар шунча яхши ривожланганки, баъзида ҳаттоки чизик ҳосил қилиши мумкин. Худди шундай қалин пигментлар ўнг томонида ҳам ривожланади.

Танасининг узунлиги ҳаракат пайтида 65 мм га тенг. Қисқарган пайтида эса 45 мм.

Экологияси. Тоғ тури бўлиб, баъзида адир минтақасида ҳам учраши мумкин. Сув бўйига яқин бўлган тошли биотопларда яшайди.

11. Gastrodontidae Benson, 1832 оиласи *Zonitoides* Lehmann, 1862 авлоди *Zonitoides nitidus* Miiller, 1774. Материал: 35 дона бўлиб, Мачайдаранинг жилғалари четидаги тошлар остидан йиғилган.

Чиғаноқнинг морфологик белгилари ва репродуктив органи тузилиши адабиёт [5] маълумотларига тўлиқ мос келади.

Экологияси. Барча баландлик минтақаларида учраб, сув ҳавзаларига яқин бўлган биотопларда яшайди [2].

Қуруқлик моллюскаларининг экологик хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўпгина биологик хусусиятларини очиб беришга ёрдам беради. Қуруқлик моллюскаларини намликка бўлган талаби ва биотоплардаги намлик даражасини турли даражада бўлишини эътиборга олиб, анъанавий тарзда, уларни учта катта: гигрофил, мезофил, ксерофил гуруҳларига ажратилади ва бу гуруҳлар ўз навбатида оралик: мезоксерофил, криомезоксерофил гуруҳларга бўлинади.

Шахсий материалларимиз ва тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар ва адабиёт манбаларига таянган ҳолда Мачайдарада тарқалган қуруқлик моллюскалари қуйидаги экологик гуруҳларга бўлинди:

Гигрофил турлар: *Lauria cylindracea*, *Cochlicopa lubricella*, *Zonitoides nitidus* турлари кириб, субстрат намлик даражаси 70-80 % бўлган биотопларда яшайди.

Мезофил турларга субстратни намлик даражаси 50-70 % бўлган биотопларда яшайдиган: *Vallonia pulchella*, *Candaharia rutellum*, *C. levanderi*, *C. aethiops* турлари киради.

Ксерофил турлар: *Gibbulinopsis signata* тури кириб, булар яшайдиган биотоплардаги субстратнинг намлиги 50 % гача бўлади.

Мезоксерофил турларга *Pseudonapaeus albiplicatus*, *Ps. sogdianus* ва *Leucozonella schileykoi* турлари кириб, улар ҳам мезофил, ҳам ксерофил биотопларда тарқалган. Бундай тарқалиш кўпроқ овқат омилларига боғлиқ ҳолда бўлади.

Юқоридаги маълумотларидан кўришиб турибдики гигрофил ва мезофил экологик гуруҳлар турлар сонига нисбатан кўпчиликни ташкил этиб, ксерофил турлар 1 та ёки 9 % га тенг. Қолган гуруҳлар: гигрофиллар 3 тур ёки 27,0 %, мезофиллар 36 %, мезоксерофил гуруҳ вакиллари турлар сони 3 тани ташкил этиб 27 % га тенг.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш лозимки моллюскалар ҳаммаси ҳам намсевар ҳисобланиб, намлик уларнинг ҳаётида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Мачайдара ҳудудида куруқлик моллюскаларининг 8 оила, 8 авлодга мансуб 11 тури тарқалганлиги қайд қилинди. Ҳар бир тур, ўз организми талаб қилган намлик даражасига қараб, тегишли биотопни танлайди, яъни ҳаёт фаолияти ривожланиш учун қулай, шу билан бирга озуқага боғлиқ ҳолда намлик даражаси турлича бўлган биотопларда ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун куруқлик моллюскаларни экологик гуруҳларга ажратилганда, биринчидан, уларнинг ҳаёт циклини (у ёки бу биотопга, намлик даражасига қараб) қанчалик боғлиқ эканлиги, иккинчидан эса популяциядаги зичлик даражаси эътиборга олинishi муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лихарев И.М., Виктор А.И. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. – Ленинград: Наука, 1980. –Т.3. –Вып.5. – № 122. – 437 с.
2. Пазиллов А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (Gastropoda, Pulmonata) Узбекистана и сопредельных территорий. –Ташкент: Фан, 2003. –315 с.
3. Пазиллов А., Гайбназарова Ф., Каримқулов А. Мирзачўл қориноёқли моллюскалари. –Ташкент: Фан, 2016. – 152 б.
4. Пазиллов А., Кучбаев А. Ўзбекистонда уй ва ёввойи ҳайвонлар гельминтларининг оралик хўжайини-куруқлик моллюскалар (Аниқлагич-Атлас). – Тошкент, 2017. – 79 б.
5. Шилейко А.А., Рымжанов Т.С. Фауна наземных моллюсков Казахстана и сопредельных территорий. Москва–Алма-Ата: Товарищество научных издание КМК, 2013. – 389 с.

УЎК 576.316.7

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН *Oxytropis* DC. ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ГЕОГРАФИК ТАХЛИЛИ Д.Э. Турдиев, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент А.Ж. Газиев, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент Э.А. Ортиқов, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада *Oxytropis* DC. туркум турларининг Ўзбекистон ботанико-географик районларининг алоҳида жойлари бўйича тарқалиши ўрганилди. Бундай таҳлиллар илк бор амалга оширилди.

Калим сўзлар: Тоғли ҳудуд, иқлим, туркум, терилган, дала илмий сафарлари, гербарий намуналари.

Аннотация. В этой статье изучено распространение видов рода *Oxytropis* DC. по отдельным участкам ботанико-географических районов Узбекистана. Такие анализы проводились впервые.

Ключевые слова: Горная территория, климат, род, полевые исследования, образцы гербария.

Abstract. This article examines the distribution of species of the genus *Oxytropis* DC. on individual sites of the botanical and geographical regions of Uzbekistan. This is the first time such analyzes have been carried out.

Key words: Mountain territory, climate, genus, field research, herbarium samples.

Кириш. Табиий географик тизимлар ўсимликлар оламининг биологик хилма-хиллиги билан ўзига хос хусусият касб этади. *Fabaceae* L. оиласига мансуб полиморфик туркум ҳисобланувчи *Oxytropis* DC. шу оиланинг таксономик жиҳатдан энг мураккаб гуруҳларидан биридир [5]. Ҳозирда ер юзи бўйича *Oxytropis* DC. туркумига мансуб 310 та тур мавжудлиги аниқланган [5]. Ушбу туркум турлари бир-бирига ўхшаш морфологик белгиларига асосланган ҳолда 6 та ост туркум, 21 та секцияга ажратилган. Секциялар ичида 9 секция (*Ortholoma* Vge.)

ва 14 секция (*Xerobia* Vge.) лар 2 тадан кичик секцияларга бўлинади. Ўзбекистон ҳудудида *Oxytropis* DC туркумининг 3 та ост туркум, 10 та секцияга кирувчи турларини учратиш мумкин [3]. Н.Ф. Гончаров Ўзбекистон флорасида 34 та тури борлигини қайт этиб ўтган [2]. Илмий изланишлар натижасида ҳозирги кунга келиб ушбу туркумга мансуб 62 та тур Ўзбекистон ҳудудида учраши маълум бўлди [7].


Ўзбекистонда учровчи *Oxytropis* DC туркум турларини тоғли районларда: ғарбий Тянь-Шань тоғларига кирувчи Угом, Писком, Қоржонтов, Чотқол, Қурама, Помир-Олой тоғларининг бир қисми ҳисобланган Нурота, Тукистон, Зарафшон, Кўхитанг, Боботоғ ва Ҳисор тизмаларининг маълум қисмларида учрайди [1]. Учраш баландликлари асосан тоғларнинг ўртасидан юқори қисмигача бўлган жойларига тўғри келади.

Асосий қисм: Бу илмий тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон флорасида мавжуд *Oxytropis* DC туркум турларини ҳудудлар бўйича тарқалиш ареаллари, баландлик зоналари, рельеф тузилиши ва иқлимий омиллардан келиб чиқиб географик томонлама таҳлил қилишдан иборат.

Бизга маълумки ўсимликларнинг ҳудудлар бўйича тарқалишига жойнинг орографик тузилиши, мутлоқ ва нисбий баландлиги, иқлим хусусиятларининг ўрни катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз ҳудудининг катта қисми мўтадил иқлим минтақасининг континентал типига киради. Жанубий қисмларида эса қуруқ субтропик иқлим типи ҳукмронлик қилади. Иқлимга хос омиллар кенглик ёки узоқлик бўйича ўзгариб қолмасдан, баландликлар бўйича ҳам зоналарга бўлинади. Буни биз яйлов зонасига кўтарилган сари йиллик ҳароратлар йиғиндисининг пасайиши, ёғинларнинг ортиши, вегетация даври кеч бошланиб эрта тугаши каби факторларда кўраимиз.

Ўзбекистонда баландлик зоналари асосий тўртта: чўл, адир, тоғ ва яйлов қисмларга ажратилади [4]. Бу туркум вакиллари кўпйиллик ўсимлик ҳисобланиб экологик шароити ва рельеф тузилишига кўра тоғ ва адирларнинг ҳар-хил қисмларида тарқалган. Тарқалишини 9 та орографик жойлар гуруҳига бўлишимиз мумкин (1-диаграмма).

1-диаграмма. *Oxytropis* DC. туркум турларининг тарқалиши



- Текисликлар, тоғ этаклари, пасттоғ, ўртатоғ
- Тоғ этаклари, пасттоғ, ўртатоғ, юкоритоғ
- Тоғ этаклари, ўртатоғ
- Пасттоғ, ўртатоғ
- Пасттоғ, ўртатоғ, юкоритоғ
- Ўртатоғ
- Ўртатоғ, юкоритоғ
- Юкоритоғ

Юқорида кўришиб турибдики Ўзбекистонда тарқалган *Oxytropis* DC туркум турларининг катта қисми тоғларнинг ўрта қисмидан юқори қисмигача бўлган жойларида, яъни тоғ ва яйлов минтақасида учрайди. Қолган қисми адир минтақаси: тоғ этаклари, тоғ яқинидаги адирлар, дарё ва кўлларнинг ўзанлари атрофларида учрайди.

Бугунги кунда ҳам бу туркум вакиллари янада мукамалроқ ўрганиш мақсадида илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йил дала илмий сафарлари натижасида Ўзбекистон миллий гербарийси (ТАШ) фонди учун *Oxytropis* DC туркумига киривчи 14 та турнинг 50 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилди. Ушбу гербарий

намуналари Ўзбекистон ҳудудининг 23 та ҳар хил жойидан терилган (терилган кординатлари 1-жадвалда берилган).

Булар қуйдагилар:

1-жадвал.

2020 йилда терилган *Oxytropis* DC. Туркум турлари.


№	Тур номи	Терилган жой	Сана кун/ой	Кордината ва баландлиги
1	<i>Oxytropis arassanica</i> Gontsch	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощепенчатые сколоны водоразделного гребня.	16.07	X. 41.229815 Y. 70.295722; h-3005
2	<i>Oxytropis albobillosa</i> B.Fedtsch.	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощепенчатые сколоны водоразделного гребня.	17.07	X. 41.366262 Y. 70.492456; h-3408
3	<i>Oxytropis baissunensis</i> Vassilcz.	Сурхандарьинская область, горы Чулбайир, окр. киш. Сина.	24.05	X. 38.403860 Y. 67.648443; h-1813
4	<i>Oxytropis capusii</i> Franch.	Туркестанский хребет, Зааминский Национальный парк, окрестности плато Супа.	05.06	X. 39.631179 Y. 68.470936; h-2474
5	<i>Oxytropis capusii</i> Franch.	Туркестанский хребет, левый берег Гуралашая, среди арчевников.	07.06	X. 39.661830 Y. 68.253193; h-2017
6	<i>Oxytropis lehmannii</i> Bunge	Туркестанский хребет, Зааминский Национальный парк, окрестности плато Супа.	05.06	X. 39.633023 Y. 68.463198; h-2448
7	<i>Oxytropis leucocyanea</i> Bunge	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощепенчатые сколоны водоразделного гребня.	16.07	X. 41.229815 Y. 70.295722; h-3005
8	<i>Oxytropis macrocarpa</i> Kar. et Kir.	Туркестанский хребет, левый берег Гуралашая, среди арчевников.	07.06	X. 39.661830 Y. 68.253193; h-2017
9	<i>Oxytropis michelsonii</i> B.Fedtsch.	Туркестанский хребет, ущелье Кульсай, щепнистый склон.	08.06	X. 39.600281 Y. 68.370566; h-2229
10	<i>Oxytropis microsphaera</i> Bunge	Туркестанский хребет, левый берег Гуралашая, среди арчевников.	07.06	X. 39.661830 Y. 68.253193; h-2017
11	<i>Oxytropis microsphaera</i> Bunge.	Туркестанский хребет, верховья реки Кашка-Су.	06.06	X. 39.555673 Y. 68.453311; h-2782
12	<i>Oxytropis microsphaera</i> Bunge.	Кураминский хребет, Папский район, верхняя часть кишлака Чодак.	16.06	X. 41.120283 Y. 70.577528; h-2606
13	<i>Oxytropis microsphaera</i> Bunge.	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощепенчатые сколоны водоразделного гребня.	17.07	X. 41.381966 Y. 70.482641; h-3107
14	<i>Oxytropis savellanica</i> Bunge ex Boiss.	Юго-западные отрога Тянь-Шанья, Чаткальский хребет, в районе озера Арашан, мелкощепенчатые сколоны водоразделного гребня.	16.07	X. 41.229815 Y. 70.295722; h-3005
15	<i>Oxytropis trichocalycina</i> Bunge	Нуратинский хребет, горы Кичик Фазильман, около озера Фазильман, на каменистых склонах.	06.05	X. 40.553884 Y. 66.558191; h-1513
16	<i>Oxytropis pseudorosea</i> Filimonova.	Нуратинский хребет, Нуратинский заповедник, урочище Хаятсай.	09.06	X. 40.516076 Y. 66.744091; h-1202
17	<i>Oxytropis pilosissima</i> Vved	Западный Тянь-Шань, Чаткальский хребет. Правый берег, Алатангасая.	31.05	X. 41.179709 Y. 70.077358; h-1644
18	<i>Oxytropis pilosissima</i> Vved	Западный Тянь-Шань, гора Большой Чимган.	15.05	X. 41.509300 Y. 69.997856; h-1784
19	<i>Oxytropis pilosissima</i> Vved.	Западный Тянь-Шань. Кураминский хребет. долина р. Сарыташ.	30.05	X. 40.765630 Y. 70.046528; h-1978
20	<i>Oxytropis pilosissima</i> Vved.	Западный Тянь-Шань, Кураминский хребет, выше села Парда-Турсун, окрестности Курнаса.	04.06	X. 41.124554 Y. 70.951436; h-1861
21	<i>Oxytropis rosea</i> Bunge.	Наманганская область. Янгикурганский район. села. Нанай.	16.05	X. 41.532148 Y. 71.706691; h-1462

22	<i>Oxytropis rosea</i> Bunge.	Западный Тянь-Шань, Кураминский хребет, выше села Парда-Турсун, окрестности Курнаса.	04.06	X. 41.129161 Y. 70.942766; h-1904
23	<i>Oxytropis rosea</i> Bunge.	Наманганская область, Папский район, адыры Муринди.	15.05	X. 40.916326 Y. 70.889795; h-788

Жадвалда номлари келтирилган ҳар-бир турнинг терилган нуқтасидан GPS координатаси олиниб, олинган координата асосида жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги аниқланди. Терилган турларнинг ичида *O. pseudorosea* Filimonova. Ўзбекистон флораси учун эндемик тур ҳисобланиб, Ўзбекистон қизил китобига (2009, категория II) киритилган. Унинг тарқалиш ареали шимолий Нурота тоғи ҳисобланади.

Маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки 2020 йил амалга оширилган илмий сафарлар натижасида *O. microsphaera* Bunge. Туркистон тизмасида 2 та, Қурама тизмасида 1 та, Чотқол тизмасида 1 та популяциясидан терилган. *O. pilosissima* Vved Қурама тизмасида 2 та, Чотқол тизмасида 2 та, *O. rosea* Bunge. эса Қурама тизмасининг бир-биридан маълум масофада жойлашган 3 та жойидан намуналар йиғилган. *O. capusii* Franch. Туркистон тизмасида 2 та, қолган турлар ҳар бири биттадан, қуйидагича: *O. arassanica* Gontsch Чотқол тизмасида 1 та, *O. albobillova* B.Fedtsch. Чотқол тизмасида 1 та, *O. baissunensis* Vassilez. Ҳисор тизмасида 1 та, *O. lehmannii* Bunge Туркистон тизмасида 1 та, *O. leucocyanea* Bunge Чотқол тизмасида 1 та, *O. macrocarpa* Kar. et Kir. Туркистон тизмасида 1 та, *O. michelsonii* B.Fedtsch. Туркистон тизмасида 1 та, *O. savellanica* Bunge ex Boiss. Чотқол тизмасида 1 та, *O. trichocalycina* Bunge Нурота тизмасида 1 та жойидан гербарий намуналари олинган.

2020 йил *Oxytropis* DC. туркум турлари терилган ҳудудлар.



Юқорида номлари келтирилган 13 та турнинг ботаник географик районлар бўйича тарқалиш ареалини ушбу турлар ҳақида маълумот берилган флора китобларида (Флора СССР, Флора Ўзбекистана, Определитель растений Средней Азии) ва айнан шу турларнинг ТАШ, MW, LE ва СамДУ фондида мавжуд гербарий ёрлиқларида келтирилган маълумотларига таянадиган бўлсак, бу турлар тоғли районларда орографик жойлар бўйича кенг ареалда тарқалган деб айта оламиз.

Хулоса:

2020 йилда амалга оширилган дала илмий сафарлари натижасида намуналар йиғилган ва йиғилмаган Ўзбекистон флорасида мавжуд барча турларнинг учраши мумкин бўлган районлар, тоғ тизмаларининг алоҳида қисмлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг барча популяцияларидан намуналар йиғиш ва таққослаш таҳлилини ўтказиш, тарқалишининг қуйи ва юқори чегараларини аниқлаш бу турларни географик ўрганишдаги асосий ишлардан ҳисобланади.

Дала илмий сафарлари жараёнида *Oxytropis DC.* туркумига кирувчи яна 49 та турдан гербарийлар йиғилмаган. ТАШ баъзадаги гербарий намуналарини ўрганиш натижасида қуйидаги 4 та турнинг: *O. crassiuscula Boriss.*, *O. kuramensis Abduss.*, *O. platonychia Bunge*, *O. terekensis B. Fedtsch.* Ўзбекистон ҳудудидан терилган гербарий намуналари йўқлиги, 1 та турнинг яъни: *O. kamelinii Vassilcz.* нинг гербарий намунаси мавжуд эмаслиги аниқланди. Яна 41 та турни 2020 йилгача бўлган мудатда Ўзбекистон ботаник географик районларининг турли қисмларидан терилганлигини кўришимиз мумкин. Лекин бу гербарийларнинг катта қисми 1980 йилгача бўлган вақтда терилган. Бу маълумотлар асосида туркум турларининг бугунги кундаги тарқалган локал ареалларини ва мавжуд популяцияларини аниқ айтиш мумкин эмас.

Бундан ташқари сўнги йилларда табиатга антропоген таъсирнинг кўпайиши ва кенгайиши, шу қатори ўсимликлар қопламга этилаётган салбий таъсирларнинг оқибатини ҳисобга олиш муҳимдир. Шундай экан Ўзбекистон флорасида мавжуд *Oxytropis DC.* туркум турларини дала илмий сафарларини амалга оширган ҳолда тарқалиш ареалларини ўрганиш, ҳар бир ботаник географик районлар бўйича популяцияларини аниқлаш, уларнинг ичида эндем ва камёб турларини табиий маконда сақлаб қолишга эришиш, қолаверса замонавий методларни қўллаган ҳолда туркум турлари устида молекуляр таҳлиллар олиб бориш шу туркумни янада мукаммал ўрганишдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Введенский А.И., Определитель растений Средней Азии., том VII, 1983, с. 323-368.
2. Введенский А.И., Флора Узбекистана, том III, 1955, с. 686-715
3. Комаров В.Л., Флора СССР, том XIII, 1948.
4. Закиров Қ.З., Флора и растительность бассейна реки зеравшан., Тошкент 1955 й.
5. Kholinaa, Kozyrenkoa, Artyukovaa, Sandanovb and Andrianova Phylogenetic relationships of the species of *Oxytropis DC.* subg. *Oxytropis* and *Phacoxytropis* (Fabaceae) from Asian Russia inferred from the nucleotide sequence analysis of the intergenic spacers of the chloroplast genome //Russian Journal of Genetics. – 2016. – Т. 52. – №. 8. – С. 780-793, 895–909.
6. Материалы научно-практической конференции — Интродукция растений: достижения и перспективы, посвященной 100-летию Национального университета Узбекистана, научной и педагогической деятельности доктора биологических наук, профессора Сафарова Каримджана Сафаровича 18-19 мая 2018 года, с. 227.
7. Malyshev L. I. Phenetics of the subgenera and sections in the genus *Oxytropis DC.* (Fabaceae) bearing on ecology and phylogeny //Contemporary Problems of Ecology. – 2008. – Т. 1. – №. 4. – С. 440-444.
8. Welsh S. L. *Oxytropis DC.*—names, basionyms, types, and synonyms—Flora North America Project //The Great Basin Naturalist. – 1991. – С. 377-396.
9. <https://plant.depo.msu.ru>
10. <https://www.binran.ru>

УЎТ: 633.11; 631.52

ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

*Д.Х.Халикулов, таянч докторант, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти
Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Ғаллаорол*
*Р.Э.Сиддиқов, к/х.ф.д., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол
илмий-тажриба станцияси, Ғаллаорол*

Аннотация. Мақолада сугориладиган майдонлар учун қаттиқ бугдой нав ва тизмаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари баён этилган. Бунга кўра кўра рақобат нав синов майдонида ўрганган қаттиқ бугдойнинг 14 та нав ва тизмаларидан Истиқболли, Мингчинор, Azeghar-3, Mikki-3, № 576, № 2012/7, № 2012/77 нав ва тизмалари маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги жиҳатидан андоза «Макуз-3» навига нисбатан 1,5-12 ц/га юқори эканлиги аниқланган.

Калит сўзлар. Қаттиқ бугдой, нав, тизма, маҳсулдорлик, бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, битта бошоқдаги дон сони, бир бошоқ вазни.

Аннотация. В статье изложены в орощаемых условиях показатели продуктивности сортов и линии по твердой пшеницы. Из изучаемых конкурсного сортоиспытании выделении

перспективные сорта и линии Истикболли, Мингчинор, Azeghar-3, Mikki-3, № 576, № 2012/7, № 2012/77 в которые дал урожай выше 1,5-12 ц/га чем стандарт сорта Макуз-3.

Ключевой слова. Твердой пшеница, сорт, линия, продуктивность, длина колоса, количество колосков, с одного количество зерна, весь с одного колоса.

Abstract. In the article productivity of varieties and lines of durum wheat on the irrigated areas are stated. According to this, 14 varieties and lines of durum wheat are studied on the advanced yield trial and selected Istikbolli, Mingchinar, Azeghar-3, Mikki-3, № 576, № 2012/7, № 2012/77 by more productive and high yielding than standart variety of durum wheat Makuz-3.

Key words. Durum wheat, sort, varieties, productivity, spike length, spike of spikelet number, grains number of a spike, a spike weight.

Кириш. Республикамизда ғалла майдонларининг асосий қисмида юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum*), қисман қаттиқ буғдой (*Triticum durum*) етиштирилмоқда.

Республикада қаттиқ буғдой дониға бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда, чунки макарон ва кандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун, ҳамда уларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда қаттиқ буғдойга бўлган талабни кондириш учун асосан четадан олиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам Республикамиз аҳолисининг қаттиқ буғдой дониға, макарон ва кандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида қаттиқ буғдойнинг дон сифати юқори, бошқа навларга нисбатан юқори ҳосилли, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли бўлган янги навларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш зарур ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Суғориладиган майдонлар учун қаттиқ буғдойнинг иссиқликка, занг касалликларига чидамли, дон сифати юқори бўлган нав намуналарини ўрганиш ва танлаш ҳамда маҳаллий навлар билан частиштириб юқори ҳосилли навлар яратиш.

Материал ва методлар. Тадқиқот Дон ва дуккали экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий тажриба станцияси суғориладиган майдонлар дала тажриба майдонида 2018 - 2020 йилда олиб борилди.

Тадқиқот объекти сифатида ДДЭИТИ Ғаллаорол ИТСда яратилган қаттиқ буғдой нав ва тизмалари, Республикада экиб келинётган районлашган қаттиқ буғдой навлари, ИКАРДА халқаро ташкилотининг жаҳон коллекциясидан олинган қаттиқ буғдой нав намуналаридан олинган 14 та нав ва тизмалардан фойдаланилди.

Фенологик кузатувлар ва баҳолаш ишлари дала шароитида олиб борилди. Фенологик кузатувларда асосий даврларни (униб чиқиш, туплаш, найчалаш, бошоқлаш, сут, мум, тўлик пишиш) аниқлаш ва баҳолашда СЕҒДЎИТИ Ғаллаорол филиали (2004) услубий қўлланмасидан фойдаланилди. Биометрик таҳлил (ўсимлик бўйи, маҳсулдор туп сони, бошоқ узунлиги, 1 та бошоқдаги дон сони, 1 м² дан олинган ҳосил); Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг услуби бўйича (1986).Тажриба натижаларини математик таҳлил Доспехов Б.А. (1985) ишлаб чиққан усул бўйича таҳлил қилинди.

Ўрганилган қаттиқ буғдойнинг 14 та нав ва тизмалари рақобат нав синов майдониға 25 м² майдондан 4 қайтариқда, экиш меъёри гектарига 4,0-4,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилди.

Тадқиқот натижалари. 2020 йилда олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган нав ва тизмаларнинг бошоқ узунлиги 5,2-7,5 смни, ўртача 6,2 см ташкил этди. Андоза «Макуз-3» навиға нисбатан 7 та нав ва тизмаларнинг (ICAMOR TA04, Mikki-3, Истикболли, № 299, № 576, № 2012/7, Мингчинор) бошоқ узунлиги жиҳатидан 1-2,3 см юқори эканлиги аниқланди (1-жадвал).

О.А.Амонов ва бошқаларнинг таъкидлашича бир бошоқдаги бошоқчалар сони ва ҳосилдорлик ўртасида ижобий коррелятив боғлиқлик ($r=0.30$) бор [1]. Нав ва тизмаларнинг бир бошоқдаги бошоқчалар сонига кўра 13,5-16,8 донани, ўртача 14,9 донани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич андоза навида 14,1 донани ташкил этди. Андоза навға нисбатан 4 та нав ва тизмаларда (Мингчинор, Агат Донск, № 2012/7, № 2012/77) бир бошоқдаги бошоқчалар сони 1-2 дона зиёд эканлиги кузатилди.

Нав ва тизмаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари (Ғаллаорол – 2020 й)

№	Нав ва тизмалар номи	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқчалар сони, дона	Битта бошқдаги дон сони, дона	Битта бошоқ оғирлиги, г
1	Макуз-3 (ан)	5,2	14,8	29,7	2,1
2	Мингчинор	7,5	16,8	44,9	3,4
3	Истикболли	6,4	14,2	34,2	2,4
4	№ 299	6,6	15,0	35,7	2,6
5	№ 576	6,6	14,0	33,1	2,8
6	№ 586	6,0	13,6	28,9	2,2
7	№ 2012/7	6,8	16,6	37,2	3,1
8	№ 2012/77	5,8	15,6	32,9	2,3
9	Azeghar-3	6,1	14,8	33,3	2,5
10	Mikki-3	6,3	15,0	33,6	2,6
11	ICAMOR TA04	6,2	14,8	33,4	2,5
12	Курант	5,8	14,4	31,8	2,3
13	Агат Донск	5,6	15,7	27,4	1,8
14	Кристелла	5,4	13,5	26,8	1,8

Н.Б. Бекназаров, Р.О Катковаларнинг илмий тадқиқотлари кўра бошоқдаги дон сони ирсиятга боғлиқ бўлиб, ушбу компонент бўйича танлаш ишларини олиб бориш самарали бўлади [2]. Нав ва тизмаларнинг битта бошоқдаги дон сонига кўра 27-45 донани, ташкил этган бўлса, ўртача 33,1 донани ташкил этди. Андоза навга нисбатан 10 та нав ва тизмаларнинг (Мингчинор, Истикболли, Azeghar-3, Mikki-3, ICAMOR TA04, Курант, № 576, № 299, № 2012/7, № 2012/77) битта бошоқдаги дон сони 3,5-15,2 дона зиёд эканлиги аниқланди.

Нав ва тизмаларнинг битта бошоқ оғирлиги 1,8 г.дан 3,4 г.гачани, ўртача 2,5 г.ни ташкил этди. Андоза навга нисбатан 5 та нав ва тизмаларнинг (Мингчинор, Mikki-3, № 299, № 576, № 2012/7) битта бошоқ оғирлиги 0,5-1,3 г юқори эканлиги аниқланди.

Таҷриба синови натижасида андоза «Макуз-3» навининг маҳсулдор тупланиши ўртача 4,4 донани ташкил этди. Андоза «Макуз-3» навига нисбатан маҳсулдор тупланиши Истикболли, №299, № 2012/7, Оникс, Микки-3, ICAMOR TA04 TA-04, Агата Донск, Кристелла нав ва тизмаларнинг ўртача тупланиш 5,0 донадан 6,1 донани ташкил этди

2-жадвал.

Рақобатли нав синаш майдонида ўрганилган қаттиқ буғдой навларининг ҳосилдорлиги (Ғаллаорол, 2018-2020й.й.)

№	Нав ва тизмалар	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, (ц/га)				Андозага нисбатан, ±
		2018 йил	2019 йил	2020 йил	Ўртача	
1	Макуз-3	41,5	53,6	41,9	45,7	±
2	Мингчинор	45,0	56	50,6	50,5	4,8
3	Истикболли	51,0	49,6	47,1	49,2	3,5
4	№ 299	46,0	45,8	37,8	43,2	-2,5
5	№ 576	42,5	52,3	40,4	45,1	-0,6
6	№ 586	48,5	54,2	39,5	47,4	1,7
7	№ 2012/7	53,0	57,8	62,2	57,7	12,0
8	№ 2012/77	42,5	55,8	46,5	48,3	2,6
9	Azeghar-3	43,5	50,4	47,8	47,2	1,5
10	Mikki-3	42,5	55	52,9	50,1	4,4
11	ICAMOR TA04	53,0	57,8	40,9	50,6	4,9
12	Курант	50,0	46,3	40,8	45,7	0,0
13	Агат Донск	40,5	46,7	35,8	41,0	-4,7
14	Кристелла	49,5	43,7	37,0	43,4	-2,3
	Ўртача: X	45,5	42,6	44,4	44,2	-1,5
	НСР₀₅	1,4	2,0	2,5	2,0	
	S x %	1,1	1,4	1,9	1,5	

2018-2020 йиллар тадқиқот натижаларига кўра қаттиқ буғдойнинг рақобат нав синови майдонидаги нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлиги 41,0- 57,7 центнерни, ўртача уч йиллик ҳосилдорлик эса 44,2 центнерни, ҳосилдорлиги ўртача андоза «Макуз-3» навида 45,7 ц/га ни ташкил этган бўлса, Мингчинор - 50,5 ц/га, Истикболли - 49,2 ц/га, № 586 - 45,1 ц/га, № 2012/7

– 57,7 ц/га, 2012/77- 48,3 ц/га, Azeghar-3 - 47,2 ц/га, Mikki-3 - 50,1 ц/га, ICAMOR TA04 – 50,6 ц/га нав ва тизмаларнинг дон ҳосилдорлиги андоза навга нисбатан 1,5 ц/га дан 12 ц/га ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

2018-2020 йиллар тадқиқот таҳлил натижаларига кўра қаттиқ буғдойнинг андоза Макуз-3 навига нисбатан ҳосилдор, қурғоқчиликка, иссиқликка ва касалликларга чидамли Мингчинор (50,5 ц/га), Истикболли (49,2 ц/га), № 2012/7 (57,7 ц/га), Mikki-3 (50,1 ц/га), ICAMOR TA04 (50,6 ц/га) нав ва тизмалари танлаб олиниб, андоза Макуз-3 навига (45,7 ц/га) нисбатан № 2012/7 тизмаси 12 ц/га юқори ҳосилдор нав сифатида тан олинди.

Хулоса. Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлиши бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, битта бошқдаги дон сони ҳамда битта бошоқ оғирлигига боғлиқ бўлиши тажрибамиз натижасида аниқланди. Олинган натижаларга кўра Истикболли, Мингчинор, Azeghar-3, Mikki-3, № 576, № 2012/7, № 2012/77 нав ва тизмалар маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги жиҳатидан андоза «Макуз-3» навига нисбатан 1,5-12 ц/га юқори эканлиги аниқланди. Бу нав ва тизмалардан суғориладиган майдонлар учун қаттиқ буғдойнинг юқори ҳосилли навларини яратиш мақсадида селекция жараёнида фойдаланишга тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. О.А.Амонов., Ф.О.Жаббаров., Д.Т.Жўраев., Ш.Д.Дилмуродов Қаттиқ буғдой коллекция нав ва намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ўрганиш/ “Селекция ва уруғчилик соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами - Тошкент, 2014 йил 33-35 бб.

2. Бекназаров Н., Каткова Р.О. Создание и достоинство сортов пшеницы для богары / Селекция и семеноводство зерновых, зернобобовых и кормовых культур.–Ташкент, 1983.-С. 46-49.

УДК:633.853.52:631.531.1:581.19

ДУККАКЛИ-МОЙЛИ ДОНЛАРДАН НОН ПИШИРИШ ТЕХНОЛОГИК ХОСАЛАРИ

М.К. Ҳамроева, доцент, PhD, ДТПИ, Денов

К.Б. Ёров, ўқитувчи, ДТПИ, Денов

Р. Абраматова, талаба, ДТПИ, Денов

Ш. Аҳмаджонова, талаба, ДТПИ, Денов

К. Бозорова, талаба, ДТПИ, Денов

Аннотация. Соя унидан фойдаланишининг бир қатор афзалликлари - намунавий нон пишириш кўрсаткичлари; оқсил-протеиназ комплексини ўрганиш; қолипда пишиган ноннинг ҳажмий чиқиши; ноннинг ёйилиб кетиши; нон магизини говаклилиги; кислоталилиги ва бошқа кўрсаткичлари.

Калит сўзлар: соя уни, соя нони, альвеограф, валориграф, фаринограф, говаклилик, оқсил-протеиназ ва углевод-амилаза, Оқсил-протеиназ комплекси, клейковина, редуцир, ноннинг рецептураси.

Аннотация. Ряд преимуществ использования соевой муки: типичные характеристики выпечки; исследование протеин-протеиназного комплекса; объемный выход хлеба, выпекаемого в форме; намазанный хлеб; пористость панировочных сухарей; кислотность и другие показатели.

Ключевые слова: соевая мука, соевый хлеб, альвеограф, валориграф, фаринограф, пористость, протеин-протеиназа и углевод-амилаза, протеин-протеиназный комплекс, глютен, восстановитель, рецепт хлеба.

Abstract. Several advantages of using soy flour include: typical baking characteristics; study of the protein-proteinase complex; volumetric yield of bread baked in the form; spread bread; porosity of bread crumbs; acidity and other indicators.

Key words: soy flour, soy bread, alveograph, valorigraph, farinograph, porosity, protein-proteinase and carbohydrate-amylase, protein-proteinase complex, gluten, reducing agent, bread recipe.

Замонавий нон ишлаб чиқариш технологияси бу - муҳим йўналишларидан бири озик-овқат сифатида қимматли бўлган соя ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлари каби ноанъанавий ўсимлик ресурсларидан нон-булка маҳсулотлари рецептурасини бойитиш ва янги технологиялар яратишдан иборатдир. Нон пишириш саноатида соя уруғига механик ишлов бериш натижасида олинган маҳсулот – соя унидан фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга. Хамирнинг физик хусусиятлари донни нонбоплик хоссаларини тўлиқ тавсифлайди. Буғдой унидан қорилган хамирнинг физик хусусиятлари альвеограф, валориграф, фаринограф ва бошқа асбобларда аниқланади. Бунда хамирнинг реологик хусусиятлари аниқланади. Намунавий нон пишириш кўрсаткичларига қуйидагилар киради: қолипда пишган ноннинг ҳажмий чиқиши; ноннинг ёйилиб кетиши; нон мағизини ғоваклилиги; кислоталилиги ва бошқа кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичлар доннинг нонбоплик хоссаларини тўлиқ баҳолайди ва унинг сифатини технологик баҳолашда ҳал қилувчидир.

Турли меъёрларда қўшилган соя унининг соя-буғдойли ун аралашмасининг унбоплик хоссаларига таъсири. Буғдой унининг бир қисми ўрнига соя унидан фойдаланишнинг мақсадга муқофиқлигини баҳолаш учун буғдой ва соя унининг оксил-протеиназ ва углевод-амилаза комплекси ҳолатини тавсифловчи унинг нонбоплик хоссасига таъсири ўрганилди. Оксил-протеиназ комплексини ўрганиш учун биринчи нав буғдой уни ва яримёғсизлантирилган биринчи нав соя унидан 95:5, 90:10, 85:15 ва 80:20 нисбатда хамир қордик ва клейковинасини ювиб, унинг миқдорини, гидратацион қобилятини, клейковинанинг деформацияловчи юкламага кўрсатувчи таъсири аниқладик. Олинган натижалар қуйидаги 1- жадвалда келтирилган. Соя унининг миқдорини 5 % дан 20 % гача оширганда ўрганилаётган унли аралашмалар таркибидаги ҳўл ва қуруқ клейковина чиқиши тажриба намунасига нисбатан 8-23 % га ва 7,1-13,8 % камаяди ва аралашмалардаги намсақловчанлик эса тажриба намунасига нисбатан 3-18% га ортади. Бундан ташқари унинг чидамлилиқ тавсифи кузатилади: деформацияловчи юкламага қаршилиқ кўрсатиш қобиляти ($H^{ИДК}_{деф}$) буғдой уни клейковинасидан 6-25% га юқори. Натижалар бир томондан соя унида клейковина ҳосил қилувчи оксилнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланса, иккинчи томондан соя оксилининг ўзига хос хусусияти, яъни хамирдаги – SS-боғнинг – SH-гуруҳ нисбати билан аралашиб, – SS-боғ томонга ўтиши унинг гидратацион қобилятининг ортишига ва реологик хоссаларининг ўзгаришига олиб келиши билан изоҳланади.

1-жадвал

Унли аралашмадаги соя уни меъёрининг клейковина чиқиши ва сифатига таъсири

Кўрсаткичлар	Хамир клейковинаси сифати				
	Буғдой уни (тажриба)	Буғдой ва соя уни аралашмаси			
		95:5	90:10	85:15	80:20
Ҳўл клейковина миқдори, %	32,8	30,6	28,4	26,1	25,0
Қуруқ клейковина миқдори, %	11,48	10,8	11,0	10,44	10,0
Клейковинанинг гидратацион қобиляти, %	185,0	191,0	196,0	205,0	219,0
Клейковинанинг деформацияловчи юкламага қаршилиқ кўрсатиш қобиляти ($H^{ИДК}_{деф}$), прибор бир. ИДК	65,0	65,0	60,0	58,0	55,0
Чизгичда чўзилувчанлиги, см	13,0	13,0	12,0	11,0	9,0

2-жадвал

Унли аралашмадаги соя уни меъёрларининг клейковина эрувчанлигига таъсири

Эритувчи	Эрувчи азот миқдори (умумий азотга нисбатан % ҳисобида) хамир клейковинасида			
	Буғдой уни (тажриба)	Буғдой ва соя уни аралашмаси		
		95:5	90:10	85:15
0,1 N уксус кислота эритмаси	29,6	26,7	19,9	19,3
12%-ли салицилат натрий эритмаси	19,7	16,2	15,2	13,3

Соя унини қўшишни 5 %дан 15 % га оширганда, ҳўл клейковинанинг эрувчанлиги тажрибага нисбатан 0,1N уксус кислотаси эритмасида 11-53 % га, 12 %-ли салицилат натрий эритмасидаги эрувчанлиги 21-48 % га камаяди. Буғдой ва соя уни аралашмасидан ювилган клейковинанинг агрегирловчи қобилятининг ошиши умумий оксил таркибидаги ҳаракатланувчи полипептидларнинг улушини ортиши ҳисобига бўлиши мумкин [1,4,5,6].

Бундан ташқари оксилларнинг агрегирловчи қобилияти аминокислотали таркиб хусусияти билан ўзаро боғлиқ, шунинг учун анча юқори агрегирловчи қобилиятга эга бўлган умумий глиадин кам зарядли гуруҳни ушлайди.

Паст даражадаги агрегацияга эга бўлган ω -глиадинлар проламинларга, фенил-аланилга, амидгуруҳга ва қутубий аминокислоталик қолдиқга бой бўлиб, бу ўз навбатида уларнинг липидлар ва липидга ўхшаш бирикмалар билан юқори ўзаро таъсирчанлик қобилиятини белгилайди. Бундай ўзаро таъсир натижасида юзага келувчи “оксил-липид” комплекси тузилиши жиҳатдан оксил-липидли мембраналарга ўхшаш. Соя уни буғдой унига нисбатан кўп миқдордаги гидрофоб ва қутубий аминокислотани ушлайди [1,3,4].

Бу эса ўз навбатида уни қўшиш агрегация жараёнига ва буғдой клейковинасининг комплекс ҳосил қилишига ижобий таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. Хамир этилишида крахмал ва редуцирловчи шакарнинг миқдор ўзгаришини аниқлаш шунинг кўрсатдики, соя уни қўшиб тайёрланган намунада редуцирловчи шакар миқдори кўпроқ, крахмал эса кам, бу ўз навбатида буғдой унига нисбатан соя унида моно- ва дисахаридларнинг анча кўп миқдорда ушлашини ва крахмал кам эканлигидан далолат беради [3,4]. Хамирни этилиши жараёнида барча намуналарда бирдай крахмал миқдори камади, бу амилолитик ферментлар таъсирида крахмалнинг гидролизланиши билан боғлиқ. Бу ҳолат хамирда редуцирловчи шакар миқдорининг ўзгариши билан изоҳланади, яъни унинг ачитқилар таъсирида этилишининг жадаллашуви ва натижада крахмал амилолизининг йиғилиши билан аниқланади.

3-жадвал

Унли аралашмадаги соя уни меъёрининг хамирдаги редуцирловчи моддалар ва крахмал миқдорига таъсири

Кўрсаткичлар	Буғдой уни (назорат)	Буғдой ва соя уни нисбати			
		95:5	90:10	85:15	80:20
Редуцирловчи шакарларнинг массали улуши %, куруқ моддага нисбатан:					
-хамир қорилгандан кейин	1,0	1,0	1,1	1,2	1,4
-етилгандан кейин	4,34	4,05	3,80	3,52	3,32
-тиндирилгандан кейин	2,72	2,80	3,1	3,0	2,91
Крахмалнинг массали улуши %, куруқ моддага нисбатан:					
-хамир қорилгандан кейин	69,3	67,6	64,4	63,0	63,1
-етилгандан кейин	64,1	59,9	55,7	52,1	52,0
-тиндирилгандан кейин	63,2	58,7	54,9	54,9	53,5

Соя уни қўшиб қорилган хамир намунасида аниқландиган шакарларнинг анча юқори (3-13% контролвий намунага нисбатан) миқдори, крахмалнинг ўзига хос микроструктураси ва крахмалли донларнинг кичик ўлчамга эгаллиги уларнинг амилолитик ферментлар таъсирига берилувчанлигидан далолат беради. Унли аралашмада соя уни миқдорини ошириш билан амилазаларнинг крахмалга таъсири натижасида шакар ҳосил қилиш қобилияти контрол намунасига нисбатан 20-43% ортади, бу эса буғдой ва соя уни аралашмасидан тайёрланган хамирда газ ҳосил қилиш қобилиятининг жадаллашуви билан тасдиқланади. Олинган қийматлар (4-жадвал)да келтирилган.

4-жадвал

Унли аралашмадаги соя уни меъёрининг буғдой хамирини газ ҳосил қилишига таъсири

Хамирни этилиш давомийлиги, мин	Хамирнинг этилишида ажралиб чиқадиган CO ₂ миқдори(см ³)				
	Буғдой уни (контрол)	Буғдой ва соя уни аралашмаси			
		95:5	90:10	85:15	80:20
30	102	114	130	110	–
60	210	266	370	324	268
90	292	406	540	490	301
120	324	554	690	634	324
150	398	670	810	780	370
180	460	764	904	900	496
210	590	834	990	1010	640
240	664	894	1034	1114	702

Соя унини 5-15% миқдорда қўшиш натижасида 240 минут давомида ажралиб чиқадиган CO₂ миқдори намунага нисбатан 10-34 % га ошади. Етилишнинг биринчи “чўққисида” ажралиб чиқадиган углерод қўш оксиди миқдори хамирда енгил ўзлаштириладиган шакарлар ҳисобига сезиларли ортади, бунинг оқибатида нонбоп ачиткилардаги β-фруктофуранозидазалар фаоллиги ошади. Етилишнинг иккинчи “чўққисида” ачитқидаги α-глюкозидаза асосий рол ўйнайди ва хамирни тиндириш жараёнида бир меъёрда етилиши учун керакли миқдордаги шакарни йиғади, шунингдек ноннинг устки қисмида қўнғир-олтин ранг берувчи меланоидларнинг ҳосил бўлиш реакциясини юзага келтиради.

Турли меъёрдаги соя унининг нон сифатига таъсири. Сояли-буғдой уни аралашмасидан пиширилган буғдой кўрсаткичларга таъсирини аниқладик. Нонни 3.6.1-жадвалда келтирилган рецептура бўйича тайёрладик. Контрол намунасини соя уни қўшмасдан пиширдик. Тажиба вариантларида 1-нав буғдой уни ўрнига 5, 10, 15 и 20 % яримёғсизлантилган 1-нав соя унидан қўшдик. Хамирни опарасиз усулда 5-жадвалда келтирилган рецептура бўйича тайёрладик. Тайёр маҳсулотни нон пиширилгандан кейин 16-18 соат ўтгач таҳлил қилдик. Тадқиқотнинг ўртача натижалари 2-жадвалда келтирилган. Унли аралашмадаги соя уни миқдори тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатиши аниқланди.

Хамир қорганда соя уни оксиди ёмон бўкади, шунинг учун уни 1:2 нисбатда сувда эритдик. 30-40 минут давомида 20-22 °С ҳароратда яхшилаб аралаштириб, ушлаб турдик. Сояли гелни аралаштиришнинг охириги босқичида хамирга қўшдик ва уни тўлиқ тайёр бўлгунча аралаштирдик. Тадқиқот натижасида буғдой ва соя уни аралашмасидан пиширилган нон яхши органолептик хоссага эга эканлиги аниқланди. Соя унидаги юқори оксид даражаси карамелланиш реакциясини тезлаштирди ва нонда чиройли қобик ва нон мағизиде ёқимли сарғиш ранг ҳосил қилди. 5 ва 10 % соя уни қўшилган нонда оч-сарик рангли қобикга ва мағиз майин-сарғиш рангга эга бўлди. 15-20 % соя уни қўшган ҳолда пиширилган ноннинг мағизи ёқимли сарғиш рангга, мазаси эса қовурилган ёнғоқ таъмига эга бўлди. Соя унини қўшиш натижасида маҳсулотда майингина ёнғоқ ҳиди пайдо бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атабаева Х.Н.-Технология возделывания сои в Узбекистане -Т. Матбуот, 1989 г.
2. Атабаева Х., Рузиев А. -Урожайность кукурузы и сои в повторных смешанных посевах - Ж.С.-х.Узбекистана, 2000г.
3. Горелов Е.П., Бабаяров М. - Соя на сероземах Узбекистана. Кормопроизводство, 1984г.
4. Д.Ёрматова, Н.Шамуратов – Донли экинларни етиштириш технологияси. Тошкент – 2012й.
5. Ёрматова Д.Ё. – СОЯ. Самарканд- 1991й. 153 - бет
6. Оценка коррекции между показателями ИДК-1 и хлебопекарными свойствами зерна пшеницы / В.В. Колпакова, В.И. Жаринов, О.С. Хориков, Г.А. //Известия ВУЗов. Пищевая технология. –Краснодар, 1990.–11с. Депонирован в ЦНИИТЭИхлебопродукт 23.03.90. –№1158–хб 90.
7. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии хлебопе-карного производства. –М.: Легкая и пищевая промышленность, 1982. – 308 с.

ЎУК:633.853.52:631.531.1:581.19

СОЯ ВА ПАХТАНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА НИТРАГИННИНГ ТАЪСИРИ

М.К. Ҳамроева, PhD, ДТПИ, Денов
К.Б. Ёров, ўқитувчи, ДТПИ, Денов
С. Мухаммадиева, талаба, ДТПИ, Денов
Д. Неъматова, талаба, ДТПИ, Денов
Ж. Содиқова, талаба, ДТПИ, Денов

Аннотация. Бухоро вилоят тупроқ-иқлим шароитида соя ва пахта ни етиштиришида олинган илмий изланишлар, дала тажибасидан олинган натижалар ва хулосалар; Соя ва пахта ни етиштириш технологиясида тупроқ унумдорлигини ошириш.

Калит сўзлар: соя дони, оқсил, соя экотипларининг технологик хоссалари, гуллари, дуккаги, уруги, барглари, туганак бактериялар, пахта гуллари, пахта кўсақлари, нитрагин, биологик жараёнлар, биологик соф азот.

Аннотация. Научные исследования, результаты и выводы полевого опыта выращивания сои и хлопка в почвенно-климатических условиях Бухарской области; Повышение плодородия почвы в технологии возделывания сои и хлопка.

Ключевые слова: зерно сои, белок, технологические свойства экотипов сои, цветки, стручки, семена, листья, стеблевые бактерии, цветки хлопчатника, бутоны хлопчатника, нитрагин, биологические процессы, биологически чистый азот.

Abstract. Scientific research, results and conclusions of field experience in growing soybeans and cotton in the soil and climatic conditions of the Bukhara region; Improving soil fertility in the technology of cultivation of soybeans and cotton.

Key words: soybean grain, protein, technological properties of soybean ecotypes, flowers, pods, seeds, leaves, stem bacteria, cotton flowers, cotton buds, nitragin, biological processes, biologically pure nitrogen.

Кейинги йилларда озик-овқат маҳсулотлари ва чорва учун ем ишлаб чиқаришнинг ўсиши соя дони етиштирилишни кенгайтирилишни тақозо этмоқда. Соя таркибида тўла қимматли нодир оксил мавжуд бўлиб, у озикавийлик қиммати бўйича ҳайвон оксидан қолишмайди. Унинг таркибида ноёб биологик фаол моддалар, лецитин, холин, А, В ва Е витаминлари, макро-микроунсурлар ва бошқа қимматли моддалар мавжуд. Соя таркибида лактоза ва холестерин учрамайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, каллориялилиги ва асосий озикавий ва биологик фаол моддалар таркиби бўйича ушбу маҳсулот муқобил баланслангандир. Соя ва пахта уруғлари нитрагин билан ишланиб экилганда ҳосилдорлик 15-30 % га ошади. Нитрагинлаш ишлари одатда кечқурун қуёш ботиши ёки эрталаб қуёш чиққинча очик ҳавода бажарилиши керак.

Соядан юқори ҳосил олишда муҳим агротехник тадбирлардан бири экишнинг оптимал муддатларини белгилаб олишдир. Оптимал муддат деб танланган даврда соя уруғларининг унуб чиқиши учун тупроқда иссиқлик, намлик ва ҳаво режимлари қулай бўлиши керак. Экиш муддати ўсимликнинг биологик хусусиятлари, нав белгилари ва мазкур жойнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилади.

1 – жадвал

2015 йил Бухоро вилоят Жондор тумани “Темир Фозил Фаёз” фермер хў-жалигида пахта қўшиб экилганда соянинг ўсиш динамикасига таъсири

Соя навлари	Барглар сони (дона)	Гуллари (дона)	Дуккаклари (дона)	Илдиздаги туганаклар сони (дона)	Поя баландлиги, (см)
2015 йил 30 май					
Парвоз	7	4	6	6	60
Дўстлик	6	5	7	6	65
Фортуна	5	4	6	6	68
Нафис	7	5	7	7	67
2015 йил 26 июнь					
Парвоз	8	11	10	14	89
Дўстлик	9	10	11	15	91
Фортуна	8	11	12	13	92
Нафис	8	12	12	14	89
2015 йил 5 июль					
Парвоз	12	15	18	19	111
Дўстлик	11	16	20	18	112
Фортуна	10	15	19	21	113
Нафис	12	14	21	20	115
2015 йил 18 июль					
Парвоз	14	23	38	29	167
Дўстлик	15	25	39	30	170
Фортуна	14	24	42	28	169
Нафис	15	24	44	27	167

Қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулдорлигини ошириш учун минерал ўғитлар билан биргаликда бактериал ўғитлардан ҳозирги кунда кенг фойдаланилмоқда. Дуккаклилар

оиласига мансуб ўсимликлар билан туганак бактериаллар ҳаводан соф азотни биологик йўл билан ўзлаштиради. Кўп йиллик дуккакли ўтлар бир йилда 130-150 кг бир йиллик дуккакли ўсимликлар эса 70-80 кг соф азотни бир гектар ерда тўплайди.

Тупроқда туганак бактерияларнинг ҳаракатини активлаштириш ёки уларни ҳосил қилиш учун, туганак бактериялар билан уруғларни ишлаш керак. Уруғлар туганак бактериялар билан ишланиб экилганда биринчидан ўсимликнинг ҳосилдорлиги ошади, иккинчидан уларнинг ҳаводан соф ҳолдаги азотни ўзлаштириш қобилияти бир неча баробарга ошади. Туганак бактериялардан иборат бу ўғитларга нитрагин дейилади. Ҳозирги кунда республикада уч хил нитрагин ишлаб чиқарилмоқда.



Пахта билан қўшиб экилган соя нави “Парвоз”

1. Тупроқ нитрагини.
2. Қуруқ нитрагин.
3. Торфли нитрагин.

Пахта билан соя донига нитрагин қўшиб экилганда иккала экиннинг ўсиши нормада, ҳосилдорлиги яхши, гуллаш даврида гуллари 80-85% гача чангланади, соя туганаклари ва пахта кўсақлари тўлиқ ривожланади айниқса пахта пояси ва баргларига умуман зараркунандалар тушмайди. Иккала экинга бир вақтда бир хил намлик, ўғит берилган. Бу тажрибада иккала экинга ҳам кўп агротехник ишлов берилмайди, кўп минерал ўғит талаб қилмайди ва асосийси ҳозирги давр талабига биноан иқтисодий томондан сарф-ҳаражатлар камроқ ишлатилади. Тажрибадан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, агар пахта ва соя дони қўшиб экилганда иккала экиндан ҳам яхши ҳосилдорлик олиниб, бир вақтнинг ўзида битта ердан унумли фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атабаева Х.Н.-Технология возделывания сои в Узбекистане -Т. Матбуот, 1989г.стр-78
2. Атабаева Х., Рузиев А. -Урожайность кукурузы и сои в повторных смешанных посевах - Ж.С.-х.Узбекистана, 2000г. стр-132
3. Горелов Е.П., Бабаяров М. - Соя на сероземах Узбекистана. Кормопроизводство, 1984г. стр-98
4. Ёрматова Д.Ё. – СОЯ. Самарқанд- 1991й. 130 - бет

УДК: 598.2:591.5(575.1)

РАСПРОСТРАНЕНИЕ, ЭКОЛОГИЯ И ЗНАЧЕНИЕ РОДА ЩУРКИ (*MEROPS*) В УЗБЕКИСТАНЕ

Ф.О. Шодиева, докторант, Национальный университет Узбекистана, Ташкент
Ф.Р. Холбоев, д.б.н., Национальный университет Узбекистана, Ташкент

Аннотация. Тадқиқот давомида *Merops* авлодида мансуб 2 та қуш турининг (*Merops apiaster*, *Merops persicus*) Ўзбекистондаги локал ҳудудларда учраш хусусияти, тарқалиши, сони ва аҳамияти аниқланди. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида мазкур турларни муҳофаза қилиш, айниқса асаларичилик хўжаликларида уларнинг хатти-ҳаракатини бошқариш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: репеллент, асаларичилик хўжаликлари, комменсализм, ижарачилик, трофик муносабатлар, биоценотик муносабатлар, хатти-ҳаракат.

Аннотация. В период исследования в локальных территориях Узбекистана определено характер пребывания, распространение, численность, а также значение двух видов (*Merops*

apiaster, *Merops persicus*) птиц рода *Merops*. В результате анализа полученных данных были разработаны соответствующие рекомендации по охране и управлению поведением данных видов, особенно в пчеловодческие хозяйствах.

Ключевые слова: репеллент, пчеловодческие хозяйства, комменсализм, квартиранства, трофическая взаимоотношения, биоценотический взаимоотношения, поведения.

Abstract. During the study in the local territories of Uzbekistan, the nature of the stay, distribution, abundance, and also the significance of two species (*Merops apiaster*, *Merops persicus*) of birds of the genus *Merops* were determined. As a result of the analysis of the data obtained, appropriate recommendations were developed for the protection and management of the behavior of these species, especially in beekeeping farms.

Key words: repellent, beekeeping, commensalism, lodging, trophic relationship, biocenotic relationship, behavior.

Введение. В последние годы особое внимание уделяется исследованию животного мира, в том числе орнитофауны урбанизированных территории. Однако в разных регионах подходы по изучению распространения, хозяйственного значения и охраны птиц своеобразны. Такая ситуация, особенно недооценки значения вида или отсутствие информации о его охранного статуса приводят к возникновению некоторых острой проблемы. Это касается золотистой *Merops apiaster* и зеленой щурки-*Merops persicus* рода *Merops*, которой является широко распространенных перелетно-гнездящихся видов Узбекистана.

По нашим данным истребление этих видов за причиняемые ими ущерб на пчеловодческих хозяйствах широко распространена не только в Узбекистане но и в других странах, хотя *M. apiaster* внесено в Красных книгах некоторых государств.

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 16 октября 2017 года № ПП-3327 «О мерах по дальнейшему развитию отрасли пчеловодства в Республике» определено основной задачи и направлении деятельности Ассоциации «Пчеловодов Узбекистана». В настоящее время в составе Ассоциации имеется 2057 пчеловодческих хозяйств, 26 пчеловодческие племенных хозяйств и 16 медоперерабатывающие организации. В республике существуют несколько пчеловодческие хозяйств которые не входят в состав этого ассоциации. С развитием пчеловодства в перспективе масштабы такого негативного воздействия и проблемы связанных с ними могут расширяться.

Исходя из этого, изучение экологических особенностей видов рода *Merops* в Узбекистане актуально в аспекте определения и оценки их значения в природе и в хозяйстве, а также сохранения их ареала гнездования и численности. Выявление в локальных территориях адаптационных изменений в поведении популяциях этих видов даёт возможность разработки эффективных способы управления численности.

Материалы и методы. Материалом для данной работы послужили результаты полевых исследований за период 2020–2021 гг., проведенных в Ташкентской, Бухарской и Самаркандской областях Узбекистана. Территориальный распространение, численность и экологический особенности видов изучена в природных ландшафтах, гнездовых колониях, пчеловодческий хозяйствах и в агроценозах. Учет птиц проводилось на соответствующих стационарных участках и фиксированных маршрутах. Для количественного учета птиц применены маршрутный метод и метод точечных учетов [3,5].

Результаты и их обсуждение. Начало и конец весенние и осенние миграций данных видов в разные годы колеблется в пределах от 15 до 20 дней. Самое раннее весенней миграции *M. apiaster* в Узбекистане зарегистрировано 15 апреля, а осенние 6 сентября. На юге республики они задержится до 15 октября. Соответственно *M. persicus* 10 апреля, 29 октября [4,6]. По нашим наблюдениям в 2021 году, в Ташкентской области первые особи *M. apiaster* был отмечен 22 апреля. В 2020 году в Бухарской области первый особи *M. persicus* отмечено 7 апреля, а в 2021 г. 16 апреля. В период осенний миграции 2014-2020 гг. последние особи этого вида в данном регионе зарегистрировано 9-26 октября. В последний годы в Узбекистане наблюдается увеличение срока пребывания видов рода *Merops*, и это объясняется глобальным

потеплением климата. Об этом свидетельствует и расширение их гнездовых ареалов в северном направлении [1].

По литературным данным по численности на юге страны *M. apiaster*, больше, чем на *M. persicus* [6]. В наших исследованиях эти данные не подтвердилась. И так, хотя во время миграции оба эти вида в республике встречается неравномерно, но после миграции *M. apiaster* занимает северо-восточные горных и предгорный, а *M. persicus* равнинный районы, расположенной в южной и западной части республики. Кроме этого, *M. apiaster* встречается в побережьях больших рек несмотря, где би они не находилось. В переходных экосистемах эти виды формируют смешенных гнездовых колонии. После миграционный перераспределение этих видов, а также их откочивание после репродуктивного цикла тесно связано с трофическими и топическими условиями.

Репродуктивного цикл этих видов протекает в основном природных ландшафтах, но некоторый пары *M. persicus* гнездятся в даже в сельских населенных пунктах. После репродуктивного цикла (в начале августа) оба вида покидает своё место гнездования, так как, в этот период природных ландшафтах, особенно находящихся в аридных регионах, резко сокращается видовой разнообразии и численность насекомых, являющихся основным объектом питания. А также, количества оба вида резко увеличивается за счёт вылетевших птенцов. В этот период, связанный с климатическим условиям в природных экосистемах многочисленный насекомые исчезает и такой экосистема не могут удовлетворить пищевые потребности птиц. В связи с этим данных виды перераспределяется (откачивается) в агроценозах и пчеловодческих хозяйствах, где еще сохраняется множества насекомых и пчелы, особенно они концентрируются в большом количестве в пчеловодческих хозяйствах. Таким образом, в Узбекистане в зависимости от изменения трофических отношений этих видов изменяется и место обитания, численность, а также связанный с ними практическая значения (таблица). Об этом свидетельствует их трофический поведении и пищевые спектры. Именно в этот период (август, сентябрь) эти виды является вредными для пчеловодческих хозяйств.

По результатам учета в разных биоценозах численность *M. apiaster* на 10 га площади колеблется от 0,4-7,6 штук, соответственно *M. persicus* 0,07-6,3.

Таблица

Средняя численность *M. apiaster* и *M. persicus* в разных биоценозах Узбекистана (2020-2021 гг.)

Биоценозы	Месяцы, средняя численность птиц (особей на 10 га, площади)							Среднее годовая численность
	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	
<i>Merops apiaster</i>								
Природные ландшафты	0,02	0,4	1,6	0,7	0,3	0,1	-	0,4
Агроценозы	0,2	2,1	2,4	3,8	5,5	7,6	1,9	3,3
Сельский населённые пункты	0,05	2,6	3,8	5,5	5,9	6,6	1,5	3,7
Пчеловодческий хозяйства	0,06	3,4	5,3	8,7	19,0	14,3	2,9	7,6
<i>Merops persicus</i>								
Природные ландшафты	-	0,02	0,3	0,1	0,07	0,03	-	0,07
Агроценозы	0,01	0,9	1,1	2,3	3,8	4,1	0,02	1,7
Сельский населённые пункты	-	0,4	0,8	1,3	2,3	3,0	0,03	1,1
Пчеловодческий хозяйства	-	1,2	1,7	8,9	14,4	17,1	1,4	6,3

В литературе материалы о значениях рода *Merops* в природных условиях Узбекистана отсутствует. По нашим наблюдениям оба вида рода *Merops* имеет огромной значения в природе и в хозяйственной деятельности человека. Особенно, в биоценозах аридной зоны Узбекистана, где множество факторов (нехватка место гнездования и пищевых ресурсов, суровый климатический условия и др.), находятся в критическим уровне взаимоотношение организмов усложняется, и значение отдельных видов увеличивается.

Одно из важных биоценологических взаимоотношении щурков в биоценозе является комменсализм. Одно из форм комменсализма квартиранства наблюдается старых гнездах щурков. В таких гнездах найдено множество видов *Arthropoda* и *Chordata* (*Phrynocephalus interscapularis*, *Trapelus sanguinolentus*, *Cyrtopodion russowi*, *Coliber karelini*, *Eryx miliaris*). Эти

и другие виды в таких гнездах надёжно охраняется от хищников и от неблагоприятных климатических условий [2,8]. При изучении гнездовой колонии *M. persicus*, находящихся в пустыни Кызылкума установлено что, старый гнезда этого вида используют для гнездостроения сизоворонками- *Coracias garrulus*, майной- *Acridotheres tristis*, индийскими - *Passer indicus* и полевыми - *Passer montanus* воробьями. Такого рода взаимоотношения как квартиранства имеет значение в сохранении биоразнообразия.

Нахлебничество-еще одно из форм комменсализма характерно для гнездовой жизни щурков. При обследовании в нижней части входных отверстиях, входных частях и гнездовых камерах щурков обнаруживаются пищевые отходы и погадки. Эти объекты являются пищевыми ресурсами для муравьев, которые питаются этими пищевыми отходами. Такой взаимоотношения обеспечивает формирования и стабильности пищевой цепи в биоценозе.

Трофический взаимоотношения щурков в биоценозе очень разнообразны и сложны. Щурки при преследованиях, засадах и других поведении во время охоты на насекомых и пчелы продемонстрируют поведении характерный для хищных животных. Надо отметить, что пчелы тоже реагируют звуки щурки и проявляет поведении характерный для жертв. В свои очередь щурки тоже становится жертвой некоторых видов (*Vulpes vulpes*, *Canis aureus*, *Falco naumanni*, *Circus aeruginosus*, *Varanus griseus*, *Coluber karelini* и *Coluber ravergieri*). Которые охотятся взрослыми особями, птенцами и яйцами щурков возле гнездовых колониях и в гнездах щурков. 2020 году в одном из гнездовой колонии находящихся в старом карьере в Бухарской области в норе зеленой щурки- *M. persicus* найдено серый варан- *Varanus griseus* проглотившего взрослого особи зеленой щурки. Недалеко от этой колонии найдено нора лисицы- *Vulpes vulpes*, возле которого найдено перья *M. Persicus* и другие пищевых отходы. При обследовании гнезд в отверстиях некоторых нор обнаружено следы когтей хищных животных и эти данные свидетельствуют о том, что данный вид является пищевым объектом некоторых животных.

В результате хищничество щурки участвуют в регулировании численности насекомых, наносить некоторые ущерб пчеловодческому хозяйству, а хищный животный участвуют в регулировании численности щурков. В итоге из такого типа взаимоотношения обеспечивается целостность пищевой цепи и ее устойчивость. Таким образом, *M. persicus* и *M. apiaster* как среда образующие виды активно участвуют в биотических отношениях и имеет значение в сохранении устойчивости экосистем (рисунка).

Следует сказать, что во многих странах, в том числе и в Узбекистане *M. persicus* и *M. apiaster* считается основным вредителем пчеловодческих хозяйств и поэтому с разными способами (расстрел, ловля сетями, уничтожение гнезд) их отпугивают или уничтожают. Иногда для отпугивания используются различные оптические и акустические устройств. Согласно нашим наблюдениям и результатам опроса, только в Бухарской области за 2016–2018 гг. было отстрелено приблизительно более 10 тысяч особи *M. persicus* и это больше чем любой другой вид животных отстреленный данный срок в незаконном путём. [9]. Хотя, *M. apiaster* внесен в Красные книги Владимирской области России, Республики Татарстан, Республики Беларусь и другие. Такой отношение к видам рода *Merops* и односторонний оценка их значения требуют дальнейшего разработки соответствующих мер по управлению их поведением и охрана этих видов от незаконного уничтожения.

Надо отметить, что при изучении и оценке значения рода- *Merops* следует учитывать факторов регулирующий их распространения и поведения. Про анализируя предварительные данные можно сказать, что виды рода *Merops* в Узбекистане имеет двойкие значения: в репродуктивном цикле уничтожая вредных насекомых они приносят огромную пользу сельскому хозяйству, после репродуктивного цикла уничтожая пчелы создадут некоторые проблемы.

Надо отметить, что при изучении и оценке значения рода- *Merops* следует учитывать факторов регулирующий их распространения и поведения. Про анализируя предварительные данные можно сказать, что виды рода *Merops* в Узбекистане имеет двойкие значения: в репродуктивном цикле уничтожая вредных насекомых они приносят огромную пользу

сельскому хозяйству, после репродуктивного цикла уничтожая пчелы создадут некоторые проблемы.

Рисунка. Участие рода *Merops* в биоценологических взаимоотношениях



Рекомендации. Разработано следующие рекомендации по управления поведения *M. apiaster* и *M. persicus* в пчеловодческий хозяйствах и их охраны в условиях Узбекистана:

- в радиусе от 3 км. пчеловодческих хозяйств препятствовать (рекультивации карьеров, оврагов, закрыт отверстия гнезд) формированию гнездовой колонии;
- для защиты пчёл от *M. persicus* в равнинных территориях принять меры по перемещению ульев в горных и предгорных зонах с учетом репродуктивного цикла, сезонной изменчивости трофического и топического взаимоотношения птиц;
- внедрение научно обоснованного и эффективного использования биоакустических репеллентов с целью предотвращения скопления шурков в пчеловодческих хозяйствах и изучение передового международного опыта в этой области;
- строго ограничивать отстрел и другие способы уничтожения шурков и таких действия оценивать, как браконьерства.

Заключение. *M. apiaster* и *M. persicus* является широко распространенные перелетно-гнездящиеся видов для Узбекистана. В качестве среды обитания *M. apiaster* предпочитает обычно горный и предгорный территории, *M. persicus* равнинную зону республики. Распространение, количество и значение данных видов в разных регионах Узбекистана имеет изменчивый характер и это завяисить от топических и трофических отношений, а также от репродуктивного цикла. Неравномерной распространение данных видов объясняется от специфичности качественного и количественного особенностям климата, рельефа и экологического условия среды обитания каждому экосистему. Усовершенствование и использование в практике разработанного рекомендации могут ограничить незаконной охоты данных видов и снизить их ущерб в пчеловодстве.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Виноградов А.А., Зиновьев А.В. Первый известный случай гнездования золотистой шурки (*Merops apiaster* L.) в Тверской области // Вестник ТвГУ. Серия “Биология и экология”. – №2, 2014– С.38-47].
2. Маловичко Л.В., Константинов В.М. Сравнительная экология птиц-норников: экологические и морфологические адаптации. Ставрополь-Москва: Изд-во СГУ, 2000. – 288 с.
3. Морозов Н.С. Методология и методы учета в исследованиях структуры сообществ птиц: некоторые критические соображения // Успехи современной биологии. – М. : Наука, 1992. – Т. 112, вып. 1. – С. 139 – 153.
4. Птицы Средней Азии. Том 1. – Алматы, 2007. – С. 506-516.
5. Равкин Е.С., Челинцев Н.Г. Методические рекомендации по комплексному маршрутному учету птиц // М.: Изд. ВНИИ Природа. 1990.–33 с.
6. Сагитов А.К. Семейство Щурковые – *Meropidae*. Птицы Узбекистана. Том 2. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 270-278.
7. Сема А.М., Шимов С.В. Регуляция размещения врановых птиц биоакустическими репеллентами в Казахстане // Мат. 1 совещ. по экологии, биоценологическому и хозяйственному значению врановых птиц. – Москва, 1984. – С. 194–196.
8. Casas-Criville A., Valera F. The European bee-eater (*Merops apiaster*) as an ecosystem engineer in arid environments. *Journal of Arid Environments*. – 60 (2): 2005. –P. 227-238.
9. Kholboev F.R., Shodieva F.O, Mirkhonova Z.P. Hunting animals of the Bukhara region and issues of their rational use. *International Journal of Research Publications (IJRP.ORG)*, 2021,-Vol. 69, Iss. 1. ISSN: 2708-3578, pp. 556-564.

УДК: 633.511:575

КОРРЕЛЯЦИОННЫЕ СВЯЗИ МЕЖДУ ДЛИНОЙ ВЕГЕТАЦИОННОГО ПЕРИОДА И ОСНОВНЫМИ ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫМИ ПРИЗНАКАМИ У ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА В РАЗЛИЧНЫХ РЕГИОНАХ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ

С.А. Эгамбердиева, д.с/х.н., с.н.с., Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент
С.Т. Жураев, к.с/х.н., с.н.с. Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

Annotatsiya. 2018-2020 yillarda genetik kelib chiqishi har xil bo'lgan paxta tizmalarining O'zbekistonning uchta mintaqasida o'tkazilgan ekologik sinovlar natijasida, shuningdek takrorlanish bilan ikki tomonlama dispersiyani tahlil qilish yordamida ushbu belgining yuqori genetik determinizmi va uning naslga o'tishi darajasi aniqlandi. 705, 782, 956 va 998 qatorlar aniqlandi, bu uchta mintaqada ham kasallikka nisbatan qarshilik ko'rsatdi.

Kalit so'zlar: paxta, korrelyatsiya, erta pishib etish, hosildorlik, tolaning hosildorligi, tolaning uzunligi.

Аннотация. Определяли коэффициенты корреляции между длиной вегетационного периода и некоторыми хозяйственными признаками у десяти линий средневолокнистого хлопчатника *Gossypium hirsutum* выращенных в трёх различных регионах Узбекистана. Установлено, что вне зависимости от региона возделывания рост показателей выхода волокна, продуктивности, удельной разрывной нагрузки волокна, массы хлопка-сырца одной коробочки сильно связан с увеличением длины вегетационного периода. Показано, что между скороспелостью и массой 1000 штук семян в большинстве случаев взаимосвязь отсутствовала. Между скороспелостью и длиной волокна отмечена очень слабая степень взаимосвязей. Различная степень и направление связей отмечена между длиной вегетационного периода и микронейром волокна. Для изученных линий были характерны отрицательные корреляции между длиной вегетационного периода и урожайностью.

Ключевые слова: хлопчатник, корреляция, скороспелость, урожайность, выход волокна, длина волокна.

Abstract. In 2018-2020. the wilt resistance of cotton lines of different genetic origin was studied. As a result of environmental tests in three regions of Uzbekistan, as well as using a two-way analysis of variance with repetitions, a high genetic determinism of this trait and a high degree of its heritability were revealed. Lines 705, 782, 956 and 998 were identified, which showed relative resistance to the disease in all three regions.

Key words: cotton, correlation, early maturity, yield, fiber yield, fiber length

Известно, что для целенаправленного селекционного процесса необходимо изучение корреляций между различными признаками. Так, на хлопчатнике исследователями выявлена тесная связь между урожайностью и количеством коробочек от 0,84 до 0,91, средняя корреляционная связь установлена между крупностью коробочек и урожайностью (r = от 0,32 до 0,61). Между продуктивностью и массой семян наблюдалась положительная корреляция в слабой и средней степени (от 0,28 до 0,39). Между продуктивностью и выходом волокна определена слабая отрицательная корреляция. [3].

Высокая степень соответствия была отмечена между урожайностью и массой 1000 семян. Между крупностью коробочек и высотой растения - средняя положительная связь; с массой семян и длиной волокна - слабая положительная. Масса семян и выход волокна как правило коррелируют отрицательно [3]. Выявление форм с различными сочетаниями взаимосвязей исследователи обуславливают влиянием рекомбинационного процесса происходящего у гибридов [2].

Цель исследования: изучить взаимосвязи между длиной вегетационного периода с основными хозяйственно-ценными признаками хлопчатника, выращенными в трех регионах Узбекистана.

Материал и методика. Исследования проводили в 2018-2020 гг. на полях Института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Ташкентская область п.Салар), а также филиалах института в Ферганской области (Кува) и Кашкадарьинской области (Касби), различающихся по почвенно-климатическим условиям. Посевы семян осуществляли в оптимальные сроки. Схема посева 60 см x 20 см x 1 растение.

Использовались 10 линий хлопчатника вида *G.hirsutum* L., полученные на основе интрогрессивных форм с участием дикого вида *G. trilobum* Skovsted, а также сортов зарубежной селекции из коллекции НИИССАВХ. Наиболее продуктивные индивидуальные отборы этих линий делили на три части и их семена высевались в трех разных экологических зонах - Ташкентской, Ферганской и Кашкадарьинской областях республики. Изучали скороспелость, массу хлопка-сырца одной коробочки, массу 1000 шт. семян, выход волокна, длину, удельную разрывную нагрузку, микронейр волокна, а также продуктивность и урожайность. Статистическую обработку данных проводили по Доспехову В.А.

Результаты.

Между длиной вегетационного периода и массой хлопка сырца одной коробочки в течении 2019-2020 гг. наблюдалась слабая прямая взаимосвязь (r = +0.21 - +0.48) (табл.). В 2018 году между указанными признаками у испытанных линий проявилась различная степень прямой взаимосвязи от 0.19 в Ташкентской области до 0.94 в Ферганской. Тесная взаимосвязь наблюдалась и в Кашкадарьинской области r = 0.54. То есть с увеличением вегетационного периода росла масса коробочки. Необходимо отметить, что селекционера интересуют отрицательные связи между скороспелостью и каким-либо признаком.

В большинстве случаев между длиной вегетационного периода и массой 1000 штук семян взаимосвязь отсутствовала (r = -0.07 - +0.03), либо она была слабая как прямая, так и обратная (r = -0.21 - +0.28). Исключение составила группа линий, испытанных в Ферганском регионе в 2018 г. проявившая высокую корреляцию r = 0.50.

Средняя и высокая положительная взаимосвязь проявилась между длиной вегетационного периода и выходом волокна во всех регионах в течении трех лет испытаний от 0.28 до 0.60.

Очень слабая степень взаимосвязей отмечена между длиной вегетационного периода и длиной волокна: от отсутствия связи r = -0.05, r = -0.07 до слабой прямой r =0.35. Более тесные связи наблюдались между скороспелостью и удельной разрывной нагрузкой волокна от 0.12 до 0.59. Корреляционные связи между скороспелостью и микронейром волокна в различные годы испытаний проявлялись по-разному – от слабой обратной r = - 0.24, отсутствия связи r = - 0.02, до сильной прямой r =0.74 (группа линий испытанных в Ташкентской области в 2018 г.).

Высокая корреляция между длиной вегетационного периода и микронейром волокна в 2018 и 2019 гг. проявилась также у групп линий, испытанных в Кашкадарьинской области $r=0.48$ и $r=0.54$ соответственно.

Таблица

Корреляции у линий хлопчатника между длиной вегетационного и основными хозяйственно-ценными признаками

Признак	Регион	Годы	Масса 1 кор.	Масса 1000 шт. семян	Выход волокна	Длина волокна	Удельная разрывная нагрузка	Микронейр	Продуктивность	Урожайность
Дл. вегет. периода	Ташкент	2018	0.19	0.20	0.56	-0.09	0.28	0.74	0.15	-0.75
		2019	0.38	0.28	0.36	-0.05	0.12	-0.12	0.39	-0.33
		2020	0.31	-0.17	0.48	0.24	0.15	-0.24	0.31	-0.46
Дл. вегет. периода	Фергана	2018	0.94	0.50	0.35	0.32	0.50	0.20	0.91	0.08
		2019	0.32	0.03	0.49	0.29	0.59	0.33	0.32	0.19
		2020	0.48	0.04	0.49	-0.10	0.33	-0.02	0.47	0.35
Дл. вегет. периода	Кашкадарья	2018	0.54	0.13	0.60	-0.15	0.39	0.54	0.38	-0.73
		2019	0.21	-0.07	0.28	-0.11	0.38	0.48	0.26	0.42
		2020	0.31	-0.21	0.40	0.35	0.22	-0.11	0.03	-0.07

В большинстве случаев между длиной вегетационного периода и продуктивностью наблюдалась слабая прямая взаимосвязь (от 0.15 до 0.38). Сильные связи между ними наблюдались у групп линий в Ферганском регионе $r = 0.54$ в 2020 г. и $r = 0.91$ в 2018 г. В опытах 2020 г. в Кашкадарьинском регионе взаимосвязь между этими признаками отсутствовала $r = 0.03$.

Сильная обратная взаимосвязь между длиной вегетационного периода и урожайностью выявлена в Ташкентской и Кашкадарьинской областях в 2018 г. ($r = -0.75$ и $r = -0.73$ соответственно). То есть скороспелые формы проявили высокую урожайность. За три года испытаний в Ферганской области корреляции между указанными признаками оказались слабыми $r = 0.19$ и $r = 0.35$, либо отсутствовали $r = 0.08$.

Трехлетние экспериментальные данные показали, что вне зависимости от региона возделывания рост показателей выхода волокна, продуктивности, удельной разрывной нагрузки волокна, массы хлопка-сырца одной коробочки сильно связан с увеличением длины вегетационного периода. В наших опытах скороспелость была тесно связана с урожайностью, это подтверждается отрицательными корреляциями, выявленными между этими признаками – чем короче длина вегетационного периода у линий, тем выше была их урожайность.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Доспехов В.А. Методика полевого опыта. - М.: Колос, 1979. - 416 с.
2. Сейтназарова Т.Е. Эгамбердиева С.А. Корреляционные связи выхода и основных качественных параметров волокна у географически отдаленных гибридов хлопчатника LXXI International correspondence scientific and practical conference "International scientific review of the problems and prospects of modern science and education" (Boston. USA. June 22-23, 2020). 28-31 с.
3. Фан Тхань Киём Наследование и корреляция хозяйственно-ценных признаков хлопчатника при внутривидовой и межвидовой гибридизации. Автореф. дис.канд.с/х наук. - Ташкент, 1996.- Ташкент. 1990. 24 с.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

UO'T 631.3

XORIJY MAMLAKATLARDA YER KADASTRINI YURITISHNING HOZIRGI
KUNDAGI HOLATI

S.A.Avezbayev, i.f.d., professor, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro
N.O.Shukurova, stajyor-tadqiqotchi, "O'zdaverloyiha" DILI, Toshkent
D.A.Egamova, stajyor o'qituvchi, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Maqolada xorijiy mamlakatlarda yer kadastrining yuritilishi, uni boshqarish usullari, ma'lumotlar bazasini shakllantirish bo'yicha rivojlangan davlatlar tajribalari qisqacha mushohada qilingan. Yer kadastrini tizimini takomillashtirish yuzasidan taklif va tavsiyalar berilgan.

Калит сўзлар: Yer uchastkasi, kadastr rejasi, yerlarni baholash, yer solig'i, yer nazorati, kadastr xaritasi, miqdor, sifat, raqamli yer kadastrini, yer balansini (hisoboti).

Аннотация. В статье дается краткий обзор опыта развитых стран по ведению земельного кадастра в зарубежных странах, методов его ведения, формирования баз данных. Даны предложения и рекомендации по совершенствованию системы земельного кадастра.

Ключевые слова: Земельный участок, кадастровый план, оценка земель, земельный налог, земельный контроль, кадастровая карта, количество, качество, цифровой земельный кадастр, земельный баланс (отчет).

Abstract. The article gives a brief overview of the experience of developed countries in maintaining land cadastre in foreign countries, methods of its management, the formation of databases. Suggestions and recommendations were made to improve the land cadastre system.

Key words: Land plot, cadastral plan, land valuation, land tax, land control, cadastral map, quantity, quality, digital land cadastre, land balance (report).

Hozirgi taraqqiy etayotgan davrda ma'lum bir sohani rivojlantirish uchun soha doirasidagi jahon tajribasini o'rganib chiqish, tahlil qilish va uning ustun tomonlarini mamlakatimizda shu soha doirasida qo'llash juda yaxshi samara beradigan usullardan biri hisoblanadi. Ushbu o'rganish jarayonida ayniqsa yer bozori rivojlangan davlatlarning yer resurslaridan foydalanishini va yer kadastrini sohalarini o'rganib chiqish, ushbu mamlakatlarning bizning sharoitga mos keladigan tajribasini amaliyotda tadbiq etish bundan oldin ham juda yaxshi natija bergan va bundan keyin ham o'z samarasini yo'qotmaydi.

Tadqiqot mavzusi doirasida quyida bir nechta xorijiy mamlakatlarning yer kadastrining yuritilishi, ma'lumotlar bazasidan foydalanish tartibi ko'rib chiqildi va tahlil qilindi.

1) Fransiya Respublikasi. Xorijiy mamlakatlarda zamonaviy yer kadastrini asoslari 20-asrda paydo bo'lgan. Ularning orasida eng mukammal tuzilgani bu **Fransiya** yer kadastrini hisoblanadi. Fransiya yer kadastrini yer solig'ini aniqlashda, yerlarning miqdori va sifatini hisobga olishda izchil tizim hisoblanadi. Fransiya yer kadastridagi asosiy qiymat birligi bu yer uchastkasidir. Yanada aniqroq qilib aytganda, Fransiya yer kadastrini uch maqsad uchun xizmat qiladi. Ya'ni:

- kadastr rejalarini tuzishga;
- yer uchastkalarini identifikatsiyalash va tavsiflashga;
- yerlarni baholash va yer solig'i normalarini aniqlashga.

2) Germaniya Federativ Respublikasi. Shu bilan birga **Germaniya Federativ Respublikasida** ham yerlarni ro'yxatga olishning asosiy maqsadi bu soliq masalalarini hal qilishga qaratilgan. Bugungi kunga kelib Germaniya yer kadastrini ko'p maqsadli tizimga o'tdi. Mamlakat yer kadastrini soliqqa tortish masalalarini hal qilish bilan birga, mulk huquqlarini ro'yxatdan o'tkazish, yerlarni baholash, shaharsozlik maqsadlari uchun, statistik yer kadastrini ma'lumotlarini to'plash va yana boshqa ko'plab funksional vazifalar uchun xizmat qiladi.

3) Angliya. Angliyada esa yerlarni nazorat qilish tizimi 1966-yilda qishloq xo'jaligi yerlari xizmati tomonidan ishlab chiqilgan. Ushbu metodologiya ikkita asosiy bosqichni, ya'ni yerlarni jismoniy va iqtisodiy tasniflashni o'z ichiga oladi. Jismoniy tasniflash bilan mamlakatning barcha

yerlari, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida foydalanishni cheklaydigan jismoniy omillarning ta'sir darajasiga qarab, beshta yerga yaroqlilik sinflariga birlashtirildi. Qishloq xo'jaligiga ta'sir ko'rsatadigan asosiy jismoniy omillar bu iqlim, relyef, tuproq qoplaminig xususiyatlari, namlik, ildiz qatlamining chuqurligi hisoblanadi. Birinchi sinfga qishloq xo'jaligida foydalanishda cheklovlari juda kam bo'lgan yoki bunday cheklovlarga ega bo'lmagan yerlar kiradi. Keyingi sinflarga qishloq xo'jaligida foydalanish uchun kichik, o'rta, og'ir va juda qattiq cheklovlarga ega yerlar kiradi. Yerlarning iqtisodiy tasnifi har bir yer sinfining standart sof ishlab chiqarish qiymatini aniqlashga asoslangan. Sof standart ishlab chiqarish qiymati - bu o'rtacha parvarishlash va urug'lantirish uchun olingan mahsulot narxi va urug' yoki ko'chat materiallari narxi o'rtasidagi farqni anglatadi.

Yerlarning iqtisodiy tasnifi har bir yer uchastkasining ishlab chiqarish imkoniyatlarini obyektiv baholashni o'z ichiga oladi. Bunday taxmin har bir jismoniy yer sinfining bir gektariga o'rtacha statistik sof ishlab chiqarishning o'zgarishi chegaralarini belgilash uchun yetarli ma'lumot to'plangandan so'ng amalga oshirilishi mumkin.

4) Ispaniya Qirolligi. Ispaniya yer kadastrida kadastr xaritalarini ishlab chiqish, yer uchastkasi hududining fotogrammetriyasi, uning o'lchamlari, chegaralari va yer egalari sonini aniqlash asosiy tamoyil hisoblanadi. Mamlakatda hisob-kitoblarni aniqlashning ancha murakkab tizimi qabul qilingan bo'lib, ular orqali soliq solinadigan daromadlar belgilanadi.

5) Shvetsiya Qirolligi. Yevropaning barcha mamlakatlaridan yerlar, ko'chmas mulk va aholi to'g'risidagi ma'lumotlarni avtomatlashtirilgan axborot tizimini yaratish **Shvetsiya** yer kadastrasi asosida tuzilgan. Ushbu mamlakat kadastrasi barcha resurslardan eng oqilona va samarali foydalaniladigan tizim sifatida ajralib turadi. Ushbu kadastr tizimi mulk egalari, manzillari va boshqalar to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan axborot kadastr tizimiga birlashtirilgan va to'liq qonunchilik bazasi bilan ta'minlangan aniq tashkiliy tuzilishga ega va ikkita registrdan iborat: yer va ko'chmas mulk.

6) Norvegiya Qirolligi. Shvetsiya kadastr tizimi singari, **Norvegiya** kadastr tizimi ham mulk egalari, manzillari va boshqalar to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan axborot kadastr tizimiga birlashtirilgan. Shvetsiyadagi kabi Norvegiyada ham obyektlarni tavsiflash standartlari va ular o'rtasidagi axborot aloqalari qonun bilan belgilanadi va tizimlarning o'zi davlatga tegishli bo'lib, ularni ishlab chiqish va amalga oshirish hukumat tomonidan moliyalashtiriladi.

7) Amerika Qo'shma Shtatlari. Qo'shma Shtatlarda yer tadqiqotlari qishloq xo'jaligi vazirligi tizimidagi maxsus tuproqni saqlash xizmati tomonidan amalga oshiriladi. Uning tarkibiga markaziy organ, davlat filiallari va 2400 ga yaqin tuman tuproqni saqlash bo'linmalari kiradi. Tuproqni o'rganish paytida o'rganiladigan asosiy birliklar ketma-ket bo'lib, ular ichida tuproq turlari va fazalari ajratiladi. Seriyalar ufqning qalinligi va tuzilishi, tuzlari, organik moddalari, shuningdek relyefi, eroziya darajasi, sho'rlanish darajasi va boshqa jihatlari bilan bog'liq bo'lgan bir xil tipdagi tuproqlardir. Belgilangan maqsadlarga qarab, Qo'shma Shtatlar yerlarni tasniflashning turli tizimlaridan foydalanadi. Masalan, tuproqlarni qishloq xo'jaligida foydalanishga yaroqlilik darajasi, yer unumdorligi va boshqa ko'rsatkichlar bo'yicha sinflarga birlashtirilishi mumkin. Qo'shma Shtatlardagi yerlarni sifatli baholash qishloq xo'jaligi yerlarining hosildorligi bilan amalga oshiriladi. Ekin maydonlarining hosildorligi kamida o'n yil davomida asosiy ekinlarning hosili va qurg'oqchil mintaqalar uchun uzoqroq muddat davomida belgilanadi. Hosildorlik to'g'risidagi ma'lumotlar bilan bir qatorda, almashlab ekish tizimi, tuproqni qayta ishlash, o'g'itlardan foydalanish, meliorativ holat va boshqalar. Ushbu ma'lumotlar asosida fermerlik sinflari tashkil etilgan. Bu ma'lumotni olish uchun qanday fermerlik usullaridan foydalanilganiga qarab dehqonchilik sinflarining taqsimlanishi har bir toifadagi yerlarni hosildorlik jihatidan baholashga imkon beradi. Lekin unumdor bo'lmagan, ishlov berilmagan yerlarda olingan maksimal hosil bilan solishtirganda baholash har bir ekin uchun yer unumdorligi ko'rsatkichini aniqlash bilan yakunlanadi. Qo'shma Shtatlardagi eng samarali yerlarni aniqlash uchun ularning iqtisodiy tasnifi amalga oshiriladi. Shu bilan birga, tabiiy omillar bilan bir qatorda ba'zi iqtisodiy ko'rsatkichlar, ya'ni fermer xo'jaligi hajmi, yerdan foydalanish tarkibi, intensivlash darajasi, fermer xo'jaligining maydon birligiga to'g'ri keladigan joyi va rentabelligi, ish haqi hisobga olinadi. Qishloq xo'jaligida foydalanish jihatidan bir xil bo'lgan va

unumdorligi jihatidan o'xshash yerlar iqtisodiy tasnifning yetti sinfidan biriga kiritilgan. Yer sinflarini taqsimlashda nafaqat tuproqlarning xususiyatlari, balki boshqa tabiiy va iqtisodiy omillar ham hisobga olinganligi sababli, ushbu tadqiqot usuli murakkab deb nomlanadi. Qo'shma Shtatlarda yerlarni iqtisodiy baholashning yagona metodologiyasi hali ishlab chiqilmagan. Eng keng tarqalgani qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sotishdan olingan sof daromadga asoslangan yerlarni baholash usuli.

8) Kanada Davlati. Kanadadagi yer uchastkalarini ro'yxatga olish xizmati yerlarni inventarizatsiya qilish xizmati tomonidan olib boriladi.

U umummilliy dasturga binoan yerlarni qidirishni ta'minlaydi, uning asosiy maqsadi federal va viloyat hokimiyatlarini mamlakatning yer resurslarining potentsial unumdorligi to'g'risida aniq va to'liq ma'lumotlar bilan ta'minlashdir. Hududning qishloq xo'jaligidan foydalanish boshqa maqsadlar bilan chambarchas bog'liq bo'lganligi sababli, yerni baholashning to'rt turi, ya'ni qishloq xo'jaligi, o'rmon xo'jaligi, rekreatsiya va hayvonot dunyosini ko'paytirish amalga oshiriladi.

Qishloq xo'jaligidan foydalanish imkoniyati bo'yicha yerlarni tasniflash sxemasi qishloq xo'jaligiga yaroqlilik darajasi bo'yicha yetti yer sinfini ajratishni nazarda tutadi. Birinchi sinfga eng unumdor yerlar kiradi. Yerlarni o'rganish va Kanadada olingan ma'lumotlarni qayta ishlash uchun o'z ishini kompyuter asosida quradigan axborot geografik tizimi ishlab chiqilgan. Kanadadagi yerlarni iqtisodiy baholash ekinlar hosildorligiga asoslangan. Oddiy qishloq xo'jaligi amaliyotida yer maydonining birligidan bug'doy hosili asosiy mezon hisoblanadi. Boshqa ekinlar tegishli stavkalar bo'yicha bug'doy hosildorligiga aylantiriladi. Bug'doy hosildorligiga qarab, barcha yerlar beshta unumdorlik sinfiga bo'linadi. Yerni qiymat jihatidan iqtisodiy baholash amalga oshirilmaydi.

9) Polsha Respublikasi. Hozirgi vaqtda Polsha Respublikasining yer kadastriga axborot kadastr tizimi doirasida ma'lumotlarni qayta ishlash usuli joriy qilingan.

Axborot tizimini iqtisodiy vazifalarni hal qilish bilan yerlarni, binolarni, o'rmonlarni va boshqa ko'chmas mulkni hisobga olishni o'z ichiga olgan ko'p maqsadli kadastr tizimiga qadar kengaytirish rejalashtirilgan. Shu bilan birga, yer kadastr shahar yerlarini baholashni o'z ichiga oladi va shaharda yerlarning narxi uning texnik infratuzilma bilan to'yinganlik darajasiga bog'liqligi ta'kidlanadi.

10) Bolgariya Respublikasi. Bolgariyaning yer kadastr aniq o'lchov va yer uchastkalari uchun yer resurslarini har tomonlama o'rganishga asoslangan. 1979-yilda mamlakat Bolgariya Xalq Respublikasining yagona kadastrini yaratdi, u o'zaro bog'liq ikkita qismdan iborat - grafik va matn. Matn qismiga iqtisodiy bahoning miqdoriy va sifat xususiyatlari, registrlar, ro'yxatlar, balanslar, fuqarolik va ma'muriy holatlar to'g'risidagi ma'lumotlar kiradi. Yagona kadastrning grafik hujjati 1:5000 masshtabdagi asosiy intensiv kadastr xaritasi, intensiv bo'lmagan hududlar uchun - 1:10000, intensiv rivojlangan qishloq xo'jaligi zonolari, tabiiy zonalar va dam olish joylari uchun - 1:2000. Kadastr xarasining mazmuni umumiy geografik tabiatning ikkala elementini ham, hududning tipiga, ma'muriy-huquqiy, iqtisodiy-ishlab chiqarish va fuqarolik-huquqiy holatiga xos xususiyatlarni ham o'z ichiga oladi.

Umuman olganda, yer-axborot bazasini yaratish tizimi, bu bir necha fanlarga oid bilimlarni o'zida jamlagan holda jadallik bilan o'sib borayotgan tezkor ma'lumotlar olish tizimidir. Shu munosabat bilan boshlang'ich ma'lumotlarga, ularning ishonchligiga nisbatan qo'yiladigan yuqori talablarga amal qilish zarur. Tuman yer fondi bo'yicha ma'lumotlarni ro'yxatga oluvchi organlar ushbu ma'lumotlar manbalaridan biriga aylanishi kerakligini ta'minlash zarur.

Xorij mamlakatlarining yer resurslaridan foydalanish jarayonlarini boshqarish tajribalarini umumlashtirish quyidagi xulosalarni keltirib chiqarishga imkon beradi:

- ◆ dunyoning hech bir mamlakatida yerga cheklanmagan mulkchilik huquqi mavjud emas. Har qanday mulk shaklini amal qilishi jamiyat va davlat manfaatlarining ustunligini ta'minlashni inobatga oladi;

- ◆ barcha rivojlangan mamlakatlarda davlat yer munosabatlarini huquqiy va iqtisodiy tartibga solish, yer resurslaridan foydalanish va ularni saqlash bo'yicha nazoratni amalga oshirish orqali yer munosabatlariga faol aralashadi;

- ◆ yer bozori (ayniqsa, qishloq; xo'jalik yerlariga nisbatan) davlat tomonidan juda qattiq chegaralanadi hamda nazorat qilinadi, qaysikim, bu yer uchastkalari bozori aylanmasi tezligida namoyon bo'ladi;

◆ rivojlangan mamlakatlarda yer resurslarini boshqarishda davlatning yetakchilik rolini saqlash uchun mulkchilikdan yer uchastkalari ijarasiga o'tish ustuvorligiga siljish tendensiyasi namoyon bo'lmoqda;

◆ dunyoning barcha mamlakatlarida unumli qishloq xo'jalik yerlarini noqishloq xo'jalik ehtiyojlari uchun oborotdan chiqib ketishidan himoyalash maqsadida qishloq xo'jalik yer egaligi va yerdan foydalanishning ustuvorligi tamoyillari rasman e'lon qilingan va qat'iy amalga oshiriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. German-Hungarian Land Reorganization Consolidation (TAMA) Project, (visited August 1, 2001) <<http://www.lazarus.elte.hu/gb/rep95/43.htm>>.
2. Roşu D.C., Ciolac Valeria, Colţan O.N. (2016) Some aspects of cadastral documentation necessary registration agricultural land in land book Journal of Horticulture.
3. Земельный кадастр /А.А.Варламова, С.А.Гальченко, С.Н.Захарова и др.-М.:Гуз, 2001.
4. Земельный кадастр в зарубежных странах/Под ред.А.А.Варламова.-М.:Гуз, 1996.
5. Нестировский Е.А. Кадастр земель зарубежных стран. М.: Колос, 2011.
6. Варламов А.А., Гальченко С.А. Государственный кадастр недвижимости. М.: Колос, 2012. - 679 с.

УЎК:633.51:631.811.121

ГУМИН АСОСЛИ СТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ ҒЎЗАНИ ФИЗИОЛОГИК

ЖАРАЁНЛАРИ ВА ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ш.Х.Абдуалимов, қ.х.ф.д. проф., ПСУЕАИТИ, Тошкент

Ф.А.Абдуллаев, қ.х.ф.ф.д., ПСУЕАИТИ, Тошкент

Д.Рахимова, ўқитувчи, ТошДАУ, Тошкент

Аннотация. Тошкент вилоятини типик бўз тупроқлари шароитида, Гуминли асосли стимуляторлар билан чигитга экиш олдида ва Шоналаш-гуллаш даврларида мақбул муддат ва меъёрларда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши, физиологик жараёнлари яхшиланиши ҳамда пахта ҳосили 4,8-6,3 ц/га ортишини таъминлади.

Калит сўзлар: Узгуми, Гумми-20, Геогумат, Релект, Бомс стимуляторлар, чигитни униб чиқиши, ўсимлик бўйи, ҳосил шохи, шона, гул, кўсак, барг, пахта ҳосили.

Аннотация. В условиях типичных сероземных почв ташкентской области предпосевная обработка семян и опрыскивание в период бутонизации- цветения растений в оптимальных сроках и нормах стимуляторами на гуминовой основе улучшает всхожесть рост и развитие, физиологические процессы, а также повышает урожай хлопка-сырца на 4,8-6,0 ц/га

Ключевые слова; стимуляторы, Узгуми, Гумми-20, Геогумат, Релект, Бомс, всхожесть семян, высота растений, симподиальные ветви, бутон, цветок, коробочка, лист, урожай хлопка-сырца

Abstract. Optimal time and rates of applying humin containing stimulators on cottonseeds prior to sowing, in a squaring and flowering phases were developed in the condition of typical sierozem soils of Tashkent province which ensured enhanced germination, growth and development, physiological processes of plant as well as it enabled achieving additional 0,48-0,6 t ha⁻¹ seed-lint yield of cotton

Key words: Uzgumi, Gummi-20, Geogumat, Relekt, Boms stimulators, cottonseed germination, height of plant, sympodial branches, bud, flower, boll, leaf, seed-lint yield of cotton.

Кириш. Дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида иқлимнинг глобал ўзгариши шароитида Ўсишни созловчи моддалардан яъни стимуляторлардан қишлоқ хўжалиги экинларида кенг фойдаланилмоқда. Бунда ўсимлик ва ниҳолларнинг соғлом униб чиқиши, жадал ўсиши ва ривожланишини таъминлашда ҳамда физиологик жараёнларни бошқаришда, ферментлар фаоллиги, нуклеин кислоталар, аминокислоталар, оксил биосинтези, озика моддалар тўпланиши ва тақсимоти, фотосинтез, ва моддалар алмашинувини яхшилаш натижасида юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга ижобий таъсир этади. Ғўзанинг ташқи муҳит таъсирларига чидамлилигини ошириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда гумин

асосли стимуляторларни қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Carlos J. Fernandez [2007 й. 965-979 -б.] тадқиқотларда ғўза икки марта оддий усулда ва икки марта ёмғирлатиб суғорилганда ва nitrophenolate ҳамда charperone стимуляторлари қўлланилганда ҳосилдорлик ортиб, толанинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир этгани аниқланган.

Гуминли стимуляторлар экологик жиҳатдан безарар, иқтисодий жиҳатдан арзон ва янгилиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда дунё амалиётида тупроқ унумдорлигини ҳамда азот ва фосфор ўғитларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш мақсадида гумин асосли стимуляторлардан фойдаланиш миқёси кенгайиб бормоқда.

Ш.Абдуалимов [2013 й. 58-60 -б.] олиб борган тадқиқотларда ноқулай табиий иқлим шароитларда ғўза чигитига Т-86, Рослин, Нитролин, ТЖ-85, ХС-2, Оксигумат, Витавакс 200ФФ каби физиологик фаол моддалар билан ишлов берилганда, ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсиб ривожланиши, барглари сони ва юзаси, фотосинтез маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлик ортганини аниқлаган.

Қишлоқ хўжалиги ислохатларини олиб боришда агротехник тадбирларни тўғри талқин қилиш, экиш олдида тупроққа ишлов беришни тўғри ўтказиш, чигит униб чиқиши, ўсиш-ривожланиш жараёнларини жадаллаштириш, ҳосилдорликни ва унинг сифатини ошириш учун ўсишни соловчи моддалар (стимулятор, ретардантлар) билан ишлов бериш ҳозирги кунда энг самарали тадбир эканлиги илмий исботланмоқда.

Экологиянинг ўзгариши, ноқулай об-ҳаво ва стресс ҳолатларда ғўза ниҳолларини хатосиз, соғлом ва эрта ундириб олиш, ўсимлик ривожини яхшилаш, юқори ва сифатли ҳосил олиш йўлларида бири стимуляторлардан фойдаланиб, чигитларга экиш олдида ишлов бериш ва ўсимлик амал даврида қўллаш муҳим агро- тадбирлар қаторига киради.

Гуминли стимуляторлар торф ва кўмир қолдиқларидан ташкил топган бўлиб, (Ўзбекистон, Россия) ишлаб чиқарилган, суюқ шаклдаги экологик безарар, уларнинг таркибида ўсимлик учун ўта муҳим бўлган биологик фаол моддалардан калий, натрий гумат, гумин кислоталари, ферментлар, аминокислоталар ва микроэлементлар мавжуд.

Тажриба услублари

Дала шароитидаги изланишлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Т:2007) қўлланмасига мувофиқ олиб борилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) усули билан математик таҳлил қилинди.

2012-2020 йилларда Узгуми ҳамда Гумми-20, Релект, Геогумат, Бомс стимуляторларининг ғўзадаги самарадорлиги тадқиқ қилинди. Тажрибалар Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали Андижон-37, ЎзПИТИ-103 навларида олиб борилди.

Узгуми Гумми-20, Релект, Геогумат, Бомс стимулятори бўйи 25 м эни 2,4 м бўлиб тажриба майдони 60 м² бўлиб 3 қайтариқда жойлаштирилди. Тадқиқот учун Узгуми билан 0,6; 0,7 ва 0,8, л/т меъёрларда ва Гумми-20 билан 0,5:1,0 л/т, Релект билан 200-400 мл/га, Геогумат билан 1,0 л/га, Бомс тупроққа 300-100 кг/га меъёрларда ишлов берилган бўлса, ғўзанинг шоналаш ва гуллаш давларида Узгуми 0,3-0,4 л/га, Гумми-20 0,5-1,5 л/га, Релект билан 200-400 мл/га, Геогумат билан 1,6 л/га меъёрларда қўлланилди. Ғўзанинг шоналаш даврида 300 л/га, гуллаш даврида 500 л/га меъёрда сувли ишчи эритма тайёрланиб, қўл мосламали пуркаш аппаратида сепилди.

Олинган натижалар, Униб чиқиш

Ш.Абдуалимов [2013й. 113-116 -б.] олиб борган тадқиқотларда Тошкент ва Жиззах вилоятлари шароитида Узгуми стимулятори билан чигитга экиш олдида 0,7-0,8 л/т меъёрларда ишлов берилганда, юқори унумдорликни намоён этган.

Узгуми стимулятори дала шароитида чигитларнинг униб чиқишига таъсири ижобий бўлиб, турли хил меъёрларда қўлланилганда 2013 йил натижаларига кўра, назорат вариантда 76,3 % ниҳол униб чиққан бўлса, Узгуми стимулятори 0,6-0,7-0,8 л/т қўлланилганда униб чиқиши 89,2-90,4-бўлгани ва назоратга нисбатан 12,9-14,1 % тезлашгани аниқланди. Узгуми стимулятори қўлланилганда чигитларнинг униб чиқиши назоратга нисбатан бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди.

Гумми-20 стимулятори чигитларнинг униб чиқишини ўрганганилигида. Чигитлар тўлиқ униб чиққандан сўнг униб чиқиши ҳисобланганда назоратда 76,0 % Гумми-20 стимулятори 5-5 л/т қўлланиладиган вариантда 81,1-84,4 %, Узгуми стимулятори қўлланилганида 86,2 %, Гумми-20 стимулятори 1,0-1,0 л/т қўлланилган вариантимида 85,6-86,8 % яъни назоратдан 9,6-10,8 % га кўп эканлиги аниқланди.

Геогумат стимулятори чигитларнинг униб чиқишини ўрганганилигида. Чигитлар тўлиқ униб чиққандан сўнг униб чиқиши ҳисобланганда назоратда 67,6% дона, Геогумат 1,0 л/т меъёрда қўлланилганда 75,7 % бўлиб 8,1 % назоратга нисбатан ортди ва қолган меъёрлар назоратга яқин маълумотлар олинди этолон вариант Узгуми стимулятори қўлланилганида 77,2 % дона, бўлиб назоратдан 9,6% га кўп эканлиги аниқланди.

Релект стимулятори дала шароитида чигитларнинг униб чиқишига таъсири ижобий бўлиб, турли хил меъёрларда қўлланилганда 2019 йил натижаларига кўра, назорат вариантда 159,7 дона ниҳол униб чиққан бўлса, Релект турли меъёрларда қўлланилганда яъни 200-400 л/т қўлланилганда униб чиқиши 173,3-181,3-204,3 дона бўлгани ва назоратга нисбатан 13,7-21,7-44,7 донага Сурхандарё ва Тошкент вилоятларида 6,2-10,5-11,1% тезлашгани аниқланди.

Бомс препарати ерни экишга тайёрлаш вақтида тупрокка қўлланилганда ниҳоллар униб чиқишига таъсири ўрганган. Тажриба вариантларида чигитнинг униб чиқиши 5 муддатда, яъни 2 майдан бошлаб 12 майгача кузатилиб борилди. Дастлабки кузатувда 2 май куни назорат вариантыда 10 метр квадрат майдонда 43,0 дона, Бомс қўлланилган вариантларда 53,0-97,7 донани ташкил этгани аниқланган. 12 май куни тажрибанинг Бомс 300-600 кг/га қўлланилган вариантларида униб чиққан ниҳоллар сони 307,0-380,3 донани ташкил этгани ҳолда назоратдаги 236,0 донани ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан 71,0-144,3 дона кўплиги кайд этилган.

Ўсиши варивожланиши

Узгуми билан чигитга 0,6-0,8 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрларда ишлов берилганда ғўзани бўйи 1 июнда вариантлар бўйича 8,7-10,3 см, чин барглар сони 3,4-4,0 дона, 1 июлда ўсимлик бўйи назоратда 33,2 см, ҳосил шохи 5,9 дона, Далброн билан ишлов берилган вариантда мос равишда 35,5 см ва 6,2 дона, Гумимаксда 37,1 см ва 6,6 донани ташкил этгани ҳолда Узгуми билан турли меъёрларда ишлов берилган 5-12 вариантларда ғўзани бўйи 33,0-38,1 см, ҳосил шохлари сони 5,6-6,7 дона, шоналари 4,2-5,8 донага тенг бўлган. Яъни, Узгуми ғўзанинг ўсишига, ҳосил шохлари шаклланишига ва ҳосил элементлари тўпланишига ижобий таъсир қилган ҳамда назоратга нисбатан бўйи 4,9 см, ҳосил шохлари 0,8 донага ортган.

Ғўзани ўсув даври охири кўсақларни пишиб етилиш даврида ўсимлик бўйи назоратда 96,0 см, ҳосил шохлари 16,3 дона, кўсақлар сони 10,8 дона бўлгани ҳолда Далбронда бу кўрсаткичлар мос равишда 99,8 см, 16,7 дона ва 11,1 дона, Гумимаксда 100,6 см, 17,0 ва 12,1 дона, Узгуми билан турли меъёрларда ишлов берилган вариантларда 99,5-112,0 см, 16,8-18,4 дона, 12,6-13,9 донани ташкил қилган. Назорат варианты кўрсаткичлари билан таққослаганда ўсимликнинг бўйи 16 см, ҳосил шохлари 2,1 донага, кўсақлар сони 3,1 донага юқори бўлгани кузатилган.

Гумми-20 стимуляторининг таъсири 2 июнда ўтказилган кузатувда Гумми-20 стимулятори 0,5-1,0 л/т ва шоналаш гуллашда, 1,0-1,5 л/га қўлланилган вариантларда ўсимлик бўйи 9,9-9,4 см бўлсада, чин барги 3,1 дона назоратда ўсимлик бўйи 9,4 см чинбарглар сони 2,8 дона, уларнинг фарқи 0,5 см ва 0,3 донани ташкил этган бўлса, Узгуми яъни 2 вариантни назорат вариант билан солиштирганимида ўсимлик бўйида фарқи 1,4 см, чинбарглар сони 0,4 донага кўплиги аниқланди

Ўзанинг пишиш давларида (4.09) вариантлар орасидаги фарқ бир мунча сезиларли бўлди. Жумладан, 2016 йил 4.09 назорат ва 4-6 вариантларда ўзани бўйи 81,6-86,3-86,4 см, ҳосил шохлари 13,0-13,7 дона, шоналари 5,4-5,9 дона, гул 2,1-2,3 дона, кўсақлари 7,4-8,9 донани ташкил қилган бўлса, Таъкидлаш лозимки, стимуляторлар билан ишлов берилганда ўсимлик бўйи 4,8 см, ҳосил шохлари 0,7 дона, шоналари 0,5 донагача, кўсақлари 1,5 донага назоратга нисбатан фарқ қилди.

Релект стимулятори 1 июнда ўтказилган кузатувда назоратга нисбатан 4-7 вариант яъни Релект чигитга 200-400 л/т ва шоналаш гуллашда, 200-400 л/га қўлланилган вариантларда ўсимлик бўйи 8,4 см бўлсада, чин барги 2,4 дона назоратда ўсимлик бўйи 8,3 см чин барглари сони 2,4 дона, уларнинг фарқи 0,1 донани ташкил этди.

Ўзанинг мева тугиш (1.08) вариантлар орасидаги фарқ бир мунча сезиларли бўлди. Жумладан, 2019 йил 1-августда назорат ва 5-7 вариантларда ўзани бўйи 84,1-88,4 см, ҳосил шохлари 14,2 дона, шоналари 7,5 дона, гул 3,4 дона, кўсақлари 5,5 донани ташкил қилган бўлса, Таъкидлаш лозимки, стимуляторлар билан ишлов берилганда ўсимлик бўйи 5,4 см, ҳосил шохлари шонаси ва кусакларида назорат вариант билан баравар бўлганини қайт этиш мумкин. Ўсув даври охирида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинди

Геогумат стимулятори 1 июнда ўтказилган кузатувда назоратга нисбатан 3-5 вариант яъни Геогумат Бактоферт препарати 1,0 л/т-500 кг/га ва шоналаш гуллашда, 1,6 л/га қўлланилган вариантларда ўсимлик бўйи 8,5 см бўлсада, чин барги 2,3 дона назоратда ўсимлик бўйи 8,3 см чин барглари сони 2,1 дона, уларнинг фарқи 0,2 донани ташкил этган бўлса, Узгуми яъни 2 вариантни назорат вариант билан солиштирганимизда ўсимлик бўйида ва чин баргларида фарқи сезилмади.

Ўсув даври охирида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар (1.09) олинди, назорат вариантда ўсимликнинг бўйи 98,1 см, таъриба вариантларда ўзани бўйи яъни Геогумат Бактоферт препарати чигитга экиш олдиан 1,0 л/т ва 500 кг/га қўлланилганида ва шоналаш гуллаш давларида 1,6 л/га сепилганида ўсимликнинг бўйи 102,8-103,7 см, ҳосил шохлари 16,4-16,5 дона, кўсақлари 14,7-15,7 донани ташкил этди. Назорат вариантга нисбатан ўсимликнинг бўйи 4,7-5,6 см баланд бўлганлиги аниқланди ва ҳосил шохлари сони 0,8-0,9 донага ортди, Кўсақлари 2,2-3,2 донага кўсақлари сони фарқ қилгани аниқланди.

Бомс препарати 2018 йил 1 июнь куни ўтказилган кузатувда ўзанинг бўйи вариантлар бўйича 9,5-9,7 см, чин барглари сони 3,8-3,9 донани ташкил этгани ҳолда вариантлар орасида сезиларли фарқ кузатилмади.

Бомс препарати шоналаш даврида 1 июлда назорат вариантыда ўсимлик бўйи 24,3 см, ҳосил шохлари сони 3,8 дона, шоналари 4,7 дона бўлса, Бомс 600 кг/га+НРК ва Бомс 300-1000 кг/га қўлланилган вариантларда бўйи 21,6-23,3 см, ҳосил шохлари сони 3,4-3,7 дона, шоналари 4,3-4,5 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан ўзани бўйи 1,0-2,7 см пастроқ, ҳосил шохлари 0,1-0,4 донага, шоналари 0,2-0,4 донага камроқ бўлгани аниқланган.

Ўсув даври охирида (1.09.) ўзани бўйи назоратда 73,1 см, Бомс+НРК вариантыда 64,8 см, Бомс 300-1000 кг/га қўлланилган вариантларда 66,4-67,4 см ни ташкил этгани ҳолда назоратга нисбатан бўйи 5,7-8,3 см паст бўлган. Ҳосил шохлари сони назоратда 13,3 дона бўлгани ҳолда Бомс қўлланилган вариантларда 12,4-12,5 донани ташкил этган ва 0,8-0,9 донага камроқ. Кўсақлари сони назорат вариантыда 7,9 дона, Бомс қўлланилган вариантларда эса 7,9-8,2 дона ёки назоратдан 0,3 донага кўплиги кузатилган. Таъкидлаш лозимки, Бомс препарати қўлланилган вариантларда ўзани парваришлаш даврида минерал ўғитлар қўлланилмагани сабабли вегетатив массаси кам бўлгани, бу ҳолат унинг бўйи пастлиги ва ҳосил шохлари сони камлиги билан изоҳланади. Бироқ, ўзанинг ҳосил тугиш ва пишиш даврига келганда Бомс препарати қўлланилган вариантларда генератив органлари сони янада ортган ҳамда терим олдиан назоратда 10,2 дона кўсақ шакланган бўлса, Бомс билан минерал ўғитлар берилган вариантыда кўсақлари сони 11,3 дона ёки назоратдан 1,1 донага кўпроқ, Бомс 300 кг/га қўлланилганда 11,9 дона, Бомс 600 кг/га берилганда 11,0 дона ва Бомс 1000 кг/га солинганда 10,2 дона ёки Бомснинг 300-600 кг/га меъёрларида кўсақлари сони назоратдан 0,8-1,7 донага кўпайган, лекин Бомснинг 1000 кг/га меъёрида назорат билан бир хил кўрсаткич олинган.

Демак, тажрибада энг кўп кўсаклар сони Бомсинг 300 кг/га меъёрида кузатилган. Қайд этиш керакки, тажриба вариантларида кўсакларнинг очилиш даражаси назоратда 51,0% бўлгани ҳолда Бомс билан ишлов берилган вариантларда 51,3-55,9% ёки назоратга нисбатан 0,3-4,9% тезлашгани аниқланган.

Ҳосилдорлик

К.Тожиев [2006й. 258-259 -б.] олиб борган изланишларда тукли ва туксиз чигитларга экиш олдида Витавакс 200 ФФ билан 5 л/т меъёрда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқишини тезлаштириб, ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, пахта ҳосили 3,0-4,1 ц/га ортгани ҳолда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти яратилган.

Узгуми ғўзада қўлланилган тажрибада назорат вариантыда 38,1 ц/га пахта ҳосили олинган бўлса, Далброн билан ишлов берилган вариантда 39,6 ц/га, Гумимакс қўлланилганда 42,3 ц/га, Узгуми билан турли меъёрларда ва муддатларда ишлов берилганда 42,9-43,1 ц/га ҳосил етиштирилди. Пахта ҳосилдорлиги Далбронда 1,5 ц/га, Гумимаксда 4,2 ц/га, Узгумида 4,8-5,0 ц/га назоратга нисбатан ортгани ҳолда энг юқори ҳосил Узгуми билан чигитга 0,7-0,8 л/т ва ғўзанинг шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрларда ишлов берилганда кузатилиб, кўшимча ҳосил миқдори 5,0-4,8 ц/га ни ташкил этди

Гумми-20 стимулятори чигитга 0,5-1,0 л/т меъёрларда ва шоналаш гуллаш даврларида 1,0-1,5 л/га қўлланилганда пахта ҳосилига ўзига хос таъсир кўрсатди пахта ҳосили назорат вариантыда 41,8 ц/га, Узгуми стимулятори эталон вариантда 45,0 ц/га, Гумми-20 стимулятори чигит экишда 0,5-1,0 л/т ва шоналаш ва гуллаш даврларида 1,0-1,5 л/га қўлланилган вариантларда пахта ҳосили 45,7- 46,6 ц/га ни ташкил этгани кузатувларда аниқланди ва назорат вариантимишга нисбатан фарқи кўшимча ҳосили 3,9-4,8 ц/га бўлгани аниқланди.

Релект стимулятори чигитга 200-400 л/т меъёрларда ва шоналаш гуллаш даврларида 200-400 л/га қўлланилганда пахта ҳосилига ўзига хос таъсир кўрсатди пахта ҳосили назорат вариантыда 35,6 ц/га, Узгуми стимулятори эталон вариантда 37,9 ц/га, Релект стимулятори чигит экишда ва шоналаш ва гуллаш даврларида 200-400 л/га қўлланилган вариантларда пахта ҳосили 39,2-40,4 ц/га ни ташкил этгани кузатувларда аниқланди Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилоятларида ҳам назорат вариантга нисбатан кўшимча ҳосили 3,6-4,8-6,3 ц/га бўлгани аниқланди.

Геогумат Бактоферт препарати чигитга 1,0 л/т 500 кг/га меъёрларда ва шоналаш гуллаш даврларида 1,6 л/га қўлланилганда пахта ҳосилига ўзига хос таъсир кўрсатди (3.3- жадвал). Ўртача пахта ҳосили назорат вариантыда 33,2 ц/га, Узгуми стимулятори эталон вариантда 37,8 ц/га, Геогумат Бактоферт препарати чигитга ва шоналаш ва гуллаш даврларида қўлланилган вариантларда пахта ҳосили 38,6-39,8 ц/га ни ташкил этгани кузатувларда аниқланди ва назорат вариантимишга нисбатан фарқи кўшимча ҳосили 5,4-6,6 ц/га бўлгани аниқланди. Эталон Узгуми стимулятори қўлланилган вариантда назоратга нисбатан кўшимча ҳосил 4,6 ц/га ни ташкил этди

Бомс препарати пахта ҳосили биринчи теримда назорат вариантыда 40,4 ц/га, Бомс+НРК вариантыда 44,0 ц/га, Бомс 300 кг/га қўлланилганда 45,2 ц/га, Бомс 600 кг/га меъёрида 43,4 ц/га ва Бомс 1000 кг/га меъёрда 41,8 ц/га бўлгани ҳолда Бомсинг 300-1000 кг/га меъёрларида назоратдан 1,4-4,8 ц/га кўпроқ пахта териби олинган. Бомс минерал ўғитлар фонида 600 кг/га берилган вариантда ҳам назоратдан 3,6 ц/га ёки 8,9% кўпроқ ҳосил етиштирилган. Бомсинг 1000 кг/га меъёрида ҳосилдорлик кўрсаткичи назоратдан 1,4 ц/га фарқ қилган ҳолос.

Хулоса

Турли тупроқлар шароитда гуминли стимуляторлардан Узгуми чигитга 0,7-0,8 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га, Гумми 20 чигитга 1,0 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,5-1,0 л/га, Релект чигитга 200-400 мл/т ва чинбарг шоналаш даврларида 200-400 мл/га, Геогумат чигитга 1,0 л/т ва чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га, Бомс препарати тупроққа 300-1000 кг /га меъёрларда қўлланилганда ниҳолларнинг униб чиқиши 10,5-11,1 фоиз тезлашиб, ўсимликнинг ўсиб ривожланиши яхшиланиб, физиологик жараёнлари яхшиланиб, пахта ҳосили 4,8-6,3 ц/га ортиши аниқланди. Шунга асосан Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилоятлари шароитида эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун

Гумин асосли стимуляторларни юкорида қайд этилган меъёрларда чигитга ва ғўза вегетацияси даврида қўллаш пахтакор фермер хўжаликлари ва кластерларга тавсия этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdualimov Sh. The Effect of Plant Growth Regulators on the Growth and Development of Cotton in Calcareous Soil of Uzbekistan. The Asian and Australasian Journal of Plant Science and Biotechnology. Global Science Books. Volume 7, Special Issue 2, 2013. -P.58-60.
2. Абдуалимов Ш. Узгуми стимуляторининг чигит унувчанлигига таъсири // Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириш. ЎзПТИТИ мақолалар тўплами. – Тошкент, 2013. -Б. 113-116.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИТИ, Т, 2007, 147 б.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 5-ое изд. доп. и перераб
5. Carlos J. Fernandez. Cotton Responses to Nitrophenolate-Based Stimulant: Effects of Foliar Application Rates on Yield and Fider Quality // Journal of Plant Nutrition. Volume 30. 2007- Issue 6. -P 965-979.
6. Таджиев К.М. Ниҳол униб чиқишига чигитни экишга тайёрлаш усуллари ва унга уруғдорлар билан ишлов беришининг таъсири // Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари. Халқаро конференция мақолалар тўплами. ЎзПТИТИ. -Тошкент, 2006. -Б. 273-276.

УЎК 633.51

СУВ БИЛАН ТУРЛИЧА ТАЪМИНЛАНГАНЛИҚДА ҒЎЗА НАВЛАРИДА ЎСИМЛИК СУВ БАЛАНСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Д.Ю. Абдулхайрова, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент

И.Т. Қаҳҳоров, DSc, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент

М.Р. Қодирова, PhD, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада ғўзанинг турлича сув меъёрларида сув баланси кўрсаткичлари аниқланган.

Калим сўзлар: ғўза, сув баланси, меъёр, кўрсаткич

Аннотация. В статье определены показатели водного баланса при различных нормах воды для хлопка.

Ключевые слова: хлопок, водный баланс, норма, показатель.

Abstract. The article identifies water balance indicators at different water standards for cotton.

Keywords: cotton, water balance, norm, indicator

Республикамизнинг табиий тупроқ-иқлим шароитларида қишлоқ хўжалиги экинларини сунъий равишда суғормасдан туриб кўзланган ҳосилни олиб бўлмади. Чунки мамлакатимизда табиий ёғингарчилик миқдори жуда кам (чўл-саҳро минтақаларида 90-120 мм атрофида холос, фақатгина тоғ ва тоғ олди минтақаларида унинг йиллик миқдори 400 мм гача етади) бўлганлиги учун тупроқда тўпланган табиий намлик қишлоқ хўжалиги экинларини уруғини экиб ундириб олишга ҳам етмайди. Бундан ташқари республикамизда сув манбалари ҳам жуда чегараланган. Шунинг учун тупроқда нам тўплаш, сақлаш ва чигитни ернинг табиий намига ундириб олиш, ғўза парваришlashда барча агротехника тадбирларини сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай иқлимий омилларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда қурқоқчиликка чидамли янги сувсизликка чидамли ғўза навларини яратиш мамлакатимизда суғориш сувини тежаш ва янги ер ресурсларни ривожлантириш натижасида пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта имкониятлар тақдим этади

Ҳозирги давргача бўлган адабиётларда келтирилган маълумотлардан маълумки, ўсимликлар етарли миқдорда сув билан таъминланганда, улар танасида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар фаоллашади. Тупроқ таркибида сувнинг миқдори оптимал даражадан юкори ёки паст бўлиши бу жараёнларнинг ўтишига салбий таъсир кўрсатади.

Ѓўзанинг ўсиши ва ривожланишида сувнинг роли бекиёсдир. Чигит уна бошлашдан то вояга етиб, пахтаси пишгунга қадар, ғўзадаги барча физиологик ва биокимёвий жараёнлар ундаги хужайра ва тўқималар сувга тўйингандагина нормал кечади. Ўсимлик танасига кирган сувнинг хужайра протоплазмаси томонидан шимилади, қолган қисми фотосинтез жараёнида мураккаб органик моддаларнинг ҳосил бўлишини, уларнинг тўқима ёки органдан бошқасига ўтишини, яъни органларнинг вужудга келишини таъминлайди. Ана шундай физиологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда янги қурғоқчиликка чидамли навларни яратиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Навларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги деганда, уларнинг тупроқда нам етишмаслигига бардош бериб, ҳосилдорлигини ва ҳосилнинг сифатини кескин пасайтирмаслик хусусияти тушунилади.[1,2,3,4,5].

Тажрибамаиздаги ЎзФА-703, ЎзФА-705, “Нарпай” ғўза навлари баргларидаги умумий сув миқдори лизиметр шароитида яратилган турли сув режими, яъни $1 \times 2 \times 2 \times 1 = 6$ марта; $1 \times 1 \times 1 \times 0 = 3$ марта; $0 \times 1 \times 1 \times 0 = 2$ марта суғориш схемаларида ўстирилаётган ўсимликларнинг оммавий гуллаш даврида бир вақтнинг ўзида, аниқланди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, суғориш сони камайиб борган сайин ўрганилган барча ғўза навларида ўсимлик баргларидаги сув миқдори ҳам камайиб борди. Суғоришнинг $1 \times 2 \times 2 \times 1$ схемасида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдорининг юқори кўрсаткичлари ЎзФА-705 ва “Нарпай” ғўза навлари қайд этилиб, мос равишда $77,2 \pm 0,2 \%$ ва $77,4 \pm 0,3 \%$ ни ташкил этди. Бу навлар белги кўрсаткичи бўйича бир-биридан ишончли фарқландилар. Ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдорининг нисбатан паст кўрсаткичи ЎзФА-703 навида $76,3 \pm 0,3 \%$ эканлиги аниқланди ва бу нав қолган икки навдан ишончли фарқланиб турди.

Суғоришнинг $1 \times 1 \times 1 \times 0$ схемасида ўсимлик баргларидаги сув миқдорининг энг катта кўрсаткичи ЎзФА-705 навида ($76,6 \pm 0,2 \%$), нисбатан паст кўрсаткич ЎзФА-703 навида ($75,8 \pm 0,4 \%$) қайд этилди. Бунда ЎзФА-703 ва “Нарпай” ғўза навлари баргларидаги сув миқдори бўйича бир-биридан статистик ишончли фарқланмадилар. Қолган ҳолатларда фарқланиш ишончли бўлмади.

Суғоришнинг $0 \times 1 \times 1 \times 0$ схемасида ҳам юқоридаги ҳолат кузатилиб, белгининг нисбатан юқори кўрсаткичи ЎзФА-705 навида ($74,0 \pm 0,2\%$), энг паст кўрсаткичи эса ЎзФА-703 навида ($73,2 \pm 0,4\%$) бўлиб, бу навлар баргларидаги сув миқдори бўйича бир-биридан статистик ишончли фарқландилар. Қолган ҳолатларда фарқланиш ишончли бўлмади.

Тадқиқотларнинг иккинчи йилида ҳам ўсимликларнинг сув алмашинувининг баргларидаги умумий сув миқдори (%), баргларидаги транспирация жадаллиги ($\text{mg H}_2\text{O}/1 \text{ g барг} \times 1 \text{ соат}$), баргларидаги сув ушлаш хусусияти (%) каби белгиларнинг кўрсаткичлари аниқланди ва қуйидаги натижалар олинди.

Тадқиқотларимиздаги ЎзФА-703, ЎзФА-705, “Нарпай” ғўза навлари ўсимликларнинг оммавий гуллаш даврида бир вақтнинг ўзида, баргларидаги умумий сув миқдори лизиметр шароитида яратилган турли сув режими, яъни $1 \times 2 \times 2 \times 1 = 6$ марта; $1 \times 1 \times 1 \times 0 = 3$ марта; $0 \times 1 \times 1 \times 0 = 2$ марта суғориш схемаларида аниқланди.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, суғориш сони камайиб борган сайин ўрганилган барча ғўза навларида ўсимлик баргларидаги сув миқдори ҳам камайиб борди. Суғоришнинг $1 \times 2 \times 2 \times 1$ схемасида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдорининг юқори кўрсаткичлари ЎзФА-705 ва “Нарпай” ғўза навлари қайд этилиб, мос равишда $78,0 \pm 0,2 \%$ ва $77,7 \pm 0,4 \%$ ни ташкил этди. Бу навлар белги кўрсаткичи бўйича бир-биридан ишончли фарқландилар. Ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдорининг нисбатан паст кўрсаткичи ЎзФА-703 навида $75,1 \pm 0,2 \%$ эканлиги аниқланди ва бу нав қолган икки навдан ишончли фарқланиб турди. Бу суғориш схемаси оптимал суғориш режими эканлигини, (яъни лизиметр шароитида дала шароитидан фарқли улароқ ўсимликларнинг сув билан етарлича таъминланиши тургор ҳолатини йўқотмасликлари учун суғориш сони кўпроқ бўлишини инобатга олсак, ўсимликларнинг сув билан оптимал таъминланганлик шароитларида ҳам турлича бўлар экан. Бу уларнинг биологик хусусиятлари билан бир қаторда баргларнинг морфо-анотомик тузилишига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Суғоришнинг 1x1x1x0 схемасида ўсимлик баргларидаги сув миқдорининг энг катта кўрсаткичи ЎзФА-705 навида ($76,1 \pm 0,4$ %), нисбатан паст кўрсаткич ЎзФА-703 навида ($74,4 \pm 0,3$ %) кайд этилди. Бунда ЎзФА-703 ва “Нарпай” ғўза навлари баргларидаги сув миқдори бўйича бир-биридан ишонарли фарқ кузатилмади.

Суғоришнинг 0x1x1x0 схемасида белгининг нисбатан юқори кўрсаткичи ЎзФА-705 навида ($74,7 \pm 0,2$ %), энг паст кўрсаткичи эса ЎзФА-703 навида ($73,9 \pm 0,4$ %) ни ташкил этди ва бу навлар баргларидаги сув миқдори бўйича бир-биридан фарқ қилди.

Шундай қилиб, ғўза ўсимлигида суғориш сони камайиб бориши билан навларнинг ўсимликлари баргларидаги умумий сув миқдорининг ҳам камайиб бориши, лекин бунда турли ғўза навлари белги кўрсаткичи бўйича бир-биридан факланиши олиб борилган тадқиқотларимизда ўз аксини топди. турли ғўза навлари ўсимликларида баргларидаги умумий сув миқдорининг турлича бўлиши уларнинг биологик хусусиятлари билан бир қаторда баргларнинг морфологик ва анатомик тузилишига ҳам боғлиқ экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Самиев Х.С. Водный режим и продуктивность хлопчатника – Ташкент: Фан, 1979. 198 стр.
2. Каххаров И.Т. «Генетико-селекционные основы в создании новых скороспелых сортов хлопчатника вида *G. hirsutum* L.», Узбекский Биологический Журнал, №3, стр. 67-71, 3-2007 г.
3. Алиев А.И. Изучение наследования скороспелости и её, сортовых элементов у диаллельных внутривидовых гибридов хлопчатника // Материалы республиканской школы, семинары молодежи, ученые и специалистов по проблемам повышения эффективности с.х. производства (генетика, биохимия, селекция и семеноводство). Тошкент, 1979. С.19-25
4. Холлиев А.Э. «Қурғоқчилик ва ғўзанинг химоявий мослашиш хусусиятлари» || Узб.биол.жур №3 2009. 14-17 бетлар.
5. Хўжаев Ж.Х. Ўсимликлар физиологияси. –Тошкент.: Мехнат, 2004. 224 б.

УЎК: 631.8: 631.5: 633.1

КУЗГИ АРПАНИНГ МАҚБУЛ ЭКИШ МУДДАТИ, МЕЪЁРИ ВА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ

С.О. Абдурахмонов, қ.х.ф.д., профессор, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Андижон

И.И. Абдуллаев, қ.х.ф.д., Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Андижон

Б.Қ. Ахмаджонов, тадқиқотчи, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Андижон

Аннотация. 2016-2019 йиллар давомида Андижон вилоятининг қадимдан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги арпа уруғларни экиш муддатлари ва меъёрларини кўчатларнинг униб чиқиши, қишда нобут бўлиши кўрсаткичлари ва амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлигига таъсири ўрганилди.

Калит сўзлар: кузги арпа, уруғ экиш муддати, уруғ экиш меъёри, униб чиқиш, нобуд бўлиш, хақиқий кўчат сони, кўчатларнинг яшовчанлиги.

Аннотация. В 2016-2019 гг. изучено влияние сроков посева и норм семян ячменя осеннего на всхожесть семян, зимнюю смертность и фактическую толщину всходов в конце вегетации в условиях древнеорошаемых серо-луговых почв Андижанской области.

Ключевые слова: ячмень озимый, сроки посева, норма высева семян, всхожесть, смертность, фактическое количество всходов, жизнеспособность всходов.

Abstract. In 2016-2019, the effect of sowing dates and seed rates of autumn barley on seed germination, winter mortality and actual thickness of seedlings at the end of the growing season in the conditions of ancient irrigated gray-meadow soils of Andijan region was studied.

Key words: winter barley, sowing time, seed sowing rate, germination, mortality, actual number of seedlings, seedling viability.

Кириш. Арпа дунёда етиштирилаётган донли экинлар орасида ялпи ҳосили жихатидан тўртинчи ўринда, маккажўхори, шоли ва буғдойдан кейинги ўринда туради.

Жахонда арпа дони ишлаб чиқарилиши йилига 132 миллион тоннани ташкил этади. Арпа дони етиштириш 1961 йилдан 1979 йилгача жаҳон миқёсида икки бараварга ўсди ва 1991 йилда 170 миллион тоннани ташкил этди. Аммо, кейинги вақтларда арпага бўлган эътиборнинг сусайиши оқибатида экин майдони 48,5 миллион гектарни ташкил этгани ҳолда, ялпи дон ҳосилдорлиги 132 миллион тоннага, яъни энг юқори кўрсаткичнинг 78 фоизигача камайди. 2016 йилда дунё деҳқончилигида арпа ялпи ҳосилида бир оз ўсиш кузатилиб, 141,3 млн тоннани ташкил этди.

ФАО ташкилотининг берган маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда глобал арпа ишлаб чиқариш 152,2 миллион тоннага етиб, бу 2019 йилда олинган ялпи дон ҳосилидан 4 миллион тоннага (2,4 фоиз) кам бўлганлиги кузатилган. Ушбу пасайишнинг катта хиссалари асосан Канада ва Россия давлатларига тўғри келади.

Республикамизда кейинги йилларда донли экинлар турларини кўпайтириш ва етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, арпа навларини кўпайтириш ва улардан юқори дон ҳосили етиштиришга бўлган эътибор кун сайин ошиб, арпа донига бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эса арпа навлари устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва Республикамизнинг турли минтақалари шароитларига ҳос агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, 2016-2019 йиллар давомида Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида жойлашган “**Бозарбой**” фермер хўжалигининг қадимдан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги арпа уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларини тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажриба 24 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 70 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 280 м², ҳисобга олинган майдон 140 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 2,2 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:ғалла) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кузги арпанинг Давлат ресстрига киритилган “Ихтиёр” ва “Болғали” навлари экилди.

Тажрибада кузги арпани “Ихтиёр” ва “Болғали” навларини тўрт хил уруғ экиш (1-октябрь, 15-октябрь, 1-ноябрь, 15-ноябрь) муддатида кузги арпа уруғлари уч хил экиш (3,0 млн/га, 4,0 млн/га, 5,0 млн/га) меёрларда экиб ўрганилди.

1-жадвал

Тажриба схемаси

№	Кузги арпа навлари		Экиш муддати	Уруғ экиш меъёри, млн/га
1	Ихтиёр нави	Болғали нави	1-октябрь	3,0
2				4,0
3				5,0
4			15-октябрь	3,0
5				4,0
6				5,0
7			1-ноябрь	3,0
8				4,0
9				5,0
10			15-ноябрь	3,0
11				4,0
12				5,0

Кузги арпа уруғлари 1-2 °С ҳароратда уна бошлайди. Уруғларнинг униб чиқиши учун оптимал ҳарорат 15-20 °С ҳисобланади. Тупланиш фазасида 12-14 °С совуққа бардош беради. Қор қоплами бўлмаганда ва ўсимликлар туплана олишга улгурмаганда –7 –8 °С совуқ ҳам кузги арпа учун хавфли. Ўзбекистонда биологик кузги, баҳори ҳамда икки фаслли(дуварак) навлар кузда экилади. Аммо энг кишга чидамлиси биологик кузги навлар, кейин дуварак навлар ҳисобланади (Р.Орипов, Н.Халилов 2006).

Биз ҳам тадқиқот олиб борилган 2016-2019 йилларда юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, кузги арпа уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларни кўчатларнинг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсирини аниқлаш мақсадида вариантлар кесимида кузатув таҳлил ишларимизни олиб бордик.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, кузги арпанинг “Ихтиёр” нави 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантда кўчатларнинг униб чиқиши уч йилда ўртача 275,8 дона/м² ни ташкил этган бўлса, ушбу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларда униб чиққан кўчатлар сони уч йилда ўртача 369,7-464,2 дона/м² ни ташкил этганлиги кузатилди.

Кузги арпа уруғлари 15-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 4-вариант таҳлил қилинганида эса униб чиққан кўчатлар сони уч йилда ўртача 273,5 дона/м² ни кўрсатиб, 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ экилган 1-вариантга нисбатан 2,3 дона/м² га, шу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 5-6 вариантларда кўчатларнинг униб чиқиши ўрганилганида эса, уч йилда ўртача 366,4-459,7 дона/м² ни кўрсатгани ҳолда 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан кўчатлар 3,3-4,5 дона/м² га кам униб чиққанлиги аниқланди.



1-диаграмма. Кўчатларнинг униб чиқишига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

2-диаграмма. Уруғларнинг униб чиқиш динамикасига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

Уруғлар 1-ноябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 7-вариант таҳлил қилинганида, униб чиққан кўчатлар уч йилда ўртача 264,5 дона/м² га тенг бўлиб, 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан кўчатлар 11,3 дона/м² га кам униб чиққанлиги кузатилган бўлса, ушбу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 8-9 вариантларда бу кўрсаткичлар ўртача 354,7-445,3 дона/м² ни ташкил этгани ҳолда, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантга нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 15,0-18,9 дона/м² га кам бўлганлиги кузатилди.

Кузги арпа уруғлари кечки муддатда, яъни 15-ноябрда гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-вариантда кўчатларнинг униб чиқиши ҳисобга олинганида уч йилда ўртача 256,0 дона/м² га тенг бўлиб, 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ экилган 1-вариантга нисбатан 19,8 дона/м² га, ушбу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 11-12 вариантларда бу кўрсаткич ўртача 343,5-431,3 дона/м² ни ташкил этиб, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантларга нисбатан униб чиққан кўчатлар 26,2-32,9 дона/м² га кам экинлиги қайд этилди.

Кузги арпанинг “Болғали” нави уруғлари экилган вариантларда кўчатларнинг униб чиқиш ҳолати ўрганилганида ҳам юқоридаги қонуниятлар сақлангани ҳолда, кўчатларнинг униб чиқиши бўйича юқори кўрсаткич ҳар учала экиш меъёрларида ҳам уруғларни 1-октябрь муддатида экилган вариантларда (273,8-366,9-460,7 дона/м²) кузатилган бўлса, 1-октябрь муддатида нисбатан энг кам фарқ кузги арпа уруғлари 15-октябрь муддатида экилган вариантларда (2,5-3,4-4,5 дона/м²) қайд этилди.

Кузги бошоқли дон экинлари қишлашга ўтиш (декабрь ойининг биринчи ўн кунлиги) давригача 450-650 °С фойдали ҳароратни олиб улгуриши ва камида 3-4 тагача туплаши мақсадга мувофиқдир. Ўсимлик қишлоғига камида 3-4 поя чиқарган ҳолда кириши учун кузги бугдой дастлабки совук тушишидан 50-55 кун илгари экилиши лозим (Ж.Б. Худайкулов, Х.Н. Атабаева, А.К. Анорбаев, 2021).

Қишлаш даврида ўсимликларни ноқулай шароитлар комплексига чидамлилиги уларнинг қишга чидамлилиги дейилади. Ўсимликларнинг 0 °С дан паст ҳароратга бардош бериш хусусияти совуққа чидамлилиқ дейилади.

Биз ҳам тадқиқот олиб борилган йилларда қишдан чиққан кўчатлар сонини ҳисобга олганимизда, кўчатларнинг қишда нобуд бўлиш кўрсаткичларига уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилди.

Жумладан, 2016-2019 йиллар вегетация давлари давомида олиб борилган кузатишларимиз шуни кўрсатадики, кузги арпанинг “Ихтиёр” нави уруғлари 1-октябр муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантда қишдан чиққан кўчатлар сони ҳисобга олинганида 1 м² да уч йилда ўртача 253,5 донани ташкил этгани ҳолда қишда нобуд бўлган ўсимликлар 8,1% га тенг бўлган бўлса, ушбу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантда қишдан чиққан кўчатлар сони аниқланганида уч йилда ўртача 338,4-423,5 дона/м² ни ташкил этиб, қишда нобуд бўлган кўчатлар 8,5-8,8% ни кўрсатганлиги қайд этилди.

Кузги арпа уруғлари 15-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 4-вариантда кўчатларнинг қишлаб чиқиши таҳлил қилинганида ўртача 249,8 дона/м² ни кўрсатиб, қишда нобуд бўлган кўчатлар 8,7% ни ташкил этгани ҳолда 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан 0,6% га кўп нобуд бўлганлиги кузатилган бўлса, шу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 5-6 вариантларда кўчатлар сони ҳисобга олинганида 1 м² да ўртача 333,0-416,4 донани ташкил этгани ҳолда, қишда нобуд бўлган кўчатлар 9,1-9,4% ни кўрсатиб, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,6% га юқори бўлганлиги аниқланди.



3-диаграмма. Кўчатларнинг қишлаб чиқишига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири



4-диаграмма. Кўчатларнинг қишда нобуд бўлиш кўрсаткичига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

Кузги арпа уруғлари 1-ноябрь муддатида экилган вариантлар таҳлил қилинганида ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз аксини кузатилиб, гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 7-вариантда қишдан чиққан кўчатлар сони ҳисобга олинганида, уч йилда ўртача 239,6 дона/м² ни ташкил этиб, қишда нобуд бўлган кўчатлар 9,4% га тенг бўлгани ҳолда, 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан 1,3% га, шу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 8-9 вариантларда қишдан чиққан кўчатлар сони мос равишда 319,4-399,5 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар эса мос равишда 9,9-10,3% ни кўрсатиб, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан 1,4-1,5% га нобуд бўлиш юқори бўлганлиги кузатилди.

Кузги арпа уруғлари кечки муддатда, яъни 15-ноябрда гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-вариантда қишдан чиққан кўчатлар сони ўрганилганида, ўртача 228,0 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар эса 10,9% ни ташкил этиб, 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан нобуд бўлган кўчатлар сони 2,8% га юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, шу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 11-12 вариантларда қишдан чиққан кўчатлар сони ҳисобга олинганида ўртача 304,0-380,2 дона/м² ни ташкил этгани ҳолда, қишда нобуд бўлган кўчатлар 11,5-11,9% ни кўрсатиб, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 3,0-3,1% га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Тажрибада парваришланаётган кузги арпанинг “Болғали” навида кўчатларнинг қишки совуққа чидамлилиги ўрганилганида ҳам, уруғ экиш муддатларини кўчатларнинг нобуд бўлиш кўрсаткичларига таъсири катта эканлиги кузатилиб, 1-октябрь муддатида нисбатан кўчатларнинг энг кам нобуд бўлиши ҳар учала уруғ экиш меъёрларида ҳам 15-октябрда экилган вариантларда (0,5-0,4-0,4 %/м²) кузатилди.

Аммо шу билан кўчатларнинг нобуд бўлиши тўхтамади. Яъни, амал даври охирига бориб, вариантлар кесимида ҳақиқий кўчат қалинлиги аниқланганида, ҳар-хил ташқи ва антропоген омилларга боғлиқ ҳолда кўчатларнинг нобуд бўлиши аниқланди.

Жумладан, вегетация даври охирига бориб, кузги арпанинг “Ихтиёр” нави экилган вариантлар таҳлил қилинганида, уруғлар 1-октябр муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантнинг ҳақиқий кўчат қалинлиги 1 м² да ўртача 234,8 донани ташкил этиб, эрта баҳордан пишиш давригача нобуд бўлган кўчатлар 7,4% ни ташкил этган бўлса, ушбу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларда бу кўрсаткич 311,6-388,4 дона/м² ни кўрсатиб, нобуд бўлган кўчатлар 7,9-8,3% ни ташкил этганлиги қайд этилди.

Кузги арпа уруғлари 15-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 4-вариант таҳлил қилинганида эса амал даври охирига бориб, ҳақиқий кўчатлар сони 230,2 дона/м² ни, эрта баҳордан амал даври охиригача нобуд бўлган кўчатлар 7,8% ни ташкил этгани ҳолда 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан кўчатлар 0,4% га кўп нобуд бўлганлиги кузатилди. Шу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 5-6 вариантлар таҳлил қилинганида эса, ҳақиқий кўчатлар сони тегишли равишда 305,3-380,4 донани ташкил этгани ҳолда, эрта баҳордан амал даври охиригача нобуд бўлган кўчатлар 8,3-8,7% ни кўрсатиб, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши ўртача 0,4% гача юқори бўлганлиги аниқланди.



5-диаграмма. Амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлигига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири



6-диаграмма. Кўчатларнинг яшовчанлига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

Уруғлар 1-ноябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 7-вариантда амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги ҳисобга олинганида, ўртача 219,1 дона/м² ни, нобуд бўлган кўчатлар 8,5% ни ташкил этиб, 1-октябрь муддатида гектарига 3,0

млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан 1,1% га шу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 8-9 вариантларда ҳақиқий кўчатлар сони 290,7-361,8 дона/м² ни, нобуд бўлган кўчатлар эса 9,0-9,4% ни кўрсатиб, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,1% гача юқори бўлганлиги қайд этилди.

Кузги арпа уруғлари кечки 15-ноябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-вариант таҳлил қилинганида, ҳақиқий кўчатлар сони ўртача 207,0 дона/м² ни, нобуд бўлган кўчатлар эса 9,2% ни ташкил этгани ҳолда, 1-октябрь муддатида гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан 1,8% га, шу муддатда гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 11-12 вариантларда ҳақиқий кўчат қалинлиги 273,9-340,7 дона/м² га, нобуд бўлган кўчатлар 9,9-10,4% ни кўрсатиб, 1-октябрь муддатида гектарига 4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 2,0-2,1% га юқори бўлганлиги кузатилди.

Кузги арпанинг “Болғали” нави экилган вариантлар муддатлар кесимида таҳлил қилинганида ҳам юқоридаги қонуниятлар такрорлангани кузатилиб, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 1-октябрь экиш муддатига нисбатан энг кам фақ 15-октябрь муддатида экилган вариантларда (0,5-0,4-0,5 %/м²) кузтилган бўлса, энг катта фарқ кузги арпа уруғлари 15-ноябрь муддатида экилган вариантлардан (2,0-2,0-2,2 %/м²) олинганлиги аниқланди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, кўчатларнинг униб чиқишига, қишга чиқамлилигига ҳамда амал даври охиригача яшовчанлик хусусиятларига уруғ экиш муддатларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилиб, уруғ экиш муддатларининг кечиктириб борилиши кўчатларнинг униб чиқишига ҳамда яшовчанлик кўрсаткичларига ўз таъсирини ўтказганлиги аниқланди.

Хулоса. Андижон вилоятининг қадимдан суғориладиган бўз–ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги арпанинг “Ихтиёр” навини 1-октябрь муддатида гектарига 3,0-4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экиш, 15-октябрь муддатига нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 2,3-3,3-4,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш даражаси 0,7-0,8-0,9% га, қишдан чиққан кўчатлар сони 3,7-5,4-7,1 дона/м² га, амал даври охирида ҳақиқий кўчатлар сони 4,6-6,3-8,0 дона/м² га, кўчатларнинг яшовчанлиги эса 0,9-1,0-1,0% га, 1-ноябрь муддатига нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 11,3-15,0-18,9 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш даражаси ўртача 3,7% га, қишдан чиққан кўчатлар сони 13,9-19,0-24,0 дона/м² га, амал даври охирида ҳақиқий кўчатлар сони 15,7-20,9-26,6 дона/м² га, кўчатларнинг яшовчанлиги эса 2,3-2,3-2,5% га, 15-ноябрь муддатига нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 19,8-26,2-32,9 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш даражаси ўртача 6,6-6,5-6,5% га, қишдан чиққан кўчатлар сони 25,5-34,4-43,3 дона/м² га, амал даври охирида ҳақиқий кўчатлар сони 27,8-37,7-47,7 дона/м² га, кўчатларнинг яшовчанлиги эса 4,3-4,6-4,7% га юқори бўлишини таъминлайди.

Андижон вилоятининг қадимдан суғориладиган бўз–ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги арпанинг “Болғали” навини 1-октябрь муддатида гектарига 3,0-4,0-5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экиш, 15-октябрь муддатига нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 2,5-3,4-4,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш даражаси 0,9-0,8-0,9% га, қишдан чиққан кўчатлар сони 3,8-4,7-5,9 дона/м² га, амал даври охирида ҳақиқий кўчатлар сони 4,7-5,7-7,2 дона/м² га, кўчатларнинг яшовчанлиги эса 1,0-0,8-0,7% га, 1-ноябрь муддатига нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 13,2-17,4-22,0 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш даражаси 4,4-4,3-4,4% га, қишдан чиққан кўчатлар сони 15,8-20,5-25,7 дона/м² га, амал даври охирида ҳақиқий кўчатлар сони 17,2-22,5-28,3 дона/м² га, кўчатларнинг яшовчанлиги 2,4-2,2-2,3% га, 15-ноябрь муддатига нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 22,5-30,0-37,5 дона/м² га, уруғларнинг униб чиқиш даражаси ўртача 7,5% га, қишдан чиққан кўчатлар сони 27,8-36,4-45,2 дона/м² га, амал даври охирида ҳақиқий кўчатлар сони 30,0-39,4-49,4 дона/м² га, кўчатларнинг яшовчанлиги эса 4,4-4,2-4,3% га юқори бўлишига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев, И. И., & Абдурахмонов, С. О. (2018). Бентонитовая глина и урожай зерна. Актуальные проблемы современной науки, (2), 52-56.
2. Абдуллаев, И. Бентонит лойқаси, маъдан ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг кузги бугдой дон ҳосилдорлигига таъсири баҳолаш. Авттореферат» Тошкент–2008. Б, 8-14.
3. Abdurakhmonov, S. O., & Abdullaev, I. I. (2020). Bentonite Silt, Effects Of Mineral Fertilizer Norms And Irrigation Regulations On Autumn Wheat Yield. The American Journal of Agriculture And Biomedical Engineering. ISSN–2689-1018, 2(8), 73-97.
4. Абдуллаев, И. И., Иминов, И. А., & Юлдашев, Р. Т. (2020). Бентонит лойқаси, маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларини биргаликда қўллашнинг кузги бугдойдаги маҳсулдорлиги. //Агро процессинг, 2(6).
5. Абдурахмонов, С. Ж., Абдурахмонов, С. О., & Абдуллаев, И. И. (2020). Влияние норм применения минеральных удобрений и порядка орошения на агрофизические свойства почвы и зерновую урожайность ржи. Актуальные проблемы современной науки, (5), 56-61.
6. Abdurakhmonov, S. O., Abdullaev, I. I., Abdusalomov, M. I., & Uldashev Kh, K. Bentonite silt and irrigation regulations on autumn wheat yield. EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues-Peer Reviewed Journal. ISSN, 2321-6247.
7. Абдурахмонов, С. О., & Абдуллаев, И. И. (2018). Кузги бугдойнинг суғориш меъёрига бентонит лойқасининг таъсири.//Irrigatsiya va Melioratsiya, (1), 31-35.
8. Abdullaev, I. I., Yunusov, O. B., & Kimsanova Kh, A. Bentonite, fertilizers, water and grain yield. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN, 2249-7137.
9. Абдуллаев, И. И., & Абдурахмонов, С. О. (2018). Влияние бентонитовых глин, норм минеральных удобрений и режима орошения на биометрические показатели озимой пшеницы. In Северный морской путь, водные и сухопутные транспортные коридоры как основа развития Сибири и Арктики в XXI веке (pp. 247-251).
10. Абдурахмонов, С. О., & Абдуллаев, И. И. (2018). Факторы, влияющие на структуру колоса озимой пшеницы. In Приоритетные направления исследований в рамках естественных и технических наук в XXI веке (pp. 59-62).
11. Абдурахмонов, С. О., Абдуллаев, И. И., & Тагаев, А. М. (2021). Кузги жавдар уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларини кўчат қалинлигига таъсири.//Development issues of innovative economy in the agricultural sector, 922-928.
12. Абдурахмонов, С. О., & Абдуллаев, И.И. (2021). Бентонит, ўғит, сув ва маҳсулдорлик. // Development issues of innovative economy in the agricultural sector, 651-657.
13. Obidovich, A. S., Ibrahimjonovich, A. I., & Jurahonovich, A. S. (2020). Irrigation Procedure And The Effect Of Mineral Fertilizer Norms On Autumn Rye Grain Yield. PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology, 17(7), 9872-9883.
14. Абдуллаев, И. И., & Эрмакова, Ж. М. (2018). Требования, предъявляемые к воде при применении глины бентонита при посеве озимой пшеницы.//In Трансформация мирового научно-технического знания (pp. 35-38).
15. Абдурахмонов, С. О., Абдуллаев, И. И., & Акрамова, М. Нормы орошения озимой пшеницы при применении бентонитовых глин//Norms irrigation of winter wheat in the application of bentonite clays. С56, 17.

УЎТ: 633.11-631.52

**ЮМШОҚ БУГДОЙНИ ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЮҚОРИ
БЎЛГАН ДУРАГАЙ ТИЗМАЛАРИНИ ТАНЛАШ****Н.Б. Бойсунов, таянч докторант, Жанубий деҳқончилик ИТИ, Тошкент**

Аннотация. Ушбу мақолада юмшоқ бугдой нав ва тизмаларидан фойдаланиб назорат кўчатзориди 30 та тизмалар экиб уларнинг 1000 дон дон вазни, дон шишасимонлиги, дон натураси, дон намлиги ўрганилган ва андоза навлар билан таққосланган ҳолда технологик сифат кўрсаткичлари юқори тизмалар танлаб олинган.

Калит сўзлар: юмшоқ бугдой, селекция, танлаш, нав, тизма, дон натураси, шишасимонлик.

Аннотация. В данной статье в контрольном питомнике посажено 30 гряд с использованием сортов и гряд мягкой пшеницы, изучены их масса 1000 зерен, стекловидность зерна, натуральный вес зерна, влажность зерна и выбрано высокие гряды с высокими технологическими показателями качества по сравнению со стандартными сортами.

Ключевые слова: мягкая пшеница, селекция, отбор, сорт, образец, натуральный вес зерна, стекловидность.

Abstract: In this article, in the control nursery, 30 ridges were planted using varieties and ridges of breed wheat, their weight of 1000 grains, vitreous, full- test weight, grain moisture were studied, and high ridges with high technological indicators of quality compared to standard varieties were selected.

Keywords: breed wheat, selection, select, variety, sample, line, test weight, vitreous.

Кириш. Жаҳонда бугунги кунда юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum* L.) ўртача 215,7 миллион гектар майдонга экилиб 627 миллион тонна маҳсулот етиштирилиб келинса шундан Осиёда 96,4 миллион гектар майдонга экилиб 255 миллион тонна маҳсулот етиштирилиб келинмоқда [1].

Жорий 2020 йилда республикада 6 миллион 400 минг тонна ғалла хирмони жамғарилди [2]. Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 730 минг тоннага кам бўлиб, бунинг асосий сабаби covid-19 пандемияси ҳисобланади.

Кейинги йилларда иқлим ўзгаришларининг кескин ўзгариши буғдойнинг морфологик, физиологик, биокимёвий ва молекуляр хоссалари ва дон ҳосилдорлигига унинг дон сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, республикада аҳолисини йил сайин ортиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг қисқариб бораётганлиги, унимдор тупроқларнинг шўрланиши, сув тақчиллиги юзага келаётганлиги ва шунга ўхшаш бир қанча муаммоларнинг мавжудлиги сабабли янги яратилаётган юмшоқ буғдой навларининг маҳсулдор ва ташқи муҳитнинг турли ноқулай омилларига чидамли, дон сифати юқори янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишни тақозо этмоқда.

Тадқиқот материаллари ва методлари. Суғориладиган майдонларда етиштириш учун юқори маҳсулдор, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли, дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги кузги юмшоқ буғдой навларини яратиш мақсадида Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг Қарши бўлими, Я.Омонов худудида янги юмшоқ буғдой тизмалари синовдан ўтказилди. Тажриба объекти сифатида маҳаллий шароитда яратилган кузги юмшоқ буғдойнинг 27 та тизмалари ва андоза навлар сифатида Республикада суғориладиган майдонларида кенг жорий қилинган ва янги яратилган Ғозғон, Гром, Ҳисорак навлари олинди. Тажрибалар 3-қайтариқда, ҳар бир қайтариқнинг экин майдони 10 м² қилиб жойлаштирилди.

Тажрибани жойлаштириш ва тажриба давомида фенологик кузатиш, ҳисоб ва таҳлиллар (Бутуниттифок Ўсимликшунослик институти ВИР, 1984). Тажриба даласида етиштирилган кузги буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичлари «Методические рекомендации по оценке качество зерна», «Методы биохимического исследования растений» услубий кўлланмалари асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Доннинг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири – бу технологик сифат кўрсаткичлари бўлиб, унга дон таркибидаги, доннинг ялтироқлиги, намлиги, сингари кўрсаткичлар киради.

Донли экинларда, хусусан юмшоқ буғдойда ҳосилдорликни белгилашда 1000 дона дон вазни муҳим жиҳатдир. Бу кўрсаткич айниқса буғдойнинг қайси навга мансублигини белгилашга имкон беришидан ташқари, ўсув даврининг дон тўлиш пайтида ташқи муҳит омиллари қандай бўлганлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.

Ўрганилган нав ва тизмаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда тажрибадаги нав ва тизмаларнинг 1000 та дон вазни 36,7-52,9 гр гача бўлганлиги, ўртача кўрсаткичи 45,9 гр ни ташкил қилганлиги кузатилди.

Олиб борилган тажрибадаги андоза Ғозғон навининг 1000 дона дон вазни 44,3 гр ни ташкил қилди. Андоза Гром навида 1000 дона дон вазни 39,9 гр ни, Ҳисорак навида 38,7 гр ни ташкил қилганлиги кузатилди.

Ўрганилган нав ва тизмаларнинг 1000 та дон вазни 40 г дан юқори вазнга эга нав ва тизмалар сони 27 тани ташкил этганлиги аниқланди.

Нав ва тизмалар орасида 1000 дон дон вазни юқори бўлган KRBW19-020 тизма 52,9 гр, KRBW19-219 тизмаси 52,2 гр ни, KRBW19-149 тизмаси 51,9 гр ни, KRBW19-050 тизмаси 51,4 гр ни ташкил қилди ва ушбу тизмалар 1000 дон дон вазни юқори тизмалар сифатида селекция ишларида фойдаланиш учун тавсия қилинди.

Дон натураси доннинг тўлиқ ва йириклигини кўрсатувчи хусусиятлардан биридир. Буғдой дони пуч бўлса ёки дон эгатчаси чуқур бўлса дон натураси паст бўлади.

Тажрибада нав ва тизмаларнинг дон натураси ўрганилганда энг паст кўрсаткич 781,7 гр/л ни, энг юқори кўрсаткич 827,0 гр/л ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичларнинг ўртачаси 807,1 гр/л ни ташкил қилганлиги лаборатория таҳлиллари натижасида аниқланди. Юмшоқ буғдойда дон натураси 800 г/л дан юқори бўлганлиги мақсадга мувофиқ. Дон натураси 800 гр/л дан юқори бўлган 21 та тизмалар борлиги аниқланди. Андоза навлар орасида Ғозғон нави бошқа андоза навларга нисбатан юқори дон натурасига эга бўлди. Ғозғон нави дон натураси 815,0 г/л ни ташкил қилиб, 10 та нав ва тизмаларнинг дон натураси андоза навдан юқори эканлиги қайд қилинди.

1-жадвал

Нав ва тизмаларнинг технологик сифат кўрсаткичлари (Қарши, 2020 й).

№	Нав ва тизмалар номи	1000 та дон вазни, гр	Дон натураси, гр/л	Дон намлиги, %	Дон шишасимонлиги, %
1	Ғозғон	44,3	815,0	7,5	62,7
2	Гром	39,9	782,0	8,0	71,0
3	Ҳисорак	38,7	781,7	7,5	56,0
4	KRBW19-013	46,9	800,7	7,8	54,3
5	KRBW19-020	52,9	806,7	8,2	51,9
6	KRBW19-042	47,7	806,3	8,1	65,7
7	KRBW19-044	44,7	818,7	7,9	81,0
8	KRBW19-050	51,4	821,7	8,1	72,3
9	KRBW19-051	51,0	825,0	8,1	65,0
10	KRBW19-069	49,7	792,7	7,5	75,7
11	KRBW19-072	45,5	783,0	7,6	67,0
12	KRBW19-097	42,3	818,7	7,7	64,0
13	KRBW19-107	50,3	817,0	7,8	75,3
14	KRBW19-139	40,3	811,0	7,8	66,3
15	KRBW19-149	51,9	797,0	7,7	62,3
16	KRBW19-173	44,2	812,7	8,4	73,3
17	KRBW19-176	41,9	806,7	7,9	64,3
18	KRBW19-196	49,8	816,7	7,8	65,7
19	KRBW19-199	46,5	810,7	7,8	74,7
20	KRBW19-200	50,0	827,0	8,2	78,3
21	KRBW19-202	40,6	816,3	7,6	60,0
22	KRBW19-219	52,2	803,3	8,4	76,0
23	KRBW19-234	48,3	796,7	7,3	68,3
24	KRBWPYT19-1	40,3	794,3	7,4	70,7
25	KRBWPYT19-2	36,7	802,3	7,0	67,0
26	KRBWPYT19-3	49,7	806,0	7,1	63,0
27	KRBWPYT19-4	40,5	822,3	7,3	66,0
28	KRBWPYT19-5	50,5	797,7	7,8	71,3
29	KRBWPYT19-6	49,0	798,0	7,9	55,3
30	KRBWPYT19-7	40,3	826,7	7,9	54,3
	Энг паст кўрсаткич	36,7	781,7	7,0	51,9
	Ўртача кўрсаткич	45,9	807,1	7,8	66,6
	Энг юқори кўрсаткич	52,9	827,0	8,4	81,0

Дон таркибидаги намлик миқдори сифат даражасини аниқлашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Дон намлиги деб, унинг таркибидаги, олинган оғирлигига нисбатан фоизда ифодаланган эркин ёки боғланган гигроскорик сув миқдорига айтилади [3].

Тажрибада нав ва тизмаларнинг ўрим йиғим ишлари амалга оширилгандан сўнг дон намлиги кўрсаткичи ҳам баҳоланди. Дон намлиги одатда 14 фоиздан юқори бўлмаслиги талаб

килинади. Намлик 14% дан юқори бўлса, донни сақлашга ва уруғ сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, яроқсиз ҳолга олиб келиши мумкин.

Ўрганилаётган нав ва тизмаларнинг дон намлиги 7,0–8,4% эканлиги, ўртача 7,8% эканлиги аниқланди. Олиб борилган тажрибада дон намлиги анча паст эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаби тўлиқ пишиш даврида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ва ҳаддан ташқари куруқ ҳаво таъсири остида юзага келди.

Юмшоқ буғдойнинг назорат кўчатзорида ўрганилган нав ва тизмаларнинг дон ялтироқчилиги кўрсаткичи ҳам аниқланди ва 51,9–81,0% ни ташкил қилганлиги қайд қилинди. Ушбу кўчатзорда ўрганилган нав ва тизмаларнинг ўртача кўрсаткичлари 66,6% ни ташкил қилганлиги лаборатория таҳлилларида, махсус асбоб “Диафаноскоп ДСЗ-2М” да аниқланди.

Қатор тадқиқот натижаларига кўра дон мағзи шишасимонлиги юқори бўлса, олинадиган ун миқдори кўпаяди ва ўз навбатида дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори юқори бўлиши исботланган. Юмшоқ буғдойнинг дон ялтироқлиги 60 фоиздан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тажрибада ўрганилган нав ва тизмаларнинг дон шишасимонлиги барча нав ва тизмаларда 60% дан юқори бўлганлиги аниқланди. KRBW19-044 81,0% ни, KRBW19-200 78,3% ни, KRBW19-069 75,7 % ни ташкил қилган тизмалар дон шишасимонлиги юқори бўлган тизмалар сифатида танлаб олинди ва селекция ишларида фойдаланиш мақсадида тавсия қилинди (1-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тизмалардан KRBW19-044 тизмасида дон шишасимонлиги 81%, KRBW19-219 тизмасида 1000 та дон вази 52,2 грни ташкил қилганлиги кузатилган бўлиб, булардан ташқари KRBW19-200 тизмаси KRBWPYT19-7 тизмаси, KRBWPYT19-1, ва KRBW19-051 тизмаларида технологик сифат даражаси юқори эканлиги қайд қилинди ва танлаб олиниб, селекция ишларига жалб қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Asseng, S., Foster, I., & Turner, N. The impact of temperature variability on wheat yields. *Global Change Biology*, 17, 997-1012.
2. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалиги ходимлари кун” муносабати билан йўллаган байрам табриги. 8 декабр, Тошкент, 2020.
3. Абдукаримов Д. Дала экинлари хусусий селекцияси. -Тошкент. 2007. б. 85.

УЎТ: 633.511/631.5

ЎзПITI-103 ВА СУЛТОН ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА СУҒОРИШ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ

Н.Х.Дурдиев, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

А.Ж.Джабборхон, к/х.ф.д., доц., ТошДАУ, Тошкент

Э.У.Матякубова, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Э. Мусаев, магистр, ТошДАУ, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада уруғлик чигит олиши учун етиштириладиган ЎзПITI-103 ва Султон ғўза навларининг ҳосилдорлигига суғориш тартиблари ва минерал ўғит меъёрларининг таъсири бўйича материаллар келтирилган.

Калит сўзлар: суғориш тартиби, суғориш меъёрлари, минерал ўғит меъёрлари, ўсиш ва ривожланиш, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье представлены материалы, касающиеся влияния планирования полива и подкормки на качество семян и урожайность семян хлопчатника высокогорных сортов УзПITI-103 и Султан, выращиваемых для производства семян.

Ключевые слова: Режим орошения, нормы полива, нормы минеральных удобрений, рост-развитие, урожайность.

Annotation: The paper presents materials related to impact of irrigation and nutrition application scheduling on seed quality and seed-lint yield of upland cotton varieties UzPITI-103 and Sultan which were grown for seed production.

Key words: Irrigation scheduling Fc, irrigation amount, mineral fertilizer rates, growth-development, seed-lint yield.

Кириш. Ҳозирги кунда дунёда сифатли уруғлик чигитга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Дунё пахтачилигидаги энг сўнгги 2017/2018 йиллар мавсумидаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон ғўза экин майдони (1 млн. гектардан ортиқ) ва чигит етиштириш ҳажми бўйича (1 млн. 400 минг тонна) дунё мамлакатлари орасида олтинчи ўринни, пахта толасини етиштиришда (838 минг. тонна) саккизинчи ўринни, пахта толасини экспорт қилиш бўйича (283 минг тонна) бешинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

2018 йилдаги маълумотларга кўра, дунё бўйича ғўза экини 31,8 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 24,9 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси ҳамда 44,9 млн. тонна чигит етиштирилмоқда [1]. 2017-2018 йиллар бўйича олинган маълумотларга эътибор қаратсак, дунё бўйича (минг тонна ҳисобида) пахта толаси етиштириш ҳажми бўйича етакчи давлатлар Ҳиндистон (6205), Хитой (5987), АҚШ (4555), Бразилия (1894), Покистон (1785), Австралия (1045), Туркия (871) давлатлари бўлиб, улардан сўнг Ўзбекистон (838) саккизинчи ўринни банд этиб турибди.

2017-2018 йиллар мавсумида дунёда ғўза чигитини етиштириш ҳажми бўйича 10 та мамлакат етакчилик қилмоқда, Ўзбекистон ушбу давлатлар ўртасида олтинчи ўринни эгаллайди. Чигит етиштириш ҳажми тонна ҳисобида Ҳиндистонда йилига 12 млн. 312 минг, Хитойда 10 млн. 800 минг, Покистонда 3 млн. 600 минг, Бразилияда 3 млн. 2 минг, Австралияда 1 млн. 500 минг, Ўзбекистонда 1 млн. 400 минг, Туркияда 1 млн. 300 минг, Туркменистонда 601 минг, Мексикада 528 минг ва Европа иттифоқида 493 минг тоннани ташкил этади. Ушбу етиштирилаётган чигит заҳирасининг 15-20 фоизи уруғлик чигит ҳиссасига тўғри келади. Дунё бўйича чигитдан олинган мой миқдори ҳажми 5 млн. тоннага тенг [2].

Дунё бўйича чигит етиштириш ҳажмининг млн. тонна ҳисобидаги кўрсаткичлари 2013-2019 йиллар бўйича таҳлил қилинганда 2013/2014 йилларда умумий 45,04 млн. тонна чигит етиштирилган бўлса, 2015/2016 йилги мавсумда бирмунча камайиб 35,76 млн. тоннани ташкил қилди. Сўнгги 2017/2018 йилларда эса 44,98 млн. тонна чигит етиштирилганлиги қайд этилган [3].

Дунёнинг пахта етиштирувчи мамлакатларида уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичлари ўсимликнинг ўсув даврида қўлланиладиган агротехник тадбирлар жумладан, ғўзани суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. *G. hirsutum L.* ва *G. barbadense L.* турига мансуб ғўза навларини уруғлик учун мақбул сув-озика меъёрларида етиштириш ўсимликнинг ҳосил шохлари бўйича бир дона кўсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни ва чигит мойдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, ғўза агротехникаси омилларига боғлиқ ҳолда сифатли уруғлик чигитини етиштириш бўйича изланишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотларни амалга ошириш. Тадқиқотлар 2015-2017 йилларда дастур асосида 41°25'10.2''N Шимолий кенгликда, 69°29'10.9'' Шарқий узунликда ва денгиз сатҳидан 560 метр баландликда жойлашган Ўзбекистоннинг Марказий минтақаси Тошкент вилоятининг ПСУЕАИТИ Бош институт (Оққовоқ) қадимдан суғориладиган, механик таркиби ўрта, оғир кумоқ, ер ости сувлари сатҳи 18-20 м дан чуқурда жойлашган, автоморф типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилган.

Олинган натижалар таҳлили. Тадқиқотларда Султон ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % да суғорилиб, минерал ўғитлар билан юқоридаги меъёрда озиклантирилганга нисбатан умумий пахта ҳосили 2,7 ц/га, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 2,1 ц/га юқори бўлган. Назоратга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида умумий пахта ҳосили 2,5 ц/га, уруғлик пахта ҳосили 2,3 ц/га, 70-75-65 % суғориш тартибида эса умумий пахта ҳосили 5,2 ц/га, уруғлик пахта ҳосили 4,4 ц/га юқори бўлган. Энг юқори ҳосилдорлик суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % суғориш тартиби ва минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда олинган.

ЎзПИТИ-103 ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % да суғорилиб, минерал ўғитлар билан юқоридаги меъёрда озиклантирилганга нисбатан умумий пахта ҳосили 1,4 ц/га, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 1,1 ц/га га юқори бўлган. Назоратга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида умумий пахта ҳосили 3,8 ц/га, уруғлик пахта ҳосили 4,7 ц/га, 70-75-65 % суғориш тартибида эса умумий пахта ҳосили 2,4 ц/га, уруғлик ҳосили 3,6 ц/га юқори бўлган. Энг юқори ҳосилдорлик эса суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда олинган (1-жадвал).

1-жадвал

Турли сув-ўғит меъёрларининг уруғлик учун етиштирилган С-6524 (назорат), Султон ва ЎзПИТИ-103 ғўза навлари пахта ҳосилига таъсири, ц/га 2015-2017 йй

Вар т/р	Ғўза навлари	Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, %	Маъдан ўғит меъёрлари, кг/га с.х.			Умумий пахта ҳосили, ц/га	Шу жумладан уруғлик пахта ҳосили, ц/га
			N	P	K		
1	С-6524 (назорат)	70-70-60	200	140	100	40,0	21,4
2	ЎзПИТИ-103	70-70-60	180	126	90	40,2	23,6
3	Султон	70-70-60	180	126	90	40,5	22,4
4		70-75-65	180	126	90	42,0	23,7
5	ЎзПИТИ-103	70-75-65	180	126	90	40,0	23,1
6	Султон	70-70-60	220	154	110	42,5	23,7
7	ЎзПИТИ-103	70-70-60	220	154	110	43,8	26,1
8		70-75-65	220	154	110	42,4	25,0
9	Султон	70-75-65	220	154	110	45,2	25,8

Суғориш тартиблари бўйича НСР₀₅ = 1,1 ц/га 2015-2017 йй ўртача
Маъдан ўғит меъёрлари бўйича НСР₀₅ = 1,8 ц/га 2015-2017 йй ўртача

Хулоса. Уруғлик учун етиштирилган Султон ғўза навини тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да, ЎзПИТИ-103 ғўза навини тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да суғоришда ва иккала ғўза навларини минерал ўғитлар билан N-220, P-154, K-110 кг/га меъёрда озиклантириш мақбул эканлиги аниқланиб, ҳосилдорлик Султон ғўза навида 45,2 ц/га ни, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 25,8 ц/га ни, ЎзПИТИ-103 ғўза навида 42,8 ц/га ни, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 26,1 ц/га ни ташкил этганлигини қайд этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data.pdf>
2. <https://www.statista.com>
3. <https://www.statista.com/statistics/259489/worldwide-production-of-cottonseed/>

УЎК: 581.143:504: 633.111.1 (043.3)

КУЗГИ БУҒДОЙ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ШЎРЛАНИШ ОМИЛИ ТАЪСИРИНИ ТУРЛИ СПЕКТРАЛ ИНДЕКСЛАР ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ

Р.Р. Мадаминов, PhD, Хоразм Маъмур академияси, Хива

Аннотация. Дунёда сўнги йилларда экинларнинг ривожланиш фазаларидаги ўзгаришларини кузатиб бориши ва турли стресс омиллар таъсирини баҳолашда масофадан зондлаш ва геоахборот тизимларини қўллаш тобора ривожланиб бормоқда. Соҳа йўналишида олимлар томонидан ишлаб чиқилган вегетация индекслари экинлар ҳолатини, ривожланиш босқичларини, биомасса ва ҳосилдорликни, шунингдек сув ва озуқа элементлари билан боғлиқ стресс вазиятларни кузатиш ва мониторинг қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Мазкур мақолада ҳам кузги буғдой ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига шўрланиш омилнинг таъсири сунъий йўлдошлардан олинган маълумотлар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: кузги буғдой, ноқулай омиллар, вегетация, геоахборот тизимлари (ГАТ), масофадан зондлаш технологиялари, спектрал индекслар, Вегетация индексининг нормаллашган фарқи (NDVI)

Аннотация. В последние годы во всем мире развивается использование систем дистанционного зондирования (ДЗ) и геоинформационной системы (ГИС) для мониторинга изменений фаз развития сельскохозяйственных культур и оценки воздействия различных стрессовых факторов. Вегетационные индексы, разработанные учеными в этой области, широко используются при наблюдении и мониторинге состояния сельскохозяйственных культур, стадий развития, биомассы и продуктивности, а также стрессовых ситуаций, связанных с водой и питательными веществами. В этой статье также анализируется влияние фактора засоления на рост и развитие растений озимой пшеницы с использованием данных дистанционного зондирования.

Ключевые слова: озимая пшеница, неблагоприятные факторы, растительность, географические информационные системы (ГАТ), технологии дистанционного зондирования, спектральные индексы, нормализованный относительный индекс растительности (NDVI)

Abstract. In recent years, the use of remote sensing (RS) and geographic information systems (GIS) in observing changes in crop development phases and assessing the impact of various stress factors has been developing around the world. Vegetation indices developed by scientists in the field are widely used in the observation and monitoring of crop conditions, stages of development, biomass and productivity, as well as stress conditions related to water and nutrients. In this article the effect of salinity on the growth and development of winter wheat is analyzed using satellite data.

Key words: winter wheat, unfavorable factors, vegetation, geographic information systems (GAT), remote sensing technologies, spectral indices, Normalized Difference Vegetation Index (NDVI)

Кириш. Буғдой дунёда бошқа озиқ-овқат экинларига қараганда кенгроқ майдонларда етиштирилади. 2017 йилда 730 млн. тонна буғдой етиштирилган бўлса, 2019 йилга бу кўрсаткич 766 млн. тоннагача етиши режалаштирилган эди [1]. 1960 йилдан бери буғдой ва бошқа донли экинларни ишлаб чиқариш дунё бўйича уч баробарга кўпайди ва XXI аср ўрталарига келиб бу янада ошиши кутилмоқда [2]. Буғдой углеводларнинг муҳим манбаи ҳисобланади ва бошқа донли экинларига қараганда кўпроқ оксил микдорига эгаллиги туфайли инсонлар кунлик озуқа рационада муҳим ўрин тутди [3].

Буғдой ўсимлиги ташқи омилларга таъсирчандир. Жумладан, тупроқ шўрланиши, сув танқислиги ва ҳарорат меъёридан ортиқ ёки паст бўлиши буғдой ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади [4]. Ўсимликда барча физиологик жараёнларнинг нормал кечиши ва жадал ўсиб ривожланиш кузги буғдойдан юқори ҳосил олишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўсиш ва ривожланиш жараёнлари бир бирига боғлиқ. Фақат бақувват, соғлом ўсган ўсимликларгина яхши ривожланади ҳамда юқори ҳосил шаклланади [5].

Тупроқ шўрланиши ўсимликларга, жумладан кузги буғдойга асосан учта жиҳатдан таъсир қилади: биринчиси – осмотик стресс, сув қабул қилинишини камайтиради; иккинчиси – ион стресси; ва учинчиси хужайра ион мувозанатидаги ўзгаришлар [6]. Шўрланиш физиологик жиҳатдан кўплаб жараёнларга таъсир кўрсатади, лекин хужайра ўсишининг сустлашиши ва барглар майдони кичрайиши, шунингдек биомасса ва ҳосилдорликнинг камайиши энг эътиборлилари ҳисобланади. Буғдой шўрланишга нисбатан ўртача чидамлилик даражасига эга [7].

Тупроқ шўрланиши электр ўтказувчанлиги бўйича 4,5 dS/m дан ошганда уруғлар униб чиқишига таъсири кузатила бошлайди, 8,8 dS/m да буғдой ўсимлиги униб чиқиши 50% га камайди [8].

Тупроқ шўрланиши поялар нормал ривожланиши ва яшовчанлигига таъсир қилади ҳамда бирламчи ва иккиламчи поялар сонини камайтиради. Электр ўтказувчанлиги 7,5 dS/m га тенг бўлган шўрланиш буғдойнинг иккиламчи тупларини йўқ қилади ва асосий туплар сонини камайтиради. Шўрланиш илдизнинг ўсишига одатда камроқ таъсир кўрсатади ва ҳатто шўрланиш паст даражадан ва ўрта даражага кўтарилганда янада ривожланиши мумкин [9].

Ўсимликларга шўрланиш омилнинг таъсирини масофадан зондаш технологиялари ёрдамида таҳлил қилиш бўйича кейинги даврларда бир қатор изланишлар амалга оширилиб,

соҳа бўйича анча ютуқларга эришилмоқда. Мазкур технология кишлок хўжалигида, жумладан, тупроқни хариталаш (тупроқ қоплами ва ердан фойдаланишни ўз ичига олган ҳолда), кишлок хўжалиги ресурсларини тадқиқ қилиш, метеорологик хавфларни назорат қилиш ва асосийси экинлар ҳолатининг мониторинги ҳамда ҳосилдорлигини башорат қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда [10].

Яшил ўсимлик барглари одатда ўсимликнинг фотосинтетик ва қўшимча пигментлари орқали кучли нур ютиши туфайли спектрнинг кўзга кўринадиган ҳудудларида (яъни 400 дан 700 нмгача) жуда кам нур қайтаради. Аксинча, нур қайтариш ва ўтказиш яқин-инфракизил ҳудудларда юқори бўлади (ЯИК, 700 дан 1300 нм), чунки бу частотадаги нурлар субҳужайра бирликлари ва пигментлар томонидан жуда кам ютилади ва шунингдек, мезофилл деворида қобикларида сезиларли даражада тарқатилади. Кўзга кўринадиган ва ЯИК тўлқин узунлиги ўртасидаги акс эттириш хусусиятларининг кескин хилма-хиллиги маданий ва табиий ўсимликларни мониторинг қилиш ва бошқариш учун масофадан объектларни ўрганишнинг имкониятини оширади [11].

Ўсимликнинг стрессга учраши ёки қулай шароитларда ривожланиши одатда каротин ва ксантофиллар каби ўсимлик барги пигментларини ифодаловчи хлорофилнинг паст концентрацияларига сабаб бўлади. Бу эса узунроқ частоталарда (одатда 550 нм атрофида) яшил нур қайтаришни кенгайтириш таъсирига эга ва ўз навбатида, кўзга кўринадиган нур қайтарилишини кучайтиради ҳамда тўқималарнинг хлоротик кўринишига сабаб бўлади [12].

Далада ўсимлик қопламининг спектрал белгилари пухталиқ билан ёритилган шароитда ўлчанган битта яшил баргдан кўра анча мураккаб ва мутлақо ноўхшашдир. Ҳатто, барг спектрал хусусиятлари мавсум давомида нисбатан ўзгармай турса ҳам, тупроқ ва вегетация хусусиятлари ўзгариши ҳамда ўсимликнинг таркибий тузилиши ҳар хил бўлганидан қоплам спектри динамик равишда ўзгариб туради [13]. Вегетация индекслари бутун қоплам спектрларидан яшил ўсимликларни миқдорий аниқлашда жуда содда, шу билан бирга оқилона усулни тақдим қилади [14].



Урганч туманида танлаб олинган майдонлар

— “Умарбек-бухгалтер” фермер хўжалиги
— “Фаррух” фермер хўжалиги

1-расм. Урганч туманида танлаб олинган майдонлар

Вегетация индексларида тупроқ ва ўсимлик спектрлари ўртасидаги асосий фарқлар эътиборга олинади. Нисбат вегетация индекси ($RVI=NIR/Red$) ва вегетация индексининг нормаллашган фарқи [$NDVI=(NIR-Red)/(NIR+Red)$] каби индекслар бошқарув мақсадларида ўсимликлар мавсум давомида ёки ривожланишидаги нотекисликларни аниқлашда яшил биомасса ёки барг сатҳи индексини кузатиш учун миқдорий воситалар зарур бўлганда жуда яхши самара беради [15]. Бироқ, $NDVI$ тупроқ фон ёруғлиги билан боғлиқ айрим чекловларга эга, чунки $NDVI$ турли тупроқ ранглари ва намлик шароитларига таъсирчандир [11].


Тупроқ хоссалари эътиборга олинган вегетация индекси (SAVI) ва модификацияланган SAVI вегетация индеклари намоён бўлишида тупроқ нур қайтариш хусусиятидаги ўзгаришлар таъсирини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган [16].

Тадқиқот объекти ва методлари. Тадқиқотлар 2018 йилда Хоразм вилоятининг Урганч туманида жойлашган “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида амалга оширилди (41.67 шимолий кенглик, 60.65 шарқий узунлик) (1-расм).

Космик методда олинган оригинал спектрал маълумотлар (кўринадиган ва инфрақизил тўлқин узунликлари бўйича 6 та зона маълумотлари), Вегетация индексининг нормаллашган фарқи (NDVI) ва шўрланиш (NDSI, SI, SR) индексларидан фойдаланиб баҳоланади. Ушбу омиллар Landsat 8 сурати фазовий бандлари (1-6) асосида вегетация ва шўрланиш индекслари тегишли формулалар асосида ҳисобланди.

Тадқиқот даврида тупроқ шўрланиши дала кузатувлари ва космик маълумотларни таҳлил қилиш учун космик суратлардан фойдаланилди. Суратларни тайёрлаш ва таҳлил босқичлари R-Studio дастурлаш муҳитида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Юқорида таъкидланганидек кузги буғдойнинг ўсиб ривожланиши ва шўрланиш омилининг таъсири спектрал индекслар ёрдамида таҳлил қилинди. Вегетация ҳолатини баҳолашда Вегетация индексининг нормаллашган фарқи (NDVI) дан фойдаланилди. NDVI вегетация кучли нур қайтарадиган яқин-инфрақизил ва ютиб қолинадиган қизил нурлар ўртасидаги фарқни ҳисоблаш орқали аниқланади. Шунингдек шўрланишнинг кузги буғдойга таъсирини космик суратлар ёрдамида таҳлил қилишда Шўрланиш индексининг нормаллашган фарқи (NDSI), Шўрланиш индекси (SI) ва Шўрланиш нисбати каби спектрал индекслардан фойдаланилди. Мазкур кўрсаткичлар -1дан 1 гача бўлган қийматда ўзгаради.




2-расм. Урганч тумани “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликлари NDVI кўрсаткичлари схематик харитаси

Тадқиқот натижаларига кўра, “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида NDVI кўрсаткичи февралда 0,241 – 0,129, мартда 0,535 – 0,147, апрелда 0,723 – 0,211 ва майда 0,769 – 0,416 га тенг бўлган. Мазкур ҳудудда NDVI кўрсаткичи бўйича кузги буғдой ҳолати февраль ва март ойларида жуда кам, баъзи жойларда ўртача бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Фақат март ойида “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида вазият яхшироқ бўлиб,

вегетация ҳолати юқори бўлганлиги аниқланди. Апрельга келиб “Фаррух” фермер хўжалигида ҳам ўсимликлар ҳолати яхшилангани кузатилди. Май ойида иккала фермер хўжаликларида ҳам вегетация жуда юқори бўлганлиги кузатилди (2-расм).

NDSI кўрсаткичи 0 дан -1 гача пасайиб бориши билан шўрланиш таъсири ҳам камайиб боради. Аксинча, кўрсаткич 0 дан 1 гача юқorigа кўтарилиб бориши билан шўрланиш таъсири ҳам ортиб боради.


Олинган натижаларга асосан тадқиқот майдонларида NDSI кўрсаткичи феврал ойида -0,129 – -0,241, мартда -0,147 – -0,535, апрелда -0,211 – -0,723 ва майда -0,416 – -0,769 ни ташкил қилди. Ушбу натижалардан кўриниб турибдики, тадқиқот майдонларида феврал ойи учун NDSI ҳолати асосан юқори кўрсаткичга эга. Бу эса шўрланиш таъсири кучли бўлганлигини англатади. Март ойига келиб “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида ҳолат яхшиланган. Кейинги ойларга келиб зарур агротехник тадбирлар амалга оширилганлиги сабабли ўсимликларга шўрланиш омили таъсири анча камайганлигини кузатишимиз мумкин (3-расм).




3-расм. Урганч тумани “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликлари NDSI кўрсаткичлари схематик харитаси

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Урганч тумани “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида SI қийматлари февралда 0,232-0,130 оралиғида бўлганлиги аниқланди. Март ойида энг юқори кўрсаткич 0,238, энг паст кўрсаткич 0,064 ни ташкил қилди. Апрельда бу кўрсаткичлар 0,174-0,092 оралиғида бўлган бўлса, май ойига келиб максимум 0,201, минимум 0,116 бўлганлиги қайд қилинди.

“Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликлари майдонларида феврал ойи учун SI кўрсаткичи асосан юқори бўлганлиги кузатилди. Март ойида ҳам “Фаррух” фермер хўжалиги учун жуда юқори бўлган бўлса, “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида SI кўрсаткичлари нисбатан камроқ эканлиги аниқланди. Апрель ойига келиб ушбу ҳолат ўзгариб “Фаррух” фермер хўжалиги даласининг аксар жойларда кўрсаткичлар ошган бўлса, “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида ўртача паст кўрсаткичлар кузатилди. Май ойида ушбу кўрсаткич иккала фермер хўжалигида ҳам паст бўлганлиги кузатилди. Бу ерда ҳам NDSI каби SI кўрсаткичларининг паст бўлиши шўрланиш омили таъсири кам бўлганлигидан далолат беради (4-расм).



4-расм. Урганч тумани “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликлари SI кўрсаткичлари схематик харитаси



5-расм. Урганч тумани “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликлари SR кўрсаткичлари схематик харитаси

Тадқиқотлар давомида SR индексининг энг юқори кўрсаткичи февралда -0,146 ва энг паст -0,276, мартда энг юқори -0,157 ва энг паст -0,553, апрель ойида энг юқори -0,242 ва энг паст -0,737 ҳамда май ойида эса энг юқори -0,452 ва энг паст кўрсаткич 0,779 ни ташкил қилди. Бу ерда ҳам дастлабки ойда кўрсаткичлар анча юқори бўлганлигини кузатишимиз мумкин.

Март ойида “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида вазият яхшиланганлигини, ҳамда қолган ойларида эса иккала фермер хўжалигида ҳам шўрланиш омили таъсири камайганлигини кузатишимиз мумкин (5-расм).

Хулосалар

Тадқиқот иши доирасида кузги буғдой ривожланишига шўрланиши омилининг таъсири спектрал индекслар асосида таҳлил қилинди ҳамда тадқиқот майдонларида вегетация ҳолати ва унга таъсир қилувчи шўрланиш омили таҳлил қилинган спектрал индекслар ёрдамида баҳоланди. Унга кўра шўрланиш омили таъсири остида кузги буғдой кўрсаткичлари ва спектрал индекслар қийматлари орасида ижобий корреляцион боғлиқлик қайд этилди. Яъни, тадқиқот майдонларида шўрланиш индекслари қанча юқори бўлса шўрланиш таъсири ҳам кучли бўлганлигини ва Вегетация индексининг нормаллашган фарқи кўрсаткичлари камлигини кўришимиз мумкин. Ва аксинча, шўрланиш индекслари қанча кам бўлган пайтда далада вегетация ҳам яхшиланганлигини кузатишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. FAO of the United Nations. Statistics Division (FAOSTAT). Crops, World Total Wheat Area Harvested. 2014. – P. 28.
2. Godfray H.C., Beddington, J.R., Crute I.R., Haddad L., Lawrence D., Muir J.F., Pretty J., Robinson S., Thomas S.M., Toulmin C. Food security – the challenge of feeding 9 billion people. // Science. 2010. – Vol. 327 (5967). – P. 47-60.
3. Shewry P.R., Hey S.J. Review: The contribution of wheat to human diet and health // Food and Energy Security. 2015. – Vol. 4. – P. 178–202.
4. Азизов Б.М. Формирование урожая озимой пшеницы при разных режимах орошения // Научные основы развития хлопководства и зерноводства в фермерских хозяйствах. – Ташкент, 2006. – С. 84-89.
5. Атабаева Х.Н., Азизов Б.М. Буғдой. – Тошкент: Фан, 2008. –Б. 136
6. Бекназаров Б.О. Ўсимликлар физиологияси. Тошкент. Алоқачи. 2009. – Б. 470.
7. Романов Г.А. // Физиология растений. 2000. – Т. 47. – № 3. – С. 343-353.
8. Longnecker N., Kirby E.J., Robson A. Leaf emergence, tiller growth, and apical development of nitrogen-deficient spring wheat // Crop Sci. 1993. – Vol. 33. – P. 154-160.
9. Martius C., Lamers J., Wehrheim P., Schoeller-Schletter A., Eshchanov R., Tupitsa A., Khamzina A., Akramkhanov A., Vlek P. Developing sustainable land and water management for the Aral Sea Basin through an interdisciplinary research. // Water in agriculture, ACIAR Proceedings Canberra. Australia. 2004. – P. 81-93
10. Гребень А.С., Красовская И.Г. Анализ основных методов прогнозирования урожайности с помощью данных космического мониторинга, применительно к зерновым культурам степной зоны Украины. // Радіоелектронні і комп'ютерні системи. 2012, вып. №2 (54), – С. 170-180.
11. Shi Z. Modeling of Cotton Yields in the Amu Darya River Floodplains of Uzbekistan Integrating Multitemporal Remote Sensing and Minimum Field Data // Agronomy Journal. 2007. – Vol. 99 (5). – P. 1317–1326.
12. Choudhury B.J. Relationships between vegetation indices, radiation absorption, and net photosynthesis evaluated by a sensitivity analysis // Remote Sensing of Environment. 1987. – Vol. 22 (2). – P. 209–233.
13. Silleos N.G., Alexandridis T.K., Gitas I.Z., Perakis K. Vegetation Indices: Advances Made in Biomass Estimation and Vegetation Monitoring in the Last 30 Years // Geocarto International. 2006. – Vol. 21. – P. 21-28.
14. Guo X., Zheng Y., Olfert O., Brandt S., Thomas A., Weiss R., Sproule L. Evaluation of Remote Sensing Approaches to Monitor Crop Conditions under Specific Input Levels and Cropping Diversity // Int.J.Remote Sens. 2014. – Vol. 16, - P. 869-894.
15. Bannari A., Morin D., Bonn F., Huete A.R. A review of vegetation indices. Remote Sensing Reviews. 1995. – Vol. 13 (1–2). – P. 95-120.
16. Huete A.R. A Soil-Adjusted Vegetation Index (SAVI) // Remote Sensing of Environment. 1988. – Vol. 25(3). – P. 295-309.

УЎТ: 633·511:631·4:631·521

ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИГА БОҒЛИҚ РАЙОНЛАШТИРГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИ

Б.С. Мамбетназаров, проф., Қорақалпоқ давлат унтверситети, Нукус
Ж.Б. Отеулиев, мустақил тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат унверситети, Нукус

Аннотация. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ва шимолий ҳудудларида “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” ўрта толали пахта навларини парваршилашда сув ресурсларини тежаши ва суғориш тартиблари ишлаб чиқилган. “Султон” пахта навини суғориш олди тупроқ намлиги чекланган дала нам сизимида нисбатан 80-80-60% да ва даврий

суғориш меъёрин 650-800 м³/га, умумий суғориш меъёрин 3500 м³/га суғорилганда юқори ва сифатли ҳосилдорлик олингани аниқланди.

Калит сўзлар: С-4727, Султон, Чимбой-5018, ЧДНС.

Аннотация. В южных и северных регионах Республики Каракалпакстан разработаны водосберегающие и оптимальные режимы орошения при уходе за средневолокнистыми сортами хлопчатника “С-4727”, “Чимбой-5018” и “Султон”. Установлено, что орошение сорта хлопчатника “Султон” обеспечивало высокие и качественные урожаи при 80-80-60% полевой влагоемкости почвы при ограниченной влажности почвы и 650-800 м³/га орошения и периодического орошения, а также 3500 м³/га общего орошения.

Ключевые слова: С-4727, Султан, Чимбой-5018, ППВ.

Abstract. In the southern and northern regions of the Republic of Karakalpakstan, water resources saving and optimal irrigation regimes have been developed in the care of medium-fiber cotton varieties S-4727, Chimboy-5018 and Sulton. It was found that the irrigation of “Sultan” cotton variety provided high and high-quality yields at 80-80-60% of the field moisture capacity of the soil with limited soil moisture and 650-800 m³/ha of irrigation and periodic irrigation, and 3500 m³/ha of total irrigation.

Keywords: S-4727, Sultan, Chimboy-5018, ChDNS.

Кириш. Кейинги йиллари Қорақалпоғистон ҳудудида 5-6 йилда сув танқислиги бўлмоқда. Сув танқислиги йиллари қишлоқ хўжалиги экинларининг оқар сув билан таъминланиши 30-40 % бўлмоқда ва кўп майдонларда экинларнинг ҳосилдорлиги ва сифатини пасайшига олиб келмоқда. Шу боис, суғориладиган ерларда шўрланган ерлар майдони антропоген таъсирлар натижасида тобора кенгайиб бармоқда.

Ҳозирги кунда кузатилаётган глобал ва маҳаллий иқлим ўзгариши шароитида деҳқончиликнинг сувга бўлган талабин такомиллаштириш, тупроқ хосса - хусусиятларига ташқи омилларнинг таъсирини аниқлашда табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз селекционерлари тамонидан бир қатор тезпишар, тола сифати юқори янги ғўза навлари яратилмоқта ва ишлаб чиқаришга кенг майдонга жорий этилмоқта. Мазкур ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб етиштиришнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга алоқида эътибор қаратиш талаб этилмоқта. Шундан келиб чиқан ҳолда Қорақалпоғистоннинг тупроқ-иқлим шароитида ғўза навларини етиштиришнинг суғориш тартибини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар муҳим аҳамиятли бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Қорақалпоғистон Республикаси ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ва иқлим шароитига мос келадиган районлаштирилган ғўза навларини мақбул суғориш муддатлари ва меъёрларида юқори ва сифатли ҳосил олиш суғориш тизимин ишлаб чиқишда иборат.

Тадқиқот натижалари: Илмий изланишларда Қорақалпоғистон Республикаси шимолий минтақасида “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” ғўза навларининг ҳосилдорлиги тупроқ намлиги ЧДНС дан 70-70-60% бўлган вариантда 2020 йилида “С-4727” ғўза навидан ўртача 26,9 ц/га, “Чимбой-5018” ғўза навидан 29,3 ц/га, “Султон” ғўза навидан 29,3 ц/га ҳосил олиниб, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60% га ўтиши билан пахта ҳосили ортиши кузатилди ва вариантлар бўйича тегишлича 27,9; 30,2; 31,0 ц/га, ҳосил ташкил этди.

“Чимбой-5018” навида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлганда гектаридан 29,3 ц/га ёки “С-4727” навида нисбатан 2,4 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

“Султон” ғўза навининг пахта ҳосили бошқа навларга нисбатан юқорироқ бўлди. Изланиш йилларига мос ҳолда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% бўлган вариантда бу навнинг пахта ҳосили 29,3 ц/га ни ташкил этиб “С-4727” навидан 2,4 ц/га га ортиқ ҳосил олинди. Тупроқ намлиги 70-70-60% дан 80-80-60% гача ортиши билан пахта ҳосили 4,1 ц/га ошганлиги аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўрганилган барча ғўза навларида энг юқори пахта ҳосили суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС дан 80-80-60% бўлганда кузатилган бўлса, навларнинг юқори ҳосилдорлиги бўйича нисбатан яхши натижалар “Султон” навида олинди.

Ўза навларининг ҳосилдорлиги бўйича қўйидаги тартибда жойлаштира бўлади: “Султон” (29,3-31,0 ц/га), “Чимбой-5018” (29,3-30,2 ц/га) ва “С-4727” (26,9-27,9 ц/га).

Бу навларнинг суғориш тартибларини мақбул муддатларда суғориш меъёрларини ғўза навларининг биологик хусусиятига, иқлим шароитига боғлиқ олиб бориш юқори ҳосил олишга имкон берди.

Жанубий минтақада ўрганилган ғўза навлари ҳосилдорлиги суғоришни тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда ўтказилганда йиллар бўйича 1-2-0 тизимда суғорилиб, суғориш меъёрлари 900-1150 м³/га, мавсумий суғориш меъёрлари эса 2810-2940 м³/га бўлганда йиллар бўйича ҳосилдорлик “С-4727” ғўза навидан 27,8 ц/га, “Чимбой-5018” нави бўйича 30,0 ц/га ва “Султон” нави бўйича 31,9 ц/га бўлди.

1-жадвал

Ўтлоқи-аллювиал тупроқларида етиштирилаётган ғўза навларининг суғориш тартибининг пахта ҳосилдорлигига таъсири (2020 й)

Вар. т/р	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Ўза навлари	Шимолий минтақа				Жанубий минтақа			
			Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Ҳосилдорлик, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га	Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Ҳосилдорлик, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га
1	70-70-60	С-4727	0-2-0	2032	26,9	± 0,0	1-2-0	2810	27,8	± 0,0
2	80-80-60	-//-	1-3-0	3015	27,9	+ 1,0	1-4-0	3680	28,4	+ 0,6
3	70-70-60	Чимбой-5018	0-2-0	2300	29,3	+ 2,4	1-2-0	2940	30,0	+ 2,2
4	80-80-60	-//-	1-3-0	2970	30,2	+ 3,3	1-4-0	3900	31,1	+ 3,3
5	70-70-60	Султон	0-2-0	2260	29,3	+ 2,4	1-2-0	2860	31,9	+ 4,1
6	80-80-60	-//-	1-3-0	3000	31,0	+ 4,1	1-4-0	3500	32,5	+ 4,7

Шимолий минтақада НСР=0,65 ц/га, НСР₀₅=2,23.

Жанубий минтақада НСР=0,88 ц/га, НСР₀₅=2,89.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % намликда ўтказилганда ва 5 маротаба суғориш талаб қилиниб, 1-4-0 тизимида суғорилиб, суғориш меъёри 630-890 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 3500-3900 м³/га га тенг бўлди. Юқоридаги суғориш тартибида “С-4727” ғўза нави ҳосилдорлиги 28,4 ц/га ва “Чимбой-5018” ғўза навида 31,1 ц/га ни ва “Султон” ғўза навида 32,5 ц/га ташкил этиб, қўшимча ҳосил вариантлар бўйича 0,6; 3,3; ва 4,7 ц/га ни ташкил этди.

Демак ғўза навлари Қорақалпоғистон худудининг жанубий минтақасида 1-4-0 тизимида суғоришни талаб этиб, шимолий минтақада етиштирилаётган ғўза навларига тақослаганда қўшимча бир-еки мартаба кўп суғоришни талаб этади экан.

Хулоса этиб ёзганда, Қорақалпоғистон Республикаси шимолий ва жанубий минтақаларида ўрганилган барча ғўза навларида энг юқори пахта ҳосили суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60% бўлганда кузатилган бўлса, ғўза навларнинг юқори ҳосилдорлиги бўйича нисбатан яхши натижалар “Султон” навида олинди. Жанубий минтақада даврий суғориш меъёри 600-700 м³/га, умумий суғориш меъёри 3500-3900 м³/га ва 1-4-0 тизимда суғоришни талаб этади, яъни ғўза навларининг суғориш тартиби шимолий минтақага тақослаганда қўшимча бир-еки мартаба суғориш тавсия этилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авлиёкулов А.Э. Гидромодульное районирование и режим орошения культур хлопкового севооборота при интенсивном ведении их в Сурхан-Шерабадской долине. Изд-во “Меҳнат”, Тошкент, 1992. С.120-135.

2. Беспалов Н.Ф., Авлиёкулов А.Э., Ёдгоров А.Х. Ўзани суғориш.-Тошкент: Фан.1984.-48-52.

3. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. – Ташкент, Изд.4, 1973. – С. 1-225
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М.:Агропромиздат, 1985.-с. 1-69.

УЎК 633.511:575.

ЎЗНИНГ ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЦИТОЛОГИК ВА КАРИОЛОГИК ТАВСИФИ

*М.К.Муталова, PhD, ЎзРФА Генетика ва Ўсимликлар Экспериментал Биологияси
Институтини, Тошкент*

Аннотация. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, гўзада хромосома-кариологик маълумотлардан фойдаланилганда, чатиштириш учун жуфтликларни танлаш мумкинлиги, бу эса амалий ва илмий жиҳатдан қизиқарли бўлган янги шакллар пайдо бўлишига олиб келди.

Калим сўзлар: нав, дурагай, кариотип, микроспорогенез, гўза, октоплоид, тетраплоид, хромосома, мейоз, митоз, генетика.

Аннотация. Исследования показали, что при использовании хромосомно-кариологических данных хлопка можно отбирать пары для скрещивания, что привело к появлению новых форм, представляющих интерес как с практической, так и с научной точки зрения.

Ключевые слова: сорт, гибрид, кариотип, микроспорогенез, хлопок, октоплоид, тетраплоид, хромосома, мейоз, митоз, генетика.

Annotation. Studies have shown that when chromosome-karyological data are used in cotton, it is possible to select pairs for crossbreeding, which has led to the emergence of new forms that are both practical and scientifically interesting.

Keywords: variety, hybrid, karyotype, microsporogenesis, cotton, octoploid, tetraploid, chromosome, meiosis, mitosis, genetics.

Кириш: Республикамизда гўза селекциясида хромосомалар тузилишининг хусусиятлари, уларнинг тўпламлари, шунингдек, ушбу ўсимликнинг ҳосилдорлигини ошириш механизмлари ҳақидаги билимларга талаб табора ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, хромосомаларнинг бир-бирига ўхшашлик муаммолари, уларнинг цитологик, кариологик ҳамда генетик хариталарини тузиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этмоқда. Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда селекциянинг анъанавий усуллариини такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон гўза хилма-хиллиги генофондидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берадиган тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили: *Gossypium* L. тури кариологиясининг кенг қамровли ва аҳамиятли изланишларидан бири бу Е.П.Раджаблининг илмий ишларидир. Унинг изланишлари натижасида *Gossypium* L. турининг барча секцияларидан ёввойи ва маданийлашган яъни диплоид ва тетраплоидларнинг 10 та туридаги гўза хромосомаларининг морфологияси ўрганилган. Биринчи мартаба Е.П.Раджабли ўз тадқиқотларида гўза хромосомаларини морфологиясига кўра, классификациялашни амалга оширади ҳамда уларни географик тарқалиши билан боғлайди [4].

М.Ф Санамьян [5] ўзанинг 20 та янги гомозиготали транслокацияли линияларини олган. Ушбу тўпламнинг хромосомалараро алмашинувининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у гетеро ва гомозигота ҳолатида яратилган бўлиб, бир қатор гўза хромосомалари ва уларнинг моносомаларини аниқлашда маркер сифатида қўлланилишига имкон берган .

Ахмедов М.Б. [1] ўзанинг *Gossypium* L. нинг 27 тури ва 14 кенжа турларининг митотик хромосомаларини ўрганган ва хромосомалар таҳлилининг такомиллашган услубини яратган. Изланишлар натижасида *Gossypium* L. тури хромосомаларининг морфологияси ва эволюцияси бўйича мажмуавий, кенг қамровли маълумотлар олинган.


Шунга қарамадан, хромосома тадқиқотлари ва хулосаларининг назарий натижаларини амалий селекцияга жорий қилиниши шу пайтгача амалга оширилмаган.

Тадқиқот объекти: ғўзанинг *Magnibracteolata* Tod.секциясига кирувчи тетраплоид турлар *Gossypium barbadense* L., *Gossypium hirsutum* L., *G.tomentosum.*, *G.mustelinum*, *Gossypium hirsutum var.morili*, *G.barbadense ssp.ruderale* турлари, АН-Баяут-2, Бухара-6 навлари, уларнинг F₁ дурагайлари, шунингдек C₁-C₄ ўсимликлари, янги линиялар ва ЎзФА-709 нави.


Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик усуллари, цитологик, хромосома-кариологик усуллар З.П.Паушева [3] методикаси, ҳамда генетик- статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов [2] ва замонавий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари: Хромосома-кариотипик параметрлари бўйича дурагайлаш учун дастлаб, бошланғич ота-она турларини саралаш жараёнидан иборат бўлиб, бунда аввал ота-она турларнинг кариологик таҳлиллари ўрганилади ва хромосомаларнинг морфологик жиҳатдан мос деб аниқланган турлар ажратиб, чатиштирилади, дурагай уруғлар олинади, сўнг колхицин таъсир этирилиб, полиплоидизация жараёни ўтказилади. Ушбу иш кетма-кетликда амалга оширилганда, фертиль полиплоидларни олиш имконини беради.

Тадқиқот натижалари шу кетма кетлик асосида олиб борилиб, октоплоид дурагай комбинациялари олинди, морфологик жиҳатдан таҳлил қилинганда, октаплоид ўсимликларнинг бўйи аксарияти паст, баъзилари ўрта бўйли, баъзида улар пуштсиз, морфологик нотекис, мўрт, ўсимликларининг барглари қалин. Кўпинча тупининг тузилиши ноанъанавий тузилишга эга, баргининг шакли ва юзаси нотекис. Бироқ, баъзи ҳолларда (масалан, 8n = 104) Бухоро -6 (*G. hirsutum*) x *G. barbadense ssp. ruderale* дурагай ўсимликларнинг бўйи 1,2 м. гача етиши, аммо уларнинг ҳосилдорлиги паст, танаси йўғон, пўстлоғи қалин ва мўрт, барглари тўқ яшил, барг пластинкаси қалин, уруғпалласи йирик бўлиши кузатув ва таҳлил натижалари асосида аниқланди.



1-расм. Октаплоидларнинг чигити ва толаси



2-расм C₁ *G. hirsutum* сорт Бухара-6 x *G. barbadense ssp. Ruderale* - метафаза пластинкаси

Октаплоидларнинг ҳар бир вариантыдан 1 тадан 4-5 тагача тўлиқ кўсақлар олинди. (1-расм). Бу хромосома кўрсаткичларига (параметрларига) асосланган башорат қилиш натижасида амалга оширилди ва яхши натижаларга эришилди.

Октаплоидларнинг микроспорогенезини таҳлил қилиш катта қийинчиликлар билан боғлиқлиги, майда хромосомаларнинг ($8n = 104$) кўплиги туфайли ва бўлинувчи оналик микроспораларининг микроскопни кўриш доирасида камлиги туфайли октаплоидлар мейотик хромосома бирлашмаларини ўргана олмадик. Октаплоид хромосомаларни ўрганиш жараёнида биз уларнинг сонини митотик - соматик хужайраларда санаш билан чекландик. (2-расм)


Октаплоидлардан олинган (С-колхицин таъсир этирилган авлод) C_1 дан C_4 гача авлодлари ўсимликларининг хромосомалари ҳисобланганда, уларда тетраплоид даражасига ($2n = 4x = 52$) қайтиши, ўсимликлар авлодлари орасида кариотип тузилишининг барқарорлашуви ва шу билан бирга микроспорогенезнинг меъёрида кечишини тикланиш жараёни кузатилди.

Октаплоид ўсимликлардан олинган C_3 , C_4 дурагайларнинг морфологик тавсифида C_3 *G. hirsutum* var. *morili* x *G. tomentosum* - ўсимликлари ўрта бўйли, баландлиги 80,4 см гача, ҳосил шохлари сони-17,2; Тупининг шакли пирамидасимон, шохланиш типи I-II, чекланмаган. Пояси ўртача тукланган, кучли антацион куйишга эга, биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги (hs) - 6,2. Барглари ўртача, тўқ яшил, панжасимон. Кўсак шакли тухумсимон. Уруғлари тукланган. Кўсагидаги чаноқлари сони - 4-5 тани ташкил этади.

Дурагайлаш, экспериментал полиплоидия, шунингдек ғўзанинг янги барқарор шакллари, линиялари, кейинги авлодларда кариотипларни барқарорлаштириш жараёнида юзага келадиган кариотипик ўзгаришлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун биз аввал ота-она, кенжа турларнинг кариотиплари тўғрисидаги маълумотларини келтирамиз.

Бошланғич манба сифатида *G. tomentosum*, *G. mustelinum*, *G. hirsutum* var. *morili*, *G. hirsutum* L. сорт АН-Баяут-2, Бухара-6 нави, *G. barbadense* ssp. *rudemale*, ҳамда *G. barbadense* ssp. *vitifolium* var. *brasilense* турларидан фойдаландик. Ғўзанинг барча бошланғич манбалари *Gossypium* L. турининг *Magnibracteolata* Tod. секциясига киради, буларнинг барчаси $2n=4x=52$ хромосома тўпламига эга.

АН-Боёвут-2 навининг кариотипига ($2n = 4x = 52$) 12 жуфт метацентрик, 13 жуфт субметацентрик ва 1 жуфт акроцентрик хромосомалар киради. 2-чи жуфт узун акроцентрик хромосомалар, 6-жуфт узун субметацентрик, 10-жуфт ўрта субметацентрик хромосомалар ва мавжуд 20-жуфт қисқа субметацентрик хромосомалар, йўлдошлилари - атиги 4 жуфт йўлдош хромосомали. АН-Боёвут-2 ғўза навининг диплоид тўпламидаги барча хромосомаларнинг умумий узунлиги 138, 84 + 2,5 мкмга тенг. Битта хромосоманинг ўртача узунлиги 2,67 мкмга тенг келади. (3-расм)



а




б

3-расм. Бу ерда а- АН-Боёвут-2 навининг хромосома идиограммаси, б - хромосомалар идиограммасининг схемаси. (*G. hirsutum* L.) ($2n=4x=52$)

Турлараро F_1 дурагайларнинг кариотипларининг баъзи характерли таркибий хусусиятларининг қисқача таҳлилин келтириб ўтамиз.

4-расм (а, б) дан кўриниб турибдики, F_1 *G. mustelinum* x *G. tomentosum* кариотипидаги хромосомалар жойланиши “соф” турлардаги каби (3-расм) поғоналар узунлиги бўйича “биртекис” эмас. Хромосомаларнинг, яъни идиограмма тузилишининг босқичма-босқич бузилиш хусусияти ушбу кариотипга хосдир. Бизнинг тадқиқотимиздаги бошқа барча F_1 дурагайлари ҳам узунлиги бўйича “биртекис” поғоналарга (градация) эга бўлмади. Идиограмманинг бу шакли ва чўккилари (контурлари) ушбу дурагай хромосомаларининг морфометрик кўрсаткичларига ўхшаш бир нечта морфометрик параметрларга кўра,

гуруҳланганлигини кўрсатди. Идиограммада хромосомаларнинг жойлашишининг бундай кўриниши, эҳтимол мейозда конъюгациянинг, шу жумладан мейотик жараённинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.




а

б

4-расм. а- F_1 *G.mustelinum* x *G.tomentosum* хромосомаси идиограммаси, б- хромосома идиограммасининг жойлашиш нуқталари (контур)

Шундай қилиб, *Magnibracteolata* Tod. секцияси мансуб турлар иштирокидаги турлараро F_1 дурагай кариотипларининг тузилишини таҳлили шуни кўрсатадики, барча F_1 дурагайларда улар учун хос бўлган кариотип хромосома идиограммасининг ўзига хос "расми" (жойлашиш нуқталари, контурлари) билан бир қаторда, хромосомаларнинг идиограммаси узунлиги бўйича бир текисда тақсимланиши, турлар, кенжа турларга ва бошқаларга хос тўғри ва текис каби хусусиятлари йўқлигини кўрсатди. (5-расм).



5-
расм.
 F_1

G.mustelinum x *G.tomentosum* дурагайининг кариограммасини (хромосомалари идиограммаси жойлашиш нуқталари) бошланғич турларнинг кариограммалари билан таққослаш.

Magnibracteolata Tod. секциясига оид F_1 ўсимликларда хромосомаларнинг морфологиясида ўхшаш гуруҳлар мавжудлиги аниқланди. Ҳар бир F_1 ўсимликлари учун ўхшаш хромосомалар сони фақат ушбу ўсимликларга хос миқдорий кўрсаткичларга эга. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, биринчи авлод турлараро дурагайларнинг кариотиплари барқарор эмас, улар F_2 авлодидан бошлаб барқарор бўлишни бошлайди. F_1 дурагайларнинг кариотип таҳлиллари шуни кўрсатадики, F_1 - барча дурагайларда хромосомалар сонининг (аллополиплоидия) икки баравар ортиши орқали ижобий натижаларга эришилди.

F_1 дурагайларида мейоз жараёни кўп ҳолларда меъёрида кечади. F_1 дурагайларида чанг дончаларининг етилганлик миқдори юқори, демак мейоз жараёнидаги кичик хатоликлар чангнинг тўлиқ ривожланишига таъсир қилмайди.

Бошланғич турлар, турлараро F_1 дурагайлар, аллополиплоидлар ҳамда аллополиплоидлардан олинган ўсимликлар ҳар йили ўсув даврининг охирида таҳлиллар асосида, тавсифлаб борилди. Ушбу турлар, кенжа турлар ўртасида олинган F_1 дурагайлари кўп белгилари бўйича бир - биридан фарқ қилади. Биринчи авлод дурагайлари морфологик жиҳатдан турлича. Улар тезпишарлиги, баргининг ҳажми ва шакли, зичлиги, катталиги, биринчи ҳосил шоҳидаги бўғин оралиғи ва қўсақларининг ҳажми каби белгилари билан ҳар

бир дурагай комбинациялари бир-биридан фарқ қилади. Дурагай ўсимликлар яхши ривожланади ва мева тўплайди.

Бундан ташқари, биз томонидан мукамаллаштирилган усулдан фойдаланилганда F₁ дурагай ўсимликларини етиштириш истисно қилинади. Олиб борилган тадқиқот натижалари ва таҳлилларига кўра, октаплоид (8n = 104) хромосома тўплами *Gossypium* L. тури учун полиплодиянинг чегараланган даражаси эканлигини тасдиқлаган тадқиқотчиларнинг фикрларига тўла мос келади.

Хулоса: Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, ғўзада хромосома-кариологик маълумотлардан фойдаланилганда, частиштириш учун жуфтликларни танлаш мумкинлиги, бу эса амалий ва илмий жиҳатдан қизиқарли бўлган янги шакллар пайдо бўлишига олиб келди.

Октаплоидлар (8n = 104) яна тетраплоид даражасига (4n = 52) қайтгандан сўнг, *G.hirsutum* x *G.tomentosum*, *G.mustelinum* x *G.tomentosum*, *G.barbadense* x *G.tomentosum* ва бошқа дурагайларда микроспорогенездаги хатоликлар камроқ эканлиги аниқланди.

Ўзанинг хромосома-кариологик маълумотлари асосида олинган янги шаклларни селекция ишларида донор ва навларнинг бошланғич ашёси сифатида қўллаш мумкин деган хулосага келинди.

Фойдаланилган дабиётлар рўйхати:

1. Ахмедов М.Б. Кариофилогенетика некоторых видов хлопчатника. // Автореф.дис. на соис.учен.степени к.б.н. Ташкент, 1983 с. 20
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта: С основами статической обработки результатов исследований. // М., 1985, с. 352
3. Паушева З.Н. Практикум по цитологии растений. // Изд. Колос, 1974. -С. 213-287.
4. Раджабли Е.П. Кариологическое исследование рода *Gossypium*. // Сб.науч.работ Туркменский НИИ селекции и семеноводство тонковолокнистого хлопчатника. 1973, вып. 13. -С. 76-100.
5. Sanamyan M.F., Rahmatulina E.M. Cytogenetic analysis of translocation in cotton // Plant Breed.2003-122, №-6- p.511-516.Ang.f

УЎТ 633.51:575:631.52

***G.BARBADENSE* L. ТУРИГА МАНСУБ ТИЗМАЛАРДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

М.Б.Халикова, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти

Э.У. Матякубова, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти

Аннотация. Ушбу мақолада *G.barbadense* L. турига мансуб ўзанинг жаҳон коллекция намуналари иштирокида яратилган ТТВ-1 ва ТТВ-2 тизмалари ҳозирги кунда кенг экилаётган ингичка толали навларга нисбатан тезпишарлик хусусиятига эгаллиги ва бу тизмаларни амалий селекция жараёнларида дурагайлашга жалб қилиб, республикаимиз шароитига мослашган эртапишар ингичка толали навларни яратишда бошланғич ашё, донор сифатида фойдаланиш мумкинлиги келтирилган.

Калим сўзлар: ғўза, тур, дурагай, эртапишар

Аннотация. В данной статье гребни ТТВ-1 и ТТВ-2 *G. barbadense* L., созданные при участии мировых коллекционных образцов, являются быстрозревающими по сравнению с широко выращиваемыми в настоящее время тонковолокнистыми сортами. материал, донор в создании сортов.

Ключевые слова: хлопок, тур, гибрид, раннеспелый

Abstract. In this article, the combs ТТВ-1 and ТТВ-2 of *G. barbadense* L., created with the participation of global collection samples, are fast-maturing compared to the currently widely grown fine-fiber varieties. material, donor in the creation of varieties.

Keywords: cotton, tur, hybrid, early ripening

Худудларнинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, тола сифати, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги юқори

бўлган ингичка толали ғўза навларини яратиш, уларнинг экин майдонларини кенгайтириш, янги ва истикболли навлари уруғларини кўпайтириш ҳамда етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишни рағбатлантириш механизмини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тамонидан қабул қилинган қарор сабабли [1;1-5-б] Республикамизда ингичка толали навлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологиялари борасидаги илмий-тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Бу йўналишда бир қанча олимларимиз ўз илмий изланишларини туричида ва турлараро дурагайлаш йўналишларини қўллаган ҳолда олиб боришмоқда. Жумладан Х.Сайдалиев, Б.Мамарахимов, М.Халиковалар илмий изланишларида тезпишарликни таҳлил қилиш натижасида гуллагунча ва пишгунча бўлган кунлар оналик сифатида қандай намуна қатнашаётганига боғлиқ бўлишини ва уч маротаба қайта чатиштиришдан олинган беккросс-дурагайларнинг олтинчи-еттинчи бўғинида тезпишар генотипларда самарали танлов олиб бориш имконини беради деб таъкидлашади [2; 96-б.].

Т.Топиволдиев, З.Раҳмановлар (2005) илмий изланишлари натижасида ғўзанинг кўпчилик қимматли-хўжалик белгилари билан эртапишарлик ўртасида тескари ва кечпишарлик билан эса тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлигини аниқлаганлар [3; 78-79-б.].

Н.Э.Чоршанбиев, С.М.Набиевлар тадқиқотлари давомида тезпишарлик билан ҳосил шохларининг сони орасида боғлиқлик йўқлигини, тезпишарлик билан кўсак сони ва ҳосилдорлик ўртасида ўртача салбий боғлиқлик мавжудлигини қайд қилишган [4; 86-88-б.].

МДХда пахтачиликнинг чегараси кўп йиллик ўртача фойдали ҳарорат йиғиндиси 2000⁰ атрофида (дастлабки кўсакларнинг очила бошлаши учун: ўрта толали ғўза навлари учун 1700-1900⁰, ингичка толали навлар учун 2100-2200⁰) бўлган, изочизиқ бўйича шимолий кенгликнинг 37⁰-44⁰ гача боради. У географик, гидрогеологик ҳамда бошқа омилар билан боғлиқ бўлган хилма-хил иқлим ва тупроқ шароитларига эга кенг минтақаларда жойлашган бўлиб, бу ҳол қатъий равишда янги, тезпишар, серҳосил навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб қилади. Чунки, саноат эҳтиёжлари ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, пахтачилик зоналарининг ҳар қайсисидан самарали фойдаланишда мазкур шароитга мослашган ғўза навларини яратиш ва экиш катта аҳамиятга эга.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) даги ғўзанинг жаҳон коллекциясида *G.barbadense* L. турига мансуб юзлаб намуналар мавжуд бўлиб, уларни ҳар томонлама ўрганиш асосида истикболли намуналарни ажратиш ва амалий селекцияда қўллаш бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир. Шу нуктаи назардан ғўза генофондидан тола сифати юқори, маҳсулдор, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли бўлган истикболли *G.barbadense* L. намуналарини ажратиш ва улар асосида янги манбаларни яратиш тадқиқотимизнинг асоси қилиб олинди.

Қуйида *G.barbadense* L. турига мансуб айрим коллекция намуналари ва интрогрессив тизмалар иштирокида олинган тизмаларни қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича ўргандик. Тадқиқотларимиз ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба хўжалигида олиб борилди. Андоза сифатида районлашган Сурхон-14 ингичка толали ғўза нави олинди (1, 2-жадваллар).

Тезпишарлик. Тадқиқотлар давомида тизмаларда кўсакларнинг 50% очилиш даври аниқланди. Унга асосан, андоза Сурхон-14 навида 116,4 кунда 50% кўсакларнинг очилиши қайд қилинди. Тизмаларда бу белги бўйича 112,1-124,2 кун оралиғидаги кўрсаткичлар аниқланди.

Шунингдек, тизмалар орасида андоза навга нисбатан очилиш суръати юқори бўлган ўсимликлар борлиги аниқланди. Яъни Pima S4 намунаси оналик шаклида иштирок этган ТТБ-2 ўсимликлари 112,1 кунда андозага нисбатан эртароқ кўсаклари очила бошлаганлиги қайд этилди. Кўсакларнинг 50% очилиши ТТБ-4 тизмасида 116,6 кунда, ТТБ-1 тизмасида 119,4 кунда, ТТБ-8 тизмасида 119,6 кундан эканлиги аниқланди Шунингдек, ТТБ-6 ўсимликлари

120,1 кунда, ТТБ-3 ўсимликлари 124,2 кунда, ТТБ-5 ўсимликлари 121,0 кунда, ТТБ-7 ўсимликлари 123,6 кунда 50% очилганлиги аниқланди.

Иккинчи йилги тадқиқотларда андоза нав кўсақларининг 50% очилганлиги 114,2 кунда қайд этилган бўлса, тизмаларда бу кўрсаткич 110,7-126,9 кун оралиғида бўлганлиги қайд этилди.

Pima S4 намунаси оналик шаклида иштирок этган ТТБ-2 тизмасининг 50% очилиши 110,7 кунни ташкил этди. Шунингдек, ТТБ-4 тизмаси 50% кўсақлари 112,9 кунда очилди.

Термиз-31 нави оналик шаклида иштирок этган ТТБ-1 тизма ўсимликлари 115,9 кунда, ТТБ-3 тизма ўсимликлари эса 126,9 кунда 50% очилганлиги аниқланди.

Битта кўсақдаги пахта хом-ашёсининг вазни. Ўрганилган тизмаларда битта кўсақдаги пахта хом-ашёсининг вазни 3,3-4,1 г гача, андоза навда эса 3,3 г эканлиги аниқланди.

Pima S4 намунаси, ҳамда Т-5/8 тизмаси иштирок этган тизма ўсимликларида битта кўсақдаги пахта хом-ашёсининг вазни ТТБ-2 тизмасида 3,6 г, ТТБ-4 тизмасида 3,9 г, ТТБ-6 тизмасида 3,5 г, ТТБ-8 тизмасида 3,3 г эканлиги аниқланди.

Термиз-31 нави оналик шаклида иштирок этган ТТБ-1 тизмасида битта кўсақдаги пахта хом-ашёсининг вазни 4,1 г ни, ТТБ-3 тизмасида эса бу белги бўйича кўрсаткич 3,9 г эканлиги қайд этилди. Т-26 тизмаси оналик шаклида келган ТТБ-5 ва ТТБ-7 тизмаларида битта кўсақдаги пахта хом-ашёсининг вазни мос равишда 3,9 ва 3,7 г эканлиги аниқланди.

1-жадвал

G.barbadense L. турига мансуб навлар билан интрогрессив тизмаларни дурагайлаш орқали олинган тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари (2019 й.)

№	Тизмалар	Тизмаларнинг келиб чиқиши	Кўсақларнинг 50% очилиш даври, кун	Битта кўсақдаги пахтанинг вазни, г	Ўсимлик маҳсулдорлиги, г/ўсим.	Тола чиқими, %
1.	ТТБ-2	Pima S4 x T-5/8	112,1	3,6	72,0	35,1
2.	ТТБ-4	--/--	116,6	3,9	79,3	34,9
3.	ТТБ-6	T-5/8 x Pima S4	120,1	3,5	76,3	35,1
4.	ТТБ-8	--/--	119,6	3,3	69,2	34,8
5.	ТТБ-1	Термез 31 x T-26	119,4	4,1	79,0	33,9
6.	ТТБ-3	--/--	124,2	3,9	86,2	35,7
7.	ТТБ-5	T-26xТермез 31	121,0	3,7	97,6	34,2
8.	ТТБ-7	--/--	123,6	3,9	79,9	35,4
9.	Сурхон-14(St)		116,4	3,3	61,4	34,0
ЭКФ _{0,5}			5,8	3,5	4,7	3,9

2-жадвал

G.barbadense L. турига мансуб навлар билан интрогрессив тизмаларни дурагайлаш орқали олинган тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари (2020 й.)

№	Тизмалар	Тизмаларнинг келиб чиқиши	Кўсақларнинг 50% очилиш даври, кун	Битта кўсақдаги пахтанинг вазни, г	Ўсимлик маҳсулдорлиги, г/ўсим.	Тола чиқими, %
1.	ТТБ-2	Pima S4 x T-5/8	110,7	3,5	79,1	34,7
2.	ТТБ-4	--/--	112,9	3,4	82,2	33,9
3.	ТТБ-6	T-5/8 x Pima S4	118,0	3,3	80,5	34,6
4.	ТТБ-8	--/--	116,2	3,2	79,1	34,9
5.	ТТБ-1	Термез 31 x T-26	115,9	4,0	81,2	34,3
6.	ТТБ-3	--/--	126,9	3,6	99,6	34,2
7.	ТТБ-5	T-26xТермез 31	118,1	3,9	113,5	33,9
8.	ТТБ-7	--/--	120,1	3,5	92,4	33,6
9.	Сурхон-14(St)		114,2	3,5	85,8	37,5
ЭКФ _{0,5}			5,1	3,4	4,3	4,6

Кейинги йилги кузатишларимизда битта кўсақдаги пахта хом-ашёсининг вазни андоза навда 3,5 г, тизмаларда 3,3-4,0 г оралиғида бўлганлиги қайд этилди. Бу белги бўйича андозага нисбатан юқори кўрсаткич ТТБ-1 (4,0 г), ТТБ-3 (3,6 г), ТТБ-5 (3,9 г) тизмаларида аниқланди.

Битта кўсагдаги пахта хом-ашёсининг вазни ТТБ-1 тизмасида 3,5 г, ТТБ-3 тизмасида 3,4 г, ТТБ-5 тизмасида 3,3 г, ТТБ-7 тизмасида 3,5 г эканлиги қайд этилди.

Ўсимлик маҳсулдорлиги. Андоза навда ўсимлик маҳсулдорлиги 61,4 г/ўсимликни, тизмаларда 69,2-97,6 г/ўсимликни ташкил этди (5.2-жадвалга қаранг). Барча тизмаларда ТТБ-2 (72,0 г/ўсим.), ТТБ-4 (79,3 г/ўсим.), ТТБ-6 (76,3 г/ўсим.), ТТБ-8 (69,2 г/ўсим.), ТТБ-1 (79,0 г/ўсим.), ТТБ-3 (86,2 г/ўсим.), ТТБ-5 (97,6 г/ўсим.), ТТБ-7 (79,9 г/ўсим.) андозага нисбатан юқори кўрсаткич аниқланди.

Иккинчи йилги тадқиқотларда ўсимлик маҳсулдорлиги андоза навда 85,8 г/ўсим., тизмаларда 79,1-113,5 г/ўсим. кўрсаткичлари орасида бўлганлиги қайд этилди (5.3-жадвалга қаранг). Ўсимлик маҳсулдорлиги ТТБ-3 тизмасида 99,6 г/ўсим., ТТБ-5 тизмасида 113,5 г/ўсим., ТТБ-7 тизмасида 92,4/ўсим. ни ташкил этди ва андоза Сурхон-14 навиға нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этганлиги аниқланди.

Тола чиқими. Андоза навда тола чиқими 34,0%, тизмаларда эса бу белги бўйича 33,9-35,7% кўрсаткичлари орасида бўлганлиги аниқланди (5.2-жадвалга қаранг).

Тола чиқими Pima S4 x T-5/8 қатнашган ТТБ-2 тизмада 34,7%, ТТБ-4 тизмада 33,9%, ТТБ-6 тизмада 34,6%, ТТБ-8 тизмада 34,9% эканлиги аниқланди. Термез 31 нави ва T-26 тизмаси иштирок этган тизмаларда эса тола чиқими ТТБ-1 тизмасида 34,3%, ТТБ-3 тизмасида 34,2%, ТТБ-5 тизмасида 33,9%, ТТБ-7 тизмасида 33,6% ни ташкил этганлиги қайд қилинди.

Тадқиқотлар давомидаги натижаларга асосланиб Pima S4 ва Термез-31 нав намуналари ҳамда интрогрессив тизмалар иштирокида олинган тола сифати бўйича Ia, Ib типларга мансуб бўлган ТТБ-1 ва ТТБ-2 тизмалари станцион нав синовиға тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ғўзанинг жаҳон коллекция намуналари иштирокида яратилган ТТБ-1 ва ТТБ-2 тизмалари ҳозирги кунда кенг экилаётган ингичка толали навларга нисбатан тезпишарлик хусусиятиға эға. Бу тизмаларни амалий селекция жараёнларида дурагайлашға жалб қилиб, республикамиз шароитиға мослашган эртапишар ингичка толали навларни яратишда бошланғич ашё, донор сифатида фойдаланиш мумкин

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг “Ингичка толали пахта навлари етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида” ги 47-сонли қарори. //Тошкент, -2020-йил 30- январ. -Б. 1-5.

2. Сайдалиев Х., Мамарахимов Б., Халикова М. //Ўзанинг турлараро дурагайларидаги белгиларнинг шаклланишиға тақрорий чатиштиришнинг таъсири. -Тошкент, 2015. -Б. 96.

3. Топволдиев Т., Раҳмонов З.Ўзанинг F₂ ўсимликларида эртапишарлик белгиларини корреляцион боғланишлари. “Ўза ва бошқа кишлок хўжалик ўсимликларида тезпишарликни ҳамда мосланувчанликни эволюцион ва селекцион қирралари” номли халқаро илмий конференция тўплами. -Тошкент, 2005. -Б. 78-79.

4. Чоршанбиев Н.Э., Набиев С.М. Янги ингичка толали ғўза навларининг қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш. “Ўза ва бошқа кишлок хўжалик ўсимликларида тезпишарликни ҳамда мосланувчанликни эволюцион ва селекцион қирралари” номли халқаро илмий конференция тўплами. -Тошкент, 2005. -Б. 86-88.

УЎК.633.511:631.55.

МАҲСУЛДОРЛИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЯХШИЛАШДА ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ УСЛУБЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ САМАРАДОРЛИГИ

А.Қ. Юсупов, кичик илмий ходим, ПСУЕАИТИ, Тошкент

Ш.Э. Намазов, қ.х.ф.д., проф., ПСУЕАИТИ, Тошкент

С.К.Матёқубов, катта илмий ходим, қ.х.ф.ф.д., ПСУЕАИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада оддий ва мураккаб дурагайлаш услубларининг маҳсулдорлик ва унинг таркибий қисмларини яхшилашдаги қиёсий самарадорлиги бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар таҳлил қилинган. Изланишлар асосида мураккаб дурагайлаш услуби оддий дурагайлашға нисбатан ўрганилган белгилар орасидан бир дона кўсагдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни юқори бўлган селекцион ашёларни ажратиш олишда самараси юқори эканлиги аниқланган.

Калим сўзлар: Ғўза, оддий дурагай, мураккаб дурагай, маҳсулдорлик, бир дона кўсак вазни, 1000 дона чигит вазни, гетерозис, генотип.

Аннотация. В статье анализируются результаты исследования сравнительной эффективности простых и сложных методов гибридизации в повышении продуктивности и ее составляющих. На основании исследования было обнаружено, что метод комплексной гибридизации более эффективен при различении селекционных гибридов, чем одиночная гибридизация, и при выборе элементов селекции с весом одного тюка хлопка и 1000 тюков веса семян.

Ключевые слова: хлопок, простой гибрид, сложный гибрид, продуктивность, масса одинарных стручков, масса 1000 семян, гетерозис, генотип.

Abstract. In the article described the research results of the comparative effectiveness of simple and composite hybridization methods in improving productivity and its components. It was found that, the composite hybridization method is more effective than simple hybridization, in selection of initial breeding sources with a higher weights of one boll of row cotton and 1000 seeds.

Key words: cotton plant, simple hybrid, composite hybrid, productivity, weight of one boll, weight of 1000 seeds, heterosis, genotype.

Маълумки, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янги ғўза навларининг нафақат тола сифатида, балки маҳсулдорлигига ҳам катта эътибор қаратилади. Бир ўсимлик маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса, ҳосилдорлик ва олинадиган даромад ҳам шунча юқори бўлади. Маҳсулдорликнинг юқори бўлиши унинг таркибий қисмларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ижобий кўрсаткичга эга бўлиши ҳосилдорликни ошишига замин яратади. Яъни, бир ўсимлик маҳсулдорлиги ундаги кўсақлар сони, бир дона кўсақдаги пахта вазни, тола микдори ва 1000 дона чигит вазни белгиларига бевосита боғлиқдир. Ушбу белгиларни ўрганиш борасида кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб борилиши натижасида уларнинг полиген генлар билан бошқарилиши аниқланган [1]. Масалан, М.Холиқованинг таъкидлашича, бир дона кўсақдаги пахта вазни кўпчилик микдорий белгилар каби полиген табиатга эга бўлиб, белгининг дурагайларда ирсийланиши йирик кўсақли ота-она шаклларига хос тарзда бўлади [2]. Шунингдек, ўрганилган F_1 дурагайларида ҳосилдорликни белгиловчи асосий кўрсаткичлар - бир ўсимликдаги кўсақлар сони ва бир дона кўсақдаги пахта вазни юқори кўрсаткичли шаклларга хос полиген тарзида ирсийланиши қайд этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, турли генетик келиб чиқишга эга бўлган ғўза навлари иштирокида яратилган оддий ва мураккаб дурагайларда маҳсулдорлик ва унинг таркибий қисмларини яхшилашдаги қиёсий қиёсий самарадорлигини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилди. Дурагайларда белгиларнинг доминантлик даражаси G.M.Beil ва R.E.Atkins ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича ҳисобланди.

Олинган натижалар бир дона кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича ота-она шакллари ичида нисбатан юқори кўрсаткичлар Омад (5,9 г.), С-9070 (5,8 г.), С-4911 (5,7 г.), энг паст натижа эса, Қирғиз-3 (4,7 г.) навларида эканини кўрсатди.

Бир дона кўсақдаги пахта вазни белгисининг F_1 С-4911 х Ташкент-6, F_1 Оқдарё-6 х Ташкент-6 ва F_1 Қирғиз-3 х С-6532 оддий дурагай комбинацияларида ота-она шаклларига нисбатан юқори бўлиши (тегишли равишда, 6,5 г., 6,3 г. ва 6,1 г.) аниқланди. Белги бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар F_1 Юлдуз × С-6532 (5,1 г.) ва F_1 Қирғиз-3 × Ташкент-6 (5,2 г.) комбинацияларида кузатилди. Бир дона кўсақдаги пахта вазни белгисининг F_1 дурагайларида асосан ижобий оралик ва гетерозис тарзида (фақат F_1 Юлдуз × С-6532 комбинациясида салбий оралик) ирсийланиши аниқланди.

Ўрганилган аксарият мураккаб ғўза дурагайларида ҳам бир дона кўсак вазни белгисининг ўртача кўрсаткичи нисбатан юқори бўлгани аниқланди. Ушбу дурагайлар орасидан F_1 [Омад × (F_1 Оқдарё-6 × Ташкент-6)], F_1 [Омад × (F_1 С-9070 × С-6532)], F_1 [Омад × (F_1 Юлдуз × С-6532)] ва F_1 [Омад × (F_1 С-9070 × Ташкент-6)] комбинациялари бир дона кўсак вазни бўйича энг юқори натижаларни (тегишли равишда, 7,0 г., 7,0 г., 6,8 г. ва 6,6 г.) намоён этишди. Ушбу натижалар мураккаб дурагайлашда оналик шакли сифатида нисбатан йирик

кўсақли Омад нави иштирок этгани билан боғлиқ дейиш мумкин. Бир дона кўсақ вазни бўйича ўрганилган аксарият мураккаб ғўза дурагайларида h_p кўрсаткичининг юқори бўлиши ҳамда гетерозис юз бериши тасдиқланди. Яъни, ўрганилган 10 та мураккаб дурагай комбинациядан 7 тасида ижобий гетерозис ва 3 тасида салбий ҳамда ижобий оралиқ ирсийланиш кузатилди.

Тадқиқотларимизда турли генотипга эга ғўза навлари асосида яратилган F_2 - F_3 дурагайларида белгининг ажралиш жараёни ўрганилди. Олинган натижалар бир дона кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича F_2 дурагайларида ота-она шакллари генотиби, дурагайлаш услуби ва комбинацияларга боғлиқ равишда ажралиш жараёни кечишини кўрсатди. Вариацион қаторнинг 6,1-6,5 ва 6,6-7,0 граммга мансуб синфларида ҳам ўсимликларнинг пайдо бўлиши аниқланди. Нисбатан йирик кўсақли Омад нави билан дурагайлаш орқали яратилган аксарият мураккаб дурагайларда белгининг ўртача кўрсаткичи 5,6-5,9 граммга тенглиги ҳамда иккита, яъни F_1 (Омад × (F_1 Қирғиз-3 × Тошкент-6)) ва F_1 (Омад × (F_1 Қирғиз-3 × С-6532)) комбинацияларида белгининг нисбатан паст бўлиши (5,0 г.) кузатилди. Оддий F_2 С-9070 × Тошкент-6, F_2 Оқдарё-6 × Ташкент-6 ҳамда мураккаб F_2 [Омад × (F_1 Юлдуз × Тошкент-6)], F_2 Омад × (F_1 Оқдарё-6 × Тошкент-6) ва F_2 [Омад × (F_1 Юлдуз × С-6532)] дурагай комбинацияларида белгининг ўртача кўрсаткичи нисбатан юқори (5,8-5,9 г.) бўлди.

Ўзгарувчанлик даражаси ҳам F_2 оддий дурагайларига нисбатан мураккаб дурагайларда юқори бўлиши аниқланди. Вариацион қаторнинг 6,1-6,5 г. дан юқори синфларида йирик кўсақли ўсимликларнинг пайдо бўлиши кузатилди.

Оддий дурагайларнинг кейинги F_3 авлодида бир дона кўсақ вазнининг яхшиланиб бориши, яъни вариацион қаторнинг чап синфларидаги ўсимликларнинг камайиши ҳамда ўнг синфларидаги ижобий трансгрессив шаклларнинг кўпайиши кузатилди. Белги бўйича нисбатан юқори натижа F_3 С-9070 × Тошкент-6 ва F_3 С-4911 × Тошкент-6 комбинацияларида (5,8 г.) аниқланди. Нисбатан майда кўсақли Қирғиз-3 нави иштирокидаги F_3 Қирғиз-3 × С-6532 ва F_3 Қирғиз-3 × Тошкент-6 комбинацияларида эса, паст (5,0-5,1 г.) кўрсаткич қайд этилди. Нисбатан йирик кўсақли Омад нави иштирок этган F_3 Омад × (F_1 Юлдуз × Тошкент-6) ва F_3 Омад × (F_1 Юлдуз × С-6532) комбинацияларининг ўртача кўрсаткичи энг яхши (6,0-6,2 г.) бўлганини таъкидлаш зарур.

Ўзгарувчанлик даражаси F_3 авлодда F_2 дурагайларига нисбатан сезиларли даражада пасайган бўлсада, аввалги авлоддаги қонуният сақланиб қолиши, яъни оддий дурагайларга нисбатан мураккаб дурагайларнинг ўзгарувчанлик даражаси юқори бўлиши кузатилди. Изланишлар асосида мураккаб дурагайлаш услубини қўллаш орқали оддий дурагайлашга нисбатан белги бўйича нисбатан кўпроқ ижобий трансгрессив шаклларни ажратиб олиш натижасида ўртача кўрсаткични яхшиланиб бориши ҳамда белгининг шаклланиши ота-она генотибига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги фикрлар тасдиқланди.

Маълумки, 1000 дона чигит вазни маҳсулдорликни белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Шунинг учун, оддий ва мураккаб дурагайлашнинг ушбу белгини яхшилашдаги самарадорлиги қиёсий ўрганилди. Дурагайлашда иштирок этган навларнинг кўрсаткичлари 117-121 грамм оралиғида экани ҳамда нисбатан паст кўрсаткич С-4911 (117,8 г.), Қирғиз-3 (118,1 г.), Тошкент-6 (118,2 г.) ва С-9070 (118,7 г.) навларида эканлиги аниқланди. Оддий дурагайларда 1000 дона чигит вазнининг ўртача кўрсаткичи 119,8 граммдан (F_1 С-9070 × С-6532) 125,3 граммгача (F_1 Қирғиз-3 × С-6532) оралиғида бўлди. Яъни, F_1 С-9070 × С-6532, F_1 Оқдарё-6 × Ташкент-6, F_1 Оқдарё-6 × С-6532 оддий дурагайларида белгининг ўртача кўрсаткичи бошланғич шакллар даражасида экани, қолган комбинацияларда эса, ота-она шаклларида нисбатан юқорилиги, яъни гетерозис юз бериши аниқланди. Оддий дурагайларда белги бўйича асосан оралиқ ва гетерозис тарзидаги ирсийланиш юз бериши аниқланиб, нисбатан юқори гетерозис F_1 С-9070 × Тошкент-6 комбинациясида ($h_p=17,3$) кузатилди. Мураккаб дурагайларда ҳам 1000 дона чигит вазнининг яхшиланиб бориши кузатилди. Белги бўйича нисбатан юқори натижа F_1 [Омад × (F_1 С-9070 × С-6532)] F_1 [Омад × (F_1 С-4911 × Тошкент-6)] ва F_1 [Омад × (F_1 Оқдарё-6 × Тошкент-6)] комбинацияларида аниқланди.

Оддий F_2 дурагай комбинацияларининг 1000 дона чигит вазни кўрсаткичи ота-она шакллари генотипига боғлиқ равишда турлича бўлиши, аниқланди. F_2 Юлдуз × С-6532, F_2 Юлдуз × Ташкент-6 ва F_2 С-4911 × Ташкент-6 оддий дурагай комбинацияларида нисбатан юқори (тегишли равишда, 122,6; 120,0 ва 119,9 г. натижалар қайд этилди. Белги бўйича ўзгарувчанлик даражаси F_2 Қирғиз-3 × Ташкент-6, F_2 С-9070 × Тошкент-6 ва F_2 Қирғиз-3 × С-6532 комбинацияларида юқори экани аниқланди.

Мураккаб дурагайларда белги бўйича кучли ажралиш жараёни кузатилиб, вариацион қаторнинг ўнг синфларига мансуб ўсимликларнинг пайдо бўлиши ҳамда ўртача кўрсаткичларни яхшиланиб бориши аниқланди. Мураккаб дурагайларда вариацион қаторнинг 120-123 грамм ва 124-127 граммлик синфларида кўплаб ижобий рекомбинантларнинг пайдо бўлиши натижасида 1000 дона чигит вазни ўртача 119,6-120,4 грамм оралиғида бўлди. Белгининг ўзгарувчанлик даражаси оддий дурагайларга нисбатан юқори бўлиши, айниқса, F_2 [Омад × (F_1 Қирғиз-3 × Тошкент-6)], F_2 [Омад × (F_1 Оқдарё-6 × Тошкент-6)] комбинацияларида сезиларли эканлиги кузатилди.

Кейинги изланишларимиз орқали F_3 оддий дурагайлари орасидан F_3 Юлдуз × Ташкент-6 комбинациясида 1000 дона чигит вазни бўйича энг юқори ҳамда F_3 Қирғиз-3 × С-6532 дурагайида энг паст натижа кузатилиб, белги бўйича барқарорлашув юз бериши аниқланди.

Ўрганилган 7 та мураккаб F_3 дурагайларида 6 тасида 1000 дона чигит вазни 120 граммдан юқори экани, яъни йирик чигитга эга ўсимликларни F_2 да танлаш орқали F_3 авлодда белгининг яхшиланишига эришиш мумкинлиги исботланди. Бунга мисол сифатида F_3 (Қирғиз-3 × Ташкент-6), F_3 (Қирғиз-3 × С-6532), F_3 Омад × (F_1 С-4911 × Тошкент-6), F_3 Омад × (F_1 Юлдуз × Тошкент-6), F_3 [Омад × (F_1 Юлдуз × С-6532)] дурагай комбинацияларида белгининг сезиларли равишда яхшиланишини келтириш мумкин. Шунингдек, F_3 мураккаб дурагайларида белги бўйича кенг ўзгарувчанлик юз бериши ҳамда вариацион қаторнинг ўнг томонида яна битта синфга мансуб ижобий трансгрессив шаклларнинг пайдо бўлиши оддий дурагайларга нисбатан мураккаб дурагайларда кўпроқ эканлиги аниқланди. Бу эса, мураккаб дурагайлаш ҳамда мақсадли танлаш орқали 1000 дона чигит вазни юқори бўлган шаклларни яратиш имконияти юқорилигини тасдиқлайди.

Кейинги изланишларимизда мураккаб дурагайлаш услуги орқали ҳосилдорликнинг асосий элементлари ҳисобланган бир дона кўсақдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни бўйича ижобий трансгрессив шаклларни мақсадли танлаш орқали қимматли селекцион оилаларни ажратиб олиш имконияти юқори эканлиги исботланди. Яъни, бир дона кўсақдаги пахта вазни 6-7 граммга тенг О-513-514/16, О-749-550/16, О-880-881/16, О-884-885/16, О-545-546/16, О-561-562/16, О-1509-1510/16 ва О-1033-1034/16 оилалари ҳамда 1000 дона чигит вазни юқори бўлган О-545-546/16, О-1509-1510/16, О-880-881/16, О-561-562/16, О-749-550/16 ва О-513-514/16 оилалари ажратиб олиниб, кейинги изланишларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этилди.

Хулосалар

1. Маҳсулдорликнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган бир дона кўсақдаги пахта вазнининг оддий ва мураккаб дурагайларда ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида F_1 да белгининг асосан оралиқ ва гетерозис ҳолатда ирсийланиши, F_2 - F_3 авлодларда эса, бошланғич шакллар генотипига боғлиқ тарзда кенг миқёсдаги ажралиш жараёни кечиши аниқланди.

2. Тадқиқотлар асосида оддий дурагайлашга нисбатан мураккаб чапиштириш усули қўлланилганда йирик кўсақли ижобий трансгрессив рекомбинантларнинг нисбатан кўпроқ пайдо бўлиши ҳамда уларни танлаш ва авлодини ўрганиш орқали бир дона кўсақ вазнини яхшилаш мумкинлиги тасдиқланди.

3. Оддий ва мураккаб дурагайларда 1000 дона чигит вазнининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини қиёсий ўрганиш асосида F_1 да белгининг оралиқ ва гетерозис тарзида ирсийланиши, F_2 - F_3 кенг ўзгарувчанлик юз бериши ҳамда ажралаётган

авлодлардан ижобий трансгрессив шаклларни танлаш орқали 1000 дона чигит вазни юқори бўлган селекцион ашёларни яратиш мумкинлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ибрагимов П.Ш., Ўрозов Б., Ҳамракулов Ш., Ғўза селекциясида мураккаб дурагайлашнинг аҳамияти: "Селекция ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг муҳим йўналишлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллар// 20-май. Тошкент-2013 йил. 204-б
2. Халикова М.Б., Сайдалиев Х. Биринчи авлод ғўза дурагайларида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг намоён бўлиши. // "Ғўза, беда селекцияси ва уруғчилигини ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий асослари" номли Республика илмий-амалий анжумани тўплами, № 29. ООО "Меҳридарё". Тошкент, 2009. 19-б.
3. Бобоев С.Ғ., Муратов А.Ғ. Ғўзанинг турлараро мураккаб дурагайлаш// - Тошкент. 2017. – С. 126-127.
4. Ибрагимов П.Ш., Аллашов Б.Д., Амантурдиев Ш.Б. F2-F3 ажралувчи авлодларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш жараёни// В сб. "Ғўза, селекциясида мураккаб дурагайлаш" Т., Фан, 2010, С.114.
5. Намазов Ш.Э., Холмуродова Г.Р., Джумаева Г.П., Матёкубов С.К. G.Hirsutum L. ғўза навлари селекциясида турли хил мураккаб дурагайлаш усулларининг самарадорлиги.// Тошкент: "Наврўз" Нашриёти, 2019.-99 б.
6. Садыков П.Т., Ходжа-Ахмедов Э.Ю., Махмудходжаев Т. Состояние селекции хлопчатника на скороспелость. – Ташкент:1992.- С. 59-65.

ЎЎТ: 631.8.68.33.29

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ОРГАНИК ВА МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРИ ҲАМДА ҚЎЛЛАШ УСУЛИГА ҚАРАБ КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Х. Юсупов, қ.х.ф.н., к.и.х., Лалмикор деҳқончилик ИТИ, Жиззах

Б. Хайдаров, қ.х.ф.ф.д., Лалмикор деҳқончилик ИТИ, Жиззах

Н. Юсупов, қ.х.ф.ф.д., Лалмикор деҳқончилик ИТИ, Жиззах

А.С. Муратқасимов, қ.х.ф.н., к.и.х., Лалмикор деҳқончилик ИТИ, Жиззах

Б. Абдихаликова, мустақил изланувчи, Лалмикор деҳқончилик ИТИ, Жиззах

Аннотация. Мақолада лалмикор майдонларнинг ёгингарчилик билан ярим таъминланган текислик қир-адирлик минтақасида галла-шудгор алмашлаб экишининг қисқа ротацияли схемасида тупроқнинг турли қатламларига берилган органик ва минерал ўғитларнинг ротация давомида кузги бугдой ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган микродала тажриба натижалари баён этилган.

Калит сўз: Лалмикор деҳқончилик, алмашлаб экиш, тоза шудгор, органик ва маъданли ўғитлар, об-ҳаво шароитлари, тупроқ намлиги, кузги бугдой, ҳосилдорлик, қўшимча ҳосил, самарадорлик.

Аннотация. В статье приводятся результаты 4^х летних исследований по изучению влияния различных доз органо-минеральных удобрений, внесенных в различные глубины почвы на суммарную урожайность озимой пшеницы сорта "Тезпишар" в звенье зернопарового севооборота с краткой ротацией в условиях полуобеспеченной равнинно-холмистой зоне богары.

Ключевые слова: Богарное земледелие, севооборот, чистая пар, органические и минеральные удобрения, погодные условия, влажность почвы, озимая пшеница, урожайность, прибавка урожая, эффективность.

Abstract. The article presents the results of 4-year studies to study the effect of various doses of organo-mineral fertilizers applied to different depths of the soil on the total yield of winter wheat varieties "Tezpishar" in the link of grain-steam crop rotation with a short rotation in a semi-secure flat-hilly of rainfed land.

Keywords: Rainfed land, crop rotation, pure fallow, organic and mineral fertilizers, weather conditions, soil moisture, winter wheat, yield, yield increase, efficiency.

Республиканинг ўзига хос тупроқ ва об-ҳаво шароитларига эга бўлган лалмикор майдонларда бошоқли дон экинлари шу жумладан кузги бугдой ҳосилдорлигини чегаралаб турадиган асосий факторлардан бири тупроқда минерал озика моддалар, биринчи навбатда

ўсимлик томонидан осон ўзлаштирадиган азотли ва фосфорли моддалар танқислиги ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ўзбекистон Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг марказий минтақаларида жойлашган бўлим ва таянч пунктларида бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг органик ва маъданли ўғитларга талабчанлиги ўрганилган [1:509 б., 2: 289 б., 3: 206 б., 4:309 б, 5:351 б.].

В.В.Егоров [6:79-82 б.], П.Полетаев [7:11-16 б.], маълумотларига кўра, К-701 типдаги тракторнинг далада беш марта юриши оғир тупроқларда, айниқа ортиқча намланган тупроқларда ҳосилдорликнинг 30-50 % га камайишига олиб келади.

Г.Г.Черепанов [8:71 б., 9:62 б] таъкидлашича, қишлоқ хўжалигида энергетик ресурсларни тежашда, сув ва шамол эрозиясини камайтиришда, тупроқни намликни тўплаш ва ҳосилдорликни оширишда тупроққа минимал ишлов бериш муҳим аҳамият касб этади. С.М.Маманиёзов [10:28 б.] маълумоти бўйича сур тусли бўз тупроқларда ялпи азот миқдори ҳайдов қатламида 3.3 т/га ни, М.Ю.Юнусов (1973) маълумотига асосан эса унинг миқдори 2,35 т/га ни ташкил этади.

Кўплаб тажрибалардан маълум бўлишича лалмикор майдонларда органик ва минерал ўғитларнинг самарадорлиги энг аввало атмосфера ёғингарчиликларининг миқдорига, йил давомида қандай тақсимланишига, тупроқнинг унумдорлигига, деҳқончилик маданиятига, ўғитлар меъёрига, қўллаш муддати ва техникасига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради.

Ҳозирги кунда иқлимнинг глобал ўзгариши, барча лалмикор майдонларда тупроқ унумдорлиги ва структурасининг чуқур деградацияга учраганлиги натижасида барча лалми экинлар хусусан янгидан яратилаётган навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўғитлар қўллаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда 2010-2012 йилларда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг тажриба даласида тупроқнинг 0, 10 ва 20 см қатламларига сочма ва лента усулида берилган органик ва минерал ўғитларнинг кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Микродала тажрибада қўлланилган органик ўғитлар таркибида 0.48-0.52 % азот, 40 % фосфор ва 0.60-0.62 % калий, PS агро фосфор ўғитида 12 % азот, 50-55 % фосфор, калий ўғити сифатида 60 % ли калий тузи қўлланилди.

Жадвал

Органик ва маъданли ўғитларни қўллаш усули ва меъёрининг “Тезпишар” кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири (Ғаллаорол микродала тажрибаси)

Вариантлар	Йиллар бўйича ҳосилдорлик			Ўртача ҳосил, ц/га	Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил	
	2010	2011	2012		±ц/га	%
1	Ўғитсиз-назорат			7.3	-	-
2	10 т/га гўнг+ P ₄₀ K ₄₀ ер бетига, сочма + N ₄₀ - туплаш - андоза			10.2	+2.9	140
3	10 т/га гўнг +P ₀ :K ₀ :N ₀ 10 см га. лента усулда			9.7	+2.4	133
4	10 т /га гўнг + P ₂₀ :K ₂₀ - 10 см га, лента усулда + N ₂₀ -туплаш			11.8	+4.5	162
5	10 т/га гўнг +P ₃₀ 0: K ₃₀ - 10 смга лента усулда + N ₃₀ - туплаш			12.2	+4.9	167
6	10 т/га гўнг +P ₄₀ : K ₄₀ - 10 смга лента усулда + N ₄₀ - туплаш			11.7	+4.8	160
7	20 т/га гўнг +P ₀ :K ₀ - 20 см га лента усулида			10.9	+3.6	149
8	20 т/га гўнг +P ₂₀ : K ₂₀ - 20 см.га лента усулда + N ₂₀ - туплаш			11.3	+4.0	155
9	20 т/га гўнг +P ₃₀ : K ₃₀ - 20 см. га + N ₃₀ - туплаш			11.7	+4.4	160
10	20 т/га гўнг +P ₄₀ : K ₄₀ - 20 см.га лента + N ₄₀ - туплаш			10.0	+5.0	148
ЭКФ 0.5 , ц/га,						
		1.8	0.39	0.4		

M,%	5.8	4.2	5.6			
-----	-----	-----	-----	--	--	--

Микродала тажриба бўлакчалари (делянка) ҳажми 10 м² ни (2x5) ташкил этди ва 4 қайтариқда такрорланди. Олинган натижалар Б.А. Доспехов услуги бўйича математик ишловдан ўтказилди.

Об-ҳаво шароитлари. Ғаллаорол агрометеостанцияси маълумотларига кўра тажриба ўтказилган лалмикор минтақада кўп йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори 362 мм ни ташкил этади, ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 7,6 С⁰ ни, нисбий намлиги эса 73 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар 2010 йилда тегишлича 489 мм ни, 10,3 С⁰ ни ташкил этди 2011 йил об-ҳаво шароитлари ўта қурғоқчил келди: Ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёрдан 136 кам, ҳаво ҳарорати 10,4 С⁰, нисбий намлиги эса 57% ни ташкил этди.

Тажриба ўтказилган 2011-2012 қишлоқ хўжалик йилида ёғингарчилик кўп йиллик меъёрга нисбатан 78 мм кам, ҳавонинг ўртача ойлик 10,2 С⁰ ни, нисбий намлиги 58% ни ташкил этди.

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, ўртача уч йилда тажрибанинг ўғитсиз назорат вариантыда олинган кузги буғдой ҳосилдорлиги 7,3 ц/га ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг турли қатламларига берилган маҳаллий ва маъданли ўғитларни қўллаш натижасида ҳосилдорликнинг 10,2 ц/га дан 12,2 ц/га гача ошишини таъминланди.

Ўртача уч йилда гектарига 10 т/га гўнг билан бирга 30 кг/га (соф таъсир этувчи модда) ҳисобида фосфорли ва калийли ўғитларни тупроқнинг 10 см қатламига берилган вариантда кузги буғдойдан олинган қўшимча ҳосилдорлиги гектарига 4,9 центнерни ёки назоратга нисбатан 167% ни ташкил этди. Бу вариантда кузги буғдойнинг туплаш босқичида (март) 30 кг/га ҳисобида аммиакли селитра билан илдиз орқали озиклантирилди.

Шуни қайд этиш лозимки, гектарига 20 т гўнг ва 40 кг дан фосфорли, калийли ҳамда азотли ўғитлар берилган барча вариантларда ҳосилдорликнинг сезиларли даражада пасайиши қайд этилди. Бунинг асосий сабаби шундаки, 2010 йилда ёғингарчиликнинг кўп йиллик меъёрга нисбатан анча кўплиги сабабли кузги буғдойнинг бошоқлаш пайтига келиб ётиб қолиши кузатилди.

Тажриба ўтказилган йилларда тупроқнинг намлик ва озиклантириш тартиботини ўрганиш натижаларига кўра об-ҳаво серёғин келган 2010 йилда кузги буғдойнинг энг маъсул бошоқлаш фазасида тупроқнинг 0-100 см қатламидаги ўсимлик ўзлаштира оладиган физиологик намлик миқдори тажрибанинг ўғитсиз вариантыда 1350-1450 м³/га ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг 10 ва 20 см чуқурлигига 20 т/га органик ҳамда 30-40 кг/га ҳисобида маъданли ўғитлар берилган вариантларда назоратга нисбатан ўртача 250-300 м³/га кўпроқ намлик тўпланганлиги аниқланди.

Маълумки, барча ўсимликлар каби кузги буғдой ҳам азотни нитрат (N-NO₃) ва аммоний (N-NH₄) шаклида ўзлаштиради. Тадқиқотларимизда аниқлашча, тупроқнинг 0-100 см қатламларидаги нитратларнинг энг кўп миқдори (10,0-22,8 мг/кг) 2010 йилда кузги буғдойнинг туплаш босқичида 10 т/га органик ва 30 кг/га дан фосфорли ва калийли ўғитларни тупроқнинг 10 см қатламига ҳамда шунча миқдордаги аммиакли селитра билан озиклантирилган вариантда қайд этилди. Тажрибанинг назорат вариантыда бу кўрсаткич 2,2-5,3 мг/кг ни ташкил этди.

Тажриба натижаларига асосан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Хулосалар

1. Ёғингарчилик билан ярим таъминланган лалмикор минтақада тупроғи эрозияга ўртача чалинган типик сур тусли бўз тупроқлар шароитида атмосфера ёғингарчиликларидан, энергетик ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланишда ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг қисқа ротацияли (4 ва 5 далали) схемаларини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланад;

2. Органик моддалар (гумус) ва азотли ҳамда фосфорли озиқа моддалар билан кам таъминланган типик лалми сур тусли бўз тупроқлар шароитида ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг қисқа ротацияли схемаларида тупроқнинг 10 ва 20 см қатламларига бир марта берилган органик ўғитлар (10, 20 т/га) ва фосфорли ўғитлар (30-40 ц/га) ҳамда кузги

буғдойнинг 30-40 кг/га ҳисобида эрта баҳорда озиклантириш ҳисобига ҳосилдорлик 4-5 ц/га ёки ўғитсиз назоратга нисбатан 100-170% ошади;

3.Тоза шудгорга берилган органик ўғитларнинг гумификация ва минерализация жараёнлари тезлиги ҳамда минерал азот (N-NO₃- N-NH₄) ва фосфорли озика моддаларнинг кузги буғдой томонидан ўзлаштириш дражаси бевосита тупроқ намлиги, ҳарорати ҳамда уларнинг қўллаш усулига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Панников В.В., Минеев В.Г. Почва, климат, удобрение и урожай. Москва, Агропромиздат, 1987, 509 с.
- 2.Уланова Е.С. Агрометеорологические условия и урожайность озимой пшеницы. Гидрометеоздат, С.-Петербург, 1975, 289 с.
- 3.Слухай С.И., Ткачук Ч.С. Оптимизация водного режима и минерального питания озимой пшеницы. Киев, 1978, 206 с.
4. Лавронов Г.А. Богарное земледелие в Узбекистане, Т., 1979, 309 с.
- 5.Доспехов Б.А. Итодика полевого опыта, М., Агропромиздат, 1985, -351 с.
- 6.Егоров В.В.. Наука о почве; ее состояние, дальнейшие задачи. Вестник сельскохозяйственной науки. 1985, №5, ст.79-82.
- 7.Полетаев П.. Рациональное использование в отраслях АПК. Экономика сельскохозяйственного. 1985, №8, с. 11-16.
- 8.Черепанов Г.Г.. особенности применение удобрений при минимализации обработки почвы. в кн. Сельскохозяйственная наука и производство, Серия I. экономика, земледелие, растениеводство. М., ВНИИТЭМ агропром, 1986. с. 71.
9. Черепанов Г.Г.. Особенности обработки почвы в засушливых районах Канады. Сельскохозяйственная наука и производство: Обзорная информация, серия I, ВНИИЦТЭИСХ, №2 1987.с.62.
10. Маманиязов С.М. Водно-физические свойства и водной режим почв районов богарного земледелия Узбекистана. Автореф. канд.дисс (на правах рукописи), Т.,1967.с-28.

УЎК: 633.511:631.527.5:631.51:581.167

ЎЗНИНГ ГЕНОТИПИК УЗОҚ ШАКЛЛАРИ F₂ ЎСИМЛИКЛАРИДА БОШ ПОЯ БАЛАНДЛИГИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИК ҚЎЛАМИ

М.Р. Қодирова, PhD, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ўзбекистон, Тошкент

Аннотация. F₂ популяцияси ўсимликлари бош пояси белгиси бўйича кенг ўзгарувчанлик қўлами асосан генотипик узоқ ва баланд бўйли навларни ўзаро ва уларни ўрта бўйли навлар билан чапиштириб олинган дурагайларда, ўртача ўзгарувчанлик қўлами ўрта бўйли навлар ўзаро ва баланд бўйли навлар билан ҳамда географик узоқ шакллар дурагайларида, қисқа ўзгарувчанлик қўлами эса паст бўйли Келажак ва ўртача бўйли шакллар, географик ва генотипик узоқ шакллар дурагайларида намоён бўлди.

Калит сўзлар: *ўза, генотип, бош поя, баландлик, ўзгарувчанлик*

Аннотация. Растения популяции F₂ обладают широким диапазоном изменчивости на основе маркеров стебля, в основном у гибридов генотипических длинных и высокорослых сортов, скрещенных и смешанных со средними сортами, средней шкалы изменчивости у гибридов средне- и высокорослых сортов и гибридов географически протяженных сортов. форм и короткой изменчивости. Маленькие Будущие и средневысотные формы проявились у гибридов географических и генотипических длинных форм.

Ключевые слова: *хлопок, генотип, стебель, высота, изменчивость.*

Abstract. Plants of the F₂ population have a wide range of variability on the basis of stem markers, mainly in hybrids of genotypic long and tall varieties crossed and mixed with medium varieties, the average variability scale in hybrids of medium and tall varieties and hybrids of geographically long forms, and short variability. low-rise Future and medium-height forms were manifested in hybrids of geographical and genotypic long forms.

Keywords: *cotton, genotype, stem, height, variability*

Ўза- энг қадимги қишлоқ хўжалик экинларининг биридир. Маълумки, ўзани микдорий белгиларига асосан қимматли хўжалик белгилари – бош поя баландлиги, тезпишарлик, тола узунлиги, чиқими, пишиқлиги, кўсак оғирлиги ва бошқа белгилар киради.

Ўзада хўжалик учун қимматли бўлган мураккаб белгиларнинг ўзгарувчанлик кўламини ўрганиш асосида селекция учун қимматли биотиплар ажратиб олинади.

Морфохўжалик белгиларидан бўлган бош поя баландлиги, яъни ўсимлик бўйи микдорий белги бўлиб, полиген ирсийланиш хусусиятига эга. Ўсимлик бўйи кўрсаткичининг наслдан-наслга берилиш даражаси юқори бўлиб 0,76-0,87 оралиғида бўлди, бу эса бу белги бўйича F_2 авлодида танлаш самарали эканлигини кўрсатади (Ш.Акмурадов, 1996).

Адабиётларда таъкидланишича, микдорий белгилар бўйича бир гуруҳ навларнинг дурагайларида аниқланган генетик қонуният бошқа бир гуруҳ навларнинг дурагайларида бошқача бўлиши мумкин. Бу қуйидаги муҳим генетик-селекцион кўрсаткичлар - устунлик даражаси, эпистаз, комбинатив қобилят, наслдан-наслга берилиш даражаси ва бошқаларига тааллуқлидир (Д.А.Мусаев, 1979, М.Ф.Абзалов, 2008).

Айтиб ўтиш лозимки, ўсимлик бўйи (*G.hirsutum* L.) маданий турларида айрим баланд бўйли навларда рецессив генлар билан бошқарилишига карамасдан, асосан доминант белги ҳисобланади (Вик.А.Автономов, 2007, И.Т.Қаҳҳоров, 1990).

К.О.Хударганов (2012) таъкидлашича, F_2 комбинацияларида биринчи ҳосил шохи жойлашиши ва бош поя баландлиги белгиларининг наслдан-наслга берилиш даражаси $h^2=0,31$ ва $h^2=0,72$ ни ташкил этган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тажрибамизда ота-она навлар ва уларнинг F_2 ўсимликларининг бош поя баландлиги, ўсув даври, битта ўсимликдаги кўсақлар сони, битта ўсимликдаги ҳосил, битта кўсақдаги пахта оғирлиги, тола чиқими ва узунлигининг ўзгарувчанлик кўламини ўрганилди.


Тажрибалар натижасида олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, ота-она навлар бир - биридан фарқланиши ва уларнинг F_2 ўсимликларида полиморфизм, яъни кўп шакллилик намоён бўлиши кузатилди. Ўрганилган F_2 ўсимликларининг бош поя баландлиги бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлиliga кўра, Наманган-77 (105,8 см) ва Кўпайсин (108,7 см) навлари бу белги бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлди, нисбатан паст бўйли ўсимликлар Келажак навида (69,0 см), ўртача 75007-11 (91,8 см) ЎзФА-713 (94,8 см) ва ЎзФА-705 (88,7 см) навларида кузатилди. Бу белги бўйича F_2 ўсимликлари орасида юқори кўрсаткичларни Кўпайсин х Наманган-77 (100,0 см), Наманган-77 х ЎзФА-705 (96,7 см), Кўпайсин х ЎзФА-705 (96,5 см), ЎзФА-705 х Кўпайсин (94,3 см), ЎзФА-705 х Наманган-77 (91,4 см), 75007-11 х Кўпайсин (91,4 см), ЎзФА-713 х 75007-11 (91,2 см), Наманган-77 х Кўпайсин (90,0 см) дурагайлари, ўртача кўрсаткич 75007-11 х ЎзФА-705 (89,3 см), Кўпайсин х ЎзФА-713 (89,0 см), Наманган-77 х 75007-11 (88,9 см), 75007-11 ЎзФА-713 х (88,3 см), Кўпайсин х 75007-11 (87,6 см), ЎзФА-705 х 75007-11 (86,8 см), ЎзФА-713 х Наманган-77 (86,3 см) ва Наманган-77 х ЎзФА-713 (85,8 см) дурагайларида кузатилди. Паст бўйли ўсимликлар эса асосан Келажак нави иштирокида олинган барча дурагайларида ва географик узоқ навлар, яъни 75007-11 нави иштирокида олинган баъзи дурагайларида қайд этилди. Шунинг таъкидлаш лозимки, F_2 авлодида бош поя баландлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами турлича намоён бўлишини кўрсатди.

Олинган маълумотларга кўра, бош поя баландлиги белгиси бўйича энг юқори ўзгарувчанлик кўлами Кўпайсин х Наманган-77 дурагайлари популяциясида σ^2 -21,5, μ -21,5-121,5 см, фарқ - 43,0 см ва синфлар сони - 9 та, Кўпайсин х ЎзФА-713 дурагайлари популяциясида σ^2 -21,3, μ -67,7-110,3 см, фарқ - 42,6 см ва синфлар сони - 9 та, Кўпайсин х ЎзФА-705 дурагайлари популяциясида σ^2 -19,5, μ -77,0-116,0 см, фарқ - 39,0 см ва синфлар сони - 8 та, Наманган-77 х Кўпайсин дурагайлари популяциясида σ^2 -20,5, μ -74,5-115,5 см, фарқ - 41,0 см ва синфлар сони - 8 тани ташкил этиши кузатилди.

Бош поя баландлиги белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами Наманган-77 х ЎзФА-713 дурагайлари популяциясида σ^2 -18,6, μ -67,2-104,4 см, фарқ - 34,2 см ва синфлар сони - 7 тани, Кўпайсин х 75007-11 дурагайларида σ^2 -18,3, μ -69,3-105,9 см, фарқ - 36,6 см ва синфлар сони -

7 тани, 75007-11 х Наманган-77 дурагайлари популяциясида $\bar{O} -18,3, \pm 61,7-98,3$ см, фарқ - 36,6 см ва синфлар сони - 7 та, 75007-11 х Кўпайсин дурагайлари популяциясида $\bar{O} -18,2, \pm 73,2-109,6$ см, фарқ - 36,4 см ва синфлар сони - 7 та, ЎзФА-705 х Кўпайсин ва ЎзФА-713 х Наманган-77 дурагайлари популяциясида $\bar{O} -18,0$, фарқ - 36,0 см ва синфлар сони - 7 тани ташкил этиши ва ўртача кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди.

F₂ ўсимликларида бош поя баландлиги белгиси бўйича қисқа ўзгарувчанлик кўлами паст бўйли Келажак ва ўртача бўйли ЎзФА-705, ЎзФА-713 ва 75007-11 навлари дурагайлари популяцияларида кузатилди. Олинган маълумотларга кўра, Келажак х ЎзФА-713 дурагайлари популяциясида $\bar{O} -13,5, \pm 50,8-77,8$ см, фарқ - 27,0 см ва синфлар сони - 5 тани, ЎзФА-713 х Келажак дурагайлари популяциясида $\bar{O} -13,1, \pm 62,6-88,8$ см, фарқ - 26,2 см ва синфлар сони - 5 тани, ЎзФА-713 х ЎзФА-705 дурагайлари популяциясида $\bar{O} -12,9, \pm 66,4-92,2$ см, фарқ - 25,8 см ва синфлар сони - 5 тани, ЎзФА-705 х 75007-11 дурагайлари популяциясида $\bar{O} -14,0, \pm 72,8-100,8$ см, фарқ - 28,0 см ва синфлар сони - 6 тани, ЎзФА-705 х Келажак дурагайлари популяциясида $\bar{O} -14,3, \pm 55,6-84,0$ см, фарқ - 28,4 см ва синфлар сони - 6 тани, ЎзФА-705 х ЎзФА-713 дурагайлари популяциясида $\bar{O} -14,3, \pm 67,2-95,8$ см, фарқ - 28,6 см ва синфлар сони - 6 тани ташкил этди (1-расм).



1-расм. F₂ ўсимликларида бош поя баландлигининг ўзгарувчанлик кўлами

Олинган маълумотлар таҳлили F₂ ўсимликларида бош поя баландлиги белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич, ўзгарувчанлик кўлами асосан генотипик узоқ ва баланд бўйли Кўпайсин ва Наманган-77 навлари ўзаро ва уларни ўрта бўйли навлар билан чапиштириб олинган 4 та дурагайларида кузатилди. Бу дурагайларнинг умумий популяцияларидаги энг паст ва энг баланд ўсимликлар 67,7 - 121,5 см гача, улар орасидаги фарқ 53,8, см ни, бош поянинг ўртача баландлиги 94,6 см ни, синфлар сони эса 8-9 тадан иборат эканлиги аниқланди. Ушбу белги бўйича ўзгарувчанлик кўламининг ўртача кўрсаткичи ўрта бўйли навлар ўзаро ва баланд бўйли навлар билан ҳамда географик узоқ шаклларни, хусусан 75007-11 нави билан чапиштирилиб олинган 13 та дурагайларида кузатилиб энг паст ва энг баланд ўсимликлар 55,9 -112,3 см гача, улар орасидаги фарқ 56,4 см ни, бош поянинг ўртача баландлиги 84,0 см ни, синфлар сони эса 7 тадан иборатлиги кузатилди. Бош поя баландлиги белгиси бўйича энг тор ўзгарувчанлик кўлами паст бўйли Келажак ва ўртача бўйли шакллар, географик ва генотипик узоқ шакллар 10 та дурагайларида кузатилиб, энг паст ва энг баланд ўсимликлар 50,8 -106,4 см гача, улар орасидаги фарқ 55,6 см ни, бош поянинг ўртача баландлиги 78,6 см ни, орасидаги фарқ 55,6 см ни, синфлар сони эса 5-6 тани ташкил этди.

Демак, F₂ популяцияси ўсимликлари бош пояси белгиси бўйича кенг ўзгарувчанлик кўлами асосан генотипик узоқ ва баланд бўйли навларни ўзаро ва уларни ўрта бўйли навлар билан чапиштириб олинган дурагайларда, ўртача ўзгарувчанлик кўлами ўрта бўйли навлар

ўзаро ва баланд бўйли навлар билан ҳамда географик узоқ шакллар дурагайларида, қисқа ўзгарувчанлик кўлами эса паст бўйли Келажак ва ўртача бўйли шакллар, географик ва генотипик узоқ шакллар дурагайларида намоён бўлди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Акмурадов Ш. Селекционно-генетические аспекты низкорослых сортов тонковолокнистого хлопчатника. Автореф.док.с\х наук. Ашгабад, 1996, 40 с.
2. Мусаев Д.А. Генетическая коллекция хлопчатника и проблемы наследования признака. // Ташкент, Фан, 1979. с.164
3. Абзалов М.Ф. Взаимодействие генов у хлопчатника *G.hirsutum* L. // Изд «ФАН» АН РУз. Ташкент, 2008.122 с.
4. Автономов Вик. А. Межсортная гибридизация в создании новых сортов хлопчатника вида *G.hirsutum* L. //Изд «Меҳридарё, Ташкент, 2007, с.15
5. Каххаров И.Т. Наследование и изменчивость хозяйственно-ценных признаков хлопчатника при гибридизации географически отдаленных форм вида *G. hirsutum*. Т.: Автореферат, 1990 г.
6. Хударганов К.О. *G.barbadense* L. гўза дурагайларида клейстогам гул ва қимматли хўжалик белгиларини ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. Автореф.дисс.к.с.х.н., Ташкент. 2012 г.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

УО'К 62-03

MINERAL ZAXIRALARNI QAYTA ISHLASHDA MAGNIT TAHLILINING O'RNINI

Sh.B. Po'latova, mustaqil tadqiqotchi, Navoiy davlat konchilik instituti, Navoiy

Annotatsiya. Ushbu tahlilda biz gematit, jigarrang temir rudalari va magnit xususiyatlariga ega bo'lmagan minerallarni o'z ichiga olgan boshqa minerallar uchun qo'llanilishini ko'rib chiqamiz.

Kalit so'zlar: tahlil, magnit xususiyatlari, minerallar, minerallar

Аннотация. В Этом анализе рассматриваем применим для гематитовых, бурожелезняковых руд и других полезных ископаемых, в состав которых входят минералы со слабыми магнитными свойствами.

Ключевые слова: анализ, магнитный свойства, полезный ископаемые, минералы

Abstract. In this analysis, we consider it applicable for hematite, brown iron ores and other minerals, which include minerals with weak magnetic properties.

Key words: analysis, magnetic properties, minerals, minerals

-50 mm (lekin > 1 mm) gacha ezilgan bo'lakli magnitli rudalarning magnit tahlili quruq magnit bilan boyitishning maqsadga muvofiqligini aniqlash, shuningdek, chiqindilarda mumkin bo'lgan metallarning minimal quruq konsentrat olish miqdorini aniqlash uchun amalga oshiriladi. Tahlil uchun namuna olish, sinov uchun texnologik namunani tayyorlash jarayonida amalga oshiriladi. Namunaning massasi materialning o'lchamiga qarab belgilanadi. Masalan, -50 mm sinf uchun minimal vazn 300 kg; zarracha kattaligi -3 mm bo'lgan material uchun 0,9 kg og'irlikdagi namuna etarli (Chehotga formulasi bo'yicha $0,1 \times 3 \times 2 = 0,9$ kg). Tahlil ikki bosqichda amalga oshiriladi. Birinchi bosqichda quruq magnitli boyitish tamburli ajratgichda, masalan, PBSL-UM-1234, qoldiq va magnit mahsulotni ajratish bilan amalga oshiriladi.

Zarrachalarining kattaligi -50 + 1 mm bo'lgan asl ruda (bu o'rta maydalashdan keyin olingan materialga to'g'ri keladi) tor navlarga bo'linadi. Har bir sinf PBSL ajratgichida materialni barabanga yuqori qatlamli, bir qatlamli tasma bilan oziqlantiruvchi bilan boyitilgan. Bu holda, barabanning aylanish chastotasi 34 min⁻¹, bo'linadigan eshikning holati vertikal, baraban yuzasidagi magnit maydon kuchi 103,5 kA / m. Magnit tahlil uchun 171-SE yuqori beslemeli elektromagnit ajratgich ham ishlatiladi. Barabanning aylanish chastotasi 25 min⁻¹ ga teng bo'lganda, material bir qatlamda oziqlanadi, bo'linadigan eshikning holati vertikal, baraban yuzasidagi maydon kuchi 110 kA / m. Ikkinchi bosqichda, har bir ruda sinfining quruq magnit kiyinish qoldiqlarining magnit tahlili standart keramik plitalardan yig'ilgan qo'lda ishlaydigan magnit yoki maydon kuchi 114 kA / m bo'lgan qo'lda ishlaydigan PDM magnit yordamida amalga oshiriladi. Magnit bilan boyitish mahsulotlari $\pm 0,100$ g xato bilan tortiladi, zarracha kattaligi -0,1 mm gacha parchalanadi va temirning umumiy tarkibini aniqlash uchun elementar tahlilga o'tkaziladi. Magnit bo'lmagan mahsulotlarda temirning shakllari ham fazali tahlil yordamida aniqlanadi. Ko'rsatilgan magnit tahlil usuli bo'yicha tajribaning xatosi 5%dan oshmasligi kerak. Nozik, juda magnitli rudalar (kattaligi <1 mm) quruq yoki nam tahlilga o'tkaziladi. Bu tahlil sinov namunasi boyitilishini baholash va boyitish ishining ajratish aniqligini aniqlash uchun o'tkaziladi. Usulning mohiyati maksimal mumkin bo'lgan texnologik parametrlarni olish uchun boshlang'ich materiallar va boyitish mahsulotlarini kasrli tahlil qilishda yotadi. Fraktsion magnitli tahlil har xil o'ziga xos magnit sezuvchanlik fraktsiyalari bo'yicha materialning taqsimlanishining miqdoriy xarakteristikasini olish imkonini beradi.

Kvadrat usuli bilan har bir ezilgan mahsulotdan tortilgan ikkita qism olinadi. Ulardan biri magnit tahlil uchun, ikkinchisi temir tarkibini aniqlash uchun mo'ljallangan. Mahsulotlarning qolgan qismi takroriy aniqlanganda saqlanib qoladi. Magnit tahlil uchun namunaning og'irligi asl namunadagi magnetit va umumiy temir tarkibiga bog'liq: Magnit tahlil zarracha kattaligi <1 mm bo'lgan tasniflanmagan materialda o'tkaziladi. Zarrachalar kattaligi taqsimoti jihatidan heterojen bo'lgan namunalar (+0,045 mm <40% sinfining tarkibi) o'lchami 0,045 mm bo'lgan elakda oldindan tasniflanadi. Bu sharoitda magnit tahlil -1 + 0,045 va -0,045 mm kattalikdagi sinflar bo'yicha

o'tkaziladi. Tahlil qilish uchun namuna 1: 4 bo'lgan qattiq va suyuq nisbati 100 sm³ bo'lgan stakanga joylashtiriladi va 5 daqiqa davomida mexanik aralashtirgich bilan aralashtiriladi. Buning uchun UZDN-1 ultratovush dispersantlari ham 22 kHz ultratovush chastotasi va 23 Vt / sm² intensivligida ishlatiladi. Ta'sir qilish davomiyligi S: V = 1: 3 da 1 min. Suv harorati 20-25 ° C oralig'ida, qattiqligi 5,0 mol dan yuqori emas. Magnit analiz uchun ishlatiladigan asboblarning ro'yxati. Magnit tahlil turli magnit maydon kuchlarida kasrlarni ketma -ket ajratish yo'li bilan amalga oshiriladi.

Analizator trubkasi qattiqligi 5 mol / l bo'lgan musluk suvi bilan magnitlar qutbidan yuqori darajaga to'ldiriladi va yuvish suvining tezligi o'zgaras qilib o'rnatiladi. Analizator elektromagnitini yoqing va 88 kA / m ga mos keladigan oqim kuchini o'rnatish. Tayyorlangan namuna naychani yuqori uchidan teng ravishda yuklanadi, analizator haydovchisi yoqiladi. Magnit fraksiya magnit tizimining qutblaridagi magnit maydon tomonidan ushlab turiladi. Magnit bo'lmagan fraksiya doimiy ravishda chiqindilar idishiga suv oqimi bilan chiqariladi. Quvur ichidagi suv sathi doimiy saqlanadi (magnit qutblari ustida). Yuvish davomiyligi 5 minut, ultratovush bilan ishlov berilmagan mahsulot uchun - 25 minut. Oqimni o'chirish va magnit fraksiyani qabul qiluvchi idishga tushirish. Ajratish mahsulotlari dekantatsiya orqali suvsizlanadi va qurituvchi pechda (100 ± 5) S haroratda doimiy vazngacha quritiladi. Magnit fraksiya magnitofugal analizatorida tahlil qilinadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Normurotov R.I., Strijko L. S., Xoliqulov D. B. Oltin tarkibidagi magnit fraksiyadan xlrlash yo'li bilan oltin olish bo'yicha tadqiqotlar // universitetlar- Rangli metallurgiya. 2009 yil, 4-son, 35-38-betlar.
2. Normurotov R.I., Strijko L.S. Xoliqulov D.B. Oltin tarkibidagi magnit fraksiyani qayta ishlashda oltingugurtning gidroxlorlash jarayonini o'rganish // universitetlar- Rangli metallurgiya. 2009 yil, 5-son, 17-19-betlar.
3. Normurotov R.I., Xoliqulov D.B. O'zbekistonda oltin ishlab chiqarishning hozirgi holati va rivojlanishi // "XXI asrda mineral -xomashyo kompleksini rivojlantirish strategiyasi" xalqaro konferentsiyasi tezislari to'plami, Moskva. RUDN, 2004, 70-71-betlar.
4. Normurotov R.I., Strijko L.S. Magnit fraksiyadan oltin olish jarayonlarini tadqiq qilish // "Rangli metallar metallurgiyasi" xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiyasi tezislari to'plami. Muammolar va istiqbollari ", Moskva. MISiS, 2009, 182-183-betlar.

UO'K. 501.4.054

TEXNIK SUV TARKIBIDAGI TUZLAR MIQDORINI O'RGANISH VA TAHLIL QILISH

X. SH. Urunova, o'qituvchi, Navoiy davlat konchilik instituti, Navoiy
D.N.Oljaev, tayanch doktorant, O'zR FA Navoiy bo'limi, Navoiy
L. Bozorov, injener-texnolog, "Navoiyazot" AJ, Navoiy
H.N. Esanbayeva, talaba, Toshkent farmasevtika instituti, Toshkent
Sh.M. Baxromov, talaba, Navoiy davlat konchilik instituti, Navoiy

Annotatsiya. Ushbu maqolada texnologik jarayonlar uchun qo'llaniladigan suvning sifati aylanma tizimlarda mavjudligi bo'lgan suvning sifatidan yuqori bo'lishi ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: Oqova suvlar, tindirgichlar, minerallashtirish darajasi, umumiy qattiqlik, elektr o'tkazuvchanlik, qovushqoqlik, sovituvchi qismi, tiniqlik

Аннотация. В данной статье рассматривается тот факт, что качество воды, используемой для технологических процессов, выше качества воды, имеющейся в оборотных системах.

Ключевые слова: Сточные воды, осветлители, степень минерализации, общая жесткость, электропроводность, вязкость, охлаждающая часть, прозрачность, сырье

Abstract. This article examines the fact that the quality of water used for technological processes is higher than the quality of water available in circulating systems.

Key words: Waste water, clarifiers, degree of mineralization, total hardness, electrical conductivity, viscosity, cooling part, transparency, raw materials

Suv resurslari zaminimizda tabiiy suvning umumiy hajmi 1386 mln km³ ni tashkil qilindi. Ko'rsatilgan hajmning 97, 5% dan ko'prog'ini esa sho'r – ya'ni dengiz va okean suvlari tashkil etadi. Ammo aksariyat qolgan 2, 3% ga yaqin bo'lgan chuchuk suvning asosiy qismi inson uchun ishlatishga imkoniyat yuq

darajada, chunki u asosiy qutb zonasidagi muzliklarda va yer ostidagi suvli qatlamlarda joylashgan. Suvlar minerallasish darajasiga qarab (g/l. da); chuchuk (tuzlarning umumiy miqdori < 1), o'rtacha sho'r suv (1-10), sho'r suv (10-50) va o'ta sho'r suvlar (>50). O'z navbatida chuchuk suvlar kam mineral aralashmali (200 mg/l gacha), o'rtacha minerallasgan (200-500 mg/l) va yuqori minerallasgan guruhlarga bo'linadi. Tarkibida miqdor jihatdan anionlar, kationlarga nisbatan ko'p bo'lganligi sababli barcha suvlar gidrokarbonatli, sulfatli va xloridli suvlarga bo'linadi. Toza suvning zichligi 15°C va atmosfera bosimida 999 kg/m³ ga tengdir. Tuzlarning konsentratsiyasi 35 kg/m³ bo'lgan dengiz suvining o'rtacha zichligi 0°C da 1028 kg/m³ ga ega. Tuzlarning miqdori 1kg/m³ ga o'zgarsa zichlik 0,8 kg/m³ ga o'zgaradi. Harorat ortishi bilan suvning qovushqoqligi μ quyidagi holatda kamayib boradi:

1-jadval.

Harorat ortishi bilan suvning qovushqoqligi (elektr o'tkazuvchanligi) kamayishi

T, °C	0	5	10	15	20	25	30	35
μ , m Pa·s	1,797	1,523	1,301	1,138	1,007	0,895	0,800	0,723

Tuz miqdori ortishi bilan suvning qovushqoqligi ham o'sib boradi. Shuningdek, suvning sirt tarangligi 18°C da 73 mg/m³ ni tashkil etadi, harorat 100°C bo'lganda 52,5 mg/m³ ga tushadi. Harorat 0°C da issiqlik sig'imi 4180 Dj (kg·°C) bo'lsa, 35°C da eng kam miqdorni ko'rsatadi.

2-jadval

Texnologik suv sifatiga talablar

Ko'rsatkichlar Um.qattqlik, ekv/m ³ Miqdori ,g/m ³ :	Kimyoviy tolalar i/chsanoati	Kimyo sanoati (ancha kuchli talablar)	Oqlanma gan selluloza sanoati	Yuqori bosim li qozonlarda bug' i/ch 5(10MPa)
Kremniy dioksidi	0,035	-	5	-
Mis	--	0,012	50	0,035
Marganets	0,03	50	--	0,7
Temir	0,05	--	0,1	0,05
Kislorod	--	0,1	--	-
Nitrat va nitritlar	7-8	--	6-10	0,05
pH	5-4	6,2-8,3	--	0,3
Ranglilik, grad		20		-
		-		8-10

Natijalar. Insoniyat jamiyati taraqqiyoti jarayonida tabiiy suvlar tarkibini o'zgartiradi va tezlik bilan o'zgartirmoqda. Shuning uchun, suvni muhofaza qilishda iflos suvlarni tozalashdagi muhandislik ishlarini yanada takomillashtirish lozim. Bu sohada barcha muhandislar mutaxassislariga yangi usullarni ishlab chiqishdi. Turli bakteriya, zamburug' va suv o'tlari suvni qayta tozalashda faol reagentlardan hisoblanadi. Lekin suv turli iflos moddalarga haddan tashqari to'yingan bo'lsa, u holda uni tozalash uchun turli mustaqil yoki kompleks usullardan foydalaniladi. Suv ta'minotining yopiq tizimini hosil qilish uchun, sanoat oqova suvlari mexanik, kimyoviy, fizik-kimyoviy, biologik va termik tozalash usullari orqali korxonalar turiga qarab suvning zarur sifatiga qadar tozalanadi. Destruktiv usulda suvni ifloslantiruvchi moddalar oksidlash yoki qaytarish yordamida parchalantiriladi. Parchalash mahsulotlari suvdan gaz yoki cho'kma ko'rinishida ajratib olinadi. Tozalash usullarini tanlash qo'yidagi faktorlarni hisobga olgan holda olib boriladi: 1) qayta ishlatishni hisobga olgan holda tozalangan suvga qo'yiladigan sanitar va texnologik talablar; 2) oqova suv miqdori; 3) korxonada zararsizlantirish jarayoni uchun zarur bo'lgan energetik va material resurslar miqdori (bug', yoqilg'i, havo, elektroenergiya, reagent, sorbentlar), shuningdek, tozalash kurilma inshootlari uchun zarur maydon. Sanoat va maishiy oqova suvlar tarkibida suvda eriydigan va erimaydigan moddalarning muallaq zarrachalari bo'ladi. Zarracha o'lchamlariga ko'ra dispers sistemalar 3 guruhga bo'linadi: Zarracha o'lchamlari 0, 1 mkm dan yuqori bo'lgan dag'al dispers (suspensiya va emulsiyalar) sistemalar; Zarracha o'lchamlari 0,1 mkm (1 nm gacha bo'lgan kolloid sistemalar deb ataladi. Ba'zi hollarda tarkibida tuz miqdori 10(15 g/m³ dan kam bo'lmagan, qattiqligi 0,01 mol·ekv/m³ dan yuqori bo'lmagan va oksidlanishi 2g O²/m³ ga teng bo'lgan suv talab qilinadi. 2-jadvalda turli maqsadlarda qo'llaniladigan suvlarga qo'yilgan talablar keltirilgan. Texnologik

suvlar muhit hosil qiluvchi, yuvuvchi va reaksiyon suvlarga bo'linadi: a) muhit hosil qiluvchi suvlar eritish va pulpalari hosil qilishda, qazilmalarni qayta ishlash va boyitishda, sanoat mahsulotlari va chiqindilarini gidrotransportida; b) yuvuvchi suvlar gaz holatidagi, suyuq va qattiq mahsulot va jihozlarni yuvishda; v) reaksiyon suvlar turli reaksiyalar uchun xarakterli bo'lib, ular reagentlar tarkibida, shuningdek, azeotrop haydash va analogik jarayonlarda qo'llaniladi.

Texnologik suvlar maxsulot va jihozlar bilan to'qnashadi bo'ladi va ifloslanadi. Energetik suvlar – Energetik suvlar xonalarni, maxsulotlarni va uskunalarni isitish va bug' olish uchun qo'llaniladi.

Respublikamiz daryo suv manbalari juda loyqa va notoza bo'lganligi bilan ajralib turadi, mavjud manbalarining hammasi ham ishlab chiqarishda foydalanish uchun yaroqli emas. Ayniqsa, daryo suvlarining sifatining keskin yomonlashib borishi qo'shimcha suv tozalash uskunalaridan foydalanishga ehtiyoj tug'diradi. Bu masala ayniqsa energiya resurslari tanqis bo'lgan paytda dolzarbdir. Mahalliy suv tozalash qurilmalarini samaradorligi va ishonchligini ularni texnologik hamda ekologik baholash yo'li bilan aniqlash mumkin. Bu muammolarni echimiga bosqichma bosqich, muvaffaqiyatli erishish biz olimlar uchun innovatsion g'oyalarni ishlab chiqish va hayotga tadbir qilish imkoniyatlarini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ergashev A., Ergashev T. – Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. Toshkent, «Yangi asr avlodi», 2005
2. K.X.Roziqov, S.S.Negmatov, B.B.Sobirov “Atrof-muhit ekokimyosi” Toshkent-“Fan va texnologiya”-2012
3. Rafikov V. Orol dengizining gidrologik va gidrokimyoviy sharoitlari o'zgarishining prognozi. Ekologiya xabarnomasi jurn., 2010, №5 – 43-45 b.
4. Salimov X.V. Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiatni foydalanish bo'yicha atama va tushunchalarning izohli lug'ati //to'ldirilgan 2- nashr//. Toshkent: Fan va texnologiya, 2015 – 355 b

УДК: 631.624.004.424

АВТОМАТИЗИРОВАННАЯ СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ НАСОСНОГО АГРЕГАТА

Г. Ибрагимова, ассистент, ТИИИМСХ, Ташкент
Н. Абдукаххорова, студент, ТИИИМСХ, Ташкент
Г. Музафарова, студент, ТИИИМСХ, Ташкент

Аннотация. Мақоллада sug'oriladigan erlar uchun nasos stantsiyasining o'rnatilishi turlari ko'rib chiqilgan va o'rganilgan. O'q bilan suv sathidan yuqorida joylashgan nasos qurilmalarida qurilmani ishga tushirish faqat uni yopiq supap bilan suv bilan oldindan to'ldirish bilan mumkin, qurilmalar bosim o'tkazgichida bo'lishi kerak. Bularni boshqarish sxemasi barcha yordamchi mexanizmlarning o'zaro ta'sirini ta'minlashdan iborat. O'zbekiston Respublikasida nasos stantsiyalarini o'rnatish tizimlarining uch turi qo'llaniladi. Birinchisi - gander tizimi, ikkinchisi - nazorat valfi, uchinchisi - vakuum pompasi. Umumiy usullardan biri vakuum nasos yordamida C nasoslarni avtomatik ravishda astarlashdir. Avtomatlashtirilgan nasos stantsiyalarida nasoslarni oldindan astarlashning texnologik operatsiyasi asosan vakuumli suyuq nasoslardan foydalangan holda turli xil vakuumli qurilmalar tomonidan amalga oshiriladi.

Калит so'zlar: vaqt o'rni, mantiqiy elementlar, tranzistorlar, o'rni, kontakt, diod, nasos stantsiyalari, texnologik jarayonlar, himoya, rejim, avtomatika uskunalari, boshqaruv, boshqaruv, mikrosxem, kaskad kuchaytirgichi, vakuumli nasos, ish rejimi, vaqt davri.

Аннотация. В работе рассмотрены и изучены виды системы установок насосной станции для орошаемых земель. В насосных установках с расположением оси выше уровня воды пуск агрегата возможен лишь с предварительной заливкой его водой при закрытой задвижке на напорном трубопроводе. Схема управления этими установками должна обеспечивать взаимодействие всех вспомогательных механизмов. В Республике Узбекистана применяются три вида системы установок насосной станции. Первым является система гусак, второе обратный клапан, третье вакуум-насос. Один из распространенным методом является схемы автоматической заливки насосов с помощью вакуум-насоса. Технологическую операцию предварительной заливки насосов на автоматизированных насосных станциях

выполняют различными вакуум -установками, преимущественно с использованием водокольцевых вакуум-насосов.

Ключевые слова: реле времени, логические элементы, транзисторы, реле, контакт, диод, насосные станции, технологические процессы, защита, режим, средства автоматизации, контроль, управление, микросхема, каскадный усилитель, вакуум насос, режим работы, период времени.

Abstract. The article discusses and studies the types of pump station installation for irrigated lands. In pumping devices above the water level with an arrow, the device can only be started by pre-filling it with water with a closed valve, the devices must be in the pressure transducer. The scheme of their management is to ensure the interaction of all auxiliary mechanisms. There are three types of pumping station installation systems in the Republic of Uzbekistan. The first is the gander system, the second is the control valve, and the third is the vacuum pump. One common method is to automatically prim the C pumps using a vacuum pump. The technological operation of pre-priming of pumps in automated pumping stations is mainly carried out by various vacuum devices using vacuum liquid pumps.

Key words: time relay, logic elements, transistors, relay, contact, diode, pumping stations, technological processes, protection, mode, automation equipment, control, control, microcircuit, cascade amplifier, vacuum pump, operating mode, time period.

Введение. Автоматизация дает возможность не только высвободить (разгрузить) человека, но также достичь таких результатов работы отдельных механизмов или машин, которые другими способами обеспечить невозможно. Автоматизация не только сокращает и облегчает труд человека, но и видоизменяет характер самого труда и его качество, дает возможность связать в единый технологический комплекс отдельные процессы производства, приводит к важным социальным и экономическим изменениям, способствует стиранию граней между умственным трудом и физическим; задачи человека сводятся к управлению технологическими процессами [1].

Постановка задачи. Наиболее просто осуществляется автоматическое управление агрегатом, не имеющим в своем составе управляемой запорной аппаратуры и вакуум - системы, то есть без предварительной заливки. Управление такой насосной установкой по существу сводится к управлению электродвигателем и контролю за работой агрегата. Схема автоматического управления получается весьма простой, требует минимального числа аппаратуры и обеспечивает высокую надежность работы. Один из распространенным методом является схемы автоматической заливки насосов с помощью вакуум-насоса.

Методика исследований. Рассмотрим один из основных методов запуска насосного агрегата с помощью вакуум-насоса. На рисунке 1 приведена схема соединения вакуум-насоса 5 с основным насосом 1. Требуемая для нормальной работы вакуум-насоса постоянная циркуляция воды обеспечивается с помощью циркуляционного бачка 3, из которого вода поступает во всасывающий трубопровод 6 и вместе с воздухом попадает в корпус насоса. Затем по мере вращения рабочего колеса воздух и избыточная вода через нагнетательный трубопровод 4 выбрасываются обратно в бачок.




Рис.1. Функциональная схема заливки насосного агрегата с помощью вакуум-насоса.

Автоматизация этого устройства требует установки датчика или реле 2, контролирующего уровень или расход воды и фиксирующего окончание заливки (реле контроля заливки). Для разобщения трубопровода, соединяющего вакуум-насос с центробежным, применяется электромагнитный клапан ВЭМ. Во многих насосных станциях вакуум системах имеется два шкафа управления, которое имеет один основное включения насосного агрегата, а другое вакуум насоса. При работе, а конкретнее при запуске агрегата необходимо сначала включить вакуум насос, а потом после откачки воздуха включить основной агрегат [2]. После подготовки насоса инженерный персонал должен поочередно выполнять алгоритм запуска работы. Но при эксплуатации возникает проблема включения агрегатов, а именно расстояние между шкафами управления.




Рис. 2. Принципиальная схема электронного переключателя двух нагрузок.

Erkin fikrlaydigan, o‘zining qat‘iy nuqtayi nazariga ega bo‘lgan, yuksak ma‘naviyatli shaxs, buzg‘unchi g‘oyalarga nisbatan immunitet hosil qilishi va egallagan bilimlarini ezgu ishlarga, yurt ravnaqiga yo‘naltirishi mumkin bo‘ladi. Yoshlarimiz ongi va qalbida g‘oyaviy immunitetni shakllantirish, ularni milliy istiqloq g‘oyasidan qusratli vosita bilan qurollantirish borasida talay ishlar amalga oshirilmoqda. Yoshlar davlat rahbariyati tomonidan amalga oshirayotgan islohotlar, ijtimoiy-iqtisodiy siyosat mohiyatini anglab yetgandagina, elim deb, yurtim deb, yashashga odatlanadi. Ana shundagina yoshlar haqiqiy xalq hokimiyati uchun, mamlakat himoyasi uchun, o‘z yurti shon-shavkatini butun bashariyat nazarida himoya qilish uchun bolalar, ayollar, qariyalarni turli baloqazolardan asrash uchun o‘zining o‘zligini, asl madaniyatini, milliylikini saqlash uchun millatchilik, irqchilik, aqidaparastlikka hamda turli tuman buzg‘unchi g‘oyalarga qarshi samarali va maqsadga yo‘naltirilgan kurash olib bora oladi. Yoshlar mamlakat oldida turgan muammolarni yechimini qidirishda faol ishtirok etishi, mamlakatimiz tarixini buzib ko‘rsatuvchilarga, hayot tarzini yevropalashtirish tarafdorlariga qarshi oqilona, faol hamda sidqidildan kurashishi zarur.

Xulosa shundan iboratki, jamiyat ravnaqi, yurt tinchligi, komil inson shakllanishi eng avvalo ma‘naviy tarbiyaning qay darajada tashkil etilganligi va yosh avlod ongida ma‘naviy yuksalishning namoyon bo‘lishiga qaratilgan chora-tadbirlarning nechog‘lik amalga oshirilishi bilan bog‘liq. Zero, ma‘naviyat-bu avvalo inson qalbi va ruhining pokligidir. Bunda ko‘z o‘ngimizda halol me‘nat qiladigan, mamlakat obodligi yo‘lida bel bog‘lagan, vijdoni va ruhi pok, elim deb, yurtim deb yashovchi pokiza insonlar gavdalanadi. Yuksak ma‘naviyatning avvalo ana shunday insonlar siymosida ko‘rganday bo‘lamiz. Uzluksiz ma‘naviy tarbiya orqali biz yoshlarimizda ana shunday siymolarni yarata olamiz. Chunki ma‘naviyat inson qalbiga oila muhitidagina singib qolmasdan, murabbiy va ustozlarning Vatanga muhabbat ruhi bilan singdirilgan ma‘naviy tarbiyasi, kattalar o‘giti, mahalla ta‘siri orqali bilan ham shakllanib, chuqur ildiz otib boradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Mirziyoev SH.M. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. –Toshkent.: “O‘zbekiston” NMIU, 2018. – B.19-20.
2. "O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami", 2019 yil 4 noyabr, 44-son, 826-modda.
3. "O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami", 2020 yil 2 noyabr, 43-son, 474-modda.
4. Nik Bostrom - Ph.D., is Director of Oxford University's new Future of Humanity Institute. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. //2007. <http://www.nickbostrom.com/>.

TA'LIMDA SMART TA'LIM TEXNOLOGIYALARI

S.B.Muranov, o'qituvchi, Samarqand Davlat universiteti, Samarqand

Annotasiya. Maqolada SMART ta'limi va axborotni axborotlashtirish davrida ta'lim texnologiyalari rivojlanishining muammolari va tendentsiyalari o'rganilgan. Tadqiqotning maqsadi - ushbu texnologiyalar to'plamini maqsad va spetsifikatsiyasiga muvofiq yozish. Bu esa uning natijasidir. Tadqiqot tizimli axborot yondashuvi va uning media muhit va ta'limning kiberfazosi uchun qo'llanilishi doirasida olib borilmoqda. Ta'lim texnologiyalari ushbu maqolada bilim, mavhum modellar, mavhum jarayonlar, ta'lim resurslari sifatida taqdim etilgan.

Kalit so'zlar: pedagogik texnologiya, ta'lim va tarbiya texnologiyasi, media muhiti, kiberfazo, media axborotlashtirish, media texnologiyasi, SMART ta'lim, SMART texnologiyasi, media -resurs.

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы и тенденции развития образовательных технологий в эпоху SMART-образования и медиаинформатизации. Целью исследования является типизация множества этих технологий в соответствии с их назначением и спецификацией. Это составляет и его результат. Исследование производится в рамках системно-информационного подхода и его реализаций, применимых к медиасреде и киберпространству образования. Образовательные технологии предстают в данной статье как знания, абстрактные модели, абстрактные процессы, образовательные ресурсы.

Ключевые слова: педагогическая технология, учебно-образовательная технология, медиасреда, киберпространство, медиаинформатизация, медиатехнология, SMART-образование, SMART-технология, медиаресурс. **Abstract.** The article examines problems and trends of development of educational technologies in the era of SMART education and media information. The aim of the study is the typification of these technologies according to their purpose and specification, and the result of it is given in the article. The research is performed in the framework of a systematic information approach and its implementations applicable to the media environment and cyber space of education. Educational technology is considered in this article as knowledge, abstract model, abstract processes, educational resources.

Keywords: educational technology, educational technology, media, cyber space, media information, media technology, SMART education, SMART technology, media resource.

PQ-4699 28.04.2020 “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida” O'zbekiston respublikasi prezidentining qarorida 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalarga muvofiq hamda iqtisodiyot tarmoqlari va davlat boshqaruvi tizimiga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish va telekommunikatsiya tarmoqlarini kengaytirish orqali respublika iqtisodiyotining raqobatbardoshligini yanada oshirish maqsadida SMART texnologiyalariga ham to'htalib o'tilgan. Biz axborot, kompyuter va aloqa texnologiyalari, global axborotlashtirish, raqamli texnologiyalar davrida yashayapmiz. XXI asrda raqamli texnologiyalarning xayotimizga va ta'lim tizimiga jadallik bilan kirib kelishi- uning o'ziga xosligi media texnologiyalari, SMART texnologiyalari, media resurslari, SMART resurslari, media muhiti va kiberfazo aylandi. Ta'limda bu quyidagi yangi shakl va qoidalarda ifodalangan:

Media ta'limi - bu: a) ta'lim sub'ektlarining media kompetentsiyasi va media madaniyatini shakllantirish; b) axborot muhitiga asoslangan ta'lim, unda media kompetentsiyasi va shaxsiy media madaniyati.

Ya'ni, media -ta'lim ta'lim funktsiyalaridan biri sifatida emas, balki uning sifat xarakteristikasi, zamonaviy axborot jamiyatiga mos keladigan yangi davlat sifatida tushuniladi. Ta'limni ommaviy axborotlashtirish (TOA) - ta'lim ob'ektlarini, media -texnologiyalarni, media muhitining tarkibiy qismlarini, shuningdek, media -metodlarni - media resurslarini tayyorlash va o'qitishdan foydalanish orqali ta'limni axborotlashtirish. Ya'ni, TOA - bu ta'limni axborotlashtirishning yanada mukammal,

zamonaviy holati (ZH). TOA ning samaradorligi va ratsionalligiga qo'yiladigan talablar uning tartibini, ta'lim kiberfazosi bo'lgan ma'lum bir strukturaviy tashkilotning mavjudligini nazarda tutadi.

Ta'lim kiberfazosi - jamiyatning umumiy kiberfazosining o'ziga xos qismi bo'lib, u ta'lim maqsadiga ega va u bilan maqsadli ta'limiy munosabatlar bilan tavsiflanadi. Ya'ni, uni "ta'lim predmeti - ta'lim kiberfazosi - kiberfazo" paradigmasi nuqtai nazaridan ko'rib chiqish kerak, uning elementlari va aloqalari ta'limning aloqa makonini yoki ta'limning axborot -kommunikatsiya makonini yaratadi. Shu bilan birga, ta'lim kiberfazosi - TOA ning relyatsion modelidir.

Zamonaviy axborot jamiyati, shuningdek, aql-idrokka ega "aqlli" aloqa (media) qurilmalari mavjud bo'lgan SMART jamiyati sifatida tavsiflanadi. Shunga ko'ra, ta'lim SMART ta'lim sifatida tavsiflanadi. Jamiyat va ta'limning bu holatlari bir -birini o'zaro belgilaydi va shartlaydi. Ko'rinib turibdiki, SMART ta'limi ommaviy axborot ta'limining o'ziga xos, davlat, shakllaridan biridir. Shunga ko'ra, SMART ta'limini axborotlashtirish jamiyat va ta'limni axborotlashtirishga kiradi desak xato bo'lmaydi. Shu bilan birga, "aqlli" ommaviy axborot vositalari va SMART qurilmalari faqat media ta'limi, SMART ta'limi va ma'lumotni axborotlashtirishni ta'minlaydigan yangilikning jismoniy yordamidir. Ta'limni axborotlashtirishda pedagogik jihat aniq ifodalanadi, bu nafaqat ta'lim maqsadlariga erishishni, balki ta'lim va uning tarkibidagi fanlarni o'rganishga xos bo'lgan uslubiy yondashuvlarni va ularga mos keladigan usullarni amalga oshirishni ham anglatadi. SMART ta'limida, ma'lumotni axborotlashtirishda, pedagogik jihat faqat kuchayadi va o'sadi. Media muhitining aqlli va kommunikatsion texnologiyalari, SMART muhitlari, kiberfazosi, bu muhitlar, sohalar, makonlarning elektron resurslarini (media resurslari, SMART resurslari) vujudga keltiradigan ta'lim texnologiyalari bilan mos ravishda to'ldirilishi kerak.

Ta'lim texnologiyasi - bu barcha ixtisoslashgan (ta'limiy) texnologiyalarga qo'llanilishi mumkin bo'lgan umumiy tushuncha. Zamonaviy pedagogikada ta'lim va tarbiya texnologiyalari tushunchalari noaniq ta'riflanadi. Lekin har qanday holatda ham ular pedagogik va shuning uchun ta'lim maqsadlariga erishishni amalga oshirish vositasi deb ataladi. Ilmiy tomondan aniqlashtirsak, texnologiyadagi pedagogik jihat pedagogika bilan, ilmiy -pedagogik tadqiqotlar yoki amaliy pedagogik faoliyat bilan bog'liq. Bir tomondan, pedagogika ta'lim sohasiga kiradi, bu ta'lim jarayoni va ta'limning o'zaro ta'siri natijasida hosil bo'ladi, bu esa ta'lim muassasasidir. Boshqa tomondan, ta'lim ilmiy, metodik va uslubiy tizimlar majmui, pedagogik metasistema sifatida pedagogikaning predmetidir. Demak, pedagogik faoliyatning o'zi (nazariy va amaliy) pedagogikaning umumiy nazariyasiga bo'ysunadi, uning umuminsoniy bilimlari va rivojlanish tendentsiyalariga muvofiq amalga oshiriladi, shu jumladan axborot va ular o'rtasidagi uzviy bo'g'liqlikni ta'minlovchi bu aloqadir.

Natijada pedagogik texnologiyalar ta'lim va SMART ta'lim texnologiyalari sohasida hal qiluvchi strategik rolga ega. Bundan tashqari, ular ta'lim mazmunini, ta'lim sohasining tuzilishini aniqlashda, ta'lim metodikasini va asosiy fanga yo'naltirilgan uslubiy yondashuvlarni belgilashda va amalga oshirishda, fan ilmiy-uslubiy tizimlarini ishlab chiqishda ishlatiladi.

Pedagogik texnologiya - bu ta'lim sohasidagi pedagogika metodologiyasi va usullarining ta'limning o'zaro ta'sirida amalga oshirilishining mavhum ifodasi. Bu o'quv faoliyatining universal tuzilgan modeli, uning maqsadlari va ularga erishish usullariga mos keladigan mavhum ta'limiy o'zaro ta'sir.

Mavhum axborotlarning o'zaro ta'siri sub'ekt-ob'ekt munosabatlarining tartiblangan ketma-ketligini ifodalagan uchun, pedagogik texnologiya mazmunli, uslubiy, rasmiy, tashkiliy va mantiqiy jihatlarga ega (mantiqiy aloqalar va munosabatlarni amalga oshirish). Pedagogik texnologiya - umumiy ta'limiy ahamiyatga ega bo'lgan yoki fanlarni o'qitishning metodik tizimining elementi sifatida ishlaydigan universal pedagogik resurs.

Ta'lim va tarbiya texnologiyasi - bu pedagogik texnologiyani o'quv muhitining texnologik bazasi va ta'limni axborotlashtirishning texnologik bazasi imkoniyatlaridan foydalangan holda fanni o'qitishning o'ziga xos xususiyatlariga, mazmuniga mos ravishda taqdim etish. Ya'ni, bu mos keladigan pedagogik texnologiyaning tasviri, modeli, pedagogik texnologiya bilimlarining maqsadli kombinatsiyasi, unda media muhiti va kiberfazoning salohiyati bilan ifodalangan usullar, ma'lum

ommaviy axborot vositalari va SMART texnologiyalarining imkoniyatlaridir. Bu bilim va usullar uchun maqbul keladi.

Ta'lim texnologiyasi - bu predmetni o'rganishning umumiy jarayonining mazmuni, shakllari, usullari va texnikasini aks ettiruvchi uning prototipining (pedagogik texnologiya) ifodasidir, ya'ni bu mavhum bilimdir. Shu bilan birga, bu uning faoliyatining ifodasidir, shuning uchun bu o'ziga xosligi, o'quv faoliyatining o'ziga xosligi va axborot-texnologik sub'ekt-ob'ekt o'zaro ta'siriga ega bo'lgan ko'plab aniq o'quv jarayonlarining prototipi vazifasini bajaradigan mavhum jarayondir. Media ta'lim muhitining har bir bunday manbasi ko'p funktsiyali o'qitish vositasi sifatida o'ziga xos tarbiyaviy ahamiyatga ega. Biroq, ta'lim va tarbiya texnologiyasiga kelsak, ular tabiiy fazilatlarini, imkoniyatlarni ifodalovchi elementlar bo'lib, bu fazilatlarini o'z fazilatlarini bilan, funktsional imkoniyatlarini funktsional imkoniyatlari bilan birlashtiradi. Bu "elementlardan" biri media -ETM - multimediya va gipermediya imkoniyatlarini birlashtirgan ko'p funktsiyali elektron ta'lim manbasi. Multimediya yoki gipermediya ETM - multimediya va gipermatn ko'rinishidagi ixtisoslashtirilgan elektron resurs bo'lib, u ta'lim maqsadiga ega, davlat ta'lim standartining barcha talablariga javob beradi va fanni o'qitish vositasi sifatida mustaqil ta'limiy qiymatga ega. Media-ETM pedagogik texnologiyalarda ifodalangan ta'lim maqsadlariga erishishni kafolatlaydigan yangi vositalar va sharoitlar tizimi sifatida ishlaydi. Shu bilan birga, turli xil operatsion, aloqa va interaktiv imkoniyatlarga ega bo'lgan media-ETM ni mustaqil o'qish va o'qitish texnologiyasi deb hisoblash mumkin. Yapon o'qituvchisi T. Sakamoto ta'rifiga ko'ra, pedagogik texnologiya - bu pedagogikaga tizimli mantiqiy fikrlash tarzini kiritish, uni ta'limni tizimlashtirish deb ataydi. Aslida, bu ta'rif ta'lim samaradorligini rivojlantirishning kontseptual g'oyalarini ifodalaydi (TOA, shu jumladan) va ta'limda tizimli yondashuvni amalga oshirish, boshqacha qilib aytganda, "ta'limni tizimlashtirish" - bu TT (TOA) ning tizimli tomonlarini amalga oshirish va bilvosita, yangi axborot va pedagogik ta'lim texnologiyalari ko'rinishida ifodalangan ta'lim sohasidir. Tafakkurni tizimlashtirish va shunga mos ravishda ta'lim, ya'ni ta'lim sub'ektlari tafakkurini tizimlashtirish ta'lim texnologiyalarini tizimli mantiqiy bilimlarga, shu jumladan elektron intellektual tizimlar haqidagi bilimlarni taqdim etishdan boshlanadi. Ta'lim texnologiyasi - bu o'qituvchi va talabaning ta'lim ma'lumotlarini uzatish va qabul qilishdagi o'zaro ta'sirining nazorat elementi xisoblanadi. Ta'lim SMART texnologiyalar asosida o'qituvchilarning barcha fanlardan ta'lim berish jarayonida ta'lim berish samaradorligi va malakasi bilan, ta'limning barcha qiyinchiliklari va muammolarini oson engib o'ta oladigan bosqichga o'tadi: u o'z mavzusi va o'quv jarayonlari bilan bog'liq bo'lgan barcha sohalarida mutaxassislarni xorijiy universitetlarning pedagogik tadqiqotlarining yutuqlariga tayangan va SMART texnologiyalarni ta'lim jarayonida qo'llagan holda erishishi mumkin desak mubolag'a bo'lmaydi. Bizga bir-biriga bog'liq bo'lgan, lekin har xil yo'llar bilan o'ylaydigan fikrlaydigan odamlar jamoasi kerak. SMART mutaxassislari guruhlari SMART mavzularini o'rganish jarayonlarining standart modellarini yaratadilar, shu bilan birga, mutaxassisning vazifasi - uni qayta ishlab chiqarish va shunga mos ravishda uni haqiqiy real ta'lim sharoitlariga mos ravishda o'zgartirish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mamatov D.N., Bekchanova Sh.B., Saidova B.N., Abdullaeva D.N., Fayzieva G.U. Enhancing the participation of students and faculty in distance learning using blender learning and flipped classroom technologies in the development of pedagogy through digital technology // *PSYCHOLOGY AND EDUCATION* (2021) 58(2): 4910-4917. Америка. P 4910-4917.
2. Mamatov D.N, Bekchanova Sh.B, Xo'jaev A.A. Elektron platforma tizimi va undan foydalanishni o'rganish. Metodik qo'llanma. – Toshkent, 2020. B.35.
3. Коротенков, Ю.Г. Smart-образование в аспекте его медиаинформатизации / Ю.Г. Коротенков // Научные труды VIII Международной школы-симпозиума АМУР-2014.
4. Евсюков И.С. Smart-технологии как средство формирования компетенций студентов вуза (на примере направлений подготовки «реклама и связи с общественностью» и «лингвистика») // Интернет-журнал «Мир науки», 2018 №3.
5. Evsiukov I.S. (2018). Smart technologies as a means of forming the university students' competencies (by the example of the "advertising and public relations" and "linguistics" areas of training). *World of Science. Pedagogy and psychology*.3(6).

DEVELOPMENT OF CULTURE AND SPORTS IN UZBEKISTAN DURING THE PERIOD OF SELF-SUFFICIENCY

Q.Yu. Nazirov, head of department, Fergana branch of the Institute for retraining and professional development of sports specialists of the Ministry of Tourism and sports of the Republic of Uzbekistan, Fergana

Annotatsiya. Ushbu maqolada mustaqillik yillarida O'zbekistonda madaniyat va sportning rivojlanishi, ushbu sohada amalga oshirilgan islohotlar, uning o'ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: madaniyat, sport, jismoniy tarbiya, taraqqiyot, mustaqillik, islohotlar, yutuqlar, ta'lim.

Аннотация. В данной статье освещено развитие культуры и спорта в Узбекистане в годы независимости, осуществляемые реформы в этой сфере, ее особенности.

Ключевые слова: культура, спорт, физкультура, развитие, независимость, реформы, достижения, образование.

Abstract. This article highlights the development of culture and sports in Uzbekistan during the years of independence, the reforms carried out in this area, its peculiarities.

Keywords: culture, sports, physical education, development, independence, reforms, achievements, education.

The changes and reforms taking place in the socio-political life of the Republic of Uzbekistan necessitate the modern approach to the issue of education and education of the younger generation. In particular, the continuity of reforms in the field of Culture, Arts and sports, the mutual harmony of education and training, as well as providing universal, national traditions and values are given special attention. Culture, art, sport is a specific sphere that quickly introduces the people and the state to the world. Due to independence, special attention was paid to culture, art and sport in the Republic of Uzbekistan.

Also in the early period, the legal framework for the wide involvement of young people in culture, arts and sports began to be fully created in the country. In particular, on August 28, 1992, the Presidential Decree "On measures to support the creative youth of Uzbekistan by the state" was issued. As a result, special attention was paid to supporting thousands of young people, realizing their talent.

Presidential Decree "On improving the activities and structure of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan" was announced. In order to ensure the implementation of this decision, the decision of the regional administration of the Republic of Karakalpakstan "On improving the organizational structure and activities of the Regional Department of Cultural Affairs" was adopted. As a result, on April 14, 1993, a concert entitled "Istiqlol jilolari" was held for students and teachers of higher and secondary special educational institutions of art, culture under the Ministry of Culture of the Republic. At this concert, young people actively demonstrated their talents. Since December 1995, hundreds of new songs of the independence period have been created in the country after the announcement of the song contest "O'zbekiston-Vatanim manim". On August 27, 1996, a special decree was adopted on the song festival "O'zbekiston-Vatanim manim". This competition was an unforgettable event in the cultural and spiritual life of young people, which was supported by them with great pleasure and enthusiasm. As a result, in order to develop the art of music and dance in Uzbekistan, the Uzbeknavo Tour and Concert Association and the Uzbekraqs Association were established. On January 23, 1997 the President of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov's Decree No. PF-1701 "On the establishment of the Academy of Arts of Uzbekistan" was adopted, and the rise in the field of culture and art in the country has reached a higher level. In 1998, the first symphonic music festival was held in Uzbekistan, which was attended by performers from about twenty countries.

Extensive promotion of unique examples of national music and singing of the peoples of the East, preservation and development of national musical traditions, love of art in the minds of the

younger generation, singing of beauty, the formation of a sense of true human values. In accordance with the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated March 11, 1997 No.132, "Sharq Taronalari" International Music Festival was established. It should be noted that the festival is held every two years in Samarkand. The traditional music festival "Sharq Taronalari" attracts the attention of artists from five continents.

Especially, the development of high-performance sports, the training of highly qualified athletes who can compete strongly in the international arena, the training of worthy reserves in various sports and the training of mature specialists with scientific and practical potential became the priority direction of the country's policy. Analyzing the achievements of our athletes in the past period, there was an opportunity to determine the prospects for the development of sports in Uzbekistan. The main goal of the study was to determine the direction of development of this sphere on the basis of comparative analysis of achievements in the field of sports in the years of independence of the Republic of Uzbekistan.

Since the first years of the sovereignty of the Independent Republic of Uzbekistan, great attention has been paid to the development of sports as a factor contributing to national development. To this end, changes in sports activities have been adapted to the new economic, political, social, cultural conditions of our society. The study of the consistent changes taking place in the framework of national, regional and global processes in our country, the evaluation, analysis of the socio-political processes being carried out, the scientific-theoretical generalization, the development of updates indicate that the country has its own characteristics. It should be noted that the large-scale work carried out in Uzbekistan is associated with the present-day world civilization. Uzbekistan has taken a unique position as a country with its unique program of socio-political and spiritual renewal in the flow of universal processes of change. As a state capable of making a strong impact on the development of a new civilization and humanity, it has demonstrated its broad capabilities. We can say with full confidence that the development of physical education and sports in Uzbekistan in the period of independence is an effective result of political, economic and social reforms carried out in our country. The gross updates carried out in our country are analyzed in depth directly in the works of Islam Karimov, in his speech and lectures, in conversation and interviews. The updates created by the first president of our country paved the way for a holistic perception of the big reality of the concept yesterday, today and tomorrow. In Uzbekistan, the process of updates is being carried out on the basis of the instruction of the first president of our country "before the processes of changes of laws".

In the first years of independence, the law of the Republic of Uzbekistan "on Sports" was adopted. The second edition of this law was approved 26 May 2000 year. A new edition of the law of the Republic of Uzbekistan "on Sports" was adopted on September 4, 2015. In this law, the legal normative basis of the Government of Uzbekistan for the development of sports was created in accordance with the norms of the Constitution and international law. The law of the Republic of Uzbekistan "on Sports" has defined the main directions of the state policy in the field of sports in our country: state support for the development of sports; ensuring the right of everyone to freely engage in physical education and sports; harmonization of state and public administration in the field of physical education and sports; establishment of state guarantees of; to ensure the safety of life and health of the spectators; to promote the development of all types and components of sports; to create conditions for the development and popularization of national sports and folk dances of Uzbekistan; to ensure the continuity and continuity of physical education of citizens; to ensure the development of sports among persons with disabilities and physical disabilities, as well as; the implementation of international cooperation is a sentence.

During 1991-2016 years, the development of sports in Uzbekistan can be observed in four main directions: mass sports, children sport, women sport, high results sport. In order to develop mass sports, representatives of all social strata of the population are involved in sports through competitions, which cover the population in a mass way. Every year, continuous sports competitions are held among youth, workers and servants, culture, law enforcement, defense personnel in "Kamolot Cup" on basketball and volleyball, sports competitions "Alpomish" on National games,

military sports competitions "Shunqorlar" of young people, Sports festival, "Tumaris" of women, sports competitions "Jasorat-iroda-g'alaba" of disabled people, "Umid nihollari" of readers and students, "Barkamol avlod", "continuous sports competitions "Universiada".

Also in the range of sports entertainment, large tennis is developing at a mass rapid pace in all regions of the country. In 1998, in order to promote tennis among the population of the country and to create the appropriate conditions for those engaged, the Cabinet of Ministers adopted a resolution "on measures for the further development of tennis in Uzbekistan". According to him, in a few years, tennis courts meeting the requirements of the world were built, on the basis of which international competitions of different levels are held. In order to widely promote physical education and sports through the mass media, to convey its essence to the population of the country, the Cabinet of Ministers adopted the Resolution No. 484 of November 4, 2003 "on measures to further promote mass sports", according to which a special "Sport" channel was created on Uzbek television. These works provide the basis for an increase in the number of sportsmen. For example, in 2008 year, the number of football players increased by 80,6 percent compared to the same period in 1991 year, while those engaged in wrestling increased by 89,8 percent. If there are 52 sports in our country in 1991, today more than 65 of 74 sports are widely represented in all regions and conditions for their popularization are being created. In order to ensure the physical and spiritual perfection of the younger generation, to develop a healthy lifestyle and love for sports, to create a material and technical base of children's sports in the areas, to restore the network of modern children's sports complexes, to further activate the work on providing sports equipment and equipment, in October 2002 the "Uzbek children's sports The first president of the Republic of Uzbekistan chaired the board of Trustees of the fund at the Republican level. Restoration, placement and elimination of inadequacies in the activities of children's facilities, development of proposals for further improvement of the level of use of children's and adolescents' sports schools and the effectiveness of their activities, improvement of the organization of their management, development of prospects and strengthening of the material and technical base, in order to expand the involvement of children in regular sports, on December 11, 2015, the first president of the Republic of Uzbekistan signed the 356th resolution "on measures for further improvement of the activities of children's and adolescents "sports schools". Prestigious international institutions recognize that Uzbekistan occupies one of the leading places among the 125 countries of the world in terms of creating favorable conditions for women and protection of motherhood. In the world ranking, our country ranks among the ten countries that care most about the health of the younger generation. The development of women-specific sports in our country, the transformation of sports activities into a daily lifestyle of the population and thereby the preservation of women's health, the promotion of responsibility for women's health, the birth of a healthy generation became one of the priority tasks. At the State Institute of physical education of Uzbekistan" direction of development of women's sports" is organized, training of highly qualified female trainers and physical education teachers is carried out. High results can be observed on the basis of the achievements of the national teams of Uzbekistan in international sports competitions, Olympiads and Asian Games. The National Olympiad of Uzbekistan became a member of the International Olympiad in 1993 and gained the opportunity to participate as an independent team under the flag of our homeland. During the years of independence, athletes of Uzbekistan won 22 medals (6 gold, 5 Silver, 11 bronze), 271 medals (62 gold, 95 silver, 114 bronze) at the winter and Summer Olympic Games. During the years of independence, a total of 336 athletes took part in the Games as part of the Olympic team of Uzbekistan.

Independence, free thinking, justice and equality have brought new happiness to our compatriots. Culture and sports movement also earned its rightful national status. Sports also play a role and position in the economic, political, cultural and social potential of the Republic.

REFERENCES:

1. Bibliography of the works of President Islam Karimov. / Responsible editor A.S.Saddullaev. - T.: 2009.
2. Alone, my holy Motherland, my love and loyalty to you, my Uzbekistan. Instructional manual. - T.: "Spirituality", 2014.
3. Djalilova L.A. History of physical education and sports. - T., 2013.

4. Shakirjanova K.T. Organization of continuing education in physical education and sports. Educational-methodical manual. - T.: Uzdjti, 2012.

5. Akhmatov M.S. Effective management of mass sports and health promotion in the system of continuing education. / Monograph. - T., 2005.

UO'K 691.33

SOG'LOM AVLOD - JAMIYAT TARAQIYOTINING HAL QILUVCHI OMILI VA OILA MA'NAVIYATINING KO'ZGUSI

Sh.H. Yusupalieva, katta o'qituvchi, Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada yoshlar tarbiyasida jamiyat taraqqiyotining hal qiluvchi omili bo'lgan va oila ma'naviyatining ko'zgusi ekanligi ilmiy jihatdan tahlil qilindi. Oila har bir xalqning, millatning davomiyligini saqlaydigan, milliy qadriyatlarning rivojini ta'minlaydigan, yangi avlodni dunyoga keltirib, uni ma'naviy va jismoniy barkamol qilib tarbiyalaydigan, jamiyatning asosiy negizi hisoblanuvchi muqaddas maskandir.

Kalit so'zlar: oila, tarbiya, mahalla, ta'lim muassasasi, millat, milliy qadriyatlar, yangi avlod, yangilanayotgan O'zbekiston.

Аннотация. В статье научно анализируется, что воспитание молодежи является решающим фактором развития общества и зеркалом семейной духовности. Семья - это священное место, которое сохраняет преемственность каждого народа, нации, обеспечивает развитие национальных ценностей, рождает новое поколение, воспитывает его духовно и физически, является главной основой общества.

Ключевые слова: семья, воспитание, соседство, образовательное учреждение, нация, национальные.

Abstract. The article scientifically analyzes that the upbringing of young people is a decisive factor in the development of society and a mirror of family spirituality. The family is a sacred place that preserves the continuity of each people, nation, ensures the development of national values, gives birth to a new generation, brings it up spiritually and physically, and is the main foundation of society.

Keywords: family, upbringing, neighborhood, educational institution, nation, national values, new generation, renewal of Uzbekistan.

Oila asli arabcha so'z bo'lib, "ayolmand, niyozmand", "er-xotin, ularning bola-chaqalari va eng yaqin tug'ishganlaridan iborat birga yashovchi kishilar majmui, xonadon" degan ma'noni anglatadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev oila va baxt haqida fikr bildirib, har bir inson hayotida eng muhimi, bu - oila. «Oila men uchun muqaddas. Muqaddasligi shuki, avvalambor qaerda ishlashidan qat'i nazar, kim bo'lishidan qat'i nazar agar oilada tarbiya, oilada muhit, oilada halollik, munosabat, tarbiyaga alohida e'tibor bermasa, hech qachon natija bo'lmaydi. SHuning uchun men farzandlarimning tarbiyasiga juda katta e'tibor beraman. Har bir farzandimga ham, nevaramga ham alohida o'zinning munosabatim bor. Har bir nevaramning alohida xarakterini bilaman, orzusini, istagini bilaman», - deb ta'kidladilar muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev [1].

Oila juftlik qonuni asosida yuzaga keladi, bir erkakning o'zi yoxud bir ayolning o'zi oila bo'la olmaydi. Qolaversa, oila faqat er va xotindangina iborat emas. Oila eru xotindan tashqari erning ota-onasi, ya'ni qaynota va qaynona, farzandlar, uka singillardan iborat ko'p bo'g'inli xonadon. Uning har bir a'zosi o'z mavqeiga ega, shu oilaning ichki intizomiga bo'ysunib yashaydi. SHu ma'noda oila jamiyat ichidagi jamiyatdir. Bu jamiyatning o'z saltanati bor: bunda minglab tasodiflar jarayonida er-xotin muhabbati sinovdan o'tadi, shu sinov jarayonida ular bir-birini chuqurroq tushunadilar, bir-birlarini qadrlashni o'rniga quyadigan bo'ladi, bir-birlariga kechirimli bo'lishadi, er-otaga, xotin-onaga aylanadi, farzandlarini tarbiyalab, orzu-havas ko'radi. SHu ma'noda oila inson hayotiga to'kislik baxsh etadi, jamiyatning muqaddas maskani sifatida sadoqat sarchashmasiga aylanadi.

Oila tabiatning eng go'zal mo'jizalaridan biri bo'lib, u insonlrga xos "tabiiy-biologik", iqtisodiy, huquqiy, ma'naviy munosabatlariga asoslangan ijtimoiy birlikdir. Professor O.Musurmonova ta'kidlaganidek: "Oilaning asosi er-xotin yoxud ota-onadir. Modomiki, er-xotin

oilaning tamal toshlarini mustahkam bunyod etishga mas'ul ekanlar, ular unda uchraydigan turmush qiyinchiliklari, hayot quvonchlari-yu, tashvishlarini boshdan kechirishda, oilani idora etishda, farzand tarbiyasida mas'uldirlar" [4, 60-b.]. O'zbek xalqi uchun oila eng muqaddas dargohdir. Bunda o'zaro hurmat va qattiq tartib bo'lmasa, oilaning barcha a'zolari o'z burchlarini ado etmasa, bir-biriga nisbatan ezgulik bilan mehr-oqibat ko'rsatmasa yaxshi munosib tarzda yashash mumkin emas... O'zbeklarning aksariyati o'zining shaxsiy farovonligi to'g'risida emas, balki oilasining, qarindosh-urug'lari va yaqin odamlarining, qo'shnilarining eson-omonligi to'g'risida g'amxo'rlik qilishni birinchi o'ringa qo'yadi. Bu esa eng oliy darajada ma'naviy qadriyat, inson qalbining gavharidir.

Bundan shunday xulosa kelib chiqadiki, oiladagi mehr-oqibat, ota-bola, aka-ukalaar, opa-singillar, qarindosh-urug'lar o'rtasidagi munosabat yosh avlodning komil inson bo'lib etishishiga, hayotda o'z qarashiga ega bo'lishida katta ahamiyatga egadir.

Huquqiy jihatdan kafolatlangan oila o'z burchlarini ham unutmashligi lozim. SHulardan eng asosiysi, oilani yaxshi oila qilib ko'rsatuvchi fazilatlaridan biri - farzandlarni oila qurishga tayyorlashdir. Darhaqiqat, mamlakatimizda yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash – oilalarning mustahkamligini ta'minlashning muhim shartidir. Shu boisdan ham "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da xuddi mana shunday masalaga alohida e'tibor berilgan, ya'ni: oila-oilaviy an'analarni hamda ma'naviy-ahloqiy merosni saqlab qoluvchi, davom ettiruvchi; jamiyatning eng kichik bir qismi bo'lib, bolaning madaniy, estetik va boshqa ehtiyojlari o'sishini va sog'lom turmush tarzini ta'minlovchi; bolaning fe'l-atvori asoslarini shakllantiruvchi birinchi murabbiy; hayotning barcha jabhalarida yosh avlodning doimo maslahatchisi, yo'l-yo'riq ko'rsatuvchisidir.

Demak, oila poydevorining mustahkamligi – jamiyat poydevori va binosini puxta qilib qurishni ta'minlashning asosiy shartidir, uning moddiy va ma'naviy barkamolligi esa davlat va jamiyat faroonligining negizidir [3, 45-b.].

Oilaning mustahkamligi, farovonligi va barqarorligini ta'minlash bilan bog'liq barcha masalalarni o'zida mujassam etgan quyidagi yo'nishlarda muhim ishlar amalga oshirilmoqda: oilaviy munosabatlarning huquqiy asoslarini takomillashtirish, oila manfaatlarini huquqiy himoya qilishni ta'minlash, onalik va bolalik huquqlarini muhofaza qilish; oilaning ijtimoiy manfaatlarini ta'minlash uchun shart-sharoitlar yaratish, oila a'zolarining sog'ligini muhofaza qilish va bilim darajasini oshirish uchun imkoniyatlarni yaxshilash; oilaning iqtisodiy manfaatlarini ta'minlash uchun shart-sharoitlar yaratish, oilaning daromadlarini, oila a'zolarining ish bilan ta'minlash darajasini oshirish, ro'zg'or yumushi va turmush sharoitlarini yaxshilash. Kam ta'minlangan oilalarni davlat tomonidan qo'llab-quvatlash; oilaning ma'naviy-ahloqiy asoslarini va madaniy manfaatlarini takomillashtirish uchun shart-sharoitlar yaratish; oilaning sog'lom, aql-zakovatli yosh avlodni tarbiyalashdagi rolini oshirish, har tomonlama kamol topgan avlodni tarbiyalashda oila va jamiyatning vazifalarini takomillashtirish; oila muammolarini ilmiy va ijtimoiy tadqiq etish, oila, xotin-qizlar va bolalarning iqtisodiy va ijtimoiy ahvolini ko'rsatuvchi statistika hisobotini to'plash va takomillashtirishdan iborat.

Hayotiy kuzatishlar, ba'zan ziyolilarimiz o'rtasida ham bizga milliy g'oya, milliy mafkura nima uchun, kim uchun kerak, uning ma'no-mohiyati nimadan iborat, degan muhim masalaga yana bir bor oydinlik kiritish zarurati mavjud. Bunda, ya'ni milliy g'oyada O'zbekiston xalqining mamlakatimiz rivojida belgilab olgan asosiy maqsad va muddaolarining ifodasi mujassamlashgan.

Bola tug'ilgan kundan boshlab oila muhitida yashaydi. Oilaga xos an'analar, qadriyatlar, urf-odatlar bola zuvalasini shakllantiradi. Eng muhimi, farzandlar oilaviy hayot maktabi orqali jamiyat talablarini angelaydi, xis etadi" [2, 8-b.].

O'tgan davrlarda ota - onalarning hayotiy tajribasi, bir - biriga hurmati, sadoqati, muhabbati, hamfikrliligi, iymonliligi, insofliligi, mehnatsevarligi, oilaparvarligi farzandlar uchun kamolot maktabi bo'lgan. Bu maktabda barcha bir umr unutilmaydigan, e'tiqodiga chuqur singadigan saboq olgan. O'g'il-qizlar uchun ahl, sadoqatli, halol, mehnatsevar, iymonli - insofli, ota -ona og'ushida tarbilanishdan yuksak baxt bo'lmaydi. Farzand oldin ota - ona ibrati mohiyatini ruhan, vijdonan, aql - idrok bilan angelaydi, keyin shu e'tiqoddan kelib chiqqan holda xayrli ishlarga qo'l uradi. Hayotda og'ir - engilliklarni ko'p ko'rgan halol mehnat qilib kun ko'rishga o'rgangan ota - ona o'z farzandlariga yaxshi tarbiya berish imkoniyatiga ko'proq ega bo'ladi. Bir dono otaning uylanayotgan

o'g'liga nasihati shunday: «Ibratli xotin kishi shirin so'zning shaydosi, unga doim shirin muomalada bo'l, lekin nazokat va iffatni talab qil. Nuqsoni bo'lsa yotig'i bilan tushuntir, uni hech qachon haqorat va malomat qilma, aks holda chuvalchangday beozor xotin ajdarga aylanadi. Muloyimlik va shirin so'z bilan xotin kishini abadiy do'st qilsa bo'ladi. Dunyoda xotindan sadoqatli do'stni topib bo'lmaydi» [5, 78-b.].

O'zbeklar asrlar davomida ayol kishini qadrlashni, uni hurmat qilib, shirin muomalada bo'lishni erkak uchun zarur bo'lgan yuksak axloqiy fazilat deb qaraganlar. «Doimo kulib turadigan erlarning xotini dunyodagi eng baxtli ayoldir», - degan hikmatli so'z yuqoridagi fikrimiz isbotidir. O'g'il bola o'z umr yo'ldoshini xurmat qilishni otasidan, qiz bola o'z eriga qanday munosabatda bo'lishni onasidan o'rganadi. Xadislarda: «Iymon jihatidan mo'minlarning komilrog'i- hulki yaxshi bo'lgani, xotinlariga yaxshi muomala kilganidir». «Tangri ayollar bilan yaxshi muomalada bo'lishingizni tavsiya etadi, chunki ular onalaringiz, qizlaringiz, xotinlaringizdir». Oilada er va mazmunini shu fikrlardan bilsa bo'ladi. Oilada er bilan xotinning munosabatlariga farzandlari tarbiyasiga jamiyatda mavjud bo'lgan ijtimoiy, iqtisodiy - siyosiy munosabatlar ham ta'sir o'tkazadi. Faqat adolatli jamiyatgina er va xotin o'rtasidagi munosabat tenglik va tenghuquqlikka tayanishi mumkin [5, 34-b.]. Bugungi voqelik o'zbekistonliklarning ma'naviy fazilatlarini erkin rivojlanishi uchun xolisona asos yaratadi. Biroq ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy o'zgarishlar inson axloqiy sifatlarining o'z-o'zidan o'zgarishiga olib keladi deb bo'lmaydi. SHaxsning ma'naviy kamol topishi va o'sib kelayotgan avlodni tarbiyalash uchun shart-sharoitlar yaratish yuzasidan davlatning aniq maqsadga yo'naltirilgan faoliyati talab qilinadi. Ma'naviyat tushunchasi axloq tushunchasi bilan chambarchas bog'liqdir. Axloq asosan etikaning o'rganish sohasi hisoblanadi. Gumanitar va ijtimoiy fanlar tarixida ushbu tushunchaga bir necha nuqtai nazar mavjud. Ma'lumki, har bir insonning ma'naviy qiyofasining, jumladan ahloqining shakllanishi va takomillashuviga ijtimoiy-iqtisodiy sharoit hal qiluvchi ta'sir ko'rsatadi. Jamiyatning ma'naviy hayoti, ya'ni ijtimoiy g'oya va qarashlar, tasavvurlar va tushunchalar, his va tuyg'ular jamiyat moddiy hayoti sharoitlarini aks ettiradi. Chunki, kishilarning ma'naviy hayoti ham jamiyat taraqqiyotida muhim rol o'ynaydi. Oilaviy tarbiyada kattalarning hurmatini, kichiklarning izzatini o'z o'rniga qo'yish singari milliy-ma'naviy qadriyatlarga e'tibor berish zarur. Inson hayotda ikki bor katta pedagogik xatoga yo'l qo'yishi mumkin. Birinchisi – bolalar hali yosh deb, ularga ishonmaganida, ikkinchisi – keksalarni qari deb, ularni chetga surib qo'yishda. O'zbek milliy tarbiyasida bu ahloqiy xislatlarga katta ahamiyat beriladi, uni oilada ham doimo ta'kidlab turiladi. CHunki, avlodlar vorisligi xudi shunda ko'rinadi. Ota-onalarning farzandlariga, farzandlarning ota-onalariga g'amxo'rliги ana shu ahloqiy fazilatda bilinadi. Ota-onalar ma'naviy jihatdan qanchalik boy bo'lsa, ular o'z farzandlariga nisbatan shu qadar jiddiy va mas'uliyatli munosabatda bo'ladi.

Oilada milliy madaniyatni saqlash va rivojlantirish muhim rol o'ynaydi. Agar ota-onalar jamiyatimiz tomonidan oilaga, o'sib borayotgan avlod tarbiyasiga qo'yiladigan talabni bilsa, axloqiy tarbiya samarali bo'ladi; axloqiy tarbiyalash jarayonida bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda milliy o'zbek an'analaridan foydalaniladi; ota-onalar pedagogika va psixologiyaning zamonaviy yutuqlarini hisobga olgan holda va oilaviy tarbiya masalalari bo'yicha Sharq mutafakkirlarining boy madaniy merosidan foydalangani holda o'zining pedagogik ma'lumotini doimo oshirib boradi.

Xulosa sifatida shuni ta'kidlash joizki, farzanlarga yaxshi tarbiya berish- ota-onaning burchi. Ularni savobli ishlarini orttirib oxiratini obod qiluvchi omildir. Ota-bobolarimizning ezgu niyati barcha davrlarda ham farzandlarimizga yaxshi nom qo'yish, yaxshi muallim qo'liga topshirib savodini chiqarish, ilmi, kasbli, hunarli qilish, o'g'lini uylab, qizini kuyovga chiqarib uyli-joyli qilish bo'lgan. Bu ham xalqchil mafkuraning bir belgisidir. Darhaqiqat, bola tarbiyasida ota-onaning burchi va vazifalari muhim ekanligi, ularning tamoyillari ajdodlarimiz yodnomalarida o'z aksini topgan. Shu tamoyillar ilm-fan va texnika taraqqiyoti davri talablari asosida boyitilishi va rivojlantirilishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/>.
2. Barkamol avlod orzusi . - Toshkent, Sharq nashriyoti Matbaa Konserni, 2008.
3. Dehqonov M., Abduraximov Q. Oilada go'zal xulq ta'lim-tarbiya inson husni va odobining ziynati. – Toshkent, Fan, 2006.

4. Musurmonova O. Oila ma'naviyati-milliy g'urur – Toshkent, O'qituvchi, 2000.
5. Quronov M. Milliy tarbiya - Toshkent, Ma'naviyat, 2008.

УДК 37.02

ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

М.М. Парниева, старший преподаватель, Ферганский политехнический институт, Фергана

У.И. Нишонов, заведующий кафедрой, Ферганский политехнический институт, Фергана

Аннотация. Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotda oliy ta'lim tizimining holati va rivojlanishi, shuningdek, o'qitiladigan fanlarning mazmuni va ularni taqdim etish shakliga raqamli texnologiyalarning tubdan ta'siri va ta'limda zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalarining o'rni tahlil qilingan.

Калит so'zlar: raqamli iqtisodiyot, an'anaviy tizim, raqamlashtirish ta'lim texnologiyasi.

Аннотация. В данной статье проводится анализ состояния и развитие системы высшего образования в условиях цифровой экономики, а также радикального влияния цифровые технологий на содержание преподаваемых дисциплин и форму их подачи, и роли современных информационно-коммуникационных технологий в образовании.

Ключевые слова: цифровая экономика, традиционная система, цифровизации образование технологии,

Abstract. This article analyzes the state and development of the higher education system in the digital economy, as well as the radical impact of digital technologies on the content of taught disciplines and the form of their presentation, and the role of modern information communication technologies in education.

Keywords: digital economy, traditional system, digitalization education technology.

Чтобы приблизить современное, в частности высшее образование к ожидаемому будущему, должны быть как можно скорее, внедрены принципиальные, существенные достижения в области качества, инновационных методов и современных информационно-коммуникационных технологий в образовании. Такие изменения необходимы, прежде всего, ввиду неэффективности традиционной системы обучения, основанной главным образом на репродуктивных методах обучения, используя которые, уже невозможно привлечь внимание обучающегося, заинтересовать его и мотивировать. Образование XXI века основано на других принципах, чем таких, которые были известны до сих пор. Общий доступ к данным, а также возможность коммуникации и свободного обмена сведениями, мнениями, опытом между людьми и странами определяет новую реальную ситуацию, касающуюся конкретных действий и реформ на всех уровнях образования и вузов различного профиля.

Развитие системы образования в условиях цифровой экономики – это новые подходы к пониманию и формированию образовательной среды, структуры образовательных программ, содержания образования, результатов образовательной деятельности, роли преподавателя, взаимодействия всех членов общества и всех этапов системы образования.

После объявления Узбекистаном Независимости, своей главной стратегической целью Узбекистан выбрал путь построение демократического правового государства, одной из главных задач которой является формирование всесторонне развитой свободной личности. Средством решения этой задачи является проведение целенаправленной государственной политики в области образования. Так, в статье 41 Конституции Республики Узбекистан закреплено, что «Каждый имеет право на образование». С этой целью для совершенствования данного направления 29 августа 1997 года были приняты Закон Республики Узбекистан «Об образовании» и Национальная программа по подготовке кадров. На основе данных законодательных актов в начальных классах уроки проводились по новой программе и учебникам. В сфере среднего специального образования характерной особенностью стало открытие на местах бизнес-школ, профессиональных курсов для начальной и средней школы,

обучение новым специальностям, исходя из требований рыночной экономики. В сфере высшего образования необходимо отметить введение тестового метода; кредитно-модульной системы образования; преобразование педагогических институтов в областных центрах в университеты, придание учебным заведениям на местах более высокого статуса; отправление за рубеж студентов и специалистов для учебы и обмена опытом за счет различных организаций и международных фондов, привлечение в учебные заведения республики иностранных специалистов, выполнение конкретных работ, направленных на переподготовку специалистов и преподавателей в сфере экономики и бизнеса.[1.5]

Цифровая экономика согласно программным документам Европейского союза является результатом широкого использования новых информационных технологий, которые затронули все секторы экономики. Однако если применить методологию экономической теории, то под цифровой экономикой можно понимать «совокупность общественных отношений, складывающихся при использовании электронных технологий, электронной инфраструктуры и услуг, технологий анализа больших объемов данных и прогнозирования в целях оптимизации производства, распределения, обмена, потребления и повышения уровня социально-экономического развития государств» [2.4]. В этой связи перед высшим образованием встанут новые задачи не только экономического и производственного секторов, но и социального характера, где образование должно способствовать гармоничному усвоению обществом новых реалий жизни. Несомненно, в эпоху так называемой цифровизации образование уже не будет прежним, и уже сейчас мы видим, как новые информационные технологии активно внедряются в обучение, что делает эти процессы взаимозависимыми. Как один из первых предвестников цифрового будущего в образовательные системы практически всех передовых стран пришли электронные курсы, которым пророчат огромнейшие перспективы. Основное обсуждение на панели с участием представителей России, Швейцарии, Германии и Китая развернулось вокруг меняющейся образовательной парадигмы, когда «аналоговое» образование все сильнее теснит цифровое, отпадает необходимость сидеть в вузовской аудитории, воочию общаться с преподавателем, рыскать по библиотекам в поисках учебника. В результате учебный процесс, несомненно, становится более гибким, «заточенным» под конкретного студента, который сам формирует запрос на получение знаний и включается в процесс обучения в удобное для него время. Но при этом лишается личностного общения, что называется глаза в глаза. С другой стороны, это представители нового поколения, и они «устроены совершенно по-другому». В течение тысячелетий каждое новое поколение считало, что они другие, нежели родители, а к годам тридцати понимали, что такие же. Они не могут воспринимать информацию так, как ее воспринимали предшественники. Например, выслушивать классические полуторачасовые лекции даже самого квалифицированного преподавателя. Зато могут переварить огромный объем информации, но «кусочно» и по запросу.

Соответственно, ближайшее десятилетие должно стать эпохой значительных перемен в высшем образовании – формировании нового среднего класса для развития цифровой экономики и реорганизации образовательного процесса, основанного на использовании технологий искусственного интеллекта. Реформа цифровизации образования предполагает оснащенность образовательных учреждений современной техникой, а именно, компьютерами с возможностью подключения к сети Интернет, информационными системами, позволяющими получать доступ к образовательным ресурсам, результатам современных научных исследований и разработок, электронным научным библиотекам на различных языках мира.

Образование выходит за пределы учебных аудиторий, лабораторий, библиотек. Увеличивается количество студентов, которые учатся удаленно. Цифровые технологии радикально меняют содержание преподаваемых дисциплин и форму их подачи. Это не только ставшие уже рутиной электронные презентации или использование видео. Возможны прямые подключения к электронным базам данных, новостям, проходящим форумам, видеотрансляциям, системам стимуляции, электронным тренажерам. Происходит трансформация

обучения. Исчезает необходимость в преподавателе как ретрансляторе знаний. Появляется потребность в формировании у потребителей мотивации к обучению. В передаче навыков и наставничество в роли ментора. Становление цифрового образования должно основываться на имеющейся образовательной парадигме, быть органично вписано в культуру, традиции и учитывать особенности менталитета. Это поможет минимизировать риски социального и личностного характера.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Образование в цифрах: 2019: краткий статистический сборник / Н.В. Бондаренко, Л.М. Гохберг, Н.В. Ковалева и др. М.: НИУ ВШЭ, 2019. 96 с.
2. Ендовицкий Д.А. Высшая школа в цифровой экономике региона // Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Проблемы высшего образования, 2019. № 3. С. 5-7.
3. Кашина Е.А. Прогнозирование структуры интегрированного курса информатики: дис. ... канд. пед. наук. Екатеринбург, 2017. 187 с.
4. Назаренко К.С., Авдеенко Е.В. Вызовы цифровой реальности в высшей школе // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – № экономического развития государств» [1].
5. Парпиева М.М. «Новые образовательные технологии как механизм повышения качества подготовки высококвалифицированных специалистов» 1 международная научно-практическая конференция. 24-25 май 2019 й. ФарПИ

УЎК 691.33

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ Ш.Ў. Холикова, катта ўқитувчи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада бугунги куннинг долзарб муаммолари бўлган ёшлар тарбиясининг ўзига хос муаммолари ва уларни олдини олиш усул ва воситалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ҳар қандай давлатнинг тақдири, келажаги ёш авлодга, унинг жисмоний, маънавий камолотига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ёшларнинг ўз имкониятларини намоён этишлари учун зарур шароитлар яратилиб, кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Калит сўзлар: Ёшлар, тарбия, замон, ота-она, оила, маҳалла, таълим муассалари, маънавият, ватанпарварлик, тараққиёт.

Аннотация. В статье научно анализируются специфические проблемы воспитания молодежи, а также методы и средства их профилактики, которые являются актуальными проблемами современности. Судьба и будущее любого государства зависит от подрастающего поколения, его физической и духовной зрелости. Поэтому в Узбекистане созданы необходимые условия для демонстрации молодыми людьми своего потенциала, проводится большая положительная работа.

Ключевые слова: Молодежь, воспитание, время, родители, семья, соседство, образовательные учреждения, духовность, патриотизм, развитие.

Abstract. The article scientifically analyzes the specific problems of educating young people, as well as methods and means of their prevention, which are urgent problems of our time. The fate and future of any state depends on the younger generation, its physical and spiritual maturity. Therefore, the necessary conditions have been created in Uzbekistan for young people to demonstrate their potential, and a lot of positive work is being done.

Keywords: Youth, education, time, parents, family, neighborhood, educational institutions, spirituality, patriotism, development.

Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёш авлод тимсолида яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидланидек, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига

айланиб бормоқда” [1]. Бугун бу борада мамлакатимизда изчил ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинди, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилди. Шунингдек, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури қабул қилинди. Муҳтарам Юртбошимиз ўз нутқларида таъкидлаганларидек “миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз” [2].

Бугунги кунда ёшлар билан доимий мулоқот қилиш, мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бунда айниқса, ёшларимизнинг таянчи ва суянчига аёланиб улгурган Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг роли ва аҳамияти ниҳоятда катта. Ҳозирда Ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар ўртасидаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топган бўлсада, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

- ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

- миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан мурасасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

- ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғарақлари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

- ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

- соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни кўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ёшларимизнинг дунёқарашини ва кайфиятини, уларнинг ҳаётга муносабатини тубдан ўзгартириш ва юксалтириш, айниқса маълум бир касб билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг шароит яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала

ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, уларда турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунчалик кучли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида” ўтказилган видеоселектор мажлисида қуйидаги 5 та муҳим ташаббусни илгари сурилди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялаш, уларни маънавий бой, ҳар томонлама ривожланган шахслар қилиб етиштириш ва уларга ғамхўрлик қилиш – бу давлатимиз олдида турган вазифадир. Бу стратегик масалалар барча Давлат дастурларида ўз аксини топган. Ёшларнинг ўсмирлик давридаги тарбия масалалари энг қийин масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимиз келажаги ёшлар қўлида экан, бундан буён ҳам маҳаллаларнинг ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашдаги ролини янада ошириш, фарзандларнинг маданий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқалигина кўзланган натижага эришиш мумкин [6, 27-б.].

Ҳозирги давр ёшлар муаммолари доирасида ёшлар ҳаётини илмий-социологик ўрганишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: Ёшлар муаммосини ўрганишда тарихий ёндашиш лозимлиги; ёшларнинг ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш; ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиб боришини таҳлил қилиш; ёшларга табақавий жиҳатдан ёндашиш. Бу услубий тамойил ёшларни турли табақалардан иборат гуруҳларга ажратиб ўрганишни билдиради.

Абу Наср Форобийнинг эътирофича, инсон ақли, фикри унинг руҳий жиҳатдан юксалишининг маҳсулидир. Инсон билимларни ўзлаштирар экан, борлиқда тирик мавжудотнинг яратилиш тарихигача бўлган маълумотларни ўзлаштира олади, уларни яратади, илмий жиҳатдан асослайди. Алломанинг мазкур фикрларини давом эттирган ҳолда Абу Райҳон Беруний қуйидагиларни илгари суради: «Инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи сифати ҳамда хусусиятлари ҳақида билим олмай, балки тафаккури, ақли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослайди, бир-бири билан солиштириб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди» [5, 7-б.]. Мутафаккир, шунингдек, одамлар томонидан билимларни ўзлаштирилиб бориши янги билимларнинг яратилишига олиб келишини айтади: «Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади» [4, 127-б.]. Абу Али ибн Сино ўз асарларида билим тушунчасига шарҳ бериш билан бирга билимнинг чуқур ўзлаштирилиши донишмандлик эканлигини алоҳида қайд этади: «Илм нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилишидир. Билим деб эса, нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни хато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши керак бўладиган нарсадир. Бордию, бу далиллар очик-ойдин бўлсаю, исботлар чинакамига бўлса, у ҳолда бунга ҳикмат- донишманлик дейилди» [7, 137-б.]. Уламоларнинг баён қилишича: “Ота-онанинг фарзандига нисбатан саксонта ҳақи бор экан. Уларнинг қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқтаси ўлгандан кейин амалга оширилади. Тириклик чоғидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга тааллуқлидир” [3, 30-б.].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, ёшлар дунёқарашини шакллантиришнинг бир неча мақбул шакл, метод ва воситалари бўлиб, улар сирасида маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ғоявий, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик ва экологик мавзуларда ташкил этилувчи суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, маърузалар, муаммоли вазиятларни яратиш асосида ўқувчиларни фикрлашга ундовчи амалий тренинглари, дебатлар, мустақил ишлар, шунингдек, ишчанлик ўйинлари янада самарали саналади. Таълим-тарбия жараёнининг изчил, узлуксиз, тизимли ҳамда аниқ ижтимоий мақсад асосида ташкил этилиши, мазкур жараёнда фанлараро алоқадорлик, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришда самарали саналувчи барча мавжуд омилларнинг

бирлигига таянган ҳолда иш кўриш кўзланган мақсадга эришишнинг кафолатидир. Мазкур ҳолат маълум ижтимоий воқеа-ҳодисалар моҳиятини турли нуқтаи назардан баҳолаш, уларнинг ривожини кўра билиш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини кузатиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, бир-бирини тақозо этишини тушуна олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи// <https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq/> (10.07.2017)
2. www.president.uz. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 31.08.2019.
3. Абдулла Авлоний. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. – Тошкент, Фан, 1994.
4. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. II жилд. - Тошкент, Фан, 1965.
5. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент, Фан, 1966.
6. Маҳкамов У.И. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. – Тошкент, Фан, 1995.
7. Ўзбек педагогикаси онтологияси //Тузувчи-муаллифлар: Ҳошимов К., Сафо Очил. - Тошкент, Ўқитувчи, 1995.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

UDC 330

MANAGEMENT OF ENTERPRISE ACTIVITIES BASED ON CORPORATE GOVERNANCE*R.A. Artikova, assistant, Tashkent State Transport University, Tashkent*

Аннотация. Илмий мақолада корхоналарда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг корхонанинг бозор қиймати ва молиявий ҳолати таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: иқтисодиёт, корпоратив бошқарув, корхона, корпорация.

Аннотация. В научной статье анализируется рыночная стоимость и финансовое положение предприятия для оценки эффективности корпоративного управления на предприятиях.

Ключевые слова: экономика, корпоративное управление, Предприятие, Корпорация.

Abstract. The scientific paper analyzes the market value and financial position of the enterprise to assess the effectiveness of corporate governance in enterprises.

Key words: economy, corporate governance, enterprise, corporate.

A wide range of research work has been carried out to improve the efficiency of management of enterprises on the basis of corporate governance in the world. In particular, econometric models were created on the basis of factors determination, which affects the effectiveness of corporate governance, and the effectiveness of corporate governance was assessed using these models. One of the main scientific trends is the implementation of internal and external policies in corporate governance, the formation of corporate culture, identifying the causes of corporate disputes, protecting the interests of property owners and other persons, the issues of relations between property owners and managers, studying the interests of the parties in the corporate governance process, assessing the likelihood of bankrolling, further improvement. Particular attention is paid to improving management efficiency and efficiency of enterprises on the basis of corporate governance in the conditions of intensive reforms carried out in Uzbekistan. In 2017-2021 in the strategy of actions on five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan, important tasks on "deepening structural changes, modernization and diversification of leading sectors of the national economy, increasing its compliance with the requirements" have been defined [1].

The successful solution of such priority tasks requires improvement and improvement of efficiency of management of the activities of enterprises on the basis of corporate governance in the Republic. In this regard, the development of proposals and recommendations aimed at improving the effectiveness of the management mechanism of the activities of enterprises on the basis of corporate governance is a topical issue.

The next stage of reforms related to the development of the corporate governance system in Uzbekistan was mainly aimed at the implementation of such measures as the introduction of modern corporate governance methods in the national corporate governance system, as well as radically improving the effectiveness of the activities of the Joint-Stock companies, attracting foreign investments to them, ensuring their openness and attractiveness, To date, there is not enough attention paid even in all enterprises to the introduction of corporate governance standards in Uzbekistan and its effectiveness. The reason for this condition is the following:

- enterprises are not aware of the need to introduce corporate governance standards;
- the normative-legal framework in the field of law is not perfect;
- it is difficult to apply the criteria for assessing the effectiveness of corporate governance.

In addition, the lack of scientific justification for assessing the effectiveness of corporate governance makes it difficult to understand the need to comply with corporate standards. A comprehensive study of the research of local and foreign scientists shows that the issues of assessing the economic effectiveness of management decisions have remained secondary, while traditional methods of assessing the economic effectiveness of management decisions cannot be practically

supported in relation to local corporations. Therefore, the relevance of scientific research devoted to the solution of this complex problem is considered very high[2].

Currently, there are two groups of methods of assessing the effectiveness of corporate governance: management and economic methodologies. Methods for assessing the effectiveness of corporate governance using management criteria are mainly characterized by different ratings.

These methods of assessing the effectiveness of corporate governance do not allow to differentiate the interests of the owners and do not clarify the economic implications of assessing the activities of the enterprise under analysis. Methods for assessing the effectiveness of corporate governance using economic criteria:

- * statistical based models of forecasting the probability of occurrence of a bancrot within a given time interval of the enterprise;

- * color methodologies of rating enterprises;

- * network methods of colorizing enterprises;

- * method of determining the enterprise rating for the purpose of lending.

The drawback of these methods is that they are based on an economic profit assessment. These are the interests of the owners to establish control over the activities of the enterprise, for example, the possibility of influencing management decisions and h.k.ni does not take into account.

Also, in modern practice, various quantitative methods of assessing the effectiveness of corporate governance in an enterprise are used, based on which the results of assessing the effectiveness of management are obtained on the basis of an analysis of the market value and financial position of the enterprise.

Thus, not all methods of assessing the effectiveness of corporate governance utilized from abroad and used in local circumstances are always effective. A completely different method is required, based on the creation of new approaches to assessing the economic efficiency of corporate governance. This task can be solved with the help of the method of the balanced system of indicators Norton and Kaplan, in which an attempt is made to supplement quantitative calculations with quality estimates. They can help to assess all the obvious and hidden factors of managerial effectiveness that are associated with the overall strategy of the corporation. The second method of assessing the effectiveness of corporate governance in an enterprise is based on the analysis of its market value. The method of capitalization of income is based on the determination of the current income of the enterprise by dividing it by the coefficient of capitalization. The main drawback-a necessary and mandatory condition for the application of this method is the assumption that the income that the enterprise will bring in the future will remain at the same level as the current income. The method of assessing the exchange rate value of shares consists in comparing the exchange rate value of shares in the current and previous periods. The main drawback of these methods is that for their effective application, the enterprise must independently develop its own system of detailed indicators and introduce it in all departments along the entire chain of generating additional value. The factor of influence of the sub-idea on the choice of the system of indicators is another weak point of the method. In addition, efficiency can be divided into internal and external types. internal efficiency is the introduction of an optimal system of savings in the enterprise or rational use of available resources on the basis of a high quality factor. This position covers such indicators as the efficiency of the management system, labor productivity, sales efficiency together with the results of productive output.

And the external effect is mainly reflected in the results of the application of modern management methods in the enterprise. In the conditions of the economy of the Republic there is not enough effective corporate relations and there is not a structural structure of Corporate Relations, which is not formed at the required level of the stock market, the Institute of banking, the Institute of hired managers, its mechanism of effective promotion with funds is not developed, it is required to improve and adapt Assessing the effectiveness of corporate accounting on the basis of its market value will be possible only if the stock markets that guarantee the solvency of the corporation are operating effectively.

REFERENCES:

1. Decree of the president of the Republic of Uzbekistan "on the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan" on February 7, 2017.
2. Mansurov A.B. Corporate governance in the conditions of a market economy. Monographs. - T.: Finance, 2008. –P.163.
3. Khashimov A.A. Management of integrated corporations in Uzbekistan: monograph. - T.: science, 2007. –P.46.

UO'K 33

MILLIY IQTISODIYOTGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISHDA HUDUDLAR INVESTITSİYON JOZIBADORLIGINI OSHIRISH YO'NALISHLARI

J.Hoshimov, mustaqil tadqiqotchi, Toshkent moliya instituti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda hududlar investitsion jozibadorligini oshirish masalalari o'rganilgan. Jumladan, iqtisodchi olimlarning hududning iqtisodiy salohiyati uni baholash usullari hamda hududlardagi investitsion muhit jozibadorligini aniqlash yuzasidan olib borgan tadqiqotlari o'rganilgan. Shuningdek, O'zbekiston misolida investitsion faoliyat, investitsion salohiyat va investitsion jozibadorlikka ta'sir ko'rsatadigan omillar hududlar kesimida tahliliy ma'lumotlar asosida ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Investitsiya, innovatsiya, reinvestitsiya, chet el investitsiya, eksport, investitsion jozibadorlik, inflyatsiya, investitsion muhit.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы повышения инвестиционной привлекательности регионов при привлечении иностранных инвестиций в национальную экономику. В частности, экономисты изучили экономический потенциал региона, методы его оценки, а также исследования по определению привлекательности инвестиционного климата в регионе. В случае Узбекистана факторы, влияющие на инвестиционную активность, инвестиционный потенциал и инвестиционную привлекательность, также выявляются на основе аналитических данных по регионам.

Ключевые слова: Инвестиции, инновации, реинвестиции, иностранные инвестиции, экспорт, инвестиционная привлекательность, инфляция, инвестиционный климат.

Abstract. The article examines the issues of increasing the investment attractiveness of the regions in attracting foreign investment to the national economy. In particular, economists have studied the economic potential of the region, methods of assessing it, as well as research to determine the attractiveness of the investment climate in the region. In the case of Uzbekistan, the factors influencing investment activity, investment potential and investment attractiveness are also revealed on the basis of analytical data by regions.

Key words: Investment, innovation, reinvestment, foreign investment, export, investment attractiveness, inflation, investment climate.

Kirish. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan 2019 yilga "Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili" deb nom berilishi jamiyatimiz hayotining barcha sohalariga qaratilgan islohatlar uzviyligini ya'na bir bor tasdiqlab berdi. "Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, qaysi davlat faol investitsiya siyosatini yuritgan bo'lsa, o'z iqtisodiyotining barqaror o'sishiga erishgan. Shu sababli ham investitsiya – bu iqtisodiyotning drayveri, o'zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag'a bo'lmaydi [1].

Jahon hamjamiyatida globalizatsiya jarayoni kechmoqda. Globalizatsiya jarayoniga qo'shilish bu dunyoning yetakchi davlatlari bilan hamkorlikda bo'lish, iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy sohadagi davlat siyosatining o'zaro manfaatli asosda bu davlatlar siyosatiga mos kelishidir. Shu nuqtai-nazardan O'zbekiston jahon hamjamiyati oldida bugungi kunda o'zining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasi, dunyo xaritasida geografik joylanishi, tabiiy resurslarining tarkibi va zaxirasi, hukumat olib borayotgan investitsiya siyosati va boshqalar bilan muhim rol o'ynaydi. Bu esa, o'z navbatida, xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi uchun qulay investitsiya muhiti barpo etish zaruriyatini ko'rsatadi.

O'zbekistonning bugungi kunda yirik xorijiy investitsiyalarni qabul qiluvchi mamlakatlar qatoriga kirishi uchun barcha iqtisodiy, siyosiy va huquqiy asos va shart-sharoitlar yaratilgan. Lekin, O'zbekistonga xorijiy investorlarni jalb qilish va ular kiritayotgan sarmoyalar miqdori hozirgi davr talablariga to'liq javob bermaydi. Shuning uchun ham bozor islohotlarining navbatdagi bosqichida mamlakatimizga xorijiy investiyalarni faol jalb qilishda mintaqalar investitsion jozibadorligini oshirish masalalarini hal etish muhim ahamiyatga ega bo'lgan ustuvor vazifalardan biri sifatida qaralishi lozim. Shu boisdan ham nafaqat ichki, balki xorijiy investitsiyalarni samarali jalb qilishni takomillashtirish, ular hajmini ko'paytirish hamda ulardan samarali foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish yo'nalishlarida ilmiy asoslangan xulosa va tavsiyalar ishlab chiqish dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Rossiyalik iqtisodchi-olimlarning ta'kidlashicha, investitsiyalar har qanday davlatda o'ta muhim ahamiyatga ega bo'lib, usiz biron-bir iqtisodiy yoki ijtimoiy muammoni hal etishning iloji yo'q. Investitsiyalarning asosiy funksiyalaridan biri u yoki bu sohadan boshqa sohalarga sarmoyalar oqimini ta'minlaydi, bunda investitsion jozibadorlik hal qiluvchi rol o'ynaydi [2].

Investitsion faoliyatni rivojlantirish investitsion jozibadorlik hisobiga ta'minlaydi. Investitsion jozibadorlik quydagi omillarga bog'liq bo'ladi: mamlakatdagi siyosiy-ijtimoiy barqarorlik va uning istiqboli, milliy iqtisodiyot holatini tavsiflovchi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlar (yalpi ichki mahsulotning o'sish sur'atlari, inflyatsiya darajasi, sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmlari, Markaziy bankning qayta moliyalash stavkasi, byudjet defisiti va boshqalar); investitsiyalar sohasida qonunchilik hujjatlarining mavjudligi va uning takomillashganlik darajasi; mamlakatda soliq tizmining takomillashganlik darajasi; investitsion risklar [3].

Investitsiya muhitining jozibadorligi xorijiy investitsiyalar oqimini ko'paytirishning muhim omili hisoblanadi. Iqtisodiyotga investitsiya faoliyatining rivojlanishi, ichki va tashqi investitsiyalarni jalb qilishning ko'lamini, yo'nalishlari va samaradorligi, bevosita, investitsiya muhitiga bog'liqdir [4].

“Investitsiya muhiti – bu xorijiy kapital qo'yilmalarining qaltislik darajasini va ularni mamlakatda samarali foydalanish imkoniyatlarini oldindan belgilaydigan iqtisodiy, siyosiy, yuridik va ijtimoiy yig'indisidir. Investitsiya muhiti kompleks, ko'p qirrali tushuncha bo'lib, milliy qonunchilik, iqtisodiy shart-sharoitlar (inqiroz, o'sish, stagnatsiya), bojxona rejimi, valyuta siyosati, iqtisodiy o'sish sur'atlari, inflyatsiya o'sish sur'atlari, inflyatsiya sur'atlari, valyuta kursining barqarorligi, tashqi qarzdorlik darajasi kabi ko'rsatkichlarga ega” [5].

Umuman olganda, investitsiya muhitining jozibadorligi ichki investitsiyalar xarakterini kuchaytiradi va xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish imkonini beradi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ilmiy maqolada ko'tarilgan muammoni atloficha tahlil qilish, tahlil natijalarini tizimlashtirish asosida ilmiy asoslangan xulosa va tavsiyalar ishlab chiqishda maqsadli rivojlantirish, tizimli va qiyosiy tahlil, grafik tasvirlash va iqtisodiy statistik kabi usullardan keng foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Investitsiya muhitining holatini investitsiya faoliyatini amalga oshirishning maqsadga muvofiqligi va jozibadorligini aniqlaydigan iqtisodiy, ijtimoiy, tashkiliy, huquqiy, siyosiy, ekologik va boshqa shart-sharoitlarning umumlashtiruvchi xususiyatlari belgilab beradi. Investitsiya muhiti deganda, mamlakat iqtisodiyoti yoki uning ma'lum bir hududiga kiritiladigan investitsiyalarning samaradorligini va xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, tashkiliy-huquqiy, ekologik, madaniy va boshqa shart-sharoitlar majmuasi tushuniladi. U muayyan hududga investitsiyalar kiritishning maqsadga muvofiqligi va jozibadorligini belgilaydigan shart-sharoitlarning mavjud ijobiy va salbiy tomonlarini anglatadi.

Amaliy hayotda chet el investorlari biror mamlakat iqtisodiyotiga investitsiyalarini kiritishi bilan bog'liq bo'lgan qarorlarni qabul qilishi uchun o'sha mamlakatning biznesni tashkil etish va uni yuritish uchun shart-sharoitlari, investitsion muhitni sog'lomlashtirish bo'yicha olib borayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosati, xususan, xorijiy kompaniyalarning hech qanday moneliksiz kirib kelishi, faoliyat olib borishi uchun erkin iqtisodiy va maxsus zonalarining tashkil etilgani, soliq va boshqa moliyaviy imtiyozlarning mavjudligiga e'tibor qaratishadi. Shuning uchun ham ko'pgina rivojlangan

tansmilliy kompaniyalar (TMK) to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni biror bir mamlakat iqtisodiyotiga kiritishdan oldin xalqaro reyting agentliklari tomonidan e'lon qilinadigan, xususan, Jahon bankining "Biznesni yuritish" [6], Butunjahon iqtisodiy forumining "Global raqobatbardoshlik indeksi", Tinchlik uchun jamg'armasining "Davlatlarning faoliyatsizlik indeksi" kabi reyting ko'rsatkichlariga jiddiy diqqat qaratishadi.

Olib borilgan ilmiy izlanishlar natijasida shu narsaga amin bo'ldikki, mamlakatning investitsion muhit jozibadorligini o'rganish, uni har tomonlama ilmiy-uslubiy asosda ochib berish, eng avvalo, mamlakat hududlarining ijtimoiy- iqtisodiy salohiyatini tadqiq etish muhim hisoblanib, zero, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta'minlash investitsion muhitga bog'liq ekan, investorlar o'z qarorlarini shunga muvofiq ravishda ishlab chiqishadi.

Bir jihatni qayd etish lozimki, xorijiy investorlar diqqatini tortish uchun mamlakatimiz hududlarining investitsion jozibadorligini oshirish masalalarini hal etish lozimdir. AQSHning Garvard maktabi mutaxassislarining ta'kidiga ko'ra, mamlakatning investitsion jozibadorligiga baho berishda: xorijiy va milliy investorlar uchun yaratilgan qonunchilik bazasi, kapitalni mamlakat hududidan olib chiqib ketish imkoniyati, milliy valyutaning barqarorligi, mamlakatdagi siyosiy vaziyat, inflyatsiya darajasi va milliy kapitaldan foydalanish imkoniyati kabi omillar ta'sir ko'rsatadi [7].

Bugungi kunda O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar va ularning natijasi jahondagi yetakchi xalqaro reyting agentliklari tomonidan e'tirof etilayotganini alohida ta'kidlash lozim. Masalan, dunyodagi nufuzli "Fitch" "Moody's" va "Standard and Poor's" reyting agentliklari birinchi marta mamlakatimizning xalqaro suveren kredit reytingini belgiladi. Ana shu reyting baholari "Barqaror" prognoziga ega bo'lib, bu yaqin 12-18 oy davomida ushbu ko'rsatkichning pasayish ehtimoli kamligini bildiradi. O'zbekiston erishayotgan bunday reyting baholari ko'pgina rivojlanayotgan davlatlarga nisbatan yuqori ekanini qayd etish lozim [8]. Ushbu reyting agentliklari O'zbekistonda valyuta, savdo va narx siyosati erkinlashgani, davlat boshqaruvidagi institutsional o'zgarishlar, mamlakat oltin-valyuta va budjet zaxirasi yetarli ekani, davlat qarzining kamligi singari omillarga alohida e'tibor qaratmoqda [9]. Kelgusi yilning birinchi choragida yurtimiz tarixida ilk marta O'zbekistonning suveren davlat obligatsiyalarini xalqaro moliya bozorlariga chiqaramiz. Bu borada biz "J.P.Morgan", "Citibank", "Deutsche Bank" kabi yetakchi xalqaro investitsiya banklari bilan hamkorlik olib bormoqdamiz.

1- jadval

O'zbekiston hududlarining investitsion jozibadorligini aniqlash elementlari [10]

№	Hududlar	Hududning umumiy iqtisodiy rivojlanish darajasi	Hududning moliyaviy resurslar bilan ta'minlanishi	Investitsion infratuzilmaning rivojlanish darajasi	Hududning demografik tavsifi	Institutsional o'zgarishlar va rivojlanish darajasi	Investitsion faoliyat xavfsizligi darajasi	Mutlaq integral ko'rsatkich
1	Qoraqalpog'ston Respublikasi	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Andijon	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Buxoro	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Jizzax	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Qashqadaryo	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Navoiy	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Namangan	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Samarqand	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Surxandaryo	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Sirdaryo	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Toshkent	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Farg'ona	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Xorazm	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Toshkent sh.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

Hududlarning investitsion jozibadorligini aniqlashda mutaxassislar turli uslublardan foydalanib kelmoqdalar. Ularning bir-biridan farqi investitsion muhitni belgilaydigan ko'rsatkich va indikatorlarni tanlab olishda namoyon bo'ladi.

Yurtimiz olimlarining tadqiqotlariga ko'ra, mintaqalarning investitsion jozibadorlik indeksi oltita element asosida hisoblangan. Olingan ma'lumotlarga ko'ra, mintaqalarning investitsion jozibadorligini uchta guruhga bo'lish mumkin. (Qarang: 1-jadval).

Birinchi guruhga Toshkent shahri, Toshkent, Qashqadaryo, Andijon va Farg'ona viloyatlari kiradi hamda ular investorlar uchun eng qulay hisoblanadi (indeks 0,755-0,347).

Investitsion jozibadorlikning yuqori bo'lishi ushbu hududlarda tabiiy- iqtisodiy salohiyat, infratuzilma, jumladan, transport va axborot- kommunikatsiya tarmoqlarining rivojlanish darajasi yuqoriligi bilan belgilanadi.

Ikkinchi guruhni Samarqand, Buxoro, Navoiy va Namangan viloyatlari tashkil etadi (indeks 0,322-0,288). Ushbu hududlar xorijiy investorlarning qazib oladigan va qayta ishlaydigan korxonalar faoliyat ko'rsatayotganiga qiziqishi bilan belgilanadi.

Uchinchi guruhga nisbatan kam rivojlangan hududlar – Xorazm, Surxondaryo, Jizzax, Sirdaryo viloyatlari va Qoraqalpog'iston Respublikasi kiradi (0,284- 0,234). Mazkur hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda davlatning ishtiroki yuqori bo'lishi lozim.

Shuni aytishimiz mumkinki, hududlarni investitsion salohiyatini baholash bo'yicha uslubiyot hududning investitsion jozibadorligi va undagi investitsion faollik o'rtasidagi ob'ektiv holda mavjud bo'lgan o'zaro aloqadorlikni hisobga oladi, bu esa, investitsion iqlimni yaxshilash bo'yicha hududiy dasturlarni ishlab chiqishda muammoli nuqta va ko'rsatkichlarni aniqlashga imkon beradi.

Yuqorida keltirganimizdek, xorijiy investorlar qaysidir mamlakatga investitsiya kiritishdan aval xalqaro iqtisodiy tashkilotlar tomonidan yuritiladigan xalqaro reytinglarga murojat qilishadi, ushbu reytinglardan biri Biznes yuritish reytingi bo'lib, quyidagi 2-jadvalda O'zbekistonni ushbu indeksdagi holatini tahlil qilamiz.

“Biznes yuritish 2020” yillik hisobotida O'zbekiston 7 pog'ona yuqoriga ko'tarilib, ishbilarmonlik muhitini yaxshilashda eng yuqori ko'rsatkichga erishgan 20 mamlakat qatoriga kirdi (2-jadval).

O'zbekiston 2019 yil yakunlari bo'yicha 100 baldan 69,9 ball to'plab, 190 mamlakat orasida 69-o'rinni egalladi. 2018 yil reytingga nisbatan mamlakat 76- o'rindan 7-o'ringa ko'tarildi.

2-jadval

Biznes yuritish reytingi 2018-2019 yillar [11]

	Mamlakatlar	2018 yil BYda o'rni	2019 yil BYda o'rni
1	Yangi Zelandiya	1	1
2	Singapur	2	2
3	Daniya	3	4
4	AQSH	8	6
5	Buyuk Britaniya	9	8
6	Qozog'iston	28	25
7	Rossiya Federatsiyasi	31	28
8	Xitoy	46	31
9	Qirg'iziston	70	80
10	O'zbekiston	76	69

O'zbekiston 2019 yil yakunlari bo'yicha 100 baldan 69,9 ball to'plab, 190 mamlakat orasida 69-o'rinni egalladi. 2018 yil reytingga nisbatan mamlakat 76- o'rindan 7-o'ringa ko'tarildi.

Jahon bankining Toshkentdagi vakolatxonasi matbuot xizmatiga ko'ra, Yevropa va Markaziy Osiyo mintaqasidagi boshqa to'rtta davlat, shu jumladan Tojikiston, Ozarbayjon va Kosovo bilan birgalikda O'zbekiston ishbilarmonlik muhitini yaxshilashda eng katta yutuqlarga erishgan 20 mamlakat qatoridan o'rin egalladi [12].

Jahon banki ekspertlarining fikriga ko'ra, O'zbekistonda ishbilarmonlik muhitini yaxshilashdagi asosiy islohotlar quyidagilar:

— eng muhim korporativ qarorlarda aksiyadorlar huquqlari va rolini kengaytirish, mulkchilik va boshqaruv tuzilmalarini aniqlashtirish, shuningdek korporativ shaffoflikni oshirish orqali minoritar investorlar himoyasini kuchaytirish;

— ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish soliqlarini daromad solig'i bilan birlashtirish orqali soliqqa tortishni soddalashtirish;

— xavfga asoslangan bojxona nazorati mexanizmini joriy etish orqali xalqaro savdoni soddalashtirish, shuningdek, import hujjatlariga talablarni yengillashtirish;

— ixtiyoriy mediatsiya to'g'risidagi qonunni qabul qilish orqali shartnomalar ijrosini soddalashtirish, shuningdek, taraflarni nizolarni mediatsiya orqali hal qilishga undash uchun moliyaviy rag'batlar yaratish [13].

2019 yilda O'zbekiston "To'lovga layoqatsizlikni hal qilish" indikatoridan tashqari reytingning deyarli barcha ko'rsatkichlari bo'yicha ko'rsatkichlarni yaxshiladi:

- Korxonalarni ro'yxatdan o'tkazish - 96,2 ball, + 0,2 foiz (global reytingda 8-o'rin);
- Qurilish uchun ruxsatnomalarni olish - 61,7, + 0,3 foiz (132-chi);
- Elektr ta'minoti tizimiga ulanish - 86,9, + 0,9 foiz (36-chi);
- Mulknini ro'yxatga olish - 67,9, + 0,9 foiz (72-chi);
- Kredit olish - 65, o'zgarishsiz (67-chi);
- Minoritar investorlarini himoya qilish - 70, + 8 foiz (37-chi);
- Soliqqa tortish - 77,5, + 0,6 foiz (69-chi);
- Xalqaro savdo - 58,2, + 8,4 foiz (152-chi);
- Shartnomalarning bajarilishini ta'minlash -71,9, + 3,7 foiz (22-chi);
- To'lov qobiliyatsizligiga ruxsat berish - 43,5, -1,7 foiz (100-chi).

2019 yil biznes yuritish qulayligi bo'yicha yetakchi o'nlikka Yangi Zelandiya, Singapur, Gonkong (Xitoy), Daniya, Koreya Respublikasi, AQSH, Gruziya, Buyuk Britaniya, Norvegiya va Shvetsiya kirdi. Odatda reyting yetakchilari ro'yxatdan o'tkazish va mulknini topshirishda onlayn jarayonlarga, shuningdek, soliq deklaratsiyalarini topshirish uchun elektron platformalarga ega bo'ladi [14].

Xulosa va takliflar

Bugungi kunda O'zbekistonga xorijiy investitsiyalarning investitsion mablag'larini jalb etish bo'yicha bir qator masala va muammolarning haligacha ochiq qolayotganligini ta'kidlash lozim bo'ladi. Iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda davom etib kelayotgan past ko'rsatkichning sabablarini aniqlash maqsadida Tashqi ishlar vazirligi (TIV) O'zbekistonda ishlash tajribasiga ega xorijiy sarmoyadorlar, biznesmenlar va moliya tashkilotlarining ekspertlari o'rtasida so'rovnoma o'tkazgan. Ular O'zbekistonga sarmoya oqimini to'xtatib qo'yayotgan qator omil va sharoitlarning ba'zilarini sifatida quyidagilarni sanab o'tishgan:

— bank-kredit tizimining takomillashmagani;

— sarmoyadorlar huquqlarining zaif himoyasi va yetarli darajada samarali bo'lmagan sud tizimi;

— ma'muriy-byurokratik to'siqlar (ko'plab xorijiy kompaniyalar o'z faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziya va ruxsat olish tartib-qoidalaridan norozi);

— past investitsiya reytingi [15].

Yuqorida keltirilgan investitsion muhit jozibadorligini oshirish yo'lida to'siq bo'lib kelayotgan muammo va kamchiliklarni bartaraf etish yo'lida quyida tavsiya etilayotgan takliflarning amaliyotga tatbiq qilinishi mamlakat investitsion muhit jozibadorligini oshirish yo'lida maqbul ish bo'lar edi:

xalqaro tashkilotlar tomonidan o'tkaziladigan so'rovnomalarda faol ishtirok etish, jahon mamlakatlarining investitsion jozibadorligini ko'rsatadigan reytinglarning barchasida O'zbekistonning ham ishtirokini ta'minlash (GRI, GII, BERI va b) [16].

— so'mning qadrini ko'tarish va buning asosida bank foizi stavkalarini barqarorlashtirish;

— ma'muriy buyruqbozlik holatlariga chek qo'yish va xorijiy investorlarning mamlakatga nisbatan qarashlarini o'zgartirish;

— har bir viloyatlarning markazlarida marketing, huquqiy maslahatxonalar va boshqa xizmatlarni kelajakda tadbirkorlar faoliyatini rivojlantirish uchun shuningdek investorlarning huquq va manafaatlarini himoyalash uchun tashkil etish lozim;

— mamlakatga jalb qilingan xorijiy investitsiyalarning monitoringini takomillashtirish maqsadida yagona elektron dastur yaratish zarur;

— davlat budjeti xarajatlari va kiritilgan investitsiyalarni onlayn tarzda kuzatish imkonini yaratish.

Ushbu taklif va tavsiyalarning amaliyotga samarali tatbiq etilishi O'zbekiston iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda investitsion muhit jozibadorligini oshirish yo'lidagi muhim tadbilar sirasiga kirishiga ishonamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. 2019 yilda mamlakatimizni rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalari to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Parlamentga Murojaatnomasi.
2. Сергеев.И.В., Веретенникова И.И., Шеховцов В.В. Инвестиции: учебник для бакалавров /. - 3 –е изд., перераб. И доп –М.: “Юрайт” 2014. – С.6, 16.
3. Склярова Ю., Скляров И., Латышева Л. Инвестиции. – Ростов “Феникс” 2015. – С 4, 85, 86.
4. Mamatov B., Xo'jamqulov D., Nurbekov O., Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik.- T.: “Iqtisod-moliya”, 2014. 137-138-b.
5. Vaxabov A.B., Xojibakiyev Sh.X., Mo'minov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O'quv qo'llanma. – T.: “Moliya”, 2010. 153-b.
6. <http://www.doingbusiness.org>
7. Stobaugh R.B. How to Analyze Foreign Investment Climates // Harvard Business Review. 1969. September-October.
8. Uktamov X.F. Korxonalar iqtisodiy xavfsizligini taminlashning ilmiy-nazariy jixatlari. Biznes-Ekspert jurnali 07.02.2018 90-b.
9. Uktamov X.F. COVID-19 pandemiyasi sharoitida aholini ish bilan ta'minlash yo'llari. “Yangi O'zbekiston iqtisodiyotining makroiqtisodiy barqarorligini taminlash: muammolar, tahlillar va natijalar” onlayn, ilmiy- masofaviy konferensiyasi tezislari to'plami 2020 yil 30-aprel, Toshkent sh. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti.
10. Tarqatma materiallar asosida muallif tomonidan tayyorlandi: file:///C:/Users/Admin/Downloads/2308
11. https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2019-report_web-version.pdf
12. Ismailova, N. (2020). Торгово-экономические отношения Узбекистана с Индией на современном этапе. Архив научных исследований, 33(1).
13. Ismailova, N. (2020). Positive Aspects of the Development of Public-Private Partnership in Uzbekistan. Архив научных исследований, 33(1).
14. Zayniddinov, R. (2020). The prospects of improving the attraction of foreign investments into the economy of the republic of uzbekistan. Архивнаучных исследований,1(26).
15. O'zbekiston Respublikasining Tashqi ishlar vaziri Abdulaziz Komilovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati yalpi majlisidagi nutqi (Toshkent shahri, 27-may 2017 y.). <http://www.mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/>
16. Zayniddinov, R. (2019). The issues of attracting foreign investment in the development of the economy of Uzbekistan. Архив научных исследований, 1(1)

UDC 338.246

SOME FEATURES OF THE CREATION OF BUSINESS ENTITIES: WORLD PRACTICE

K.I.Kurpayanidi, Candidate of Economics, docent, Professor of the Russian Academy of Natural Sciences, Fergana Polytechnic Institute, Fergana

Аннотация. Мақолада турли мамлакатлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг айрим кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Дунёнинг юқори даражада ривожланган мамлакатлари тажрибаси ўрганилмоқда, ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантириши хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқот натижалари услубий базани шакллантиришининг назарий асосини ташиқил этади, шундан келиб чиқадики, кичик корхоналарни яратиши икки йўл билан мумкин: ўз-ўзини ривожлантириши ва интеграцияни ривожлантириши.

Калит сўзлар. Бизнес, интеграцион ривожланиши, кичик бизнес, тадбиркорлик, ўз-ўзини ривожлантириши, тадбиркорлик вазифалари.

Аннотация. В статье проанализированы некоторые показатели функционирования субъектов предпринимательства в различных странах. Изучен опыт высокоразвитых стран мира, выделены особенности развития малого предпринимательства в развивающихся

странах. Результаты исследования формируют теоретическую основу для формирования методической базы, из которой следует, что создание малых предприятий возможно двумя путями: саморазвитие и интеграционное развитие.

Ключевые слова. бизнес, интеграционное развитие, малый бизнес, предпринимательство, саморазвитие, функции предпринимательства.

Abstract. The article analyzes some indicators of the functioning of business entities in various countries. The experience of highly developed countries of the world is studied, the features of the development of small business in developing countries are highlighted. The results of the study form a theoretical basis for the formation of a methodological base, from which it follows that the creation of small enterprises is possible in two ways: self-development and integration development.

Key words. business, integration development, small business, entrepreneurship, self-development, entrepreneurship functions.

Introduction. The ongoing reforms in the Republic of Uzbekistan have proved that the effectiveness of the system of market relations requires a certain level of economic freedom of citizens, and entrepreneurship is the main principle of implementing such freedom. Identifying the essence of small business cannot do without analyzing its parameters, which is complicated by the fact that the composition and structure of the business are diverse. At the same time, each individual country and international organizations use their own criteria, the number of which, according to experts, exceeds 50. Depending on the approach, they are divided into quantitative, qualitative and combined criteria.

In the quantitative approach, such criteria as "number of employees", "sales volume (turnover)", "book value of assets" are most often used. Moreover, one of the criteria can be used, or a combination of them, as is, for example, accepted in the definition of the European Union. The main advantage of quantitative criteria is their ease of use and accessibility for researchers. The main drawback is their absoluteness.

Literary review. The beginning of the development of the theory of entrepreneurship was laid in the works of representatives of the classical school of political economy R. Cantillon and J.-B. The authors of the Research Institute introduced the category "entrepreneur" into scientific circulation and focused on his ability to take the risk of unstable income and to perform the functions of management and coordination of production factors. The theory of entrepreneurship was further developed in the works of H. Magoldt, J. The authors of the article considered the uncertainty of the external environment as a source of entrepreneurial income. Representatives of the German historical school (M. Weber, V. Sombart, G. Schmoller, etc.) interpreted the entrepreneur as an innovator and creator. J. Schumpeter [1] defined the ability to create new combinations of traditional factors of production as an attribute attribute of entrepreneurship.

The directions, methods and mechanisms of public administration and public policy, in particular state support of entrepreneurial activity, are presented in the works of foreign scientists: A. Aftalion, M. Weber, X. Grossman, P. Drucker, R. Cantillon, J. M. Keynes, R. Klauer, M. Messengiser, J. Stanworth, D. Target, K. Howard, A. Hosking, etc.

A significant contribution to the development of the theory of entrepreneurship was made by representatives of the institutional direction, including T. Veblen, J. K. Galbraith, J. Commons, etc. The use of institutional methodology allowed us to reveal the content of the agency contradiction and the essence of the firm as a network of contracts (J. Akerlof, A. Berle, R. Coase, J. Minz, etc.).

Some attempts to integrate the category "entrepreneurship" with the standard economic model were made in the works of V. Baumol, R. Villigol, J. Panzar, etc. The results of studies of factors affecting the degree of entrepreneurship are presented in the works of K. Dean, S. Zar, A. Thomas, etc. The relationship between economic growth and the level of entrepreneurship development was studied using the analytical tools of the neoclassical concept, which was reflected in the works of Z. Griliches, E. Mansfield, M. Nadiri, M. Porter, P. Romer, R. Solow, etc.

It follows from the above that the theory of entrepreneurship has passed a long period of development, which allowed us to substantiate a number of conceptual principles of the analysis of the entrepreneurial community.

Research Methodology. The theoretical and methodological basis of the study were the concepts and hypotheses in which the principles of entrepreneurial activity are formulated. In the course of the research, the authors used works in which the theories of entrepreneurship, the theory of innovation and innovative development, the theory of state regulation of the economy, etc. are formulated. The solution of the set scientific tasks was carried out using general scientific methods of studying economic processes.

Analysis and results. In many countries of the world, depending on the number of employees at the enterprise, microenterprises, small enterprises, medium-sized, large and super-large enterprises are distinguished.

The **European Union** has a general classification of enterprises by the number of employees [2]:

- *microenterprises - the number of employees is not more than 9 people;*
- *small businesses-from 10 to 49 people;*
- *medium-sized enterprises – from 50 to 249 people.*

For all categories of enterprises, the turnover should be less than 40 million euros, or the total balance less than 27 million euros, and also such enterprises include those in which the owner himself, regardless of the legal status of the company, is personally and directly responsible for its financial, technical, commercial and social development. At the same time, most small and medium-sized enterprises are sub-suppliers of large corporations. The popularity of subcontracting relations is explained by the efficiency and high stability of the business of newly formed enterprises. According to the company " Mr. Doors Home Inc." [3] after five years of activity, only 23% of enterprises survive on the market, and after 10 years, only 18% remain. At the same time, among the enterprises operating under the subcontracting system, only 8 out of 100 enterprises break up in five years, and 10 out of 100 in 10 years. The share of subcontracting in the light and metalworking industries, as well as in mechanical engineering, is relatively high. Thus, the developed system of subcontracting contributes to the growth of the contribution of small businesses to the country's GDP.

Thus, in 2019, the share of small and medium – sized businesses in Italy's GDP amounted to 55% (or 1.1 trillion US dollars), total employment - 65.7%, the number of all enterprises-99.2% (or 3.6 million enterprises).

Italy ranks first in **Europe** in terms of the share of employees associated with small businesses [4] 65.7% of all employees in Italy are associated with small businesses. At the same time, more than 50% of small and medium-sized enterprises are subcontractors of large business structures in the textile and metallurgical industry, among other leaders are Spain (59.1%) and Latvia (57.4%). The worst indicators are in the UK (37.6%), Luxembourg (43%) and Romania (44.4%).

The statistical method of classifying enterprises in **Germany** is somewhat different from that adopted in the EU: the category of " medium " in Germany includes firms with the number of employees from 50 to 499 people, and not up to 249 people, as is customary in the European Union. Accordingly, the statistical indicators of the role of SMEs in the economy also differ, which is especially noticeable in the share of employed – 58% of the total number of employed (in absolute figures, almost 17.5 million people, which is 1.7 million more than according to the EU methodology) [5]. The density of SMEs in Germany is also significantly lower than the EU average: 2,962 enterprises per 100 thousand population, and in the EU – 4,778.

As a rule, **German** SMEs are larger than European ones: German SMEs employ an average of 7.5 people, and in the EU – 3.91 [6].

The share of small and medium-sized businesses in the GDP of **France** is at the level of 49.8%. In France, the number of SMEs at the beginning of 2020 amounted to 3.13 million units, or 99.9% of the total number of registered enterprises. Small and medium-sized businesses accounted for 55.8% of value added and 64.1% of total employment, which is slightly lower than the EU average of 56.4% and 66.6%, respectively. The average number of employees in small and medium-sized enterprises

is also slightly less than the EU average — 3.4 people versus 3.9, respectively. At the same time, French SMEs are more productive, the value added per employee in France is 21.2% higher than the EU average - 54,000 euros against 44,600 euros [7].

Meanwhile, in this country, any enterprise, whether it is an individual (individual entrepreneur) or a legal entity, becomes registered in SIRENE from the moment of filing an application and is taken into account in the statistics on the establishment of an enterprise from the moment of the beginning of economic activity. The French typology of enterprise creation distinguishes three new types of enterprises that are different in nature:

- pure creation. A new enterprise is classified as "purely created" if its creation is associated with the emergence of new means of production;
- creation via "resume". It occurs when a new enterprise takes over entirely or completely the activities and means of production of another enterprise;
- creation through "reactivation". An entrepreneur can temporarily stop his activity, and then start it again.

In **Japan**, according to the law on small and medium-sized enterprises (1963), these include enterprises that meet the following criteria:

- in the mining and manufacturing industry, construction-the authorized capital is up to 100 million yen and the number of employees is up to 300 people.;
- in wholesale trade-the authorized capital of up to 30 million yen and the number of employees up to 100 people;
- in retail trade and the service sector – the authorized capital of up to 30 million yen and the number of employees up to 50 people.

Today, the number of such enterprises is 4.7 million units [8]. Their distinctive feature is that they are vertically integrated (as subcontractors) with TNCs and integrated into their production. Japan is a country of exclusively private entrepreneurship. In industry, the state owns only the mint. And 5738 thousand enterprises belong to small businesses, that is, 99% of their total number. They employ 88% of all people employed in the economy. All over the world, Japan's economic and scientific and technical achievements are associated primarily with the names of several dozen major companies.

Meanwhile, its small and medium-sized businesses make a very significant contribution to the prosperity of Japan. It accounts for more than 53% of GDP. In other words, small and medium-sized enterprises in Japan drive more than half of the volume of its economy [9].

State support for the activities of small businesses, especially vertical ties with large businesses and international corporations, and a policy to encourage cooperation between small and medium-sized enterprises and general trading companies have made it possible to increase the competitiveness of small enterprises.

In the **United States**, small enterprises are considered independent enterprises with the number of employees from 100 to 1500 people, depending on the type of activity, with an annual income of \$ 0.75 million to \$ 20 million. They make up 97.6% (or 22.9 million) of the total number of firms operating in the country. They account for about 52% of GDP and over 50% of the employed labor force. The sectoral structure of small business is characterized by high diversification. Thus, in wholesale and retail trade, their share is 19%, science and scientific and technical services, construction-12%, in the field of healthcare and social support-10%, hotel business and public catering-7%, education and computer science-3%, industry-5%, finance and insurance, real estate-4%, transport and transportation -3%, other -21%.

Small businesses in the United States employed 60.6 million people, or 47.1% of the private workforce, in 2017. Firms with a staff of 20 to 99 employees have the largest share of employment in small businesses [10].

In **Thailand**, small enterprises account for 80.3% of jobs and about 50% of GNP. Most of them have one or two employees, which indicates the predominance of microenterprises. Small businesses

make up the majority of enterprises in the country, and this is 99.7% of enterprises in Thailand, which is the second largest share in Southeast Asia after **South Korea** [11].

In developing countries, the activities of micro and small enterprises are mainly low-income, and do not make a significant contribution to the economy. Therefore, T. Biggs, M. Grindle and D. Snodgrass believe that small enterprises as agents of economic development are of little interest [12]. Although most other scientists have a different opinion.

In **Russia**, according to the Small Business Resource Center, the share of small business entities is 66.5% of the total number of economic entities. Of these, 85% belong to the category of entrepreneurs without the formation of a legal entity (including peasant farms). Their share in the structure of the employed is 25.3% and about 19% of GDP. The share of small business structures in trade and public catering is at the level of 50%, industry and construction at 13%, transport and communications, as well as in science and information technologies, healthcare at 3%, others-17% [13].

In **Kazakhstan**, according to the Bureau of National Statistics of the Agency for Strategic Planning and Reforms of the Republic of Kazakhstan, as of January 1, 2021, the number of active entities amounted to 1,357 thousand entities, and compared to the corresponding date of the previous year, it increased by 2%. In the total number of SMEs, the share of individual entrepreneurs was 63.2%, legal entities of small business-20.6%, peasant or farm enterprises-16%, legal entities of medium-sized businesses-0.2%.

The industry structure is presented as follows: trade – 32%, industry-4.2%, agriculture, hunting and forestry-19.2%, construction-5.3%, transport and communications-1.5%, other-37.8%. They employ 2883.9 thousand people or 32.8 % of the total number of employees. The largest share of small business entities is the number of employees of less than 6 people [14].

So, it follows from the above that the creation of small enterprises is possible in two ways: *self-development and integration development*.

In countries with developed economies, private enterprises are registered mainly by individuals with a high level of human capital, with practical work experience and social connections. These include various consultants, architects, and programmers. They also establish fast-growing firms in those segments of industry and regional markets where their high efficiency is ensured. On the contrary, representatives of the poor do not seek to start their own business, but prefer to remain employees and / or accept social assistance. The reason for this behavior lies in the lack of professional knowledge, skills, and practical experience. It is even difficult to attract them to small business training programs. Only one out of a hundred who have been trained at the training center of the US Department of Small Business manages to organize their own business [15].

In the second case, a significant part of small enterprises is in the sphere of interests of large corporate structures. Being an important part of the production chains of corporations, small enterprises supply all the necessary components and perform other types of work. The formation of close integration communities between firms is considered a means of adaptation to the rapidly changing conditions of the external environment, within which some methods of administrative management and the market mechanism of interaction of partners get along. The cost of coordination acts as a constraint on the absorption of a large corporation of its small partners. These costs are defined as a set of costs that a firm must go to in order to ensure the consistency of the actions of its structural divisions through administrative management methods. According to O. Williamson's theory of internalization, the system of interaction between two firms strives for equilibrium by optimizing the costs of transactions and coordination and achieves stability by making the final choice between the market and the hierarchy [16].

Self-development and integration development of small enterprises also takes place in developing countries. Nevertheless, the situation of self-development of small enterprises is characterized by some differences compared to the situation in industrialized countries. For the majority of the population of these countries, the simplest form of entrepreneurial activity is often the only source of existence. As a result, microenterprises have been widely developed. The basis for this statement is that about 90% of all small enterprises have the number of employed 1-2 employees,

including the owner. In the rest-the number of employees ranges from 3 to 10. According to statistics, about 75% of the labor force is employed in microenterprises with 1-2 employees [17].

Conclusion. It is important to pay attention to the following circumstance: despite the generally accepted theoretical ideas about the directions of small business development, in its practical manifestation it is directly dependent on the level of economic development of the country and national culture. The latter aspect remains a little-studied area in modern research on the theory of entrepreneurship. The discrepancies relate mainly to the motivations for entering the business and the field of activity. Potential entrepreneurs in industrialized countries, as noted above, are individuals who have a significant reserve of capital resources, who are better able to support and develop their business. According to J. Hatch and J. According to Zweig, "large assets of resource capital can act as a" buffer" against accidental blows of the external environment, to which firms are particularly susceptible at the initial stage of their development " [18]. The motivations described by D. McClelland for creating their own business are inherent in individuals from developed countries [19]. The characteristic of the motives for entering the business, proposed by A. Shapiro, refers to entrepreneurs from developing countries who are characterized by small resource opportunities. Often, they make the decision to change their social status forcibly, under the pressure of objective circumstances [20].

In countries with economies in transition, small business entities appeared relatively recently, so when developing criteria for their allocation, specialists proceeded from the experience of developed countries, taking into account the specifics of local conditions. For each individual industry, its own quantitative criteria were established.

REFERENCE:

1. Croitoru, A. (2012). Schumpeter, JA, 1934 (2008), The theory of economic development: An inquiry into profits, capital, credit, interest and the business cycle. *Journal of comparative research in anthropology and sociology*, 3(02), 137-148.
2. https://europa.eu/youreurope/business/running-business/start-ups/starting-business/index_en.htm
3. <http://www.mrdoors.co.uk>
4. <https://regnum.ru/news/economy/2528065.html>
5. Statistisches Bundesamt [Электрон ресурс]. URL: <https://www.genesis.destatis.de/genesis/online?sequenz=tabelleErgebnis&selectionname=48121-0001#ab>
6. IfM Bonn: Unternehmensbestand. KMU im EU-Vergleich [Электрон ресурс]. URL: <https://www.ifm-onn.org/statistiken/mittelstand-im-einzelnem/#accordion=0&tab=8> (accessed 10.05.2021).
7. European Commission – 2019 SBA Fact Sheet – France. URL: <https://ec.europa.eu/docsroom/documents/38662/attachments/11/translations/en/renditions/native>
8. Chen, H., Matsuhashi, K., Takahashi, K., Fujimori, S., Honjo, K., & Gomi, K. (2020). Adapting global shared socio-economic pathways for national scenarios in Japan. *Sustainability Science*, 1-16.
9. https://www.moscowtorgi.ru/news/bolshaiya_dvadcatka/48/#:~:text=%D0%AF%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%8F%20%E2%80%93%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%BD%D0%B0%20%D0%B8%D1%81%D0%BA%D0%BB%D1%8E%D1%87%D0%B8%D1%82%D0%B5%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D0%BE%20%D1%87%D0%B0%D1%81%D1%82%D0%BD%D0%BE%D0%B3%D0%BE%20%D0%BF%D1%80%D0%B5%D0%B4%D0%BF%D1%80%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D0%BC%D0%B0%D1%82%D0%B5%D0%BB%D1%8C%D1%81%D1%82%D0%B2%D0%B0,%D0%B5%D1%81%D1%82%D1%8C%2099%25%20%D0%B8%D1%85%20%D0%BE%D0%B1%D1%89%D0%B5%D0%B3%D0%BE%20%D1%87%D0%B8%D1%81%D0%BB%D0%B0
10. United States Small Business Profile, 2020. [Электрон ресурс]. URL: <https://cdn.advocacy.sba.gov/wp-content/uploads/2020/06/04144214/2020-Small-Business-Economic-Profile-States-Territories.pdf>
11. Thailand's economic growth strategy focuses on small business. URL: [https://oxfordbusinessgroup.com/analysis/ground-small-business-heart-government-growth-strategy#:~:text=SMEs%20account%20for%2080.3%25%20of,%25\)%20and%20Indonesia%20](https://oxfordbusinessgroup.com/analysis/ground-small-business-heart-government-growth-strategy#:~:text=SMEs%20account%20for%2080.3%25%20of,%25)%20and%20Indonesia%20)
12. Biggs, T., Grindle, M. S., & Snodgrass, D. R. (1988). The informal sector, policy reform and structural transformation. Employment and Enterprise Policy Analysis Project, Harvard Institute for International Development.
13. URL: <https://rosstat.gov.ru/folder/14036>
14. Малое и среднее предпринимательство в Республике Казахстан (МСП). [Электронный ресурс]. URL: <https://stat.gov.kz/official/industry/139/statistic/6>
15. Schreiner, M. (1999). Self-employment, microenterprise, and the poorest Americans. *Social Service Review*, 73(4), 496-523.
16. Ghosh, R. K., & Goyal, Y. (2020). Oliver Williamson: The Man Who Reduced the Transaction Cost of Economics. *Ghosh, Ranjan and Goyal, Yugank, Oliver Williamson: The Man Who Reduced the Transaction Cost of Economics, Economic and Political Weekly*, 55(28-29).

17. Schreiner, M., & Woller, G. (2003). Microenterprise development programs in the United States and in the developing world. *World development*, 31(9), 1567-1580.
18. Qingqing, B., Collins, J., & Ranabahu, N. (2021). Entrepreneurial dispositions, time horizons, and context: subtleties that shape entrepreneurial intentions. *Small Enterprise Research*, 1-18.
19. McClelland (2020). Boyatzis, R. E., David C. *The Wiley Encyclopedia of Personality and Individual Differences: Clinical, Applied, and Cross-Cultural Research*, 631-635.
20. Shapero, A. (1975). The displaced, uncomfortable entrepreneur. *University of Illinois at Urbana-Champaign's Academy for Entrepreneurial Leadership Historical Research Reference in Entrepreneurship*.

UO'K 33

ZAMONAVIY MARKETING TIZIMI ASOSIDA KORXONALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH

V.F. To'ychieva, o'qituvchi, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada zamonaviy marketing tizimi asosida korxonalar faoliyatini rivojlantirish muammolari ilmiy jihatdan tahlil qilingan. O'zaro aloqalar marketingi konsepsiyasi o'z tarkibiga bir-biri bilan o'zaro aloqador uchta kategoriya: korxonalar jamoasi va iste'molchini qamrab olgan. Zamonaviy marketing tizimi asosida korxonalar faoliyatini rivojlantirishda bugungi kunda marketingni iste'molchiga yo'naltirilgan tamoyilidan hamda xaridor nuqtai nazaridan qaratilgan marketing elementlari va konsepsiyalaridan samarali foydalanish talab etiladi.

Kalit so'zlar: marketing, firma, korxonalar, boshqaruv, rejalashtirish, yo'nalish, tizim, sub'ektlar, vositalar va axborot.

Аннотация. В статье научно анализируются проблемы развития бизнеса на основе современной системы маркетинга. Концепция маркетинга взаимоотношений включает три взаимосвязанные категории: предприятие, бизнес-сообщество и потребитель. Сегодня требует развитие предприятий на основе современной маркетинговой системы эффективного использования принципов ориентированного на потребителя маркетинга и маркетинговых элементов и концепций с точки зрения потребителя.

Ключевые слова: маркетинг, фирма, предприятие, менеджмент, планирование, направление, система, субъекты, инструменты и информация.

Abstract. The article scientifically analyzes the problems of business development on the basis of a modern marketing system. The concept of relationship marketing includes three interrelated categories: the enterprise, the business community, and the consumer. Today requires the development of enterprises on the basis of a modern marketing system, the effective use of the principles of consumer-oriented marketing and marketing elements and concepts from the point of view of the consumer.

Keywords: marketing, firm, enterprise, management, planning, direction, system, subjects, tools and information.

Marketing tizimi – firma faoliyatining operativ va strategik yo'nalishlarini belgilab beradigan tashkiliy, boshqaruv, rejalashtirish jarayonida tegishli to'xtovsiz jarayon, sub'ektlar, vositalar va axborot oqimlari kompleksidir. Marketing tizimida korxonalar tashqi muhitini ifodalovchi ijtimoiy – iqtisodiy, demografik, texnik – texnologik, siyosiy – huquqiy va madaniy omillar ta'sirida shakllanadi va faoliyat yuritadi. Uning muvaffaqiyatli faoliyati korxonalar imkoniyatlarini bozor faoliyatiga nechog'lik muvofiqligiga ko'p jihatdan bog'liq bo'ladi. SHu bilan birga, marketing tizimiga korxonaning raqobatchilari sezilarli ta'sir ko'rsatib, ko'pincha ularning bozor strategiyalari o'zgarishi bilan tizimda yangi yo'nalish boshlanishiga olib keladi. Bugungi kunda davlatimiz rahbari respublikamizda tadbirkorlikni rivojlantirish, zamonaviy marketing korxonalarini tashkil etish zarurligini [1] ta'kidlab o'tdi. Bulardan ko'rinib turibdiki, korxonalarda mahsulot ishlab chiqarishda, mahsulot assortimentini kengaytirish, zamonaviy marketing korxonalarida marketing tamoyillari, konsepsiyalari, funksiyalari va umuman marketing tizimidan keng foydalanish muhim ahamiyat kasb

etadi. Marketing tamoyillari – bu marketing asosining mohiyatini ochib beruvchi talablar majmuasidir.

Tamoyillar marketing faoliyatida asosiy ko'rinish hisoblanib, iste'molchi shoh, ishlab chiqarilgan mahsulotni sotish emas, sotiladigan mahsulotlarni ishlab chiqarish kerak, mahsulot yaratish bilan uning iste'molchisini ham yaratish kerak, tovar bozorlariga differensiallangan holda yondashish kerak, korxonalar iste'molchining talabini qondirish bilangani o'z foydasi va obro'siga ega bo'lishi kerak degan shiorlardan keng foydalanishni talab etadi. Bu o'rinda mashhur iqtisodchi olim Igor Mannning fikrini keltirib o'tish maqsadga muvofiqdir, ya'ni marketingning asosiy vazifasi iste'molchini o'zlashtirish va ushlab qolishdir [2, 23-b.].

Korxonalarda marketingni o'ziga xos bo'lgan quyidagi tamoyillarini ajratib ko'rsatish maqsadga muvofiqdir: har doim ishlab chiqarish – savdo faoliyatini iste'molchilar talablariga, bozorga yo'naltirish; iste'molchi talablariga faol ta'sir etish, talabni shakllantirish korxonalar talablariga potensial talabni, real talabga aylantirish uchun zarur; bozorga differensiallangan yondashuv bilan bog'liq talab keskin bir xil xarakter kasb etadi; yangilik kiritishga yo'nalish bozorda raqobatli pozitsiyani saqlab turish uchun zarur; marketing bozorning har qanday o'zgarishlariga turlanuvchi e'tibor qaratishtamoyillariga asoslanadi; marketing korxonaning uzoq muddatli natijaga yo'naltirilganligini ko'zda tutadi; bozorda muvaffaqiyat qozonishni ta'minlovchi marketing tamoyillaridan biri – korxonaning hamma xodimlari uchun marketingga xos fikr mulohazalarining zarurligidir.

Bulardan kelib chiqib, marketing tamoyillari – bozorni bilish, bozorga moslashish va bozorga ta'sir etishdan iborat [8, 305-b.]. Bozor kon'yunkturasi, talab dinamikasi holatini hamda iste'mol qarorini qabul qilish – bu bozorni bilish, bozor talablariga maksimal tarzda ishlab chiqarishni tashkil etish uchun sharoit yaratish – bu bozorga moslashish, iste'molchilarga aynan shu tovarlarni sotib oldirish maqsadida ularga ta'sir o'tkazish, reklamani tashkil etish – bu bozorga ta'sir etish tamoyilidir.

Korxonalarida marketing tamoyillarini tatbiq etish korxonalar samaradorligini oshirishga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Buni bugun bozor talab etmoqda. Har qanday zamonaviy korxonalarini tashkil etishda marketing tizimi, tamoyillari, funksiyalari va konsepsiyalaridan foydalanishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizda sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishga, kichik sanoat korxonalarini barpo etishga, ularda esa marketing tamoyillaridan samarali foydalanishga alohida e'tibor berish talab etiladi, chunki bozor raqobati sharoitida yutib chiqishning asosiy sharti korxonalarda marketing tadqiqotlarini tashkil etish, bozor segmentlariga mos holda alohida yondashish orqali mahsulotlar ishlab chiqarishni tashkil etish raqobatli ustunlikka erishishga olib keladi. Zamonaviy korxonalarda marketing tamoyillari asosida marketing konsepsiyalari ishlab chiqiladi. Undan marketing tizimi shakllantiriladi. Marketing tizimi ishlab chiqarish korxonasining bozordagi faoliyat strategiyasiga qarab shakllanadi. Marketing tizimining shakllanishi va o'zgarishiga bozor kon'yunkturasi bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Marketing konsepsiyasi – bu bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish va sotish faoliyatini boshqarish haqidagi ilmiy asoslangan tasavvurlar tizimidir. Boshqacha aytganda, marketing konsepsiyasi – bu korxonaning aniq maqsadga erishishiga va bozordagi aniq faoliyat usuliga mo'ljallangan bozorning boshqaruv uslubi, tamoyili, maqsadlar tizimidir [9, 54-b.]. Bozor raqobati sharoitida raqiblarga nisbatan ustunlikka erishishga harakat qiladi va turli marketing konsepsiyalaridan foydalanadi. Marketing konsepsiyalarini shakllantirish raqobat ustunligini tanlashdan boshlanadi. Korxonalar tanlagan raqobat ustunligi yordamida o'z oldiga qo'ygan strategik maqsadlarga erishishni ko'zlaydi. Bunda ishlab chiqarish, tovar, sotish, an'anaviy marketing, ijtimoiy axloqiy marketing va o'zaro aloqaviy marketing konsepsiyalaridan foydalaniladi.

Bugungi kunga marketing konsepsiyalarining yangicha turlari, zamonaviy marketing konsepsiyalari amal qilmoqda, chunki bozor tendensiyalari juda tezkorlik bilan o'zgarib bormoqda. SHunga mos holda innovatsion marketing, xolistik marketing, logistik marketing, neyromarketing, raqamli marketing kabi marketing konsepsiyalarini keng zarur. Marketing konsepsiyasini tushunishga yangicha yondashish bozorning strategik segmentidan tashkilotlarning potensial

mijozlari yig'indisidan-maqсадli guruhlar deb ataluvchilar bilan uzviy aloqalarga asoslanadi [5, 62-b.]. Bozorni tadqiq qilish orqali iste'molchilarni bir xil guruhga ajratish va strategik segmentlarni aniqlab, mavjud va potensial mijozlar bilan keyingi aloqalarda korxonalar mavjud vositalarni tejaydi va yuqori natijaga erishadi. Tanlangan bozor sektori bilan faol kommunikatsiya iste'molchilarni ko'pgina qismini e'tiborini jalb qilishga olib keladi. Shuning uchun ham bozorning ko'plab etakchilari turli tarmoqlarda reklamaga, PR, to'g'ridan - to'g'ri sotish, siljitish va kommunikatsiya xizmatlariga birlashuvchi kichik biznes sub'ekti ichidagi munosabatlarga javob beruvchi bo'limlarni birlashtirishga olib keldi. Integratsiyalashgan marketing kommunikatsiyasidan foydalanuvchi kichik biznes sub'ektlari soni oshib boradi.

Yangi mahsulotni bozorga kiritishda muvaffaqiyat qozonishga ko'plab omillar ta'sir ko'rsatadi. Bu omillarga quyidagilarni kiritish mumkin: bozor talablariga mahsulotni moslashuvchanligi; mahsulotni kichik biznes sub'ekti tomonidan yangi mahsulotlarni qo'llab-quvvatlash; sog'lom raqobat muhiti; tashkiliy tuzilmani yangi mahsulot ishlab chiqarish vazifalariga mos kelishi va hokazolalar. Bulardan eng muvaffaqiyat keltiruvchi muhim omil bo'lib mahsulotni bozor talabiga mos kelishi hisoblanadi. Bu esa innovatsion marketing kontseptsiyasining asosiy kompetensiyasi bo'lib hisoblanadi. Marketing tizimi marketing tamoyillari, kontseptsiyalarini o'z ichida ifoda etadi. Marketing tizimi korxonalarini bozorga iqtisodiy maqsadlarga erishish quroli (ya'ni foyda olinadigan bozorlar ulushiga ega bo'lish) sifatida qarashga alohida e'tibor beradi [7, 5-b.]. Marketing bu ishlab chiqarilgan mahsulotni engil sotish san'ati emas, balki u iste'molchiga qimmatli bo'lgan narsani berish, uni hayotini yaxshilashga yordam berishdir.

Marketing – bu alohida shaxslar va shaxs guruhlari muhtojligi va ehtiyojlarini tovarlar hamda iste'mol qimmatlari orqali ayrboshlashga qaratilgan ijtimoiy va boshqaruv jarayonidir [7, 6-b.]. Hozirgi O'zbekiston raqobat bozori sharoitida korxonalar amaliy faoliyatining muhim bo'lagi hisoblangan marketing tizimiga bo'lgan kiziqish keskin oshgan. Ammo, shu vaqtgacha ishbilarmonlar, tadbirkorlar orasida va jamiyatda marketing tizimi to'g'risida noto'g'ri tushuncha xukmronlik qilmoqda. Ular marketingni asosiy vazifasi, ishlab chiqarishning mahsulotini sotishga yordam berish deb biladilar. Haqiqatda esa, hammasi buning aksidir, ya'ni ishlab chiqarish marketingga yordam berish uchun mavjuddir. Marketing bu ishlab chiqarilgan mahsulotni engil sotish san'ati emas, balki u iste'molchiga qimmatli bo'lgan narsani berish, uni hayotini yaxshilashga yordam berishdir. Mahalliy tadbirkorlar marketing tizimi sohasi bo'yicha etarli bilim va tajribaga ega bo'lmaganligi sababli, ular xo'jalik, tijorat hamda boshqaruv vazifalarini echishda tor doiradagi yondashuvlardan foydalanilmoqdalar. Bu esa korxonalar faoliyati samaradorligi pasayishiga olib kelmoqda.

Marketing bo'yicha xorijiy tajribani bizning korxonalarimiz va tashkilotlarimiz amaliyotiga to'g'ridan-to'g'ri tatbiq etish juda cheklangandir. Bizning korxonalarimizda marketing funksiyalarini, konseptsiyalarini va qolaversa butun marketing tizimini to'liq holda, ya'ni bizning korxonalarimiz va rivojlangan xorijiy mamlakatlar firmalari faoliyati o'rtasidagi prinsipial farqlar bo'yicha tatbiq etish mumkin emas. Bundan ko'rinib turibdiki, zamonaviy marketing korxonalarini faoliyatida marketing tizimidan keng foydalanish korxonalar samaradorligini oshirishga munosib hissa qo'shadi.

Marketing tizimi - bu qo'yilgan maqsadlarga erishish va maqsadli bozor talabini qondirish uchun marketing qismlarining aniq birikuvidir. Tarkib o'zida to'rtta asosiy qism – mahsulot yoki xizmat, narx, taqsimot va siljitishlarni birlashtiradi [8, 361-b.]. Tovar va xizmatlarni olganda bozorga nima tavsiya etilishi sifat darajasi, sotish hajmi, kompaniyaning innovatsion darajasi, ulchovning holati, alohida shartlar tadqiqotlarning hajmi va muddatlari mavjud mahsulotni sotishni to'xtatish paytini aniqlab olish kerak. Ta'minotchilar – alohida olingan tashkilot, uyushma, shaxslar yig'indisidan tarkib topib, firmani moddiy, moliyaviy va mahsulot resurslari bilan ta'minlaydi. Raqobatchilar – istak bo'yicha, safdosh tovar bo'yicha, tovar turi bo'yicha, tovar markasi bo'yicha turkumlanadi. Marketing bo'yicha vositachilar – tashkilot uchun uning tovarlarini mijozlarga etkazish, sotish, aloqa o'rnatish bo'yicha yordam ko'rsatuvchilardir. Vositachilar – savdo, logistik,

marketing va moliyaviy vositachilarga bo'linadi. Savdo vositachilari - ulgurji va chakana savdogarlardir.

Marketing – alohida shaxs va shaxslar guruhidagilarni o'z hohish va ehtiyojlarini ular tomonidan yaratilgan tovar yoki iste'mol qadriyatlarini yordamida qondiriga yo'naltirilgan ijtimoiy va boshqaruv jarayonidir [3, 31-b.]. Bundan kelib chiqib, turli xil olimlar marketing tizimiga alohida ta'rif berdi. Madiyarov G'. marketing tizimiga quyidagicha ta'rif bergan [4, 10-b.]: "Marketing tizimi, bu xo'jalik yuritishning rivojlangan bozor tizimi bilan chambarchas bog'liq holda boshqarish vositasi hisoblanib, u bozor kon'yunkturasi holatini har tomonlama o'rganib borish, korxonalar (firma) faoliyatining makro va mikro muhitlar ta'siriga moslashtirish va uning raqobatbardoshlik darajasini oshira borish, natijada iste'molchilarni tovar va xizmatlarga bo'lgan talabini to'laroq qondirishga yo'naltirilgan vositadir".

Marketing tizimi tovar ta'minotchilari, raqobatchilar, sotuvchilar, vositachilar, iste'molchilar va boshqa bozordagi oldi sotdi va xizmat ko'rsatish jarayoni bilan bog'liq sub'ektlar faoliyatini tahlil qilish va boshqarish munosabatlaridan shakllanadi. SHuning uchun ham marketing tizimi ilmiy- texnika yutuqlari, ijtimoiy-iqtisodiy, xalqaro va ichki bozorlardagi kon'yunktura o'zgarishlariga mos ravishda takomillashib borish xususiyatiga ega [4, 10-b.].

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy marketing korxonalarida zamonaviy marketing tizimi va konsepsiyalaridan foydalanish daromadlarni oshirishga olib keladi. SHuning uchun ham bugungi kunda zamonaviy korxonalar faoliyatini rivojlantirishda, kichik korxonalarni barpo etishda, tadbirkorlik faoliyatini yanada rivojlantirishda turli mulkchilik shaklidagi korxonalarda marketing tamoyillari, konsepsiyalari va tizimidan samarali foydalanishga alohida ahamiyat berilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. Xalqqa xizmat qilish, odamlarning manfaatlarini ta'minlash-rahbarlar faoliyatining asosiy mezonidir. // Xalq so'zi, 2017 yil 13 aprel, №73 (6767).
2. Игор Манн. Арифметика маркетинга. – Москва, Изд-во «Манн, Иванов и Фербер», 2011. 23 с.
3. Котлер Ф., Армстронг Г., Вероника В, Сондрс Дж., Основы маркетинга. – Москва, ООО «И.Д. Вильямс», 2012.
4. Madiyarov G'.A. Iste'mol tovarlari bozorida marketing tizimini rivojlanishi (oziq-ovqat tovarlari misolida). Iqtisod fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya avtoreferati. – Toshkent, 2008.
5. Секерин В.Д. Инновационный маркетинг. Учебник.- Москва, ИНФРА-М, 2012.
6. Soliev A., Hakimov Z. Sanoat marketingi: mohiyati va o'ziga xos jihatlari // Iqtisodiyot va ta'lim. – Toshkent, 2011. - № 6, 25 b.
7. Yusupov M, Abdurahmonova M., Akbarov N. Marketing. O'quv qo'llanma. -T.Iqtisodiyot, 2019.
8. Ergashxodjaeva Sh.Dj., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. – Toshkent, «IQTISODIYOT», 2018.
9. Ergashxodjaeva Sh.Dj., Sharifxo'jaev U.U. Marketingni boshqarish. Darslik. – Toshkent, Iqtisodiyot, 2019.

УЎК 33

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ

Ж.А. Абдуллаев, таянч докторант, ТДИУ, Тошкент

Аннотация. Ушбу илмий мақолада олий таълим тизимидаги модернизация жараёнлари ҳақида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган бўлиб, олий таълим муассасалари ва таълим хизматлари буюртмачилари/истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар схемаси, олий таълимда давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини амалга оширишнинг афзалликлари ва асосий йўналишлари келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, олий таълим муассасалари, инновацион ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт, бизнес-тузилмалар, давлат-хусусий шериклик.

Аннотация. В данной статье представлены результаты исследования процесса модернизации системы высшего образования, схемы взаимодействия вузов и заказчиков / потребителей образовательных услуг, преимущества и основные направления проектов государственно-частного партнерства в сфере высшего образования.

Ключевые слова: образование, высшие учебные заведения, инновационная социально ориентированная экономика, бизнес-структуры, государственно-частное партнёрство.

Abstract. This research paper presents the results of research on the modernization process in the higher education system, the scheme of interaction between higher education institutions and customers / consumers of educational services, the advantages and main directions of public-private partnership projects in higher education.

Keywords: education, higher education institutions, innovative socially oriented economy, business structures, public-private partnerships.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”даги ПФ-5847-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”нинг 3-боби 1-бўлимида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни (бундан кейин матнда – ДХШ) ривожлантириш асосида худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш ва 4-бобида олий таълим билан қамров даражасининг 50 фоиздан юқори бўлиши таъминланади, соҳада рақобат муҳити яратиш вазифаси белгилаб берилган [1].

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ДХШ институтини ривожлантириш устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб олинган. Бунда, ДХШ замонавий босқичда давлатнинг инновацион салоҳияти ва иқтисодий сиёсати самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири нуктаи назаридан кўриб чиқиши лозим.

Ўзбекистонда ДХШ миллий иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга молик бўлган тармоқларини молиялаштиришда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг нисбатан янги шакли ҳисобланади. ДХШ институти фаолият кўрсатишининг халқаро тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, давлат ва бизнеснинг қўшма лойиҳаларини амалга ошириш натижасида бюджет харажатлари пасайиши билан бир пайтда иқтисодий-ижтимоий самарадорлик ўсиши таъминланади. Бу эса, хусусий секторда капиталдан фойдаланиш самараси юқори эканлиги, бошқарувнинг сезиларли даражада чуқурлашгани ва сифатли молиявий режалаштириш билан асосланади.

Шу муносабат билан, нафақат Ўзбекистондаги тижорат компаниялари амалий фаолиятида, балки давлат бошқаруви соҳасида, хусусан, давлат хизматларини кўрсатувчи давлат (муниципал) муассасалари тизимида (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ва бошқалар) ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш ижобий хорижий тажрибалардан фойдаланиш учун махсус имкониятларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Илмий мақоламизнинг назарий-методологик асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда аҳоли ҳаёт сифати ва даражаси, туризм, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид фундаментал асарлари, миллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг туризм ва ДХШни янада ривожлантириш бўйича асарлари хизмат қилди.

Давлат структуралари ва хусусий бизнеснинг ўзаро алоқаларини ташкил қилишда туризм иқтисодиёти ва ташкилотларининг муаммолари хориж олимларидан Юнг Г.Б. [2], Якунин В.И. [3], Берслс В., Хаврапек П.М. [4], Друкер П. [5], Енджейчик И. [6], Леннон Дж. Джон, Смит Хью, Кокерелл Ненси, Трю Джил. [7], Парк Дж., Маккей С. [8] каби олимларнинг ишларида кенг ёритилган.

МДХ олимларидан эса Александрова А.Ю. [9], Алексеев А.А. [10], Амунц Д.М. [11], Архипова М.А. [12], Бабашкина А.М. [13], Барютин Л.С. [14], Варнавский В.Г. [15], Викторов А.Н., Кураков В.Л., Бондаренко Ы.В. [16] кабиларнинг илмий ишлари туризм соҳасида ДХШдан самарали фойдаланиш муаммолари тадқиқ қилинган.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда давлат-хусусий

шериклигини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан Н.Юсупов ва Ф.Карабаев [17] БМТ тараққиёт дастури доирасида ДХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масалалари ҳамда У.Джуманиязов [18] томонидан олиб борилган изланишларда ДХШ механизмларини уй-жой қурилиши соҳасини корпоратив бошқаришни такомиллаштиришда қўллаш жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Бундан ташқари, минтақаларнинг туризм соҳаларини ривожлантириш ва илгари суришда давлат ва бизнес ҳамкорлиги йўналишлари билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, концепциялар, дастурлар ва лойиҳалар, шунингдек, туризм соҳаси фаолият юритишининг концептуал асослари ва тарихий тажрибаси, туристик фаолият усуллари ва шакллари, уни ривожлантиришнинг янги йўналишларини излаб топиш, туристик хизматлар бозори, туристик фирмаларнинг тадбиркорлик фаолияти, туризмда маркетинг ва менежментнинг шаклланиши, туризм иқтисодиёти, миллий ва минтақа иқтисодиёт ҳодисаси сифатида туризмнинг мазмуни, туризм индустриясини ривожлантиришнинг молиявий жиҳатлар ва туризмда нарх шакллантириш, туризм соҳасида халқаро муносабатлар, минтақавий туристик фаолиятнинг иқтисодий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Бироқ, Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларининг чуқурлашуви ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг уствор йўналишларидан бири бўлган иқтисодиётни либераллаштириш вазифаларини амалга ошириш шароитида ўта муҳим масалалардан бири - ДХШнинг замонавий иқтисодиётдаги ўрни аниқланмаганлиги, минтақавий туризмнинг давлат-хусусий шериклиги асосидаги фаолиятининг иқтисодий механизми назарий ва услубий нуқтаи назардан, унинг шаклланиши ва фаолият юритиш шартлари ва омилларини баҳолаш ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро алоқалар орқали туризм инновацияларини ва инвестицияларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали минтақавий туризмни ривожлантириш имкониятини белгилайдиган бундай муҳим элемент устида тадқиқотлар олиб борилмаганлиги танланган мақола мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақоламизни ёзиш учун олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, суҳбат, статистик, иқтисодий, молиявий усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, давлат иқтисодиётининг муваффақиятли фаолияти, бир томондан, давлат ва жамият ижтимоий фаровонлигининг асосий манбаи сифатида билимнинг қиймати ва билим берувчи ташкилотларнинг (университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар, тажриба-конструкторлик бюрolari, академиялар) мавжудлиги билан, бошқа томондан эса, янги илмий натижаларни тарқатишни таъминлайдиган ва уларни жорий қилиш босқичига етказадиган тадбиркорлик институционал муҳитнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш вазифасини амалга ошириш вазифаси ишониб топширилган асосий институционал ташкилотлардан бири олий таълим муассасалари сектори ҳисобланади. Ўзбекистонда узоқ муддатли истиқболда билимлар иқтисодиётини ривожлантириш талабларига жавоб берадиган олий таълим муассасалари ва ташкилотлар тармоғи: давлат университетлар (фан, ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясига асосланган олий таълимнинг янги модели); илмий-тадқиқот муассасалари; таянч олий таълим муассасалари (худудий иқтисодий тизимлар фаолиятини таъминлайди); тармоқ ва идоравий олий таълим муассасаларини (кенг йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлашни амалга оширади) ташкил этиш таълим рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди (1-расм).

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги давлат (муниципал) молиясини бошқариш сифати ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилган бюджет ислохотларини яқунлаш билан бирга олий

таълим соҳасини ислоҳ қилиш шароитларида олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий муаммоси уларнинг жорий ва ривожланиш харажатларини молиявий таъминлаш механизми ҳисобланади.



1-расм. Олий таълим муассасалари ва таълим хизматлари истеъмолчилари/буюртмачилар ўзаро ҳамкорлиги [19]

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, таълим соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмининг ўсиши асосан жорий харажатларни қоплашга қаратилган бўлиб, таълим ташкилотларига инновацион ривожланиш талабларига мувофиқ функционал ва молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ амалга ошириш имконини бермайди.


Шу муносабат билан, олий таълим ташкилотлари томонидан қўшимча ресурслар (моддий, кадрлар, молиявий ва ҳ.к.) қидириб топиш зарурати туғилади. Кўриниб турибдики, бозор муносабатлари шароитида олий таълим олдида турган глобал муаммоларни фақат бюджет маблағлари ҳисобидан, давлат-хусусий шериклик механизми орқали бизнес тузилмаларининг иштирокисиз ҳал қилиш мумкин эмас.

Юқоридаги фикрларимизни тасдиқлаш мақсадида шу алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, ДХШнинг устувор хусусиятларини белгилаган ҳолда бизнесни давлат билан тенглик асосида ҳамкорликда фаолият олиб боришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва куйидаги афзалликларга эга бўлади:

- ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш чоғида молиявий рисклар ва харажатлар тегишли битимлар, шартномаларда назарда тутилган ўзаро келишувларга мутаносиб равишда иштирокчилар (томонлар) ўртасида тақсимланади;

• ДХШ жамоат товарлари (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий ҳимоя) яратиш ёки уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида томонларнинг моддий ва номоддий ресурсларини узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли асосда бирлаштиради.

Олий таълим соҳасида ДХШ механизмидан фойдаланиш истикболлари давлат, фуқаролик жамияти ҳамда бизнес тузилмаларининг таълим соҳасини модернизация қилишдан манфаатдор эканлиги билан белгиланади.



2-расм. Олий таълим соҳасида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш йўналишлари [20]

Таъкидлаш жоизки, давлат узоқ вақт давомида, аввало, умуман ижтимоий соҳанинг, хусусан, олий таълим муассасаларининг молиявий муаммоларини ДХШ механизми орқали ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, хорижий мамлакатларнинг бир қатор етакчи олий таълим муассасалари эндаумент-фондлар муваффақиятли ташкил этилган ва фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, амалиёт мазкур олий таълим муассасалари ҳали ҳам қўшимча молиявий ресурсларга муҳтож эканлигидан далолат беради, чунки нафақат илмий ва педагогик кадрларнинг ижтимоий мақомини яхшилаш, балки замонавий бошқарув усулларини, инновацион таълим хизматларини жорий этиш қўшимча харажатларни талаб қилади. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, олий таълим муассасаларининг мақсадли капитал фондлари бу харажатларни тўлиқ қоплашга имкон бермайди, шунинг учун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида таълим муаммоларини бизнес секторини бевосита жалб қилмасдан ҳал этиш қийин.

Ҳозирги кунда олий таълим соҳасида ДХШ лойиҳаларини қуйидаги фаолият йўналишлари бўйича амалга ошириш бўйича мисоллар келтириш мумкин (2-расм).

Бирок, шуни таъкидлаш жоизки, 2-расмда қайд этилган мисоллар реал амалиётда, айниқса, минтақларда камдан-кам учрайди ва уларнинг қатнашчилари учун амалга оширилишидан самара юқори бўлмайди. Фикримизча, олий таълим муассасаларининг минтақа, муниципалитет ва бизнес тузилмалар билан стратегик ҳамкорлиги айниқса долзарб бўлиб турган шароитда, амалий фаолият талабларига мувофиқ ўқитувчилар таркиби ўртасида мотивацияни шакллантиришга қаратилган ишларни давом эттириш ва кучайтириш керак.

Минтақалардаги олий таълим муассасаларида ДХШ лойиҳаларини самарали ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга оширишга унинг асосларини концептуал ва услубий ишлаб чиқиш паст даражада эканлиги тўсқинлик қилади. Бу эса, минтақаларни ва, хусусан, олий таълим муассасаларини ривожлантириш учун стратегик манба сифатида тўлиқ белгилаш учун имкон бермайди. Бошқача айтганда, минтақаларда олий таълим муассасалари, корхоналар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг интенсив ҳамкорлиги кузатилмади.

Фикримизча, ДХШ лойиҳасини олий таълим муассасалари, айниқса, худудларда ривожлантириш учун стратегик манба сифатида амалга ошириш концепциясини шакллантиришда тизимли ёндашувни қўллаш зарур. Олий таълим муассасалари иштирокидаги ДХШнинг муаллифлик модели 3-расмда келтирилган.



3-расм. Олий таълим муассасалари иштирокида ДХШ модели [21]

Юқоридагиларни умумлаштирган хулосамиз шундан иборатки, давлатнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, миллий инсон капиталининг ўсиши, инновацияларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва фаол фойдаланиш орқали саноат мажмуасини модернизация қилишни назарда тутди. Олий таълим муассасалари ривожланишининг аниқланган тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда уларни ривожлантириш бўйича қуйидаги стратегик кўрсатмаларни тақлиф этамиз:

1. Таълим бериш, илмий-тадқиқотлар ва тадбиркорлик функцияларини интеграция қилиш;

2. Иқтисодиётнинг юқори технологияли сектори корхоналари билан ихтисослашган технология платформаларини яратиш орқали инновацион тадқиқотлар ва ривожланишни рағбатлантириш;

3. Инновацияларни тижоратлаштириш.

Ушбу кўрсатмаларни амалга ошириш фақат ДХШ шартлари асосида тадбиркорлик сектори иштирокида амалга оширилиши мумкин, бу эса олий таълим муассасаларининг функционал ва молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

Хулоса ва тақлифлар

ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг долзарблиги ва зарурлиги, биринчи навбатда, мавжуд инфратузилма ва таълим салоҳиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда аниқ мақсад ва вазифаларга эришишдан иборат бўлиб, уларни амалга оширишда қуйидаги тақлифларни амалиётга тадбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиши ва модернизация қилинишини таъминлаш шарти сифатида олий таълимнинг интеллектуал, технологик, интеллектуал ва молиявий салоҳиятининг ўсиши;

- муҳим бюджет самараси, давлат молиявий ресурсларини янада самарали сарфлаш;

- бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини жалб қилиш орқали олий таълим муассасаларининг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш;

- таълим дастурларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, уларнинг сифатини ошириш; таълимда фундаментал ва амалий таркибий қисмларнинг яқинлашишини рағбатлантириш; тобора ривожланиб бораётган янги Ўзбекистон иқтисодиёти эҳтиёжларига мувофиқ янги ихтисосликлар яратиш;

- олий таълим муассасалари томонидан ДХШ доирасида бизнес билан биргаликда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган лойиҳалар бир томондан янги иш ўринлари билан таъминланса, иккинчи томондан олий таълим муассасалари битирувчилари ва ўқитувчиларидан турли даражадаги касбий компетентликни талаб қилади. Тегishлича, олий таълим муассасалари битирувчиларни ўқитишнинг янги сифатини таъминлаш муаммоларига дуч келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”даги ПФ-5847-сонли Фармони//www.lex.uz

2. Юнг Т.Е. Антикризисное управление в Российской экономике. - СПб.: Наука, 2002. -205 с.

3. Якунин В.И. Партнерство в механизме государственного управления /Социологические исследования. - 2007. - №2. - С. 26 - 29.

4. Берслс В., Хаврапек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. - М.: Интерэксперт, ИНФРА-М., 2005. - 324 с.

5. Друкер П. Эффективное управление. Экономические задачи. Оптимальные решения. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 288 с.

6. Енджейчик И. Современный туристский бизнес. Экстратегии в управлении фирмой: Пер. с польск. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 320 с.

7. Леннон Дж. Джон, Смит Хью, Кокерелл Пеней, Грю Джил. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентств по туризму. - М.: Издательство Группа ИДТ, 2008. - 272 с.

8. Парк Дж., Маккей С. Сбор данных в системах контроля и управления: Практическое руководство. - М.: Издательство Группа ИДТ, 2007. - 504 с.

9. Александрова А.Ю. Структура туристского рынка. - М.: Прессоло, 2002. - 278 с.

10. Алексеев А.А. Туризм в России: проблемы становления и развития /Туризм: практика, проблемы, перспективы. - 2008. - № 3. - С. 76 - 84.
11. Амуниц Д.М. Государственно-частное партнёрство. Концессионная модель совместного участия государства и частного сектора в реализации финансовоёмких проектов /Справочник руководителя учреждения культуры. - 2005.-№12.-С. 16-24.
12. Архипова М.А. Статистический анализ основных тенденций создания и использования передовых технологий /Вопросы статистики. - 2007. - №7. - С. 27-29.
13. Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 480 с.
14. Барютин Л.С. Основы инновационного менеджмента: Учебное пособие. -М.: Экономика, 2004. - 518 с.
15. Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски. - М.: Наука, 2005. - 311 с.
16. Викторов А.Н., Кураков В.Л., Бондаренко Н.В. Государственное регулирование социальной сферы. - М.: Гелиос АРВ, 2004. - 276 с.
17. Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак. А.Э.Шайхова Ташкент, 2013/www.undp.uz
18. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой курилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмлари такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 28 б.
19. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
20. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
21. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

УДК 330

КРИПТО-АКТИВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ҲАМДА УНИНГ ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*И.И.Абдуллаев, мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат педагогика университети,
Тошкент*

***Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги ривожланиб бораётган «рақамли иқтисодиёт»да содир бўлаётган ўзгаришлар, хусусан, крипто-активларнинг ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда ушбу активларнинг жамиятга таъдиди, яъни халқаро терроризмни молиялаштиришида фойдаланилаётганлиги ёритилган.*

***Калим сўзлар:** «рақамли иқтисодиёт», крипто-актив, ривожланаётган мамлакатлар, фиат валюта, терроризм, терроризмни молиялаштириши.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются изменения, происходящие в настоящее время в развивающемся «цифровой экономике», в частности, влияние крипто-активов на экономику развивающихся стран, в том числе Узбекистана и угроза для общества, такая как финансирование международного терроризма с использованием этих активов.*

***Ключевые слова:** «цифровая экономика», крипто-актив, развивающиеся страны, фиатная валюта, терроризм, финансирование терроризма.*

***Abstract.** This article discusses the changes taking place in today's evolving «digital economy», in particular, the impact of crypto-assets on economy of developing countries, including Uzbekistan and the threat of these assets to society, i.e. the financing of international terrorism.*

***Key words:** «digital economy», crypto-asset, developing countries, fiat currency, terrorism, financing terrorism.*

Бугунги ривожланиб бораётган ахборот даврида яшар эканмиз, инсониятнинг кундан кунга такомиллашиб бораётган замонавий технологиялар, алоқа ҳамда ахборот алмашинув воситаларига талаби ошиб бормокда. Мана шундай талаблардан бири электрон тижорат соҳасини тубдан ислоҳ бўлишига олиб келди, десак муболаға бўлмайди. Гап мутлақо янгича «кўриниш» ҳамда моҳиятга эга бўлган рақамли пуллар, яъни крипто-активлар ҳақида кетмокда.

Крипто-актив – қийматга эга ва эгаси бўлган блокчейндаги қайдлар мажмуаси. Крипто-актив термини биринчи маротаба 2011 йилда «Forbes» журналида чоп этилган биткойн тизими ҳақидаги мақоладан сўнг оммалашган бўлиб, ушбу пул бирлигининг ҳеч қандай моддий

эквиваленти йўқ ва у шунчаки маълумотлар базасидаги қайдлар жамланмасидан иборат виртуал маблағ ҳисобланади. Кripto-актив фақат виртуал маконда мавжуд. Уни айирбошлаш электрон почта орқали хат алмашилиш сингари жуда осон. Бу каби тизимнинг эгаси ва ҳатто ташқи ёки ички бошқарувчиси ҳам йўқ. Ташқи тарафдан тизимнинг ичида содир бўлаётган ўтказмаларга ҳеч қанақасига таъсир ўтказиб бўлмайди. Бундан ташқари, ўтказмалар учун сервиснинг эгаларига ҳеч қандай комиссия тўлови мавжуд эмас, чунки унинг эгаси йўқ.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд тизимнинг воситачисизлиги, транзакцияларнинг учинчи томонга, яъни воситачиларга (банклар ва б.) ортиқча тўловларсиз амалга оширилиши ҳамда ушбу операцияларга банкдагига қараганда кам вақт талаб этилиши, шунингдек, узок масофадаги тўловларни амалга оширишда қулайлиги крипто-активларнинг оддий фиат валюталарга нисбатан шиддат билан ривожланишига олиб келмоқда.

Кripto-активларнинг иқтисодий жиҳатлари

Ушбу нарх графигидан кўришиб турибдики, крипто-активларга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, ушбу рақамли активларни мамлакат иқтисодиётига жорий қилишни, ундан аввал эса, уни мамлакат макроиқтисодий хавфсизлигига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини ҳар томонлама, синчковлик билан ўрганиб чиқишни тақазо этади. Чунки, крипто-активлар миллий валюталарга нисбатан кўп афзалликларга эга бўлишига қарамадан, бу активларни иқтисодий пойдевори мустаҳкам бўлмаган мамлакатлар расмийлаштиришга шошилмайди. Давлатларда крипто-активлардаги ҳеч бир резервнинг мавжуд бўлмаганлиги сабабли, исталган вақтда биржада "портлаш" бўлиб қолса, капитализацияси нолга тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун, бирор мамлакат крипто-активларга эшик очишдан олдин уни тартибга солишни ўйлаб кўриши керак.



1-расм. Бугунги кундаги энг оммабон крипто-активлардан бири – биткоиннинг 2008-2021 йиллар оралиғидаги нарх ўсиш динамикаси (АҚШ долларарида)

Таъкидлаш жоизки, крипто-активлар мутлақ марказлашмаган, яъни уларни ҳукумат марказий банклари бошқара олмайди. Шундай қилиб, улар маълум бир географик ҳудуд билан чекланмаган. Бу эса, халқаро пул ўтказмаларини, молиявий алмашинувларни воситачи муассасаларсиз амалга ошириш, уларни четлаштириш орқали эса ўтказмалар тезлигини оширишга эришилади. Келинг, крипто-активларнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсири ҳақида тўлиқ маълумот беришдан аввал, ушбу тизим активларининг ўзбек сўми ва АҚШ доллари каби марказлаштирилган фиат валюталарга нисбатан афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилсак.

Қуйидаги жадвалдан ҳам крипто-активларнинг фиат валюталардан кам бўлмаган даражада афзалликларга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ушбу пул бирлигида амалга ошириладиган транзакциялар шаффоф бўлиб, бу ўз навбатида томонлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, ушбу шаффофлик амалга оширилаётган операцияларнинг хавфсизлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Шунингдек, ушбу операцияларнинг мутлақ автоном ва ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмаслиги, учинчи томон (банк) иштирок этмаган ҳолда ва унга ортиқча тўловларсиз амалга оширилишига, айтиш жоиз бўлса, воситачига кетадиган вақт ҳамда маблағнинг тежалишига

олиб келади. Шу билан биргаликда, рақамли пуллар муомаласида махфийлик даражасининг юқорилиги ҳам кўпгина фойдаланувчиларни ўзига жалб қилади, яъни ушбу пуллар тушадиган ҳамённинг рақамлари орқали унинг эгаси ким эканлигини билиб бўлмайди. Бироқ, ушбу «махфий»лик биз ёритмоқчи бўлган масаланинг иккинчи тарафини кўрсатиб беради. Гап шундаки, ушбу рақамли воситалар ёрдамида турли жинойтлар, жумладан, мақоламизнинг бир қисмини ташкил қилувчи терроризм каби ёвуз иллатларни молиялаштириш бўйича айрим ҳолатлар аллақачон ўз тасдиғини топган.

Фиат пуллар ва крипто-активларнинг хусусиятлари

1-жадвал

Пулнинг хусусиятлари	Фиат пуллар (Сўм)	Крипто-актив (Биткоин)
Алиштириш усули	Моддий (қўлдан-қўлга)	рақамли
Назорат қилиниши	Марказий банк	алгоритм
Бўлинувчанлиги	+	+
Глобал миқёсда фойдаланиш	+	+
Шаффофлиги	o	+
Бардошлилиги	+	+
Мақбуллилиги	+	o
Марказлашганлиги	+	-
Хавфсизлиги (Қалбакилаштириш)	o	+
Барқарорлиги	o	-
Гаров сифатида бериш	o	-

+ - юқори o – ўртача - - паст

Крипто-активлар терроризмни молиялаштиришда асосий қурол сифатида. Бугунги кунда крипто-активлар нафақат инсониятнинг оғирини енгил қилиш мақсадида, балки халқаро террористик ташкилотлар томонидан ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлида товар ва хизматларни сотиб олишда ҳам кенг қўлланиб келинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг август ойида АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган махсус операция давомида терроризмни, хусусан «Ислом давлати», «Хамас» («Ислом қаршилиқ ҳаракати») каби халқаро террористик ташкилотларни молиялаштиришга алоқадор қарийб 300га яқин крипто-актив ҳамёнларидан 2 млн. долларлик биткоинлар мусодара қилинган.

БМТнинг Кибержинойтчилик ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўлими раҳбари Нил Уолш таъкидлаганидек, анонимлик туфайли биткоин ва алткоинлар жиноятчиларга қўл келадиган махфийликнинг янги даражасини беради. Ўз навбатида, ушбу ҳолат турли халқаро террористик ташкилотлар, диний экстремистик оқимлар, шунингдек, гиёҳванд моддалар савдоси, кибержинойтчилик билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг крипто-активлардан кенг фойдаланиши учун сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли, турли жиноий гуруҳ ва уюшмалар томонидан фойдаланилаётган рақамли маблағлар тизимларини назорат қилиш, яъни улар томонидан крипто-активлар ёрдамида ғаразли мақсадларда амалга оширилаётган транзакцияларнинг олдини олишга, ушбу ўтказмаларни аниқлашга ҳамда уларнинг келгусидаги фаолиятига чек қўйишга қаратилган чоралар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, виртуал активлар тушунчаси мамлакатимиз жиноий қонунчилик тизимига ҳам киритила бошланди. Хусусан, ЎР ЖК 243-моддасидаги даромадларни легаллаштиришда мулк объекти сифатида Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилганидек **виртуал активлар (криптовалюта ва ҳ.к.)** ҳам бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, крипто-активлар орқали амалга оширилаётган транзакциялар аноним бўлишига қарамадан, ўтказма эгаларининг шахсига аниқлик киритиш мумкин. Чунки, реал валюталар сингари крипто-активларда амалга ошириладиган операциялар ҳам ўзидан из қолдиради.

Бироқ, ҳозирги кунда крипто-активлар ўртасидаги транзакцияларни амалга оширувчи провайдерлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро ва миллий миқёсдаги ягона норматив

хукукий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида, ушбу соҳа вакилларининг аниқ тартибга солинмаган, назоратдан ташқаридаги бетартиб фаолият юритишларига сабаб бўлмоқда, яъни аксарият провайдерлар ўз миждозларининг шахсига аниқлик киритмасдан ишлашади. Бундан ташқари, ушбу транзакциялар шифрланган бўлса-да, уларни фиат валюталари билан бирлашадиган жойга қайтариш мумкин. Охир-оқибат терроризмни молиялаштиришда бир ҳамёндан иккинчи ҳамёнга ўтказилган крипто-активлар фиат валюта кўринишида товар моддий бойликларини сотиб олиш, хизмат учун ҳақ тўлаш кўринишида бозорга кириши керак. Умуман олганда, крипто-активлар мамлакатимиз иқтисодидёти ҳамда қонунчилиги учун янги ҳодиса ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ушбу виртуал активларнинг муомаласи учун механизм мавжуд эмас. Бў эса ўз навбатида, ушбу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда тадқиқ қилишни тақазо этади (Мисол тариқасида, Германияда жорий қилинган «KYC» тизими каби). Шунингдек, ўрганилган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, ушбу феноменни хукукий ҳамда иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ҳозирги замон талабларига мувофиқ қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчаларлар киритиш зарур (қонунчилик лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда). Шу билан биргаликда, крипто-активларнинг жаҳон молия бозори келажаги эканлигини инобатга олиб, ушбу йўналишда етук кадрлар тайёрлашга йўналтирилган керакли ўқув-услубий материалларни имкон қадар тегишли таълим тизимига жорий қилиш даркор.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832 сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3926 сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» 22.01.2019 йилдаги 3127-сонли буйруғи
4. Sloman J., Guest J. and Garratt D., 2018. Economics. Harlow, United Kingdom: Pearson Education Limited
5. Chiu, J. and Koepl, T., 2017. The Economics of Cryptocurrencies Bitcoin and Beyond. SSRN Electronic Journal
6. Nehf J., 2020. Security Interests in Virtual Currencies. SSRN Electronic Journal
7. Andronova I., Gusakov N. and Zavyalova E., 2020. Terrorism Financing: New Challenges for International Security. International Organisations Research Journal
8. Ru.wikipedia.org. 2021. Криптовалюта: <<https://ru.wikipedia.org/wiki/>>
9. 2021. Биткоин график курсов за всю историю с 2008 по 2021. Bytwork.com: <<https://bytwork.com/articles/btc-chart-history>>
10. Podrobno.uz. 2021. Террористы все активнее используют криптовалюты для финансирования своей деятельности. <<https://podrobno.uz/cat/proisshestviya/terroristy-vse-aktivnee-ispolzuyut-kriptovalyuty-dlya-finansirovaniya-svoey-deyatelnosti>>
11. РБК. 2021. Нил Уолш, ООН: криптовалюты помогают террористам.: РБК. Крипто <<https://www.rbc.ru/crypto/news/5d68caa79a79472991ab5e9c>>

УДК 33

СОЦИАЛЬНАЯ АДАПТИРОВАННОСТЬ ЖЕНЩИН-КАРАКАЛПАЧЕК В ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

С.Ж.Алламуратова, ассистент, Каракалпакский Государственный Университет, Нукус

Аннотация. В данной статье освещаются вопросы социальной адаптации женщин-каракалпачек в период независимости. Автор считает, глубокий интерес представляет традиционный статус женщины в семье, специфические особенности положения женщин в социуме.

Ключевые слова: гендерные проблемы, идентичность, социальная адаптация, статусно-ролевые функции женщин, образ женщины-каракалпачки.

Аннотация. Ушбу мақолада мустақиллик даврида қорақалпоқ аёлларининг ижтимоий мослашуви масалалари ёритилган. Муаллиф оиладаги аёлларнинг анъанавий мавқеи ва аёлларнинг жамиятдаги мавқеининг ўзига хос хусусиятлари чуқур қизиқиш уйғотади, деб ҳисоблайди.

Калит сўзлар: гендер муаммолари, ўзига хослик, ижтимоий мослашув, оила ва жамиятда аёлнинг тутган роли, қорақалпоқ аёли қиёфаси.

Abstract. This article highlights the issues of social adaptation of Karakalpak women during the period of independence. The author believes that the traditional status of women in the family and the specific features of the position of women in society are of deep interest.

Key words: gender problems, identity, social adaptation, status-role functions of women, the image of a Karakalpak woman.

Сегодняшняя мировая культура и человеческая цивилизация в целом переживает эпоху глубоких структурных изменений. Поэтому, для понимания прав женщин необходимо признать, что общепризнанные принципы и нормы международного права являются составной частью правовой системы и Республики Каракалпакстан. Во всех сферах жизни нашей республики ведется большая творческая работа, в основе которой лежат человеческие интересы в удовлетворении социальных, правовых, экономических, политических, духовных, образовательных потребностей каждого гражданина нашей страны.

Общеизвестно, что в последнее время усилился интерес многих ученых и широкой общественности к традиционной культуре различных народов. В том числе возрос интерес и к комплексу гендерных проблем в Каракалпакстане. Мы считаем, что это связано со стремлением к возрождению нравственных основ, самосознания, идентичности и духовных ценностей этносов. Социально и культурно детерминированные различия в поведении статусно-ролевых функций женщин и мужчин меняют статус женщины и образ женщины-каракалпачки в современном обществе.

XXI век – это век, в котором быстро меняется все: технический прогресс, изменчивость международного положения, отношения между людьми, мужчины и женщины также меняются вместе со временем. [1] Так какова же трансформация роли женщины в современном каракалпакском обществе?

Указ Президента республики Узбекистан: «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» [2] от 2 февраля 2018 года является ярким свидетельством того, что проявление социальной активности людей, социальных групп и узбекистанского общества в целом, стало истинно возможным в условиях строительства демократического правового и гражданского общества в Узбекистане. Здесь происходит процесс перестройки социальных институтов, смены общественных ценностей и уклада жизни в целом. Известно, что именно в семье идет формирование сознания подрастающего поколения и именно через женщину культура передается детям, именно семья является хранителем и аккумуляционной ячейкой культурных традиций, ценностных ориентаций личности. Поэтому изучение социальной адаптации женщин в период независимости является одним из аспектов изменения роли и адаптации женщин в современном каракалпакском обществе.

Одними из приоритетных направлений государственной политики нового Узбекистана являются достижение гендерного равенства, обеспечение прав, свобод и законных интересов женщин, усиление их роли в общественной и государственной жизни. «... Более половины населения Узбекистана - женщины, и сегодня они стали мощным фактором развития республики». [3;С.17]

Конечно, во всех докладах, статьях, выступлениях с высоких трибун говорится, что женщины Узбекистана честно и самоотверженно трудятся и участвуют в происходящих социальных изменениях в нашей стране, в проведении экономических реформ во всех сферах экономики, науки, культуры и образования. Что наше государство создаёт все условия для защиты социально-экономических интересов женщин, укрепления семьи, воспитания подрастающего поколения гармоничным и здоровым образом. Все это действительно так. Например, «... опыт Узбекистана по обеспечению прав и свобод женщин в рамках выполнения Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года распространен среди государств - членов ООН в качестве официального документа 75-й сессии Генеральной

Ассамблеи ООН. При этом подчёркивается, что тенденции, наблюдаемые в Узбекистане в этой сфере, идут в русле общемировых процессов расширения представленности женщин на самых высоких уровнях государственной власти, устранения гендерного неравенства, увеличения их числа в парламенте, правительстве и судебной власти.

Согласно ежегодному докладу МПС «Женщины в парламенте» и данным организации «ООН-женщины», впервые за всю историю на январь 2021 года общемировая доля женщин в национальных парламентах составила более четверти - 25,5%. По итогам выборов в парламент в конце 2019 года они составили 32% депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса, 25% – в Сенате. По данному показателю Узбекистан вошёл в число топ-50 стран (из 190), опередив почти все постсоветские страны». [4] Это еще раз свидетельствует о принципиально новых подходах и тенденциях в организации деятельности узбекского парламента.

Наша страна также добилась больших успехов в защите прав и законных интересов женщин за эти годы независимости. Как было отмечено выше, значимыми являются достижения наших женщин в сфере обеспечения их активного участия в общественно-политической и социально-экономической жизни республики. Прежде всего, здесь необходимо отметить работу, осуществляемую в Узбекистане в области развития нормативно-правовой базы в данном направлении. Например, за прошедшие годы принято и ратифицировано около 100 национальных и международных правовых актов, направленных на защиту интересов женщин.[5]

Хочется подчеркнуть, что разрабатываемая Стратегия достижения гендерного равенства в Узбекистане до 2030 года, направлена на обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин во всех сферах общественной жизни. По этому поводу региональный директор Фонда ООН в области народонаселения в Восточной Европе и Центральной Азии Алан Армитаж подчеркнул, что «... в результате реализации данной стратегии в Узбекистане появится больше женщин-лидеров, урбанизация будет проходить устойчивым образом. Будут обеспечиваться стабильное социально-экономическое развитие, созданы новые возможности, особенно для девушек - нынешних и будущих лидеров, их потенциал будет реализован, в обществе сформируется культура здорового образа жизни».[4]

В достижении гендерного равенства в Узбекистане можно выделить несколько этапов, которые различаются хронологическими особенностями, тематикой и глубиной изучения. Например, в Республике Каракалпакстан «женский вопрос» - это огромное поле для исследователей. В современной историографии одним из известных исследователей «женской проблемы» в контексте суверенного Каракалпакстана является Я.А. Абдуллаева. Ею было опубликовано несколько научных и методических работ, около 40 статей и диссертаций по этой теме. [7]

Еще необходимо отметить, что только в Каракалпакстане до 2000 года действовало 12 женских организаций, 7 из которых действовали при Комитете женщин Каракалпакии. Например, Ассоциация женщин-ученых «Илимпаз Хаял», Ассоциация почетных женщин, Ассоциация «Семья и жизнь», Общественные объединения «Мать, ребенок и окружающая среда», Центр поддержки творческих женщин и женских инициатив «Инта», Комитет женщин Республики Каракалпакстан, Каракалпакское отделение Ассоциации деловых женщин Узбекистана «Женщина-предприниматель», Общественное объединение женщин творческого и интеллектуального труда «Золотое наследие Арала», действующий фонд «Сорок девушек», который действует в интересах социальной защиты женщин Республики Каракалпакстан.

Также хочется отметить деятельность журнала «Арал кызлары», который функционировал до 2001 года, главным редактором и организатором которого являлась Гулайша Есемуратова - Заслуженный работник культуры Республики Узбекистан, Народный писатель Республики Каракалпакстан. В этом журнале публиковались все творческие проекты перспективных молодых талантливых каракалпачек.

Все эти организации состоят только из женщин. Они занимаются и занимались, по сути, гендерными вопросами. То есть, можно констатировать, что с началом независимости наши женщины устремились социально адаптироваться к новым условиям: перемены в

политической, экономической, духовной, социальной жизни Узбекистана в целом.

Эти и другие примеры являются обобщенным выражением степени адаптации и могут служить примером современного состояния массового сознания, общественного настроения, отражающее готовность принять или не принять новые социально-экономические порядки, переносить или не переносить тяготы перехода к ним. Конечно, это не означает, что надо принимать каждое изменение, которое может быть связано с выработкой нового уклада жизни, и быть готовым приспособиться к каждому бедственному проявлению переходного кризиса. Так как адаптация заключается в социальном и психологическом освоении меняющегося типа целостной системы общественных отношений (адаптация к новому строю), а также в социальной и психологической способности пережить чрезвычайную ситуацию перехода от одних общественных порядков к другим (адаптация к переходному кризису). [8; С.3-15]

Становление нашей страны в качестве правового демократического государства с сильным гражданским обществом является важнейшим фактором роста общественной и политической активности женщин. Очевидно, что за годы независимости Узбекистану на этом пути уже удалось достичь многого. Так же несомненно, что созданные и создаваемые для женщин благоприятные условия жизни, труда и воспитания молодого поколения будут и впредь служить серьезнейшим подспорьем для достижения ими и нашей страной в целом еще больших свершений и успехов.[5]

Общеизвестно, что на протяжении многих веков основным назначением прекрасной половины человечества являлось продолжение рода и поддержание семейного очага. Женщины были средством платежа, рабынями, их рассматривали как собственность мужчин. Например, в обычаях европейских стран вдовы были всего лишь частью общего наследства, и наследник решал, какова будет дальнейшая судьба, а арабы-бедуины вообще считали рождение девочки несчастьем и часто приносили их в жертву богам. Взгляд на женщину, как на неполноценное существо нашло свое отражение в теологических и философских трудах древнего мира. [9] Но научно-технические и социально-политические преобразования 20 столетия привели к росту образовательного и профессионального уровня женщин, повышению их роли во всех сферах общественной жизни.

В 21 веке роль женщины сильно изменилась. Женщина с удовольствием примеряет на себя новую роль, и в этом ей способствуют изменения в самом обществе. Долгое время руководящие должности занимали в основном мужчины, но, в последнее время, эта тенденция стала существенно меняться. Сегодня многие женщины не только самостоятельнее некоторых мужчин, но и в разы их успешнее. Наглядные примеры этому мы можем увидеть в политике, медицине, образовании. Острый ум, дипломатичность, находчивость и рассудительность женщины, женская интуиция делает ее незаменимым лидером, командиром, руководителем, успешным главой любых структур.[1]

Современные технологии, новые профессии и сильно изменившаяся социальная среда делает женщин полноценными участниками всех социальных процессов. Сегодня женщина может не только самостоятельно воспитать и вырастить ребенка, но и управлять тысячами мужчин. Мир сам по себе стал более современным, безопасным и осознанным. Мужчина защитник-помощник может легко быть заменен доставкой еды, сантехником на час и т.д. Этим самым нельзя сказать, что роль или значимость мужчины принижается. Здесь необходимо подчеркнуть, что правила отношений поменялись, заметна эволюция тех норм, которые традиционно были связаны с качествами «идеального» мужа и «идеальной» жены.[10]

Поэтому не удивительно то, что в рамках реализации Стратегии действий, [11] а также в целях организации последовательной работы по реализации достижения Целей устойчивого развития ООН на период до 2030 года Узбекистан разработал задачи, направленные на обеспечение гендерного равенства и расширение прав и возможностей всех женщин и девочек:

- ликвидация всех форм дискриминации в отношении женщин и девочек;
- обеспечение гендерного равенства;
- всесторонне и эффективно обеспечить участие женщин и равные для них возможности для лидерства на всех уровнях принятия решений в политико-правовой, социально-

экономической и культурно-гуманитарной жизни;

- наиболее полное внедрение принципов гендерного равенства в процесс принятия государственных программ на разных уровнях управления.

Конечно, нельзя упускать из виду документ, гарантирующий фундаментальные права женщин, которым является Конституция нашей страны. [12] Этот список продолжает целый ряд указов и постановлений Президента Республики Узбекистан и Кабинета Министров, в том числе: «О повышении роли женщин в государственном и общественном строительстве», «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формирование здорового поколения» и многие другие. Ежегодно принимаются специальные государственные программы, в рамках которых проводится планомерная работа в определенном направлении, которое в той или иной мере касается улучшения условий и качества жизни наших женщин.

Кроме того, Узбекистан одним из первых в Центральной Азии ратифицировал ряд конвенций ООН и Международной организации труда, такие как «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин», «Об охране материнства», «О дискриминации в области труда и занятий» и другие документы.[5]

Здесь хотим отметить, что женщины в Узбекистане, в частности, в Каракалпакстане весьма трудолюбивы и стремятся занять достойное место в общественном производстве. Несмотря на традиции и восточный уклад жизни, женщины в политике нашей страны играют все большую роль. Так, в республике на сегодняшний день 17 женщин-сенаторов, 15 депутатов законодательной палаты, 15 героев Узбекистана, шесть академиков и 514 докторов наук. Кроме того, представительницы прекрасного пола составляют 23% от численности депутатов местных кенгашей.[13]

Хотя работа с женщинами в нашей республике возведена в ранг государственной политики, однако остаются определенные проблемы и пробелы, не позволяющие пока говорить о гендерном равенстве. Например, сегодня наблюдается увеличение безработицы по сравнению с мужчинами, официальная статистика констатирует возрастание количества разводов в национальных семьях, пополнение домов престарелых и детских домов представителями коренной национальности, что никогда не было присущим нашему народу. Механизм появления подобных и многих других социальных проблем путем «прислушивания» к голосу женщин средствами социологической науки в Узбекистане до сих пор не развит. На наш взгляд, демократизация в обществе будет реализована лишь тогда, когда в нем займет достойное место женщина.[14]

Тема о социальной адаптации женщин в период независимости весьма многогранна. Интерес представляет традиционный статус женщины в семье, специфические особенности положения женщин в социуме. К сожалению, не все аспекты этой проблемы получили достаточное освещение в научной литературе. Несмотря на то, что «женская» тематика сегодня очень популярна, гендерные проблемы в этнографии каракалпакского народа до последнего десятилетия практически не выделялась в самостоятельную область исследования, что весьма ограничивает возможность проведения широкого сравнительно-сопоставительного анализа.

Можно сказать, что социальная адаптация личности – это определенный вид взаимодействия личности или группы с социальной средой, в ходе которого согласовываются взаимные требования и ожидания его участников. Важнейшим компонентом адаптации является согласование самооценок и притязаний субъекта с его возможностями и с реальностью социальной среды. [15]

Поэтому считаем, что в современных условиях крайне важно выявить строго обоснованные приоритеты общественных социальных групп, которые в первую очередь нуждаются в социальной поддержке. Одновременно необходимо экономическими, организационными и информационными мерами стимулировать социальную активность тех групп населения, которые способны адаптироваться, опираться на собственные силы. Конечно, решение этой задачи связано с поддержкой деятельности женщин в сфере науки, образования, экономики, в развитии малого и среднего бизнеса, укреплением здоровья,

духовности, а также укреплением доверия к государству.

Надо также проанализировать и переосмыслить роль и статус женщины в семье и социуме каракалпакского народа, так как данная проблема является важнейшей темой специального изучения не только историков-этнографов, но и психологов, социологов, политологов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Непогодина М. Как изменились роли мужчины и женщины в современном обществе? // <https://shkolazhizni.ru/love/articles/78702/>
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи». № УП-5325. Ташкент, 2 февраля 2018 г. // <https://lex.uz/docs/3546745>
3. Ганиева Г.Ж. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндошув, муаммолар ва ечимлар (мустақиллик даври 1991-2005 йй.): Автореф. дисс. ... к.ист.н. Ташкент, 2006. С.17.
4. Политика гендерного равенства в современном Узбекистане // <http://uza.uz/posts/257250>
5. Роль женщины в современном Узбекистане // <https://uzbekistan.lv/>
6. Политика гендерного равенства в современном Узбекистане // <http://uza.uz/posts/257250>
7. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. -Тошкент, 2004.
8. Гордон Л.А. Социальная адаптация в современных условиях // Социальные реалии: вчера и сегодня. Социологические исследования. 1994. №8-9. С.3-15.
9. Камалова Х.С., Бердимуратова А.К., Алимбетов Ю., Камалова Р.С., Таджиева Р., Алламуратова С.Ж. Гендерный аспект социальной трансформации: женщина в политике, в сфере труда, семье, бизнесе и культуре // Сб. науч. трудов: «Теоретико-методологические и прикладные вопросы социально-гуманитарных знаний: источники, проблемы, перспективы». -Мичуринск, 2010 г. -Вып.2. -С.56-70.
10. Соболевская О.В. Идеал женщины отдалается от идеала жены // <https://iq.hse.ru/news/177666879.html>
11. Постановление Президента. 2017 г. Стратегия действий в 5 приоритетных направлениях развития Узбекистана в 2017-2021 гг. №4947 от 7 февраля 2017 г. Ташкент, Узбекистан // www.lex.uz
12. Конституция Республики Узбекистан. Ташкент: «Узбекистон», 1992.
13. Женская доля и роль: чего не хватает Узбекистану для гендерного равенства // <https://uz.sputniknews.ru/analytics/20181107/9900246>
14. Камалова Х.С. Современное состояние политики гендера в Узбекистане // Наука и инновации в современном мире: Сборник научных статей. Ч.V / Научный ред. к.т.наук, доц. А.Х. Цечоева. -М.: Издательство «Перо», 2020. -190 с. С.107-117.
15. Аврамова Е.М. Социально-экономическая адаптация населения к переменам в российском обществе 90-х годов: Автореф. дисс. ... д.экон.н. М., 1998 // <https://www.dissertcat.com/content>

УЎК 338.46

ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Д.Э.Мамуров, мустақил таққотчи, Фаргона Политехника институти, Фаргона

Аннотация. *Ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг муҳим инновацион фаолияти иқтисодий ривожланишнинг инновацион тури учун асос бўлиб хизмат қилади. Мақолада инновацион фаолият инфратузилмаси кўриб чиқилган. Саноат корхонасида инновацион фаолиятни бошқаришнинг услубий жиҳатларини таҳлил қилинди. Инфратузулмани ривожлантириши муаммолари ва уни такомиллаштириши талаблари ўртасидаги инновацион фаолиятнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари ўрганилган.*

Калит сўзлар. *Инновация, инновация тизими, инфратузилма, саноат корхонаси, инновацион менежмент, ишлаб чиқариш самарадорлиги.*

Аннотация. *Для повышения конкурентоспособности производства основополагающей при инновационном типе развития экономики выступает значительная инновационная активность хозяйствующих субъектов. В статье рассмотрена инфраструктура инновационной деятельности. Проведен анализ методологических аспектов управления инновационной деятельностью на промышленном предприятии. Изучены вопросы взаимосвязи инновационной деятельности между проблемами развития инфраструктуры и требованиями к ее совершенствованию.*

Ключевые слова. *Инновация, инновационная система, инфраструктура, промышленное предприятие, управление инновациями, эффективность производства.*

Abstract. *To increase the competitiveness of production, the significant innovative activity of economic entities is fundamental for the innovative type of economic development. The article considers the infrastructure of innovation activity. The analysis of methodological aspects of innovation activity management at an industrial enterprise is carried out. The issues of the relationship of innovation activity between the problems of infrastructure development and the requirements for its improvement are studied.*

Key words. *Innovation, innovation system, infrastructure, industrial enterprise, innovation management, production efficiency.*

Инновация фаолиятини ривожлантиришга имкон берувчи шарт-шароитларни шакллантириш биринчи навбатда фан-таълим соҳасида институционал ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Зеро, илмий ва таълим муассасаларининг мавжуд ташкилий шакллари уларга инновацион фаолиятни ташкил қилишдаги ўз салоҳиятини тўлалигича рўёбга чиқаришга ва бозор шароитларига фаол мослашишга имкон бермайди.

Халқаро тажрибада инновацион жараёнларни ташкил этиш бўйича турли жиҳатларни С.Валдайцева [1], В.Кабакова [2], А.Казанцева [3], Г.Краюхина [4], А.Поршнева [5], М.Санталова [6], С. Маншилина [7] ва бошқа олимлар ишларида топиш мумкин. Таниқли Й.Шумпетер [8], С.Фримэн [9], Б.Лундвал [10] ишларида иқтисодий ўсишнинг инновацион таркиби концепциясини таъминловчи макроиқтисодий моделлар механизлари ишлаб чиқилган.

Инновацион салоҳиятни илмий-техник салоҳият сифатида шакллантириш ва баҳолашга бағишланган жуда кўп илмий ишлар мавжуд, буларга И.Артемьева, В.Громеки [11], Е.Доброва [12], В.Васяйчева [13], М.Сураева [14], Ю. Волкова [15] ишларини киритиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг рақобатбардошигини ошириш омили сифатида намоён этувчи янгиликларни маркетинг соҳасидаги олимлар И.Ансофф [16], Е.Дихтль, Х.Хермген [17], Ф.Котлер [18] ва бошқалар кўриб чиққан.

Иқтисодий тизимларнинг ҳозирги босқичида фаолият кўрсатиш хусусиятлари нуқтаи назардан уларнинг инновацион фаолияти бўйича алоҳида масалалари А.Анчишкин, А.Бабашкин, Г.Баришев, В.Безруков, Ю.Воронин, Д.Казакевич, И.Королев, Г.Петров, М.Переверзева, А.Селезнев, В.Тюрин, О.Цаплин ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Стратегияни ишлаб чиқиш борасида ҳозирги муаммоларни ўрганиш асосини ташкил этувчи кластер механизлари билан боғлиқ алоҳида жиҳатлар Ю.Бритхем, Л.Гапенски, К.Дрюса, П.Друкер, Дж.Куинна, К.Кросса, А.Томпсон, Р.Фалера, Г.Штейнер, Ван Хорна ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда инновация фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув тизимини ўрганиш бўйича А.Ш.Бекмуродов, Б.Беркинов, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.Қ.Йўлдошев, М.А.Маҳкамова, И.Қ.Мирзаев, А.Ф.Расулов ва А.М.Қодиров бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Хусусан, А.Расулев, Р.Алимов ва А.Қодировларнинг илмий асарларида миллий инновацион тизимни шакллантириш асослари баён этилган бўлса [19,20], Ш.Зайнутдинов [21], Д.Раҳимова ва М.Маҳкамвалар [22] инновацион менежментни ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба бўлса-да, бугунги кунда республикамизда инновация фаолиятини ривожлантириш ва соҳани бошқаришга инновацион менежмент усуллари тадбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган.

Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, миллий фан-таълим мажмуаларининг институционал тузилиши кўп жиҳатдан давлат тузумининг хусусиятларига боғлиқдир. Масалан, АҚШда фан-таълим мажмуасининг ривожланиши учун федерал ҳукумат масъул бўлиб, бу ҳукумат мазкур соҳада ягона миллий сиёсатни амалга оширади, унга салмоқли бюджет маблағларини йўналтиради ва уларнинг тақсимотини назорат остига олади.

Германияда бу жараён ерлар (худудлар, вилоятлар) миқёсида амалга оширилади. Ҳар бир маъмурий бўлинма ўз сиёсатини, шу жумладан, фан-таълим тузилмаларини молиявий ва бошқа йўналишда қўллаб-қувватлаш бўйича муайян чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширади. Мазкур мажмуанинг самарадорлигини ва уни бошқарув амалиётини ошириш билан боғлиқ умуммиллий вазифаларни ҳал қилиш учун унинг таракқиёти ҳақида, шу жумладан, фан ва таълим соҳаларининг интеграция жараёнлари ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш лозим. Интеграциянинг хорижий мамлакатларда қабул қилинган замонавий шакл ва механизмларини татбиқ қилиш имкониятлари кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий, институционал, маъмурий ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларнинг умумий йўналиши билан белгиланади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, замонавий интеграцион жараёнининг айрим элементлари амалдаги ҳуқуқий майдонда ҳам ривожланиши мумкин.

Бунда энг муҳим устувор жиҳат – давлат илмий ташкилотлари ва олий таълим муассасаларини улар асосида илмий билимларни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш ва уларни хўжалик айланмасига жалб қилиш жараёнининг самарадорлигини таъминлай олувчи корпоратив-интеграцияланган тузилмалар ташкил қилиш йўли билан реструктуризациялаш заруратидир. Бу масалани етакчи таълим ва фан бўлинмалари асосида гуманитар, табиий ва техник соҳалардаги фан-таълим инновацион мажмуаларини ташкил қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлиб, бундай мажмуалар ўзида фан ва таълим жараёнини ривожлантириш ва билимларни улардан бизнес ва ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш учун узатиш вазифаларини мужассам этган бўлиши лозим.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, инновацион фаолиятни ривожлантиришда тармоқланган инновацион инфратузилманинг ташкил этилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ўз иштирокида ташкил қилинадиган қўшма тадқиқот лабораторияларини, кичик консалтинг ва стартап корхоналарини интеграциялай олувчи ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштира олувчи ривожланган инфратузилмага эга бўлган фан-таълим инновацион мажмуаларининг ташкил этилиши миллий инновацион тизимнинг керакли асосий элементларини таъминлаш, инновация соҳасига сармоялар оқимининг кириб келишини рағбатлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда йўналтириш имконини беради.

Бундай мажмуалар илмий фаолият, таълим ва инновация жараёнини таъминлашдан ташқари:

- технологиялар трансфери маркази;
- давлат бюджети ҳисобига амалга оширилган ва харид қилинган илмий-техник фаолият натижаларининг депозитарийси;
- ўз тасарруфига ўтказилган давлат мол-мулкига, шу жумладан давлат бюджети ҳисобига амалга оширилган илмий-техник фаолият натижаларига нисбатан мулкдорлик ваколатларини амалга ошириш;
- интеллектуал мулкни саноатда ўзлаштиришдан олинган қайтим маблағларни вужудга келтирувчи;
- инновацион лойиҳалар ҳамда инновацион фаолият соҳасига ихтисослашган тадбиркорларни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш ва менежерлар малакасини ошириш функцияларини ҳам бажара олиши лозим.

Илмий ишланмаларни татбиқ қилишнинг энг самарали йўли қисқа муддатда, минимал сарф-харажатлар билан рақобатбардош илмий маҳсулотни ишлаб чиқара олувчи кичик инновацион фирмалар тармоғини барпо этишдир. Бу жиҳатдан, Ўзбекистонда инновацион тадбиркорликни кенг ривожлантириш бозор ўзгаришлари ва мамлакат иқтисодиётини жонлантириш жараёнига улкан илмий-техник салоҳиятни жалб қилиш имконини беради.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ҳимоялашнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини доимий такомиллаштириб бормай туриб, уни хўжалик айланмасига киритмай туриб, маҳсулотларни сертификатлаш меъёрлари, стандартлари ва тизимларини бу соҳадаги жаҳон андозаларига мувофиқлаштирмай туриб инновацион фаолиятни ривожлантириб бўлмайди. Бу масалаларнинг катта қисми илмий-техник соҳада инновацион фаолиятни жонлантиришнинг

идоралараро ва тармоқлараро дастурлари доирасида ҳал қилинади. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар тажрибасидан олиниши керак бўлган энг муҳим жиҳат шуки, иқтисодиётнинг юқори инновацион фаоллиги давлатнинг илмий-техник бозордаги етакчи роли билан, миллий устувор йўналишларнинг белгиланиши билан, давлатнинг инновацион тараққиёт жараёнига иқтисодий рағбатлантирувчи тизим орқали фаол таъсир кўрсатиши билан таъминланади. Инновацион жараёни рағбатлантиришнинг комплекс механизмини барпо этиш, жумладан, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга тегишли имтиёзлар белгилаш лозим. Давлат ресурсларнинг чекланганлигини ва устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда илмий-техник тараққиётнинг фундаментал тадқиқотлардан бошлаб ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган бутун занжирини рағбатлантириши лозим. Миллий иқтисодиётда бозор ислохотларини амалга ошириш шароитларида инновацион кўрсаткичлар энг муҳим рақобатли устунлик сифатига эга бўлади, таркибий нисбатларни инновацион йўналишда такомиллаштириш эса давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мақсадли йўналишларидан бирига айланади [23]. Буларнинг барчаси инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни яратиш, мақсадга йўналтирилган ва мувозанатлашган инновация сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради. Бундай инновацион сиёсатни амалга ошириш имконияти аввало мамлакатда юзага келган шарт-шароитлар ва омилларга мувофиқ иқтисодий стратегияни ва унинг инновацион таркибий қисмини ишлаб чиқишни кўзда тутати.



1.1-расм. Иновация фаолияти инфратузилмаси субъектлари (Муаллиф ишланмаси)

Илмий-техник соҳа билан илмий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқиш ва тайёрлаш ва уни бозорга олиб кириш ўртасидаги боғловчи бўғин инновацион инфратузилмадир. Инновацион инфратузилма деганда инновацион фаолиятга моддий-техник,

молиявий, ташкилий-методик, ахборот, маслаҳат ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишни таъминловчи субъектлар, ресурслар ва воситалар мажмуасини тушуниш лозим (1.1-расм).

Бизнинг фикримизча, **инновация фаолияти инфратузилмаси бу** – инновация фаолияти субъектларига хизмат кўрсатувчи ёки уларнинг ишини таъминловчи, шу жумладан инновация фаолияти субъектларига бошқарув, моддий-техник, молиявий, маркетинг, ахборот, маслаҳат, ташкилий, кадрларга оид ва бошқа хизматларни кўрсатувчи ёрдамчи ташкилотлар йиғиндиси.

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг устувор стратегик йўналиши миллий инновацион механизмни барпо этишдан иборат бўлиб, мазкур механизм ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар ва муайян инновацион лойиҳаларни амалга ошириш тизимидир. У янги билимларни ишлаб чиқариш, тадқиқотлар натижаларини иқтисодиётни реал секторига тезкор татбиқ этиш ва янги маҳсулотларни истеъмолчиларга сотиш жараёнини таъминлаши лозим.

Инвестицион стратегиямизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда илғор технология билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлаш имконини берадиган янги юксак технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва янги иш жойларини барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳалари афзал кўрилади. Шу муносабат билан инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади, чунки мамлакатдаги корхоналарнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги унинг фаолият самарадорлигига боғлиқдир. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор инновацион тараққиётини таъминлаш нафақат тегишли миқдордаги тадқиқот ва ишланмаларнинг мавжуд бўлишини, балки уларнинг амалда қўлланилишини ҳам тақозо этади. Иқтисодиётнинг саноат ва илмий секторлари ўртасида алоқанинг суствлиги, саноат корхоналарининг фундаментал ва амалий фан натижаларини ўзлаштириш даражасининг пастлиги, фан ютуқларидан фойдаланишда рағбатлантириш ва имкониятларнинг етишмаслиги, инновацион ғояларнинг бозор эҳтиёжларига мувофиқ эмаслиги иқтисодиётдаги инновацион жараёнларнинг ривожланиш самарадорлигининг пастлигига сабаб бўлмоқда.

Хўжалик юритиш субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклни барча таркибий қисмлари ва бўғинларини шакллантириш зарур. Бунинг йўналишларидан бири инновация жараёнида бевосита иштирок этувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмларини яратишдир. Шу муносабат билан инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш ва унинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш зарурати вужудга келади. Инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг хориж тажрибасини тизимлаштириш унинг айрим элементларини яратишнинг базавий моделларини белгилаб олиш ва улардан миллий иқтисодиётда фойдаланиш имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Уларнинг умумий хусусияти – хусусий сектор менежерларини жалб қилиш ҳисобига бюрократик босимни камайтиришга интилиш, молиялаштириш ва бошқарувнинг бозор воситаларидан фойдаланишдир. Инфратузилмани ривожлантириш нуқтаи назаридан энг истиқболли йўналишлардан бири хусусий сектор ва илмий-тадқиқот ташкилотлари жалб қилинадиган моделлардан фойдаланишдир. Ушбу моделлар инвестиция рискларининг тақсимланиши (ажратилиши) ва давлат маблағларининг тежалишини таъминлайди.

Инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш жараёнининг амалга оширилишини икки асосий жиҳат белгилайди. Жумладан, инвестициялар фақат қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади: манфаат (фойда); қулай шарт-шароитлар.

Инновация фаолияти инфратузилмасига (ИФИ) йўналтириладиган инвестицияларни шакллантириш механизмлари соҳасидаги халқаро тажрибанинг таҳлили қуйидаги базавий моделларни ажратиб олишга имкон беради:

▪ давлат ИФИ объектининг моддий-техник базасини барпо этишни тўғридан-тўғри молиялаштиради ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча жорий амалиёт харажатларини истеъмолчиларнинг тўловлари амалий харажатларни қоплагунга қадар қоплайди;

▪ давлат ижтимоий-иқтисодий самарани таъминлаш мақсадида ИФИ объектининг яратилиши ва фаолиятини тўғридан-тўғри молиялаштиради;

▪ давлат иштирокчи фирмалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини олиш учун ИФИ объектини барпо этишда инвестор сифатида иштирок этади;


▪ давлат ИФИ объектини кейинчалик хусусий инвесторларга ўтказиб юборишни кўзда тутган ҳолда капитал ва дастлабки харажатларни қоплайди (3-5 йил давомида).

Санаб ўтилган сўнги модель АҚШга хос бўлиб, унда инновация фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам миллий, ҳам минтақавий миқёсда амалга оширилади.

Шундай қилиб, кўришиб турибдики, ташқи механизм инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантиришга инвестициялар ажратиладиган иқтисодий ва ташкилий чегаралар белгилашдан иборат бўлиши лозим. Бу ҳолатнинг моҳиятига қараладиган бўлса, инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантиришнинг ушбу механизмини ташкилий-иқтисодий механизм деб аташга асос бўла олади. Уни аввалдан белгиланган йўналишдаги ҳаракатни таъминловчи бўғинлар тизими деб тасаввур қилсак, бундай бўғинлар вазифасини инновацион фаолият тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ўтайди. Қонуний-меъёрий ҳужжатлар, стандартлар, методикалар, низомлар, алгоритмлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш муаммоси энг долзарб масалалардан бири бўлиб, унинг ҳал қилиниши илм-фан соҳасини бевосита ишлаб чиқариш кучига айланишини, илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга амалий татбиқ қилишни кўзда туттади.

Республика инновация тизимидаги динамик жараёнлар устида олиб борилган таҳлиллар унинг айрим секторларидаги узилишларни аниқлашга ва инфратузилма объектларини шакллантиришга дифференциялашган ёндашув зарурлигини исботлашга имкон берди. Уларнинг фаолиятида аниқланган ўзига хос хусусиятлар уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмидан фойдаланиш кераклигинидан далолат бермоқда.



1.2-расм. Инновация фаолияти инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари ва уни такомиллаштириш талаблари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик (Муаллиф ишланмаси)

Бизнинг фикримизча, инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш механизми қуйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

– асосий эътиборни мавжуд илмий-тадқиқот муассасалари, sanoat корхоналари ва кредит-молия ташкилотларига қаратиш;

– инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ва барқарор ўзаро алоқаларни таъминловчи инфратузилма объектларининг яхлит мажмуасини барпо этиш;

– инфратузилма объектлари тараққиётининг узоқ муддатли истиқболини кўра олиш зарурати;

– жараёни бошқариш тизимини ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашуви;

– иқтисодий ва ижтимоий самара шаклидаги пировард натижага йўналтирилганлик.

Мавжуд инновация фаолияти инфратузилмасини амал қилиши муаммолари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдги ҳолат бугунги кундаги инновацион корхоналар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу эса инновация фаолиятини амалга оширишга қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминловчи инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда (1.2-расм).

Миллий иқтисодиётнинг инновацион секторини барқарор ривожлантириш учун инфратузилма элементларини барпо этиш бўйича мавжуд ташаббуслар ва уларни молиялаштиришнинг мавжуд кўлами етарли эмас. Самарали инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш унинг элементлари ўртасидаги тизим ҳосил қилувчи алоқаларни жонлантириш зарурати билан белгиланадиган турли ташкилий ва иқтисодий омилларга боғлиқдир.

Инфратузилмани шакллантириш механизмини қуйидаги кетма-кет босқичлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкин: шарт-шароитларни яратиш – инвестицион таъминотни ташкил қилиш – экспертиза – инфратузилма объектларини барпо этиш. Босқичларнинг ҳар бири уларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган турли хил регламентларни тақозо этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Валдайцев, С. В., & Валдайцева, А. С. (2010). Венчурные инвестиции в молодые инновационные предприятия: мифы и реальность. *Инновации*, (3).
2. Кабакова, Н. В., & Коробанова, Ж. В. (2014). Инновационные формы и методы обучения в современном вузе. In *Формирование общекультурных и профессиональных компетенций финансиста* (pp. 107-111).
3. Казанцева, А. В., Кокина, К. М., & Булганина, С. В. (2017). Инновационный менеджмент. *Современные научные исследования и инновации*, (3), 223-225.
4. Краюхина, Г. И. & Ахобадзе, Д. Т., (1999). Региональный механизм привлечения инвестиций в инновационные проекты. *Гуманитарные науки*, (1), 42.
5. Поршнева, А. Г., Соломатина, Н. Д., Балабанова, И. Т., & Ильенковой, С. Д. (2012). Інноваційно-проектний підхід управління змінами в маркетинговій діяльності на підприємстві. *Управління проектами та розвиток виробництва*.
6. Санталова, М. С., Соклакова, И. В., Кузьмина, Е. Ю., & Лебедева, Е. В. (2020). Инновационная активность промышленного бизнеса в условиях цифровизации экономики. *Экономические системы*, 13(3), 59-65.
7. Маншилин, С. А. (2020). Формирование финансового механизма стимулирования инновационной деятельности промышленных корпораций в условиях цифровой экономики. *Инновации и инвестиции*, (5).
8. Schumpeter, J., & Backhaus, U. (2003). The theory of economic development. In Joseph Alois Schumpeter (pp. 61-116). Springer, Boston, MA.
9. Freeman, C. (1982). Innovation and long cycles of economic development. *Seminário Internacional. Universidade Estadual de Campinas, Campinas*, 1-13.
10. Lundvall, B. A. (2016). National systems of innovation: towards a theory of innovation and interactive learning. *The Learning Economy and the Economics of Hope*, 85.
11. Артемьева, И. В., Громеки, В. И., & Демина, В. А. (1980). Оценка научно-технического потенциала. *Статистические методы в управлении: Сб. статей*, 37, 272.
12. Доброва, Е. Д. (2020). Процедуры отбора проектов НИОКР в рамках системы управления идеями и развитием инноваций наукоемких промышленных предприятий. *Вопросы инновационной экономики*, 10(1), 573-584.
13. Васяйчева, В. А. (2020). Механизм управления эффективностью инновационной деятельности промышленного предприятия. *Менеджмент в России и за рубежом*, (4), 100-106.
14. Сураева, М. О. (2020). Инновационное развитие предприятий промышленного комплекса. *Вестник Самарского университета. Экономика и управление*, 11(1).

15. Волкова, Ю. А. (2020). Особенности инновационной деятельности промышленных предприятий Республики Беларусь в условиях развития цифровой экономики. Вестник Гомельского государственного технического университета им. ПО Сухого, (2 (81)).

16. Ансофф, И., Вінницька, А. О., Гончарук, А. М., Горьцька, К. М., Гулакова, В. Л., Зозуля, І. В., ... & Корж, Н. В. Стратегія організації зовнішньоекономічної діяльності підприємства. Вісник студентського наукового товариства «ВАТРА» Вінницького торговельно-економічного інституту КНТЕУ. Вінниця: Редакційно-видавничий, 164.

17. Дихтль, Е. (1995). Хермген Х. Практический маркетинг: Учеб. пособие/Пер. с нем. АМ Макарова.

18. Котлер, Ф. (2021). Основы маркетинга. Litres.

19. Расулев, А., & Алимов, Р. (2007). Стимулирование инновационной активности в экономике. Общество и экономика, (5-6), 13-36.

20. Кадыров, А. М. (2008). Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. In Сборник научных трудов международной конференции (pp. 19-21).

21. Зайнутдинов, Ш. Н., & Нурибегов, Р. И. (2018). инновационный путь развития экономики Узбекистана. In Социально-экономическое развитие городов и регионов: градостроительство, развитие бизнеса, жизнеобеспечение города (pp. 256-262).

22. Рахимова, Д., Эргашев, Ф., Сагдуллаев, А., Парпиев, О. (2005). Инновацион менеджмент. Дарслик. –Т.: Академия.

23. Курпаяниди, К. И., & Муминова, Э. А. (2019). К проблеме активизации инновационных процессов в Узбекистане. Известия Ошского технологического университета, (3), 261-265.

УЎК: 338.486(575.1)

ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ БАҲОЛАШ

А.Т.Мирзаев, DSc, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Мақолада туристик-рекреация фаолиятини бошқаришда туристик кластерларни шакллантириш механизмларини баҳолаш юзасидан фаолият самарадорлиги ўрганилган. Тадқиқот жараёнида кластер турларининг асосий элементлар бўйича таснифи, туристик-рекреация кластерининг тузилмавий модели, туристик-рекреация кластерининг вертикал бошқарув тузилмаси ҳамда туристик-рекреация кластерининг горизонтал бошқарув тузилмаси тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ва улардан амалиётда фойдаланиш услубиёти асосланган.

Калим сўзлар: туризм, туристик-рекреация, туристик-рекреация фаолияти, кластер турлари, туристик-рекреация кластерининг тузилмавий модели, туристик-рекреация кластерининг вертикал бошқарув тузилмаси, туристик-рекреация кластерининг горизонтал бошқарув тузилмаси.

Аннотация. В статье изучена эффективность деятельности оценки механизмов формирования туристских кластеров в управлении туристско-рекреационной деятельностью. В процессе исследования разработана и внедрена в практику методика использования классификации типов кластеров по основным элементам, структурной модели туристско-рекреационного кластера, вертикальной структуры управления туристско-рекреационным кластером и горизонтальной структуры управления туристско-рекреационным кластером.

Ключевые слова: туризм, туристско-рекреационная деятельность, виды кластеров, структурная модель туристско-рекреационного кластера, вертикальная структура управления туристско-рекреационным кластером, горизонтальная структура управления туристско-рекреационным кластером.

Abstract. The article examines the effectiveness of the assessment of the mechanisms of tourist clusters formation in the management of touristic-recreational activity. In the course of the research, a methodology for using the classification of cluster types by main elements, the structural model of a touristic-recreational cluster, the vertical management structure of a tourist-recreational cluster and the horizontal management structure of a touristic-recreational cluster was developed and put into practice.

Keywords: *tourism, touristic-recreational activity, types of clusters, structural model of a touristic-recreational cluster, vertical management structure of a touristic-recreational cluster, horizontal management structure of a touristic-recreational cluster.*

Жаҳон мамлакатлари иқтисодийётида сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий тизимлар фаолиятини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш йўналишидаги тадқиқотлар иқтисодийёт тизимидаги тармоқ ва соҳаларни интегратив, яъни бир мақсад йўналишидаги турли фаолият йўналишларини бирлаштирувчи тизимлар алоҳида корхона ёки тармоқларга нисбатан самарали эканлигини кўрсатмоқда. Юз бераётган таркибий ўзгаришлар глобал тенденцияларнинг алоҳида ҳолатларини ўзида акс эттираётганлигини охириги йиллардаги мамлакатимиз миллий иқтисодийёти тармоқларининг деярли барчасида юз бераётган фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг кластерли ёндашувида кўришимиз мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ўзбек олимларининг тадқиқотларида ҳам мамлакатимиз ҳудудларида туристик-рекреация фаолиятини самарали ташкил этиш йўналишларидан бири сифатида туристик-рекреация хизматлари кластерларини шакллантириш истиқболли йўналиш сифатида қаралмоқда.

Туристтик-рекреация кластерларини ташкил этиш ва улар фаолиятини бошқариш бўйича тадқиқотларда, биринчи навбатда, “кластер” атамасининг моҳиятини чуқурроқ ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар фаолиятини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш йўналишидаги айрим тадқиқотларда “кластер” атамасига турлича таърифлар берилган бўлиб, турли мамлакатлардаги кластер асосидаги ривожланишнинг кенг тажрибаси таҳлил этилган. Кластерли ёндашувга асосланган назария асосчиси ҳисобланган М.Портернинг тадқиқотларида кластер моҳиятига: “...кластер – муайян соҳада умумий ва ташқи алоқалар билан бир-бирига боғлиқ бўлган компанияларнинг ва уларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган муассасаларнинг географик яқин гуруҳидир”, деб таъриф берилган[1].

Замонавий ўзгаришлар шароитида ривожлантирилаётган кластерли ёндашув тўғридан-тўғри янги илмий-техник йўналишлар ва уларнинг тижоратлашувини рағбатлантирган ҳолда билимлар тўпламининг янги шакллари ташкил этиш учун асос ҳисобланади ҳамда билвосита таълим ва фан соҳасини ҳамда венчур бизнесини ривожлантиради.

Мавжуд тадқиқотларни назарий жиҳатдан ўрганиш кластерларнинг турли кўринишларини таҳлил қилиш асосида унинг қуйидаги 10 дан ортиқ белгиларини ажратиб олиш имконини берди: фаолият натижалари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, кичик корхоналардан иборат компанияларда билимларнинг тўпланиши, кластер ичидаги алоқалар таркибидаги фарқлар, бозордаги хулқ-атвор, ишлаб чиқариш кўлами, корхоналарнинг кластерга боғлиқлик даражаси, ишлаб чиқаришнинг марказлашув даражаси, кластернинг шаклланиш асослари ва бошқалар.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларда мавжуд ва фаолият кўрсатаётган кластерлар ўзининг асосий элементлари нуқтаи назаридан ҳам алоҳида таснифланиши мақсадга мувофиқ.

Туризм соҳасида шаклланивчи кластерлар унинг ядроси ҳисобланган туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар атрофида яратилган корхоналарнинг бизнесини ташкил этиш туристик маҳсулотни яратиш билан боғлиқ фаолиятни юзага келтириб, ушбу корхоналар яшаш ва овқатланиш, трансфер, савдо, кўнгилочар ва бошқа хизматлардан иборат бўлган хизматларни сотиб олади.

Туризм кластери маҳаллий (шаҳар) даражасида, шунингдек ҳудудий даражада ташкил этилиши мумкин. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг, жумладан бизнинг фикримизча ҳам туризмга кластерли ёндашув минтақанинг иқтисодий ўсишига сезиларли ҳисса қўшади. Бугунги кунда турли мамлакатларда туризм соҳасидаги иқтисодий моделлар асосан кластерларнинг мутаносиблигини ошириш учун ишлаб чиқилган. Бу эса бир вақтнинг ўзида тўғридан-тўғри туристик хизматлар кўрсатиш тизими билан биргаликда ёндош, тўлдирувчи хизмат соҳаларининг ҳам ривожланишини таъминлайди.

Кластер турларининг асосий элементлар бўйича таснифи[2]

Кластер тури	Кластернинг асосий элементлари
Дискрет кластер	Кичик ва ўрта корхоналар
Туристтик кластер	Турли тармоқ корхоналари
Логистик-транспорт кластерлари	Сақлаш, юкларни етказиб бериш, инфратузилмани ривожлантириш
Инновацион кластер	Янги секторлар, янги корхоналар ва маҳсулот (хизмат) лар
Жараёнли (процессли) кластерлар	Жараён (процесс) тармоқлари корхоналари
Горизонтал ёки вертикал кластерлар	Умумий технологиялар ва кластер ядросидан фойдаланиш асосида саноат тармоқлариаро бирлашув
Сунъий кластерлар	Хукумат, ҳудудий давлат бошқаруви топшириғи билан ташкил этилади.
Табиий (стихияли) кластерлар	Шароитдан келиб чиқиб бир маҳсулот ёки хизматни яратиш мақсадидаги бир ёки бир неча тармоқ корхоналарининг ўз имкониятларини бирлаштириш натижасида шаклланади.
Минтақавий ёки тармоқ кластерлари	Алоҳида тармоқ ёки ҳудуд доирасида шаклланади.
Пайдо бўлувчи, ривожланувчи, эскирган ва ҳаказо кластерлар	Кластернинг ҳаётийлик цикли босқичига боғлиқ.
Маҳаллий, ҳудудий (минтақавий), миллий ва трансмиллий кластерлар	Кластер кўламига боғлиқ ҳолда шаклланади.
Бизнес тизимлар томонидан бошқарилувчи, давлат ҳокимияти органлари томонидан бошқарилувчи ва ҳаказо	Бошқарув даражаси бўйича шаклланади.

Туристтик-рекреация кластерлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий ўсиш локомотиви ҳамда ҳудудий инновацион тизимлар иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг самарали воситаси сифатида фаолият кўрсатмоқда[3].

Туристтик-рекреация кластерларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти бўйича хориж тажрибаси қуйидаги асосий тамойиллар устига қурилганлигини кўриш мумкин:

- корхоналарнинг ҳудудий концентрацияси;
- кластер иштирокчиларининг қўшилган қийматни яратиш занжири асосидаги чуқур технологик кооперацияси;
- кооперация ва рақобатнинг мутаносиблиги;
- фаолиятнинг инновацияларга асосланиши;
- давлат-хусусий шерикчилик механизмнинг амал қилиши.

Жаҳон амалиётида туристик-рекреация кластерида қийматнинг тўпланиш тизими қуйидаги бир неча занжирлар турларидан иборат[4]:

1. Етказиб берувчилар томонидан қўшилган қийматнинг яратилиш занжири.
2. Жойлаштириш, кўнгил очар хизмат корхоналари ҳамда туристик-рекреация маҳсулотини сотиш каналларида қўшилган қийматнинг яратилиш занжири.
3. Рекреантлар (турмаҳсулот харидорлари) томонидан истеъмол жараёнида қўшилган қийматнинг яратилиш занжири.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, аниқ туристик-рекреация мажмуасида рекреантларнинг 7 кунлик ташрифи давомида 10 тадан 20 тагача занжирли тизим фаолият кўрсатади. Ушбу занжирли боғланган тизимларда 30-50 та атрофидаги корхоналар (экскурсия бюролари, ихтисослашган савдо дўконлари, туристик ахборот корхоналари, суғурта компаниялари, валюта алмаштириш шаҳобчалари, такси хизмати ва бошқалар) бир мақсад йўлида, яъни рекреантларга хизмат кўрсатиш йўналишида иш олиб борадилар [1].


Юқоридаги фикрларни умумлаштириладиган бўлса, туристик-рекреация фаолиятини кластерли ёндашув асосида ташкил этиш мавжуд тизимдаги корхоналар фаолияти бошқарувини интегратив омил асосида қайта ташкил этилишини таъминлаш орқали асосий фаолият ва унинг атрофида шаклланувчи инфратузилма тизимлари фаолиятини бир мақсад йўлида бирлаштиради.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд туристик-рекреация фаолиятини самарали ташкил этиш учун кластерли ёндашув таклиф

этилмоқда. Туристтик-рекреация хизматлари кластерида, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, кластернинг асосий тузилмаси сифатида рекреацион хизматларни таклиф этувчи корхоналар қаралса, кластер билан алоқадаги элементлар сифатида ҳудуд администрацияси, кластер таркибидаги ёндош ва кўшимча хизматларни таклиф этувчи корхоналар ҳамда кластер ривожланаётган ҳудуд ёки минтақа қаралади (1-расм).

Ишлаб чиқилган ва рекреация салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда жорий этишга таклиф этилаётган туристик-рекреация кластерининг тузилмавий модели кластерни турли муҳитлар орқали ўзаро алоқада бўлган 3 та таркибий тузилмадан иборат ҳолда бўлишини ҳамда ҳар учала тузилма ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аниқ функцияларни бажариши белгиланган.

Туристтик-рекреация кластерининг асосини, яъни биринчи тузилмани кластернинг асосий иштирокчилари ҳисобланган рекреация корхоналари, тuroпeрaтopлар ва турагентлар (кластер ядроси), кластер администрацияси ҳамда кластер фаолиятини ташкил этишда иштирок этувчи жамоатчилик ташкилотлари ташкил этади. Кластернинг асосий тузилмаси таркибида юқорида кўрсатиб ўтилган таркибий тузилмалар билан бирга туристик-рекреация фаолиятини ташкил этишда энг муҳим фаолиятни амалга оширувчи транспорт корхоналари, рекреантларни жойлаштириш корхоналари, овқатланиш корхоналари ҳамда маданий-дам олиш, соғломлаштириш корхоналари ва тематик парклар фаолият кўрсатади. Кластернинг асосий таркибий тузилмаси томонидан асосий маҳсулот бўлган туристик-рекреация маҳсулоти яратилади ва рекреантларга тақдим этилади.



1-расм. Туристтик-рекреация кластерининг тузилмавий модели
(Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган)

Кластернинг асосий тузилмаси алоҳида йўналишларда кластер фаолиятини ташкил этишда зарурий ҳисобланган яна икки тузилмасиз самарали фаолиятни йўлга қўя олмайди. Бу икки тузилма – кластер инфратузилмаси ва тармоқ кластерига аралаш хизматларни етказиб берувчи тузилмалар ҳисобланади. Туристтик-рекреация кластерининг инфратузилмасини 3 та асосий инфратузилма

тизимлари – умумий инфратузилма, ихтисослашган туристик-рекреация инфратузилмаси ва ахборот инфратузилмаси ташкил этади.

Асосий туристик-рекреация маҳсулотини истеъмол қилиш даврида рекреантларда турли аралаш кўринишдаги хизматлар ва маҳсулотларни истеъмоли бўйича зарурий эҳтиёжлар мавжуд бўлади. Кластернинг учинчи тузилмасини ана шундай маҳсулот ва хизматларни яратиб, истеъмолчиларга етказиб берувчи кўргазма мажмуалари, эсталик совғалар ишлаб чиқарувчи корхоналар, суғурга ташкилотлари, молия-кредит муассасалари, чакана савдо корхоналари, ижара корхоналари, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда маиший хизмат корхоналари ташкил этади. Кластернинг ҳар икки тузилмаси тўғридан-тўғри кластернинг асосий тузилмаси билан боғлиқ ҳолда сиёсий, иқтисодий, табиий, ҳуқуқий, ахборот, ижтимоий-маданий муҳитлар орқали боғланган ҳолда фаолият олиб боради.

Кластер шаклида ташкил этилиши таклиф этилаётган ҳудудий туристик-рекреация мажмуаси, биринчидан, кластер таркибига кирувчи тадбиркорлик субъектлари фаолият самарадорлигини оширса, иккинчидан, алоҳида корхона тузилмалар фаолиятининг бир мақсад йўлида бирлашуви ўзаро ахборот алмашинуви ва инновациялар жорий этилишини кучайтиради, биргаликда амалга оширилувчи фаолиятни мувофиқлаштириш масалаларини осонлаштиради, рекреантларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимларини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради. Туристик-рекреация кластери ташкил этилаётган ҳудудда эса мавжуд малакали меҳнат ресурслари, махсус солиқ режимлари ҳамда кластер иштирокчилари бошқаруви доирасида инвестиция фаолияти билан боғлиқ янги молиявий тузилмалар пайдо бўлиши учун қулай шарт-шароитларни яратади.

Юқорида келтирилган шарт-шароитлар корхоналар ва ташкилотлар, муассасаларнинг кластер шаклидаги ўзаро ҳамкорлигининг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлигини ўрганишнинг долзарблигини белгилайди. Шунинг эътиборига олган ҳолда туристик-рекреация фаолияти ва ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг бугунги шароитида мантиқий-таркибий алоқаларни ўз ичига олган туристик-рекреация кластери моделини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг илмий-услубий асослари зарур.

Туристик-рекреация кластерини шакллантириш жараёни турли субъектлар (давлат бошқарув тузилмалари, бизнес тузилмалари, маҳаллий ҳамжамят вакиллари)нинг ташаббуслари билан бошланади. У кластер администрациясини ташкил этиш, ҳудудда туризмни ривожлантириш бўйича стратегик режани ишлаб чиқиш, жорий бошқарувни амалга ошириш, мониторинг ўтказиш, ўзини ўзи бошқариш тамойилларига асосланишни назарда тутаяди. Кластер администрацияси – фаолияти давлат-хусусий шерикчилик тамойилларига асосланган мустақил юридик шахс бўлиб, у кластернинг турли иштирокчилари бўлган ҳудудий давлат органлари, тадбиркорлик ҳамда “учинчи” сектор вакиллари билан ишлайди.

Амалиётда қўлланилиши таклиф этилаётган туристик-рекреация кластери фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга ижобий омиллар билан бирга қуйидаги салбий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, кластернинг бир бутунликдаги фаолият самарадорлигини пасайтириши мумкин:

- зарурий инфратузилма тизимларининг етарли даражада шаклланмаганлиги;
- экспресс-брендинг ва рекреацион хизматлар халқаро маркетингининг етарли даражада шаклланмаганлиги;
- таклиф этилаётган рекреацион маҳсулот сифатининг жаҳон стандартлари даражасидан пастлиги ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, туристик-рекреация фаолиятини кластерли ёндашув асосида ташкил этилиши кластер таркибидаги корхоналар фаолиятини бир мақсад йўналишида бирлаштиришдан иборат ва бу мақсадга эришишнинг асосий воситаси кластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган корхона фаолияти самарадорлиги ундаги менежмент функциялари (режалаштириш, ташкил этиш, назорат, рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш)нинг самарадорлигига боғлиқ.

Туристик-рекреация хизматлари соҳасидаги корхоналарнинг муваффақиятли ривожланиши, одатда, бир бутун тизимдаги ходимлар сонини ошириш ва умумий фаолиятнинг бозор улушини кенгайтириш, шунингдек, бошқарув ва бизнес жараёнларини мураккаблаштириш нуқтаи назаридан уларнинг кўламини мустаҳкамлаш билан амалга оширилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда,

тизимнинг ташкилий мураккаблашуви унинг фаолиятини режали ва мавжуд жараёнлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳал этишга ёндашувларни кўриб чиқиш ва ишлаб чиқишни талаб қиладиган ташкилий ривожланишнинг тизимли муаммоси ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш воситаларидан бири туристик-рекреация кластеридаги вертикал ва горизонтал меҳнат тақсимоти ва улар асосида шаклланган иерархия ва ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш асосида кластер администрацияси томонидан амалга ошириладиган бошқарувни таркибий мослаштириш ва қайта қуриш жараёнидир.

Тадқиқот натижасида таклиф этилаётган туристик-рекреация кластери ҳам умумий фаолият йўналишида асосий хизматлар атрофида бирлаштирилган, турли фаолият йўналишидаги кўплаб корхоналардан иборат 3 та таркибий тузилма йиғиндисидан иборат. Бошқача айтганда, таклиф этилаётган кластер фаолияти дастлабки кластерга бирлаштирилмаган ҳолатдаги алоҳида корхоналарнинг ўз манфаатларини устун қўйган ҳолдаги фаолиятига эмас, балки ўзаро кооперация ва ҳамкорликка асосланган бир мақсад йўналишидаги фаолиятлар йиғиндисидан ташкил топади.

Таклиф этилаётган туристик-рекреация кластерининг самарали бошқарув фаолияти асосини ҳам яхши қурилган ташкилий бошқарув тузилмаси ташкил этади. Ташкилий тузилма – кластерни ташкил этувчи тузилмалар таркибидаги корхоналарнинг турли даражалари ўртасидаги муносабатлар мажмуи бўлиб, бошқарувнинг барча даражалари ва аниқ ходимлар ўртасидаги масъулиятларни энг самарали тақсимлашга қаратилган. Деярли, ҳар қандай бошқарув тузилмаси вертикал ва горизонтал алоқалардан ташкил топган.

Горизонтал муносабатлар бир сатҳли ва мувофиқлаштириш хусусиятига эга бўлиб, бир хил бошқарув даражасида бўлган (бир-бирига бўйсунмайдиган) тизим бўлинмалари ўртасида қурилади. Вертикал боғланишлар бир боғланиш ёки боғланишларни бошқасига бўйсундиришни назарда тутади. Умумий ҳолатда ташкилий тузилмаларда иккита асосий алоқа – бошқарилувчи боғланиш (субординатив объект) ҳамда бошқарув органи мавжуд.

Бугунги кунда корхона бошқариш ташкилий тузилмаларининг кўплаб таснифлари мавжуд. Уларни умумлаштирган ҳолда икки асосий гуруҳга – вертикал (иерархик) ва горизонтал (органик) бошқарув гуруҳларига бўлиш мумкин.

Вертикал (иерархик) бошқарув тузилмасига эга бўлган корхоналарнинг муваффақиятли фаолияти қуйидаги мавжуд бўлиши шарт бўлган асосий ҳолатларнинг таъминланиши орқали амалга оширилади:

- бошқарув иерархияси;
- масъулиятнинг аниқ ва тўлиқ тақсимланиши;
- вертикал алоқаларнинг устунлиги;
- вазифа тўғрисида назардан фақат малакали ходимларини ишга ёллаш.

Бошқарувнинг горизонтал (органик) турининг асосий хусусияти эса ташқи муҳитдаги ўзгарувчан шароитларга мослашувчанлик, шу билан бирга иерархиядан деярли бутунлай воз кечиш ва горизонтал алоқаларнинг устунлиги ҳисобланади.


Таклиф этилаётган иқтисодий мустақил корхоналардан ташкил топган туристик-рекреация кластери ўзининг таркиби ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, тузилманинг алоҳида даражаларида ҳам вертикал, ҳам горизонтал бошқарув турларидан фойдаланишни талаб қилади. Агар кластернинг барча бўғинлари бир таъсисчининг мулкига асосланган бўлса, бундай ҳолатда ягона тадбиркорнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда фаолиятни фақат вертикал (иерархик) бошқарув тури асосида ташкил этиш мумкин. Чунки иқтисодий мустақил корхоналар кооперациясига асосланган кластерда ҳар бир корхонанинг асосий мақсади – биринчи навбатда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни ўз фойдасини таъминлашдан иборат. Бу тизимда вертикал бошқарувни жорий этиш корхоналар манфаатларининг тўқнашувига, яъни зиддиятларнинг юзага келишига олиб келади.

Қуйида туристик-рекреация кластери бошқарув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган ҳар икки бошқарув тузилмаси моҳиятини кўриб чиққан ҳолда, таклиф этилаётган кластер фаолияти учун энг самарали бўлган бошқарув тузилмасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Вертикал бошқарув тузилмаси аниқ белгиланган бошқарув даражалари туфайли энг кенг тарқалган, ушбу тузилма учун лавозим қанчалик юқори бўлса, ҳокимият ва бўйсунувчилар ҳам

шунчалик кўп бўлиши хосдир. Бошқарув пирамидасининг асоси бўйсунмайдиган позициялар (ижрочи)дан иборат. Масалан, корхона раҳбари асосий бошқарувчи бўлса, масъулиятнинг камрок қисми директорлар кенгашига тегишли бўлади, ўрта бошқарув бўғинида топ-менежерлар (йўналишлар бўйича ўринбосарлар), ундан сўнг ўрта раҳбарлар (бўлим бошлиқлари), кейин куйи даражадаги менежерлар (гуруҳ раҳбарлари ва бошқалар.) ва энг куйи даражада ижрочилар жойлашган.

Туристик-рекреация кластери ягона тадбиркор мулк асосида ташкил этилган ҳолда кластер тузилмаларини бошқаришнинг вертикал (иерархик) тузилмаси энг камида 4 та бошқарув даражасида бўлиши талаб этилади. Бунда бошқарувнинг энг юқори даражаси мулк эгаси томонидан бошқарилувчи кластер администрациясидан, топ-менежерлик бошқарув даражаси кластернинг асосий тузилмаларини ташкил этувчи кластер инфратузилмаси, кластернинг асосий тузилмаси ҳамда кластер фаолияти учун аралаш хизматларни таъминловчи тузилма бошқаруви тизимидан иборат (2-расм).



2-расм. Туристик-рекреация кластерининг вертикал бошқарув тузилмаси (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Бошқарувнинг қуйи даражасида эса юқоридаги 3 та асосий тузилмаларни ташкил этувчи тизим корхоналарини бошқарувчи тузилма ва қуйи бошқарув бўғинида алоҳида фаолият турларини ташкил этувчи ижрочилар жойлашган.

Кластер фаолиятини вертикал бошқариш тузилмасида фаолиятни амалга ошириш бўйича масъулиятнинг асосий қисми қарор қабул қилувчи юқори бўғин бошқарув даражаларига боғлиқ бўлиб, классик бошқарув назарияларига кўра, ушбу бошқарув тузилмаси бошқа тузилмаларга нисбатан ўзига хос жиҳатлардан келиб чиқувчи устунликлар ва камчиликларга эга.

Вертикал бошқарув тузилмасининг устунликлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қарор қабул қилишнинг юқори даражада марказлашганлиги;
- бошқарув кучининг энг юқори бўғинда жамланганлиги;
- бошқарувчиларнинг юқори даражадаги малакага эгаллиги;
- ваколатларнинг юқоридан қуйига қараб тақсимланиб бориши.

Вертикал бошқарув тузилмасининг камчиликлари ва заиф томонлари сифатида бошқарув даражаларининг кўплиги, ҳужжатларни тайёрлаш ва қарорлар қабул қилиш жараёни учун кўп вақт сарфланиши, бошқарувчилар юқори компетентликка эга бўлган ҳолда ижрочиларнинг паст малакага эгаллиги кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.



3-расм. Туристик-рекреация кластерининг горизонтал бошқарув тузилмаси
(Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарнинг ихтиёрий кооперацияси асосида ташкил этилган кластерларда горизонтал бошқарув тузилмаси самарали ҳисобланади, чунки кластер таркибидаги ҳар бир корхона ўз фаолиятини мустақил ташкил этади ва уларнинг асосий мақсади амалга оширилаётган фаолиятдан максимал даражада фойда олишдир. Бундай ҳолатда бошқарув тузилмасини танлашда горизонтал, яъни бошқарув даражалари минимал бўлган бошқарув

тузилмасини танлаш мақсадга мувофиқ. Горизонтал бошқарув тузилмаси ҳужжатларни тасдиқлаш, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш ва кластер фаолиятининг мослашувчанлигини ошириш учун бошқарув тузилмасида бюрократияни камайтиришга қаратилган. Горизонтал бошқарув тузилмасида юқори бошқарувдан ижрочиларга йўл қисқартирилади. Ушбу бошқарув тизими ижрочиларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини оширишни ҳам ўз ичига олади.

Туристтик-рекреация кластери иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналар кооперацияси асосида ташкил этилганда фойдаланилиши тавсия этилаётган бошқарув тузилмасида асосий боғланишлар горизонтал эканлигини ҳисобга олиб, ижрочилар (ижрочилар гуруҳлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар юқори даражада бўлиши керак. Бунга ижрочилар (ижрочилар гуруҳлари) бир хил вазифа учун диаметрал қарама-қарши тасаввурларга эга бўлган вазиятда эришиш осон эмас. Шу сабабли айрим ҳолларда бошқарув тизимида ўрта бошқарув даражаси етишмаётгандек туюлиши мумкин. Бирок, бундай боғланишни шакллантириш билан шуғулланиш керак эмас. Зеро, тизимнинг вазифаси жараёнга бевосита ижрочиларни жалб қилиш орқали бюрократик бошқарувсиз максимал самарадорликка туширилади (3-расм).

Кўп ҳолларда, корхона ривожланиши учун унинг бозор улуши кенгайтирилади ва бу билан ходимлар сони ортади. Натижада корхонанинг тузилиши ва иш жараёнлари ҳамда структура элементлари ўртасидаги ўзаро алоқалар янада мураккабланиши.

Бу ҳолда бошқарув даражаларини ташкил этиш бўйича аниқ схема курилади, яъни бошқарув вазифалари юқори даражали бошқарувчилардан қуйи даражали бошқарувчиларга ўтади. Шундан сўнг вазифа бир даража пастда турган бошқарувчиларга ёки ижрочиларга туширилади. Белгиланган вазифа бажарилгач, ижро натижалари тўғрисидаги ҳисобот тескари алоқа кўринишида пастдан юқорига қараб ҳаракатланади.

Горизонтал бошқарув тузилмасининг устунликлари қаторига қарор қабул қилиш ва масалаларни ички келишишнинг юқори тезлиги, ижрочилар малака даражасининг юқорилиги, бошқарув даражаларининг минимумга қисқартирилиши, ходимлар салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш каби устунликларни киритиш мумкин.

Горизонтал бошқарув тузилмасининг камчиликлари ва заиф томонлари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- бир горизонтал бошқарув даражасидаги ижрочилар ўртасида зиддиятли вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолининг юқорилиги;
- бир ижрочи (бошқарувчи)нинг бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларни бажариши;
- ягона бошланғич нукта тамойилининг бузилиши.

Туристтик-рекреация кластерининг тузилмасидаги тизим корхоналари ҳам алоҳида корхоналар, ҳам тизим шаклидаги корхоналар йиғиндисидан иборат бўлишини эътиборга олиб, кластернинг бошқарув тузилмасини вертикал ҳамда горизонтал бошқарув тузилмаларининг бирикмаси кўринишида, яъни бошқарув самарадорлигини ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аралаш бошқарув тузилмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Туристтик-рекреация фаолиятида кластерларнинг шаклланиши, юқорида айтиб ўтилганидек, бир томондан асосий хизматларни таклиф этувчи рекреация корхоналарининг ривожланиши учун қулай шароитлар яратса, иккинчи томондан, кластер билан алоқадаги элементларга ҳам бир қатор устунликларни яратиш беради, яъни кластер кўринишидаги кооперациядан кластернинг барча иштирокчилари, шу билан бирга кластер ташкил этилган ҳудуд ҳам алоҳида манфаатга эга бўлади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Всемирная туристская организация: Официальный сайт. [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.unwto.org>.
2. Porter, M. 2001. Competition Moscow: Publishing House "Williams", 495 p. P. 207.
3. Рудченко В.Н. Кластеры в туризме: особенности классификации, процесс формирования и методы оценки // Общество. Среда. Развитие. – 2016, № 4. – С. 13.
4. Горбунов А.П., Бурняшева Л.А., Газгирева Л.Х., Рудь Н.Ю. Инновационный туристский кластер как модель устойчивого развития регионов // Известия Кабардино-Балкарского научного центра РАН. 2016. № 4 (72). С. 62-66.
5. Тарасенок А.И. Геоэкономика туризма. – М.: ИНФРА-М; Мн.: Нов. знание, 2011. –С. 169.

6. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>
7. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018: No.3,Article19.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/ vol2018/iss3/19>
8. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>
9. Mirzaev A. T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020. – pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>.
10. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/re.17.5.990>.
11. Mirzaev A. T. Estimation of the prospects for the use of recreational facilities in the market of tourism services //Наука сегодня: вызовы, перспективы и возможности [Текст]. – 2018. – С. 76.

ЎУТ: 005 (575.1)

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ
КОРХОНАЛАРИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Э.А. Муминова, и.ф.д., доцент, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Мақолада тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини бошқаришда рақамли (блокчейн) технологияларни жорий этиш механизми таклиф этилган бўлиб, бошқарув таъсирини амалга оширишнинг янги воситалари: рақамли технологияларни жорий этишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, корхона фаолиятига таъсир этувчи воситалар, давлат бошқарув органлари, корхона ва унинг лойиҳалари даражасида бошқарув жараёнларига, шунингдек, рақамли технологияларни жорий этишда корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон берадиган комплекс ечимлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: блокчейн технологияси, ақлли шартномалар, корпоратив бошқарув, рақамли корпорация.

Аннотация. В данной статье предложен механизм внедрения цифровых (блокчейн) технологий в управление текстильными предприятиями, новые инструменты управленческого воздействия: определение приоритетов внедрения цифровых технологий, оценка их экономической эффективности, инструменты воздействия на предприятие, государство. Агентства, предприятия и их на уровне проекта комплексные решения согласовываются с процессами управления, а также для повышения экономической эффективности предприятия при внедрении цифровых технологий.

Ключевые слова: технология блокчейн, умные контракты, корпоративное управление, цифровая корпорация.

Abstract. The article proposes a mechanism for the introduction of digital (blockchain) technologies in the management of textile enterprises, new tools for management: identification of priorities for the introduction of digital technologies, assessment of their cost-effectiveness, means of influencing the enterprise, government agencies, enterprises and at the level of its projects are considered complex solutions that allow management processes, as well as increase the economic efficiency of the enterprise in the introduction of digital technologies.

Keywords: blockchain technology, smart contracts, corporate governance, digital corporation.

Кириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида очиклик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт кўшимча қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиёт тармоқларидаги амалга оширилаётган ислохотлар

натijasида рақамли ахборотлар таъсири асосида кузатилаётган жараёнлар корпоратив бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Жаҳонда рақамли активлар бўйича глобал иштирокчилар сифатида “North Plains Systems Corporation”, “Open Text Corporation”, “Widen”, “Net Exposure, Inc.”, “Media Beacon, Inc.”, “Hewlett-Packard Company”, “WebDAM” каби йирик халқаро корпорацияларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, ИТ ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги ИТ технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасайишига олиб келади.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидендлар” номли тадқиқоти хулосалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши мамлакат ЯИМ ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда 1,38 фоизга тенг. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми 13-14 фоиз ортишига эришиш мумкин (<https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqiyoti-garovidir>).

Республикамизнинг тўқимачилик тармоғидаги корхоналар корпоратив бошқарувини самарали ташкил этишда ҳам бир қатор вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади. Уларнинг асосийси мулкдорлар манфаатлари учун бошқарувнинг шаффофлигини таъминлаш, барча акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий натижаларни олиш ва тақсимлаш билан боғлиқ акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқаришда илғор техника ва технологияларни қўллаш асосида тўқимачилик матоларини ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини таъминлаш, кам чиқинди чиқадиган технологияларни қўллаш асосида янги турдаги тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги технологиялар ва рақамлаштирилган юқори унумдорликда ишловчи ускуналар тизими асосида ишлаб чиқариш жараёнини барқарорлаштириш кабилар долзарб вазифа ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзу доирасида блокчейн технологиясининг имкониятлари ва бугунги кунда ушбу технологиядан фойдаланиб юқори иқтисодий ўсишга эришаётган давлатларда илмий изланиш олиб бораётган олималарнинг тадқиқотлари ўрганиб чиқилди. Хусусан, E. Brynjolfsson ва B. Kahinлар томонидан иқтисодиётни рақамлаштириш масалалари илк мартаба 1990 йилларнинг ўрталарида муҳокама мавзуси сифатида тарғиб қилиниб, илк таърифлар келтирилиб, мазкур таърифларда корхона ва истеъмолчиларни вертуал дунёда учраштирувчи восита сифатида эътироф этилди [1].

Рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлган муаммолар билан боғлиқ масалалар, рақамли иқтисодиётга ўтиш механизми, криптографиянинг муҳим элементи бўлган ҳешлаштириш функциялари ҳақида бир қанча маълумотлар берилган. Ундан сўнг, криптографиядан рақамли валюталарга ўтиш мантиқи, криптовалюталарнинг асосий турлари ва уларнинг хоссалари академик С.Гулямов асарларида ўз аксини топган [2]. С.Гулямов рақамли иқтисодиётни асосини ташкил этувчи “блокчейн” технологиясини миллий иқтисодиётда қўлланиши мумкин бўлган соҳаларини аниқ кўрсатиб ўтган.


Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда корпорациялар фаолиятининг турли молиявий, ишлаб чиқариш, кадрлар ва бошқа тавсифномаларини умумий координата тизимида боғлашга имкон берадиган корпорацияларни ривожлантириш самарадорлигини комплексли баҳолашнинг ягона, умумэтироф этилган ёндашуви мавжуд эмас. Компанияларни ривожлантириш самарадорлигини тадқиқ этишнинг комплексли воситаларидан бири мувозанатланган кўрсаткичлар тизими (BSC) тузиш усули ҳисобланиб, унга 1990 йил америкалик иқтисодчилар Р.Каплан ва Д.Нортон томонидан асос солинган [3].

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда тўқимачилик корхоналарида корпоратив бошқарувида амалга оширилган рақамли тизимларни, блокчейн технологиялар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Тўқимачилик корхоналари молиявий бошқарувида блокчейн технологиясини жорий этиш учун блоклар реестри, алгоритмлар, операциялар ёки шартномалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат қилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув, ҳал қилинадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тармоқ ичида корпоратив корхоналари фаолиятининг барқарорлиги ошишига асос бўлади.

Иқтисодиётни рақамлашуви шароитида умумий корпоратив бошқарув концепциясини ишлаб чиқишда тармоқ корхоналарининг иқтисодий натижаларини қуйидаги сценарийларни орқали ишлаб чиқишни таклиф этамиз (1-расм).



1-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув трансформацияси
(Муаллиф ишланмаси)

1-сценарий. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналари қўйилган мақсадларга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун бошқарув жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланадилар. Ушбу сценарий бўйича корхона бизнес жараёнига тўлиқ рақамли технологияларни жорий этмагунга қадар ўзининг аввалги бошқарув ёндашувларини сақлаб

колади. Мазкур сценарийдан йирик корпорация таркибига кирмаган корхоналар бизнес-жараёнларни бошқаришда фойдаланиши мумкин.

2-сценарий. Корпоратив бошқарувнинг алоҳида жараёнларини рақамли технологиялар асосида ўзгартириш. Янги технологиялар ишлаб чиқариш жараёнида аввал ечимини топмаган муаммоларни ҳал қилишга, янги маълумотлардан тезлик билан хабар топиш имконини берган тақдирдагина ўринли бўлади.

3-сценарий. Биринчи ва иккинчи сценарийлар эволюцияси доирасида, корпоратив бошқарувни платформалаштириш. Бугунги кунда кўплаб асосий вазифаларни ҳал қилиш рақамли технологиялар асосида амалга оширилиши мумкинлигига қарамасдан, ҳар бир корхона бошқарув жараёнига рақамли технологияларни қўллашда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиши лозим бўлади. Мазкур сценарий асосида ҳар бир корхоналар мавжуд рақамли платформалардан эмас, балки корхона хусусиятларини инобатга олувчи индивидуал платформаларини яратиши зарур ҳислбланади.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида “Ўзтўқимачиликсаноат” корпорацияси таркибидаги корхоналарни қуйидаги 5 гуруҳга таснифлаш мумкин (1-жадвал). Бу корхоналар ўртасида нафақат «рақамли корпорация» тоифасига яқинлашиш даражасини баҳолашга, балки келажакда улар ўртасида қўшимча қиймат яратиш имкониятини аниқлаш имконини беради.

1- жадвал

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги рақамлашув даражасига қараб корпоратив корхоналарни таснифлаш (Муаллиф ишланмаси)

Корхоналар хусусиятлари	Рақамли бозорга чиқиш истиқболлари	Рақамлашув муҳити	Рақамлашув активлари	Рақамлашув технологиялар	Рақамли маҳсулот
Етакчи корхоналар					
«POSCO International Textile» МЧЖ хорижий корхона (1996)	+	+	+	+	+
«INDORAMA KOKAND TEXTILE» АЖ хорижий корхона (2011)	+	+	+	+	+
«RUSO'ZBEKTEKS» МЧЖ хорижий корхона	+	+	+	+	+
Ташкилий ва модернизациялашган корхоналар					
«UZWOOLENTEX» МЧЖ қўшма корхона (2018)	+	+	+	+	қисман ривожланган ишда
Ташкилий ўзгаришларга тайёр корхоналар					
«NARIMTEKS» МЧЖ (2008)	+	+	қисман	-	қисман
Ташкилий ўзгаришлар ва технологик модернизацияга талаби бор корхоналар					
«BESHARIQTEKSTIL» O'zbekiston-Buyuk-Britaniya қўшма корхона АЖ (1994)	+	-	-	-	-
«FERGANA-OSEANA» МЧЖ Хорижий корхона (2010)	+	-	-	-	-
Аутсайдер компаниялар					
«ORSHAN TEXTILE PRODUCTIONS» mas'uliyati cheklangan jamiyati	-	-	-	-	-
«QUVA TEKSTIL» МЧЖ	-	-	-	-	-

- рақамли лидерлар, яъни, юқори молиявий кўрсаткичларга эришган, рақамли муҳитни шакллантирган, рақамли активлар билан таъминланган, натижада рақамли технологияларни амалга оширган корхоналардир.

- ташкилий ва технологик жиҳатдан рақамли ўзгаришларни қабул қилишга тайёр, аммо уни амалга оширмайдиган компаниялар. Одатда, улар глобал миқёсдаги ўхшаш ечимлардан устун бўлган индивидуал ечимлар билан тавсифланади. Бундай корхоналарда рақамли ўзгаришлар ички муҳитда амалга оширилиши мумкин.

- ташкилий жиҳатдан рақамли ўзгаришга тайёр корхоналар. Бундай корхоналар ташқи

рақамли муҳитда ўзаро таъсирлашиш учун жозибали эканлиги билан ажралиб туради.


- ташкилий ўзгаришлар ва технологик модернизацияни талаб қиладиган корхоналар.

Мазкур услубдан фойдаланиш натижасида корхона билан рақобатга киришаётган ҳар бир субъект тўғрисидаги маълумотларни идентификациялаш, шунингдек, ҳамкор тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш ва бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни камайтириш мумкин бўлади. Корхона фаолиятига таалуқли бўлган маълумотлар базасининг махфийлигини кафолатлаш имконияти мавжудлиги, бухгалтерия ҳисобининг ички ва ташқи аудит ўтказиш учун қулайлиги, барча трансакцияларни назорат қилиш, трансакцион харажат турларини доимий равишда оптималлаштириш имкониятининг мавжудлиги билан тавсифлаш мумкин.

- соҳада ходимлар (экскурсоводлар, инструкторлар, гидлар) малакасининг оширилишини янада кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш;

- туризм саноатини ривожлантиришга оид давлат дастурларини ишлаб чиқишда туризм соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, соҳада фаолият юритувчи илмий тадқиқот марказлари иштирокини фаоллаштириш;

- туризм саноатини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш;

- таклиф қилинган чора-тадбирларни давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобига, ҳамда мулк шаклидан қатъий назар туризм соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, муассасалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.

Туризм саноатини ривожлантиришга йўналтирилган таклифларни амалиётга жорий қилиниши:

- юқори самарага эга мослашувчан бошқарув тизимини шаклланишига, ишбилармонликнинг янги моделларини яратилишига ва қўлланилишига;

- туризм бизнеси соҳасида кадрлар захирасини яратиш ва ривожлантириш учун ғояларнинг фаол генераторлари жамоасини шакллантирилишига;

- ғоялар ва таклифларнинг ягона базасини ташкил этиш (яъни, фаол инновацион ғоялар фабрикасини шакллантириш), ривожлантириш ва долзарблигини таъминлашга;

- ёш авлодни анъаналарга риоя қилган ҳолда тарбиялашга;

- амалдаги бизнес жараёнлари самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, яхлит ҳолатда, ДХШда давлат ва бизнеснинг ўзаро таъсири инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш шароитида туризм саноати ривожини интенсивлаштириш бўйича истиқболли йўналишларидан бири бўлиши мумкин. Бу албатта, қонунчилик меъёрларини янада такомиллаштириш, бизнес давралари ва ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларни юксалтириш, туризм соҳаси мутахассислари фаолиятининг маҳсулдорлигини ошириш асосида амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги Қонуни. ЎРҚ-549-сон. 18.07.2019 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида” Қонуни. ЎРҚ-537-сон. 10.05.2019 йил.
3. С.Салаев, Б.Олланазаров. Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг устувор йўналишлари. Монография. “Қуванчбек-Машхура”, Урганч 2020 йил. 188 б.
4. Олланазаров Б.Д. Давлат-хусусий шерикчилиги механизми асосида туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива 2019 й. №1. 36-41 б.
5. Олланазаров Б.Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали // 2019 йил январь-февраль. 1-11 б.
6. Олланазаров Б.Д. Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд 2019 йил.
7. Киварина М.В. Государство и бизнес: эволюция форм взаимодействия // Государственно-частное партнерство. – 2014. – Том 1. №1. – С. 57-72.
8. Виноградов Е.С. Организационно-экономические аспекты развития экологического туризма. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. Санкт-Петербург - 2017.
9. Бубнов А.В. Инновационное развитие Российского туризма на основе кластерного подхода. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. Йошкар-Ола - 2019.
10. Инновации в развитии индустрии туризма региона / Крутиков В. К., Гворыс В., Дорожкина Т. В., Зайцев Ю. В.; Изд. 2-е, доп. - Калуга: ЗАО «Прайт-К», 2013. 236 с.

11. Государственно-частное партнерство. под ред. д.э.н. проф. И.Н.Ткаченко. Москва. Юрайт. 2016.
 12. В.Е.Сазонов. Государственно-частное партнерство: Гражданско-правовые, административно-правовые и финансово-правовые аспекты. М.: ООО “Буки Веди” 2012. 492 с.

УОК: 339

КЛАСТЕР МЕНЕЖМЕНТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Г.Х.Райимджанова, таянч докторант, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Мақолада кластерлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида бир қатор ижобий жиҳатлар мавжудлиги: иш ва иш ҳақининг юқори даражаси, чекланган ресурслар шароитида иқтисодий сиёсатни қайта кўриб чиқиш ва бюджет харажатларини оптималлаштириш имкониятининг мавжудлиги, кластерларнинг иқтисодий ривожланиш динамикасига асосланган реал сиёсатни шакллантиришига ёрдам бериши тўғрисида фикр юритилади.

Калим сўзлар: кластер, илмий-технопарклар кластери, кластер афзалликлари, ишлаб чиқариш, инновацион кластерлар, интеграция, инновация

Аннотация. В статье рассматривается, что анализ деятельности кластера имеет ряд положительных сторон: высокий уровень занятости и заработной платы, возможность пересмотра экономической политики в условиях ограниченных ресурсов и оптимизации бюджетных расходов, помощь кластерам в формировании реальной политики, основанной на экономическом развитии.

Ключевые слова: кластер, кластер технопарков, преимущества кластера, производство, инновационные кластеры, интеграция, инновации.

Abstract. The article discusses that the analysis of cluster activities has a number of positive aspects: a high level of employment and wages, the possibility of revising economic policy in conditions of limited resources and optimizing budget expenditures, helping clusters in forming a real policy based on economic development.

Key words: cluster, cluster of technoparks, cluster advantages, production, innovation clusters, integration, innovation.

Биринчи марта Европада кластерлаш жараёнлари пайдо бўлди, уларнинг мақсади ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш, кераксиз транзакция харажатларини йўқ қилиш ва қўллаб-қувватловчи инфратузилмани иқтисодий жиҳатдан самарали ишлаб чиқариш хизматларига йўналтириш эди.

Кластерларни келиб чиқиши нуқтаи назаридан ўрганишнинг бир жиҳати ҳам мавжуд. Булар табиий равишда ҳосил бўлган кластерлар ва ташқи таъсирлар натижасида пайдо бўлган кластерларни ўз ичига олади. Биринчиси бозор кучлари ҳаракати натижасида пайдо бўлган, давлат эса бу жараённи юмшоқлик билан тартибга солади ва устувор вазифаларни белгилашни назарда тутмайди. Ушбу мамлакатларга Голландия ва АҚШ киради.

Давлат ташаббуси билан кластер ташкил этилса, у мақсад ва устувор вазифаларни белгилайди. Кўрсаткичлар аниқлагандан сўнг - давлат, фан, товар ишлаб чиқарувчилар, молиявий тузилмалар ўртасида шартномалар имзоланиши натижасида кластерни ривожлантириш бошланади. Келажакда, бу давлатнинг аралашуви минимал бўлган бозор қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Кўшма Штатларда энг муваффақиятли кластерлар табиий равишда пайдо бўлганларидир. Ўзбекистон маҳаллий ҳокимият органлари ушбу кластерларни қандай қўллаб-қувватлаши ва ривожлантиришлари мумкинлигига қаратилган. Бироқ, вақт ўтиши билан ҳукуматнинг кластерларга муносабати ўзгариб, кластер сиёсати бўйича махсус чора-тадбирлар жорий этила бошланди.

Америкалик кластер тадқиқотлари шуни кўрсатдики, “минтақалар иқтисодий ривожланиш жиҳатидан бир хил эмас, шунинг учун уларнинг инновацион натижалари ҳам жуда фарқ қилади, масалан, иш ҳақи бўйича, яратилган иш ўринлари сони бўйича.

Шу билан бирга, юқори технологияли кластерлар мавжуд кластерларнинг кам қисмини ташкил қилади, аммо уларнинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Улар иқтисодий ўсишни таъминлайди, бу эса иш ҳақининг ортиши билан уйғун бўлиши керак, чунки иқтисодий ўсиш нархларнинг кўтарилиши билан тавсифланади. Умуман олганда, универсал минтақавий сиёсат бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келишди “.

Кластерлар илмий грантлар, тадқиқот солиқ имтиёзлари, паст фоизли кредитлар ва бепул қайта тайёрлаш каби турли усуллар билан рағбатлантирилади.

2012 йилда АҚШ Миллий тадқиқот кенгаши кластер сиёсатига бағишланган ҳисоботни эълон қилди.

Биринчи марта ушбу концептсия 2010 йилда Америка қонунларига киритилган.

АҚШ Савдо вазирлигига минтақавий инновацион кластерлар учун рақобатбардош грантлар бериш вазифаси юклатилди.

Айни пайтда Савдо, Қишлоқ хўжалиги, Энергетика, Мудофаа, Таълим ва Меҳнат вазирликлари томонидан кластерларни ривожлантириш дастурлари амалга оширилмоқда. Улар саноат кластерларини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида бир нечта бўлимларни ўз ичига олган кучларни бирлаштирадilar.

Шундай қилиб, Кичик бизнес маъмурияти, Миллий стандартлар ва технологиялар институти, Иқтисодий ривожланиш маъмурияти, Миллий илмий жамғарма ва Таълимни ривожлантириш маркази АҚШ Энергетика вазирлигининг ташаббусига қўшилиб, энергетика соҳасида инновацион кластерларни ифодалаш билан бирга, куёш энергияси соҳаси, энергия тежайдиган тузилмалар ва атом энергетикасини ҳам ўз ичига олади. Иккинчи, шунга ўхшаш ташаббус 2009 йилда бошланган: Кичик бизнес маъмурияти Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Мичиган, Виржиния ва Гавайида робототехника кластерини ишга тушириш устида ишламоқда.

АҚШ Миллий Илмий Жамғармаси инновацион кластерларни қўллаб-қувватлаб, олимларга ўз ишланмаларини тарғиб қилишда ва стартапларни яратишда ёрдам беради.

Кластерлар фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бир қатор ижобий жиҳатлар мавжуд:

- иш ва иш ҳақининг юқори даражаси;
- чекланган ресурслар шароитида иқтисодий сиёсатни қайта кўриб чиқиш ва бюджет харажатларини оптималлаштириш имконияти мавжуд.
- кластерлар иқтисодий ривожланиш динамикасига асосланган реал сиёсатни шакллантиришга ёрдам беради.

Илмий-технопарклар кластерга уланиш усулларида биридир. Турли тадқиқотлар асосида илмий ва технологик парклар ишининг асосий параметрларини таъкидлаш мумкин. Муваффақиятли технопаркда марказ - бу юқори малакали кадрлар билан таъминлаш учун зарур бўлган катта университет ёки лабораториянинг фаолияти ҳисобланади. Шу билан бирга ҳукумат, бизнес ва илм-фан ўртасидаги мустаҳкам алоқа ҳам муҳимдир. Бир қатор кузатувлар шуни кўрсатдики, паркларни бюджетдан молиялаштириш бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилади. Бирок, истироҳат боғларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш узоқ муддатли бўлиши керак.

Парклар туфайли хусусий бизнес хизматлар олиш, малакали кадрлар ва илмий натижаларга эришиш имкониятига эга. Қўшма Штатлар ташқарисидаги боғлар ҳукумат томонидан молиялаштириладиган амалий ва асосий тадқиқотлардан фойдаланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Қўшма Штатлардан фаркли ўларок, Европа кластер тадқиқотлари янада хилма-хил ва баъзан жуда батафсил ёритилади.

1999 йилда ОЕСД турли мамлакатларда кластерларни ривожлантириш бўйича кенг қўламли тадқиқот ўтказди. Бу кластер тушунчалари жуда бошқача эканлигини кўрсатди. Уларни инновацион тизимлардан тортиб то қиймат занжиригача бўлган бутунлай бошқа шаклланишлар деб тушуниш мумкин. Тадқиқот шуни кўрсатдики, кластерлар асосан пастдан юқорига қараб яратилади, яъни унга маҳаллий ташаббуслар киради, чунки улар бозор талаби

билан боғлиқ. Тадқиқотнинг муҳим жиҳати, шунингдек, бозордаги муваффақиятсизликлар ва тизимли муаммоларга жавоб бериш учун кластер даражасида қандай сиёсат чораларини қўллаш мумкинлигини аниқлашни ташкил этади.

Таҳлиллар асосида давлат кластери сиёсати тўғрисида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- кластерлар бозор муносабатларининг натижаси бўлиши керак;
- давлат сиёсати кластерларни субсидиялашга йўналтирилган бўлиши керак;
- давлат кластер сиёсатига бевосита аралашувдан қочиши керак.

2012 йилда ўтказилган тадқиқот натижасида кластерни фаол яратиш тўғрисидаги хулоса рад этилди. Университетлар, компаниялар ва бошқа тузилмаларнинг ўз-ўзини ташкил этиши камдан-кам учраб, давлат ва минтақа даражаларида кластерлар ташаббуси умумий амалиёт бўлиб, давлат кластер сиёсатининг роли ортиб бормоқда, деган хулосага келишди.

Интернет тармоғининг ривожланиши кластернинг моҳияти ва концепциясини ўзгартирди, чунки уланишлар ва тармоқларнинг турлари ва воситалари ўзгартирилди. Бундан ташқари, турли кластерларнинг халқаро ассоциацияларининг аҳамияти ошди ва ҳаракатчанликни рағбатлантиришдаги ўрни ошди. Мобилликни ривожлантириш сиёсатининг асосини пенсия таъминоти шартларини ўзгартириш ва меҳнат бозоридаги тўсиқларни бартараф этиш ғояси ташкил этади. Шу билан бирга, мамлакатлар хориждан малакали ишчиларни киритиш ва жалб қилиш шартларини соддалаштирмоқда.

Турли мамлакатларда кластерни шакллантириш ва ишлаш хусусиятларини таҳлил қилишда қуйидаги муаммолар аниқланди:

- илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг пастлиги ва компанияларнинг илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришга қизиқиши йўқлиги;
- маданий ва ижтимоий тўсиқлар;
- ҳамкорлик тажрибасининг етишмаслиги.

Европа Кластер Обсерваторияси томонидан 2012 йилда ўтказилган тадқиқотда ҳукумат ҳам, бизнес ҳам кластер ташаббускори бўлиши мумкин, деган хулосага келишди.

Барча кластерларда аъзолик бадаллари каби манбалар мавжуд эмаслиги аниқланди. Кластерларни қўллаб-қувватлашнинг асосий манбаи - бу давлат маблағлари ҳисобланади. Шунингдек, молиялаштириш манбалари қаторига бизнес ва давлатни биргаликда молиялаштириш, илмий жамоатчилик ва халқаро ташкилотларнинг маблағлари қиради.

Жаҳон амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, кластерни шакллантириш жараёни жуда ҳам тезкор. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда дунёнинг етакчи мамлакатлар иқтисодиётининг 50 фоизга яқини кластер билан қамраб олинган.

Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция ва Италия саноати томонидан кластер усулидан самарали фойдаланилмоқда.

Ҳозирда кластерлар Хитой, Жануби-Шарқий Осиё, Япония ва бошқа мамлакатларда фаол равишда шаклланимоқда.

“Кластернинг афзалликлари:

- турли хил манбаларга кириш;
- коммуникациялар, шу жумладан горизонтал;
- илмий-тадқиқот ишларини аутсорсингнинг турли шакллари;
- тадбиркорлик маданиятини ўзгартириш - ишончнинг ўсиши;
- маҳсулотлар ва технологияларни яратиш учун глобал занжирлар ва тармоқларга киришни осонлаштиришдан иборат.

Зеро, кластерларнинг хорижий тадқиқотлари натижаларига кўра, кластер ташаббусларида иштирок этишга имкон берадиган афзалликларни аниқлаш ва кластерларни муваффақиятли ривожланишига имкон берадиган омилларни тизимлаштириш, шунингдек, уларнинг мумкин бўлган технологик платформалар ва кластерлар ўртасидаги ўзаро таъсир хусусиятларини баҳолаш мумкин.

Хулоса қилиб, шуларни таъкидлаш мумкинки, кластер ёндашуви ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларини, шу жумладан илм-фан ва техника ютуқлари асосида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тизимларида содир бўладиган турли хил жараёнларни қамраб олганлиги тўғрисида умумий хулоса қилиш мумкин. Шунинг учун кластерларни бошқариш, ишлаб

чиқариш самарадорлигини оширишга асосланган ижобий тижорат натижасига эришишга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Портер М. Э. 1. Рақобат. Москва: "Вильямс", 2001. С. 207.
2. Фролов А.В. Зарубежный опыт формирования кластеров / А.В. Фролов // Актуальные вопросы современной науки: сборник научных статей / Под ред. проф. О.В. Буреш. – Оренбург: ООО ИПК «Университет», 2011. – Выпуск I. – С. 166-173.
3. Khalmatjanova, G. D. (2020). Mechanisms of formation of agricultural clusters in the economy of Uzbekistan. *Academia: an international multidisciplinary research journal*, 10(12), 847-852.

УЎК:330.13+338.4 (47)

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҒИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШГАН ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИ ЯРАТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ Д.Ш. Рахимов, таянч докторант, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Мақолада саноат ишлаб чиқариш тармогини диверсификациялаш бўйича айрим ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Саноат ишлаб чиқариш тармогини диверсификациялашнинг мазмуни, давлат томонидан рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари тадқиқ этилиб, Ўзбекистон иқтисодиётида самарали тажрибалардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Таянч сўзлар: диверсификация, ишлаб чиқариш таркиби, маҳсулот ассортименти, инвестиция сиёсати, юқори қўшилган қийматлар яратиши.

Аннотация. В статье рассматривается опыт некоторых развитых стран в диверсификации сети промышленного производства. Изучено содержание диверсификации сети промышленного производства, экономические последствия государственного стимулирования, определены возможности использования эффективного опыта в экономике Узбекистана.

Ключевые слова: диверсификация, состав производства, ассортимент продукции, инвестиционная политика, создание высокой добавленной стоимости.

Abstract. The article examines the experience of some developed countries in the diversification of the industrial production network. The content of the diversification of the industrial production network, the economic consequences of state incentives are studied, and the possibilities of using effective experience in the economy of Uzbekistan are determined.

Keywords: diversification, composition of production, product range, investment policy, creation of high added value.

Кириш. Мустақилликка эришганимиздан кейин бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсад сифатида белгиланган. Мустақиллик даврида мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ҳам юксалди. Ўзбекистон тарихида янги бир давр бошланди. Бу давр – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш даври сифатида тарихга кирди. Кўриниб турибдики, мамлакатда фуқаролик жамияти стратегик мақсад сифатида эълон қилиниши натижасида янги долзарб вазифалар пайдо бўлди.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунга келиб, илғор техника ва технологияларни, илмий тадқиқотлар натижаларини ўзлаштириш етарли эмас. Ҳозирги замон жаҳон бозорлари ишлаб чиқарувчиларга юқори талаблар қўймоқда, бу эса маҳсулотлар рақобатбардошлигига, ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашувига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда ва яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида олдимизда қатор стратегик вазифалар турибди. Уларнинг барчаси устувор аҳамиятга эгадир... Жамиятимиз фаровонлиги йўлидаги давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилинган дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг юқори

ўсиш суръатларини таъминлашни назарда тутади”[1, 127-128]. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши жаҳон ҳамжамиятида маълум эътирофга сазовор бўлишдан олдин турли босқичлардан ўтади. Одатда ҳар бир иқтисодий босқичга ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг ихтисослашув ва диверсификациялашувини турлича уйғунлаштириш хосдир. Ўтган асрнинг 50-йилларида ривожланган мамлакатлар биринчи бўлиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ички манбаларининг камайганлигини эътироф этдилар, бу эса диверсификациянинг бошланишига туртки бўлди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда ғарб мамлакатларидаги каби Ўзбекистонда ҳам юқори даражада индустрлашиш йўлига ўтиш жараёни кечмоқда. Шу сабабли республика ва жаҳоннинг технологик жиҳатдан илғор мамлакатлари ривожланиш даражаси ўртасидаги мавжуд тафовутни қисқартириш ёки бартараф этиш имконини берадиган жадал суръатларда модернизациялашни таъминлаш зарурати вужудга келди. Шу билан боғлиқ равишда, таркибий қайта қуриш, саноат ва инвестиция сиёсати йўналишларини такомиллаштириш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилди, буларнинг ҳаммаси диверсификация кўп қиррали жараёнида мужассамлашгандир. Диверсификация республика саноатининг хом ашёга йўналтирилганлигидан воз кечиш, ЯИМ да фан сиғимкорлиги юқори бўлган, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобига мамлакат рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Диверсификациядек бундай кўламли стратегик вазифаларни ҳал қилишга киришган ҳолда жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш тақозо этилади. Диверсификация орқали иқтисодиёт таркибини мақсадга мувофиқ ўзгартириш бўйича тажрибалар Япония, Хитой, Корея Республикаси ва Ҳиндистон каби Осиё мамлакатларида талайгина. Ушбу мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича турли вазифалар ҳал қилинган бўлсада, кўплаб умумий белгилари билан: Япония – урушдан кейин саноатни тиклаш, илгари аграр мамлакат бўлган Хитой, Ҳиндистон ва Корея Республикаси эса индустрлаштириш билан ажралиб туради. Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш масаласи кўп ҳолларда камбағаллик, ишсизлик, малакали кадрлар етишмовчилиги каби муаммолар билан қийинлашмоқда. Кўплаб мамлакатларда диверсификациянинг дастлабки босқичларида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида протекционизм сиёсати, шу жумладан, юқори божлар ёки истеъмол ва саноат товарлари импортини квоталаш, импорт қилинаётган ускуналар ва технологияларни божлардан озод қилиш билан бир қаторда, экспортларни субсидиялаш усуллари қўлланилди. Жумладан, Корея Республикасида биринчи босқичда ташқи савдо операциялари устидан қатъий назорат амалга оширилди, давлат турли имтиёзлар орқали миллий экспортларни субсидиялади.

Хитой қонунчилигида солиқ таътиллари ва имтиёзлари, имтиёзли импорт тарифлари, ишчиларни енгиллаштирилган ишга қабул қилиш ва бўшатиш қоидалари йўлга қўйилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга қўшимча рағбатлар, шу жумладан, маҳсус солиқ тартиби ва божлардан озод қилиш минтақа ҳокимликлари томонидан ташкил қилинган алоҳида иқтисодий ҳудудларда жорий қилинди [2, 176].

Стратегик устуворликлар ҳақида гапириладиган бўлса; Австрия модели кўпроқ муваффақиятли қўлланилмоқда. Табиий ресурсларга бой Австралия иқтисодиётни диверсификациялаш ва мигрантлар катта оқимини мослаштиришни амалга ошира олди.

Япония ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларига хом ашё экспортдан олинган ресурслар ички ишлаб чиқаришни диверсификациялашга ва замонавий юқори даражада индустрлашган иқтисодиётни шакллантиришга ишлатилди. Катта миқдордаги хорижий инвестициялар турли тармоқлар бўйича йўналтирилди. Уларнинг экспортдаги салмоғи узоқ вақтгача юқориликча сақланиб қолди, аммо аста-секин ички ишлаб чиқариш ҳажми пасайди. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш хом ашё экспортдан олинган ресурслар ҳисобига амалга оширилди. Қатор мамлакатларда бизнес билан маслаҳатлар сиёсати фаол қўлланилди. Японияд а ишбилармон доиралар вакилларида таркиб топган турли маслаҳат кенгашлари тузилди.

Ушбу мамлакатларда хорижий инвесторларга муносабат қулай инвестицион муҳит яратишдан тортиб, то муҳим чекловларга қадар фарқланади. Корея Республикасида 1970-йилларнинг бошлари ўзига хос инвестицион портлаш билан қайд этилди. Шу сабабли ҳукумат хорижий капитал оқиб киришининг салбий оқибатларидан эҳтиёт бўлган ҳолда мавжуд қоидаларни қайта кўриб чиқди. Қўшма тадбиркорликка устуворлик берилди, хорижий инвестицион лойиҳаларни танлашга қатъий мезонлар ўрнатилди [3, 67].

Ўзбекистон диверсификация учун нотекис ишлаб чиқаришлар билан тавсифланади. Нефть-газ ва ёқилғи-энергетика тармоқлари доирасида ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва марказлаштириш билан ажралиб туради, аста-секин капитални концентрациялашга шароит яратилмоқда. Қайта ишловчи тармоқлар ва қишлоқ хўжалиги ҳукуматнинг саъий-ҳаракатлари билан бошқа тармоқларга қараганда, анча жадал ривожланмоқда. Шу билан боғлиқ равишда, Ўзбекистонда диверсификация давлат томонидан амалга ошириладиган инқилобий жараён сифатидагина қаралиши мумкин. Республика катта табиий ресурсларга ва ривожланган ундирувчи саноат тармоғига эга. Унинг учун диверсификация стратегияси дастлабки босқичда ушбу тармоқнинг фаол амал қилишини кўзда тутди. Сўнгра эса шу асосда қайта ишловчи ва ишлов берувчи саноатнинг илгарилаб ривожланишини кўзда тутди. Республика саноатини диверсификациялашда шу сингари ўтишни амалга оширган мамлакатлар тажрибаси маълум даражада фойдали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида асосан, тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди :

- кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

- республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини куриш;

- коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

- уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг сустрлашиши муносабати билан маҳаллий бюджетларда олинмай қолиндиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молиялаштиришни таъминлаш мақсадида 2020 йилда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан 1 млрд АҚШ доллари миқдоригача ташқи қарз маблағларини, шунингдек, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари, экспорт қилувчилар ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш чораларини кўришдир.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, ривожланган мамлакатларда миллий иқтисодий таркибини ўзгартиришга қаратилган самарали воситалардан қанчалик кенг фойдаланилган бўлмасин, бироқ Ўзбекистонга юқорида келтирилган тажрибаларни тўғридан-тўғри кўчириш фикридан йироқмиз. Чунки Япония, Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси олдига қўйилган вазифалар Ўзбекистон олдига турган вазифалар ва дастлабки шароитлардан тубдан фарқ қилади.

Жамият тараққийетининг сиёсий тенденциялари ва мавжуд институтларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, иқтисодий диверсификациялашнинг турли моделлари ажратилади. Табиий ресурсларга бой – бу форс кўрфази мамлакатларининг ислом модели, Латин Америкаси ва Африка модели, Ўзбекистонга татбиқан Австралия ва Мексика каби мамлакатлар тажрибасини ҳам ўрганиш мумкин.

Австралия модели – бошидан хом ашёга йўналтирилган, замонавий ғарб жамияти сиёсий институтлари сақланиб қолган иқтисодий диверсификациялашни кўзда тутди.

Мексика модели – ёқилғи-энергетика комплекси етакчилик қилган бозор иқтисодий кўзда тутиб, унинг атрофида диверсификация амалга оширилган.

Нигерия модели – кичик диверсификация ва кучсиз сиёсий институтлар шароитида нефть тармоғини ривожлантиришга асосланган иқтисодий тавсифлади.

Республикада ишлаб чиқаришни диверсификациялаш соҳасида хорижий тажрибани самарали қўллаш учун қуйидагилар зарур:

1) уларга ишбилармон ҳамкорларнинг ишонч даражасини ошириш учун корхоналар “жозибадорлиги”ни таъминлашга эришиш;

2) ишлаб чиқаришни диверсификациялаш билан боғлиқ битимларни ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш: ишлаб чиқаришни диверсификациялашни кўзлайдиган ёки амалга оширган корхоналар фаолиятини тартибга солиш соҳасида пухта ва бир хилда талқин қилинадиган қонунчилик асосини яратиш;

3) мамлакат диверсификациялашган тузилмаларини ташкил қилиш (давлат қўллаб-қувватлаши ва давлат ёрдами) ва ривожлантиришда давлат иштироки даражасини аниқлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2021 йил.
2. Жулина Е.Г., Мягкова Т.Л., Кацуба О.Б. Диверсификация деятельности предприятия.-М.:ООО Журнал Управление персоналом, 2006.
3. Албегова И.М., Емцов Р.Г., Холопов А.В. Государственная экономическая политика: опыт перехода к рынку. - М.:Дело и Сервис, 1998.
4. Сидоренко Е.Н. Модели диверсификации экономики в условиях современного развития.//Вестник КазНУ. Серия экономическая.№5(69). 2008.
5. Рахимов, Д. Ш. (2021). Саноат иқтисодий маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни диверсификациялаш омили сифатида. Scientific progress, 1(6), 505-511.

УДК 33

ТЕНДЕНЦИИ ВЛИЯНИЯ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ ЗАНЯТОСТИ

Ф. Рашидова, преподаватель, Самаркандский Государственный Университет, Самарканд

Аннотация. Ма`lumki, O'zbekiston ichki siyosatining asosini inson manfaatlariga qaratilgan demokratik, huquqiy jamiyat qurish tashkil etadi. Bu, birinchi navbatda, mehnat motivatsiyasi va jamiyatdagi ijtimoiy himoyaga muhtoj odamlarni davlat himoyasiga olish bilan bog'liq. Maqolada muallif kichik biznes va xususiy tadbirkorlik tarixidagi bandlik muammolarini hal qilishning muayyan davrlarini o'rganib chiqadi.

Калит со'злар: iqtisodiy strategiya, ishsizlik, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, aholini ish bilan ta'minlash, investitsiya loyihalari, xorijiy hamkorlik.

Аннотация. Как известно, ядром внутренней политики Узбекистана является построение демократического, правового общества, ориентированного на интересы человека. Это, прежде всего, связано с мотивацией к трудовой деятельности и государственной защиты социально уязвимых людей в обществе. В данной статье автор рассматривает отдельные моменты истории малого бизнеса и частного предпринимательства в решении проблем занятости.

Ключевые слова: экономическая стратегия, безработица, малый бизнес, частное предпринимательство, занятость населения, инвестиционные проекты, зарубежное сотрудничество.

Abstract. *It is known, the core of Uzbekistan's domestic policy is the construction of a democratic, legal society, focused on human interests. This is primarily due to the motivation to work and state protection of socially vulnerable people in society. In this article, the author examines certain moments in the history of small business and private entrepreneurship in solving employment problems.*

Key words: *economic strategy, unemployment, small business, private entrepreneurship, employment of the population, investment projects, foreign cooperation.*

После распада Советской власти индустриально-аграрная страна стала на путь реформ. «Особенность, которую правительству страны было необходимо учитывать при выборе экономической стратегии, – это высокая плотность населения и высокая доля в нем нетрудоспособных – детей до 17 лет, пенсионеров, а также неработающих многодетных женщин»[1]. Разработанная в начале 90-х гг. прошлого столетия национальная модель предусматривала, прежде всего, переход к социально ориентированной рыночной экономике. Разрабатываемые меры и проводимые реформы в области экономики в дальнейшем должны были создать достойные условия для повышения жизненных стандартов населения и обеспечить надежные социальные гарантии в обществе. И, сегодня в рамках «Стратегии действий» проводятся реформы, связанные с формированием и дальнейшим развитием слоя реальных собственников. Главными целями социальной политики являются повышение уровня и качества жизни населения, создание условий для более полного удовлетворения материальных и духовных потребностей всех социальных групп, активизируя трудовую и хозяйственную деятельность граждан, совершенствование механизма социальных гарантий и социальной защиты[2].

На этапе перехода к рыночным отношениям в Узбекистане наряду с вышеперечисленными были такие цели, как сосредоточение государственной поддержки на действительно нуждающихся слоях населения, усиление социальной справедливости и другие. Исходя из целей основные направления социальной политики правительства велись в области регулирования доходов населения, усиления социальной защиты, улучшения демографической ситуации в Республике, а также решения проблем занятости и др. Некоторые данные указывают на то, что в преддверие распада Советского Союза в Узбекистане количество безработных достигала до 1 миллиона или 14-15 % занятого населения страны[3]. Во второй половине 80-х гг. по Республике 1 млн. 680 тыс. человек не были вовлечены в народное хозяйство[4]. Если проследить эту проблему на примере Ферганской долины, выяснилось, что в данном регионе уровень безработицы достигал больше 20 %[5]. По расчету международных организаций в середине 90-х гг. в Узбекистане уровень безработицы колебался примерно в 10 %[6]. Если в начале 90-х гг. в развитых странах 50-60 % экономически активного населения работали в сфере обслуживания и сервиса, то в Узбекистане этот индикатор не превышал и 9 %[7]. Например, в 1990 году на момент вхождения страны в рыночную экономику из 10 млн. человек, составлявших трудовые ресурсы республики, в народном хозяйстве было задействовано 7,8 млн., в 1991 году – 8,3 млн., в 1993 году 8 млн. человек [8]. В 2000 году из 12,4 млн. занятого населения 9 млн. человек были заняты в народном хозяйстве.

Первое десятилетие независимости ознаменовалось в социальной жизни страны периодическими потрясениями. В частности, между 1991-2000 гг. доля занятых в экономике заметно снизилась – с 78 до 72 %. Также в 2001 году уровень безработицы достиг примерно 7 %[9].

Как показывают источники, за последнее десятилетие в республике уровень безработицы менялся от 4,9 % до 5,8 % в 2017 году[10].

По Республике Узбекистан, в 2018 году уровень безработицы составил 9,3 % к экономически активному населению. При этом уровень безработицы среди молодежи (до 30 лет) составил 15,1%, среди молодежи в возрасте 16-25 лет превысил 17,0%, уровень женской

безработицы составил 12,9%[11]. По этой причине, руководством страны принимаются соответствующие меры по преодолению данной проблемы.

Важнейшим направлением государственной политики занятости является курс на повышение эффективности использования трудовых ресурсов. Социальную политику государства составляют такие факторы, как занятость и трудовые ресурсы, приносящие доход и создающие благоприятные условия для развития общества.

В годы независимости с целью улучшения инвестиционного климата, создания всевозможных условий для ведения бизнеса, улучшения демографической ситуации в стране, в том числе, уменьшения безработицы руководством был проделан ряд мер. Хотя сохранились некоторые аспекты командного метода управления, политика правительства была основана на двух основных принципах: во-первых, на оказании содействия уязвимым слоям населения и, во-вторых, на создании благоприятных экономических условий для развития малого и частного предпринимательства.

Проводимая с начала 1990-х годов реформа законодательной базы привела к быстрому росту количества малых и средних предприятий в Узбекистане. Приведем пример: в 1991 году в городе Ташкент вели трудовую деятельность 1256 малых предприятий и не было ни одного частного предприятия. В 1996 году в городе активно действовали 5841 малых и 4826 частных предприятий, 2/3 которых были заняты в негосударственном секторе. К этому времени в этих предприятиях работало 373,7 тыс. человек или 44,1 % трудоспособного населения города[12]. В секторе частного предпринимательства было занято 53,8 тыс. человек.

Однако, начиная с 1996 года, число таких предприятий стало резко сокращаться, что в основном было связано с продолжающимся процессом падения производства, недостаточностью финансовых средств и слабо развитой кредитной системой. В 1995 году малые и средние предприятия обеспечивали более 12 % занятости в Узбекистане, к 1998 г. этот показатель сократился на 7 %[13].

Первые нестабильные годы переходного периода разделили узбекское общество на тех, кто мог принять преимущество раннего развития рыночной экономики и тех, кто в силу различных обстоятельств не мог этого сделать. Большинство людей принадлежало ко второй категории, и они чувствовали себя обворованными, обделенными. И только со второй половины 90-х гг. правительству удалось минимизировать уровень экономического спада, который характеризовался с повышением ВВП к 2001 году. С созданием благоприятных условий для приобретения частной собственности и бизнеса, появилась новая категория людей, которые постепенно адаптировались к рыночным условиям. Они смогли взять преимущество над возможностями получения дохода от различных частных предприятий, от покупки и продажи имущества. Формирование среднего класса началось: оно охватило представителей малого и среднего бизнеса во всех секторах экономики. Если в 2000 г. субъектами малого бизнеса было произведено 30 % внутреннего валового продукта страны, то через небольшого отрезка времени, то есть по итогам 2010 г. этот показатель достиг 53 %. За 2001-2013 гг. доля занятых в промышленности и сфере услуг увеличилась с 66,6 до 72,8 % при соответствующем сокращении доли занятости в аграрном секторе с 33,5 до 27,2 %[14]. Наиболее крупные инвестиционные проекты за этот период осуществили инвесторы из Российской Федерации (5,3 млрд. долл., или 35,3 %), КНР (3,6 млрд. долл., или 23,9%), Южной Кореи (2,3 млрд. долл., или 15,7%), стран ЕС (около 1 млрд. долл., или 6,4%), Японии (279,3 млн. долл., или 1,9%) и США (52 млн. долл., или 0,3%). Наряду с крупными предприятиями, инвестиции были направлены отраслям связи, химии, транспорта и легкой промышленности.

В 2009 г., по данным Агентства по развитию финансового сектора Центрального банка Узбекистана, банки выделили субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства микрокредитов на 120 млрд. сумов больше, чем в 2008 г. Кроме того, принятые меры позволили увеличить реальные доходы населения на 26,5%, размеры зарплат, пенсий и пособий в среднем на 40%. Только в этом году в Республике было создано 949 тыс. новых рабочих мест, из них более половины были созданы в сельской местности.

Таким образом, целенаправленные усилия правительства по дальнейшему устранению административных барьеров при ведении бизнеса субъектами бизнеса помогли кардинально изменить ситуацию и помочь субъектам малого предпринимательства занять свое достойное место на международных рынках.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Социально-экономическое развитие постсоветских стран: итоги двадцатилетия. Монография. Колл. авторов. М.: ИЭ РАН, 2012.
2. Абдурахманов К.Х. Экономическая теория. Электронный ресурс. Доступ на сайте: <https://economics.studio/ekonomicheskaya-teoriya/sotsialnaya-politika-sotsialnaya-zaschita-47570.html>. (09.06.2019).
3. Тухлиев Н. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. – Т., 1999, Б. 32.
4. Рабич Р.Г. Научная конференция на тему: «Вопросы социального развития Узбекистана в процессе перестройки» // Общественные науки в Узбекистане, 1989, № 1.
5. Рахматуллаев Ш. Фаргона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). – Т.: Нишон ношир, 2017.
6. National human development report. Uzbekistan 1998. (Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1998).
7. Содиков А. Мехнат бозори: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1999, № 8.
8. Узбекистан за годы независимости. Статсборник. – Ташкент, 1993, С.24; Рахимов М.А. и др. Очерки новейшей истории Узбекистана.
9. ЦГА РУз. Ф. М-15, оп. 1, д. 947, л. 86.
10. По материалам Госкомстата Республики Узбекистан // <https://stat.uz/ru>. (09.06.2019).
11. «В 2018 году уровень безработицы в Узбекистане составил 9,3 процента». Более подробно об этом см.: <https://kun.uz/ru/news/2019/01/28/v-2018-godu-uroven-bezrabotitsy-v-uzbekistane-sostavil-93-protsenta>.
12. Ўзбекистон худудлари мустақиллик йилларида.., Б.185.
13. «Женщины в Республике Узбекистан». Краткий информационный доклад Департамента программ социального развития и окружающей среды (Восток) Азиатского Банка Развития, Февраль, 2001.
14. «Доклад по целям развития тысячелетия. Узбекистан, 2015». Под общ. ред. Г. Саидовой. - Ташкент: Центр экономических исследований, 2015.

УДК 33

КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ж.К.Салаев, мустақил тадқиқотчи, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. *Мазкур мақолада бизнесни ривожлантириши методологияси ва бизнес ҳамда тадбиркорлик тушунчалари, тамойиллари, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириши шарт-шароитлари, имкониятлари, бошқаришнинг устувор йўналишлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *бизнес, тадбиркорлик, илмий тамойил, эркинлик тамойили, инновация тамойили, рағбатлантириши тамойили, самарадорлик тамойили, кичик бизнес.*

Аннотация. *В статье описаны методология развития бизнеса, концепции и принципы ведения бизнеса и предпринимательства, условия, возможности, приоритеты управления бизнесом и развития предпринимательства.*

Ключевые слова: *бизнес, предпринимательство, научный принцип, принцип свободы, принцип новаторства, принцип стимулирования, принцип эффективности, малый бизнес.*

Abstract. *In this article described the methodology of business development, the concepts and principles of business and entrepreneurship, the conditions, opportunities, priorities of management of business and entrepreneurship development.*

Keywords: *business, entrepreneurship, scientific principle, principle of freedom, principle of innovation, incentive principle, efficiency principle, small business.*

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида асосий куч бўлиб, уни илмий-методик жиҳатдан ёритишдан аввал “бизнес” тушунчасига атрофлича тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бизнес бу оддий ҳолат эмас, унга қисқа таъриф берилса ҳам, лекин унинг мазмун-моҳияти жуда кенг қўламини ташкил этади. Бизнесга тарихий нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, унинг фаолият сифатида ташкил этилиши узоқ-узоқ даврларга бориб тақалади.

Масалан, Хитойда Конфуций, Византия давлатида, араб мамлакатларида, ЕИ мамлакатларида, “Буюк Ипак йўли” бўйидаги Осиё давлатларида ва бошқаларда бизнес иборасидан кенг фойдаланилган.

Бизнес тушунчаси хорижий ва маҳаллий давлатлар олимлари томонидан ўрганилган. Адам Смит ўзининг буюк асарида бизнес тушунчасини бу пул топиш манбаи деб ифодалаган [1]. Австриялик олим Й.Шумпетер “Бизнес – бу фойда келтирувчи фаолиятдир” деган хулосага келади [2].

Буюк Хитой файласуфи Конфуций бизнесни инсонлар ҳаракати натижасида даромад олиш деб изоҳлаган. Америкалик олим Р.Хизрич бизнесни бир янгилик деб тушуниб, ушбу жараёнда бир қийматга эга бўлиб, бунга маълум бир вақт ва куч сарфлаб, пул топишни ифодалаган [3]. Академик С.С.Ғуломов бизнесга фойда олиш манбаларидан бири деб таъриф берган [4]. Профессор Ё.Абдуллаев эса бизнес тушунчасига даромад олиш манбаидир деб изоҳ берган [5].

Бозор иқтисодиётига ўтиш бизнес методологиясини ўрганиш ва ривожлантиришни тақозо этади. Чунки, бизнеснинг бир қатор турлари ва йўналишлари мавжуддир. Масалан, бизнес, тадбиркорлик, ишбилармонлик, бизнес-режа, бизнес-жараён ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Булардан асосийлари бизнес ва тадбиркорлик турларидир. Маълумки, бизнес ва тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатади. Аммо бу турлар орасида ўзига хос ўхшашликлар ва фарқли хусусиятлари бор. Шунга эътиборан, уларга таъриф берганда ёки уларнинг маъносини ёритишда турлича ёндашувлар мавжуд. Аммо шу даврларгача ушбу тушунчаларга аниқ ва ягона бир ёндашув ишлаб чиқилмаган. Айниқса, бизнес ва тадбиркорлик тушунчасига доир хорижий илмий адабиётларда жуда кўп фикр-мулоҳазалар берилган.

Бизнес ва тадбиркорликнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Шундай бўлсада, бизнес бирламчи, тадбиркорлик эса иккиламчи бўлади. Лекин бизнес тушунчаси анча кенг бўлиб, тадбиркорлик эса ундан кейинги фаолият ҳисобланади.

Умуман олганда, тадбиркорлик энг аввало, фаолиятдан фойда олиш, ўз хусусий манфаати йўлида пул-бойлик орттириш ва хавф-хатарли ишларга қўл уриш деб таърифланиши мумкин. Тадбиркорлик бизнес таркибига кириб, бўш сармояларни банкларга бериб фойда олишни ҳам ўз манфаати йўлида амалга оширади. Демак, тадбиркорлик пул топиш, бойлик орттириш, бунинг асосида ўз фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилувчи субъект фаолиятидир. Бизнес назарияси нуқтаи-назаридан уни ташкил этиш асосларини тадқиқ этиш фанга қўшилган ҳисса бўлиб ҳисобланади. Бизнесни ташкил этиш авваламбор, бир қатор илмий тамойилларга асосланади:

1) Илмийлик тамойили – бизнесни ташкил этиш илм-фан янгиликларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

2) Эркинлик тамойили – бунда бизнес юритувчига давлат органлари исталган ҳеч қандай таъсирни ўтказмайди;

3) Инновация тамойили – бизнес доимий равишда илмий-техника янгиликларидан фойдаланган ҳолда ривожланади;

4) Рағбатлантириш тамойили - ушбу тамойил асосида бизнес юритувчиларга кредитлар, преференциялар ва бошқа имтиёзлар берилади;

5) Самарадорлик тамойили – бу тамойил асосида бизнес фаолиятни тўғри ташкил этиб, харажатларни пасайтириб, даромад олишни кўпайтиришга қаратилиши лозим.

Бизнес методологиясидан келиб чиқиб тадқиқ этадиган бўлсак, “бизнес” сўзи асосан “иш юритиш” маъносига эга бўлиб, у турлича катта-кичикликлардан шаклланади. Хориж тажрибасида бундай бўлинишлар қуйидагича ифодаланади: кичик, ўрта ва катта бизнес. Буларнинг барчаси ана шундай номланишидан қатъий назар, улар ҳар бир мамлакатдаги қонун-қоидалар, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларга тенг масъулдирлар. Аммо шу билан бирга уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Буларга ушбу бизнес жараёнлардаги бажариладиган иш ҳажми, фойдаланиладиган ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот турлари ва банд бўлганлар сони кабилар киради. Сўнгги йилларда, айтайлик, XX

асрнинг 60-70-йилларида кичик фирма ва корхоналар ривожлана бошлади. Кичик корхоналар асосан, ишлаб чиқариш соҳасида гуркираб ривожланиш йўлига ўтди. Шундан келиб чиққан ҳолда кўплаб назарийчилар ва амалиётчилар бундай корхоналарни кичик бизнес фаолияти деб баҳоладилар. Кичик корхона, яъни, кичик бизнесни бошқариш ва ривожлантириш ўзига хос хусусиятлардан иборат. Булар куйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- кичик бизнес ёки кичик корхоналарнинг эластиклиги ёки ўзгарувчанлиги;
- кичик бизнес ёки кичик корхоналарни бошқариш механизми деярли катта эмаслиги;
- катта ва мураккаб ишлаб чиқариш механизмларидан кенг фойдаланмаслик;
- ишлаб чиқариш жараёнининг жуда катта эмаслиги;
- персонал (ҳодимлар сони)нинг кичик ҳажмда эканлиги;
- инновацион ва инвестицион таъминланганлик паст даражада эканлиги;
- ишлаб чиқариш интеграцияси ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг пастлиги;
- моддий ресурслар заҳираларининг қисқа муддатлилиги;
- маҳсулот экспорти даражасининг пастлиги ва бошқалар.

1-жадвал

**Бизнес тушунчасига олимлар томонидан берилган айрим таърифлар
(Муаллиф томонидан тизимлаштирилган)**

Муаллифлар	Таърифлар
1975 й, Ричард Кантильон	Таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи инсон, унинг вазифаси капитал билан боғлиқ бўлиб, бизнес функцияларидан ажралиб туради.
1797 й, Бодо	Бизнес тадбиркорлик ишини олиб боровчи шахс корхонага эга бўлиб, унинг фаолиятини режалаштиради, ташкил этади ва назорат қилади.
1803 й, Жан-Батист Сэй	Капиталга бўлган даромад тадбиркорликка бўлган даромаддан фарқланади.
1876 й, Фрэнсис Уокер	Бунда ким томонидан берилмасин, ундан фоиз олиш
1934 й, Йозеф Шумпетер	Бизнесмен янги технологияларни яратувчи новатордир.
1961 й, Дэвид Маклелланд	Бизнесмен – бу нормал ривожланиш шароитида ҳаракатланувчи катта энергияли инсон.
1964 й, Питер Друкер	Бизнесмен – бу максимал фойда олиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланувчи инсон.
1975 й, Альберт Шапиро	Бизнесмен – бу ташаббускор инсон бўлиб, ижтимоий-иқтисодий механизмларни ташкил этади ва пайдо бўладиган таваккалчилик ҳолатларига ва муваффақиятсизликларга жавоб беради.
1980 й, Карл Веспер	Бизнесмен ва тадбиркор иқтисодчилар, психологлар, бошқа бизнесменлар ва сиёсатчилар кўз ўнгида ҳар қандай ҳолатларда намоён бўлади.
1983 й, Гиффорд Пинчот	Интрапренер ва антрепренер: интрапренер – бу антрепренер бўлиб, мавжуд корхонада ҳаракат қилиб, ўз антрепренерни, яъни, ўз бизнесидан янги корхона яратади.
1985 й, Роберт Хизрич	Бизнес (тадбиркорлик) – бу қандайдир янгилик яратувчи инсон бўлиб, қандайдир капиталга эга бўлади. Бизнесмен (тадбиркор) – бу зарурий вақт ва куч сарфлаб, ўзига барча психологик ва ижтимоий таваккалчиликларни олган ҳолда пул мукофотини олиб, эришган натижа билан ўзини қониқтиради.

Ўзбекистонда кичик бизнес (кичик корхоналар) мустақиллик йилларининг дастлабки даврида пайдо бўлди. Чунки шу даврга келиб. Мамлакатдаги барча катта корхоналар фаолияти инқирозга учраб, тўхтаб қолган эди. Бозор иқтисодиётининг бошланғич даврида мамлакатимизда бизнеснинг барча турлари ўз фаолиятини бошлаган эди. Лекин бироз вақт ўтгандан сўнг катта ва ўрта бизнес ривож топмади. Чунки, катта ва ўрта бизнесда кичик бизнесдан фарқли ўлароқ уларга зарур бўлган технологияларни етказиб бериш мураккаб бўлиб қолди, уларни хориждан келтиришга катта инвестициялар талаб қилинарди, бунга эса мамлакатимизда имкониятлар кам эди. Шу сабабли Президентимиз қарори билан 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда бизнеснинг фақат битта тури – кичик бизнес қолдирилди, қолган икки тури тугатилди. Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида жами минг кишилик кичик бизнес (кичик корхоналар) фаолият олиб бормоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан кичик бизнеснинг янги шакллари ривожланмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида янги бизнес шакллари пайдо бўлди.

Бизнес тушунчасини илмий нуқтаи-назардан эволюцион ўрганиш, унинг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мазмундорлиги кучайиб бориши бизнес методологияси учун катта илмий-амалий аҳамият касб этади. 1-жадвалда бизнес тавсифини кўриб чиқамиз. Бу давр XVII асрдан бошланган.

Жадвалда кўрсатилган таърифлардан ташқари кейинги йилларда чоп этилган адабиётларда ҳам бошқа бир қатор таърифлар келтирилган бўлиб, улар кўпчиликни ташкил этади ва жадвалда берилган таърифларга ўхшаш жойлари кўп. Шу сабабли жадвалда берилган таърифлар билан чегараландик. Илмий нуқтаи-назардан ушбу таҳлил етарли деб ўйлаймиз.

Кичик бизнес умуман бизнесдан фаркли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга. Кичик бизнес кичик корхонага монанд бўлиб, уларнинг фаолияти бир-бирига жуда яқин. Масалан, ташкилий тузилмаси, бошқариш механизми, ташкилий, иқтисодий кўрсаткичлари, транспорт ишлари ва бошқалар. Шу сабабли ишимизнинг кейинги жойларида кичик бизнес атамаси ўрнига кичик корхона атамасини қўллаб ўтамиз.

Шундай экан, кичик бизнес-кичик корхонанинг катта бизнесдан фаркланиб туриши табиий ҳолатдир, уларнинг айрим хусусиятлари шу билан боғлиқ бўлади.

Кичик бизнеснинг катта бизнесдан ёки кичик корхонанинг катта корхонадан асосий фаркли хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Кичик бизнес бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олади. Улар қисқа муддат ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ўзгартиришлари, истеъмолчиларнинг талабларига асосланган ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот нархини тезда тартибга келтиришлари мумкин. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес тезда таваккалчиликка мойил бўлади.

2. Кичик бизнес одатда катта бизнесдан фаркли ўлароқ бозор сегментининг ўзгаришига қараб товар ва хизматларни равишда амалга ошириш мумкин. Кичик бизнес тезда кўникма ва тажрибаларни ошириб, меҳнат унумдорлигини оширади ва унинг сифатини яхшилайти, моддий ва меҳнат харажатларини пасайтиради, товар нархини оширмайди ёки доимий ушлаб туради.

3. Кичик бизнесда шундай имконият борки, у ҳам бўлса капитал билан ўз ишини бошлаш ва уни доимий ошириб бориш билан боғлиқдир. Катта бўлмаган корхона тезда куриш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин, катта корхона мисолида эса аксинча – уни куриб битказиш ва ишни ташкил қилиш учун катта куч ва ресурслар талаб этилади. Кичик бизнесда тадбиркор ўзини ўз мулкининг ҳақиқий эгаси сифатида ҳокимлик, эркинлик, бошқарувчилик туйғуларини ҳис қилиб, ўз фаолиятини самарали ташкил этишга ҳаракат қилади. Кичик бизнес раҳбари ўз қўлидаги барча имконият ва иқтидорини ишга солиб ҳамда ўзининг ишбилармонлик ва шахсий сифатларидан фойдаланиб, ўз фаолиятини амалга оширади.

4. Кичик бизнес маҳаллий шароитларга, анъаналарга, урф-одатларга тезда мослашади. Булар эса кичик бизнесни маҳаллий аҳолига яқинлаштиради ва уларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имконият яратади. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли кичик бизнес фаолиятига жалб қилиб, янги иш ўринларини яратади. Бу хусусият айниқса, Ўзбекистон учун жуда зарурдир, чунки бизда тикувчилик, косибчилик, чилангарлик, заргарлик ишлари, бадий буюмлар тайёрлаш, кулолчилик, боғдорчилик, поллизчилик каби кичик бизнес йўналишлари ривожланмоқда.

5. Кичик бизнесда меҳнат муносабатлари ва меҳнат тақсимоли катта бизнесга ёки катта корхоналарга қараганда самарали ташкил этилади. Кичик бизнесда иш ҳажми катта бўлмагани учун дўстона муносабатлар тезда амалга ошади, психологик муҳит яхши бўлади, меҳнат кўнимсизлиги кам бўлади. Ҳар қандай масалалар тезда ҳал қилинади, қулай инсоний муҳит шаклланади, маҳорат ошиб боради.

6. Кичик бизнес ёки кичик корхонанинг бошқарув механизми тезда инновацияга мослашувчан бўлиб, эгилувчан тавсифга эга бўлади. Унинг бошқарув функциялари кам бўлиб, ишлаб чиқариш ва тижорат вазибаларидан иборатдир.

7. Кичик бизнес субъектлари янгиликни тезда қабул қилади ва бозор муносабатларига мослашади, самарали меҳнат фаолиятини ривожлантиради.

Кичик бизнес ёки кичик корхоналар бозор шароитларида иқтисодий кўтариш ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик корхоналар нафақат мамлакат ЯИМ га катта таъсир кўрсатмоқдалар, балки аҳолининг моддий фаровонлигини ҳам ошириб келмоқдалар. Масалан, Англия, Германия, Италия, Франция, АШ ва Японияда ҳар минг кишига 35 дан 75 гача кичик ва ўрта бизнес корхоналари тўғри келади, умумий банд бўлганларнинг 45 дан 80 % гача қисми кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади, ЯИМ да эса уларнинг ҳажми 50 дан 75 % гача тўғри келади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир давлатнинг иқтисодий барометри бўлиб кичик бизнесни ривожлантириш саналади. Ўзбекистон ҳам охириги йилларда кичик бизнес ва кичик корхоналарни барпо этиш борасида катта муваффақиятларга эришди. Кичик бизнесни ривожлантириш халқаро рейтингда 2020 йилда 8-ўринни эгаллади. Буни кичик бизнес соҳасидаги энг катта ютуқ деб белгилаймиз.

Ўзбекистон шароитида кичик бизнесни ривожлантириш энг дозарб масаладир, чунки мамлакатимизда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд, яъни, об-ҳаво шароити, қазилма бойликлар, хом-ашё ва меҳнат ресурслари етарлидир.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари сонининг тез суръатлар билан ошиб боргани куйидаги йўналишлар билан изоҳланади:

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кичик бизнеснинг сифатли маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириб бориш;

- иқтисодийда структуравий ўзгаришларни жадаллаштириш, келажакда энгил ва озиқ-овқат саноати даражасини кўтариш, хорижий хом-ашёга бўлган қарам бўлган ҳолатдан чиқариш;

- ишлаб чиқаришни тармоқли ва ҳудудий монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини ривожлантириш;

- саноатда кичик инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тезда ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

- экспортга йўналтирилган ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш;

- маҳаллий аҳолини молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланган ҳолда ишбилармонлик муҳитини кенгайтириш;

- қишлоқ аҳолиси ва кичик шаҳарларни ривожлантириш учун маҳаллий давлат органлари ва ҳокимиятларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш;

- кичик корхоналар билан катта корхоналар ўртасидаги интеграцияни кучайтириб бориш ҳисобига кичик корхоналарни етарли даражада бутловчи қисмлар ва деталлар билан таъминлашни амалга ошириш ва ҳоказо.

Юқорида баён этилган хусусиятлар кичик бизнеснинг афзаллигини ва жамиятдаги ўрни муҳимлигини ифодалайди ҳамда уни ривожлантиришнинг заруратини исботлайди. Шундан келиб чиқиб, кичик бизнеснинг ривожланиш даражаси бозор ислохотларининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатда кичик бизнес субъектлари қанча кўп бўлса, ундаги меҳнат унумдорлиги ҳам шунча юқори бўлади, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари шунчалик яхши қондирилади, ижтимоий муаммолар ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, биронта давлат ёки жамият кичик бизнесиз ривожланмайди.

Кичик бизнесни тадқиқ этишда унинг назарий ва амалий жиҳатларидан бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришда самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бизнесни ташкил этишда авваламбор хатарни олдини олишни билиш зарурдир. Бунинг учун бизнесни самарали бошқариш зарур бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, кичик бизнес кам функционалли соҳа ҳисобланади. Масалан, иқтисодий ислохотларнинг бошланғич

даврида бизнесни юритишда асосий восита бўлиб сармоя ҳисобланган бўлса, кейинчалик бизнеснинг фойдалилигини ошириш учун уни тўғри бошқариш. Бошқариш тамойиллари, усуллари, функцияларини яхши билиб олиш зарур бўлиб қолди. Чунки, АҚШ да бир кунда 1 млн кичик бизнес субъекти банкрот бўлса, яна 1 млн та кичик корхоналар пайдо бўлади. Кичик бизнесда айниқса, жаҳон бозоридаги ўзгаришларни, бозор конъюнктурасини, маркетинг асосларини, нарх шаклланиш механизми, назарияси ва амалиётини билиш зарур бўлади. Бизнеснинг ўз стратегияси ва тактикаси бор. Унинг стратегияси фойдани доимо ошириб боришни таъминласа, тактик мақсад эса доимий равишда контрагентлар билан дўстона муносабатларни яхшилаш, уларнинг эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлаш ва қондириш ҳисобланади.

Бизнесни тўғри ташкил этишда унинг персонали (ходимлари), айниқса, кичик корхоналар менежерлари муҳим роль ўйнайди. Чунки, кичик корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириб бориш биринчи ўринда персоналга боғлиқ бўлади. Шу сабабли улар бизнес қоидалари, уни ташкил этиш, бошқариш усулларини тамойилларини, фазилатларини яхши билишлари керак. Улар бизнесни ўрганиши, бизнесдан ўрганган билимлари билан иш олиб боришлари лозим.

Маълумки, ҳар қандай фаолиятда ишлаб чиқаришга йўналтириладиган сарф-харажатлар асосий ўрин эгаллайди. Бунинг учун хатарни яхши билиб олиш зарур. Чунки ҳар қандай фаолиятда ноаниқлик даражаси мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда кичик бизнесда “харажат-даромад” концепциясига эътиборни кучайтириб бориш лозим.

Бизнеснинг умумназарий жиҳатларидан бири ҳар бир жамиятда мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган бўлиб, кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган ҳар бир кичик бизнес аъзоси мулкдор саналади. Бу эса нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳани кучайтиради, балки меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширади ва жойларда камбағалликни камайтиради. Чунки бунинг асосида хусусий мулкчиликни ривожлантириш, ундан самарали фойдаланиш туради.

Бизнесда эгалик туйғусини жонлантириш орқали мамлакат ўз ривожланишида юқори марараларга эришади. Аммо бу ҳолатни яхшилашда дастлабки даврларда давлат кичик бизнесни қўллаб-қувватлаб туриши керак. Буни Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларда яққол кўриш мумкин. Айниқса, кичик бизнесни ривожлантиришга мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев жуда катта аҳамият қаратмоқдалар. Парламентга қилинган мурожаатномада кичик бизнес, кичик корхоналарни ривожлантиришга адвлат 5,9 трлн. сўмни йўналтиради. Олиб бориладиган ислохотлар натижасида 2020 йилда малакатимизда 93 минг янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, бу 2018 йилга қараганда 2 баравар кўпдир.

Ҳозирги глобал шароитда иқтисодиётда бизнес шакллари ривожлантиришда улардан самарали фойдалана олиш лозим. масалан, сўнгги йилларда, кичик бизнесда диверсификация ва кластерлаштириш сиёсати, бошқарувнинг замонавий усуллари билан фойдаланиш кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистонда қайта ишлаш саноати жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ушбу саноат хусусиятидан келиб чиқиб, вилоятларда кичик корхоналарни кўпайтириш мақсадга мувофиқ саналади. Айниқса, кластер тизимини самарали ташкил этиш юқори натижаларни бериши мумкин.

Кичик бизнесни бошқаришда ўзига хос усуллари билан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, тўғри чизиқли бошқариш усули юқорида айтиб ўтилганидек, кичик корхоналар икки муҳим функциядан иборат, яъни, ишлаб чиқариш ва тижорат функциялари. Бундан ташқари, ташкил этиш ва назорат қилиш функцияларини ривожлантириш ҳам кичик корхоналар фаолиятини яхшилайдикамчиликларни ўз вақтида бартараф қилади. Демак, кичик бизнесда доимо бошқарув механизми шакллантирилиши ҳозирги даврнинг талаби бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнеснинг муҳим методологик жиҳатларидан бири бўлиб харажатларни камайтириб, даромадларни ошириш, яъни, доимо самарадорликка эришиш саналади. Бу эса кичик бизнеснинг рентабеллигига боғлиқ ҳодисадир.

Хулоса қилиб айтганда ҳали кичик бизнес методологиясини ривожлантириш, такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш долзарб ва зарур бўлиб, уни ҳозирги шароитда пайдо бўладиган турли молиявий-иқтисодий хатарлардан ҳоли этишда катта омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Смит А. Природа и богатство народов. М.: - Экономика, 1995.
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: - Прогресс, 1982.
3. Хизрич Р., М.Питерс. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха: Вып. I. Предприниматель и предпринимательство: Пер. с англ./Общ. ред. В.С.Загашвили.-М.: Прогресс, 1992.-160 с.
4. Фуломов С.С. Менеджмент ва бизнес асослари. Т.: - Ўқитувчи, 1997, 32-б.
5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Т.: - Иқтисод-молия, 2006.

УЎК: 330.338.467.5

ТЕЗ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМЛАРИНИ ТАСНИФЛАШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ С.Санъатбеков, стажер тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада тез овқатланиш (*fast food*)нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусиятлари ҳамда ривожланган мамлакатларда тез овқатланиш корхоналарини тизими ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: тез овқатланиш (*fast food*), тез овқатланиш корхоналари, тез овқатланиш тамойиллари, тезкор хизмат, истеъмолчилар фаолияти, тез овқатланиш тизими.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности возникновения и развития фаст-фуда, а также система предприятий быстрого питания в развитых странах.

Ключевые слова: быстрое питание (*fast food*), предприятий быстрого питания, принципы быстрого питания, быстрое обслуживание, потребительская активность, система быстрого питания.

Abstract. In this article discusses the characteristics of the emergence and development of fast food, as well as the system of fast food businesses in developed countries.

Key words: fast food, fast food businesses, principles of fast food, fast service, consumer activity, fast food system.

Бутун дунёда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш соҳалари ичида, умумовқатланиш корхоналари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда, дунё мамлакатларида турли мулкчилик шаклига эга бўлган умумовқатланиш корхоналари – ресторан, кафе, бар, тамаддихона, ошхона, тез овқатланиш субъектлари ва бошқалар мавжуд бўлиб, улар бир - бирларидан ишлаб чиқарилаётган таомлар ассортиментларининг чегараланганлиги, таомлар баҳоси, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражаси каби кўрсаткичлари билан фарқланади.

Маълумки, ғарб ва европа давлатларида фастфуднинг ривожланиши натижасида тез овқатланишни ташкил қилишнинг турли шакллари пайдо бўлди. Бунда овқатланиш соҳасига ихтисослашган корхоналарнинг озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзига хос бир турини таклиф қилишга ихтисос-лашиши, шунингдек, муомалага франчайзинг каби шартномаларни кириб келиши ёрдам берди.

Шу сабабли, уй шароитида бўлмаган, яъни овқатланишнинг янги сектори - тез овқатланиш пайдо бўлишидан кўп ўтмай, бутун бир тармоқ, тизим шаклланди ҳамда ривожланди.

Демак, тез овқатланиш тизимларини таснифлашнинг биринчи босқичи уларни озиқ-овқат истеъмолини ташкил қилишнинг мавжуд асосий талабларига мувофиқлигига қараб таснифлашдир.

Мавжуд меъёрлар **учта асосий овқатни** (*нонушта, тушлик ва кечки овқат*) ва иккита оралиқ овқатни (*2-нонушта ва тушдан кейин чой*) ажратиб туради.

Асосий овқатлар (*нонушта, кечки овқат*), қоида тариқасида, уйда, тушликда - иш жойига қараб амалга оширилади. Ишчилар ва талабалар уни, қоида тариқасида, иш жойида оладилар, махсус ошхоналарда, буфетларда ўқийдилар. Бу ерда улар оралиқ овқатланишни ҳам олишади.

Ўзининг ошхонаси ва ошхонаси бўлмаган корхона ва муассасаларда ишлайдиганлар тушлик ва оралиқ овқатларни, қоида тариқасида, яқин атрофдаги умумий овқатланиш корхоналарида олишади.

Таклиф этилаётган хизматларнинг тузилишига қараб, умумий овқатланиш корхоналари икки гуруҳга бўлинади: *тўлиқ овқатланиш ва оралиқ овқатни етказиб берувчилар*.

Тўлиқ тушлик ошхона ва чойхоналарда, умумий кафе ва ресторанларда мавжуд. Илгари ресторанлар аҳолига овқатланишни тарқатишда фаол иштирок этган (*масалан, столларни олдиндан тайёрлаш билан тезкор тушлик катта талабга эга эди*). Энди ресторан ва кафелар фақат тижорат корхоналарига айланди ва оддий аҳоли учун баҳо бўйича ҳар қандай тезкор кечки овқат ҳақида гап йўқ. Шу сабабли ресторан ва кафеларни умумий овқатланиш учун ёппасига жалб қилиш масаласи ҳали ҳам очик, чунки йил сайин мижозлар, турли корпоратив тадбирлар ва оилавий ўтиришларни чойхона, кафе ресторанларда ўтказиш тенденцияси давом этаётган бўлсада, жами аҳоли таркибида уларга кирувчиларнинг улуши унча катта саналмайди.

Энди аҳолининг кенг қатламлари тўлақонли овқатланиши мумкин бўлган, баҳоли чўнтакбоп ошхоналар, меҳмонхоналар ва кафелар нисбатан кам. Чунки, кўпчилик бундай корхоналарнинг айримлари хусусийлаштириш жараёнида бошқа фаолият турларига ўтказилган.

Ҳозирги вақтда оралиқ енгил овқатлар тезкор овқатланиш корхоналари (*барча турдаги бистролар, снэск барлар, хамир овқатлар дўконлари ва бошқа ихтисослаштирилган кафелар, буфетлар*), шунингдек, кўплаб озиқ-овқат дўконлари ва чакана савдо шохобчалари кўчма овқат иситгичлари, автоуловлар кафелар, киосклар, павильонлар ва бошқалар томонидан тайёрлаб сотилмоқда.

Тижорий томондан тез овқатланиш субъектлари, таъкидланидек, муҳим афзалликларга эга ва шунинг учун уларнинг тармоғи тез кенгаймоқда. Бироқ, тўғри овқатланиш нуқтаи назаридан улар, шубҳасиз, умумий шаклдаги ошхоналар, меҳмонхоналар ва кафелардан даражаси пастроқдир, чунки оралиқ таомлар оралиқ овқат (*иккинчи нонушта ёки тушдан кейин чой*) ва табиийки, тушлик ўрнини боса олмайди.

Тушлик, овқатланиш стандартларига мувофиқ, кунлик овқатланиш энергия қийматининг 30-35 фоизини таъминлаши керак, 2-нонушта эса атиги 10-15 фоизни, тушдан кейин эса атиги 10 фоизни ташкил қилади.

Бундан ташқари, оралиқ озиқ-овқат кўпинча сифат жиҳатидан пастдадир. Шундай қилиб, Американинг МсДоналдс концернининг овқатланиш жойларида майдаланган гўшт бифштекслари таклиф этилади, бу эса ҳайвон оқсилларини истеъмол қилишни кўпайишига олиб келади. Тижорат нуқтаи назаридан, бу албатта фойдалидир. Гўшт маҳсулотлари энг фойдали бўлганлар қаторига киради. Аммо, оқилона овқатланиш нуқтаи назаридан - йўқ, чунки оқсилга бой гўшт маҳсулотлари жигар ва буйракларни парчаланадиган маҳсулотлари билан ортиқча юкланишига, овқат ҳазм қилиш аппарати секретор функциясининг ҳаддан ташқари кўтарилишига, ичак, кислота-гидроксиди мувозанатининг кислотали томонга силжиши билан организмдаги азот алмашинуви маҳсулотларининг тўпланиши, чириш жараёнларнинг кўпайишига олиб келади. Юқори оқсилли озиқланиш кон томир тизимининг ҳолатига ҳам салбий таъсир қилади (атеросклероз). Доимий равишда гамбургер истеъмол қилиш натижасида АҚШ аҳолиси семириб кетган.

Кечки овқат одатда снэке, биринчи таом, иккинчи таом ва ширин таомларни ўз ичига олади. Шу сабабли, барча асосий озиқ моддалар тушликда тақдим этилади, бу эса, албатта, танага фойдали бўлади. Ушбу омил тез озиқ-овқат маҳсулотларини уй шароитида бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини ажратиш кўрсатиш учун яна бир сабаб бўлиб хизмат қилади.

Тез овқатланиш корхоналарига келсак, улар озиқ-овқат истеъмолини уюштирадиган биноларнинг турига қараб, шунингдек таклиф этилаётган асосий маҳсулотга, уни амалга

ошириш шаклига ва бошқа бир қатор умумий хусусиятларга (*ўлчамлари ташиқил этиши, иш тартиби ва бошқалар*) эга.

Шундай қилиб, маҳсулот сотиш шаклига кўра, барча тез овқатланиш шохобчалари уч гуруҳга бўлиш таклиф этилади:

1. *Озиқ-овқат истеъмолчини ташиқил қилувчи корхоналар.*
2. *Корхонадан ташиқарида истеъмол қилиш учун олиб кетиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сотадиган корхоналар.*
3. *Озиқ-овқат истеъмол қилишини ташиқил қилувчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетадиган корхоналар.*

Ташриф буюрувчиларга тақдим этиладиган асосий таом ёки ошпазлик маҳсулотига асосланиб, тезкор овқатланиш шохобчаларини халқаро ва маҳаллий овқатларни таклиф қиладиган дўконларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро тезкор озиқ-овқатлар ассортиментининг пайдо бўлиши Америка, Европа ва бошқа ғарб давлатлари бозоридаги тез озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон бозорига кириб бориши билан боғлиқ бўлиб, шу билан боғлиқ халқаро миқёсга айланган бир қатор идиш-товуқ ва маҳсулотлар пайдо бўлди, улар нафақат АҚШ ёки Европа давлатларида ишлаб чиқарилади ва сотилади, балки бошқа кўплаб мамлакатларда, биринчи навбатда Европада, Шарқ мамлакатларида, МДХда ва хусусан Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Бундай таом ва ошпазлик маҳсулотларига қуйидагилар киради:

- тўғралган бифштекс (гамбургер);
- қовурилган жўжа ва пицца;
- япон, хитой ошхонаси таомлари;
- хот-доглар (булочка билан сосискалар);
- сендвичлар (бутербродлар).

Кўпгина овқат тайёрлайдиган корхоналар муайян бир овқат турига ихтисослашган. Баъзи мамлакатларда, шунингдек, тез овқатланиш корхоналарининг ихтисослашув предмети бўлган миллий маҳсулотлар мавжуд. Бу:

- пирожкалар (Россия);
- донутлар (АҚШ, Буюк Британия);
- крувасанлар (Франция);
- картошка билан қовурилган балиқ (Буюк Британия. Германия).

Масалан, “French quick” (Франция) фаст-фуд ресторанларида эрталаб соат 7.00 дан 11.00 гача таклиф қилинадиган нонушта крувасан булочкасида иборат бўлиб, иккига бўлиниб, ичига қуйидаги учта начинкадан биттаси солинади (europeforvisitors.com/paris/articles/quick-burger.htm):

- пишлоқ, битта қовурилган тухум ва пишлоқ соуси;
- пишлоқ, майдаланган тухум, пишлоқ соуси ва қовурилган беконнинг ингичка бўлаклари;
- пишлоқ, битта майдаланган тухум, қовурилган ингичка пастирма ва думалоқ шаклда кесилган помидор.

Сендвичдан ташқари, меҳмон иккита ичимлик кофе ёки апельсин шарбатидан бирини танлайди.

Овқатланиш вақтида нонушта қилиш учун қуйидаги ускуналар ўрнатилади:

- булочка кесиш машинаси;
- горизонтал тостер машинаси, 20 сонияда ичкаридан кесилган булочкани қовуради;
- тухум пишириш ва пастирма тушириш учун пластинка.

Тухумни қовуриш учун конфигурацияси булочкага ўхшаш шаклдаги пан ишлатилади. Тухум иккала томондан қовурилади. Пишириш вақти - 120 сек.

Худди шундай Ўзбекистонда ҳам, деярли барча минтақларда хот дог, гамбургер, қовурилган жўжа, беляши, пирожка, чебурек ёки гўмма, картошка қаламчалари, балиқ, товуқ каби ихтисослашган овқатланиш тармоқлари шаклланди.

Тез овқатланиш корхоналарида ишлатиладиган идиш-товоқ ва маҳсулотларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг тайёрланишидир, бу уларнинг тез чиқарилишига ёрдам беради. Бунинг учун тарқатилган идиш ёки маҳсулот аввал порциядан ўтиши, қадоқланиши ва шунга ўхшаш операциялар учун кўшимча вақт сарф қилмасдан меҳмонга тақдим этилиши керак. Шу сабабли, бир қатор идишлар (*масалан, чучвара, варенкалар*) тез овқатланиш корхоналарининг ихтисослашувига айланиши мумкин эмас, чунки уларга иссиқ қайнатилган ҳолда хизмат қилиш керак, бу уларни олдиндан қадоқлашни қийинлаштиради. Албатта, бу ҳолда, бундай идишларни иситиш, қадоқлаш ва уларга хизмат кўрсатиш технологиясидаги тараққиёт уларни тезкор хизматга мослаштириши мумкинлиги инкор этилиши мумкин эмас. Аммо, бунинг учун тегишли тадқиқотлар ва ишланмалар талаб этилади.

Кейиниг ўн йилликларда марказий шаҳарларда айниқ, тез тамадди қилишга ихтисослашган аксарият ҳолларда ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи корхоналар ривожланди. Шу асосда амалда ҳали тўлақонли таъминланмаган қуйидаги корхоналар турлари ажратиб кўрсатилади:

ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган ресторанлар;

озик-овқат марказлари (тез овқатланиш шохобчалари);

ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган буфетлар.

Тезкор озиқ-овқат модулларига, шунингдек олиб кетиладиган ошхона маҳсулотларини чиқариш учун бир қатор қурилмалар - турли хил павильонлар, киосклар, автокафе, трейлерлар, кўчма овқат иситгичлари ва бошқалар қиради.

Ушбу турдаги корхоналарнинг анъанавий турларидан фарқи қуйидагича.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган ресторан - бу ўз-ўзига хизмат қиладиган ошхонанинг (тарқатиш ҳисоблагичлари турига кўра) оддий ресторан билан (ташриф буюрувчилар учун залларнинг дизайни, ички дизайни ва бошқа хусусиятлари бўйича) комбинациясидир (<https://ru.wikipedia.org/wiki>).

Озиқ-овқат маркази (*фастфуд корти*) - бу ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган бир нечта овқатланиш жойларининг (*хизмат кўрсатиш столлари каби*) умумий овқатланиш хонаси билан бирлашишидир (<https://ru.wikipedia.org/wiki>).

Сотилган ошхона маҳсулотларини ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ресторанининг умумий ошхонасида тайёрлаш мумкин, сўнгра маҳсулот турлари бўйича ихтисослашган алоҳида тарқатиш пештахталаридан умумий хонага юбориш ёки ҳар бир пештахтадан умумий хонага улар тарқатиладиган жойлардан алоҳида ошхона ошхоналарида тайёрлаш мумкин.

Озиқ-овқат марказининг (фастфуд корти) афзаллиги шундаки, ташриф буюрувчилар бу ерда бир турдаги овқатни эмас, балки ҳар бир ташриф буюрувчининг шахсий эҳтиёжларига қараб ҳар хил турларини олишлари мумкин.

Фастфуд кортини яратиш ташаббускори одатда зал эгаси бўлиб, у ҳар бири битта асосий ошпазлик маҳсулотини таклиф қилишга ихтисослашган мустақил фастфуд фирмаларини ушбу залда ўзларининг тарқатиш ҳисоблагичини ташкил этишга таклиф қилади. Шундай қилиб, зални бир нечта (6-8) компаниялар ижарага олади. Уларнинг ҳар бири ўзининг тарқатиш ҳисоблагичини ташкил қилади ва маҳсулотни тарқатишга тайёрлаш учун зарур ускуналарни етказиб беради. Одатда, бу ҳолатларда микротўлқинли печлар маҳсулотларни пишириш (пишириш) ва иситиш учун ишлатилади, яъни мини-ошхоналарнинг бир тури яратилади. Ўзбекистон шароитида бундай кортлар одатда яқка тадбиркор ёки юридик шахс томонидан ташкил қилинади.

Бундай мини ошхоналарни зарур бўлган барча нарсалар билан, шу жумладан, меҳнат билан таъминлаш, тезкор овқатланиш кортини яратишда иштирок этувчи ҳар бир корхона томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Бунинг учун улар ўзларининг марказий ошхоналаридан, ишлаб чиқариш ва сақлаш жойларидан, ўз транспортларидан ва ўзларининг ишчи кучларидан фойдаланадилар.

Фастфуд кортлари ресторан ёки ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган буфетлар асосида яратилиши мумкин. Бундай ҳолда, турли хил овқатлар ва мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун тарқатиш соҳасида бир нечта ихтисослаштирилган ҳисоблагичлар ташкил этилади.

Фаст тамадди қилишга корхоналари катталиги бўйича катта (ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган ресторанлар, озиқ-овқат марказлари, ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган буфетлар), уларнинг барчаси ташриф буюрувчилар учун 100 ва ундан ортик ўриндиқли, 25 дан 100 гача ўриндиқли ўртача (снаск бар) ва кичик (модуллар ва бошқалар) 25 гача бўлган жойларга эга.

Фаст тамадди қилишга хизмат қиладиган овқат маҳсулотларининг асосини ўрта овқатланиш корхоналари ташкил этади. Хизмат кўрсатиш шаклига қараб, улар маҳаллий таомларни тақдим этиши ва қисман олиб кетиладиган овқатларни тақдим этиши ёки тўлиқ овқатланиш бўйича ихтисослашган бўлиши мумкин.

Бундай овқатланиш жойлари учун улар 45 м² майдонга эга павильонлар каби кичик корхоналар сифатида муваффақиятли ишлатилиши мумкин ва бир неча юз квадрат метр майдонга эга йирик корхоналарни ташкил этади.

Шундай қилиб, инглизларнинг энг йирик қандолат компанияси “Маз” павильонлардан фойдаланишга ихтисослашган “Пойнтерз” шўба корхонасини ташкил этди.

“Пойнтерз” менюсида тўрт хил аччиқ ва тузланган ва 2 турдаги ширин пишириқлар мавжуд. **Биринчиси** - пирожка, пишлоқ, гўшт, зираворлар билан товук ёки тухум ва жамбон билан тўлдирилган пироглар; **иккинчиси** - тўлдирилган крувасан. Шунингдек, ташриф буюрувчиларга иссиқ ва совуқ ичимликларнинг кенг танлови таклиф этилади (<http://www.pointersdelivery.com/index.php?id=menu>).

Барча нон маҳсулотлари компаниянинг ишлаб чиқариш жойларида тайёрланади ва пиширилади. Ушбу маҳсулотлар павильонларга музлатилган ҳолда етказиб берилади. Ташриф буюрувчиларнинг буюртмаси билан у 1,5 дақиқада микротўлқинли шкафларга тайёр ҳолатга келтирилади. Сотиб олиш учун иссиқ маҳсулотлар қутиларга қадоқланиб, улар асл ҳароратида 15 дақиқа давомида сақланади.

Тез овқатланиш тизимларига келсак, улар корхоналари сонига ва фаолият соҳаларига қараб таснифланиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу йўналишда республикамиз шароитида, айниқса, Хоразм вилояти мисолида шу кунгача ҳеч қандай изланишлар олиб борилмаган. Шу сабабли, ушбу муаммони ҳал қилишга уринишимиз, аслида, тез овқатланиш каби уй шароитида бўлмаган озиқ-овқатлар соҳасида вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини таснифлаш тажрибаси бўлади.

Биринчидан, биз тез озиқ-овқат маҳсулотларида ишлайдиган тизимлар илгари мустақил равишда фаолият юритаётган корхоналарни бирлаштириш орқали эмас, балки уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, аҳолига хизмат кўрсатиш учун у ёки бу турдаги фаолиятни ривожлантиришни мақсадли танлаш орқали пайдо бўлганлигини таъкидлаймиз. Қаттиқ тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат шароитида “Пойнтерз” павилёни каби алоҳида тез овқатланиш корхонаси, ихтисослашувининг торлиги ва ўлчамининг аҳамиятсизлиги туфайли у омон қололмайди. У дарҳол бузилади, бозордан маҳрум бўлади ва кучли қўшнилар ютиб юборади. Шунинг учун тез овқатланиш бозори ҳақида гап кетганда тез овқатланиш корхоналарини эмас, балки тез овқатланиш тизимларини ёдда тутиш керак. Фақатгина ушбу бозорни шакллантириш ва ривожлантиришга тизимли ёндошиш, биз ишонганимиздек, чорак асрлик чет эл тажрибага асосланиб, республикамизда янги умумий овқатланиш саноатини яратишда сезиларли муваффақиятларга эришиши мумкин.

Иккинчидан, тез овқатланишнинг индивидуал тизимларининг кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг асосий таснифлаш хусусияти, бизнинг фикримизча, фаолият соҳасининг глобаллашуви, мавжуд бозорни қамраб олиши сифатида қабул қилиниши керак.

Тавсия этилган таснифлаш хусусияти моҳиятан универсал, чунки у тизимдаги корхоналар сонини, тақдим этилаётган хизматларнинг турини, шунингдек корхона тури ва ҳажмини ва бошқаларни ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тезкор овқатланишда 6 та тизимли синфларни ажратиш мумкин, яъни глобал, миллатлараро, миллий, минтақалараро, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга.

Тез овқатланиш корхоналарнинг доимий равишда кенгайиб бориши учун асос уларнинг эгаларининг фойда олишга интилишидир. Доимий равишда ёлланма ишчилардан фойдаланиш

орқали фойда олиш, ташаббускор эгаси кўп қисмини капитализация қилади, яъни корхонасини кенгайтиришга сармоя киритади. Агар жалб қилинган бозор тўлиқ ишлатилса, тадбиркор фойда олишга интилиб, бошқа бозорларни ўрганишни бошлайди.

Жаҳон етакчилигини эгаллаб олиш учун курашда халқаро монополиялар **аутсорсинг** деб аталмиш - маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа фирмаларга (*фирмалар пудратчиларга*) сотиш бўйича шартнома асосида ўтказишдан кенг фойдаланадилар. Ҳозирнинг ўзида бир қатор саноат тармоқларида, масалан, шахсий компьютерлар ва шунга ўхшаш ускуналарда маҳсулотларнинг асосий қисми пудратчилар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, пудратчи фирмаларнинг асосий саъй-ҳаракатлари энг янги технологияларни ривожлантиришга қаратилган.

Шартнома муносабатлари (*франчайзинг муносабатларига ўхшаш*) жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги янги ҳодиса. Унинг моҳияти пировардида шундан иборатки, баъзи компаниялар бозорларни ўрганаётган фирмаларнинг ўзаро зич бирибирига чамбарчас боғлиқ, пайвандланган конгломератлари, уларнинг буюртмаси бўйича бошқа компаниялар ушбу бозорларни забт эта оладиган янги маҳсулот ишлаб чиқармоқда, бошқалари ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдалар, тўртинчиси - уни ишлаб чиқариш, бешинчи, сотиш, олтинчи, сотишдан кейинг хизматларни кўрсатиш ва бошқалар. Барча схема ёпиқ ва унга кириб бориш мумкин эмас.

Ушбу тенденция фирмаларнинг ишлаб чиқариш кўламини ошириш орқали даромадларни максимал даражада оширишга бўлган қизиқишларига асосланган бўлиб, ишлаб чиқариш, маркетинг, сотиш, бошқариш харажатларини камайтиришга имкон беради. Кўпгина ҳолларда миллий чегаралар жуда тор бўлганлиги сабабли, йирик компанияларнинг қизиқиши уларнинг товарлари ва хизматлари учун очилишини, глобал миқёсда бозорни шакллантиришни талаб қилади.

Жаҳон бозорининг асосий субъектлари ўз фаолиятининг моҳияти бўйича трансмиллий ва глобал компаниялардан иборат йирик корпорациялардир. Трансмиллий корпорациялар бир нечта мамлакатларда фаолият олиб боради ва ишлаб чиқариш, тарқатишни уларнинг ҳар бирига мослаштиради. Глобал корпорация бутун дунё бўйлаб бозорда ишлайди, барча мамлакатлар учун бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради, бу харажатларни сезиларли даражада камайтириши ва рақобатбардошлигини ошириши мумкин. Жаҳон корпорацияларининг муваффақияти кўп жиҳатдан турли мамлакатлардаги истеъмолчилар томонидан ўз маҳсулотларини тан олишига боғлиқ бўлиши мумкин. Аҳолининг ҳаракатчанлиги ошгани сабабли истеъмолнинг глобаллашуви ҳам олға силжийди: тобора кўпроқ одамлар ишбилармонлик мақсадида ҳам, дам олиш учун ҳам дунёга саёҳат қилмоқдалар. Уларнинг кўплари товар ва хизматларни (*озиқ-овқат, меҳмонхоналар ва бошқаларни*) танлаш муаммосига дуч келишмоқда. Ўз эҳтиёжларини тез ва қафолатли қондиришдан манфаатдор бўлган одамлар кўпинча маҳаллий маҳсулотлар-нинг у ёки бу номининг орқасида нима яширинганлигини (*баҳо даражаси, сифати ва бошқ.*) билишмайди, улар кутган нарсаларини муаммосиз олишни истайдилар. Ушбу қизиқиш стандартлаштириш орқали амалга оширилмоқда. Қайерга борсангиз ҳам, Ҳилтон меҳмонхонасини ёки унинг каталогидagi ёзувларини кўриб, агар сиз улардан бирида яшаш тажрибасига эга бўлсангиз, ичкарига кирмасдан, хизматнинг моҳиятини ҳам, баҳоланинг тахминий даражасини ҳам тасаввур қилиб кўрасиз. Катта йўлда “МсДоналдс” англаторувчи “М” харфини кўрганингизда, сиз ҳамма жойда маҳсулотларнинг сифати, хизматлари ва баҳолари даражаси ҳақида бир хил нарсаларни топишингизни аниқ тасаввур қилишингиз мумкин.

Тез овқатланишнинг энг йирик вакили бўлган “МсДоналдс” корпорацияси мисолида глобаллашув жараёнини кўриб чиқамиз. Ўша пайтда АҚШда жуда кўп нарса бўлган 1953 йилда кичик овқатланиш субъекти сифатида яратилган МсДоналдс тезкор хизматга қизиқиш билдирган ноу-хау - гамбургерни ихтиро қилди. Ҳозирги вақтда тез овқатланиш бозоридаги вазият глобаллашув жараёнини бошдан кечирмоқда. “МсДоналдс” корпорацияси бутун дунёдаги тадбиркорларнинг қизиқишини ўзига жалб қилиб, франчайзинг муносабатларига асосланган бозорни эгаллаш бўйича тўғри сиёсатни танлади. Корпорациянинг сиёсати

дунёнинг ҳар бир йирик шаҳрида камида битта корхонани жойлаштиришдир. Ушбу тез овқатланиш шохобчалари фойда келтирмаслиги ёки франчайзингга эга бўлиши мумкин, аммо корпорация томонидан қўллаб-қувватланиши мумкин ва бундай шароитда ҳам хизмат кўрсатиш даражаси юқори бўлиб, шундай қилиб, “МсДоналдс” ўзи учун имиж яратади.

МсДоналдс корпорацияси билан бир қаторда тез овқатланиш бозорининг яна бир гиганти “*Kentukki Freed Chicken*” дунё бўйлаб ўз корхоналари тармоғини ривожлантирмоқда. Аммо, янги бозорларни эгаллашда KFC ва “МсДоналдс” манфаатлари деярли кесишмайди, чунки улар турли хил маҳсулот турларини таклиф қиладилар (*МсДоналдс – гамбургер, KFC - товуқ маҳсулотлари*) (<https://daryo.uz/2021/05/18/dunyo-fast-fud-olami-qiroli-mcdonalds-kompaniya-tarixi-va-uning-hukmronlik-uchun-kurashlari/>).

Озиқ-овқат хизмати бозори нисбатан чексиздир. Шу сабабли, Америка монополиялари миллий бозорни ўзлаштирган ҳолда, бошқа мамлакатлар бозорларига фаол кириб боришни бошладилар. Миллий бозорнинг улкан кўлами уларга йирик молиявий капиталга эга бўлган кучли корхоналарни яратишга имкон берди, улардан фойдаланиш уларни бошқа бозорларга чиқаришни жуда осонлаштиради.

Америка монополиялари бошқа мамлакатлар бозорларига турли йўллар билан кириб боради: *товарлар ва хизматлар экспорти; капитал экспорти; қўшма корхоналарни яратиши.*

Қўшма корхоналар товарларни (хизматларни) ёки капитални экспорт қилиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган ҳолларда тузилади.

Уй шароитида бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларига келсак, идиш-товуқ, ошпазлик маҳсулотлари ва хизматларининг экспорти уларнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли чекланган: тегишли қадоклаш, музлатиш, эвакуация ёки сублимация ва бошқалар. Яқинда бозорда тобора кўпроқ турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари пайдо бўлиб, улар истеъмолга тайёр ҳолда консерва шаклида, ёки вакуумли қадоклашда ёки курук ҳолда намоён бўлмоқда.

Баъзи маҳсулотларни (*масалан, алкогольсиз ичимликлар*) узоқ масофаларга ташиш мумкин эмас. Шунинг учун уларни тайёрлаш ва идишларга қуйиш кўпинча импорт қилувчи мамлакатда амалга оширилади (*масалан, Coca-Сола, Pepsi-Сола ва бошқалар*).

Уарчи бу ташқи бозорни эгаллашнинг энг мукамал шакли бўлса-да? мамлакатдан капитал экспорти кўпинча турли ҳолатлар билан чекланади ҳамда одатда капитал йиғиш ёки ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш мақсадида экспорт қилинади.

Чет элда корхона ташкил этиш орқали капитал экспорт қилувчи (инвестор) бир қатор имтиёзларга эга. *Биринчидан*, бу арзон ишчи кучи ёки арзонроқ хом ашёни тежашга ёрдам беради. *Иккинчидан*, хорижий капитал инвесторлари солиққа оид катта имтиёзларга эга. *Учинчидан*, у ўз корхонаси маҳсулотларини сотишда, уни ташишда тежайди, божхона тўловлари ва йиғимларини тўламайди. *Тўртинчидан*, иш жойларини яратиш орқали чет эллик тадбиркор ўзини қулай имидж билан таъминлайди. *Бешинчидан*, у давлат ва маҳаллий муниципалитетлар билан чуқур ва яқин алоқаларни ўрнатади. *Олтинчидан*, у ўз инвестициялари устидан тўлиқ назоратни ўзида сақлаб қолади.

Тез овқатланишни ташкил қилишда албатта барча соҳалардаги каби иқтисодий манфаатлар ҳам алоҳида ўрин тутати. Тезкор тамадди қилишда маҳсулот ва хизматларнинг чекланган ассортименти бўлган кичик корхоналар кенг тарқалган бўлиб, бундай корхоналарни ташкил этиш доимий капитал харажатлари ва доимий операцион харажатлар талаб қилинган ҳолда сарфланган капитал тезда қопланади ва катта фойда келтиради.

Фастфудда бизнесни ривожлантиришнинг бундай шакллари ижара ҳуқуқларини ўтказиш, франчайзинг шартномалари асосида ташқаридан капитал жалб қилиш каби кенг қўлланилади. Шунингдек, уйдан ташқарида овқатланишнинг ушбу соҳаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда меҳнат тақсимотининг самарали шакллари амалга ошириш учун энг қулайдир. Бу ерда асосий таомлар ва маҳсулотларни марказлаштирилган тарзда тайёрлаш, сотиш ва етказиб бериш ва бошқалар кенг ривожланган.

Фаст тамадди қилишга хизмат қиладиган имкониятлардан фаол фойдаланган ҳолда, ушбу соҳадаги капитал тезда минглаб корхоналарнинг улкан бирлашмаларини яратди, ўз мамлакатларининг бозорларини эгаллаб олди ва бошқа мамлакатлар бозорларида ҳужумга

ўтди. Баъзи йирик фирмалар ва тез озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан Америка концерни киска вақт ичида кудратли трансмиллий корпорацияларга айланди ва уларнинг баъзилари глобал миқёсга айланди. Масалан, “Пицца Хат”, “Кентукки Фрайд Чикен” ва “Тако Белл” каби трансмиллий корпорацияларни бирлаштирган “МсДоналдс”, “Trison Global Restauranse” сингари америкаликларнинг монополиялари глобал характерга эга бўлди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда ҳам, хусусан, марказий шаҳарларда тезкор овқатланиш (фастфуд) ҳали бошланғич босқичида бўлиб, асосан йирик гипер ёки супермаркетлар ичида, марказларда ташкил қилинган ва асосан гамбургер, чизбургер, донер, лаваш, хот дог, КФС кабилар кенг тарқалган. Шунингдек, ўз навбатида тез овқатланиш корхоналари тармоини ривожлантириш аҳоли учун қулайликлар, янги иш ўринларини яратилишига, хизматлар кўрсатиш маданияти, ҳаёт сифати даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. europeforvisitors.com/paris/articles/quick-burger.htm
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. <http://www.pointersdelivery.com/index.php?id=menu>
4. <https://daryo.uz/2021/05/18/dunyo-fast-fud-olami-qiroli-mcdonalds-kompaniya-tarixi-va-uning-hukmronlik-uchun-kurashlari/>

УЎК 33

ҚОРАМОЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Ш.Қ. Тухтамишев, стажёр-тадқиқотчи, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси
иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти, Тошкент*

Аннотация. Қорамолчилик фермер хўжаликлариди инвестициявий муҳитни шилилантириши ва модернизациялашида асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириши, ишлаб чиқариши ва бошқариши жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириши орқали қишлоқ аҳолисининг турмуши даражасини кескин оширишига қаратилмоқда.

Калит сўзлар: қорамолчилик, фермер хўжаликлари, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, гўшт, сут, модернизация.

Аннотация. Основным направлением стабилизации и модернизации инвестиционного климата в животноводческих хозяйствах является резкое повышение уровня жизни сельского населения за счет углубления реформ в аграрном секторе, полного внедрения рыночных принципов в производственные и управленческие процессы.

Ключевые слова: животноводство, сельское хозяйство, инвестиции, сельское хозяйство, мясо, молочное животноводство, модернизация.

Abstract. The main focus in the stabilization and modernization of the investment climate in cattle farms is to sharply improve the living standards of the rural population through the deepening of reforms in the agricultural sector, the full implementation of market principles in the production and management processes.

Key words: cattle breeding, farming, investment, agriculture, meat, dairy, modernization.

Республикада аҳоли жон бошига гўшт, сут етиштириш ва истеъмол қилиш тиббий меъёрлар даражасидан паст. Бу инсон организми учун зарур миқдор ва меъёрларни таъминлаб бера олмайди. Шунинг учун республика ҳукумати мамлакатнинг чорвачиликни ривожлантиришига қаратилган йирик дастурлар, қонунлар, қарорлар ва турли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан жорий йилнинг 3 март санасида чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-5017-сон қабул қилинди. Бундан асосий мақсад ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва

балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш демакдир.

Қорамолчилик тармоғини жадал ривожлантириш халқимизни арзон ва сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришда муҳим ўрин тугади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари қорамолчилик тармоғида маҳсулот таннархини пасайтириш ва аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун аграр тармоқни барқарор ривожлантириш тизимини такомиллаштириш масаласи бозор тамойилларига тўлиқ жавоб беради деб бўлмайди. Шу боисдан фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ва аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўллари излаб топиш ва амалиётга жорий этиш механизмлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Кейинги йилларда Республикамизда йирик, илғор замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш жараёнларига эга бўлган чорвачилик комплекслари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, Термиз туманида Ўзбекистон Темир йўллар ДАК томонидан “Наврўз” наслчилик чорвачилик мажмуаси, “Шўртан нефтгаз” унитар корхонаси чорвачилик тармоғи, Ховос туманида “Енерго насл чорва” шўба корхонаси, Сирдарё туманидаги “Интер Милк” сутчилик комплекси, Жиззах туманидаги “Милк Фудс” МЧЖи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг чорвачилик мажмуалари шулар жумласидандир.

Ушбу чорвачилик мажмуаларида ишлаб чиқариш жараёнлари, бино ва иншоотлар тўлиқ замонавий технологиялар асосида жиҳозланган бўлиб, уларда маҳсулотларни қайта ишлаш ташкил этилган.

Ҳозирги кунда қорамолчилик хўжаликларининг фаолиятига ички инвестицияларни жалб қилишда ҳамда тармоқни модернизациялашда қуйидаги муаммолар кўзга ташланади:

- инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги;
- маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги;
- инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири - молиялаштиришнинг муқобил усуллари (лизинг, факторинг, кимматли коғозлар бозори) суст фойдаланиши;
- инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- хом ашё сотиб олишга айланма маблағлар етишмаслиги;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом ашёнинг етишмаслиги (гўшт, сут, ва бошқа.);
- инфратузилмага оид муаммолар, жумладан корхоналарнинг электр энергияси билан мунтазам таъминланмаётганлиги ёки табиий газ ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар борлиги;
- технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги;
- корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг паст даражадалиги;

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;

- корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси ва табиий газ билан тامينлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- технологик асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этиш, тежамкор технологияларни танлаш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

- ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишланган ўқув машғулоти, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни йўлга қўйиш ва бошқалар.

Қорамолчилик фермер хўжаликларда инновацион ривожлантириш орқали самарадорлигини ошириш учун қуйидаги масалаларга этибор қаратиш лозим:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгаллик қилиш ва уларни сифатини такомиллаштириш.

- чорвачиликни интенсивлаштиришда наслчилик ишларини илмий асосланган ҳолда йўлга қўйиш, илғор технологияларни тадбиқ қилиш, интенсив боқишни ташкил этиш.

- маҳсулот ишлаб чиқаришни такомиллашган технология асосида сифатини яхшилаш ва уни рақобатдошлигини таъминлаш, комплекс механизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш.

- изчиллик билан интенсивлаштириш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш.

- айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш, бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган озуқа сарфини максимал камайтириш.

- маҳсулот сифатини яхшилаш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

- тармоқларни марказлаштириш, мақсадга мувофиқ ихтисослаштириш ва жойлаштиришни тўғри ташкил этиш

- соҳани тижоратлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацион алоқаларни кучайтириш.

Бугунги кунда бутун дунёда озиқ-овқат инқирозини инobatга олган ҳолда кейинги йилда чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш пировард натижада аҳолини сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Чорвачиликда сервис хизмати фаолияти турларини кенгайтириш ва бу борада мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга вилоят, туман ва ҳудудлар даражасида алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

2. Чорвачилик субъектларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳар бир гектар озуқабоп экин майдонларидан камида 10-12 тонна озуқа бирлиги микдорида озуқа жамғариш. (бугунги кунда аксарият туманларда гектардан бор йўғи 4-5 тонна озуқа бирлиги олинмоқда).

3. Такрорий ва оралик экинлар экишни кўпайтириш ҳисобига қўшимча озуқа базасини мустаҳкамлаш чорасини кўриш.

4. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорва молларига намунали зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш ва сифат даражасини ошириш мақсадида зооветеринария пунктларининг ва ветеринария лабораторияларининг биноларини замонавий кўринишда таъмирлаш ва модернизация қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5017-сонли Қарори.

2. А. Абдуғаниев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. Т., 2010.

3. Ю.Б. Юсупов, С.Лерман, А.С. Чертовитский, О.М. Акбаров. Ўзбекистонда Чорвачилик. Бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. “Насаф” нашриёти, 2010.

4. Носиров У.Н. Қорамолчилик. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашириёти – 2001.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Г.Ш. Ханкелдиева, и.ф.д., проф., Фаргона политехника институти, Фаргона
И.Б. Хамракулов, тадқиқотчи, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Бугунги кунда бутун дунёда маҳсулот ва хизматлар сифати масалаларига катта эътибор қаратилиб келмоқда. Маҳсулотнинг асосий мезони бўлмиш сифат халқ фаровонлиги ва соғлиги учун улкан аҳамият касб этади. Шунингдек, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш бозордаги рақобат билан курашишнинг асосий воситаларидан биридир. Сифат тизимларини такомиллаштириш ва ташиқлотларни бошқаришнинг мавжуд моделларини қайтадан кўриб чиқиш орқали давлат иқтисодиётининг умумий самарадорлигига эришиш мумкин.

Калим сўзлар: сифат бошқаруви, экспорт, импорт, сифат, сифат менежменти тизими, жараён.

Аннотация. На сегодняшний день во всем мире передается огромное значение вопросам качества продукции и услуг. Всем известно, что качество как основной критерий к продукту имеет важное значение для благосостояния и здоровья народа. Также для любой организации, приоритетом является повышение качества продукции и услуг как основного инструмента для борьбы с конкуренцией на рынке. Эффективности государственной экономики в целом можно достичь путем совершенствования системы качества и пересмотра существующих моделей управления организациями.

Ключевые слова: менеджмент качества, экспорт, импорт, дефект, качество, система управления качеством, процесс.

Abstract. Nowadays, a great deal of attention is paid to the quality of products and services around the world. Quality, which is the main criterion of a product, is of great importance for the well-being and health of the people. Improving the quality of products and services is also one of the main tools to combat competition in the market. By improving quality systems and reviewing existing models of organizational management we can achieve the overall efficiency of the state economy.

Keywords: quality management, export, import, defect, quality, quality management system, process.

Кириш. Ўзбекистонда тикув-трикотаж саноатида юкори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлаша олувчи миллий брендларни шакллантириш, халқаро бозорларда барқарор устунлигини таъминлай оладиган брендинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича менежмент тизимини йўлга қўйиш, миллий маҳсулотларни сифат даражасини халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур муаммоларни самарали ижросини таъминлаш мақсадида «юкори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорларига илгари суриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялар, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» [1] каби вазифлар устувор йўналиш сифатида белгиланган. Тикув-трикотаж маҳсулотлари брендини шакллантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг сифат менежмент тизимини йўлга қўйиш орқали корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда кўшилган қийматни яратиш долзарб муаммолар қаторига киради.

Жаҳонда тўқимачилик саноати маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш борасида сифатни бошқаришнинг статистик усуллари, сифатни танланма назорат қилиш жадваллари, TQC, TQSC, TQM, ISO 9000 каби халқаро стандартларни жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда саноат маҳсулотлари сифатини баҳолаш ва бошқариш, сифат менежменти тизимини такомиллаштириш бўйича ISO 14000, QS

9000, ISO 9000:2005 серияли стандартлар ҳамда EQMS дастури кабилар устувор даражада аҳамиятли ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили

Таъкидлаш лозимки, АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа каби давлатлар илмий-назарий жиҳатдан корхоналарда сифат даражасини, асосий тушунча ва тамойиллари қуйидаги олимларни Э. Деминг, Дж. Джуран, К. Исикава, Ф. Кросби, Дж. Стинг, А. Фейгенбаум, Дж. Харрингтон, В. Шухарт, Е. Кондо, Г. Нив, В. Лапидус, Л.Закса, Х.Куме, Д.Мердокларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Сифат менежментини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатларини ўрганиш бўйича маҳаллий олимларимиздан *Р.Исматуллаев, Ш.Тураев, Н.Халилов, М.Бадалова, Д.Раҳимовалар* томонидан ўрганилган.

Тадқиқот методологияси

Ҳозирги кунда тўқимачилик саноати корхоналарида тармоқ стандартларига меъёрий ҳужжатларга ва техникавий шартларга асосланган тўқимачилик маҳсулотларини сифатли ишлаб чиқарилишига қаратилган комплекс сифатни бошқариш системаси жорий этилган. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Бизнинг фикримизча, жаҳон стандартларига жавоб берадиган тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тўқимачилик саноати корхоналарига ИСО 9001 сериясидаги жаҳон стандартларига асосланган сифат менежменти системасини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

ИСО 9001-2015 стандартларига мувофиқ сифат – бу ишончлик, яхши хизмат кўрсатиш, аниқлик ва ўзига хос муайян шартларга жавоб беришдир.


Сифат менежменти системаси бу – олдимизга қўйилган мақсадларга энг самарали, барча шартларимизни қаноатлантиришга имкон берадиган, мақсадларимизга эришишнинг энг самарали йўллари билан берадиган ишлаш услубидир.

ИСО 9001 стандартлари бу – авваламбор сифат менежменти системасидир. Бу система маҳсулотни доимий равишда бир хилда юқори сифатли ишлаб чиқаришини таъминлаш ва бошқаришга имкон беради.

ИСО 9001 стандартлари ёрдамида тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятининг мўтадиллигини, уларнинг ўзаро бир-бирига мувофиқлигини таъминлаш, яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни олдини олиш, хом ашё сарфини қисқартириш, сифатни таъминлаш ва истеъмолчининг ишончига эришиш орқали корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишга эришиши мумкин.

Тўқимачилик маҳсулотларини хориж бозорларига йўналтириш учун ИСО 9001 сериясидаги стандартлар билан бир қаторда ривожланган хориж мамлакатларининг тўқимачилик саноати маҳсулотларига нисбатан ўрнатилган миллий стандартларидан, шунингдек ЕИ стандартларини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сифат менежменти тизимини жорий этишнинг асосий элементларидан бири истеъмолчилар талабига йўналтирилганлигидир. Истеъмолчилар билан доимий алоқаларнинг ўрнатилиши ва уларнинг эҳтиёжини, талабларни доимий таҳлил қилиш йўли билан сифатни доимий яхшилаб бориш ҳам тўқимачилик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга имкон беради.



1-расм. Тўқимачилик саноати корхоналарида сифат менежменти тизимининг модели

Тўқимачилик корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий этишда корхона раҳбарияти алоҳида роль ўйнайди. Бунда сифатни соҳасидаги сиёсатга йўналтирилган стратегия, сифат соҳаси бўйича мақсадларга эришиш тактикасига шунингдек ишлаб чиқариш корхонасининг барча бўлинмалари бўйича сифатни таъминлашга, яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Глобал коммуникацион технологияларнинг ривожланиши кийимлар харидорларига хорижий етказиб берувчилар, истеъмолчилар маълумотига кириш ва компанияларга бутун дунё бўйлаб истеъмолчилар билан алоқа қилиш имкониятини яратиб, дарҳол дунё бўйлаб, глобал миқёсда коммуникация қилиш имкониятини яратди. Ушбу ҳолатлар барча мамлакатларда кийимларнинг маҳаллий брендлари билан кучли рақобатга киришувчи хорижий брендлар салмоғини янада оширишга имконият яратган.

Таҳлил ва натижалар

Республика аҳолисини ва ташқи истеъмолчиларни тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, истеъмол бозорига сифати кафолатланган маҳсулотларни етказиб бериш мақсадида тармоқни 2019-2030 йилларда ривожлантиришнинг стратегик дастурида тармоқ корхоналарининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2030 йилга бориб, республика ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 15 %дан ортиқ бўлиши, яъни тармоқнинг ҳар йили 15-18 % ўсишини таъминлаш белгиланган. Сифат менежменти тизимини тўқимачилик саноати корхоналарига татбиқ этиш корхона иш фаолиятининг барча параметрлари бўйича сифатнинг яхшиланиши ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. мамлакатда тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йиғириш 2014 йилга нисбатан 2020 йилда 5,1 мартага ёки 24105,9 млрд. сўмга, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан 2020 йилда 7,6 мартага ёки 3364,7 млрд. сўмга, тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш 2014 йилга нисбатан 2020 йилда 10,2 мартага ёки 451,4 млрд. сўмга, бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан 2020 йилда 1,5 мартага ёки 2064,8 млрд. сўмга ортган.

Жадвал маълумотларига кўра, 2014-2020 йиллар давомида ип маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 мартага, тайёр мато ишлаб чиқариш 1,7 мартага, трикотаж газлама ишлаб чиқариш 3,8 мартага, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,5 мартага ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,4 мартага ортиб бориши кузатилади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси [2]

Йиллар	Қалава ип (минг тонна)	Тайёр мато (млн. кв. м.)	Трикотаж газлама (минг тонна)	Тикув-трикотаж маҳсулотлари (млн. дона)	Пайпоқ маҳсулотлари (млн. жуфт)
2014	257,8	246,9	37,3	294,8	39,2
2015	307,2	258,3	41,2	339,6	47,9
2016	348,6	285,7	51,1	391,6	64,0
2017	403,7	302,6	69,9	452,3	102,0
2018	448,9	348,9	89,9	536,0	135,0
2019	515,8	380,7	112,3	622,4	184,8
2020	592,7	415,4	140,4	722,8	252,9

2-жадвал

Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари бўйича экспорт ва импорт ҳажми [3], млрд. сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Экспорт							
Республика бўйича	910,3	883,7	922,9	1 133,6	1 300,3	1427,2	1566,6
<i>шундан:</i>							
Фарғона вилояти бўйича	213,3	203,3	216,8	266,2	281,9	303,5	326,7
Импорт							
Республика бўйича	103,6	84,6	79,9	138,8	178,2	213,0	254,7
<i>шундан:</i>							
Фарғона вилояти бўйича	2,7	1,9	2,5	5,8	8,8	12,8	18,9

Жадвалдаги маълумотлар таҳлили 2014-2020 йиллар оралиғида мамлакатимизда ип, тайёр мато, трикотаж газлама, тикув-трикотаж маҳсулотлари ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортганини кўрсатади. Тўқимачилик корхоналарининг техник салоҳияти ортиб бориши ўз навбатида маҳсулот тури ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини таъминловчи омил вазифасини бажаради.

Ҳозирда юртимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари 50 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Уларнинг ичида асосий экспорт бозори бўлиб, МДХ давлатлари, хусусан Россия Федерацияси ҳисобланади. Бундан ташқари, Латин Америкаси, Европа Иттифоқи, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Эрон, Исроил, АҚШ давлатларига тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспорт қилиб келинмоқда.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодий тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинмаган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси аъзолари 2021 йил 1 январгача тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган ва белгиланган тартибдаги иловага кўра республика бўйича ишлаб чиқарилмайдиган пахтали, сунъий ва синтетик толалар, жун, хом ашё ва бошқа материаллар учун (божхона расмийлаштиришлари учун йиғимдан ташқари) божхона тўловларидан озод этилади. Ушбу солиқ имтиёзлари соҳанинг ривожланиши учун энг муҳим омиллардан саналади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қиладиган бўлсак, хориж бозорлари талабларига мос экспортбоп тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этганда, албатта халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш керак. Ишлаб чиқаришни ташкил этганда, жараёнли бошқарувга асосланиш, жараёнларнинг ўзаро узвийлигини, уларнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда ҳар бир жараён бўйича сифатни таъминлаш керак. Шу билан бирга, энг аввало жаҳон бозорларидаги тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабни, тенденцияни чуқур ўрганган ҳолда, маҳсулотни лойиҳалаш ва конструкциялаш ишларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрда ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.
3. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган
4. Deming, E., (2014) Out of crisis: The new paradigm for managing people, systems and processes, 6th edition, Alpina publisher, Moscow, 2014 (Russian version)
5. Faingenbaum, A.V., 2003, Total quality control, McGraw-Hill book company, New york, 3rd edition.
6. Г.Ш. Ханкелдиева. Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқаруви сифат даражасини баҳолаш. «Biznes-эксперт» журналі, 2020 й. 9-10-сон., б.22-24.
7. Г.Ш. Ханкелдиева. Ўзбекистонда хизматлар бозорини ривожлантириш истикболлари «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журналі, 2020 й., 5-сон., б.242-249. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/30_Xonkeldiyeva.pdf
8. Mirzaev A. T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD).—2020.—pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>.
9. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>

УЎҚ 33

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

О.Қ. Хатамов, и.ф.д., доц., Термиз давлат университети, Термиз

С.Т. Тошалиева, таянч докторант, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик ривожланишини иқтисодий-статистик баҳолаш усуллари илмий тадқиқотлар асосида кўриб чиқилган, вилоятда унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ўрганилган ҳамда уларни бартараф этиш йўлларига доир ёндашувлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, мақолада Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик ривожланиши иқтисодий-статистик таҳлил қилиниб, уни янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик тадбиркорлик, тадбиркорлик ривожланишини баҳоловчи иқтисодий-статистик кўрсаткичлар, иқтисодий-статистик баҳолаш

Аннотация. В статье на основе научных исследований рассмотрены методы экономико-статистической оценки развития малого предпринимательства в Сурхандарьинской области, изучены проблемы, препятствующие его развитию в регионе, и разработаны подходы к их устранению. В статье также анализируется экономико-статистический анализ развития малого предпринимательства в Сурхандарьинской области и разрабатываются научно обоснованные предложения и рекомендации по его дальнейшему совершенствованию.

Ключевые слова: малый бизнес, экономико-статистические показатели, оценивающие развитие предпринимательства, экономико-статистическая оценка

Abstract. In the article, the methods of economic-statistical evaluation of the development of small business in the Surkhondaryia region were considered on the basis of scientific research, the problems hindering its development in the region were studied and the approaches to their elimination were developed. The article also analyzes the economic-statistical analysis of the development of small business in the Surkhondaryia region and develops scientific-based proposals and recommendations for its further improvement.

Key words: small business, economic-statistical indicators that assess the development of entrepreneurship, economic-statistical evaluation

Кириш. Кичик тадбиркорлик вилоят иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, унинг иштирокисиз минтақа иқтисодиётини ривожланишини тасаввур қилиш мумкин эмас. Кичик тадбиркорлик ўзининг ҳаракатчанлиги ва кенг қамрови билан вилоят иқтисодиётини барқарор

ва доимий ривожланишини таъминлашда ёрдам беради. Кичик тадбиркорлик турли иқтисодий фаолиятларни амалга ошириши ва иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олиши мумкин. Кичик тадбиркорликнинг энг муҳим хусусиятлари инновацияга асосланганлиги ва бозордаги этишмовчилик ҳолатларини самарали бартараф эта олишидир.

Кичик тадбиркорлик вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнаб, худуддаги ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги энг асосий куч ҳисобланади: иқтисодий барқарор тузилмани шакллантиришга ёрдам беради, у ёки бу бозордаги ўзгаришларга тез мослашувчан, маҳаллий бюджет даромадлари кўпайишини таъминлайди, инновацион янгиликларни яратувчиси ҳисобланади. Кичик тадбиркорликнинг худуд иқтисодиётига таъсирини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

-янги иш ўринларини яратилиши, бандлик даражаси ошиши, ўз-ўзини иш билан банд этишнинг кенгайиши;

-аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши;

-бозор талабининг қондирилиш;

-худудий бозорларнинг ривожланиши;

-худуднинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

Айнан кичик тадбиркорлик корхоналари харидорларга индивидуал ёндашади ва тор ихтисослик натижасида талабни тўлиқ қондиради, йирик бизнес эса оммавий истеъмолга йўналтирилган бўлади. Шу билан бирга кичик тадбиркорлик йирик компаниялар ва истеъмолчилар ўртасида воситачи вазифасини ҳам бажаради [1].

Ўрганилган адабиётлар таҳлили.

Кичик тадбиркорлик ва унинг худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини иқтисодий-статистик баҳолаш билан боғлиқ тушунчалар бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан, А.Ю.Чепуренко [13], П.Л. Глухих[5], О.В.Лускатова, О.Е.Гленкова, В.А.Шалова [9], Е.А.Кремин, Е.А.Мазиллов [8], А.Ю.Чепуренко[14], И. Е. Чепляева [15], С. Ю. Егорихина [7] томонидан илмий асосланган ҳолда ўрганилган.

Республикадаги етук иқтисодчи олимлар С.С.Фуломов [18], Ё.Абдуллаев[2], Т.Дўстжанов[6], М.И.Шепелев[16], Қ. И. Муфтайдинов[10], М.Р.Болтабоев, М.М.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаев, Б.К. Ғойибназаров[4], Н.М.Соатов[12], Т.Ш.Шодиев[17], Б.Б.Беркинов[3], С.К.Салаев[13], У.У. Иноятов, О.Қ.Рихсимбоевлар[11] кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш асосида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқот методологияси худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни баҳолаш бўйича мажмуавий иқтисодий-статистик ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат. Худуд иқтисодиётини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш асосида унинг иқтисодий имкониятларини тўлақонли баҳолаш, стратегик ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқаришда иқтисодий таъминланганликни мажмуавий баҳолаш имкониятини беради. Амалга оширилган иқтисодий-статистик таҳлил натижасида ушбу худудда вужудга келган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Таҳлил ва натижалар


Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда иқтисодий барқарорлигини таъминлашда кичик тадбиркорликни ўрни бекиёсдир. Жумладан, 2020 йилда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 53,9 фоизни, иқтисодиётда жами бандларга нисбатан кичик тадбиркорлик соҳасида бандлар улуши 73,8 фоизни ташкил этди. Ҳар 1000 нафар аҳолига нисбатан кичик тадбиркорлик субъектлари сони 15,6 бирликка тенг бўлди.

Кичик тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги бекиёс ўрнини ҳисобга олиб, ҳукуватимиз томонидан ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг ислохотлар амалга оширилиб, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда Сурхондарё вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган сайи-ҳаракатлар натижаси


ўларок 2020 йилда кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши 77,1 фоизини ташкил этди. Ҳар 1000 нафар аҳолига нисбатан кичик тадбиркорлик субъектлари сони 9.5 бирликка тенг бўлди. Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар умумий сони 21563 тага етиб, ўтган йилга нисбатан 39 фоизга кўпдир. Худудда тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорликка 2015 йилда 742 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилган бўлса, 2020 йилга келиб, 2598 миллиард сўмга етиб, қарийб 3.5 баробар ошганлигини кўриш мумкин.

Таҳлилларни давом эттирар эканмиз, Сурхондарё вилоятидаги КБХТ ривожланишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикасини келтириб ўтмоқчимиз (1-расм).



1-расм. Сурхондарё вилоятида КБХТ ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, кичик тадбиркорликда бандлар сони 2010 йилда 588300 кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, 785200 кишига етган, яъни 33,4 фоизга кўпайган. Йиллар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари сони ўзгариш динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда 8635 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 21563 тага етган, яъни 2.5 баробарга ошган. Кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши кузатилаётган йиллар давомида бир маромда ошиб борган, яъни 2010 йилда 243,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, 19207.1 млрд.сўмга етган.



2-расм. КБХТ соҳаси ялпи маҳсулотининг вилоят ва республикадаги улуши динамикаси


Бундан кўринадики, йиллар давомида кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши ортиб борган. Кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 2019 йилда 77.9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, 77.1 фоизга тенг бўлган. Бу ҳолат 2020 йилда йирик корхоналар улуши ошиши билан изоҳланади.

Таҳлиллар узвийлигини давом эттирган ҳолда 2-расм маълумотларига эътиборни қаратамиз. КБХТ соҳаси ялпи маҳсулотининг вилоят ва республикадаги улуши динамикаси йиллар бўйича бир маромда ошганлигини кўриш мумкин (пандемияни ҳисобга олмаганда).

КБХТнинг республика ЯИМдаги улуши 2010 йилда 52.5 фоизни ташкил этган бўлса, йиллар давомида секинлик билан ошиб бориб, 2016 йилга келиб, 64.9 фоизга етган, кейинчалик бу барқарорлик аста-секинлик билан пасайиб бориб, 2020 йилга келиб 53.9 фоизга тенг бўлган. Бу пасайишни пандемия келтириб чиқарган иқтисодий инқироз билан ҳам изоҳлаш мумкин. Вилоят бўйича бошқачароқ ҳолатни кузатиш мумкин, яъни кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши йиллар давомида барқарор ўсиб борган. 2010 йилда 71.7 фоизни, 2020 йилга келиб эса 77.1 фоизни ташкил этган.

Сурхондарё вилоятида КБХТнинг асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўриш мумкин (3-расм).


Маълумотлардан кўришиб турибдики, кичик тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 2019 йилда 99 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 97.3 фоизга тенг бўлган. Кичик тадбиркорликнинг саноатдаги улуши эса мос равишда 42 ва 47,3 фоиз атрофида бўлган. 2020 йилда кичик тадбиркорликнинг саноатдаги улуши 5,3 фоизга ошган. Ушбу ҳолатни чакана савдо айланмасида ҳам кузатиш мумкин, яъни 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 0,8 фоиз ўсишга эришилган.



3-расм. Сурхондарё вилоятида КБХТнинг асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

Кичик тадбиркорликнинг инвестициялардаги улуши 2019 йилда 73.3 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2020 йилга келиб эса 44 фоизга тушиб кетган, яъни -29.3 фоизгача пасайиш кузатилган.


Вилоятда рўйхатдан ўтган кичик корхоналарда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари улуши динамикасини ўсиш тенденциясига эга (4-расм). 2015 йил биринчи январ ҳолатига кўра Сурхондарё вилоятида жами 11344 та кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, унинг 9062 таси яшаб қолган, яъни бу кўрсаткич 79.9 фоизга тенг бўлган. 2019 йил 1 январ ҳолатига ушбу кўрсаткичлар мос равишда 15438 ва 15172 тани ташкил этган, яъни кичик тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси 98.2 фоизга тенг бўлган. Кузатилаётган йиллар давомида кичик корхоналарнинг фаоллик даражаси мунтазам ошиб бориш тенденциясига эга бўлган. 2020 йилга келиб корхона ва микрофирмаларнинг яшовчанлик даражаси 97,8 фоизга тенг бўлган, яъни 5035та кичик корхона яратилиб, 912 таси тугатилган.



4-расм. Сурхондарё вилояти бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг фаоллилик даражаси

Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг рўйхатга олиш ва тугатиш коэффициентлари 2010–2020 йиллар давомида фаолият юритган кичик корхона ва микрофирмаларга nisbatan яратилган ҳамда тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг foizdagi ulushi sifatida hisoblab chikilgan (5-расм).

Кичик корхона ва микрофирмаларни яратиш ва тугатиш коэффициентлари ўртасидаги фарқ соф ташкил этилган субъектларни mavjudlariga nisbatan foizdagi ulushi sifatida qaraladi. Maълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 ва 2015 йилларда кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг яратиш коэффициентининг кескин тушиб кетиши oқибатида соф яратиш коэффициенти mos ravishda -0.3 ва 3.8 foizni tashkil etgan. 2013 йилда худудда 918 та корхона яратилиб, 968 та корхона ва микрофирмалар тугатилган ва соф яратиш коэффициенти salбий natijani aks ettirgan. Keyingi pasayish darajasi 2018 йилга tўғри kelgan va соф яратиш коэффициенти 3.3 foizni tashkil etgan.



5-расм. Сурхондарё вилояти бўйича кичик тадбиркорлик корхоналарининг яратиш ва тугатиш коэффициентлари

Юқорида амалга оширилган статистик таҳлиллар натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, худуд ЯХМдаги пасайиш ҳам айнан ушбу йилларга mos kelaётганligini inobatga olib ЯХМ ва кичик корхоналарни соф яратиш коэффициенти ўртасида boғлиqlik mavjud degan xulosaga keliшимiz mumkin.

Биз амалга оширган тадқиқотларимиз жараёнида кичик корхоналарнинг яшовчанлик коэффициентини таҳлилий ўрганиб чиқдик, ушбу таҳлил жозибадорлигини ошириш ва янада чуқурроқ таҳлил қилиш учун Сурхондарё вилояти худудлари кесимида ҳам таҳлил қилишни лозим топдик (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2017 йилда энг юқори яшовчанлик коэффициенти Термиз шаҳри, Термиз тумани, Жарқурғон, Ангор, Денов туманларига тўғри келган. Қолган туманларда ҳам яшовчанлик коэффициенти барқарор ҳолатда сақланган. Таҳлил этилаётган 2018–2020 йилларда ҳам корхоналарнинг фаоллиги 88 ва 100 foiz atrofiga бўлган, яъни ушбу кузатилаётган йиллар мобайнида кичик корхона ва микрофирмалар деярли ўз фаолиятини


тугатмасдан яшаб қолган. Кузатилаётган барча йиллар давомида Термиз шаҳри, Термиз тумани, Ангор, Денов туманлари яшовчанлик коэффиценти юқорилигича сақланиб қолган.

1-жадвал

Сурхондарё вилояти бўйича туманлар кесимида КБХТ субъектларининг фаоллилик даражаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг улуши, %			
		01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.
	Вилоят бўйича жами	92,7	95,5	99,5	98,2
1	Олтинсой	85,1	88,3	99,4	98,2
2	Ангор	95,7	95,2	99,6	98,5
3	Бойсун	91,2	96,9	99,3	96,7
4	Музработ	89,1	93,5	99,1	98,1
5	Денов	93,1	95,4	99,1	98,4
6	Жарқўрғон	95,8	96,4	99,7	96,6
7	Қумқўрғон	80,4	93,9	98,1	96,8
8	Қизирик	87,1	91,3	99,6	99,8
9	Сариосиё	88,2	92,1	98,5	99,5
10	Термиз.г	96,7	97,7	100	97,9
11	Узун	85,7	88,7	100	94,7
12	Шеробод	94,7	96,4	100	99,7
13	Шўрчи	91,4	94,4	99,7	97,5
14	Термиз.ш	99,2	99,5	99,9	99,4

Республикамик ва унинг ҳудудларида иқтисодиётнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб қаралганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши турличалигини кўриш мумкин (6-расм). Маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодиёт тармоқлари маҳсулотлари умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги ва савдонинг улуши юқори кўрсаткичга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши бўйича республика ва вилоят кўрсаткичлари тубдан фарқ қилади.



6-расм. Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улуши (2020 йил ҳолати)

Саноат соҳасига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда саноатда кичик тадбиркорликнинг улуши 47,3 фоиз, республика бўйича эса 27,7 фоизни ташкил этмоқда. Биз юқоридаги таҳлилларимизда ҳудуд саноатининг республика саноатидаги улуши 1.6 фоизга тенглигини кўриб ўтгандик. Демак, бундан кўринадики вилоят саноат ишлаб чиқаришининг тенг ярми кичик тадбиркорликка тўғри келмоқда. Вилоятда йирик саноат корхоналари камлиги учун кичик тадбиркорлик улуши юқори кўрсаткичга эга бўлмоқда. Сурхондарё вилоятида 2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 2608.2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу ҳудудлар кесимида кўриб чиққанда жуда кам кўрсаткичдир.

Қурилиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик улушига эътибор қаратадиган бўлсак, қурилишда бажарилган ишларнинг асосий қисми кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган ва республика бўйича бу кўрсаткич 72.4 фоизни ташкил этаётган бўлса, вилоят бўйича эса 85,7 фоизга тенг бўлган. Савдо соҳаси бўйича эса мос равишда 82,1 ва 91,6 фоизни ташкил этмоқда, яъни унчалик катта фарқланиш кузатилмаяпти.

Республика ва вилоят бўйича кичик тадбиркорликнинг экспортдаги улушига эътибор қаратадиган бўлсак, республика бўйича 20.5 фоизни ташкил этмоқда. 2020 йилда республика бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулот (иш ва хизматлар) экспорт ҳажми 3100.6 миллион АҚШ долларига ёки умумий экспорт ҳажмининг 20.5 фоизига тенг бўлган. Лекин республика бўйича бу ҳолатни 2019 йилда 27 фоизга тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Вилоятда кичик тадбиркорликнинг экспортдаги улуши эса 63.9 фоизни ташкил этган. Юқорида таҳлилларимизда вилоятнинг республика экспортидаги улуши 1.4 фоизга тенглигини кўриб ўтгандик. Ушбу экспортнинг ҳам асосий қисми кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Худуд иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда худуд экспорт салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодиёт турли тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик ўрни бекиёсдир.

Хулосалар ва таклифлар

Амалга оширилган таҳлил натижалари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт фаолият турлари бўйича улуши юқори ҳамда уларнинг фаоллик даражаси таҳлил этилган йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг сабабларидан бири яратиш коэффиценти ўсиб бориши ва тугатиш коэффиценти таҳлил этилган йилларда камайиб борганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Айтиб ўтиш керакки, кичик корхоналар яратувчанлик коэффиценти ошганлиги худудда кичик тадбиркорлик ривожланиб кетади, дегани эмас. Чунки кўпчилик кичик тадбиркорлик субъектлари 3 йил ичида турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тугатмоқда. Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми маблағ етишмаслиги, ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш қийинлиги, бизнес соҳасида тажрибаси йўқлиги, турли маъмурий тўсиқлар сабаб ўз фаолиятларини тугатишганликларини айтиб ўтишган. Бу эса тадбиркорликни ривожлантиришда унинг миқдори билан бир қаторда сифатига ҳам катта эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган таҳлилларга таянадиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича турли хил чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни талаб этади.

Вилоятдаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожланишини статистик таҳлил қилиш натижасида кўриш мумкинки, турли иқтисодий тармоқлар бўйича турлича муаммолар мавжуд. Бу эса ўз навбатида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш усулларини табақалаштирилган ҳолда амалга оширишни талаб этади.

Вилоятда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган тадбиркорларни молиялашнинг турли дастакларидан фойдаланган ҳолда қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни лизинг асосида имтиёзли шартларда тақдим этиш;
- кичик тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни тақдим этиш;
- кичик тадбиркорлик субъектларини мулкий қўллаб-қувватлаш;
- кичик тадбиркорликка хизмат кўрсатувчи ахборот таъминоти тизимини ривожлантириш;
- кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи консалтинг хизматларини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вилоятда кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун уларни молиявий, маъмурий, ахборот ва маслаҳат чора-тадбирлари, шу жумладан, кенг қамровли тизимли ёндашувни амалга оширишни талаб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
2. Абдуллаев Ё., Ф.Каримов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Меҳнат. 2000 й.
3. Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография Т.: “Fan va texnologiya”, 2019 й.
4. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Б.К.Ғойибназаров Б.К. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик –Т.: Иқтисодиёт, 2012.
5. Глухих П.Л. Социально-экономическая оценка реализации предпринимательского потенциала в муниципальных образованиях. Автореферат дисс.на соис. уч. степ.канд.экон наук. Екатеринбург, 2013.
6. Дўстжанов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997. – 129 б.,
7. Егорихина. С. Ю. Предпринимательский потенциал населения региона. //Экономика региона: проблемы и перспективы развития. № 1 (53). 2011. С. 42-50.
8. Кремин А.Е., Мазилев Е.А. Оценка влияния малого бизнеса на социальноэкономическое развитие регионов // Вопросы территориального развития. 2018. № 1 (41). DOI: 10.15838/tdi.2018.2.41.2
9. Лускатова О.В., Гленкова Е.О., Шалова В.А. Методический подход к экономической оценке влияния предпринимательства на динамику развития региона // Фундамент. исслед. 2013.№ 2–3. С. 594–598.
10. Муфтайтинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док...дисс.Т. ЎЗМУ.2004. - 276 б.
11. Рихсимбоев О.Қ. “Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик башоратлаш”. Диссертация, 2002.-156 б.
12. Соатов Н.М. Статистика. /Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.
13. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзб.Рес. мисолида), диссертация, 2008-324 б.
14. Чепуренко А.Ю. Предпринимательство в России: промежуточные результаты GEM. // Мир России. № 2. 2008. С. 22-40.
15. Чепляева И. Е. Предпринимательский потенциал: проблемы формирования и использования в российской экономике. Дис. ... к. э. н.: 08.00.07. Саратов, 1999. – 168 с.
16. Шепелев В.М. Очерки теории и практики развития предпринимательства. -Т.: Фан, 1998. –17 с.
17. Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2005.- 126 б.
18. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес –Т.: Шарқ , 2002.

УЎК 33

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА КИЧИК КОРХОНАЛАРДА КАССА УСУЛИНИНГ ИЖОБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

У.А. Холмирзаев, ўқитувчи, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган

Аннотация. Мақолада касса усулида ҳисобланган пул маблағларини кирими ҳамда чиқимида оид маълумотларни шакллантирувчи бухгалтерия ҳисобининг ички ҳисоботи шаклининг модели келтирилган. Моделдаги маълумотлар кичик бизнесни бошқаришида пул маблағлари билан боғиқ мақбул қарорларни қабул қилиши учун асослардан бири бўлади.

Калитли сўзлар: пул маблағларининг кирими, пул маблағларининг чиқими, пул маблағларини ҳисобга олишида касса усули, пул маблағлари кирими ва чиқими бўйича ички ҳисобот, пул маблағлари бўйича ички ҳисоботнинг модели.

Аннотация. В статье представлена модель внутренней отчетной формы бухгалтерского учета, формирующая информацию о поступлениях и оттоках денежных средств, рассчитываемых кассовым методом. Информация модели является основой для принятия решений, связанных с наличными деньгами, для управления малыми предприятиями.

Ключевые слова: приток денежных средств, отток денежных средств, кассовой метод, внутренний отчет о поступлениях и оттоках денежных средств, модель внутреннего отчета о денежных средствах.

Abstract. The model of internal report form of accounting that forms information on cash inflows and outflows which calculated by cash basis has been shown in this article. Information of the model are basis for make decisions associated with cash in order to small enterprises management.

Key words: *cash inflows, cash outflows, cash basis principle, internal report of cash inflows and outflows, a model of internal report on cash.*

Халқаро ва миллий иқтисодиётда ноодатий ҳолатлар кутилмаганда юзага келади ҳамда одатий шароитда фаолият юритаётган барча бизнес субъектларни бусиз ҳам етарли бўлиб турган муаммоларини янада кўпайтиради ва масалаларни баттар оғирлаштиради. Бу пайтда корхоналар фаолиятларини ноодатий шароит муҳитида ёки унга мослашиб амалга ошириши шарт бўлиб қолади. Мисол учун, 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз фикримизни тасдиқидир. Таъкидлаш керакки, 2019 йилда бошланган пандемия ҳам иқтисодиётда худди шундай ноодатий воқеликни бошлаб берди.

Кузатишларимиз натижаларидан маълум бўлдики, пандемия таъсирида юзага келган иқтисодий инқирозни ўзига хос жиҳати бизнес субъектларнинг ўзаро муносабатларида, ҳам талабни, ҳам таклифни бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда биргаликда камайишига олиб келди. Бунинг бош сабабларидан бири иқтисодий фаолиятини вақтинча мажбуран тўхтатиш (оммавий карантин) ҳолатлари ҳисобланмоқда. Натижада ишлаб чиқариш учун хом ашёлар сотиб олиш ҳам вақтинча тўхтамоқда ёки қисқармоқда, шу билан бирга ишлаб чиқариш, уларни сотиш ҳажми ҳам камаймоқда ёки тўхтамоқда. Бу эса, корхоналардаги пул маблағларининг айланиш ҳажмини кескин қисқаришга олиб келди ёки келмоқда.

Мазкур салбий (ноодатий) ҳолатнинг иқтисодиёт субъектларига таъсирларини юмшатиш мақсадида ҳар бир мамлакат ўз имконияти доирасида турли чораларни қўллаб, кўплаб тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борадаги бир қатор аҳамиятли чора-тадбирлар амалиётга жорий этилди ва этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматини ишлаб чиқарувчиларга берган имтиёзлари, ёрдамлари ёки қўллаб-қувватлашларидан бири корхоналарнинг турли мажбуриятлари (солиқ, кредит) бўйича тўлаши керак бўлган пул маблағларини ўзларининг ихтиёрида, яъни айланмасида қолдириш ёки тўловга қодирлик мавжуд бўлгунга қадар уларни ундирмаслик тадбирлари қўллаш тарзида амалга оширилди. Таъкидлаш керакки бундай тадбирлар пандемия шароитида жуда ҳам муҳим. Чунки, шундай ҳаракатлар мажмуаси натижасида корхоналар ўзларининг айламаси учун қўшимча пул маблағларига эга бўлди.

Масаланининг навбатдаги муҳим жиҳати эса корхонада мавжуд пул маблағлардан шароитдан келиб чиққан ҳолда мақбул ва самарали фойдаланишни йўлга қўйишдир. Бундан келиб чиқадики, пандемия (ноодатий) шароитида корхоналар фаолиятда пул маблағларини жалб этиш, сарфлаш ҳамда уларни кўпайтира оладиган муомалаларни тўғри бошқаришни таъминлайдиган маъқул иқтисодий механизм ёки воситаларни йўлга қўйиш энг зарур ва марказий масалалардан биридир. Бу борада бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил ўзининг аҳамияти ўрнига эга.

Ушбу мақолада пандемия давом этаётган шароитда кичик корхоналарда, айнан, пул маблағларини тўғри бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил имкониятларидан янада кўпроқ фойдаланиш зарур деган масалага ўз қарашларимизни билдирмоқчимиз. Яъни, кичик корхоналар фаолиятида пул маблағларидан мақбул фойдаланишни бошқарув ва молиявий ҳисоб ҳамда иқтисодий таҳлил усуллари воситасида амалга оширишнинг йўллари кўп. Бирок, уларнинг барчаси одатий иқтисодиёт шароитига мослашганлиги билан ўзига хос тавсиф касб этади.

Мақоладаги бизнинг қарашимизда одатий иқтисодиётдаги кичик корхоналар ҳисоб тизимида пул маблағлари ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилишда амал қилинмаётган ёки етарлича аҳамият берилмаётган касса усулини имкониятлари ва бир қатор афзалликлари ҳамда уларни пандемия (ноодатий) шароитида пул маблағларини тўғри бошқаришда самарали фойдаланса бўладиган амалий аҳамиятини кўрсатиб беришдир.

Бирок, соҳага оид адабиётларда мазкур масалага тегишли, яъни ноодатий шароитларда пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилига оид фикрлар билдирилмаган. Биз томонимиздан ўрганиб чиқилган қатор адабиётларда (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11,12,13.) асосан ҳисоблашиш усулининг афзалликлари, касса усулининг камчиликлари бўйича қарашлар баён этилган, холос.

Мавжуд манбаларда пандемия шароитига ўхшаган ўз хусусий тасифига эга бўлган глобал (ноодатий) ҳолатлар ва уларнинг корхоналарга таъсири, бундай шароитда ҳисоб ёки таҳлилни фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, қўшимча тадбирлар қўлланилиши натижасида нималарга эришиш мумкин деган масалалар кўриб чиқилмаган.

Мазкур мақолада биз пандемия шароитида кичик корхоналар ҳисоб тизимидаги касса усулини имкониятларидан бошқарув ҳисоби ҳамда таҳлили йўналишларида фойдаланишни керакли томонларини модел шаклида кўрсатиб бермоқчимиз.

Мазкур мавзудаги тадқиқот иши учун маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналардан олинган ва синовдан ўтказилган.

Кичик корхоналарда бошқарув ҳисобида пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг амалдаги барча усулларидан фойдаланилган ҳолда шакллантирилган. Ички ҳисобот моделида бу ёндашув яққол кўриниб турибди. Лекин, бу ердаги асосий жиҳат пул маблағларини кирими ёки чиқимини ҳисобга олишда касса усулига асосланишдир. Яъни, ҳақиқатда келиб тушган пул маблағи даромад тарзида киримга олинади, ҳақиқатда тўланган пул маблағлари чиқим тарзида мазкур ҳисоботда акс эттирилади.

Таклиф этилаётган ички ҳисобот шаклининг мазмуни - ҳисоблашиш усули билан касса усулини уйғунлаштирган ҳолда кичик корхонадаги бошқарув ҳисоби ва таҳлилида пул маблағлари ҳаракати ва ҳолати бўйича, ҳам аналитик, ҳам йиғма маълумотларни фаолият турлари (ҳисоб объектлари) бўйича хронологик ҳамда тизимлаштирилган усулда шакллантириб бериш ташкил этади. Бу ички ҳисобот билан кичик корхонадаги фаолият турлари (ҳисоб объектлари) ҳамда уларга сарфланган харажатлар бўйича ҳақиқатдаги пул чиқимлари, шу билан бирга мутоносиб тартибда фаолият турлари (ҳисоб объектлари) бўйича ҳақиқатдаги пул киримларини ҳолати бўйича муайян санага бўлган маълумотларини шакллантиришга эришиш имконини беради. Ҳақиқатдаги пул чиқими ҳамда кирими тўғрисидаги маълумотлар, аввало пул маблағларини тўғри бошқариш, шу асосда эса бизнес фаолиятини мақбул ҳаракатини таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларни қабул қилиш учун зарурдир.

Кичик корхоналарда пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисобот шакли пандемия шароитида пул маблағларини мақбул бошқаришда бир қатор ижобий жиҳатларига эга. Мазкур ички ҳисобот шаклини ва мазмунини, унинг алгоритмни модел тарзида (1-жадвал) кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Кичик хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисобот шаклининг модели
(муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Харажатларнинг фаолият турлари бўйича таркибланиши	Шу жумладан:		Даромадларнинг фаолият турлари бўйича таркибланиши	Шу жумладан:	
	Пул маблағи чиқимини талаб этишига кўра фаолият объектидаги харажатлар таркиби			Пул маблағи киримига кўра фаолият объектидаги даромадлар таркиби	
А	В		С	Д	
1. Ишлаб чиқариш харажатлари (X_1) ($X_1=X_{1Y}+X_{1C}+X_{1Z}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{1Y})		1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан даромад (S_1) ($S_1= S_{1Y}+ S_{1D}+S_{1Z}$)	Пул киримини олиб келган сотув (S_{1Y})	
	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар (X_{1C})			Дебитор мажбуриятлар (S_{1D})	
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар (X_{1Z})			Бошқа шакллардаги даромад (S_{1Z})	
	Жами харажат ($X_1=X_{1Y}+X_{1C}+X_{1Z}$)			Жами даромад ($S_1=S_{1Y}+S_{1D}+ S_{1Z}$)	

2. Давр харажатлари (X_2) ($X_2=X_{2Y}+X_{2C}+X_{2Z}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{2Y})	X	X
	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар (X_{2C})		
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар (X_{2Z})		
	Жами харажат ($X_2=X_{2Y}+X_{2C}+X_{2Z}$)		
X	X	2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (S_2) ($S_2= S_{2Y}+ S_{2D}+S_{2Z}$)	Пул кирими (тушуми) шаклида (S_{2Y})
			Дебитор мажбуриятлар (S_{2D})
			Бошқа шакллардаги даромад (S_{2Z})
			Жами даромад ($S_2= S_{2Y}+ S_{2D}+S_{2Z}$)
3. Молиявий фойлат бўйича харажатлар (X_4) ($X_4= X_{4Y}+X_{4C}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{4Y})	3. Молиявий фаолиятдан даромадлар (S_3) ($S_3= S_{3Y}+ S_{3D}$)	Пул тушуми шаклида (S_{3Y})
	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар (X_{4C})		Дебитор мажбуриятлар (S_{3D})
	Жами харажат ($X_4= X_{4Y}+X_{4C}$)		Жами даромад ($S_3=S_{3Y}+ S_{3D}$)
4. Фавқулудда харажатлар (зарарлар) (X_5) ($X_5= X_{5Y}+ X_{5Z}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{5Y})	4. Фавқулудда даромад (S_4) ($S_4= S_{4Y}$)	Пул тушуми шаклида (S_{4Y}) ($S_4= S_{4Y}$)
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар (X_{5Z})		
	Жами харажат ($X_5= X_{5Y}+ X_{5Z}$)		
5. Фойдадан солиқлар (X_6) ($X_6= X_{6Y}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{6Y}) ($X_6= X_{6Y}$)	X	X
6. Ялпи харажатлар ($X_{\Sigma X}$) ($X_{\Sigma X}=X_1+X_2+X_4+X_5+X_6$) ёки ($X_{\Sigma X}=X_{\Sigma Y}+X_{\Sigma C}+X_{\Sigma Z}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар ($X_{\Sigma Y}$) ($X_{\Sigma Y}=X_{1Y}+ X_{2Y}+ X_{4Y}+X_{5Y}+ +X_{6Y}$)	5. Ялпи даромад ($S_{\Sigma S}$) ($S_{\Sigma S}=S_1+S_2+S_3+S_4$) ёки ($S_{\Sigma S}=S_{\Sigma Y}+S_{\Sigma D}+S_{\Sigma Z}$)	Пул тушуми шаклида ($S_{\Sigma Y}=S_{1Y}+S_{2Y}+S_{3Y}+S_{4Y}$)
	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар ($X_{\Sigma C}$) $X_{\Sigma C}=X_{1C}+X_{2C}+ X_{4C}$		Дебитор шаклида ($S_{\Sigma D}= S_{1D}+S_{2D}+S_{3D}$)
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар ($X_{\Sigma Z}$) ($X_{\Sigma Z}=X_{1Z}+X_{2Z} +X_{5Z}$)		Бошқа шаклларда ($S_{\Sigma Z}= S_{1Z}+S_{2Z}$)
	Ялпи харажат $X_{\Sigma X}=X_{\Sigma Y}+X_{\Sigma C}+X_{\Sigma Z}$		Ялпи даромад ($S_{\Sigma S}=S_{\Sigma Y}+S_{\Sigma D}+S_{\Sigma Z}$)
7. Ўтган даврдан қолган кредиторлик қазларини тўлаш учун (X_7)	Муддати келган кредиторлик қарзлар учун пул чиқими (X_{7Y})	6. Ўтган даврдан қолган дебиторлик қазларни ундирилиши (S_5)	Қолган дебиторлик қарзларидан пул тушуми (S_{5Y})

Ҳисобот давридаги жами пул чиқими (X_8) $X_8=(X_{\Sigma Y}+X_{7Y})$	Ҳисобот давридаги жами пул кирими (S_6) $S_6=(S_{\Sigma Y}+S_{5Y})$
--	--

1-жадвалнинг бўйламаси йўналишидаги А (Харажатлар) ва С (Даромадлар) устунлар бўйича маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шакллантириш тартибига асосланган ҳолатда тузилган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг барча фаолият турларини қамраб олган. Бироқ таъкидлаб ўтиш керакки мазкур ички ҳисобот молиявий натижаларни аниқлаш учун мўлжалланмаган. Балки, у қуйидаги мақсадлар учун керак.

Ҳисоботнинг А устунда жойлашган 1-;2-;3-;4-;5- катаклар фаолият турига кўра харажатларни алоҳида-алоҳида шакллантиришга, мазкур устундаги 6 катак эса фаолият турларига тегишли ялпи харажатни кўрсатиб беришга тайинланган. Ҳар бир фаолият турига сарфланган харажатлар (В устун 1-;2-;3-;4-;5- катаклар) пул маблағи чиқимини талаб этишига кўра – пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар, кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар, пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар ҳамда тегишли объектни жами харажатлари бўйича маълумотларни акс эттиради.

Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар бизнес жараёни содир бўлаётган вақтда пули тўланиб, яъни пул маблағи чиқим қилиниб муайян фаолиятдаги ҳисоб объектига (ёки объектларига) жалб этилган сарфлардир. Бу ерда ҳар бир тан олинган харажат тури, ўзи қиймати бўйича пул чиқимини талаб этган. Мисол учун, хом ашёга пул тўланиб сотиб олинди ва шу пайтга ўзида ишлаб чиқаришга сарфланди ёки сарфлана бошлади.

Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар эса бизнес жараёни содир бўлаётган пайтда пули вақтинчалик тўланмай, яъни пул маблағи вақтинчалик чиқим қилинмай фаолиятга жалб этилган сарфлардир. Яъни, пули маълум муддатдан сўнг тўланадиган жорий кредиторлик қарзлар фикримизга мисол бўла олади.

Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар гуруҳи эса асосий воситаларни эскириши ёки номоддий активлар амортизациялари каби сарфлардир.

Ҳар бир фаолият тури (С устун 1-;2-;3-;4- катаклар) бўйича ҳамда уларга мос келувчи ҳисоб объектларидаги даромадларнинг пул маблағи киримига кўра таркибланиши (D устун 1-;2-;3-;4-; катаклар) ҳам ҳисоботнинг энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланади. С устун 5-катакда ялпи даромад ва унинг таркиби D устунда келтирилган.

Ҳисоб объектидаги пул тушуми шаклидаги даромад - даромад тан олинган пайтдаги унга мос тушум билан таъминланган пул маблағлари киримдир. Яъни, ушбу сотилган маҳсулот учун маҳсулот сотилган пайтда ёки олдинроқ пули олинган муомалалар.

Дебитор шаклидаги даромадлар – муайян санага сотилган маҳсулот учун даромад тан олинган, бироқ тўланиши керак бўлган қиймат жорий дебитор мажбуриятлари шаклида турган муомалалардир.

Бошқа шакллардаги даромадлар бартер муомалалари асосида тан олинган даромадлар, кредитор қарзларни узиш бўйича маҳсулотларни сотиш (бериш) кабиларни ўз ичига олади. Мазкур даромад тури юқоридаги икки даромад турларига кирмайдиган даромадлардан иборат бўлади.

Мазкур ички ҳисобот маълумотлари фаолият турлари бўйича ҳамда ҳар бир ҳисоб объектларидаги харажатлар ва даромадларнинг ўзаро таққослаш имконини беради. Бу билан ҳар бир ҳисоб объекти бўйича нақд пул чиқими ҳамда кирими, кредиторлик ҳамда дебиторликни таъсири, пул чиқими талаб этмайдиган харажатлар ҳамда пул маблағи келтирмайдиган даромадларни ҳолати яққол кўринади. Таҳлил ва прогноз ишлари учун ушбу маълумотлар ўта муҳим ҳисобланади.

Бу ерда яна бир муҳим ҳолат ялпи фаолият ҳамда ҳар бир ҳисоб объекти учун қанча пул чиқими амалга оширилганини аниқ билишдир. Пул чиқими бўйича маълумот А ва В устунларнинг 6-катакларида шакллантирилади ва олинади. Фаолиятнинг ялпи харажати ичида пул маблағи чиқимини талаб этган сарфлар ушбу ҳисоб-китоб асосида $X_{\Sigma X}=X_{\Sigma Y}+X_{\Sigma C}+X_{\Sigma Z}$ (А устун 6-катак) амалга оширилади. Ҳар бир ҳисоб объектига тегишли пул маблағи чиқимини

талаб этган харажатлар $X_{\Sigma Y} = X_{1Y} + X_{2Y} + X_{4Y} + X_{5Y} + X_{6Y}$ (В устун 6-катак) да шакллантирилади.

Хўш, мазкур маълумотлар нима учун керак? Аввало хўжалик юритувчи субъект фаолияти учун сарфланган ялпи харажатларнинг қанчаси айнан шу даврда пул чиқимини талаб этганлигини билиш учун шарт. Бу билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини шу даврда юргизиш учун зарур ёки чиқим қилиниши шарт бўлган пул маблағини минимал миқдори аниқ бўлади. Демак, хўжалик юритувчи субъектда муайян даврдаги фаолияти учун шу миқдордаги пул маблағи мавжуд бўлиши керак.

Мавжуд минимал миқдордаги пул маблағларнинг қанчаси айнан ҳар бир ҳисоб объектига тегишли бўлишини ёки сарфланишини $X_{\Sigma Y} = X_{1Y} + X_{2Y} + X_{4Y} + X_{5Y} + X_{6Y}$ формула воситасида билса бўлади. Бу пул маблағларнинг ҳар бир ҳисоб объекти ўртасида пул маблағини мақбул тақсимоти учун жуда ҳам зарур.

Ҳар бир ҳисоб объектининг жами харажатлари таркибидаги пул маблағини талаб этадиган харажатларни шакллантириш эса шу объект фаолиятини олиб бориш зарур бўлган минимал пул маблағи миқдорини кўрсатиб беради.

А ва В устунларнинг 7-катакларидида ўтган даврдан қолган, бироқ муддати келган кредиторлик қарзлари учун пул чиқими акс эттирилади.

Ҳисобот давридаги жами пул чиқими X_8 катакда берилади.

Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар тўғрисидаги учта маълумот хўжалик юритувчи субъект фаолиятини, ҳар бир фаолият турини ҳамда ҳисоб объектининг ташкил этиш ва юритишни пул маблағлари воситасида бошқаришда жуда муҳим. Ушбу маълумотлар фақат муайян давр якунидаги фаолият бўйича пул маблағлари чиқимини акс эттиришга мўлжалланган эмас. Балки, пул маблағлари чиқимини прогноз қилиш ҳамда режалаштириш учун ҳам ўта зарур. Булардан ташқари пул маблағлари чиқимини прогноз, режа ҳамда ҳақиқатдаги ҳолатини, шу билан бирга муайян даврлардаги динамикасини билиш ва ўзгаришларга таъсир этадиган омилларни таҳлил қилиш учун ҳам керак. Айтиб ўтилган маълумотлар пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш бўйича тўғри бизнес қарорларини қабул қилишда асос бўлади.

Бизнес фаолият учун минимал ёки меъёрдаги пул маблағларини мавжуд бўлиши хўжалик юритувчи субъектига даромад кўринишидаги пул маблағларининг киримига боғлиқ. Шу сабабли ҳисоботнинг яна бир муҳим жиҳати даромадларнинг пул маблағлари кирими бўйича аниқ шакллантириб беришга мослаштирилганлигидир. Хўжалик юритувчи субъект ялпи даромади тўғрисидаги маълумот (S устун 5-катак $S_{\Sigma S} = S_{\Sigma Y} + S_{\Sigma D} + S_{\Sigma Z}$ формула), ҳар бир фаолиятдан пул шаклида кирим қилинган даромадлар (D устун 5-катаклар $S_{\Sigma Y} = S_{1Y} + S_{2Y} + S_{3Y} + S_{4Y}$) ҳамда алоҳида олинган ҳисоб объектидаги пул шаклида кирим қилинган даромадлар (C устун 1-;2-;3-;4-катакларда) кўринишида шакллантирилади.

Ҳисобот даврида ўтган даврлардан қолган дебиторлик қарзларини ундирилган қисми кўрсатилади.

Ҳисобот давридаги жами пул кирими S_6 шартли белги билан қайд қилиниб охириги катакда берилган.

Юқоридаги маълумотлар турли мақсадларда ўрганилиши мумкин.

Ушбу маълумотлар хўжалик юритувчи субъектга ҳар бир фаолият туридан қанча пул маблағи даромад шаклида олинганлиги, унинг ҳажми, мазкур сана бўйича пул чиқими талаб этган харажатларни қоплашга етарлилиги ёки ортиқчалигини билиш учун керак. Бундан ташқари ҳисобот даври учун қанча пул узлуксиз даромад шаклида келиб тушиши ҳамда уларни заҳира кўринишида мавжуд бўлиб туришига етарлилиги ўрганилади. Шу билан бирга қайси ҳисоб объектидан пул маблағи кирими кўп ва ўз вақтида келаётганлиги аниқланади. Башарти, пул маблағларини даромад шаклида кирими етарли бўлмаса хўжалик юритувчи субъект қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредит олиш чора тадбирларини белгилайди. Қисқача айтганда пул кўринишида кирим қилинган даромадлар ҳисоб-китоби ва таҳлили харажатлар ҳисоб-китоби ва таҳлили билан бир хил. Фақат пул кирими даромад нуқтаий назаридан ўрганилади.

Ҳисобот маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъект фаолияти ҳамда ҳар бир

хисоб объекти бўйича пул таъминотини аҳволини баҳолаш учун пул кирими ва чиқими муносабати бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг ҳолатини ички мезонларни белгилаб олиш мумкин (2-жадвал).

2-жавалдаги мезонларга асосланиб ҳар бир алоҳида олинган ҳисоб объектидаги (шунингдек хўжалик юритувчи субъект бўйича жами) пул чиқими ва кирими бўйича бу борадаги ҳолатга баҳо бериш мумкин. Мазкур баҳолаш фақатгина ўтган давр учун эмас балки прогноз мақсадлари учун ҳам ўта муҳим.

2-жадвал

Пул кирими ва чиқими нисбати бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг ҳолатини баҳолаш мезонлари (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Ҳисоб объекти номи	Формула	Мезонлар			
		аъло	яхши	меъёрда	ёмон
Ризоуддин ибн Фахриддинни Туркистон халқлари билан боғлаб турувчи муҳим занжир ҳам “Шўро журнали” дир. Бу журналда Туркистон минтақа ҳаётига оид кўплаб мақолалар чоп этилган бўлса, иккинчидан бевосита Ризоуддиннинг ўзи журналда Туркистондан етишиб чиққан улуғ алломалар ҳақида мақолалар эълон қилиб борган. Тадқиқотчи Ш. Соатованинг аниқлашича “Шўро” журналининг 10 йил давомида чиққан 249 сонидан Туркистон ҳаётига оид 323 материал босилган. Шундан мақолалар (138 та), хатлар (90 та), бадиий асарлар (71 та), хабарлар (21 та), фотосуратлар (3 та), мақолалар тарих (38 та), таълим-тарбия (25 та), ижтимоий (23 та), дин (4 та), сиёсат (6 та), матбуот (13 та), адабиётшунослик (12 та) кабиларни қамраб олган”. Масалан олим Алишер Навоий ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Алишер туркий бўлгани ҳолда форсча шеърлар ҳам ёза оларди. Туркий адабиётга шу зот асос солди десак ўйлаймизки муболаға қилмаган бўламиз. Бу кишидан олдин туркий тилда асарлар яратган адиб бўлмагани маълумдир. Алишер ёлғиз шоир эмас эди. У шоир бўлиш билан бир пайтда ҳоким ва файласуф ҳам эди. Форсча сўзлай ва ёза олиш иқтидори бўлсада она тили бўлмиш туркий тилга нисбатан муҳаббати чексиз эди” [9:514].

“Шўро” журнали туркча чиққан илк сонидан бошлаб араб ва форс тилларидаги материаллардан ҳам тажималарга ўрин бериб келган. Ризоуддин Ибн Фахриддиннинг ўзи ҳам фалсафа ва адабиётга доир араб ва форс тилларидаги мақолаларни таржима этиб журнал саҳифаларида бериб борган. Шунингдек катта Рус олимларидан бўлган В.В. Бартолд ўзи муҳаррирлик қиладиган “Мир ислама” (Ислом дунёси) журнали орқали “Шўро” мажмуасини эътироф этган эди. Қолаверса бошқа газета-журналлар ҳам “Шўро” журналини ўз саҳифалари орқали эътироф этиб, унга обуна бўлишга чақирганлар. Масалан, Мисрда чиққан “Ал-Муктасиб”, “Юлдуз”, “Нур”, “Баёнул ҳақ, шунингдек Идил-Урал минтақасида чоп этилиб борган “Идил”, “Мақтаб”, “Ҳуқуқ”, “Ҳаёт”, “Оқ йўл” каби газета ва журналлар шулар жумласидандир. Истанбулда чоп этилган “Турк юрти” журнали ҳам “Шўро”ни мақтаб унинг муҳаррири бўлган Ризоуддин ибн Фахриддинни “Туркларнинг куввайи ифтихори, исломий илмлар мужтаҳиди, тарих, ҳуқуқ ва ижтимоий илмларда улкан олим, туркларнинг нодир кишиларидан бири” [10:1] - деб эътироф этади .

Шу билан бирга, XX аср бошларида Туркистон минтақасида яшовчи одамлар ўзлари кизиқтирган диний-фалсафий ва тарихий масалалар юзасидан “Шўро” журналига саволлар юборар эди. Бу саволлар кўпинча тарихга, фалсафага, фикҳга, умуман ислом аҳкомларига оид бўлиб бу саволларга бевосита журнал саҳифалари орқали Ризоуддин ибн Фахриддиннинг ўзи жавоб берар эди. Масалан “Шўро” журналининг 1908 йил 9-сонида Қўқонлик Вали Муҳаммадраҳим ўғлининг Қуръон тафсири ва тарих китоблари тўғрисидаги қуйидаги саволи босилади: “Ўқиш учун энг ишончли тафсир кимнинг тафсири? Тўғри фикр ҳосил қилиш учун қандай тарих китобларини ўқиш лозим?”. Бу саволга Ризоуддин ибн Фахриддин бу саволга қуйидагича жавоб беради: “Бу саволга умумий суратда жавоб бериш мушкул иш. Бунда савол берувчининг умумий билим даражасига қаралади. Агар мақсад Қуръон билан биринчи бор бир қадар танишиш бўлса бунинг учун туркча ва рабча тафсирла кўп. Агар билими юқориқоқ кишилар бўладиган бўлса уларнинг ҳам ҳолларига яраша тафсирилар топилди. Ислом тарихига оид мўтабар китобларга Табари, Масқуди, Ибн ал-Аср, Ибн Ҳалдуннинг китобларини ўқиш тавсия қилинади. Исмлари тилга олинган зотларнинг асарлари бугунги кунда ҳам тўхтовсиз нашр этилиб турибди” [11:312]. Шунингдек, журналнинг 1913-йил № 24, 1914 № 21, 1915 № 15, 1915 № 19 сонларида Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби кўплаб шаҳарлардан жўнатилган савол мактублар чоп этилган. Ризоуддин ибн Фахриддин ушбу мактублар орқали йўлланган барча саволларга жавоб йўллаган.

Хулоса қилиб айтганда, Журнал саҳифаларида эълон қилинган мақолалар XIX аср охири XX аср бошларидаги Туркистоннинг тарихий манзарасини тиклашда, маҳаллий зиёлиларнинг тафаккур даражасини аниқлашда, Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракати намоёндаларининг қардош халқлар зиёлилари билан бўлган ўзаро ҳамкорлик алоқаларини тадқиқ этишда муҳим манба бўла олиши шубҳасиздир. Шу боисдан ҳам “Шўро” журналини синчиклаб ўрганиш Ўзбекистон зиёлилари учун долзарб аҳамият касб этади. Ўз навбатида журналдаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёси ва маданий ҳаётига оид мақолаларни тадқиқ этиш ва ундан илмий хулосаларни чиқариш, бизнинг тарихшунослигимиз учун ҳам катта зарурат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллоҳ Баттал Тоймас. Казанли турк мешурлариндан Ризаеддин Фахрединноғлу. Истабул. 1958.
2. Муҳаммад Гайнуллин. Татар адиблари тарихи. Қозон. 1978.
3. Азиз Убайдуллин. Татаристонда маданий ҳаракат. Баку. 1925.
4. Мардонов Рауф. Ризоуддин Фахриддин. Қозон. 1999.
5. Равил Амирхонов. Ризо Фахриддин тарихчи. Қозон. 1996.
6. Б. Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. Тошкент.
7. “Шўро” журнали. 1-сон. 1908-йил.
8. Раиф Мардонов. “Шўро журнали”. Асрлар овози журнали. 1-2-сонлар. 1999.
9. “Шўро” журнали. 17-сон. 1909 йил.
10. “Шўро”. Турк юрти. Силт 3. 1913.
11. “Шўро” журнали. 9-сон. 1910 йил.

XIII-XIV АСРЛАРДАГИ МИЗДАХКАН МАҲАЛЛА ТУРАР ЖОЙЛАРИ ҲАҚИДА

А.К.Алимбетов, ўқитувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасы Хўжайли тумани ҳудудида жойлашган, Миздахкан археологик мажмуасидаги Олтин Ўрда даврига оид маҳаллаларида Қорақалпоқ давлат университети археологларининг қазималари натижасида оникланган турар жойлар, уларда истиҳомат қилган аҳолининг касби-корлари, маҳалла турар жойларининг ўлчами, маҳалланинг ички интерьерлари ва маҳалланинг шаклланиш жараёнлари, маҳалла ҳақида ўрта аср муаллифларининг ёзма манбалари ҳақида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Хоразм, Миздахкан, маҳалла, шаҳристон, мутафаккир, минтақа, вилоят, давлат, русток, кўшклар, қишлоқ, аграр, тандир, ўчоқ, ҳовли, турар жой.

Аннотация. В статье рассматриваются итоги археологических раскопок, полученные археологами Каракалпакского государственного университета, в поселении золотоордынского периода в археологическом комплексе Миздахкан, расположенный в Ходжайлинском районе Республики Каракалпакстан, они предоставляют информацию о занятиях населения, размере квартала, интерьере квартала и процессе формирования квартала, письменные источники о кварталах средневековых авторов.

Ключевые слова: Хорезм, Миздахкан, махалля, шахристан, мыслитель, регион, область, государство, русток, окрестности, село, аграр, тандыр, печь, двор, жилище.

Abstract. The article examines the settlements of the Golden Horde period in the archaeological complex Mizzdahkan, located in the Khojaili region of the Republic of Karakalpakstan, identified by archaeologists of the Karakalpak State University, they provide information about the occupation of the population, the size of the quarter, the interior of the quarter and the process of forming the quarter, written sources about the quarters of medieval authors.

Key words: Khorezm, Mizzdahkan, makhalla, shakhristan, thinker, region, region, state, rustok, surroundings, village, agrarian, tandoor, oven, yard, dwelling.

«Маҳалла» атамаси арабча сўз бўлиб «ўрин-жой» деган маънони англатади. У турли минтақаларда маҳаллот (жой) гузар, жамоа, элат, номларида аталиб келинган. Маҳалла деганда бир нечта оилани бирлаштирган, муайян ҳудудни макон тутган, диний, маданий кадриятлар билан ажралиб турадиган ижтимоий тузилма тушунилади.

Маҳалла институти ва у томонидан амалга оширилган ваколатлар масаласи ўрта асрларда ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган. Шу сабабли, ушбу масалалар ўтмишдаги Шарқ мутафаккир – олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг ҳам эътиборидан четда қолмаган. Хусусан, Шарқ мутафаккирлари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Жаъфар Наршахий, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар асарларида адолатли жамият ва инсоннинг кадр-киммати улуғланиши билан бир қаторда жамоа (маҳалла) бўлиб яшаш тарзи, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, жамоа томонидан амалга ошириладиган вазифа ва ваколатлари тўғрисида кўпроқ фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин [11].

Жумладан, биз савдо-хунармандчилик мавзеларини ифодаловчи «маҳалла» атамасини биринчи марта Шарқ илк уйғониш даври мутафаккирларидан бўлган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида учратамиз[6, 227-б.]. Бу даврда ушбу институтнинг асосий ваколоти – аҳолининг турмуш фаолиятини жамоа доирасида ижтимоий-ҳудудий жиҳатдан ташкил этишдан иборат бўлган. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг мавжудлиги, фаолияти ва уларнинг ташкилий вазифа ва ваколатлари хусусида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ҳам учратишимиз мумкин [10, 964].

Масалан, Қадимги Шарқнинг таниқли мутафаккирларидан бири Абу Жаъфар Наршахий IX - асрда ёзган «Бухоро тарихи» асарида эса, Бухорода бундан 1100 йил илгари 19 та катта-

катта маҳаллалар мавжуд бўлганлиги, бу маҳаллалар ўзини ўзи идора қилиб, ўз ваколатларига эга бўлганлиги, бу Қадимги Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтган [7, 157].

Миздахкан маҳаллалари тўғрисидаги маълумотлари ал-Макдисий асраларида мавжуд. У Миздахкан шаҳарига X асрда ўзи келган бўлиши мумкин. Ал-Макдисий (985-1000 йй.) ўзининг «Асхан ат-тақасим фи маърифат ал-ақалим» («Иқлимларни ўрганишдаги яхши бўлинишлар») китобида Миздахкан тўғрисида «Миздахкан – катта шаҳар, унинг атрофида 12 минг рустак (кўшк, қўрғон) ва жуда кенг вилоят (волость) мавжуд» - деб ёзган [5, 187]. Миздахкан маҳаллари тўғрисидаги ёзма маълумотларни ал-Асир, ибн-Баттута, Якут ал-Ҳамавий, Рашидуддин ибн Фазлуллаҳ, Хамдуллаҳ Казвиний ва бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам учратишимиз мўмкин [5, 367-396].

Миздахкан шаҳри Қорақалпоғистон Республикаси Ходжайли тумани ҳудудида, Ходжайли шаҳридан 5 км жанубий шарқ тамонида Кўҳна Урганч Ходжайли автомобиль йўлининг икки тамонида жойлашган. Қорақалпоқ давлат университети археолог олимларининг 1985-йилдан бошлаб бугунги кунгача изчил олиб бораётган археологик қазилмалари натижасида Миздахканнинг XIII-XIV асрларига тегишли маҳаллаларидан бой моддий маданият, хусусан турар жойлари тўғрисида янги материаллар тўпланди.

Қорақалпоқ давлат университети археологлари тамонидан 1985-2020 йиллар мобайида Миздахканнинг африғийлар, хоразмшоҳлар, Олтин Ўрда даврига тегишли қисмида савдо хунармандчилик маҳаллалари очилди. «Шарқий I-II, «Жанубий Ғарбий», «Шимолий маҳалла», «Марказий маҳалла» деб шартли номланган маҳаллаларда 500 дан ортиқ хоналар компакт (зич) бирлашган шаклида 60 дан кўпроқ уй жой бўлимларига бирлаштирилган. Шундан 45 та кўп хонали турар жойларда узум эзиш, мойжувоз, ун қароз, катта тандир, жуфт тандирлар, нонвойхоналар ва ғаллаханолар топилган [1, 82-86]. Шуларнинг ичида махсус ун қарози қурилган турар жой уйлари № 9,10, «Шарқий I» ишлаб чиқариш ҳовлиси, «Жанубий Ғарбий» маҳаллада жума масжиднинг хўжалик мажмуаси ва тегирмон мосламалари мавжуд уйлар бўлган. Миздахканнинг кўплаб турар жой уйлари ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақловчи ва қайта ишловчи уйлари ҳам фаолият кўрсатган.

Бундан ташқари Миздахкан ёдгорлигини қазилма жараёнида шаҳарликларнинг бошқада қатламларига алоқадор кўп хонали турар жойлар қазиб очилган. Шулардан, «Шарқий маҳалла I» даги № 10 турар жой бой шаҳарликка тегишли бўлиб, унда хунармандчилик ҳовлиси (№ 87 хона, ҳажми 5.30 x 15.30 м), ғалла сақлашга мослашган икки хона (№ 91, № 92), мехмонхоналар (№ 86, № 86, № 92), даҳлиз (№ 90) ва тамбур(ғулом гардиш) (№89) мажмуалари мавжуд. № 87 хунарманд ҳовлисида тегирмон, пресс эзги, ўсимлик ёғи ва шарбат олишга мўлжалланган мосламалар, суяқлик қайнатадиган ва иситиш учун қурилган ўчоқлар, хом ашё сақлаш учун қовланган ўра ва супа, савдо дўкани ва пишиқ ғиштдан ясалган тағзамин очилган [2, 250]. Турар жойлар Олтин Ўрда даврига оид хом ва пишиқ ғишتلардан қурилган (23x23x4 см), безашда алебастр, ўймакор лой нақшлар ва меъморий плиталардан ҳам фойдаланилган. Бу турар жой эгаси ҳам дон маҳсулотларини сақлаш, уларни сотиш, товар ҳолатига келтириб қайта ишлаш билан шуғулланган зодагон савдогар бўлганлигини тасдиқлайди.

Миздахкан ёдгорлигининг «Шарқ маҳалласи II» № 11 турар жойи ўн бир хонадан иборат бўлиб умумий майдони 235, 34 кв.м ташкил қилади. Турар жой яшаш, хужалик хоналари, байромана безатилган тантанали хона (10. 4,60 x 3.60 м) ва катта ҳовли (9. 9.30 x 9.60 м. -89,2 кв.м) ва даҳлиздан иборат (1). Катта ҳовлида девор буйлаб «П» шаклдаги супа (1,60 x 1,65 x 2,5, баландлиги - 0. 45 м) ва тўрт бурчакли супалар қурилган. Булардан ташқари 3, 4, 8 хоналарда «Г» харифи шаклдаги супалар ҳам мавжуд, уларнинг устки тарафи пишиқ ғишتلар билан қопланган. Яъни, супалар конструктив типологик жиҳатдан икки хилда «П» ва «Г» харифи шаклларда қурилган бўлган. Бу каби хоналар дид билан безатилган, хоналар мехмонхона вазифасини бажарган[3,478-486.]. Ушбу хоналар орасида 11 хона диққатга сазовордир. Хона кўчадан турар жойга кираверишда ўнг тарафда жойлашган, тархи тўрт

бурчакли, хажми 4.55 x 5.40 метр (24.55 кв. м). Хона тўрида, жануб девор ўртасида 0.77 x 0.45 м ўлчамдаги меҳроб, тахмон-токчаси бор. Меҳроб кошин ва маиолика устунлар билан безатилган. Бу намоз ўқиладиган махсус ўй бўлиб, бундай намозхонани сайёҳ ибн Баттута Гургандж қозиси меҳмонхонасида кўрганлигин ёзган. Хона деворларининг пастки тарафи «бантик», - деб номланган «капалак» нуска геометрик шаклда кутарилган ва кошин терракота плиткалар билан безатилган [2, 10-11].

Хоналарнинг кўлами ва бир-биридан хажми фарқ қилади, лекин режанинг ташқи типи ва хоналарнинг умумий ўзаро боғланиши ўзгаришсиз қолади. Энг аввало уйларнинг жойлашуви сақланади. У шаҳар қурилишининг зичлигига боғлиқ, айниқса марказий маҳаллаларда, шаҳар турар жойлари ишлаб чиқариш учун фаолият кўрсатган, уларда савдо дўконлари ва устахоналар қатор жойлашган. Улар Миздахкан маҳаллаларининг 1/3 қисмидан кўпроқ жойни эгаллаган (36 %). Кўхна Урганчда ўзига хос бир-бирига қўшилган уйлар ва турар жойлар қурлиши уйғунлаштирилган [9, 510-511].

Шаҳарлик бой кишиларнинг уйлари катта, кўп секцияли турар жойлар билан ажралиб туради, улар Миздахканнинг жанубий маҳаллалари ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Оддий фуқароларнинг турар жойлари ва хўжалик хоналари четки уйлар орасида ёки ҳовлилар артида бўлган. Умуман олганда, Миздахканнинг турар жойлари доим тўғри бурчакли кварталлар, тўғри кўчалар билан ажратилган ҳолда, бу комплекда алоҳида жойлашган кийшиқ тор кўчалардан иборат турар жой мажмуаларини ҳам кўриш мумкин. XIII-XIV асрларда оммавий, анъанавий қурилишлар Мовароуннаҳр, Қозоғистон, жанубий Туркменистон ва қуйи Волга бўйи мўғуллар истилосигача ва мўғуллар даврига оид замонларда оммавий тус олган.

Шунингдек, Олтин Ўрда даври Миздахкан деҳқончилик ҳунармандчилик ҳаёти билан боғлиқ уйларни, асосан аграр хўжалик йуналишига характерли эканлиги кўринади. Бу ерда ғалла сақлаш учун барпо қилинган махсус қурилишлар кўпчиликини ташкил этади. Шундай уйларнинг бири юқорида қайд этилган Миздахкандаги деҳқончилик уйдир. Бундай уйларнинг эгалари, сўзсиз олий табақага тегишлифеодаллар бўлган. Шаҳар ва кишлок ишларининг бирлашиб кетиш дастури қадимдан Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик туманлари учун характерли эди. Шаҳарликлар, асосан феодал олий табақа атрофдаги катта ерларга эгалик қилган. Маҳаллаларнинг жойлашуви ва майдони ҳар хил (1222 кв метрдан 1300 кв метргача) бўлиб тўғри бурчакли, трапеция тарзли ва кўп бурчакли шаклда буниёд этилган. Маҳаллалар таркибига бир хонадан, кўп хонадан ва катта ўн бир хонадан иборат бўлган уйлар киради. №1 маҳалла (1300 кв метр) шаҳарнинг марказий қисмида бўлиб у уч сектордан иборат бу секторлар жануб, шимол ва ғарб тарафидан кўчалар билан боғланган. Маҳаллада ўнта уй бор. Хоналар майдони 5 кв метрдан 41 кв метргача, ҳовли, айвонлар майдони 36 кв метрдан 110 кв метргача этади. Маҳаллада энг катта уй олти хонадан ва кулолчилик ҳовлиларидан иборат. Энг кичик уй бир хонадан иборат. 2 маҳалла (1209 кв метр) 1 маҳалланинг жануб тарафида жойлашган. У тўғри бурчакли шаклда, тўрт томони кўчаларга туташган, у катта кулолчилик цехи ва саккиз уйдан иборат. Катта уйлар беш, ўн хонали турар жойдан иборат ва ҳовли 162 кв метрдан 189 кв метргача майдонни эгаллайди. Кичкина турар жойлар икки-уч хонадан иборат, майдони 48,71 кв метрни ташкил қилади (1 уй) 49,95 кв метр (2 уй). Шарқ томонда катта кулоллик цехи иш олиб борган ва бу ерда кулолларнинг турар жойлари очилган [8, 71].

Хулоса қилиб айтганда XIII-XIV асрлардаги Миздахкан турар жойларининг айрим жиҳатлари шу даврга оид Варахша, Афросиёб, Шахристон, Отрар ва Марв турар жойларига яқин турсада, лекин унинг айнан шу ҳудудга хос жиҳатлари жумладан, аҳолининг кўпчилиги хўжаликнинг аграр соҳаси билан шуғуллангани, турар жойларнинг шаҳристан атрофида алоҳида маҳалла бўлиб касб қарига қараб жойлашуви кўзатилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Кдырнязов М.-Ш. Об аграрном характере производительной деятельности населения Миздахкана // ОНУ. 1999.
2. Кдырнязов М.-Ш. Раскопки дома с производственным двором в Миздахкане // ИМКУ. вып. 33.- Тошкент ФАН, 2002.

3. Кдырниязов М.-Ш., Кдырниязов О.-Ш. Домашняя молельня в Миздахкане // Восхождение к вершинам археологии./ Сборник материалов Международной научной конференции «Древние и средневековые государства на территории Казахстана», посвященной 90-летию со дня рождения К.В. Акишева. –Алматы 2014.
4. Кдырниязов М.-Ш. Капители Миздахкана // SANAT- ART- ИСКУССТВО. 2003. № 2.
5. Материалы по истории туркмен и Туркмении. (МИТТ).Том. I. М.-Л.,1939.
6. Махмуд Кашгарий. Девону лугатит турк. Тарж. ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. Тошкент: ЎзФан, 2-жилд, 1961.
7. Мухаммад Наршахий. Бухора тарихи. Тошкент. 1966.
8. Туребеков М.Т. Раскопки жилого массива № 1 средневекового Миздахкана // История и материальная культура Каракалпакстана. Нукус, 2006.
9. Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки квартала XV-XVII вв. на городище Таш кала. // ТХАЭЭ. Том II.М.,1958.
10. Юсуф хос Ҳожиб - Кутадғу билиг. Тошкент. «Фан», 1971.
11. mahallakengashi.uz.

УЎК 93/94

ШИНОСИЙ-ШАЙХНАЗАРБОЙ ИБН МУҲАММАД МУРОД ДЕВОНБЕГИ ТАРИХИ*Д.Бабожонов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива**Д.Ташпулатова, илмий ходим, “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси, Хива*

Аннотация. Ушбу мақолада Хива хони Мухаммад Раҳимхон II даврида яшаган Шайхназарбой ибн Мухаммад Мурод девонбегининг ҳаёт фаолияти ва ижоди Хива хонлигининг XX асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва адабий ҳаёти ёритилади.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, Бабожон тўра, Мухаммад Раҳимхон, Шайхназарбой, Тошбосма, Иброҳим Султон, савдо-сотиқ, Нуруллабек, Тозабоғ, Нуруллабой саройлари.

Аннотация. В этой статье освещается жизнедеятельность и творчество Шайхназарбой ибн Мухаммад Мурод диванбеги во время правления хивинского хана Мухаммед Рахимхана II, и социально-политическая история и культурная жизнь хивинского ханства XX века.

Ключевые слова: Хивинское ханство, Бабажан туре, Мухаммед Рахимхан, литография, Ибрахим Султан, торговля, дворец Нуруллабека, Тазабаг, Нуруллабай.

Abstract. This article describes the life and work of Shayhnazarboy ibn Muhammad Murod Divanbegi who lived during the reign of Khivan khan Muhammad Rahimkhan II socio-political history and literary life of Khiva khanate in the 20th century.

Keywords: Khiva khanate, Babajon tora, Muhammad Rahimkhan, lithography, Ibrahim Sultan, trade, Nurullabek, Tozabogh, Nurullaboy palaces

ДЕВОНБЕГИ –ўрта асрларда Шаркдаги ислом давлатларида сарой мансабларидан бири. Суғориш, молия, ҳарбий, алоқа, адлия ва бошқа ишларни юритувчи маҳкама (девон) бошлиғи [1].

Мухаммад Раҳимхон II(1864-1910) тахтга ўтиргач, ишбилармон одамларни, олимлар ва шоирларни давлат ишларига тортган эди. У Худойназар девонбегини ўз вазифасидан озод этиб, ўрнига ўзининг кул оталиқи, ақлли ва жасур Мухаммад Муродни девонбеги этиб тайинлайди. Девонбеги бутун куч-қувватини билдирилган ишончни оқлашга бағишлади. У исёнчилар Хевага хужум қилганида, ўзининг саккиз минг отлик аскарлари ва 8-тўпи билан душманни мағлуб этди. Шундан кейин сулҳ тузилиб, Хоразмда осойишталик ўрнатилди. Мухаммад Раҳимхон II Мухаммад Мурод девонбегининг жангда баҳодирлик қилгани ва оқилона иш тутгани туфайли ғалабага эришганилигини яхши билар эди.

Россия империяси 1873 йилда Хива хонлигини эгаллаб, ўзларига қарши курашган Раҳматулла ясаулбоши ва Матмурод девонбегини сургун қилган.

Мухаммад Раҳимхон II нинг тинимсиз сўрови натижасида ниҳоят уларни 1879 йилда Матмурод, Раҳматулла ва Абдулларга ватанига қайтиб кетишга рухсат берилди. 1880 йилнинг бошида Хивада халқ қаҳрамонларини хурсандчилик билан кутиб оладилар [2].

Мухаммад Мурод девонбеги хон билан бир неча марта Москва, Петербург сафарларида бирга бўлди. Чунки у хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан эди. Матмурод Ферузга бир

умр садоқат билан ҳалол хизмат қилди. Унинг учун хон эл тимсоли эди. 1902 йилда хоннинг энг садоқатли ва матонатли амалдорларидан бири — Муҳаммад Мурод (Матмурод) девонбеги дунёдан ўтди. Унинг фарзандлари Хусайн Муҳаммадбой, Омонкелдибой, Шайхназарбой, Қутлуғ Қадам, Қутлимуродбой, Худойбердибой исмли ўғиллар ҳам ўз даврида отаси каби жасур ва мард йигитлар бўлиб етишдилар

Муҳаммад Мурод девонбегининг фарзанди Шайхназарбой 1870 йилда дунёга келди. У чаққон, тиришқоқ бола бўлиб, 6 ёшида акаси Хусайн Муҳаммад билан қози Иноятулла охун кўлида таҳсил олди. Шайхназарбой ақл-идроки билан тезда устози Иноятулла охуннинг эътиборини қозонди.

У ёшлигидан Навоий, Саъдий, Бедил ва Огаҳий шеърятига меҳр қўйди. У бу буюк шоирларнинг ғазалларини ёд олди, 10 ёшидан бошлаб акаси Хусайн Муҳаммад билан отда чопишни ўрганди, шунингдек дўстлари билан кураш тушар, арқон тортиш мусобақаларида қатнашишни яхши кўрарди.

Кейинчалик оиласи Калугага сургун қилинган вақтлари акаси Хусайн Муҳаммад билан бирга Воронеж кадетлар корпусида ўқиди. Бу ерда мерганлик, қиличбозлик, ҳарбий илмлардан ташқари рус ва чет тили фанларидан билим олди.

Хон Шайхназарбойни ҳарбий хизматга қабул қилиши натижасида Шайхназарбойнинг ҳарбий тажрибаси оша боради. Унинг заковати, мардлиги ва жасоратини кўрган Муҳаммад Раҳимхон Шайхназарни Кўҳна Урганчга ҳоким қилиб жўнатади. Шайхназарбойнинг Кўҳна Урганчда амалга оширган ишлари ҳақида Лаффасий куйидагича ёзади: “Шайхназар отаси Муҳаммад Мурод девонбегининг ҳаёт замонида Феруз Муҳаммад Раҳимхон фармони билан Кўҳна Урганч ҳокими бўлиб, ёвмут жохил, автошларига яхшигина танбех ва жазолар бериб, Хоразм китъа атрофи ўзбек фуқароларининг тинч-осуда фароғат деҳқончилик ишига машғул қилиб турадур. Ёвмутлар жамоаси дағи Шайхназарнинг сиёсатидин кўркув остида олар доғи тинчлик билан деҳқончиликка машғул бўладурлар” [3]. Шайхназарбой Кўҳна Урганчнинг ободлиги ва озодалиги йўлида жиддий ишларни амалга оширади. У мевали дарахт ва гужум кўчатларини эктириб, шаҳар боғини анча кўркамлаштиради. Ферузнинг кўрсатмасига кўра, Кўҳна Урганчдаги қадимий обидалар: Тўрабекхоним, Шайх Нажмиддин Кубро мақбараларини таъмирлатади.

Шайхназарбой ҳокимлиги вақтида вилоятда қароқчиларнинг бебошлиқларига чек қўйилади, тартиб-интизом яхшиланади, осойишталик ўрнатилади. Бундан мамнун бўлган хон унга катта инъомлар бериб, рағбатлантиради. Шайхназарбой бўш вақт топди дегунча, бадий ижод билан ҳам шуғулланади.

У ўзига “Шиносий” (маъноси: танимок, билмоқ) деган тахаллусни танлайди. Шиносийнинг сермазмун ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоий, китъалари Табибий, Мирзо, Баёний, Комил Девоний, Чоқар, Аваз Ўтар каби шоирларда яхши таассурот уйғотади. Ўша вақтларда саройда девонлик қилган ва воқеалар шоҳиди бўлган Бобожон Таррох Шайхназарнинг ботир ва доно, чумчукнинг кўзини урадурғон мерган эканини айтиб ўтган [2].

Бобожон Таррох Азизов – Ходим [4] нинг “Хоразм навозандалари” XIX аср охири – XX аср бошларида Сайид Муҳаммад Раҳимхон II даврида яшаган шоирлар ҳақида эсдаликлар китобида жавоб берилади.

Китобда шоир Шайхназарбой тўғрисида ҳам сўз юритилиб: Шоирнинг номи Шайхназарбой, отасининг номи Матмурод бўлгон. Шайхназарбойнинг адабий номи Шуносийдир. Бу номни ўзи танлаб, Муҳаммад Раҳимхон иккинчига тақдим қилгон ва хонга ҳам бу маъкул бўлгон.

Шайхназарбой Хеванинг ташқари қалъасида, Нуруллабой ҳовлисининг ёнидаги Матмурод девонбегининг қалъа жойида туғилгон. У эски мактабни битирган, лекин мадраса таълимини олмагон. Зехни ўткирлиги учун шоир бўлгон. Шоир Шайхназарбой аскар бошлиғи эди. Туркман босмачилари Хоразмга ҳужум қилганида, Шайхназарбой Хоразм подшолиғидаги аскарга бошлиқ қилиниб, туркман босмачилари устига юборилди. 1911 йилда уруш бошланди. Асфандиёр Шайхназарбойни минг отликка бошлиқ қилиб тайинланди. Шайхназарбой вазият ҳақинда Ашир маҳрамга хат ёзган. Ашир маҳрам, Асфандиёр кўрқадди,

деган хаёлда хатни унга кўрсатмаган. Асфандиёр Юсуф ясавулбошига, Шайхназарбойни олдириб, осиб ўлдираман, деган. Юсуф ясавулбоши Шайхназарбойнинг Ашир маҳрамга хат ёзганини биларди. У хонга, аввал Шайхназарбойни сўроқ қилиб, сўнг ўлдирсангиз, деган. Хон бу фикрни қабул қилиб, Шайхназарбойни сўроқ қилганида, у, Ашир маҳрамга икки марта хат ёзиб юбордим, у сизни кўрқар деб айтмаган бўлса керак, деган. Шайхназарбой шундай доно киши бўлган.

Шайхназарбой шоирлик билан 30 ёшларидан бошлаб шуғуллана бошлаган. Шоир Шайхназарбой узун бўйли, чечак башара, қора соқол, доно ва сиёсатли киши эди. Фақат зарур гапларнигина гапирадиган одати бор эди.

1911 йилда туркман босмачиси Шомми кал уруш бошлади. Мен – Бобожон Тарроҳ Ходим Ислонхўжага котиб эдим. Ислонхўжа хали ҳаёт эди. Шоир Шайхназарбой аскарбоши қилиб тайинланди. Шомми кал Хевани камал қилиш учун ҳужум бошлади. Унинг мингта аскарлари бор эди. Шомми калнинг аскарлари Хева шаҳрини қамаб ётган вақтинда Шайхназарбой Ашир маҳрамга икки марта хат ёзиб, хон ҳазратларига айтди, Шомми кал мингта аскарлари билан хонни Хевадан қувиш учун кетди, деб огоҳлантирган. Бироқ Ашир маҳрам хатни хонга бермаган. Юқорида айтилганидек, сўроқ вақтинда ҳамма нарса аён бўлди. Ашир маҳрамнинг аҳмоқлиги бир одамнинг ўлимига сабаб бўлаётган эди. Уруш қилгани Шайхназарбой ўрнига Кичик Мамат маҳрам билан Урганч ҳокими Оллоберганбой юборилди. Шайхназар уларга: сизлар менинг ўрнима тайинландингиз, лекин жанг пайти Муҳаммад Юсуф тўранинг ҳовлисида туриб отишма қилманглар, сизларни Шомми калнинг аскарлари ўтга ёқиб олади, деган. Хон аскарлари Шайхназарбойнинг гапини эътиборга олмай, Муҳаммад тўранинг ҳовлисида кириб отишма қилганлар. Натижада Кичик Мамат маҳрам билан Оллоберганбой ўтда ёниб ўлдилар. Вазири Акбар Саййид Ислонхўжа ва Шайхназарбойнинг сайи ҳаракатлари билан Шомми кал қўлга олинди ва Шомми калга оғир ичириб, Хоразм подшоҳи билан урушмасликка хатлашилди. Шунинг билан Шомми бошқа уруш қилмади.

Бу кўзғолон бостирилгандан кейин ёвмут Шомурод бахши исён қилиб бош кўтаргач, “Шайхназарбой онинг ҳам устига бориб, муҳораба билан Шомурод бахшини ҳам асир қилиб келадур. Олардан кейин ёвмут ўрис қушчи тийрасидаги Қурбон Мамад сардор (Жунайид) бош кўтариб, исён қилган. Шайхназарбой онинг устига бориб, Ғозиобод қалъасининг ғарбий чангли мавзейида Қурбон Мамад сардор билан бир неча тўқнашувлар қилиб, натижада онинг бирлан ислоҳ этиб, Асфандиёрхон хизматида келадур. Аммо бир минг тўққиз юз дағи ўн бешланжи йили июнь ойининг бошларида моҳи шарифи рамазон эрди, Николайи оқ подшо фармони билан Тошкентдин генерал Хива келиб Асфандиёрхон бирлан базми мажлиси шоҳона қилиб, сўнгра Шайхназар Шиносийни Олмаота қалъасига ўн саккиз ой муддатлиг висилка қилиб юборадур [3]”

Шайхназарбой сургунда юрган вақтларида ҳам ижод билан шуғулланган ва девон тартиб берган.

Зиҳи сунъинг қилиб бу гумбазу давворни барпо,
 Вале қаҳринг била нобуд ҳам дунёу мофиҳо.
 Фаросат аҳли ожиз келдилар васфинг баёнидин,
 Қила олмай балоғат хайли ҳам бир нуқтани иншо.
 Яратдинг жумла оламини, хусусан хайли инсонни,
 Ҳам этдинг қудратинг бирла бирин аёло, бирин адно.
 Бировни айладинг ёри майи васли ила сархуш,
 Бировни бошига солдинг балойи ҳижр ила савдо.
 Агар қоҳил ва ҳар шокил, бирига ризқ етқургинг,
 Эмас бебаҳра хони неъматингдин жоҳилу доно.
 Не мумкин бўлмоқ огоҳ рамзидин, бўлғусидур улдам,
 Китоби сунъинга боққач хираднинг чашми нобино.
 Шиносийга муяссар айлабон фазлинг майидинким,
 Илоҳий ҳамдинг айтур чоғда доим қил тилинг гўё.

Шайхназарбой сургундан кейин Хивага қайтиб келган ва хон амалдорлари томонидан заҳарланган. Шоир Шихназарбой ўз туғилган жойида эмас, балки Хеванинг ташқари қалъаси ичиндан ўтган ариқ бўйидаги уйида вафот этди. Жасади Муҳаммад Раҳимхон II нинг атрофинда, Чодирли Эшон қабристонига кўйилгон [4]. Хозирги кунда шаҳар ташқарисидаги Шохимардон қабристонига кўчирилган.

Шайхназарбойдан тўртта ўғил ва битта қиз қолган. Муҳаммад Назарбой (1980-, Асад Шихов (1895-, Саид Назар(1909-1959), Лаълипошша (1910-1979), Давлат Назаров(1913-:

Мустақиллигимиз шарофати билан қаровсиз ётган маданий мерос обидалари таъмирланиши оқибатида кўпгина тарихий обидаларга қайта жон бағишланди, кўпгина манбалар топилди, тарихи ўрганилди, жумладан 2019 йилнинг август ойида Хива шаҳридаги XIX аср охирларида қурилган - Хива хони ясаулбошиси Шайхназарбойни ҳовлисини таъмирлаб турган усталар томонидан бир талай XIX аср охири XX аср бошларига оид ҳужжатларни топдилар. Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий меърос департаментини Хоразм вилояти бўйича техник назоратчиси Хажиев Юсуфбой томонидан ушбу ҳужжатлар “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси фондига топширилди. Хозирда ушбу 49 та қозихат ва 3 та Хон ёрлиқлари музей мутахассислари томонидан ўрганиш, тамирлаш ва сақлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Қозихатларни ва хон ёрлиқларини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики Шайхназарбой ўғли Муҳаммад Мурод девонбегининг 1281 хижрий(1864 й) даги тузилган олди – сотди қозихатида “Кўҳна қалъа” ичидаги 700 газ ер майдони ичида уйлари билан 1500 тилло эвазига сотилгани билан хайратланганди.

Қадимий Хива заминида шундай катта мулкдорлар бор эканлиги, бу Хива халқининг иқтисодий ҳаёти азалдан салоҳиятли эканлигини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбек Миллий Энциклопедияси. 3-том, 229 бет. 2002 й.
2. Давлатёр Раҳим. “Муҳаммад Мурод девонбеги”. Тошкент 2016, 111-б.
3. Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч, 1992, 52-бет
4. Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим 1878 йилда Хевада таваллуд топган. Бобожон Тарроҳнинг шеърлари шоҳ ва шоир Ферузга маъқул тушиб, уни мирзо ва сарой шоирларига раҳбар этиб тайинлайди. У бу вазифада ўн йил ишлаган ва воқеаларни ёзиб қолдирган. “Хоразм навозандалари” шу жиҳатдан энг муҳим манбалардан бири саналади.

УДК 913(082)

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ЭТАПОВ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА ПРИАРАЛЬЯ

Н.Р. Джумагельдиев, преподаватель, Нукусский государственный педагогический институт, Нукус

Аннотация. Мақолада Жанубий Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш учун экологик сиёсат босқичларини ишлаб чиқиш бўйича таҳлил натижалари келтирилган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий стратегиялар, дастур ва ҳаракат режалари, шунингдек, халқаро ҳамкорлик лойиҳалари масалаларини ҳал этиш Оролбўйи экологик сиёсатида инновацион ёндашувларни ишлаб чиқишга замин яратмоқда.

Калт сўзлар: Оролбўйи минтақаси, экологик сиёсатнинг ривожланиши босқичлари, миллий стратегия, барқарор ривожланиши.

Аннотация. В статье представлены результаты проведенного анализа по вопросам развития этапов экологической политики для устойчивого развития региона Южного Приаралья. Решение вопросов национальной стратегии, программ и планов действий, а проектов международного сотрудничества в области охраны окружающей среды обеспечивает основу для развития инновационных подходов к экологической политике региона Приаралья.

Ключевые слова: регион Приаралья, этапы развития экологической политики, национальная стратегия, устойчивое развитие

Abstract. *The article presents the results of the analysis on the development of the stages of environmental policy for the sustainable development of the Southern Aral Sea region. The solution of issues of the national strategy, programs and action plans, as well as international cooperation projects in the field of environmental protection provides a basis for the development of innovative approaches to the environmental policy of the Aral Sea region.*

Keywords: *the Aral Sea region, stages of development of environmental policy, national strategy, sustainable development*

Актуальность.

Современный экологический кризис в регионе Южного Приаралья указывает на неразрывность связей метаморфизмов в природе и обществе. В связи с этим зарождается дилемма: произойдет ли повторение данной ситуации или были ли схожие развития процессов. В любом случае при наличии связей между обществом и природой в прошлом, существующие взаимоотношения системы «общество-природа» также помогут добиться социально-экологической стабильности в настоящем и будущем.

Новый инновационный подход взаимодействия общества и природы в этом направлении основан на инициативе Президента Узбекистана по созданию в регионе Приаралья зоны экологических инноваций и технологий. В этом контексте ПРООН предлагает глобальный опыт по внедрению инновационных решений для комплексного достижения Целей устойчивого развития в регионе».

В результате реализации проекта свыше 2230 сельских жителей получают доступ к питьевой воде, более 1000 представителей уязвимых сообществ расширят свои возможности в получении дохода в малом и среднем бизнесе, а также в сфере экотуризма. Будет оказано содействие в адаптации к изменению климата посредством реализации инициатив по облесению на высохшем дне Аральского моря. Все это обретает большую остроту и актуальность в условиях глобального изменения климата и обостряющихся экологических бедствий. Сегодня в мире растет понимание того, что негативные изменения, связанные с Аральской катастрофой, представляют серьезную угрозу не только странам Центральной Азии, но и устойчивому развитию в мировом масштабе.

До сих пор исследования истории развития человеческой цивилизации и истории природы в регионе Приаралья находились в параллельном развитии, независимо друг от друга, такие взаимосвязи экологических процессов в природе и в обществе иногда игнорировались. При существовании достаточно обширной базы естественнонаучных и исторических данных пока не ставилась задача создания целостной концепции эволюционной теории, исследования причин экологических кризисов, характера их формирования, показателей экологической, социальной устойчивости общества.

Результаты и обсуждение.

Экологический кризис бассейна Аральского моря - один из крупнейших примеров негативного воздействия на окружающую среду на планете, охвативший целый субрегион во второй половине XX века. Последствия кризиса Аральского моря для государств Центральной Азии определены международными экспертами как глобальная экологическая катастрофа XX века, масштабы возможных последствий которой сегодня ещё до конца не осознаны. Проблема экологического бедствия в бассейне Аральского моря носит глобальный характер, и ее решение не терпит отлагательства. Учитывая то, что экстремальная экологическая ситуация в Аральском регионе оказывает негативное воздействие на природную среду обитания и условия жизни миллионов жителей не только бассейна Аральского моря, но и других регионов нашей планеты. Ее последствия до сих пор остаются основным фактором, дестабилизирующим экологическую ситуацию в регионе.

За последние 35-40 лет уровень Аральского моря понизился на 29 м, площадь акватории уменьшилась более чем в 5,8 раза, объем воды снизился с 1064 до менее 80 км³, соленость воды достигла в западной части 110-112 г/л., а в восточной котловине 280 г/л. Аральское море, практически, превратилось в безжизненный водоем. Площадь осушенного дна Аральского

моря в настоящее время составляет более 6,8 млн. га. В связи с этим интенсивность и частота распространения пыльных бурь с каждым годом увеличивается. На орошаемые земли низовьев рек Амударья и Сырдарья ежегодно выпадает более 80-100 млн. тонн соли, песка [1, 12]. В результате прогрессирует процесс опустынивания, сокращается видовой состав животного и растительного мира, ухудшается санитарная обстановка в Приаралье, увеличиваются инфекционные и др. заболевания, выводятся из севооборота орошаемые земли, снижается урожайность сельскохозяйственных культур и т.д.

Общеизвестно, что на рубеже 1990-х — 2000-х гг. сформировалась новая стратегия экологической политики Республики Узбекистан, правительство и само общество уделяют большое внимание высоким темпам загрязнения окружающей природной среды. В научной литературе всегда актуальной оставалась проблема экологизации развития промышленного производства и его влияния на окружающую среду и человека. Различные авторы много внимания уделяли проблеме глобального потепления, увеличению угрозы экологического кризиса.

Значительное большинство международных организаций системы ООН включило в свою деятельность существенную экологическую составляющую, ориентированную на переход к устойчивому развитию. Эксперты Всемирного Банка Развития определили устойчивое развитие как процесс управления совокупностью активов, направленный на сохранение и расширение возможностей, имеющихся у людей. Для устойчивости, необходимо экономическое развитие государства. Для рационального управления экономикой страны необходимо использование в дальнейшем рациональное управления активами общества.

С экологической точки зрения, устойчивое развитие должно обеспечивать целостность биологических и физических природных систем. Особое значение имеет жизнеспособность экосистем, от которых зависит глобальная стабильность всей биосферы. Более того, понятие «природных» систем и ареалов обитания можно понимать широко, включая в них созданную человеком среду, такую как, например, города. Основное внимание уделяется сохранению способностей к самовосстановлению и динамической адаптации таких систем к изменениям, а не сохранение их в некотором «идеальном» статическом состоянии. Деградация природных ресурсов, загрязнение окружающей среды и утрата биологического разнообразия сокращают способность экологических систем к самовосстановлению.

Демократизация мирового сообщества в начале 1990-х гг. XX века привела к образованию предпосылок для открытого обсуждения экологических проблем во всем мире. В результате активизации научной деятельности в первой половине 1990-х гг. были изданы многочисленными тиражами книг, статей, брошюр, научных сборников, посвященных экологической тематике. Направленность большинства исследований на охрану окружающей природной среды и человека от вредных промышленных токсикантов. Ученые-экологи настаивали на необходимости разработки новой стратегии экологической политики в условиях перехода к рыночной экономике. Ведущие исследователи поэтапно выявляли актуальные вопросы взаимодействия общества и природы, находили решение из экологического кризиса.

Накопленный за последние годы позитивный и негативный опыт решения экологических проблем нуждается в синергетическом анализе и абстракции. Поэтому в настоящее время очень важным этапом является формирование у общества объективного представления об опасности загрязнения объектов природной среды, угрозе сокращения и исчезновения лесов, высыхания рек и морей, загрязнения и истощения почвы, исчезновения редких видов животных и растений. Осведомленность об экологической ситуации позволит включить наше общество в борьбу за охрану окружающей среды от различных видов поллютантов, будет способствовать преодолению негативных последствий промышленного развития, поставивших под угрозу состояние здоровья населения.

Политика экологической безопасности Республики Узбекистан проводится на основе Конституции, законодательства, Концепции национальной безопасности Республики Узбекистан, принципов Рио-де-Жанейровской и Йоханнесбургской Деклараций по

окружающей среде и устойчивому развитию, с учетом обязательств республики, вытекающих из международных конвенций и соглашений, а также законодательного опыта ведущих государств.

За годы независимости Республика Узбекистан убедительно продемонстрировала большую преданность реализации многих глобальных обязательств, включая проведение научных исследований, подготовку концепций, программ и планов действий. Природоохранное законодательство Узбекистана охватывает множество вопросов природоохранной деятельности. Среди них и система государственных органов, распределение функций и полномочий между ними, и сохранение биологического разнообразия и обеспечение доступа к информации, и применение экономических механизмов, а также многие другие вопросы.

Среди существующих документов, самыми основными документами являются «Национальный План действий по охране окружающей среды на 1999-2005 гг.» (1998 г.), «Национальная программа действий по борьбе с опустыниванием» (1999 г.), «Национальная стратегия и план действий по сохранению биоразнообразия» (1999 г.), «Концепция и стратегия по устойчивому развитию» (2000 г.), «Обзор результативности экологической деятельности» (2001 г.) [1].

В стратегии охраны окружающей среды в Центральной Азии на межгосударственном уровне Правительством Узбекистана и других государств (Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан и Туркменистана) принято ряд документов, которые являются фундаментом для менеджмента организационных мероприятий на региональном уровне.

С совершенствованием развития Программы бассейна Аральского моря были учреждены Межгосударственный совет по проблемам бассейна Аральского моря (МГСА) для координации программы и Международный фонд спасения Аральского моря (МФСА) для привлечения финансовых средств. В феврале 1997 г. МГСА был объединен с МФСА. В этот период в республике были завершены и продолжали функционировать более 50 международных проектов, среди которых определенную долю составляют инвестиционные проекты, остальные проекты технического содействия, направлены на поддержание ресурсов, разработку национальных или региональных стратегий, защиту природной среды и экологическое образование.

Новые политические и социально-экономические преобразования в Узбекистане открывают значительный потенциал для акцентирования стратегических мер и действий в интересах сохранения биоразнообразия, интегрированного управления и использования природных ресурсов и экологической безопасности. Всеобщая ответственность человеческого общества заключается в формировании условий для реализации поставленных обязательств, чтобы сберечь для будущих поколений уникальную красоту ландшафтов республики, богатство животного и растительного мира [2].

Основные стратегические тренды в направлении к устойчивому развитию общества и достижения глобальных обязательств обеспечивают Указы Президента и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан, такие как «О мерах по реализации программ по либерализации и углублению реформ в политической, экономической и духовной сферах общества, обеспечению безопасности страны», «О углублении реформ в сельском хозяйстве», а также специальные Законы Республики Узбекистан, положения и нормы, регламентирующие их реализацию. Концептуальные основы и подходы по переходу на устойчивое развитие отражены в программных документах государства [3].

При поддержке Программы Развития ООН и международных финансовых структур (Всемирный Банк, ГЭФ) и отдельных стран-инвесторов активно включаются в деятельность Программы социально-экологической и экономической направленности, решение которых содействует образованию условий синергизма к устойчивому развитию.

Реализация национальных стратегий, программ и планов действий, а также проектов регионального и международного сотрудничества в области охраны окружающей среды и устойчивого развития обеспечивает основу для развития общих подходов природоохранной

политики и экологической безопасности. Они показывают политические, законодательные и институциональные рамки и предпосылки для укрепления взаимосвязи и синергизма между конвенциями и развитием национальных стратегий.

Имеющиеся недостатки в структуре менеджмента, координации и обмену информацией снижают возможности использования новых инновационных технологий. К примеру, ограниченное использование водосберегающих и энергосберегающих технологий, включая оборудование и возобновляемые источники энергии, содействуют большой энергоемкости технологий, которая значительно выше аналогичных показателей развитых стран мира.

На фоне глобальных катаклизмов и экономического спада ООН выражает тревогу: пандемия обнажает и усугубляет проблемы всеобщего здоровья и благополучия, экономического роста, экологии и климата, а также делает еще более актуальным вопрос финансирования достижения устойчивого развития. Мировое сообщество обсуждает эффективные пути выхода из кризиса с сохранением приоритетов устойчивого развития. В связи с этим целый ряд стран (включая страны ЕС и Южную Корею) объявили о планах «зеленого» восстановления экономики, которые предполагают дальнейшую существенную перестройку национальных и трансрегиональных экономических систем: поддержку «зеленых» отраслей экономики, развитие возобновляемых источников энергии, интеграцию элементов циклической экономики в промышленные процессы, установку новых целей по снижению выбросов парниковых газов. «Новый зеленый курс» в ЕС предполагает и введение трансграничного углеродного налога, что, по мнению аналитиков, будет иметь существенные последствия для российских производителей и экспортеров.

Одним из результатов экологической политики Республики Узбекистан стало улучшение качества окружающей среды на территориях с повышенной степенью риска для здоровья человека и стабилизация экосистем. Активно осуществляются мероприятия по реабилитации последствий Аральского кризиса, экологической обстановки в Приаралье - ведется строительство малых локальных водоемов, водоводов питьевого водоснабжения. За последние двадцать лет наблюдается тенденция снижения выбросов вредных веществ от стационарных (с 1,2 до 0,6 млн.т) и передвижных источников (автотранспорта, в среднем, на 3-5% в год). В рамках выполнения обязательств по Венской конвенции об охране озонового слоя и Монреальского протокола по веществам, разрушающим озоновый слой к данной Конвенции, в результате реализации Национальной программы по прекращению использования озоно-разрушающих веществ общее потребление ОРВ снижено на 99,85%, и Республика Узбекистан в настоящее время находится в режиме соблюдения Монреальского протокола.

На национальном уровне в Узбекистане с 1997г. действует Национальная комиссия по устойчивому развитию (НКУР), которая затем была преобразована в рабочую группу под координацией Правительства Республики Узбекистан. Экспертами министерств и ведомств Узбекистана в 1998 г. была разработана Концепция устойчивого развития Республики Узбекистан. Одним из важнейших механизмов, способствующих обеспечению устойчивого развития, является законодательно-правовые основы, а также механизмы для урегулирования межгосударственных и внутрирегиональных разногласий по вопросам принятия решений в области использования природных ресурсов и трансграничного воздействия, системы финансовых гарантий для возмещения ущерба окружающей среде и здоровью населения вследствие ухудшения экологической ситуации региона.

В 2008г. создано Экологическое движение Узбекистана, которое призвано объединить граждан страны, поддерживающих идеи и желающих активно участвовать в охране окружающей природной среды и здоровья человека. Движение стремится мобилизовать все силы общества на дальнейшее углубление проводимых в стране преобразований, направленных на реализацию и неукоснительное соблюдение прав настоящего и будущих поколений граждан Узбекистана на жизнь в благоприятной окружающей природной среде, улучшение здоровья населения, охрану и рациональное использование всего комплекса природных ресурсов.

Для решения экологических проблем необходимы консолидированные действия всех заинтересованных стран, взаимовыгодное сотрудничество международных, региональных и национальных партнеров. Ощутимая международная поддержка региону Южного Приаралья оказана и оказывается со стороны стран, предоставляющих официальную помощь в целях развития, стран «Большой семерки», многосторонних агентств развития (ЕС, ООН, АБР, ВБ и др.) в рамках различных региональных программ и проектов. Последовательное выполнение намеченных мер позволит обеспечить устойчивое развитие социальной, экономической и экологической сфер в стране.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Национальная стратегия и план действий по сохранению биологического разнообразия Республики Узбекистан. Ташкент, 1998
2. Национальная стратегия устойчивого развития Республики Узбекистан. Ташкент, 1999
3. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан».- Госкомприрода РУз, Ташкент, 1995, 1998, 2000
4. Национальный план действий по охране окружающей среды, Ташкент, Госкомприроды, 1998.
5. Национальная программа действий по охране окружающей среды на 1999-2005 гг.
6. Национальная Программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан, Ташкент, 1999.
7. Национальный доклад по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан, Ташкент, 2000.
8. Стратегия повышения уровня жизни населения Республики Узбекистан на 2004-2006 годы и период до 2010.
9. Сохранение биологического разнообразия. Национальная стратегия и план действий, Ташкент, 1998
10. Национальный обзор по оценке прогресса, достигнутого Республикой Узбекистан по выполнению повестки дня на 21 век, 2001.
11. Субрегиональная программа действий стран центральной Азии по борьбе с опустыниванием в контексте КБО.
12. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан, 2000, 252 С.

УЎК 903

БУХОРО ШАҲРИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТОПОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР

Н.О. Жўраева, катта ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. *Мазкур мақолада Бухоро шаҳри мазорларининг ўзига хос тарихий топографик тараққиёти йўли ва уларда амалга оширилган ўзгаришлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, муқаддас қадамжолар шаҳар ҳудудининг кенгайишига, ёки аксинча, уни муайян территориял ҳажмда сақлаб қолишига таъсир кўрсатганми каби саволларга атрофлича жавоб берилади.*

Калим сўзлар: *қадамжо, муқаддас қадамжо, зиёратгоҳ, мазор, қабристон, зиёрат объекти, чегара, топография, территориял ўзгаришлар*

Аннотация. *В данной статье обсуждаются специфический исторический топографический путь развития кладбищ города Бухара и изменения осуществленные в них. Также, подробно предоставляется, ответы на такие вопросы как повлияли ли святые места на расширение территории города Бухара или наоборот повлияли ли они в сохранении города в определенном территориальном объеме.*

Ключевые слова: *святыня, святое место, места паломничества, кладбище, объект паломничества, граница, топография, территориальные изменения*

Abstract. *This article analyses the specific historical topographical path of the development of the cemeteries of the city of Bukhara and the changes made in them. Also, answers to such questions as whether the holy places influenced the expansion of the territory of the city of Bukhara or vice versa, whether they influenced the preservation of the city in a certain territorial volume are provided in detail.*

Keywords: *shrine, holy sites, places of pilgrimage, cemetery, place of pilgrimage, border, topography, territorial changes*

Бухоро Ўзбекистондаги зиёрат сайёҳлиги йўналишидаги муҳим замин ҳисобланади. Бухорода туризмнинг муҳим объектлари бўлган жуда кўп улуг авлиё ва мутафаккирларнинг зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжолари мавжуд. Шу боис Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳар гал Бухорога ташриф буюрганларида энг аввало Бухорои Шарифнинг шу имкониятидан унумли фойдаланишга чақирадилар. Шу ўринда Бухоро шаҳри муқаддас қадамжолари ҳақидаги тадқиқотлар ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим таркиби эканлигини таъкидлаш ўринли ҳисобланади.

Бухоро шаҳри муқаддас қадамжолари топографияси ҳақидаги масала ҳар доим тадқиқотчилар диққат марказидаги мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Бухоро шаҳри мозорларининг ҳам ўзига хос тарихий топографик тараккиёти бўлиб, бу тараккиёт бевосита Бухоро шаҳри деворларининг қурилиши, қайта қурилиши, унинг алоҳида қисмларининг ўзгариши ва унинг айрим қисмларини кўчириш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда содир бўлган. Негаки, кўпчилик ҳолатларда мозорлар шаҳар деворларидан ташқарида вужудга келтирилган. Табиийки, аҳолининг демографик ўсиб бориши натижасида шаҳар кенгайиб борган. Шаҳарнинг кенгайган қисмида муқаддас девори қурилаётганда муқаддас қадамжолар инobatга олинганми, уларга даҳл қилмасликка ҳаракат қилинганми, муқаддас қадамжолар шаҳар ҳудудининг кенгайишига, ёки аксинча, уни муайян территориал ҳажмда сақлаб қолишга таъсир кўрсатганми ?

Шаҳарнинг кенгайган қисми хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 849-850 йилларда, Бухоро шаҳрида рабоннинг биринчи деворидан кейин яна бир ташқи девор қурилди, бу девор рабод , Арк ва Шаҳристонни бир доирада ўраб турган [3,106] . Демак, Бухоро қадимги учта қисмини ҳам ўз ичига олган ягона ташқи девор ҳалқаси билан ўраб олинган. Тадқиқотчилар бу девор ичида шаҳар VIII аср бошларига қараганда 5 барабар катта бўлганлигини таъкидлашади [2,239]. Демак, шу ўринда шаҳар катталашган бўлса, қайси мозорлар шаҳар ичида ва девор ташқарисида қолди деган ҳақли савол туғилиши табиий, албатта.

Манбалардаги маълумотларнинг кўрсатишича, бу даврда Бухоро шаҳри ичида девордан ичкарида Хўжа Нуробод мозори, афсонавий шоҳ Сиёвуш қабри жойлашган. Даврлар ўтиши билан Аркда амалга оширилган қурилишлар халқ орасида Вали сифатида кўтарилган Сиёвуш қабрини ҳам четлаб ўтмади. XVIII аср ўрталарига келиб Манғитлар сулоласи даврида Аркнинг шарқий томони амирлар ўрдасига айлантирилгач, “Дарвозаи Гўрион” дарвозаси беркитилиб, ягона дарвоза , дарвозаи Регистон қолдирилган. Сиёвушнинг қабри ҳам қадимги Гўрион дарвозасидан Регистон дарвозаси ёнига , Ноғорахона тагига кўчирилган. Манғит амирларининг буйруғи билан у ердаги махсус хужрада Сиёвушнинг рамзий қабрини қуриб, туғ кўтардилар. Зиёратга келганлар Регистон дарвозасидан кирганда ўнг томонда махсус зинапоялар орқали юқорига чиқиб, Сиёвуш қабрини зиёрат қилганлар. Зиёратчиларга амир саройи ва унинг ўрдаси орқали йўл беркитилган [6,15]. Шундай қилиб, зиёратчилар оқими амир ва амалдорларнинг давлат бошқарувига доир фаолиятларига ҳалақит бермаслиги чоралари кўрилган. Сомонийлар даврида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари давом эттирилган. Натижада, IX-X асрларда Бухоро шаҳри деворидан ташқарида Хўжа Солор , Майдана дарвозасидан ташқари йирик мозор, машҳур Исмоил Сомоний мақбараси, фикҳшунос олим Абу Ҳафс Кабир Бухорий зиёратгоҳлари жойлашган. Шаҳарнинг муҳим қисмига айланган Бухоро Работи 11 та дарвозадан иборат муқаддас девори билан ўралган. Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан рабоннинг биринчи девори сақланиб қолинмаганлиги, аммо рабоннинг иккинчи деворининг чегаралари ва унинг ўн битта дарвозалари ҳозирги шаҳар ичида жойлашган ва қачонлардир рабоннинг биринчи деворининг дарвозаларидан ташқарида бўлган эски қабристонлар ҳалқаси бўйлаб узатилиши мумкинлиги таъкидланилади [3,106]. Мазкур давр шаҳар чегаралари ва шаҳар девори акс эттирилган тарихий-топографик хариталарда кўпгина мозорлар шаҳар деворларидан ташқарида жойлашганлигини кўриш мумкин.

Ўрта асрларда шаҳарда ижтимоий ҳаёт давом этиб, вақт ўтиши билан шаҳар майдони янада кенгайган. Унинг атрофида, шаҳар девори ташқарисида, янги топографик объектлар:

кўча, гузар ва маҳаллалар қад кўтарган. Бу ўз навбатида шаҳарни яна бир девор билан ўраб олиш заруриятини келтириб чиқарган. Бу даврда ўзбек хонлари Абдулазизхон (1504-1549), кейин Абдуллохон (1557-1598) шаҳарни қайта қуриш билан шуғулланишган. Абдулазизхон, даврида, работнинг янги деворлари қурилди. Унинг деворлари Хўжа (Хожиён) дарвозасидан шимол томонга борадиган ғарбий қисмини ҳисобга олмаганда, сўнгги асрлардаги шаҳар девори чегараларига тўғри келади. Манбаларда 16 аср шайбоний Абдуллохон даврида Бухоро шаҳри бир мунча кенгайганлиги, хоннинг фармони билан шаҳар девори ва ҳарбий истехкомлар қайтадан қурилганлиги, шунингдек, шаҳарда мадраса, карвонсарой, хонақолар ва янги расталар барпо қилинганлиги, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларида тим (Абдуллохон тими), кўчалар чорраҳаси устига гумбазтоқлар, ҳаммомлар, карвон йўлларида сардобалар, карвонсаройлар, кўприклар қурилганлиги таъкидланилади. Абдулазизхон деворининг ғарбий қисми Абдуллохон томонидан бузиб ташланиб, ўрнида проспект ташкил этилди. Янги девор ғарбга, сўнгги девор чегараларига (19 аср), шу жумладан шаҳар ичидаги қудратли Жўйбар шайхларининг уйлариғача сурилди. Шайх Жалол, Қоракўл, Ширгарон ва Талипоч дарвозалари қурилди [3,106]. Шайх Жалол дарвозаси XVI асрнинг мозаик безаклари билан сақланиб қолган, қолган дарвозалар қайта-қайта таъмирланган. Шаҳар яна бир мудофаа девори билан ўраб олингандан сўнг Хўжа Ғунжори, Шайх Жалол, Шайх Рангрез мазорлари девор ичкарасида жойлашди. IX асрда Бухоро шаҳри деворидан ташқарида бўлган Хўжа Солор, Майдана дарвозасидан ташқари йирик мазор, машҳур Исмоил Сомоний мақбараси, фикҳшунос олим Абу Ҳафс Кабир Бухорий зиёратгоҳлари бу даврда энди шаҳар деворидан ичкарига жойлашди, яъни шаҳарнинг кенгайган қисмида мудофаа девори қуриляётганда муқаддас қадамжолар инobatга олинди, уларга даҳл қилмасликка ҳаракат қилинди. Шундай қилиб, XIX аср Бухоронинг меъморий қиёфаси асосан XVI асрда шаклланган. Шунингдек, бу даврда шаҳарга 11 дарвозадан қирилганлиги, ҳамда ҳар бир гузарнинг ўз мазори бўлганлиги ҳақида ёзилади.

XX аср бошларига келиб Бухорода шаҳар деворлари ичида, бозор ва турар жой массивларида 17 та қабристон ва девор ташқарисида яна еттита қабристон бўлганлиги таъкидланилади. Илмий манбаларда шаҳар марказидаги Турки-жанди қабристонидан эса қабрлар бир-бирининг устига устма-уст қўйилган ва бир неча қават бўлганидан “сағана” қилиб ясалган қабрлар эса фақат ҳавода қолганлиги, минглаб қабрлар эса одамлар яшайдиган жойлар билан тутшиб кетганлиги айтилади [3,47].

Собиқ иттифоқ даврида эса кўпгина муқаддас қадамжо ва мазорлар динга қарши сиёсат туфайли йўқ қилинди, маҳаллий аҳолига уй-жой қуриш учун ажратиб берилди. Масалан, Бухоро шаҳрида кўпгина тараққийпарвар кишилар кўмилган Тали Ғарибон мазори 1980 йилларда бозор қуриш баҳонаси билан йўқ қилиб юборилди [6,142]. Шунингдек, машҳур шоир ва олимларнинг ҳам мақбара ва мазорлари вайрон қилинди.

XVI асрнинг машҳур шоири Абдурахмон Мушфиқи қабри ва мақбараси, Хўжа Убондаги мақбара (XIV аср), Хўжа Исмаи мақбараси (XV) каби юзлаб нодир архитектура ёдгорликлари йўқотиб юборилди [6,142].

X аср Ислом ҳуқуқшунослиги олими, таниқли тасаввуф намоёниси Абу Бақри Исҳоқ Калободи мақбараси ва унинг атрофидаги мазор ҳам бу сиёсатдан четда қолмади. Бухоро шаҳрида “Дарвозаи мазор” ёнида жойлашган мазкур қабристонда Абу Бақри Исҳоқ Калободи XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган олим, шоир Аҳмад Дониш каби ўнлаб Бухоронинг йирик олимларининг қабри ва 15 қаватдан иборат бўлган пушталар тамомила ер билан текисланиб, у ерларга турар жойлар-участкалар берилди [6,4]. Ўрта асрларда Бухоро шаҳрининг жануби-ғарбида жойлашган ва шаҳарнинг энг йирик қабристони бўлган Турки Жанди қабристонининг худуди қисқартирилиб, унинг ўрнида болалар боғчаси қурилди. Бухоронинг нодир меъморий ёдгорлиги бўлган Халифа Худойдод мақбараси, у ердаги Сардоба (усти ёпилган шифобахш чашма), мазор, унинг ёнидаги Эшони Имло мақбараси, масжид, Бухоро амирларининг айримларининг қабрлари ер билан текисланиб, ўрнига мактаб, шахсий уй-жой участкалари қурилди [6,4]. 1950 йилларда бу сиёсат яна давом эттирилди, маҳаллий партия ва совет раҳбарлари динга қарши кураш баҳонаси билан Афросиёб

тепалигини бузиб, йўл ўтказдилар : Абу Ҳафс Кабир мақбараси, Афросиёб авлиёси ва бошқа меъморчилик обидалар бузиб ташланди [6,12]. Бухоро шаҳрини кенгайтириш масаласи билан амалга оширилган бундай ҳудудий ўзгартиришлар натижасида миллий маънавиятимизнинг атоқли намояндalари фаолиятини халқимиз томонидан унутилишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Бухоро шаҳрининг кенгайган қисмида ҳар гал янги мудофаа девори қурилатганда муқаддас қадамжолар инобатга олиниб, шу муқаддас қадамжо атрофи бўйлаб янги кўча, гузар ва маҳаллалар қад кўтарган ва муқаддас қадамжолар шаҳар ҳудудининг кенгайишига ва шаҳарнинг янги қисми вужудга келишига асос бўлиб шаҳар топографик таркибига айланиб борган. Совет иттифоқи даврида айрим муқаддас қадамжо ва мазорлар ижтимоий-маиший бинолар қуриш баҳонасида бузиб ташланди, уларнинг ўрнида аҳоли яшаш манзилгоҳлари қурилди. Вайрон қилинган ва унутилган муқаддас қадамжоларни топографик тадқиқ қилиш, у ердаги буюк кишиларни фаолиятини ўрганиш, ҳеч бўлмаганда шу жойда уларга рамзий ёдгорлик ўрнатиш, улар хотирасини қайта тиклаш ва илмий меросларини ўрганиш жараёни билан боғлиқ бўлган келгусидаги муҳим вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий Бухоро тарихи / форс-тожик тилидан А.Расулев таржимаси. – Тошкент: Шарк баёзи, 1993.
2. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии.-Л.: Наука, 1973.
3. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое записы-Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары.-Т.:Гафур Гулям, 1982.
4. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары.-Москва.:Наука, 1976.
5. Умняков И.И. «К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары» (сборник Туркестанского Восточного института, в честь проф. А. С. Шмидта, Ташкент, 1923).
6. Йўлдошев Н. Бухородаги айрим авлиёлар тарихи.-Бухоро.:Бухоро, 1993.
7. Жўраева Н.О. Бухоро шаҳри тарихий топографиясининг шаклланишида муқаддас зиёратгоҳларнинг ўрни.-Хива.://Вестник Хорезмской академии Маъмуна, 2019.- 41-бет
8. Jurayeva Nafisa Olimovna Features of the Historical Topography of the City of Bukhara.//Test Engineering & Management.2019.C.1356-1360

УЎК 94(479.22)

«ХЛОПКОВОЕ ДЕЛО» И РЕПРЕССИИ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ

Б.Ибрагимов, преподаватель, Каракалпакский государственный университет, Нукус

Annotatsiya. *Asar Qoraqalpog'iston tarixini o'rganishda muhim masalalardan biri - Qoraqalpog'istondagi repressiyalar, xususan, "paxta biznesi" ga bag'ishlangan. Maqolada 1983-1988 yillardagi qatag'onlarning aholiga dahshatli ta'siri tahlil qilingan. Bundan tashqari, maqolada Qoraqalpog'iston aholisining xotiralariga asoslangan tergov usullari muhokama qilinadi, o'rganilayotgan davr tarixi sahifalari tiklanadi.*

Kalit so'zlar: *repressiya, "paxta biznesi", Qoraqalpog'iston, paxtachilik, tergov guruhi, KPSS Markaziy Qo'mitasi.*

Аннотация. *Работа посвящена одному из важных вопросов изучения истории Каракалпакстана - репрессиям в Каракалпакстане, в частности «хлопковому делу». В статье анализируется устрашающее воздействие на население репрессий 1983-1988 гг. Помимо этого в статье рассмотрены методы расследования, на основе воспоминаний жителей Каракалпакстана восстановлены страницы истории изучаемого периода.*

Ключевые слова: *репрессия, «хлопковое дело», Каракалпакстан, хлопководство, следственная группа, ЦК КПСС.*

Abstract. *The work is devoted to one of the important issues in the study of the history of Karakalpakstan - repressions in Karakalpakstan, in particular the "cotton business". The article analyzes the frightening impact on the population of repression in 1983-1988. In addition, the article discusses the methods of investigation, based on the memories of the inhabitants of Karakalpakstan, the pages of the history of the period under study are restored.*

Key words: repression, "cotton business", Karakalpakstan, cotton growing, investigative group, the Central Committee of the CPSU.

Ошибки союзного правительства в проведении экономических реформ в крае усугублялись также и начавшимися в эти годы компании по шельмованию и опорочению народов Узбекистана и Каракалпакстана, нашедшее красноречивое выражение в так называемом “хлопковом деле”. Только в Каракалпакстане под следствием в эти годы находились 133 человек [1].

В начале апреля 1983 г. была создана следственная группа Генеральной Прокуратуры СССР Т.Х.Гдляна и Н.В.Иванова в соответствии Постановления Политбюро ЦК КПСС о расследовании злоупотреблений в хлопководстве Узбекистана.

Садистские методы расследования были доведены до совершенства. Арестовывали, например, кого-то за получение или передачу взяток, а тот отрицал свою вину, тогда ему напоминали, что из-за упрямства он ставит под удар свою семью, весь род. Арестованный продолжал молчать, тогда угрозы приводили в исполнение. В камерах оказывались самые близкие родственники. Детей иногда помещали в соседние от родителей камеры. Делали это умышленно, играли на родительских, родственных чувствах. Во время следствия по постановлениям гдляновских следователей было арестовано по 8 невиновных родственников К.Камалова, К.Нурумбетова, 15 — Худайбергенова [2].

Ережеп Айтмуратов: «Я был арестован 20 августа 1987 года в Ташкенте. Несколько дней содержали в следственном изоляторе, а затем перевезли в Москву. С этого момента начались регулярные допросы, которые вели Гдлян и Иванов. Мне долго объясняли насчет значения чистосердечного признания, советовали во всем признаться, грозя в ином случае сделать «паровозом» по делу, угрожали разобраться с приписками в республике, к которым, якобы, я, будучи секретарем ЦК КП Узбекистана имел непосредственное отношение. Заявляли о том, что того, кто у них не признается, ожидает расстрел, а кто идет вместе с ними — тому почти ничего не будет и его они даже могут освободить из-под стражи. Запугивали также тем, что если я буду продолжать молчать, то они арестуют жену, сына, дочь, брата».

Касым Нурумбетов: «Под диктовку Гдляна я стал писать заявление о том, кому и от кого получал взятки. Это происходило примерно так. Гдлян спрашивал меня, кто из вышестоящих руководителей приезжал в наш район. А когда я их называл, он заставлял писать, что я им давал взятки. Затем он приказал мне перечислить всех председателей колхозов, директоров совхозов, руководителей торговли и назвать их всех в числе взяткодателей. Все это я писал. После того, как я писал список, опять же под диктовку Гдляна я писал сумму денег, которую я получал от каждого названного мною человека, и суммы денег, которые я передавал вышестоящим руководителям. Только после этого мне приходилось придумывать по каждому взяткодателю и взяткополучателю когда и за что передавались суммы денег. То есть я придавал моим заявлениям правдоподобность».

Султамурат Каньязов.: «В кабинет вошел Иванов и строгим тоном сказал: «Пиши заявление на имя Генерального прокурора СССР, где укажешь, что брал взятки снизу от 45–47 человек не менее чем на 500 тысяч рублей, а также не менее 12–15 эпизодов покажешь «наверх», чтобы там были Осетров, Орлов, Абдуллаева, Ишков и другие».

Среди осужденных по так называемым «хлопковым делам» оказались 430 директоров совхозов и председателей колхозов, 1300 их заместителей и главных специалистов; 84 директора хлопковых заводов и 340 главных специалистов этих заводов; 150 работников легкой промышленности Узбекистана, РСФСР, Украины, Казахстана и Азербайджана; 69 партийных, советских работников, специалистов МВД и прокуратуры. Были арестованы 58 тысяч должностных лиц, открыто 800 уголовных дел, осуждены 4 тыс. человек [3]. Были сняты со своих постов 172 работника, входивших в номенклатуру ЦК КПСС, 1813 – входивших в номенклатуру ЦК КПз.

В 1980-е годы высший эшелон руководства Каракалпакстана представляли: Ережеп Айтмуратов; Александр Александрович Юриц, Абдулла Бекманов, Мусреп Кинбаев, Алима

Гаипова, Улбосын Алламуратова, Чарджуй Абдиров, Тажим Давлетмуратов, Атагулла Худайбергенов, Шамиль Абдулкасымов, Жолымбет Сейтниязов, Султан Торемуратов, Салима Юсупова, Орынбай Мадияров, Табынбай Жуцмамуратов, Жалел Муютдинов, Давлетназар Алланазаров, Давлет Жумабаев, Жумамурат Жиёмуратов, Алимбай Примов, Абдибай Карлыбаев, Сауким Жамангараев, Утамбет Арзымбетов, Карим Мамутов и др. [4].

В 1980-х годах уровень жизни населения каракалпакского общества характеризуется весьма противоречиво. С одной стороны, в общественной структуре наблюдался весьма ощутимый рост уровня жизни и удовлетворения потребностей по сравнению с военными и послевоенными годами; с другой стороны, общество все еще было зажато в тисках идеологической конъюнктуры и идеологических стереотипов и штампов. Относительная удовлетворенность уровня жизни уступила место застою не только в экономической жизни, но и в сфере удовлетворения потребностей населения.

Хлопок, превращавшийся в сельскохозяйственную монокультуру не только Каракалпакстана, но и среднеазиатских республик в целом, блокировал процессы диверсификации ее аграрно-отраслевой структуры. Попросту говоря, обрек благодатный в биоклиматическом отношении регион оставаться в узкой нише хлопковой общесоюзной специализации. В общей массе всех посевных площадей под хлопок было занято 50% земель по Узбекистану, когда как под яровую пшеницу отводилось всего лишь 3,6% площадей [5].

Монокультурная ориентация сельскохозяйственной отрасли региона привела к тому, что он превратился из аграрно-производящего в потребляющий. Под хлопчатник отводились осваиваемые новые земли. Стремительно сокращались посевы продовольственных культур, ограничивались размеры личных приусадебных участков сельчан. Экстенсификация культуры хлопчатника, посевы которого подходили буквально под окна дома колхозника-дехканина, до предела сузили возможности развития личного подсобного хозяйства. В результате год от года оскудевали возможности продовольственного самообеспечения республики. В республику стали ввозить не только зерновые, но даже картофель и некоторые виды овощей. Доходило до парадоксов, когда покупали в магазинах яблоки, завезенные из далекой Молдавии.

Тяжелыми оказались и экологические последствия хлопкового приоритета. Бесконтрольное использование вод Амударьи и Сырдарьи, среднегодовой сток последних в Аральское море с 42,9 кубокилометров в 1961-1970 гг. уменьшился до 4,2 кубокилометра в 1981-1984 гг. [6]. Это стало одной из главных причин трагедии Арала. Амударья в своем нижнем течении полностью высохла, а дельта ее превратилась в засоленную пустыню. Драгоценная в условиях аридной природной среды вода превратилась в экстенсивной нерыночной экономике почти в бесплатный ресурс. Тысячи ее кубометров, растекались по многочисленным ирригационным сооружениям, заливая хлопковые и рисовые поля, не столько орошая их, сколько покрывая коркой выпариваемой соли.

Эксплуатация природных богатств страны носила практически безудержный характер. Развитой социализм 60-70-х годов обострил конфликт между обществом и природой, в 70-е годы во многих регионах СССР обострился экологический кризис. Катастрофа Арала, заражение пестицидами, дефолиантами земель и другое – наиболее яркие проявления этого кризиса. Кроме того, произошли изменения в экологии и биологии рыб и кормовых организмов, населявших Аральское море и Амударью, уменьшили их численность. Стали исчезать аральский усач, щип и другие виды. Конечно, принимались меры по сохранению этих видов рыб, например, строительство Нукусского рыбоводного завода для ежегодного выращивания до 2 млн. мальков усача и др. рыб. Но завод, сданный в 1973 году в эксплуатацию, практически не работал. Причиной этого стало неудовлетворительное водоснабжение, отсутствие производства осетровых в Арале и больших капитальных затрат на исправления значительных строительных недоделок [7].

На XVI пленуме ЦК КП Узбекистана (июнь 1984 г.) отмечались крупные недостатки в развитии хлопководства: по существу, отсутствие роста урожайности, снижение выхода волокна, и т.д. Вслед за этим пленумом последовал еще один, но уже на уровне Каракалпакстана, который состоялся в августе того же года. Этот принцип проведения

партийных коллоквиумов еще раз показывает иерархию Советской партийной власти. Так как, до этого состоялись февральские и апрельские пленумы ЦК КПСС 1984 г., за ними июньский пленум ЦК КП Узбекистана, в августе свою очередь дождался и Каракалпакский обком КП.

На рубеже 1980-х годов каракалпакское общество, как и все советское, переживало период тяжелого социально-экономического и общественно-политического кризиса. Время требовало либо модификации общественно-политических процессов и идеологических установок, либо совсем отказаться от них. Затратный хозяйственный механизм, несовершенная структурная и инвестиционная политика, замедление научно-технического прогресса привели к экстенсивному развитию общественных отношений, общественного производства и предопределило формирование экстенсивного типа мышления как господствующего фактора в экономическом и общественно-политическом сознании. В сущности, идеология застоя и бюрократизма явилась отражением образа жизни и мыслей определенной социальной группы, в деятельности которой неизбежно присутствовала ориентация на экстенсивное развитие. В условиях Каракалпакстана к подобной социальной группе относились в большей степени работники сельского и водного хозяйства, капитального строительства и транспорта, которые определяли пути развития основных направлений социально-экономического и общественного развития каракалпакского общества. Их деятельность во многом породила и укрепила систему волонтаризма и бюрократизма в советской системе. Например, если обратиться к строительной отрасли, удовлетворяющих насущные потребности населения в жилье, как одного из основополагающих принципов жизнедеятельности человека, то жилищное строительство в Республике Каракалпакстан в 1980-х годах получает видимость импульса, несмотря на серьезные кризисные явления в социально-экономическом развитии региона. Развертыванию строительной индустрии республики вынуждали растущие потребности населения в качественном жилье и коммунальных услугах. В этот период в строительную отрасль промышленности были привлечены большие капиталовложения и ресурсы фондов потребления производства многих министерств и ведомств республики. Постановке вопроса увеличения объемов строительства способствовали и производственные мощности строительных предприятий.

Осуществление хозяйственных мероприятий в сельском хозяйстве и промышленности, также ориентированной на аграрный сектор, привело к укреплению статуса республики как сырьевого придатка страны. Обострилась проблема Аральского моря, приведшей к ухудшению не только социально-экономического, но и экологического состояния каракалпакского общества. Впоследствии, нерациональное использование водных ресурсов при освоении целинных земель под сельскохозяйственные культуры привели к Аральской катастрофе. Сегодня это негативно сказывается на экологии окружающей среды и на здоровье населения региона.

1980-е годы в истории Каракалпакстана стали вехой, с которой были связаны чаяния и надежды каракалпакского общества, которые так и остались неосуществленными. В эти годы в обществе основательно сформировалась идеологизированная культура мышления и быта, что подавляла инициативу и инакомыслие во всех сферах жизнедеятельности общества и личности.

25 декабря 1991 года (то есть за день до юридического закрепления прекращения существования СССР) первый Президент Узбекистана И.А.Каримов помиловал всех осужденных по Узбекскому делу, отбывавших наказание на территории республики [8].

В общественно-политической жизни устрашающее воздействие на население оказали репрессии 1983-1988 гг., обрушившиеся на Узбекистан и Каракалпакстан. Стремясь остановить устремления, направленные на обретение реального суверенитета, союзное руководство попыталось в рамках назревшей борьбы с коррумпированной номенклатурой создать ажиотаж вокруг фабрикуемого «хлопкового дела». На IV пленуме Каракалпакского обкома партии в июне 1984 г. было «обновлено более 90% состава руководящих работников обкома партии и 85% руководителей городского и районного звена [1]. По хлопковому

комплексу Каракалпакстана было возбуждено 27 дел, по которым было осуждено: в 1986 г. – 10; в 1986 г. – 56; в 1987 г. – 55; в 1988 г. – 24; в 1989 г. – 14, всего 159 человек [1].

Выступая на VI пленуме Каракалпакского обкома партии 30 ноября 1989 г. И.А.Каримов констатировал, что «процесс, который был затеян 5-6 лет назад вокруг хлопкового дела в Узбекистане, в том числе в Каракалпакской автономной республике, и по сей день продолжает терзать всех» [9].

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Сарыбаев М.К. Политика хлопковой монокультуры Советской власти в Каракалпакстане и ее последствия (1917-1990 гг.). - Ташкент: Фан, 2008. С.154.
2. Илюхин В. Қабоҳат ёхуд («Ўзбеклар иши» деган уйдирма хусусида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.- 272 с. Его же. Вожди и оборотни. — Москва: Палея, 1994. —210 с.
3. Рашидова Г.Ш., Камиллов Д.А. Шараф Рашидов: Портрет человека в эпохе и эпохи в человеке. – Ташкент: Tasvir, 2017. –С.322.
4. ЦГА РК - ф.229, оп.5, д.100, л.105-106
5. Народное хозяйство УзССР за 60 лет.- Ташкент, 1984. С.115.
6. Алимова Д., Голованов А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологии. - Ташкент, 2002. С.71.
7. Советская Каракалпакия. 1978 . 6 июля
8. Юнусова Х. Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореф. дисс. ... доктора ист. - Ташкент, 2009. С. 37
9. Цит. по книге: Сарыбаев М.К. Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и ее последствия (1917-1990 гг.). – Ташкент: Изд-во Национальной биб-ки Узбекистана им. А.Навои, 2008. – С.165.

УЎК 327:556:182

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ ВА БОШҚАРИШ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ АСПЕКТЛАРИ

А.Ш. Қайпназаров, ўқитувчи, Нукус давлат педагогика институти, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада Оролбўйи минтақасида табиий муҳитнинг ўзгаришини кузатиш бўйича кейинги тадқиқотларда фойдаланиш мумкин бўлган ҳисоблаш методологияси ва тахминий коэффициентлар таклиф қилинган. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш соҳаси бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар тарихнинг ривожланиш аспектларининг бири бўлиб ҳисобланади. Аҳолини сув таъминоти масалалари ва бошқа экологик муаммолар кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: муаммо, ҳукумат ҳужжатлари, Қорақалпоғистон, ривожланиш тарихи босқичлари, экологик ҳавфсизлик, қонуний ҳужжатлар, Оролбўйи.

Аннотация. В данной статье на основе Правительственных документов проведен исторический анализ развития управления и политики в области охраны окружающей среды в регионе Приаралья. Одним из аспектов истории развития является принятие основных законодательных документов в области охраны окружающей среды и экологической безопасности. Рассмотрены вопросы водоснабжения населения и другие экологические проблемы.

Ключевые слова: проблем, правительственные документы, Каракалпакстан, история этапов развития, экологическая безопасность, законодательные акты, Приаралье.

Annotation. In this article, based on Government documents, a historical analysis of the development of management and policy in the field of environmental protection in the Aral Sea region is carried out. One of the aspects of the history of development is the adoption of the main legislative documents in the field of environmental protection and environmental safety. The issues of public water supply and other environmental problems are considered

Keywords: problems, government documents, Karakalpakstan, history of development stages, environmental safety, legislative acts, Aral Sea region

Дунёда атроф-муҳит ифлосланиши муаммолари, аҳоли ва ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, сайёраамиздаги касалликларнинг тахминан 24%и ва ўлимчиликнинг 23% и атроф-муҳитнинг олдини олиш мумкин бўлган омилларнинг зарарли таъсиридан келиб чиқади.

Айни пайтда Ўзбекистон, шу жумладан, Қорақалпоғистонда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим қонунчилик, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг «ҚҚАССР Агропром тизимида илмий-техник тараққиётнинг ҳолати ва жадал татбиқ этилиши чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида тўплаган техник ва илмий салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги қайд этилди. Республиканинг қишлоқ ва сув хўжалигида XI беш йиллик режа йилларида 1,5 миллиард рублдан ортиқ давлат маблағлари киритилди. Лекин ушбу сармоялар бўйича тегишли даромад олинмади. Колхозлар ва совхозлар сезиларли зарарлар билан ишладилар (йилига 40-42 миллион рубл зарар кўрган) [1]. Шу боис ҳар бир туман, колхоз ва совхоз учун суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини таъмирлаш, суғориш сувидан фойдаланиш учун сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш схемалари ва тадбирларини ишлаб чиқишга қарор қилинди [2].

СССР Вазирлар Кенгашининг Фавқулотда вазиятлар бўйича давлат комиссияси собиқ Иттифок Вазирлар Кенгашининг «Оролбўйи минтақасида экологик ва санитария ҳолатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ижроси тўғрисида, унинг ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни муҳофаза қилишни кучайтириш масалаларини кўриб чиқди [3]. Аҳолини зарур ичимлик суви билан таъминлаш каби асосий масалалар ҳал қилинмаганлиги, минтақадаги экологик вазиятни белгилайдиган сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар бажарилмаганлиги таъкидланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти аҳолиси соғлигини яхшилаш бўйича мақсадли дастурда белгиланган чора-тадбирлар жуда суст олиб борилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш даражасини яхшилаш учун зарур чоралар кўрилмаган [4].

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 15 дан ортиқ қонунлар, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартларини белгилайдиган 30 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган ва амалда шунингдек, давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг турли тоифаларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг махсус тартибини белгилаш ва бошқа масалалар киритилган.

Ҳукумат ҳужжатларида таъкидлангандек, Оролбўйи минтақасида санитария-эпидемиология ҳолати ва экологик вазият кескинлигича қолмоқда. Шу боис Собиқ Иттифок Коммунистик партияси ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1998 йил 19-сентябрдаги 1110-сонли қарори билан назарда тутилиб, Ҳукумат экологик ва санитария-эпидемиологик ҳолатни кескин яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга муносабатини тубдан ўзгартиришга қарор қилди [5]. Шунингдек, бошқа муаммоларни ҳал қилиш, масалан, суғориш тизимини комплекс таъмирлаш, коллектор-дренаж тармоғини қуриш ва қайта таъмирлаш, кам сувли ва қуруқ технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва бошқалар.

Қисқа вақт ичида Оролбўйи ҳудуди аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, иншоотларни қайта тақсимлаш орқали сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди. 1991-1995 йилларда эмас, балки 1991-1992 йилларда Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани учун Туямўйин сув омборидан Қозонкетган тумани марказига сув қувурини, Қўнғирот-Мўйноқ сув қувурини қуриш ва фойдаланишга топшириш, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон мелиоратив ишларини олиб боришни кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, Орол денгизи ҳавзасидаги тўқайзорлар, ўрмонларни

муҳофаза қилиш ва тиклаш бўйича зарур чораларни кўриш, уларнинг экологик аҳамиятини инобатга олиш каби кечиктириб бўлмайдиган вазифалар топширилди [6].

Қабул қилинган ҳужжатлар маълум даражада атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси пасайишига, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантиришга, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал қилишга жалб қилиш имконини берди. Улардан энг муҳими - Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида», «чиқиндилар тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида», «Ер кодекси», «Экологик назорат тўғрисида» ва бошқалар кирди.

Экологик ва санитария ҳолатини яхшилаш, Орол денгизи ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни муҳофаза қилишни кучайтириш, Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий гуруҳ [7] туманларининг магистрал каналлари бўйлаб сувни муҳофаза қилиш ҳудудларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг 1992 йил 18-майдаги 118/5 сонли қарори кўриб чиқилди ва қабул қилинди [8]. Мазкур қарорда сувни муҳофаза қилиш, ҳудудларда суғориладиган ерлар 30 фоиз, қишлоқ хўжалиги ерлари эса 69 фоизни эгаллаганлиги таъкидланган. Шунинг учун сувни сақлаш ҳудудларида интенсив қишлоқ хўжалиги ишлари олиб борилади. Махсус тартибни ўрнатишдан мақсад сувнинг ифлосланиши, камайиб кетишининг олдини олиш, шунингдек, сув сақлаш ҳудудларидаги магистрал каналларда қулай сув тартибини яратиш, сувни муҳофаза қилиш ҳудудларида қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши курашнинг биологик усулларида фойдаланган ҳолда колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалиги фаолиятини чеклаш, шולי экашни, пестицидлардан фойдаланишни таъқиқлаш зарурлигидан иборат эди [9].

Ўзбекистон Республикаси собиқ Совет Иттифоқи давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Орол денгизи ҳавзасининг бошқа давлатлари қатори Орол денгизи ҳавзасининг барқарор ривожланиши муаммолари тўғрисида Марказий Осиё давлатларининг Нукус декларациясини ва халқаро ташкилотларни имзолади (Нукус шаҳри, 1995 йил 5 сентябр), барқарор ривожланиш тамойилларига содиқлигини аниқ эълон қилди ва Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббускори бўлди.

XX-асрнинг 90-йиллар давомида Қорақалпоғистон республикаси ҳудудида сув тошқини учун ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш учун қирғоқларни тўсиб турувчи дамба, тўғонлар ва каналларни тартибга солувчи иншоотларни минтақалараро бошқариш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда [10]. Ҳимоя иншоотларини капитал қуриш ва таъмирлаш бўйича аниқ дастур йўқлиги сабабли республикада мавжуд бўлган дамба, тўғонларнинг ҳозирги техник ҳолати ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан республикада кейинги стратегия ва ягона сув сиёсатини белгилаш зарур [11].

Айнан шу даврда республикада атроф-муҳитни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 19-сентябрдаги 317-сонли қарорига биноан «Союзгипрводхоз» институти таркибида ишчи дизайн гуруҳи билан Орол комплекси экспедицияси ташкил этилди. Бундан ташқари, ушбу йўналишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг «Орол комплекси экспедициясининг мол-мулкни Қорақалпоғистон гидрогелогик мелиорация экспедицияси балансига ўтказиш тўғрисида» ги қарори қабул қилинди [12]. Мазкур экспедиция қурилаётган Бўзёп канали устида жойлашган суғориладиган ерлар ҳудудидан дренаж сувларининг узлуксиз равишда ўзгаришини таъминлашга қаратилган [13].

Республикада табиатни муҳофаза қилиш давлат бошқаруви тизими яратилди. 1996 йил 26 апрелда Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва такрор ишлаб

чиқариш соҳасида давлат назорати ва тармоқлараро бошқарувни амалга оширадиган махсус ваколатли, идорадан ташқари ва мувофиқлаштирувчи орган сифатида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Госкомприрода) ташкил этилди. 2017 йил 21 апрелда «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-5024-сонли Фармони имзоланди. Бу ерда у Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирди. Янги қўмита атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, майший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва йўқ қилишни яхшилаш учун қулай шароитлар яратиш билан шуғулланади.

Бугунги кунга келиб, Оролбўйи минтақасида денгиз сатҳининг пасайиши сабабли иқлим параметрларининг ўзгаришини тавсифловчи бир нечта нашрлар мавжуд. Булар В. Е. Чубнинг (2000, 2007) ва «БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги рамка конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг учинчи миллий алоқаси» нинг умумлаштирувчи асарлари (2016). Ушбу асарлар ХХИ асрнинг бошларида содир бўлган иқлим параметрларининг ўзгариши ҳақида фикр беради, уларни глобал исиш туфайли кузатилаётган ўзгаришлардан ажратиб туради.

Услубий жиҳатдан бу муаммо, аввалги Т.М. Молоснова ва бошқ. (1987) [14] асарида бўлгани каби, қирғоқ ва континентал метеорологик станциялар маълумотларини таққослаш йўли билан ҳал қилинди. Батафсилроқ маълумотга кўра, иқлим ўзгариши ва унинг республика халқ хўжалиги соҳаларига мумкин бўлган таъсири «Иқлим ўзгариши ва унинг Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурс салоҳиятига таъсири» монографиясида (Чуб, Спекторман, 2006) ўз аксини топган. Ушбу ҳудудни суғориш учун сувнинг катта миқдорда тортиб олиниши муносабати билан Орол денгизи минтақасида чўлланиш содир бўлиб, у ерда дарё суви оқимининг сезиларли даражада пасайиши натижасида денгиз сатҳининг кескин пасайиши ва денгиз майдонининг қисқариши содир бўлди. Муаллиф бу ўзгаришларни «антропоген» деб атайди. Услубий жиҳатдан ушбу антропоген омилнинг таъсири - денгизнинг қуриши - бу ишда фон ва маҳаллий ҳарорат ўзгариши ўртасидаги фарқ ҳисобга олинган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, бу антропоген иқлим ўзгаришлари Оролбўйи атрофида унинг 60-йилларнинг қирғоқ чизигини 100 км дан ошмайдиган масофада жойлашган ҳудудда жойлашган. Улар денгизнинг таназзулга учраши даврида юзага келган ва қуйида тавсифланган даражага туширилган (Чуб, 2007).

Денгиз сув сатҳи пасайишининг таъсири ярим йил давомида иссиқ ва совуқда ёғингарчилик нисбати ўзгарганида намоён бўлди. Илгари ёзда ёғингарчиликлар денгиздан устун турар эди, энди қишки баландликлар тез-тез шаклланиб боради. Таъкидлаш жоизки, кейинчалик Ж.В.Кузмина ва С.Е.Трешкина (2016) томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу тенденция Оролбўйи атрофини ўраб турган чўл минтақаларининг бутун ҳудуди учун хосдир. Ж.В. Кузмина ва С.Е. Трешкинанинг (2016) экологик хулосалари, уларнинг иқлим параметрларининг ўзгаришини баҳолашлари асосида тузилган бўлиб, табиий экотизимлар илгари гидроморфик экотизимлар шароитининг қурғоқчилигида тобора кўпайиб боришини кўрсатади.

Шундай қилиб, Ж.В. Кузмина ва С.Е. Трешкина (2016) асарлари глобал исиш ва денгизнинг қуриши туфайли Оролбўйи минтақасида ва Марказий Осиёнинг қўшни ҳудудларида содир бўлаётган иқлим параметрларини ўзгартириш натижаларини тушуниш ва баҳолашга муҳим ҳисса қўшган, деган хулосага келишимиз мумкин. Муаллифлар Амударё дельтасида жойлашган Чимбой метеорологик станциясида ва Орол денгизи қирғоқ станциясида иқлим параметрлари энг катта ўзгаришларга дуч келганлигини ишончли кўрсатдилар.

Замонавий ўзгаришларнинг тенденцияси қуруқ исиш сифатида баҳоланмоқда. Ушбу мақолада Оролбўйи минтақасида табиий муҳитнинг ўзгаришини кузатиш бўйича кейинги тадқиқотларда фойдаланиш мумкин бўлган ҳисоблаш методологияси ва тахминий коэффицентлар таклиф қилинган.

Шундай қилиб, кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, янги ҳосил бўлган ернинг ўзгариши, тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиши туб чўкиндиларнинг гранулометрик таркибига, денгиз сатҳининг пасайиш тезлигига, денгиз суви ва ер ости сувларининг шўрланишига ва уларнинг чўкиш тезлигига боғлиқ. Ушбу тадқиқотлар нафақат давом этаётган жараёнларнинг макон-вақт хусусиятларини аниқлашга, балки башоратни яратиш учун зарур бўлган қонуниятларни аниқлашга қаратилган бўлиб, улар асосида қўшни ҳудудларга салбий таъсирни камайтириш чораларини кўриш керак.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. «Табиатни муҳофаза қилиш туғрисида» - 1993. -№1. 1,4- модда;
2. Ўзбекистон Республикаси 09.12.1992 й. 754-ХП-сонли Қонуни //
3. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаш ахборотномаси. «Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси» -1993. -№1. 38-модда;
4. Ўзбекистон Республикаси 30.04.1998 й. 598-1-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис ахборотномаси «Сув ва сувдан фойдаланиш туғрисида» -1998. - №5-6. 82- модда;
5. Ўзбекистон Республикаси 06.05.1993 й. 837- ХП - сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаш ахборотномаси. «Ер ости бойликлари туғрисида» -1993. - №5. 221-модда;
6. Ўзбекистон Республикаси 23.09.1994 й. 2018- ХН - сон Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаш ахборотномаси. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш туғрисида» – 1994 й. - №10. 252 - модда;
7. Ўзбекистон Республикаси 27. 11. 1996 й. 353 – 1 – сон Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис ахборотномаси. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш туғрисида» -1997 й. - №2. 52-модда;
8. Ўзбекистон Республикаси 26. 12. 1997 й. 543-1-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис ахборотномаси «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш туғрисида» . – 1998 й. - №1. 12-модда;
9. Ўзбекистон Республикаси 26.12.1997 й. 54-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис ахборотномаси. -1998. - №1.14-модда.

УЎК 93/94

ХОНЛИКЛАР ДАВРИ НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ

*Л.Б. Қодирова, доц., PhD, Гулистон давлат университети, Гулистон
Ш. Жўрабоев, магистрант, Гулистон давлат университети, Гулистон*

Аннотация. Ўрта Осиёда хонликлар даври суронли кечган давр сифатида ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди. Бу даврда сўнги Темурийлар ва Шайбонилар ўртасидаги курашлар натижасида янги давлатлар ва сулолалар вужудга келди. Мақолада никоҳ муносабатлари орқали давлатлар ва сулолалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ҳокимиятга келиши легитимлиги, яъни қонуний асосланиши билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилади.

Калит сўзлар: никоҳ муносабатлари, сулолавий никоҳлар, Темурийлар, “Ҳумоюннома”, Шайбонийхон, Аштархонийлар, легитимлик, хонликлар.

Аннотация. Период существования среднеазиатских ханств играет важную роль в истории узбекской государственности. В этот период в результате борьбы последних тимуридов и шейбанидов возникли новые государства и династии. В статье рассматриваются взаимоотношения государств и династий через брачные отношения и вопросы, связанные с легитимностью их прихода к власти, то есть правовой основой.

Ключевые слова: брачные отношения, династические браки, темуриды, “Хумоюн-наме”, шейбаниды, аштарханиды, легитимность, ханства.

Abstract. The period of existence of the Central Asian khanates plays an important role in the history of the Uzbek statehood. During this period, as a result of the struggle of the last Timurids and Shaybanids, new states and dynasties arose. The article examines the relationship between states and dynasties through marriage and issues related to the legitimacy of their coming to power, that is, the legal basis.

Keywords: marriage relations, dynastic marriages, Temurids, “Humoyunname”, Shaybanids, Ashtarkhanids, legitimacy, khanates.

Давлатчилик тараққиётининг барча даврларида сулолалар ўртасидаги никоҳ одатий ҳол саналган ва сиёсатнинг муҳим қисмларидан бири бўлган. Бу каби никоҳларни тузишда биринчи ўринга давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари қўйилган.

Сулолавий никоҳлар тарқоқ қабилаларни бирлаштириш, кўп миллатли ягона давлат тузиш, давлатлар ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларининг яратилиши ва мустақамланишига ёрдам берган. Шу жиҳатдан, XVI аср бошларида Темурийлар давлати таназулидан сўнг ҳудудий жиҳатдан парчаланган давлатни марказлаштириш жараёнида никоҳ муносабатларининг ўрнини ўрганиш хонликлар даври тарихининг жуда кўп қирраларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур вафотидан сўнг тез орада парчаланиб кетган давлатни ўз тасарруфига олиш учун кураш бошлаган Шайбонийхон ҳам никоҳдан дипломатик йўлда фойдаланган. У ўз мавқеини мустақамлаш ва у ёки бу ҳудудга бўлган ўз ҳуқуқини мустақамлаш мақсадида турли ҳукмрон сулола вакилларини ўз никоҳига олган ва фарзандларини уйлантирган.

Манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, 1500 йилда Самарқандни қўлга киритган Шайбонийхон Султон Аҳмад Мирзонинг беваси Меҳр Нигор хонимга уйланади. Меҳр Нигор хоним Тошкент ҳокими бўлган мўғул хони, Бобурнинг бобоси Юнусхонинг қизи эди.

XX аср бошига қадар улкан Еврооёсиё ҳудудларида вужудга келган мўғул ва турк давлатларида тахтни эгаллаш Чингизийлар уруғига, яъни “Олтин уруғ” га тегишлилик билан белгиланар эди. Чингизийлар уруғига мансуб бўлган Шайбонийхон шу йўл билан ўз ҳокимиятининг легитимлигини яна бир бор қонуний асослашга уринган.

1501 йилда Самарқандни қайтариб олишга муваффақ бўлган Бобур кўп ўтмай Шайбонийхон томонидан қамалда қолади. Қамал кўпга чўзилиб, шаҳарда даҳшатли очарчилик ва ўлим авжига чиқади. Бобур Мирзо ниҳоят даражада кучсизланиб, ҳатто қамални ёриб чиқиб кетиш имкониятига қодир бўлмай қолади. Ана шундай оғир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилади.

Кейинчалик ана шу воқеани Бобур Мирзо ўзининг машҳур “Бобурнома” асарида қуйидагича тасвирлайди: “Бу маҳалда Шайбонийхон сулҳ сўзини арога солди. Агар бир тарафдин умидворлик бўлса эди, ё заҳира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солар эди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадин икки паҳр бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидан чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири Бичка халифа эди, бири Минглик кўгалтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чикқанда Шайбонийхоннинг илкига тушди” [1. 85 б].

Аммо бу воқеа аслида бошқачароқ бўлган. Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилиши билан бирга, Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо шунга розилик берса, у ҳолда ўз ҳарамини Самарқанддан саломат олиб чиқиб кетишига имконият яратиб беражагини айтган. Бу воқеани Бобур Мирзонинг қизи – Гулбадан бегим, ўзининг “Ҳумоюннома” номли асарида қуйидагича тасвирлайди: “Ана шундай вақтда Шохибек (Шайбонийхон)хон “агар ўз эгачингиз Хонзода бегимни менга хотинликка берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва ҳамжиҳатлик алоқалари ўрнатилади”, – деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди” [2. 14 б.].

Гулбадан бегимнинг бу фикрини “Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи - Ҳайдар Мирзо ҳам тасдиқлаб, “унинг (*Бобурнинг*) қаршилиқ кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, ўз эгачиси Хонзода бегимни унга хотинликка берди”, деб ёзади. Шундай қилиб, Хонзода бегим ўзидан 27 ёш катта бўлган Шайбонийхоннинг никоҳига қиради.

Чингизийлар уруғидан бўлган Шайбонийхоннинг ушбу никоҳдан кўзлаган мақсади, Темурийлар сулоласи билан қариндош тутиниб, ўзининг Мовароуннаҳрга бўлган даъвосини қонуний асослаш, маҳаллий зодагонлар ва аҳолини ўз томонига оғдиришга уриниш эди.

Никоҳ муносабатларига бундай ёндошув кейинги Аштархонийлар даврига келганда ҳам яққол кўзга ташланади. Аштархонийлар сулоласи бошқаруви даври (1601-1756 йй) Жўжихон наслидан бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Аштархон (Ҳожи Тархон, Астрахань) ва унинг атрофидаги ерлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилган. 1556-йилда Русия

Астраханни босиб олгач, аштархонийлардан Ёрмухаммадхон оила аъзолари ва қариндош-уруғи билан Бухорога келади. Уруғнинг энг йирик вакили бўлган Ёрмухаммад ва унинг яқинлари Бухоро хонлиги ҳудудларига кириб келган даврдан бошлаб, бу ерларда мустақкам ўрнашиш мақсадида маҳаллий аслзодалар билан куда - андачилик ришталарини боғлашга киришган.

Анча ёшга етиб қолган аштархоний Ёрмухаммадхон Бухорога келиб шайбоний Искандархон (Миёнқол ҳукмдори)нинг қизи Маъсума султон хонимга уйланади. Искандархоннинг катта нуфузга эга бўлган жўйбор шайхлари билан яхши муносабатда бўлганлиги сабабли унинг мавқеи ортиб борган. Бундай муносабатлар бевосита Ёрмухаммадхоннинг ҳам Бухоро амиру амалдорлари ва зодогон табақалари орасида танилишига олиб келган эди.

Ёрмухаммаднинг никоҳида Шохбегим ва Шайх бегим деган аёллари ҳам бўлган. Шохбегим таникли Ҳожа Мир Ҳайдар авлодидан бўлиб, бу авлод вакиллари хонликнинг ижтимоий ҳаётида ўз ўрнига эга эди [12. 89 б.].

Шайх бегим ўзбекларнинг қўнғирот уруғидан бўлиб, бу уруғ хонликда ва унга чегарадош бўлган ҳудудларда кенг тарқалган эди. Бу даврларда ўзбек уруғларининг мавқеи юқори бўлиб, замонаси таомилига кўра, мартабали хонадон вакиллари улар билан никоҳ муносабатларини ўрнатишга интилишган.

Маъсума султон хоним Искандарнинг қизи бўлганлиги боис, бу аёлнинг мартабаси аштархоний хонимлардан фарқланиб турган. Ёрмухаммаднинг шайбонийзода Маъсума султон хоним ўртасидаги никоҳидан Жони Муҳаммад, Аббос султон ва Ойша султон хоним, Мунида хоним деган фарзандлар дунёга келган [7. 111 б.]. Бу фарзандлардан энг тўнғичи Жони Муҳаммад бўлиб, ўрта асрлар тарихидан маълумки, тўнғич фарзанднинг бошқа фарзандларга нисбатан ваколати кенгроқ бўлган.

Бу даврда Бухородаги ўзаро ҳокимият учун курашлар шайбонийлар сулоласини заифлаштириб қўймоқда эди. Шу сабабдан Бухоро хони Абдуллахон II (1534-1598 йй) уни қўллаб-қувватлаб турган аштархоний Ёрмухаммад билан қариндошлик алоқаларини янада мустақкамлашга интилган. Ёрмухаммадхон билан шайбонийзода Маъсума султон хонимнинг тўнғич фарзанди бўлган Жони Муҳаммадга Абдуллахон ўз синглиси Зухробегимни турмушга беради. Шу орқали янги сулоланинг ҳокимиятга келишига замин яратилди. Мана шу никоҳдан Динмуҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад [3. 73 б.], Алим Муҳаммадлар дунёга келган эди. Шунингдек, уларнинг Ажаб хоним ва Аммахоним [7. 117 б.] исмли қиз фарзандлари бўлган.

Зухробегимнинг тўнғич фарзанди Динмуҳаммадхонни сайидлар хонадонидан бўлган имом Ризо авлодларининг бошлиғи Мирзо Абу Толибнинг қизи Шаҳрибону бегимга уйлантиришган эди [11. 115 б.]. Пайғамбар авлодларининг вакиллари ҳисобланган сайидлар диний жиҳатдан кучли таъсирга эга бўлганлигидан, жуда кўп масалалар улар маслаҳатлари билан амалга оширилар эди. Ҳаттоки, давлат бошқарувида амал ва мансабларга кимсаларни тайин этиш масалалари ҳам улар иштирокида ҳал этилган.

Шаҳрибону бегимнинг иккинчи фарзанди Боқи Муҳаммаднинг 1601-1606 йилларда Бухоро хонлиги тахтига келиши билан аштархонийлар сулоласининг расмий бошқаруви бошланган.

Вали Муҳаммадхон Бухоро тахтини эгаллагандан кейин 1598-1628 йилларда ҳукмронлик қилган қозоқ султони Эшим султоннинг қизи Ойхонимга уйланган. Вали Муҳаммадхон ўлдирилган кейин Ойхонимнинг шаръий иддаси (камида уч ой) тугагач, Имомқулихон ҳам айнан шу аёлга уйланган. Бундай никоҳга киришишнинг биринчи жиҳати Ойхонимнинг оқила ва гўзаллиги бўлса, иккинчи жиҳати шимолий чегара сарҳадларидаги тинчликни сақлашга қаратилганлиги эди.

Бухоро ҳукмдорлари Надр Муҳаммадхон ва Абдулазизхонларнинг (1645-1681 йй) шиа мазҳабидаги аёлларга уйланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд [8. 70 б.]. Бу тадбир шу даврлардаги кескин сиёсий вазиятни юмшатиш учун амалга оширилган бўлиши мумкин.

Надр Муҳаммадхоннинг ўғиллари Абдулазизхон ва Субҳонкулихон (1681-1702) ўртасида ҳокимият учун курашдан ташқари улар ўртасида шахсий адоват ҳам бўлганлигини манбалар ҳам тасдиқлайди. Бобоси Имомкулихоннинг бир гўзал қизи бўлиб (номи маълум эмас), унга Субҳонкулихон уйланиши керак бўлган, номаълум сабабларга кўра, унга Абдулазизхон уйланганлиги айтиб ўтилган [7. 174 б.]. Улар ўртасидаги узоқ даврларгача сақланиб қолган адоватнинг сабаби ушбу ҳолат билан изоҳланиши мумкин.

Хива хони Абулғозийхоннинг “Шажарайи турк” асарида Субҳонкулихоннинг аёлларидан бири Абулғозининг укаси Муҳаммад Шарифнинг қизи бўлганлиги ҳақида маълумот келтирилади [2. 185 б.]. Субҳонкулихон Балхни бошқариб турганда, Абулғозийхонга акаси Абдулазизхон билан муносабатлари ҳақида мактуб ёзиб маълум қилади. Куёв Субҳонкулихонни ҳимоя қилиш учун Абулғозий Бухоро ҳудудларига бир неча бор юриш уюштиради. Бу воқеалар замирида ака-укалар адовати бир баҳона бўлса, унинг моҳияти шайбоний Абдуллахон даврида бошлаб, то Надр Муҳаммад давригача Бухоро хонларининг Хоразмга уюштирган талончилик юришларига жавобни англатар эди.

Шу ўринда Убайдуллахон (1702-1711) ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви масалаларида сарой аёлларининг салбий таъсири хусусида сўз юритиш жоиз. Убайдуллахоннинг онаси ва хотини Биби Пошшонинг тутган йўли Убайдуллахон ҳукмронлигининг таназулли сабабларидан бири бўлган [12. 94 б.].

Ҳаққоний ҳокимиятга эга бўлган сўнгги аштархоний ҳукмдор Абулфайзхон даврида Бухоро Нодиршоҳ томонидан босиб олинади. Икки ўртада тузилган шартномани мустаҳкамлаш мақсадида Нодиршоҳнинг икки қизидан бири Нодиршоҳга ва яна бири унинг биродари Одилшоҳ ибн Иброҳимга никоҳлаб берилган [5. 169 б.].

Манғитлар ҳам ўз ҳокимиятининг қонунийлигини асослашда сулолавий никоҳларан фойдаланишган. Айнан шу мақсадда Муҳаммад Раҳим Абулфайзхоннинг қизи Бону Шамсга уйланган эди [5. 118 б.]. Ҳукмдорнинг тахтга келиши аввал замонларда ҳам чингизийлар авлодига мансублик шарти билан амалга оширилган, шу таомилга кўра, ҳокимият аштархонийлардан Муҳаммад Раҳимхон бошчилигидаги манғитлар қўлига ўтган.

Ўзбек хонликларидан яна бири Хоразмда ҳам дипломатик муносабатларда никоҳ масалалари алоҳида ўрин тутган. Хива хонларининг ташқи сиёсати, ҳамда чет давлатлар билан алоқалари ҳақидаги муҳим маълумотларни баён этилган Абулғозийхоннинг “Шажарайи турк” асари орқали ушбу ҳолатга мисол топиш мумкин.

Асарда ташқи сиёсатда Эрон билан муносабатлар кўп ўринларда эслатилади. Унда шоҳ Исмоил вафотидан сўнг Хива-Эрон муносабатлари нисбатан яхшиланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Бучғахон ҳукмронлиги даврида шоҳ Таҳмаспнинг хонликка элчи юборганлиги ҳақида берилган маълумот диққатга сазовор: “Мен хонга ўғул бўлайин дейтурурман. Темурбий Чингизхон авлодина куёв бўлди эрса, ҳанузгача ани Темур Кўраган дейтурурлар. Мен ҳам Чингизхон авлодина кўраган бўлмоқни кўнглим излай турур. То хункордек улуғ душманам айтқай ким шоҳ Таҳмосиб ўзбек подшоҳининг қизин олди; яхши ярашди” [3. 128 б.].

Бундан Эрон шоҳи Таҳмасп I нинг Бучғахон жияни Ойша бегимга уйланиб [9. 21 б.], ўртадаги алоқаларни никоҳ муносабатлари билан мустаҳкамлашга интилишида сиёсий мақсад кўзланганлиги, Эрон шоҳининг Амир Темурнинг Чингизийларга куёв бўлгани каби Хоразм хонига куёв бўлмоқчи эканлиги бу даврда Хива хонлигида хон ҳокимияти нисбатан мустаҳкам эканлиги кўринади.

Хива хонлари қозоқ султонлари билан муносабатларини мустаҳкамлашда ҳам никоҳ муносабатларини ишга солишган. Хусусан, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул - иқбол” асарида таъкидланишича, Элгузархон Бўлақайхон ибн Нуралихон ибн Абулхайрхоннинг қизига уйланган бўлиб, унинг вафотидан сўнг у Муҳаммад Раҳимхон I нинг ҳарамига ўтган [4. 109 б.].

Кўқон хонлиги тарихида ҳам никоҳ дипломатиясига амал қилинганлигини кўриш мумкин. Фарғона водийсининг катта қисмини бўйсундиришга муваффақ бўлган Абдурахимбий (1722- 1734 йй) ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида манғитларнинг

доимий рақиби бўлган Шахрисабз кенагаслари билан иттифоқ тузган. Мингларнинг кенагаслар билан иттифоқи Абдурахимбийнинг Иброҳим оталиқнинг қизи – Ойчучук хонимга уйланиши билан кафолатланган [10. 11 б.]. Қўқон ва Шахрисабзнинг иттифоқи икки қабила иттифоқи кўринишида XIX асрнинг 60-йилларига қадар сақланиб қолган.

Бутун Фарғонани бирлаштиришга муваффақ бўлган Норбўтабий (1763 - 1798 йй) Андижон ҳокимининг жияни билан тузилган никоҳи туфайли кучли иттифоқчига эга бўлган.

Умархон 1820 йиллар атрофида ўз жиянини Маҳмудхонтўра Ахрорийнинг ўғли Саййидхон тўрага узатган. Ушбу никоҳ нафақат мингларни нуфузли Хўжа Ахрор уруғи билан туташтирган, балки Ўратепа юзлари билан ҳам боғлаган. Чунки Маҳмудхон тўра Ўра тепа ҳокими Худоёрбий юз опасининг ўғли бўлган [10. 104 б.].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, турк - мўғул никоҳ анъаналари сўнгги ўрта асрларгача сақланиб келган. Хонлиқлар даврида ҳукмдорлар насл-насаб ишларига давлат сиёсати даражасида қараганлар. Чингизийлар сулоласига мансуб аёллар билан никоҳ орқали ҳокимиятни қонунийлаштириш давом этган. Никоҳ ришталари диний ва чегара мажороларини ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳокимиятга келишнинг қонуний асоси даъвогар сулоланинг ҳокимият тепасидаги сулола билан никоҳ воситасида таъминлаган.

Никоҳ муносабатлари жамиятда оилани шакллантирибгина қолмасдан, балки кучли давлатларни тарих саҳнасига олиб чиқарган муҳим омил сифатида аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 368 б.
2. Файзиев Т. Темурий маликалар. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 26 б.
3. Абулғозий. Шажарайи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б.А.Аҳмедов. –Тошкент, Чўлпон, 1992. – 192 б.
4. Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқим-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. –Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. – 303 с.
5. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол (Бахту саодат жаннати). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 518 б.
6. Мирза Олим Маҳдум хожи. Тарихи Туркистон.- Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 242 б.
7. Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Темуридов. По материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар.— С.Петербургского университета, 2006. – 229 с.
8. Анке фон Кюльеген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). Алматы: Издательство “Дайк-Пресс”, 2004. – 516 с.
9. Аллаева Н.А. Взаимосвязи Хивинского ханства с Ираном в XVI-XVIII вв. Автореф. дис. ... кан. ист. наук. – Ташкент, 2007. – 30 с.
10. Бейсембиев Т.К. «Тарихи-Шахрухи» как исторический источник. –Алма-Ата: Наука, 1987. – 198 с.
11. Сангирова Д., Мирзаева Н. Аштархоний хонимлар// “Тарих ва ҳозирги замон” республика илмий амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 114-119.
12. Сангирова Д.Х. Аштархоний хонимларнинг давлат бошқарувидаги ўрни //Шарқшунослик. 2017, №1. – Б. 88-96

УЎК 398.31

ХОРАЗМ ВОҲАСИ НИКОҲ ТҶҲЛАРИДА ОЛОВ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР

Н.М. Маткаримова, PhD, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Ўзбек урф-одат ва маросимларини ўрганиши бугунги илмий жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада хоразмлик ўзбекларнинг никоҳ тўйларида олов култи билан боғлиқ маросимларнинг айрим кўринишлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Никоҳ тўйи маросими, зардуштийлик, диний тасаввурлар, олов култи, чироқ ёқиши, ўчоқ, сириқ тутатмоқ, ирим-сиримлар, оила мустаҳкамлиги, ишонч-эътиқод, сеҳр-жоду, кўз тегиши, инс-жинслардан ҳимоя.

Аннотация. Изучение узбекские обычия, традиции и проведение мероприятий, уделяет особое внимание в современном, научном процессе. В статье анализируются некоторые аспекты ритуалов, связанных с культом огня на свадьбах хорезмских узбеков.

Ключевые слова. Свадьба, зароастризм, религиозное воображения, культ огня, зажигать лампу, очаг, возжигать гармалу, обычаи и привычки, обряды и примет, церемония, традиция, доверие, убеждение, заколдовать, сглазить.

Abstract. The study of Uzbek customs and traditions plays an important role in today's scientific process. This article analyzes some of the rituals related to firefighting in the Khorezmian Uzbek weddings.

Keywords: Weddings, wedding ceremonies, religious scenes, fireworks, burning lanterns, ovens, incense, sorrows, family fortitude, faith, beliefs, magic, eye contact, protection from anthropics.

Ўзбек оилавий-маиший маросимлари тизимидаги анъанавий урф-одат ва удумларнинг тарихий асослари бевосита зардуштийлик ритуаллари ҳамда «Авесто» мифологиясида ўз ифодасини топган олов култи билан боғлиқ эътиқодий инончлар тизимида боғланади. Олов култига ишонил билан алоқадор қадимги тасаввурлар ҳамда урф-одатлар Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг оилавий-маиший маросимларининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Тарихий манбаларда қайд этилган материаллар ҳамда биз томонимиздан олиб борилган этносоциологик кузатишлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбекларнинг, айниқса хоразмликларнинг никоҳ тўйи маросимларида олов култи билан алоқадор қадимги тасаввурлар таъсирида юзага келган кўплаб удумлар сақланиб қолган.

Маълумки, Зардуштийлик динида олов жуда муқаддас ҳодиса ҳисобланган. Шу сабабли бўлса керак, Хоразмда ҳозир ҳам оила ва никоҳ масалаларида олов билан алоқадор инончлар фаол қўлланилади. Келин минган уловни олов устидан ўтказиш, куёв хонадонига келиннинг чироқ ёққан ҳолда келиши ва шу орқали инс-жинслардан ҳимояланиш, исириқ тутатиш каби одатлар шулар жумласидандир [1]. Олов култининг маросим талқини никоҳ тўйи маросими таркибидаги қадимий удумлардан бири – келин минган уловни куёв хонадонига яқинлашганида олов устидан ўтказиш одатидир. Қадим айёмдан Хоразмда никоҳ тўйида келин келадиган йўлнинг икки томонида гулхан ёққанлар ва келин тушган «бўлиш арава» ана шу олов орасидан ўтгач, куёвнинг уйи томон йўл олган. Г.П.Снесарев бу удум «Ўрта Осиё халқларининг олов билан покланиш маросими асосида келиб чиққан» [2] деб таъкидлайди. Кейинчалик, келин минган машина куёв хонадонига яқинлашганда, ёниб турган оловнинг устидан ўтадиган бўлди. Сўнги пайтларда енгил автомобилларнинг кўпчилиги суюлтирилган газ билан тўлдирилганлиги боис, хавфсизлик нуқтаи-назаридан олдин олов ёқиб, ўчирилади ва кейин келиннинг машинаси ўтиб, куёвнинг хонадони олдида тўхтади [3]. Бугунги кунда буни янада ихчамлаштириб, кичик қоғоз парчаси ёқилади ва келиннинг ўзи унинг устидан ўтади. Келиннинг ўзини ёки у минган уловни олов устидан ўтказишда моҳият битта, яъни сеҳр-жоду билан боғлиқ ғайриоддий инс-жинс ёки шунга ўхшаш нарсаларни куёв хонадонига яқинлаштирмаслик. Олинган маълумотларга кўра, келин келганда ўтнинг устидан ўтказилса, инс-жинслар ёниб кетармиш [4].

Келин ота уйини тарк этар экан, ўзи билан отаси ёқиб берган чироқни олиб кетади ва келин дугоналаридан бири чироқни кўтариб олади. Келин машинага миндирилади ва келин янгаси машинанинг олдида чироқни тутиб ўтиради ва уни ўчирмасдан куёвнинг уйига олиб борадилар. Шундай қилинса, келин-куёв оиласининг чироғи сираям ўчмайди, ҳаёт йўли ёруғ бўлади, деб яхши ният қиладилар [5]. Чироқ билан боғлиқ удумлар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам учрайди. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ҳам келин уйдан чиққанда чироқ ёқтириб, ўзи билан бирга олиб чиқади ва куёвнинг уйига ҳам ёқилган ҳолда киритилади [2]. Шунда келиннинг йўли ёруғ бўлармиш. Бу чироқ келиннинг отаси томонидан ёқиб берилган ва то куёвнинг уйига етиб боргунча чироқни ўчиб қолмаслигига ҳаракат қилинган ва уч кундан кейин ўчирилган [6]. Бу ҳам олов билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, зардуштийлик таълимотига кўра оловнинг ўчиб қолиши яхшилик аломати эмас. Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Шаҳризабз шаҳарларида никоҳ кечаси куёв ва келиннинг турмуши ёруғ бўлсин, деган мақсадда уларга чироқ кўрсатишган,

булунгурликлар “куёв билан қиз иккови иссиқ юзли бўлсин” деб никоҳ тўйида уларга чироқ кўрсатишар экан [7].

Хоразмда шунингдек, ўчоқдаги оловга сув сепаиб ўчириш ҳам мумкин бўлмаган, чунки олов ўзи ўчиши керак деб ўйлаганлар. Сабаби ўчоқдаги ўт атайлаб ўчирилса, ўша оилада ҳам бирор фалокат рўй беради, деб кўрққанлар. “Ўчоғингга сув қуйилгур”, деган қарғиш ҳам шундан келиб чиққан [8]. Халқ қарашларига кўра, ўчоқдаги ўтда – шу хонадон аҳли ота-боболарининг руҳи намоён бўлар эмиш. Ўчоқдаги оловни ўчириш – аجدодлар руҳининг рамзий мадади ва руҳий ҳомийлигидан маҳрум бўлишни англатган.

Кўз тегишига қарши тутатиладиган исирик энг оммавий ҳимоя воситаларидан бири ҳисобланади. Исирик ёвуз руҳларни кувади. Бу ўсимлик энг қадимги авестовий воситалардан бўлиб, форсча “сипенд”, Авестода “спента” номи билан юритилади. К.А.Иностранцевнинг ёзишича, қадимги Эрон инончларига қараганда, исирик ибтидоий муқаддас омиллардан биридир [9]. Демак, ўзбек оилавий-маиший маросимлар тизимидаги бу каби анъанавий урф-одат ва удумларнинг тарихий асослари бевосита зардуштийлик ритуллари ҳамда «Авесто» мифологиясида ўз ифодасини топган олов култи билан боғлиқ эътиқодий инончлар тизимида боғланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сапарбой Рўзимбоев, Нодира Собирова. Авесто Мифологияси ва Хоразм фольклори. Урганч-2001 йил, 10-бет.
2. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.82.
3. Дала ёзувлари. Қутлимуратова Гулчехра, Урганч тумани, Бегобод кишлоғи, 2018 й.
4. Дала ёзувлари. Қутлиева Сўнажон, Урганч шаҳри, 2018 й.
5. Дала ёзувлари. Ибрагимова Аноргул. Кўшкўпир тумани, Қотоғон кишлоғи, 2017 й.
6. Хоразм фольклори. XI том. Урганч-2010, 44-49 бетлар.
7. Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари. Тарих фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2002, 78-бет.
8. Дала ёзувлари. Матёкубова Зулхумор. Урганч тумани, Дўрман кишлоғи, 2017 й.
9. Иностранцев К.А. Сасанидские этюды. СПб., 1909, с.97; Снесарев. 35 бет.
10. Г.П. Снесарев. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. 2018, 84 б.

УЎК 94(575.1)(075.3)=161.1

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ Ҳ.Нормамадова, магистрант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда илк давлатчиликнинг илдизлари, уни ўрганишида ёзма ва моддий манбалар ўрни, илк давлатчилик, ундаги бошқарув масалаларини Қадимги Шарқдаги илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид типологияда ёритилган бўлиб, шу орқали илк давлатчилик тарихи ҳамда бошқарув тизими тушунчасига янада яқинроқ ойдинлик киритган бўламиз.

Калит сўзлар: давлатчилик, бошқарув, шаҳар-давлат, Авесто, подшо, империя, ибодатхона, халқ йигини.

Аннотация. В этой статье мы рассмотрим корни ранней государственности в Узбекистане, письменные и материальные источники и её возникновения, вопросы ранней государственности и управления в ней, а также типологию возникновения и развития первых государств на Древнем Востоке, тем самым более подробно осветив историю ранней государственности и систему управления.

Ключевые слова: государственность, управление, город-государство, Авесто, король, империя, храм, народное собрание.

Abstract. This article describes the roots of the first statehood in Uzbekistan, the role of written and material sources in it is study, the issues of the first statehood, it is governance in the typology of the emergence and development of the first states in the Ancient East. We will shed more light on the concept of management system.

Keywords: statehood, government, city-state, Avesto, king, empire, temple, assembly.

Тарихда ҳар бир халқ ўзининг илк давлатчилик, бошқарув тарихига эга. Шу жумладан, ўзбек халқи Ўзбекистон ҳам. Ватанимизнинг илк давлатчилик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Умуман давлатчиликка хос бўлган дастлабки хусусиятларнинг оддий бир кўриниши ибтидоий жамият давридан бошлаб содир бўла бошлаган десак янглишмаган бўламиз. Бунга биргина матриархат - она уруғи томонидан ибтидоий тўданинг бошқарилиши, барча уруғ вакилларининг матриархат атрофида жипслашиши, қариндошликнинг ҳам она томонга қараб белгиланиши, ибтидоий жамиятнинг энг қадимги шаклларида бўлган ўзлаштирувчи хўжалик (овчилик ва термачилик) нинг аксарият асосий қисми аёллар томонидан бажарилиши кабилар бўлиб, булар давлатчиликка хос болган содда бир кўринишлар эди холос. Илк давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари деҳқончилик ва чорвачилик қайерда олдин ривожланган бўлса, ўша ерда вужудга келди. Тарихчи олимларимиз фикрича Ўзбекистонда илк давлатчиликнинг ривожланиш куртаклари бронза ва илк темир даврига тўғри келади.

Бизнинг энг қадимги, узоқ ўтмиш тарихимиз ҳақида маълумот берадиган “Авесто” ёзма манбасида ҳам давлатлар-ўлкалар, коҳинлар, диний бошқарув, ахлоқий қонун-қоидалар, жазо чоралари, деҳқончилик, кабилар хусусида батафсил ёритилган. Ушбу манбанинг энг қадимги қисми бўлган Яшт китобида эса, юртимизда қадимдан мавжуд бўлган Гава (Сўғд), Баҳди (Бақтрия), Хоразм кабилар йирик мамалакатлар сифатида тилга олинади. И.М.Дяконов ва В.А.Якобсон Қадимги Шарқда илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини уч босқичда кўрсатиб берган:

- Давлатларнинг энг қадимги формаси “шаҳар-давлатлар” ёки “ном”;
- Худудий подшоликлар (худудий давлатлар)
- Йирик давлатлар- “империялар” [1].

Юқоридаги Қадимги Шарқ тарихи учун яратилган илк давлатлар типологиясини такомоллаштирган тарзда қабул қилсак, биз учун анча илк давлатчиликнинг пайдо бўлиш масаласига ойдинлик киритилган бўлади. Бунга сабаб биз яшаб турган макон Қадимги Шарқнинг ажралмас бўлаги ҳамда ушбу типология жаҳонда кўплаб худудлар жумладан, Мезоамерика ва рус давлатчилиги учун ҳам қабул қилинган.

Биринчи босқичда: Давлатчиликнинг энг қадимги типи бўлган “шаҳар-давлатлар” ёки “номлар” аксарият табиий географик чегара (тоғлар, чўллар, дарёлар) билан ажратилган. Бу борада Шумер шаҳар-давлати яхши ўрганилган. Давлатнинг марказида ибодатхона бўлган. Унинг атрофида маъмурият, қурол-яроғ, озиқ-овқат омборлари, хунармандчилик устахоналари жойлашган бўлиб, шаҳарни ҳимоялаш мақсадида мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шаҳар атрофида эса, бир нечта қишлоқлар жойлашган.

Юқоридаги давлатчиликка хос бўлган хусусиятларни юртимиз жанубидаги Жарқўтонда ҳам кузатишимиз ва уни бемалол кўрқмасдан илк шаҳар - давлат деб аташимиз мумкин. Жарқўтон бронза даврининг энг йирик ёдгорлиги ҳисобланади. Жарқўтон аркининг умумий майдони 3 га умумий мудофаа девори билан ўралган арқда шоҳлар саройи бўлиб, ушбу саройни ҳам буржли мустаҳкам девор билан ўралган. Арқ атрофида табиий тепаликда шаҳар қурилиб, у ерда алоҳида-алоҳида маҳаллалар бўлган. Бундай тепаликда “Жарқўтон олов ибодатхонаси” ҳам бўлган. Фикримизча, ушбу ибодатхона сарой вазифасини ҳам бажариб, бошқарув тизимини ҳам амалга оширган [2]. Йирик ҳажмдаги қабристон, бундан ташқари давлатчиликнинг муҳим белгиларидан бири бўлган мухрлар ҳам топиб ўрганилаган. Ушбу мухрларга ўсимликлардан арча, ҳайвонлардан тоғ эчкиси бургут, илон шунингдек, геометрик тасвир туширилган [3].

Давлатчилик ривожланишининг иккинчи худудий давлатлар босқичи Қадимги Шарқдаги Хетт, Митанни, Ўрта Оссурия подшоликлари ҳисобланади. Бу давлатлар шаҳар-давлатларнинг ҳарбий иттифоқига эга бўлиб, кучсизроқ давлатлар ўз мухториятини сақлаган ҳолда ўзидан кучлироқ давлатга хирож тўлашга ва ҳарбий ёрдам беришга мажбур бўлган. Ушбу босқични юртимизда Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Фарғона каби давлат бирликлари фаолият кўрсатган. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда илк давлатлар деҳқончиликдан иктисодий ихтисослашган хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши билан шаклланган шаҳар марказлари асосида пайдо бўлди. Ўзбек халқи ва унинг аجدодлари давлатчилик тарихи турли ўтрок

деҳқончилик вилоятлати тарихи билан боғланади. Қадимги Хоразм шулар жумласидан бўлиб, ахамонийлардан олдинги даврда ҳам Хоразм кучли давлат бўлган. У ерда олиб борилган тадқиқотларкатта сув иншоотлари излари аниқланганлигини кўрсатади. Қадимги Хоразм шаҳар марказларидан бири Кўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши Бактриядаги Қизилтепа шаҳар деворларининг тузилиши анча ўхшаш эканликлари аниқланган. Тарихий маълумотлар Хоразм Марғиёна Сўғдиёна ва Бактрияда ўзаро бир- бирига яқин маданиятлар ривож топганлигидан далолат беради.

Бактрия Авестода “байроқлари баланд хилпираб турадиган ўлка”, ҳукмдорлари кавийлар сифатида тилга олинади. Ахамонийлар империяси ўрнатилгунга қадар Бактрия подшолигининг фаолият этганлиги “Баҳлика” тўғрисида ҳинд манбаларида исботлаш мумкин. Ахамонийлар империяси Ўрта Осиёда эгаллаган ҳудудларини Сағдуллаев цилиндр шакли идишларнинг тарқалиш ҳудудлари билан белгилашни таклиф этган. Ҳудди шу усул билан Қадимги Бактрия пошолигини сарҳадларини ҳам аниқласак бўлади. Чунки цилиндр ва геометрик идишлар тайёрлаш фақат Бактрия ва Марғиёнага хос бўлган.

Хитойликлар Фарғонани Даван (Улуғ макон) деб атаганлар. Хитой манбаларида Фарғона бошқарув тизимида ҳукмдор ва унинг икки вазири ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатганлиги келтирилади. Оқсоқоллар кенгашининг ҳам ўрни юқори бўлиб айнан Хитойнинг Фарғонага қиладиган юришида айнан оқсоқоллар ўзаро сулҳ йўли билан хужумни бартараф этадилар. Фарғонанинг маъмурий бўлиниши ҳақида хитой манбаларида етмишга яқин катта - кишик шаҳарлар бўлганлиги шаҳарлар Бактрия шаҳарлларига ўхшашлиги ҳақида келтирилади [4].

Давлатчилик ривожланишининг учинчи босқичи “империя” лар даври бўлиб, бу учун жўғрофия, иқтисодий, маданий, этник жиҳатдан ҳар хил бўлган ҳудудлар характерлидир. Ушбу ҳудудлар ягона марказдан туриб бошқарилаган ва маъмурий бўлинишлар (вилоят, ўлка, сатрапликлар) ҳам хос бўлган. Ушбу босқичда Бактрия, Хоразм Сўғд, Парфия каби давлатларнинг Ахамонийлар империяси таркибига киритилган даври ҳисобланади. Ушбу давлатлар ахамонийлар империяси таркибига киритилгандан сўнг, алоҳида сатрапликларга бўлинади ҳамда тобе давлат сифатида хирож тўлаб боради. Бу ҳақда Геродот “Тарих” китобида ахамонийлар салтанати бўсундирган халқлар ҳақида тўхталар экан “Осиёда ҳамма томони тоғ билан ўралган бир водий бор, тоғларда бешта дара бор булар хорасмийларга тегишли қачонлардир хорасмийлар гиркан, таманей, парфиялик саранглар билан чегарадош бўлган. Бу ерга форслар бостириб келган ва Акес деб аталувчи катта дарёни тўғонини бузиб халқларни сувсиз қолдирга. Қарам халқлар подшо ёнига тўғонни очиш ҳақида фарёд қилади подшо эса, божлардан ташқари катта пул эвазига тўғонни очар экан” .

Беҳустун ёзувида Доро I нинг ўзига тобе 23 вилояти қатори Бактрия, Сўғд, Хоразм ҳам санаб ўтилади. Ўрта Осиё халқлари Ахамонийлар империяси таркибида бўлади. Натижада бу давр ерли халқлар бошқарувининг барҳам топиши ва бошқарувда ахамонийлар усулининг кириб келиши билан характерланади. Ҳар бир сатраплик маълум талант эвазида тўлов тўлаган. Ўрта Осиёликлар ҳар йили 23 тонна қумуш миқдорида солиқ тўлаганлар. Ушбу солиқлардан ташқари хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, чорва маҳсулотлари билан ҳам солиқ тўлашга мажбур эдилар. Қадимги Персополда Доро I ва Ксеркс подшолари сарой деворидаги бўртма расмларда турли халқларнинг ўлпон келтириш манзараси тасвирланган бўлиб, бунда сўғдийлар: етти кишидан иборат подшога идишлар, газмол, номаълум ҳайвон териси, икки қўйни етаклаб келаётган ҳолда тасвирланади. Саклар эса, чўққи қалпоқларда тасвирланиб, кийим- кечакларни кўтариб, отни етаклаб келаётгани, бақтияликлар беш вакили идишлар ва туяни, хоразмликлар дудама ханжар, ҳарбий болта, билақузук ва отни олиб келаётган ҳолатда тасвирланади. Доро I қурдирган саройни безашда Бактриядан олтин, Сўғдиёнадан лапис, Хоразмдан сердолик олиб кетилганлиги тўғрисида маълумот келтирилади.

Ҳар бир маъмуруй ўлка ходими (сатрап) ахамонийлар подшоси фармонига биноан тайинланган. Бактрияни қадимги фоср подшоларининг ўгиллари (522-423) яъни ахамоний сулола вакиллари идора қилган. Сатрап ўз ўлкасини вилоят туман ва қишлоқ оқсоқолларига таянган ҳолда бошқарган. Унинг вазифаси сатрапликлар хавфсизлигини тайинлаш, ҳарбий

юришлар пайтида марказга қўшинлар юбориш, йиллик солиқларни белгиланган турларда ва миқдорда марказ газнасига етказиб беришдан иборат бўлган. Сатраплар устидан назорат қилувчи шахс ”подшонинг кўз ва қулоқлари-айғоқчи ” қадимги форс битикларида “гаушака” деб аталган.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги илк давлатчилик вақтлар ўтиши билан аста - секинлик билан шаклланиб такомиллашиб борди. Бунда энг аввало, ҳудуд, уни асровчи мудофаа девори, ҳукмдор саройи, бошқарув шакли, қонун-қоида, ибодатхона, деҳқончилик, хунармандчилик, синфий табақаланиш, савдо-сотик, муҳр, ёзув, қабристон каби ёзма ва моддий манбаларнинг топиб ўрганилиши давлатчиликка хос бўлган хусусиятларни очиб берди. Ўзбекистоннинг илк давлатчилик тарихи ва бошқарув тизими узоқ ўтмишга оид бўлиб, аждодларимиз қолдирган бой меросни янада чуқур ўрганиб, ҳаётий тажрибаларини бугунги кунга мос ҳолда кенг тадқиқ қилиш барчамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дьяконов И.М. Якобсон В.А. Номовые государства территориальные царства полисы и империю. Проблемы типологии ВДИ-М.- 1982. С 3-12
2. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудда давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. / Диссертация. Самарқанд, 2009. 18-21 б.
3. Ўзбекистон тарихи Хрестоматия 1-жилд –Т.: 2013. 71 - 75 б.
4. Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи Тошкент, “Шарк” 2000. 34-54 б.

УЎК: 02:021.4/8(09)(584.4)

МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ СИРДАРЁ ВА КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТЛАРИДА КУТУБХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШИГА ДОИР

Х.А. Олимжонов, таянч докторант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. *Мазкур мақолада Сирдарё ва Каспийорти вилоятларида очилган кутубхоналар тўғрисида маълумот берилди. Унда асосан Лепсинск, Омск, Казала ва Пржевальск шаҳарлари кутубхоналарнинг очилиши ва уларнинг низомларини тасдиқланишига доир маълумотлар берилган. Шунингдек мақолада кутубхона учун ажратилган маблағлар тўғрисида берилган тарихий фактлар илмий ишнинг ажралмас қисми ҳисобланади.*

Калим сўзлар: *Туркистон, китоб, кутубхона, каталог, библиограф, архив, архив фонди.*

Аннотация. *В данной статье представлена информация об открытых библиотеках в Сырдарьинской и Закаспийской областях. В нем представлена информация об открытии библиотек в городах Лепсинск, Омск, Казала и Пржевальск и об утверждении их уставов. Также приведенные в статье исторические факты о выделенных для библиотеки средствах являются неотъемлемой частью научной работы.*

Ключевые слова: *Туркестан, книга, библиотека, каталог, библиограф, архив, архивный фонд.*

Abstract. *This article provides information about the libraries opened in the Syrdarya and Caspian regions. It provides information on the opening of libraries in the cities of Lepsinsk, Omsk, Kazala and Przhevalsk and the approval of their charters. Also, the historical facts given in the article about the funds allocated for the library are an integral part of the scientific work.*

Key words: *Turkestan, book, library, catalog, bibliograph, archive, archive fund.*

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларга ва халқаро амалиётга мос бўлиши зарур. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини, шу жумладан миллий қадриятлар ва жаҳон маданияти, амалий ва фундаментал билимлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдиган аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига ахборот-

кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда[1].

“Кутубхона инсонлар учун билимлар дунёсига очилган дарча бўлиб, узлуксиз таълимнинг, шахснинг ва ижтимоий гуруҳларнинг мустақил қарор қабул қилиши ва маданий ривожланишининг муҳим асосларидан биридир”[15: 192]. Кутубхоналар бир жойда тўпланган улкан мутолаа манбаларига эга бўлиб, ахборот олишнинг қулай ва замонавий усулларига эгаллиги, кутубхоначиларнинг махсус билимларга эгаллиги, шунингдек, жамиятда китоб мутолаасига бўлган ҳурматнинг ошишини таъминлаши муҳим хусусият ҳисобланади[3: 12]. Шунингдек, кутубхоналар – одамлар ўз билимларини мустақамлайдиган, маънавий озуқа оладиган ва дунёқарашини кенгайтирадиган муассаса ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Туркистон генерал-губернаторлигида кутубхоналарнинг кенг очилиши ва фаолият юритишида Россия Ички ишлар вазирлигининг 1896 йил 4 сентябрдаги “Туркистон генерал-губернаторлигида умумий ва халқ-оммавий кутубхонаси ҳамда бепул ўқув хоналари тўғрисида”ги 4580-сонли хати [24: 9] сабаб бўлди. Ушбу хатнинг нусхаси барча вилоят ва уезд марказларига юборилиб, унда жойларда кутубхоналар ташкил этиб, низомлари тасдиқланиши сўралган. Мазкур хатга мувофиқ, Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг Лепсинск, Омск, Казала ва Пржевалск шаҳарларида оммавий кутубхоналар очилади ва низомлари тасдиқланади.

Россия империяси маъмурияти томонидан Сирдарё вилоятида ҳарбий губернаторлигида 1897 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари маълумотларига кўра, бу вақтда Сирдарё вилояти аҳолиси 1 478 398 киши (803 411 нафари эркак ва 674 987 нафари аёл)ни ташкил қилган. Дастлаб, вилоят 8 та уезд (Авлиёота, Жиззах, Казала, Перовск, Тошкент, Туркистон, Хўжанд ва Чимкент)га бўлинган. 1868 йилда Тошкент округи Курама деб ўзгартирилади (1887 йилда у қайта номланади) ва Туркистон округи тугатилади. 1886 йилда Жиззах ва Хўжанд туманлари Самарқанд вилоятига ўтказилиб, Амударё бўлими эса Сирдарё бўлимига киритилади.

XX аср бошларида вилоят 5 та округ ва 1 та бўлимга бўлинган ҳамда улар қуйидагилар: Авлиёота, Казала, Перовск, Тошкент, Чимкент, Амударё бўлимлари. Мазкур округлар марказларида, ҳарбий бўлинмаларида ва турли муассасаларида бирин-кетин кутубхоналар очилиб, китоблар билан таъминлана бошлаган.

Сирдарё қадимий дарёлардан бўлганлиги боис дарё бўйида қадимдан цивилизация яхши ривожланиб келган. Буюк Александр Македонский бу дарё бўйида ўзининг қалъа истехкомини қурдирганлиги, Сирдарё ёхуд Сир дарёси юнонларга Яксартес номи билан машҳур эканлиги маълум. Страбон[12] ва бошқалар уни Каспий денгизига қуйилади деб айтган. Ўрта асрлар араб географлари уни Сайхун, Амударё ёхуд Оксусни эса Жайхун ёки Жихан деб аташиб, Орол денгизига қуйилади деб ёзишган[14].

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Туркистон генерал-губернаторининг 1897 йил 10 майдаги 3150-сонли хатига асосан Еттисув (Семирченск) вилоятининг Лепсинск[5] шаҳрида умумий кутубхона ва ўқув хонаси очилади[22]. Шу билан бирга, шаҳарда китоб дўкони ва шахсий кутубхона ўқув хоналари ҳам очилади.

Акмола вилояти ҳарбий губернатори, генерал М.А.Левинцов[11: 29]нинг 1897 йил “Омск шаҳар кутубхонаси” тўғрисидаги 1840-сонли қарорига асосан очилган. 1897 йил 2 сентябрда кутубхонанинг низоми ишлаб чиқилган[17].

1898 йил 24 февралда Акмола вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор Н.И.Санников[22: 25] томонидан “Омск умумий кутубхонасининг китоб, журнал ва газеталаридан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни тасдиқланади. Мазкур қонунга кўра, Омск шаҳар кутубхонаси иккита: биринчиси умумий бўлим, иккинчиси махсус китоблардан иборат бўлган. Бўлимдаги китоблар икки тоифа (биринчиси янги нашрлардан, иккинчиси тарихий китоб, журнал ва газеталар)га ажратилган. Биринчи гуруҳга кирувчи китоблардан фойдаланганлик учун ойига 40 копейк, ярим йилга 2 рубль, бир йилга 3 рубль ҳақ тўланган. Иккинчи гуруҳга кирувчи нашрлардан фойдаланганлик учун ойига 20 копейк, ярим йилга 1 рубль, йиллик 2 рубль тўлов қилинган. Кутубхонадан рухсатномасиз фойдаланганлик учун 5

копейк кунлик тўлов тўлашган. Кутубхонада бир вақтнинг ўзида 2 та китоб, 1 дона журнал, 3 тагача газетага буюртма бериш мумкин бўлган[22: 8].

Кутубхонада китоблар икки ҳафта; журналлар 2 ойга; газеталар 2 кунгача бепул берилган. Ўз вақтида қайтарилмаган китобларнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун 5 копейк жарима белгиланган. Кутубхона ҳафтада 3 кун 7 соатдан фаолият юритган. Якшанба куни соат 12 дан 16 га қадар ишлаган. Декабрнинг 25-27 саналарида кутубхона ёпиқ бўлган. Чунки бу кунларда кутубхонанинг йиллик ҳисоботи тайёрланган. Шунингдек, кутубхонада шанба кунлари шеърят кечалари ўтказилиб, Алишер Навоий ва бошқа шоир ҳамда мутафаккирларнинг асарлари мутолаа қилинган[22: 9].

Сирдарё вилояти Казала[10] шаҳар оммавий кутубхонаси 1899 йил 28 октябрда очилган. 1900 йил 15 сентябрда “Казала оммавий кутубхонаси тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилган[16: 10]. Кутубхона фаолиятини яхшилаш учун 1900 йил 197 рубль 30 копейк ва яна бироз вақтдан кейин 300 рубль маблағ сарфланган. Жами ҳар йили 400 рублдан ажратиб турилган. Казала оммавий кутубхонасининг низоми ишлаб чиқилган ва низом 29 моддадан иборат бўлган. Шунингдек, кутубхонани бошқариш учун 9 кишидан иборат кенгаш тузилиб, унинг вазифасига: кутубхона жиҳозларини инвентаризация; кирим-чиқим маблағларини; китобдан фойдаланиш тартиб–қоидаларини назорат қилиш; китобларни рўйхатга олиш ва каталоглаштириш; оммавий китоблар учун алоҳида каталог тузишдан иборат бўлган.

Сирдарё вилоятига қарашли бу шаҳар тўғрисида манбаларда кизиқарли маълумотлар учрайди. Масалан, Казала Ўрта Осиёнинг барча савдо йўллари кесишган жойда жойлашган бўлиб, Оренбургдан келадиган йўл бу ерда Хива, Бухоро ва Тошкент йўллари билан туташади. Шунингдек, Сирдарё бўйида марказий почта ҳам бор. Осиё савдоси ривожланса, Казала йирик савдо марказига айланади, аммо ҳозир ҳам бу ерда савдо-сотик гавжум[14: 22]. 1897 йилда Казала шаҳрида 7 585 нафар аҳоли яшаган. Яна шундай маълумотлар ҳам мавжудки, 1847 йилда руслар томонидан Сирдарёнинг энг яқин қирғоғида кичик истехком қалъаси қурилган бўлиб, Раим қалъаси[9] деб аталар – бу уларнинг ҳалигача истилоси тугалланмаган Осиёдаги илк қадами эди. Бу қалъа унчалик мустаҳкам эмас, тез-тез бўлиб турадиган тошқинлар сабабли 1855 йилда дарёнинг кичик бир ирмоғи ҳисобланган Казала бўйидаги ҳозирги жойига кўчирилиб, биринчи Истехком Қалъа деб аталган кичик истехком бунёд эттирган. Истехком ичида казармалар, дўконлар, турли ҳарбий зобитларнинг уйлари жойлашган. Қалъа атрофида кичик бир шаҳарча қад кўтарган бўлиб, аҳолиси камида 3000-4000 кишини ташкил қилган[14: 20]. Шу сабабли бу каби йирик ҳарбий ва маъмурий бирликда кутубхонага ўз-ўзидан эҳтиёж бўлган.

1900 йилда яна бир кутубхона Пржевалск[4] шаҳар кутубхонаси очилади. Пржевалск шаҳар кутубхонасига ҳам бошқа кутубхоналар сингари кутубхонанинг низомини ишлаб чиқиш ва ҳарбий губернаторга тақдим этиш вазифаси кўйилади. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, 1901 йил 15 майда “Пржевалск шаҳар кутубхонаси тўғрисида”ги низом[24: 25] тасдиқланади ва жаҳон адабиётининг нодир нашрлари сақланган ўқув хонаси иш бошлайди.

Сирдарё вилояти генерал-губернатори генерал-лейтенант М.Я.Романов[7] томонидан[2: 690] 1907 йил 19 декабрда Авлиёота[6] шаҳар кутубхонаси устави тасдиқланади. Устав 29 банддан иборат бўлган[20: 45]. Авлиёота шаҳри рус ва Осиё қисмларидан иборат бўлиб, Россия империясининг 1897 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари маълумотларига кўра, Авлиёота шаҳрининг ўзида 11 722 нафар аҳоли (6940 нафари эркак ва 4782 нафари аёл) яшаган бўлиб, шундан она тили бўйича тақсимланганда 8 335 нафарини (4949 нафар эркак ва 3511 нафар аёл), яъни 72,1% ни ўзбеклар ташкил қилган[23: 1–2].

XX аср бошларида шаҳарда 3 та черков, 21 та масжид, кутубхона, почта-телеграф идораси, шаҳар мактаби, касалхона, ҳарбий касалхона, 17 та ишлаб чиқариш корхонаси ва фабрика, 1791 та турар-жой бинолари мавжуд бўлган. 1917 йилда шаҳар орқали Арисдан Вернийгача бўлган Еттисув темир йўли ўтказилиб, бу эса шаҳарнинг ривожланишини тезлаштирди. XX асрнинг 20 йилларида таниқли ёзувчи Дмитрий Фурманов[13] бу шаҳарда истиқомат қилиб ўзининг илмий фаолияти билан шаҳар аҳолисининг кўнгилдан жой эгаллаган. Ҳатто хонадонида ҳам шахсий кутубхонаси бўлган.

Туркистон генерал-губернаторининг 1899 йил 18 декабрда 16468-сонли буйруғига асосан Амударё кутубхонаси очилади ва унинг вақтинчалик низоми қабул қилинди. Кутубхонанинг ўқув хонаси Ўрта Осиё темир йўлларига қарашли Фароб бекатида жойлашган[23: 2].

Шу йили анчадан буён фаолият кўрсатиб келаётган Перовский кутубхонасига машинист Александр Константинович Андреев бошлиқ этиб тайинланади[19: 3]. Кутубхонада китоб мутолаасига қизиқувчи ҳар қандай шахсга манзур келувчи китоблар мавжуд бўлган.

1907 йилда Сирдарё вилояти Амударё уездида Петро-Александровск кутубхонаси ташкил топади. Шу йили 28 мартда Кутубхона низоми муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Низом 25 банддан иборат бўлган[18: 7]. Шу йили кутубхона ҳисобига 300 рубль маблағ туширилган. Кутубхона директори этиб А.Г.Шапошкинов, бухгалтер В.П.Шпенев тайинланган. 285 рубль 30 копейка журнал ва газеталарга обуна ташкил этилган. 1908 йилда обуна учун 274 рубль сарфланган бўлса, кутубхона инвентаризацияси учун 47 рубль 35 копейк, жами 1403 рубль чиқим қилинган. Кутубхонанинг 1909 йилдаги ҳисоботиغا кўра, жами 568 рубль 75 копейк маблағ ушбу муассаса ҳисобига келиб тушган. 394 рубль 75 копейк эса харажатлар учун ишлатилган[18: 7]. Қолган маблағ эса кейинги йил учун ажратиладиган маблағга қўшиб ҳисоб-китоб қилинган. Кутубхона маблағлари Туркистон генерал-губернатори девонхонаси томонидан қаттиқ назорат қилинган. Кириш ва чиқим варақлари доимий текширилиб, губернаторга ҳисоботлар тақдим этиб турилган. Шунингдек, ғазнадан олинган маблағларга кутубхона коллегиал бухгалтери жавобгар ҳисобланиб, олинган ва сарфланган маблағларнинг талонларнинг бир нусхаси девонхонага тақдим этилган[18: 14].

Кутубхоналар қатъий тартиб-қоидаларга амал қилган, кутубхоналарда империя Ички ишлар вазирлиги томонидан рухсат берилган адабиётларгина сақланган. Вазирлик ҳатто китоб дўконларидаги китобларнинг мазмуни тўғрисидаги маълумотларни назоратга олган бўлиб, ноқонуний китоб сотишга йўл қўйилмаган. Кутубхоналар директор ёки кутубхоначи томонидан бошқарилган ҳамда кутубхона ҳисоботини тўғри ва ўз вақтида юритилишига масъул бўлган. Девонхона томонидан ҳисоботлар йил якунида ва ҳатто, ярим йилликда ҳам талаб қилинган. Кутубхона директори ва ходимлари вилоят ғазнасидан маош билан таъминланган. Ойлик маош кутубхона ходимининг лавозимидан келиб чиқиб: директор 45 рублдан 50 рублгача, ходимлар эса 15 рублдан 18 рублгача, кутубхона қоровули, боғбон, фаррошлар эса 5 рублдан 8 рублгача мояна олишган[21: 141].

Бу даврда ҳар бир вилоят ва шаҳар кутубхоналари учун алоҳида низомлар ишлаб чиқилиб, ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган. Кутубхона низомларида китобхонларга хизмат кўрсатиш, китобхон дафтарчасини тўғри юритиш, сотиб олинган китоблар ва обуна бўлган газета–журналларнинг нусхалари рўйхатини тузиш, кутубхона тадбирларини ташкиллаштириш, кутубхона таркибида бўлимлар ташкил қилиш, ўқув хоналарини очиш, кутубхоналарда китобхон клубларини ташкил этиш, китоб кўرғазмаларини тайёрлаш бўйича тартиб-қоидалар қатъий белгилаб қўйилган эди[21: 142].

Кутубхоналар империя ҳарбийлари томонидан доимий назорат қилиб турилган. Бунинг учун алоҳида назорат комиссия ҳам тузилган. Россия империясининг Туркистонда кутубхонашунослик соҳасидаги фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, жамиятдаги барча воқеа–ҳодисаларга, шу жумладан кутубхоначилик иши масалаларига ҳам сиёсий нуқтаи назар билан қараш, кутубхоналар фаолиятига нисбатан кескин танқидий муносабатда бўлиш сиёсатини юритдилар. Бунинг сабабларидан бири Туркистонда кутубхоначилик ишини мафкуралаштириш натижасида, кутубхоналар фаолиятига тор синфий ёндашув асосида таърифлаш ва умуминсоний кадриятларга етарли баҳо бермаслик билан боғлиқ эди. Бу кадриятлар орасида аҳолини китобга ва китобхонликка жалб қилиш, маҳаллий халқ фарзандларини маърифатли қилиш муҳим ўрин эгаллайдики, Россия ҳарбийлари бу кадриятларни инобатга олишмади, улар Туркистон кутубхоналарини маҳаллий аҳоли тушунадиган ва ўқий оладиган китоблар билан бойитиш ўрнига, хорижий тиллардаги адабиётлар билан бойитишга ҳаракат қилишди. Шу сабабли кутубхоналарнинг деярли барча аъзоларини асосан ҳарбийлар ва зобитлар ташкил қилган. Бу эса маҳаллий аҳоли

вакилларининг ўз уйларида сақлаб келадиган китобларини ўқишдан бошқа чораларини қолдирмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июнь “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида ПҚ-4354-сонли Қарори – “Халк сўзи” газетаси. 2019, июн.
2. Волков С. В. Генералитет Российской империи. Энциклопедический словарь генералов и адмиралов от Петра I до Николая II. Том II. Л—Я. – М., 2009. — С. 690.
3. Кузьмин Е.И. Библиотечная Россия на рубеже тысячелетий. – Москва; Либерия, 1999. – С. 12.
4. Қоракўл (Пржевалск) шаҳри–Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган шаҳар. 1865 йилда Россия империяси томонидан Қошғар чегарасида қурилган бўлиб, 1872 йилда бу шаҳарда ҳарбийлардан ташқари Тошкентдан, Туркистон вилоятининг бошқа шаҳарларидан келган 150 нафар аҳоли бор эди (асосан татарлар ва ўзбеклар ҳамда 12 нафари рус) 1897 йилда аҳолисининг сони 8108 нафарга етган.
5. Лепсинск – Туркистон генерал-губернаторлиги Еттисув вилояти таркибида 1867 йил 14 апрелда ташкил қилинган шаҳар. Ҳозирги кунда Қозоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган.
6. Мил. авв. IV–V асрларда Талас дарёси яқинидаги даштларда саклар ва усунларнинг қабила иттифоқлари шаклланиб, улар Тараз аҳоли пунктига асос солишган. 1856 йилда шаҳар “ Аулие-Ата” – муқаддаси бобо (ажод), деб ўзгартирилган. Бу ном Қорахонийлар сулоласининг асосчиси–Қорахон шарафига қўйилган. Ҳозирда Қозоғистон ҳудудидаги Тароз шаҳрининг 1936 йилгача номи.
7. Михаил Яковлевич Романов (1848—1915) – рус пиёда кўшинининг генерали. 1903 йил 1 январдан Акмала вилояти ҳарбий губернатори, 1906 йил 3 августдан Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори. 1911 йил 20 январда генерал унвонини олган.
8. Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Таблица XIII. Распределение населения по родному языку. (Губернские итоги). Т.Т.51-89. СПб., 1903–1905 (<https://ru.wikipedia.org/wiki>)
9. Раим қалъаси – кейинроқ Орол истехком қалъаси номи билан ҳам машҳур. Россия империясининг Орол бўйидаги дастлабки ҳарбий истехком. 1847 йилда ҳарбий муҳандис К.И.Герн томонидан қурилган.
10. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган шаҳар. Унга 1853 йилда асос солинган ва 1867 йилга қадар 1-Истехком қалъа деб аталган. Ҳозирда Қозоғистоннинг Қизилўрда вилоятига қарашли.
11. Степанов В. С., Григорович П. И. В память столетнего юбилея императорского Военного ордена Святого великомученика и Победоносца Георгия (1769—1869). — СПб., 1869. – С. 29.
12. Стробон (мил. авв. 64/24) – юнон географи ва тарихчиси. Кўп саёхатлар қилган. (Юнонистон, Кичик Осиё, Италия ва Миср). Антик давр географик билимлари якуни бўлган 17 китобдан иборат “География” ва бизгача етиб келмаган “Тарихий хотиралар” номли асарлар муаллифи.
13. Фурманов Дмитрий Андреевич (1891–1929) – Совет ёзувчиси, инқилобчи, ҳарбий ва сиёсий раҳбар.
14. Южин Скайлер. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Фулжага саёхат қайдлари. Кириш, инглиз тилидан қисқартирилган таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи З.А.Саидбобоев. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – Б. 20.
15. ЮНЕСКОнинг “Оммавий кутубхоналар тўғрисида”ги манифести // “Мафкура ва ёшлар”. Тўплам. Тузувчилар: Умаров А. ва бошқалар – Тошкент; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2003, – Б. 192.
16. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 15533-йиғмажилд, 10, 12–варақлар.
17. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 15769-йиғмажилд, 8–варақ.
18. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16258-йиғмажилд, 7–варақ.
19. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16630-йиғмажилд, 3–варақ.
20. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 21657-йиғмажилд, 45–варақ.
21. ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 1614-йиғмажилд, 142–варақ.
22. ЎзМА И-1-фонд, 12-рўйхат, 1865-йиғмажилд, 9–варақ.
23. ЎзМА И-1-фонд, 12-рўйхат, 70-йиғмажилд, 1-2–варақлар.
24. ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 112-йиғмажилд, 9–варақ.

УЎК 93

АМИР ТЕМУР СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ВА БУХОРО УЛАМОЛАРИ

Орзиев М.З., PhD, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Кўчаров Ж.Қ., кафедра мудири, Қарши давлат университети, Қарши

Аннотация. Ушбу мақолада соҳибқирон Амир Темур сиёсий фаолиятида Бухоронинг диний раҳнаmolари таъсири, нақибандийлик ва ушбу оқимнинг Амир Темур давлатида тутган мавқеи хусусидаги фикр-мулоҳазалар тарихий адабиётлардаги маълумотлар асосида қиёсий таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: *Исломи дини, уламо, нақшбандия, руҳоний, сўфийлик, фикх, қаландар, пир, мурид, авлиё, тасаввуф, диний ҳокимият, зиёрат.*

Аннотация. *В статье на основе исторической литературы проводится сравнительный анализ влияния религиозных лидеров Бухары на политическую деятельность Амира Темура, Нақшбанди и положение этого движения в государстве Амира Темура.*

Ключевые слова: *ислам, улама, нақшбандия, священник, суфизм, фикх, паломник, наставник, следователь, святой, мистицизм, религиозное государство, паломничество.*

Abstract. *Based on historical literature, the article provides a comparative analysis of the influence of the religious leaders of Bukhara on the political activities of Amir Temur, Naqshbandi and the position of this movement in the state of Amir Temur*

Key words: *Islam, ulama, Naqshbandiya, priest, Sufism, fiqh, pilgrim, mentor, investigator, saint, mysticism, religious gosudarstvo, pilgrimage.*

Араблар истилоси ва Ўрта Осиё минтақасида истиқомат қилувчи аҳолининг Исломи динига кириш жараёнида Бухоро шаҳри ва унда етишиб чиққан диний уламоларнинг хизмати бекиёс бўлиб, X асрдаёқ мамлакатларида Қуббатул Исломи мақомига эришганди. Диний уламоларнинг давлат ва жамият ҳаётига таъсири катта бўлиб, ушбу масалани ўзи бир алоҳида комплекс тадқиқот бўлиб ҳисобланади. XIV аср бошларида Мовароуннаҳрда ўзаро ички курашлар кескин тус олиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт издан чиқди. Натижада, жамиятда маънавий-ахлоқий масалалар ва бу мавзулардаги саволларга жавоб излашни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди. Мўғуллар ҳукумронлиги давридаги талон-тарож ва халқнинг ночор аҳволи диний уламоларнинг назаридан ҳам четда қолмади. Уларнинг диний-ижтимоий таълимотлари айнан шу йўналишга қаратилганди деб хулоса қилиш мумкин. Бу ҳол айниқса Бухорода мўғуллар истилоси даврида шаклланиган ва Амир Темури даврида ниҳоясига етказилган нақшбандия тариқатида яққол намоён бўлди.

Амир Темурининг ҳокимият тепасига келшида ҳам ўз даврининг етук диний уламоларининг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотларда келтириб ўтилади. Бухородаги диний уламоларнинг мўғуллар истилоси дастлабки даврида ҳам таъсири катта бўлиб, Тадқиқодчилар М.З. Орзиев ва Ж.Л. Латиповлар бухоролик шайх Сайфиддин Бохарзийнинг Олтин Ўрда ҳукумдорларига ҳам таъсир ўтказа олганлиги хусусида фикр билдириб, Беркахон (1255-1266 й)нинг айнан шу киши томонидан исломи динини қабул қилганлигини бунга асос сифатида келтириб ўтадилар[9, 42].

Бухорода диний уламоларнинг ҳукумрон мавқеи деярли барча замонларда сақланиб қолинганди. Бу мўғуллар даврида ҳам қисман бўлсада сақланиб қолинди. Мўғуллар даврида Бухорода садрлар ҳукумрон табақа вакиллари ташкил этган бўлиб, В.В. Бартольд маълумотларида, Бухорода садрларнинг бурхонийлар уруғи ҳукумронлик қилганлигига оид маълумотлар келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин[1, 546]. Ушбу руҳонийлар кейинчалик Амир Темури даврида ҳам, унинг ҳокимият тепасига келишида муҳим аҳамият касб этган. Кўплаб тарихий адабиётларда мўғуллар ҳукумронлиги даврида Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида маҳаллий диний уламолар ҳокимияти сақланиб қолинганлиги, улардан, Бухорода садрлар, Термизда Саидлар-Худовандзода унвонида диний уламоларнинг сиёсий ҳукумронлиги сақланиб қолинганлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалар мавжуд[10, 20].

Мўғуллар ҳукумронлиги даврида Бухорода диний қарашларда янги оқим сўфийлик янги босқичга кўтарилди. Нақшбандийлик оқими мўғуллар ҳукумронлиги даврида ўзининг вужудга келиш ва шаклланиш жараёнида бошдан кечирди. Шунингдек, Амир Темури ва дастлабки теурийлар даврида Ўрта Осиёда сўфийлик оқимлари ўзининг навбатдаги эволюцион босқичга кирди ва юксак чўққига чиқди. Сўфийлик орденларининг сиёсийлашуви содир бўла бошлади[7, 63]. Нақшбандийлик ғояларини шаклланиш жараёнининг сўнгги босқичида яшаган Баҳоуддин Нақшбандий мўғуллар ҳукумронлигининг сўнгги даври ва Амир Темури ҳукумронлиги даврида яшади. Аммо, дастлаб нақшбандийлик сиёсий жараёнларга аралашмаган деган фикр-мулоҳазалар мавжуд. Аммо, айрим тарихий адабиётларда Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳали ёшлик йилларидаёқ мўғуллар салтанати сўнгги вақтларида сиёсий ҳаётга

фаол аралашганлигига оид маълумотлар мавжуд. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йй) ёшлик йилларидаёқ сиёсий ҳаётга аралашган деган қарашлардан бири академик В.В. Бартольд маълумотларида келтириб ўтилади. В.В. Бартольд, Баҳоуддин Нақшбанд 1342-43 йилларда Халил исмли шахсни Чиғатой тахтига ўтказган деган маълумотларни келтириб ўтади. Аммо, ўша давр манбаларининг кўпчилигида бу номдаги ҳуқумдор тилга олинмайди. В.В. Бартольд, Нақшбанднинг тушига Ҳаким ота кирганлиги ва Ясагур ўғли Халилни тахтга ўтказишни буюргани билан боғлиқ афсонани келтириб ўтади. Қозонхоннинг отасининг исми ҳам Ясагур бўлганлиги сабабли, Бартольд бу Қозонхон бўлиш эҳтимол деб келтиради. Чунки, Халил исмли ҳуқумдор манбаларда тилга олинмасда, унинг номидан зарб қилинган тангаларнинг мавжудлиги шу номли ҳуқумдор қисқа бўлсада тахтга ўтирган деган хулосани чиқариш имконини беради[3, 158].

Баҳоуддин Нақшбанднинг Ясовур ўғли Халилни Чиғатой улуси тахтига ўтказгани ҳақидаги маълумотлар фақат ибн Батута маълумотларида келтириб ўтилишини В.В. Бартольд қайд этиб ўтади. Шу билан бир қаторда уни Ҳирот ҳуқумдори қўллаб-қувватлагани, кейинчалик Бухорода ҳуқумрон бўлгач, Ҳирот ҳуқумдори берган ёрдамни унитгани ва мағлуб бўлганлигига оид маълумот мавжуд[2, 164]. Шунингдек, Ибн Батутанинг Ўрта Осиёга саёҳатларига оид ёзувларида; Халилни Термиз Худовандзодаларидан Аъло ал-Мулкнинг қўллаб-қувватлагани, унинг ёрдамида Олмаликда жангда ғалаба қозонгандан сўнг Бухорога йўл олганлиги келтириб ўтилади[5, 73]. Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, мўғуллар ҳуқумронлигининг сўнгги давридаёқ Бухоро уламолари сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошлаганлар. Аммо, нақшбандийлик оқимининг сиёсий ҳаётга аралашуви хусусида тарихий адабиётларда бир-бирини рад этувчи фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиб, В.М. Нирша нақшбандийликни нисбатан кечроқ сиёсий ҳаётга аралаша бошлаганлигига оид фикрларни келтириб ўтади. Унинг маълумотларида, Амир Темур ворислари даврига келиб нақшбандийлик сиёсий рол ўйнай бошлади[8, 50]. Бухородаги руҳонийлар Амир Темур даврида сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмаганлар деган фикр-мулоҳазалар у қадар ҳақиқатга тўғри келмайди деб хулоса қилиш учун барча асослар мавжуд. Чунки, Амир Темурнинг онаси бухоролик машҳур фақиҳ Убайдулла ибн Маъсуднинг қизи бўлиб, у Тожушшариа тахаллусига эга бўлган[6, 15]. Бу эса, Бухоро руҳонийлари орасида Амир Темурни қўллаб-қувватловчиларнинг етарлича топилишини таъминлаган деб хулоса қилишга асос бўла олади. Амир Темурни дарвиш, қаландарлар қўллаб-қувватлашини унинг ҳарбий, разведкадаги мувоффақиятлари сабаби сифатида кўрсатилади. Бу хусусда маълумот келтирган В.Черванский унинг хузурига Тошкент, Самарқанд, Бухородан дарвиш ва қаландарларнинг оқиб келиши ва турли маълумотларни етказишлари хусусида тўхталиб ўтади[12, 49].

Кейинги давр манбаларида ҳам Амир Темурни ҳокимият тепасига келишида Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари эътироф этилади. Жумладан, “Темурнома” асари муаллифи Салоҳиддин Тошкандий Амир Темурни тарбия қилган тўрт пирни санаб ўтади ва улардан бири сифатида бухоролик Баҳоуддин Нақшбандни санаб ўтади[11, 95]. Бу маълумотларнинг аксарияти афсона шаклда бўлсада, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишида Бухоро руҳонийларининг уни қўллаб-қувватлаганлигига ишора бўлиб хизмат қилади. В.Черванский, Темур тузукларини асос қилиб келтириб, Бухоронинг Сухор қишлоғидан бўлган Шайх Кулол унинг пири бўлганлигини ва ушбу пир ҳокимият учун кураш йилларида Амир Темурга зафар тилаб оқ фотиҳа берганлигига оид фикрлар тузукларда келтирилганлигини қайд этиб ўтади[12, 214].

Ўрта Осиёга 1839-40 йилларда Россия империяси томонидан уюштирилган ҳарбий экспедиция аъзоси М.Иванин Амир Темурва Чингизхон жанг санъатини ўрганиб, таҳлил қилади. Ўз маълумотлари асосида ёзган асарида, Амир Темур Илёсхўжадан аразлаб унинг хизматидан кетганда Бухорога келади ва бу ерда пири шайх Кулол маслаҳати билан бежавотирроқ Хоразм чўлларига кетишни маъқул топади[4, 117].

Амир Темур ва темурийлар даврига оид манбаларда Амир Темурнинг Баҳоуддин Нақшбанд билан муносабатлари хусусида аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Амир Темур тарихига бағишланган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маълумотларда,

эҳтимолки, Баҳоуддин Нақшбанднинг Амир Теумр билан учрашув йили 1403-1404 йил қиш мавсумини Амир Теумр Қорабоғда ўтказган вақтда содир бўлган бўлиши мумкин деб хулоса қилиш мумкин. Бу вақтда, унинг хузурига Саид Барака, Термизлик Ало ул-Мулк, самарқандлик шайхулислом Ҳожа Абдулаввал ва унинг жияни Исомиддин, кешлик Ҳожа Абдулҳамид ва Абдурахмонлар Бухородан бир гуруҳ (эҳтимол-Баҳоуддин Нақшбанд) шайхлар борган дейилади [10, 58].

Амир Теумр ва Баҳоуддин Нақшбанднинг ўша давр манбаларида учрашгани ва ўзаро мулоқотига оид аниқ фактлар сақланиб қолинмаган бўлсада, Амир Теумрнинг онаси бухоролик бўлганлиги, ва онаси томондан Бухоро руҳонийлари билан яқин алоқада бўлганлиги, Баҳоуддин Нақшбанд асос солган тариқатнинг Бухорода кенг тарқала борганлиги сабабли, бу икки буюк даҳонинг учрашмаслиги мумкин эмасди деб хулоса қилиш мумкин. Бизнинг фикримизча, нақшбандийлик Амир Теумр даврида ривожланиш босқичига кирган бўлсада, ҳали сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмаган ва шу сабабли Амир Теумр даврига оид манбаларда бу хусусдаги фикр-мулоҳазалар етарлича ёритилмаган. Бухоролик тарихчи олим Ф.Ҳ. Қосимов келтирган маълумотларида, Амир Теумр ёшлигиданок Бухорога тез-тез келиб турган. Шунингдек, Соҳибқирон Тахтга ўтиргандан сўнг ҳам Бухорога келишни тўхтатмаган. Бундан ташқари ҳар гал ҳарбий юришлардан мувоффақият билан қайтгандан сўнг Амир Теумр Бухорога келиб, бу ердаги авлиё ва уламоларнинг қабрини зиёрат қилишига оид фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтади [14, 23]. Агар ҳар галги урушлардан сўнг Бухорога келар экан Амир Теумр Бухорода бу даврнинг энг йирик уламози бўлган Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашмаслиги мумкин эмасди деб ҳисоблашга барча асосларимиз мавжуд. Гарчи, тарихий манба ва адабиётларда Амир Теумр ва Баҳоуддин Нақшбанд ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавҳумлигича қолган бўлсада, Амир Теумрнинг Баҳоуддин Нақшбанд борасидаги фикри ижобий бўлганлигига оид фикр-мулоҳазаларни кўплаб олимлар келтириб ўтади. Жумладан, И.Шахроний юқоридаги маълумотларни келтириб ўтиб, бунинг асосий сабаби сифатида Амир Теумрнинг тасаввуф тариқати вакилларига яхши муносабатда бўлганлигини асос сифатида кўрсатади [13, 54].

Хулоса қилиб айтганда, Амир Теумрнинг ҳокимият тепасига келишида Бухоро руҳонийларининг ҳам хизматлари бўлиб, улар мамлакатда тинчлик ўрнатиш, кенг халқ оммасини тинчлантириш, аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган сиёсий кучни мамлакат тахтида кўришни истагандилар. Бу сиёсий куч Амир Теумр бўлиб, дин пешволари умидлари оқланганлигига тарихининг ўзи гувоҳдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бартольд В.В. Сочинения. Том I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – 759 с.
2. Бартольд В.В. Сочинения. Том V. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Наука, 1968. – 757 с.
3. Бартольд В.В. Тюрки: Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – Алматы: Жалын, 1993. – 192 с.
4. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Теумр. – Т.: Фан, 1994. – 238 б.
5. Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи, 1993. – 102 б.
6. Муқимов З. Амир Теумр тузуқлари (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 б.
7. Немцева Н.Б. Ханака Сайф-ад-дина Бохарзи в Бухаре (К истории архитектурного комплекса) – Бухара: 2003. – 214 с.
8. Нирша В.М. Источниковедение Шихабуддин Сухраварди и его трактат “Дары и познаний”.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 12-сон, 1987. – 49-52.
9. Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Мўғуллар истилоси ва теумурийлар даврида динлараро муносабат. – Бухоро. Дурдона, 2018. – 51 б.
10. Тамерлан-Покоритель Азии. – М.: Ломоносов, 2014. – 224 с.
11. Тошкандий Салоҳиддин. Теумрнома. – Т.: Чўлпон, 1990. – 195 б.
12. Черванский В. Амир Теумр. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти. – Т.: Ёзувчи, 1993. – 224 б.
13. Шахроний И. Хожалар тариқати//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 5-сон, 2003. – Б. 54-56.
14. Қосимов Ф.Ҳ. Теумурийлар даврида Бухоро. – Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1996. – 91 б.

**АҲМАД ЗАКИЙ ВАЛИДИЙ ТЎҒОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО
МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ**

*Х. Ч. Ражабов, мустақил изланувчи, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети,
Тошкент*

Аннотация. *Миллий муҳожир вакиллари орасида юсак обрў-эътиборга эга бўлган, Туркистон учун озодлик курашчиси, таниқли шарқшунос, исломишунос тарихчи олим, фалсафа фанлари доктори, Вена, Бонн, Истанбул, Манчестер, Гётингем университетларининг тарих ва ислом илмлари бўйича профессори Аҳмад Заки Валидийнинг сиёсий қарашлари илмий-иждодий меросининг асосий қисми ҳисобланади. Валидийнинг ташқи сиёсат ва дипломатияга оид илмий иждодини ўрганиш муҳим илмий-назарий, амалий-методологик аҳамият касб этади.*

Калит сўзлар: *Аҳмад Заки Валидий, В.И.Ленин, Туркистон, “Туркистон миллий бирлиги”, Амир Олимхон, “Шарқ халқлари конгресси”, миллий муҳожир вакиллари.*

Аннотация. *Политические взгляды Ахмада Заки Валидий – борца за свободу Туркестана, завоевавшего высокое уважение и внимание среди представителей национальных мигрантов, известного востоковеда, ученого историка-исламоведа, доктора философских наук, профессора по истории и исламу Венского, Боннского, Стамбульского, Манчестерского, Гётингемского университетов являются основной частью его научно-творческого наследия. Изучение научного творчества Валидий о внешней политике и дипломатии имеет важное научно-теоретическое, практико-методологическое значение.*

Ключевые слова: *Ахмад Заки Валидий, В.И.Ленин, Туркистон, “Туркестанское национальное единство”, Амир Олимхон, “Конгресс народов Востока”, представители национальных мигрантов.*

Abstract. *The political views of Ahmad Zaki Walidiy - a fighter for the freedom of Turkestan, who won high respect and attention among representatives of national migrants, a famous orientalist, a scholar of Islamic historian, doctor of philosophy, professor of history and Islam of Vienna, Bonn, Istanbul, Manchester, Göttingham universities are the main part of his scientific and creative heritage. The study of the scientific work of Validius on foreign policy and diplomacy has an important scientific and theoretical, practical and methodological significance.*

Keywords: *Ahmad Zaki Validiy, V. Lenin, Turkiston, “Turkestan National Unity”, Amir Olimkhon, “Congress of the Peoples of the East”, representatives of national migrants.*

Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970) 10 декабр санасида Уфа губернясига қарашли Бошқирдистонинг Ишембой туманидаги Кузяново қишлоғида мулла оиласида туғилган. Отаси Кузяново қишлоғидаги мадрасада дарс берар ва имомлик қилар эди. Аҳмад Закий Ислом дини асосларини, араб, форс тилларини шу мадрасада ўрганди. 1901-1908 йиллари она томонидан бобоси Ҳабибназарнинг қишлоғи Утяковдаги мадрасада таълим олди. Бу мадраса диний фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, жуғрофия ва математикага ихтисослаштирилган эди. 1908 йили Оренбургдаги «Хусайния» мадрасасида, 1908-1912 йиллари Қозоннинг «Қосимия» мадрасасида таълим олди [10, <https://www.e-tarix.uz>].

1913 йил кузида Қозон университети тарих, археология ва этнография жамияти шарқ қўлёмаларини ўрганиш учун Фарғона водийсига илмий сафарга юборди. Валидий сафар чоғида 72 та қўлёмза топди ва илмий тадқиқ қилди. 1914 йили Россия ФА Марказий Осиё ва Узоқ Шарқни тадқиқ этиш халқаро жамияти йўлланмаси билан Бухоро амирлигига келди. Валидий бу ерда Қуръони Каримнинг ўнинчи асрада туркий тилга ўгирилган энг қадимги ноёб нусхасини топишга муваффақ бўлди [10, <https://www.e-tarix.uz>]. Бу ҳақда у ўзининг «Хотиралар»ида шундай иқроп этади: «Мен бу саёхатим давомида Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухорода жуда кўп дўстлар орттирдим. Уларнинг аксарияти... Туркистон маданияти, кейинроқ сиёсий ҳаётимдаги фаолиятимда аскотди ва улар билан бўлган бу дўстлигим қалбимда жуда кўп унутилмас хотиралар қолдирди. Туркистонда танишган

шахслар орасида Назир Тўракул билан Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўстлар бўлдилар» [9, <http://www.mv-vatanparvar.uz>].

Валидий ўзининг Туркистонга, Фарғона ва Бухорога қилган икки илк илмий сафарини 1913 йил охири – 1914 йил март ва 1914 йил 31 май – 4 августларида амалга оширди. Мазкур илмий сафар натижалари қутилганидан ҳам зиёда самарали ва фундаментал бўлди. Илмий сафар ҳисоботлари ва тадқиқотлари Тошкент, Санкт-Петербург, Истанбул, Германия илмий матбуотида, йирик академик нашрларда эълон қилинди, ижобий баҳо ва тақризларга сазовор бўлди [2, 2011, -Б. 12]. Валидий туркий халқлар миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири бўлган. 1915 йилда у Санкт-Петербургда давлат думаси мусулмон фракцияси аъзоси бўлган. Ана шундан бошлаб Валидийнинг қизгин сиёсий фаолияти бошланади. Шунингдек, 1917 йилда Москвада бўлиб ўтган Россия мусулмонлари конгрессида туркистонликларнинг вакили сифатида ҳам иштирок этади [9, <http://www.mv-vatanparvar.uz>].

1917 йил апрель ойида Тошкентга келиб, ўлкадаги сиёсий жараёнларда қатнашди. Бутун Туркистон мусулмонлари 1-қурултойида (1917 йил 16-23 апрель) тузилган Туркистон ўлкаси мусулмон шўроси бош котиби, унинг органи «Кенгаш» газетаси муҳаррири бўлиб фаолият кўрсатган. Ўлка халқлари мухторият ҳаракатида фаол иштирок этиб, туркий эл-элатларнинг бирлиги ва мустақиллиги ғоясини изчил ҳимоя қилган. Валидий 1917 йилда Тошкент шаҳар думасининг депутаты этиб сайланади. 1917 йил охиридан Бошқирдистон мухторияти ва миллий ҳаракати раҳбарларидан бири, ҳукумат бошлиғи ва ҳарбий ноziри бўлиб фаолият юритади.

В.И.Ленинга тошкентлик Юсупов (татар миллатига мансуб) ва ҳиндистонлик Мавлавий Баракатуллоҳ деган шахслардан бир хат тушади. Улар гапни коммунизм ғояси Қуръон билан ҳамоҳанг, деган хушомад билан бошлаб, Ўрта Осиёда ислом давлати барпо қилиш керак, деган таклифни илгари суришади. Бу давлат Афғонистон ва шарқий Эронни босиб олиб, кейин Ҳиндистонни инглизлардан озод қилишга ёрдамлашиш мумкинлигини ёзишган эдилар. Ленин Валидийга ушбу хат билан танишиб, ўз фикрларини билдиришини сўрайди. Валидий хат бўйича Ленинга қуйидагича хулосаларни ёзиб беради: “Коммунизм ғояси билан Қуръоннинг ҳеч қанақа мушатараклиги йўқ, бундай гап билан мусулмон халқларнинг эътиборини қозониб бўлмайди. Ислом давлати тузиб, хатда кўзланган мақсадларни амалга ошириш – хом-ҳаёлдан бошқа нарса эмас. Буларнинг ўрнига, подшоҳлик даврида шаклланиб қолган рус империализми сиёсатидан воз кечиш керак. Совет ҳокимияти Ўрта Осиёда муваффақият қозониши учун миллий мустақилликни тан олиш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда қилинадиган ишлар:

- Тошкентдаги генерал Кауфман ҳайкалини, Чу ва Етгисув дарёлари соҳилида қурилган ёдгорлик мемориалларни бузиб ташлаш;
- маҳаллий аҳолидан тортиб олиб, русларга берилган ерларни эгаларига қайтариш;
- давлат органларига сайлашда маҳаллий аҳоли вакилларига руслар билан тенг ҳуқуқлар бериш;
- темирўл, почта, телеграфда, саноат корхоналарида ишлаш учун маҳаллий аҳолини жалб қилиш;
- ҳарбий тузилмаларга маҳаллий аҳоли вакилларини қабул қилиш;
- юқоридаги ишларни амалда жорий этиш учун уч маҳаллий аҳоли ва икки рус аъзолардан иборат “Туркистон фавқулодда комиссияси”ни ташкил қилиш” [3, 1997. – Б. 67-68].

Бу таклифларни Ленин Валидий билан бирга қайта кўриб, ўз йўриғига мослаб чиқади-да, радио орқали Туркистондаги Совет раҳбар ходимларга буйруқ тарзида узатади. Юқорида айтилган ишлардан фақат биринчиси бажарилади, қолганлари ўлда-жўлда бўлиб, турли баҳоналар кўрсатилиб, амалга ошмайди. Кейинчалик Ленин Валидийга, маҳаллий аҳоли ичида айтилган ишларни бажара оладиган вакиллар йўқ экан, деб қўя қолади [11, <https://www.ziyouz.uz>].

Валидий мухторият ҳуқуқи чеклаб қўйилгач, шўролар ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан воз кечади. У бу ҳақда ўз хотираларида шундай деб ёзади: “1908 йил 29 июнда ота

уйимдан қочиб, узоқ шаҳарларга йўл олган эдим. Мана энди 1920 йилнинг 29 июнида Лениндан қочиб, унга қарши очикдан-очик кураш байроғини кўтарганимча Туркистон тоғу даштларига чекиндим. Бу сафар ҳам муваффақиятсизликка учрасак, Оврупага бош олиб кетгумдир. Балки бундан кейин Москвани ҳеч кўрмасман” [3, 1997. – Б. 83].

1920 йил Бухорога келиб истиқлолчи гуруҳларга сиёсий раҳбарлик қилувчи марказ тузиш мақсадида Бухоро ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаев ва бошқалар билан музокара юритади. Миллий бирлик конгрессида (1921 йил август, Бухоро ш.) Ўрта Осиё миллий мусулмон жамиятлари федерацияси (кейинчалик “Туркистон миллий бирлиги” деб аталган) ташкил этилиб, Валидий унга раис қилиб сайланди [12, <https://www.qomus.info>]. Валидий «Асосий ишимиз амирга қарши курашни давом эттириш, Бухоронинг миллий аскарини тузиш, Хивадан, Туркманистон, Қозоғистондан вакиллар чақириб, бир Туркистон Миллий Бирлигини тузиш эди», деб ёзганди [9, <http://www.mv-vatanparvar.uz>].

«Туркистон миллий бирлиги» - Туркистон тараққийпарварлари ташкил қилган сиёсий ташкилот (1921-1942) бўлиб, асосий мақсади Туркистон минтақасининг тўлиқ мустақиллигига эришиб, яхлит давлат тузиш бўлган. Мазкур ташкилот «Миллий иттиҳод» билан ҳам ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатган. Унинг Самарканд шаҳрида бўлган 6-конгресси (1921 йил 5-7 сентябрь)да 24 банддан иборат Низом ва Туркистон миллий байроғи қабул қилинган. «Туркистон миллий бирлиги»нинг 7-конгресси (Тошкент ш., 1922 йил 18-20 сентябрь)да Валидийга ташкилот фаолиятига халқаро жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида чет элда унинг бўлимларини очиш топширилади. Ташкилотнинг Европада 2 та конгресси бўлиб ўтган. «Янги Туркистон» (муҳаррири Усмон Хўжа) ва «Ёш Туркистон» (муҳаррири Мустафо Чўқай) журналлари ташкилот органлари ҳисобланган.

1919 йил Бокуда ўтказилган “Шарқ халқлари конгресси”ни ташкил қилиш ғоясини даставвал Валидий илгари сурган эди. Лекин конгресс ўтказиладиган вақтда Валидий сиёсий қочкинга айланиб улгурган эди. Шундай бўлсада, у конгресс ишида фаол қатнашади, ўзининг лойиҳаларини дўсти, Туркистон вакили Иброҳим Жонзоқов воситасида конгрессга тақдим этади. Бу ҳақда Валидийнинг ўзи шундай ёзган эди: “Бокуда ўтажак Шарқ халқлари конгрессини ташкил қилиш фикрини Москвада, Бошқирдистон вакилотига Жамол ва Халил пошоларга биринчи марта мен айтган эдим, лекин бу ишни уюштириш вазифаси Сталиннинг Миллий ишлар комиссарлиги билан Мусулмон коммунистлар маркази зиммасига тушди. Ишбоши ва конгресс раҳбарлигига Зиновьев билан К.Радек тайинланди. Бу вақтда мен қочкин ҳолида эдим. Шундай бўлса-да, бу конгрессга менинг махфий келишимни билиб, қўлга тушириш чораларини кўрди” [3, – Б. 86].

Валидийнинг ёзишча: “Москвада бўлган вақтимда Троцкий ҳамда партия котибаси Стасова хоним мен билан маслаҳатлашиб, Бухоро амирлигини йўқотишда бошқирд армиясининг ёрдам қилиш-қилмаслиги масаласи, бунинг шартлари тўғрисида суриштирди. Мен уларга: “Амирнинг йиқитилиши муқаррар, лекин Бухоро ярим мустақил мухторият давлатига эга бўлиши ва ўз миллий кўшинига таяниши керак”, - дедим. Бу ҳақда шу орада Москвада бўлган Бухоро либерали Мирзо Абдулқодир, унинг отаси Мирзо Муҳиддин билан бир неча марта учрашдим. Уларга ҳам Советларнинг таклифларини мен тавсия этган шартлар асосидагина қабул қилиш кераклигини тушунтирдим. Ўша вақтда бу зотлар амирга қарши нафрат кайфиятидан келиб чиқиб иш тутдилар. Русларга шарт қўйиш ҳаёлларига ҳам келмади” [3, – Б. 75]. Валидий 1920 йилнинг 12 сентябрида РКП(б) Марказий комитетига Ленин, Сталин, Троцкий ва Риков номига миллий масала, миллий дахлсизликни адолатли ҳал этиш хусусида хат битади. Ленин билан Сталинга тўғридан-тўғри айтишга ҳеч ким ботинолмаган жиддий фикрлар ёзилган хатда шундай сўзлар ҳам бор эди: «Фақат билмайсизки, биз маҳаллий деҳқонларнинг мутлақо синфий душмани эмасмиз ва умуман масхараланишга бош эгиб турмаймиз. Ўзларингизга керак бўлган қурбонларни топиб оларсизлар. Фақат ўша қурбонлар биз бўлмаяжакмиз». Бу хатнинг қисқача мазмуни Валидийнинг «Туркистон тарихи» китобида босилган [9, <http://www.mv-vatanparvar.uz>].

Валидий 1920 йил декабридан то 1921 йил ноябригача Бухоро шаҳрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги миллий озодлик ҳаракатини ягона марказга уюштириш мақсадида катта

ишлар қилган. Унинг машҳур “Хотиралар” китобида эслаб ўтилишича, 1921 йил октябрь-ноябрь ойларида Анвар Пошо билан Ф.Хўжаев ўртасида Бухоро шаҳрида қизгин суҳбат ва мунозаралар бўлиб ўтган. Бу суҳбатлардан кейин Ф.Хўжаев Анвар Пошонинг Шарқий Бухорога бориб, истиқлолчилар сафига очик равишда қўшилишини ва Валидийнинг Бухоро Республикасини тарк этишини тушуниб етган. Ф.Хўжаев Валидий билан сўнги учрашувида каттиқ бир дард билан айтишича, у энди “босмачилик”ка қарши очик равишда кураш олиб боришга мажбур бўлади. Холбуки, руслар ундан бу ишни кўп вақтдан буён талаб қилишган [4, 1997. –Б. 51].

1922 йилга келиб Туркистонда кенг тарқалган босмачилик ҳаракати бирин-кетин енгилла бошлайди. Валидий бунга асосий сабаб сифатида Туркиядан ёрдамга келган зобит Анвар пошо энди иш бошламоқчи бўлиб турганда Иброҳимбек кўрбоши уни ҳибсга олади. Афғонистонга қочиб кетган Амир Олимхондан уни озод этиш учун розилик олгунча бир ой вақт ўтиб кетади, бу орада руслар ёрдамчи кучларни ташлашга улгурганликларини кўрсатади. Ундан ташқари Босмачилик ҳаракатининг дастлабки мувафақиятлари Россиянинг бошқа фронтларда бандлиги билан боғлиқ бўлди, ҳозирги мағлубиятлар эса, Россия бошқа кучли душманлардан қутулиб, асосий кучларни Туркистонга ташлаганидан кейин содир бўлди.

Шунингдек, Валидий Амир Олимхон тарафдорлари бўлган босмачиларга ҳарбий кўмак учун Бошқирдистондан келган 14 нафар малакали зобитдан 12 нафарини ўлдириб, курол-яроғини тортиб олганликларини эшитгач, босмачиларга қўшилиб улар билан ҳамкорлик қилиш хатарли деб хулосага келади [11, <https://www.ziyouz.uz>].

Валидий Россия ва русларнинг Осиёда юритганган ташқи сиёсати ва ҳарбий амалиётларига баҳо берар экан, у шундай фикрни билдириб ўтади: “Илгари Туркистонда, эски одатга кўра, аскарликка рағбат ва ҳавас бўлар эди. Ҳозир аскарликдан озод этилганликлари сабабли туркистонликларнинг шижоатлари аста-секин сўниб, бўшашиб кетди... Россия Осиёда ғоят узокни кўзловчи сиёсат кетидан қувувчи ва бу кенг қамровли ҳаракатларда ҳеч қандай чек-чегараси бўлмаган, ҳирс ва иштаҳаси кун сайин ошиб борувчи империалистик давлатдир. Рус миллати ҳам буюк давлатчиликка ниҳоятда боғланган, хусусий мулкка қараб қолмай, ҳукумат кўрсатган ҳар қандай жойга, ҳар қандай ўлкага бориб жойлашишга жомадони тайёр, ҳаракатчан, ғайрат қилади. Рус миллати бу ҳаракатчанлик ва ғайратни алоҳида бир уддабуронлик деб билади”[6, 1997. –Б. 91].

Валидий 1923 йилнинг 21 февралда, ёрдамчиси – доктор Абдулқодир Инон билан бирга Ашхобод орқали Эрон ҳудудига ўтади. У Эроннинг ҳарбий ишлар вазири Ризо хон (бўлажак шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий)га 2 та мактуб ёзади. Биринчи мактубда Валидий ўзини таништирган бўлса, иккинчи мактубида Туркистондаги қалтис сиёсий аҳволи, Совет ҳокимиятининг адолатсиз босқинчиликлари, советларнинг кейинчалик қўшни мамлакатларга нисбатан нима ишлар қилиши мумкинлиги, Россияга чегарадош мамлакатлар Туркистондаги аҳволни худди ўзларининг бошига тушган иш деб қабул қилишлари лозимлиги, шу билан бирга Анқара, Техрон ва Қобул ўртасида радио алоқа ўрнатиш лозимлиги ёзилган эди.

1923 йилнинг 24 апрелида Валидий Афғонистон ҳудудига ўтаётганда, Машҳаддаги афғон консули ўн нафар аскарни кўриқчи қилиб беради. Ҳиротга келиб беш ҳафта туриб қолади, чунки бу шаҳар ҳам бой тарихга эга, буюк инсонлар яшаб ўтган эди. Валидий, Алишер Навоий қабрини излаб топади. Навоий қурдирган масжидга бориб, деворларидаги битикларни ёзиб олади. Ислом ҳуқуқшунослигига оид кўлёзма билан танишади [11, <https://www.ziyouz.uz>]. У бу даврда Афғонистон ҳукмдори Омонуллахонга бир рапорт ёзади. Ўша рапортда қуйидаги фикрлар баён этилган эди: “Афғонистон мустақиллиги шу кунгача руслар билан инглизлар ўртасидаги зиддиятга боғлиқ бўлиб келди. Бир кун келиб, бу зиддият йўқолсаю, Афғонистон ўз ҳолига ёлғиз қолса, унинг империалистик Россия билан муносабатлари қанақа бўлади? Бундай пайтда Россиянинг одати – босиб олишдир...”, “Гарчи Америка ва Япония ҳозирги вақтда, Манчжурия туфайли бир-бирига тўқнаш келиб қолган бўлса-да, бир кун келиб, Узок Шарқ билан Олдосиё ўртасидан, Ўрта Осиёдан ўтадиган “Ипак йўли” иқтисодий алоқалар учун фойдали эканини кўриб қоладилар ва Россия билан Хитойнинг қаршилигини енгиб ўтишга ҳаракат қилдилар”.

Валидий Афғонистондан кейин Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳрига боради ва у ердан кемага ўтириб, Туркияга келади, мамлакатга кириш учун рухсат олишда чигаллик юзага келиб, Францияга, ундан кейин Германияга сафар қилади. Европада сиёсатшунослар, давлат арбоблари ва олимлар билан учрашади. Валидийнинг ўткир илмий зехни Европа тарихчи, шарқшунос олимларининг ҳурматига сазавор бўлади. “Иноғомовчилик” гуруҳи вакиллари Валидий Тўғон ва Мустафо Чўқаевлар ўзбек коммунистларининг “Ўрта Осиё бюросига (Средазбюро) қарши дадил чиқиши» деб баҳолаган эдилар. М.Чўқаев Р.Иноғомовга Парижда чиқаётган «Ёш Туркистон» мажмуасида иштирок этишни таклиф қилади [7, –Б. 322].

Валидий Россия мусулмонларига хайрихоҳ топиш умидлари пучга чикқани ҳақида алам билан ёзади: “Шарқ давлатлари кўрқоқ, Европа лоқайд, такаббур ва ўзи билан ўзи ўралашиб қолган... Европа давлатларидан биронтаси ҳам Россиянинг кўли остида қолган мусулмон халқларнинг ҳақлари тикланишини талаб қилмоқчи, Советларга қарши уруш очмоқчи эмас... Англияда эса, Советлар билан мулоқотга киришиш мақсадида, ишчи партиясини таъсис қилиб, тайёр туришибди... Европадаги баъзи давралар Россиядаги мусулмонлар тақдирини АҚШда қирилиб, йўқолиб, ҳозирда кам сонларда қолган ҳиндулар тақдирига ўхшатишмоқда” [11, <https://www.ziyouz.uz>]. 1923 йили Валидий Шарқ ва Европа шаҳарларига илмий сафарларини бошлади. Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби ўлкаларда, Париж, Берлин, Прага, Будапешт каби шаҳарларда илмий изланишлар олиб борди. Қаерда бўлмасин, ўша ердаги халқ тилини, тарихини ўрганишга ҳаракат қилди. Машҳур кутубхоналар ва архивларда илмий иш билан шуғулланди. Ноёб қўлёзмаларни ўрганиб, уларни халққа тақдим этиш билан шуғулланди [10, <https://www.e-tarix.uz>]. Ўз навбатида Валидий Туркистон озодлиги учун хориждан туриб фаол сиёсий кураш олиб боришга ҳаракат қилди.

1924 йил декабрь ойида Берлинда бўлиб ўтган Конгрессда Валидий ўз нутқида куйидаги фикрларни кўшимча қилиб ўтади: “Биз, осиеликлар, Лениннинг назарида ҳеч қанақа қимматга эга бўлмаган “бир парча қоғоз”га ишониб, алданиб келдик. Илгари биз Ленинни Тошкентга келган Колесов, Оренбургга келган Свиллинг, Марказ одами Артёмга ўхшамаган шахс, деб тасаввур қилар эдик, энди маълум бўлишича, ҳаммаси бир экан” [11, <https://www.e-tarix.uz>].

Аҳмад Закий Валидий Тўғон чет мамлакатларда ҳам илм билан шуғулланди. Турк, немис, француз, инглиз, араб, венгер, рус ва бошқирд тилларида тўрт юздан ортиқ илмий иш эълон қилди. «Бугунги турк эли ва яқин тарих» (Истанбул, 1942-1947) ва «Хотиралар» (Истанбул, 1969) каби машҳур асарлари шулар жумласидандир. Марказий Осиё тарихининг теран тадқиқотчиси Тўғоннинг хотиралари «Бўлинганни бўри ер» номи билан ўзбек тилида ҳам нашр қилинган. Валидий 1970 йил 26 июлда Истанбулда вафот этган. Унинг тадқиқотлари бугунги кунда қимматли аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради [10, <https://www.e-tarix.uz>].

Валидий кейинчалик Истанбул университети «Умумтурк тарихи» кафедрасини бошқарган. У Истанбул университетиде фаолияти давомида 400 дан ортиқ асар ва мақолалар чоп эттирди. Бир ўғил ва икки қиз фарзандларни тарбиялаб, уларни профессор даражасига эришувига маънавий ва моддий мададкор бўлди [8, 2015. –Б. 14].

Туркистон озодлиги учун курашда, таълим-тарбия, маърифатчилик, адабиёт ва театр санъати ривожиде инқилобий ўзгаришлар ясаган, миллий онг, истиқлол мафкураси назариётчилари ва раҳнамолари даражасига ўсиб етган Мунаввар Қори Абдурашидхонов, профессор Пўлат Солиев, Убайдулла Хўжаев, Назир Тўрақулов, Санкт-Петербург Университети ҳуқуқ факультети талабаси Мустафо Чўқай, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий, Аҳмаджон Маҳдум, Иброҳим Жонузоқ ўғли, Туркистонда чор маъмуриятида хизмат қилган бошқирд-татар зобит-зиёлилари Абу Бакр Диваев, Кучуков, Еникеев, Акимбетов, қозоқ зобитларидан Қўлжонов, Мирбадалов ва бошқалар билан танишди ёки янада яқиндан дўстлашди. Уларнинг “аксарияти менга шу даврдан эътиборан Туркистоннинг маданий ҳаётига, кейинроқ эса сиёсий ҳаётига иштирокимда жуда-жуда керак бўлдилар”, - деб ёзган эди Валидий [2, 2011, -Б. 19-20].

Хорижда – Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Европа мамлакатларида илмий фаолият билан шуғулланган Закий Валидий Истанбул, Бонн, Гёттинген университетларида туркий халқлар тарихидан дарс берди. «Туркий халқлар тарихига кириш», «Ўрта Осиё

тарихининг ислом даври», «Туркистон», «Туркийлар шажараси», «Темурнинг Фарбга юришлари», «Темур авлодлари», «Бугунги турк эли Туркистон ва яқин тарихи», «Шарқда шўролар сиёсати», «Туркистоннинг истиқлол ҳаракатига қарши», «Берунийнинг дунёқараши», «Алишер Навоий», «Шайбонийхон шеърляти», «Тарихда турклар ва форслар», «Хотиралар» каби илмий асарлари турк, немис, француз, рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, минглаб нусхаларда нашр қилинган [9, <http://www.mv-vatanparvar.uz>].

Миллий мухожир вакиллари гарчи ўз ватанларидан чиқиб кетишга мажбур бўлган бўлсалар-да, улар хорижда туриб ҳам Туркистон ўлкасини асрий қолоқлик ботқоғидан қутқариш, мустамлакачиликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, халқ озодлигини таъминлаш, ўлкадаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий инқирозига қарши курашиш, жаҳон майдонида Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатда тенг ҳуқуқли бўлишига кўмак бериш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга интиланган. Улар бу йўлда маҳаллий ва бир қанча Осиё ҳамда Европа матбуотларида эълон қилинган ўз мақолалари билан назарий курашишган бўлсалар, турли уюшма ва жамиятлар ташкил қилиш орқали ўз ғояларига амалий йўналиш беришган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд. - Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
2. Юлдашев С. Аҳмад Заки Валидий миллий-маънавий меросимиз тадқиқотчиси. Магистирлик диссертацияси, Тошкент, ЎзМУ, 2011.
3. Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. – Тошкент, “Адолат”, 1997.
4. Валидий З.Т., Хотиралар//Шарқ юлдузи газетаси. 1995 йил, 5-6-сон.
5. Алимова Д. масъул мух., Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар*Бухоро инқилобининг тарихига янги материаллар. Тўплам. –Тошкент: Фан, 1997.
6. Мажид Ҳасаний, Юрт бўйнидаги қилич ёки истило. – Тошкент, “Адолат”, 1997.
7. Жўраев М., Нуриллин Р., Камолов С. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, “Шарқ”, 2000.
8. Юсупова М. Туркиядаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Магистрлик диссертацияси, Бухоро-2015.
9. <http://www.mv-vatanparvar.uz/Фурқат Эргашев/Ленин ва Сталиннинг тузоғига илинмаган Валидий/02.05.2020/>
10. <https://www.e-tarix.uz//Нилуфар Тўйчиева/Улуғ тарихчи олим/>
11. [https://www.ziyouz.uz/Quadrat Do'stmuhammad. Zakiy \(esse\)/10.09.2017/](https://www.ziyouz.uz/Quadrat Do'stmuhammad. Zakiy (esse)/10.09.2017/)
12. <https://www.qomus.info/Валидий/>

УЎК 93/94

АМИР АБДУЛАҲАДХОН ДАВРИДА МАОРИФ

В. Садуллаева, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Бухоро амирлигида XIX аср охирига келиб, таълим тизимида бир қадар ўзгаришлар юзага келди. Осиёнинг ривожланган давлатларида маориф соҳасини ислоҳ қилиш учун бошланган ҳаракатлар бу ерда ҳам ўз акс-садосини берди. Бу пайтда амирликни мангитлар сулоласининг сўнги вакилларида Сайид Абдулаҳадхон (1885-1910) бошқараётган бўлиб, унинг даврида маориф соҳасида содир бўлган ўзгаришлар, таълим тизимининг аҳволи масалалари алоҳида тадқиқ қилинмаган. Ушбу мақолада Амир Абдулаҳадхон давридаги маориф ишлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: император, амир, валиаҳд, газета, ногиронлар мактаби, гимназия, ислохотчилик, жаҳид мактаби, дарслик, хайрия.

Аннотация. К концу XIX века в системе образования Бухарского эмирата произошли некоторые изменения. Здесь также нашли отклик усилия по реформированию системы образования в развитых странах Азии. В то время эмиратом правил Сайид Абдулаҳадхан (1885-1910), один из последних представителей династии мангитов, при которой отдельно не изучались состояние системы образования, изменения в сфере образования. В статье анализируется просветительская деятельность Эмира Абдулаҳадхана.

Ключевые слова: император, эмир, валиахд, газета, школа для инвалидов, гимназия, реформатор, школа джадидов, учебник, благотворительность.

Abstract. By the end of the 19th century, some changes took place in the education system of the Bukhara Emirate. Efforts to reform the education system in developed Asian countries have also resonated here. At that time, the emirate was ruled by Sayyid Abdulahadkhan (1885-1910), one of the last representatives of the Mangit dynasty, in which the state of the education system and changes in the field of education were not separately studied. The article analyzes the educational activities of Emir Abdulahadkhan.

Key words: emperor, emir, valiakhd, newspaper, school for the disabled, gymnasium, reformer, jadid school, textbook, charity.

Абдулаҳадхон Амир Музаффархон (1860-1885)нинг 14 ўғлидан тўртинчиси эди. Дастлаб Амир Музаффар тўнғич ўғли Абдумалик Тўра (1848-1909)ни тахт вориси этиб тайинлайди. Аммо рус истилоси даврида (1868) ота-ўғил ўртасида ихтилолар келиб чиқиши натижасида уни тож-тахт вориси ҳукукидан бутунлай маҳрум этади. Айни пайтда Чоржўй беги вазифасида бўлиб турган ўғли Нуриддин (1851-1878)ни тож-тахт вориси этиб тайинламоқчи бўлганда, тўсатдан вафот этади. Сўнгра ўғли Абдулфаттоҳ (1856/57-1869)ни тахт вориси этиб тайинлаб, 1869 йилда рус императори Александр II ҳузурига юбориб, тахт ворислигига император розилигини олишга эришади. Аммо тўсатдан Абдулфаттоҳ ҳам вафот этади. Шундан сўнг амир Музаффар Абдулаҳадхонни тахт вориси этиб тайинлайди [1]. Абдулаҳадхонни 1883 йилда рус императори Александр III (1881-1894) ҳузурига Бухоро тахтига бўлажак ворислигини тасдиқлатиш учун Петербургга юборади. Абдулаҳадхон билан бирга Ҳисор ҳокими Остонакул қўшбеги (1860-1923), Мирза Салимбек (1848/50-1930) парвоначи ва бошқалар боришади. Абдулаҳадхон сафарининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у “Жадидчилик ҳаракатининг отаси” Исмоилбек Гаспиринский билан учрашади ва “Таржимон” газетасига обуна бўлади[2].

1883 йилги Петербург саёҳати Абдулаҳадхон қарашларида туб бурилиш ясаб, унда ислохотчилик кайфияти пайдо бўлади. Бухоронинг жаҳон тараққиётидан анча ортда қолганини англаб, ҳамма соҳаларда жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлигини тушуниб этади. 1885 йил 31 октябрда амир Музаффар 62 ёшида вафот этгач, Кармана ҳокими бўлиб турган 28 ёшли Абдулаҳадхон 1885 йил 4 ноябрда валиахд сифатида амирлик тахтига ўтиради[3].

1892 йил декабрь ойида Бухоро амири Абдулаҳадхон, ўғли валиахд шахзода Мир Олим тўра ва сарой амалдорлардан Дурбинбийкул Қўшбеги, Туробкулбий Парвоначи Саркарда, Остонакулбий Парвоначи Закотчи, Ҳазраткул Тўқсабо, Мирзо Аҳмад Мушриф ҳамда Муҳаммад Юнус Мирохўрбоши ҳамроҳлигида Петербург сафарига отланади. Сафари давомида Асхабод (Ашхабод), Боку, Тифлис (Тбилиси) каби шаҳарларда ҳам бўлиб, у ердаги ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатади. Амир ва унинг ҳамроҳлари Тбилиси шаҳридаги 800 талаба таҳсил олаётган гимназия фаолияти билан танишадилар[4]. Гимназия ўқувчилари ўзларининг ҳарбий машқлари, китобдан олган билимлари, мусиқа соҳасидаги маҳоратларини намойиш этадилар. Петербургда эса давлат ҳисобидан фаолият кўрсатувчи ҳар икки жинсдаги кўр ва кар болалар учун таъсис этилган мактабни бориб кўради. Мактабда болалар ўқиш, ёзиш ва имо-ишоралар ёрдамида сўзлашишга ўргатилган. У бир нечта бўлимлардан иборат бўлиб, йигитлар ва қизлар алоҳида бўлимларда таҳсил олган. Аҳволи ночор ота-оналарнинг фарзандлари ёки буткул ота-онасиз етимларга бу ерда, ҳар бирининг иқтидорига қараб, турли ҳунарлар ўргатилган, хусусан, қизлар кашта тикиш, турли таомлар тайёрлаш ва ўзларига мос ишларни ўрганса, ўғил болалар дурадгорлик, тикувчилик, этикдўзлик ва бошқа шу каби ҳунарларни эгаллаганлар. Мазкур таълим тизими ногирон йигит-қизларга мактабни битириб чиққач, бирор ҳунар билан машғул бўлиб, четдан ёрдамга муҳтож бўлмай, ўз меҳнати эвазига турмуш кечириш имконини берган[5].

1893 йилнинг феврал ойида амир Боғчасарой, сўнгра Севастополь шаҳрига боради ва у ерда Исмоилбекни қабул қилиб, суҳбатлашади ҳамда уни Бухорога таклиф қилади. Бу

учрашувда Исмоилбек Гаспиринский Бухоро аҳолиси учун “Муаллими лисони русий” номида бир дарслик ёзишга ваъда берган[6].

Амир Абдулахадхон таклифига биноан 1893 йилда Бухорога ташриф буюрган Исмоилбек Бухородаги таълим тизимининг аҳволи билан танишади. У талабалар таътилга чиқиб кетган бўлишига қарамай, бир қатор мадрасаларни кириб кўриб, талабалар билан суҳбатлашади. Мадрасаларнинг барчасида ўқитиш эски усулда эканидан, арабий илмлар ва адабиётдан бошқа фанлар ўқитилмаслигидан афсусланади. Бошланғич мактаблардаги аҳволдан ташвишланиб, жадид мактаблари ташкил этишни тавсия қилади[7].

Мадрасалардаги таълим тизими ҳақида: *“Олий мадрасаларда диний илмлар юксак савияда ўқитиладир. Лекин мўғиллар босқинидан сўнг ислом ўлкалари учраган инқироз ва қолоқликдан Бухоро ҳам мустасно эмасдир. Ўтмиш даврларда эътибор қозонган астрономия, тиб, ҳандаса, кимё ва бошқа фанлар кейинги замонларда бу ерда унутилиб юборилган. Умидвормизки, Техронда, Истанбулда, Мисрда, Бомбейда янгидан жонланган бу тур илмлар Бухоройи шарифда ҳам тирилиб қолар...”*[8], - деб ёзади.

Амир Абдулахадхон 1893 йилнинг 12 июнь куни Шаҳрисабзда Исмоил Гаспиринский ва Мажид Ғанизодани қабул қилиб, Исмоилбекка ташрифи учун миннатдорчилик билдиради. Исмоил Гаспиринский бу учрашувда амирга Россиядаги таълим тизими ҳақида қисқача маълумот беради.

Исмоилбек Гаспиринский ташрифидан сўнг Бухоро шаҳрида жадид мактаблари вужудга кела бошлайди. 1897 йилда Бадриддин қозикалоннинг руҳсати билан Мулла Жўрабой Бухоро шаҳрида жадид мактаби очади. Мулла Жўрабой Неъматуллоҳ ўғли “Хўжайи сибён” дарслигини форс тилига таржима қилиб, 13 нафар болани ўша китоб билан ўқита бошлайди. Бу ҳақда хабар топган Исмоил Гаспиринский ушбу мактабга 10 дона сармашқ ва 1000 нусха алифбо китобини босмаҳонасида ҳадя сифатида босиб беришини айтади. 1900 йилда ушбу мактабда имтиҳон ўтказилган ва унинг сўнгида савдогар Мирхон Порсо ўғли мактаб ва мадрасаларда тадрисни ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақида жуда таъсирли нутқ сўзлаган[9].

Россиянинг Бухородаги сиёсий агентининг 1911 йил 27 январда Ички ишлар вазирига ёзган 22-сонли хатида қайд этилишича, 1902-1903 йилларда Янги Бухорода татар миллатига мансуб Каипов исмли муаллим томонидан Россия фуқаролигидаги мусулмон болалари учун янги усулдаги мактаб ташкил этган. 1907 йилда Низомиддин Собитий Бухорода, ўз уйида - қози Мир Бадриддин қозикалон руҳсати билан татар тилида янги усул мактабини очади. Бу мактабда дастлаб 10-12 нафар татар болалари ўқиган. Уларга қозонлик татар Абдурахмон Саъдий ўқитувчилик қилган[10].

1908 йилнинг баҳор фаслида Исмоилбек Гаспиринский Бухорога иккинчи бор ташриф буюриб, амир билан Бухорода учрашади. Бу сафарги учрашув ва зиёфатлар чоғида унинг фарзанди валиаҳд Саид Олимхон билан ҳам яқиндан танишади, унинг ўқимишли, рус тилини билиши, дунёвий илм-фан ва матбуотдан хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилади. Шунингдек, жадид мактабларини ташкил этиш бўйича татар ва бухоролик маърифатпарварлар билан музокара олиб боради. Музокара якунида мулла Низом уйидаги мактаб учун ҳукуматдан алоҳида жой олиш ва унда бухоролик болалар ҳам таҳсил олишига имконият яратиш тўғрисида қарор қилинади ва бу мактабга И. Гаспиринскийнинг таклифига кўра марҳум амир Музаффар шарафига “Музаффария” номини беришга келишиб олинади. Ушбу масалалар юзасидан И. Гаспиринский Бухоро амири - Абдулахадхонга мурожаат қилади, амирга ҳам бу таклиф маъқул бўлади, аммо кейинчалик айрим уламолар тазйиқи остида таклифлар тўлиқ амалга ошмасдан қолиб кетади. Фақат, мулла Низом уйидаги мактаб Холид Бурнашев уйига кўчирилади ва бир неча бухоролик болаларгина ушбу мактабга ўқишга қабул қилинадилар[11].

Низом Собитий мактабида дарслар татар тилида олиб борилганлиги сабабли унда бухоролик болаларнинг таҳсил олиши қийинроқ кечади. Шунинг учун 1908 йилнинг октябрида Бухоро тараққийпарварларидан Садриддин Айний ва Абдувоҳид Мунзимлар томонидан айнан бухоролик болалар учун жадид мактаби ташкил этилади. Абдувоҳид Мунзим ушбу мактабда 20-30 ёшли кишилар учун кечки ўқув курслари ташкил қилиб, катта

ёшли талабаларга ҳар куни 2 соатдан дарс ўта бошлайди. Қисқа муддатда мактаб халқ орасида шуҳрат қозона бошлайди. Мактабнинг доврўғи ва халқнинг унга интилишини кўрган муллалар мулла Қамариддин бошчилигида бу ҳолатдан норози бўлиб, жадидлар мактабига қарши фитна кўзгатишга киришадилар. Вазият мураккаблашгач, қўшбеги ва қозикалон мактабни ёпиш учун ёзилган фатвога муҳр босишга мажбур бўлишади. 1909 йил 26 сентябрда Останакул қўшбеги, қозикалон Бақохўжа ва Бурҳониддин раис томонидан маъмурлар келиб, мирзо Абдувоҳидга мактабнинг ёпилганини расман эълон қиладилар[12].

Исмоилбек Гаспиринский Амир Абдулаҳад билан Ялтада учрашганида амир: “*Бизни деганингиз Бухорода бўлди, яъни талабалар усули жадида мактаби очдилар, халқ ўргансун, мактабнинг мунтазамини ўзим таъмир этиб очтураман... мен арз ташаккур ва дуолар этдим*”, дейди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳукумат томонидан мактаблар ёпиб қўйилади. Кейинги учрашувларида Исмоил Гаспиринский амирдан мактабларнинг ёпиб қўйилиши сабабини сўраганида у: “*Ўлан янги замондир, эски замон эмас. Ҳар мактабда усули машварат жорий бўлибдур. Биз Бухорода ҳам галвалар машварат ила бу янги мактабни бўлмаслигини хоҳиш этибдурлар. Бинобарин мактаб боғланди...*”, [13] - деб жавоб беради.

Амир Абдулаҳадхон маориф ишлари учун хайрия маблағлари ажратган бўлиб, 1893 йилда Тошкентда очилган 6 синфлик мактабга - 47 минг рубль ва 1901 йилда Термиздаги рус мактабига – 10 минг рубль миқдорида пул берган[14].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида XIX охирларига келиб, маориф соҳасида ўзгаришлар юзага келди. Мактабларда эскича ўқитув тизимидан воз кечиш, янгича ўқитишни жорий этиш бўйича ҳаракатлар бошланди. Мактабларда XIII асрдан бери қўлланилган ўқув дастурларини бекор қилиш, дунёвий фанларни ўқитишни жорий этиш асосий масала қилиб қўйилди. Амир Абдулаҳадхон ислохотпарвар ҳукмдор сифатида жадид мактабларини қўллаб-қувватлади. Бухоро шаҳри ва бекликларда жадид мактаблари фаолияти кенгайиб борди. Аммо айрим мактабларда ҳукуматга қарши йиғинларнинг ташкил этилиши уларнинг ёпиб қўйилишига сабаб бўлди. Ҳукумат руҳсати билан мактабларни очиш тартиби жорий этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шубинский П.П. Очерки Бухары // Исторический вестник, 1892. № 7. – С. 119.
2. Амир Сайид Абдулаҳадхон Бухорий // “Таржимон”, 1892 йил 31 июль, № 27.
3. Шубинский П.П. Очерки Бухары. – С. 122.
4. Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 1998, № 3. – Б. 127.
5. Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 1998, № 3. – Б. 133.
6. Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 1998, № 3. – Б. 153-154.
7. Абдурашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). Япония, 2011. – Б. 79.
8. Исмоилбек Гаспарали. Туркистон саёҳатлари (Крим-татар тилидан Тохир Қаҳҳор таржимаси) // “Жаҳон адабиёти”, 2010. - № 10. - Б. 91.
9. Бухорои шариф (Мактуб) // Таржимон, № 17, 1897 йил 28 апрель.
10. Низомиддин Собитов. Бухорои шариф (мактуб) // “Таржимон”, 1900 йил 11 апрель. - № 13.
11. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва: СССР халқларининг маркази нашриёти, 1926. - Б. 33.
12. Қосимов Б. Миллий уйғониш: Жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент: “Маърифат”, 2002. – Б. 23.
13. Умняков И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень Средне-Азиатского Государственного Университета. - Выпуск 16. Ташкент, 1927. - С.81.
14. Правительственный вестник (Санкт-Петербург), февраля 1911 г. - № 2, 8.

УДК 93/94

МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ – КАК НЕОТЪЕМЛЕМАЯ ЧАСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ

Н.М.Сейтимбетова, ассистент, Каракалпакский государственный университет имени Бердаха, Нукус

Аннотация. Мақолада миллатлараро муносабатларнинг пайдо бўлиш тарихи, миллатлараро муносабатларга тавсиф, глобаллашув жараёнининг миллатлараро

муносабатларга таъсири, Ўзбекистон Республикасида миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борилаётган ишлар сўз этилади.

Таянч сўзлар: қабилла, миллат, миллатлараро муносабатлар, глобаллашув, халқлар дўстлиги.

Аннотация. В статье рассматриваются теория межнациональных отношений, история возникновения межнациональных отношений, влияние процесса глобализации на межэтнические отношения, работа, проводимая в сфере межнациональных отношений в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: племена, нация, национальность, межнациональные отношения, глобализация, дружба народов.

Abstract. The article discusses the theory of interethnic relations, the history of the emergence of interethnic relations, the impact of the process of globalization process on interethnic relations, the work carried out in the field of interethnic relations in the Republic of Uzbekistan.

Key words: tribes, nation, nationality, interethnic relations, globalization, friendship of peoples.

Сегодня на Земле насчитывается более 2000 наций, и они составляют более 200 стран на Земле. Как мы видим, в мире больше наций, чем стран, поэтому большинство стран являются многонациональными.

Из истории известно, что в древности люди объединялись в племена. В результате возникновения в обществе классов и государств образуются народы, а в результате межэтнических отношений и их смешения формируется общий язык, территориальное и культурное единство, общие для этого союза. В целом, нации возникли в результате объединения, смешения и сближения народов и племен, которые были близки друг к другу, недалеко друг от друга. Люди одной национальности объединяются на основе экономических связей, единства территорий и культур. Они говорят на общем языке, и имеют общие черты национального поведения.

Нация (от лат. *natio* - племя, народ) - совокупность граждан определенного государства, исторически сложившееся политически независимое сообщество равноправных и полноправных личностей (граждан), наделенных уникальной национальной идентичностью.

Современное понятие *нации* появилось во второй половине XVIII века в его концепции «политико-гражданской нации» как определения всех граждан, живущих в собственном суверенном государстве, и в концепции «исторической нации» как человеческое сообщество, объединенное общим языком, происхождением, историей, традициями, культурой, географией, расой и духом [1].

Прежде всего, когда мы говорим «нация», мы говорим о языке, который является общим для людей в определенной области, потому что люди работают вместе, и язык играет ключевую роль в достижении цели. Не может быть нации без общего языка, понятного не всем, поэтому одной из основных характеристик нации является ее язык.

Второй признак нации - территориальное единство. Территориальное единство - это обмен идеями между людьми, живущими на одной территории, ведущий к увеличению производительных сил.

Еще одна отличительная черта нации - единство экономической жизни, поскольку она объединяет людей, живущих на одном языке и на одной территории на основе экономических связей.

Культурная близость и менталитет также являются отличительными чертами нации. Это длительный процесс, который определяется спецификой жизни этого народа.

Как развивались отношения между народами? В период первобытнообщинного строя, в первую очередь, из-за социальной необходимости народов, вследствие потребности в каком-либо предмете или пище одно родовое сообщество начинает устанавливать отношения с другими родовыми общинами. В результате роста производительных сил, возникновения ремесел, металлургии стали развиваться социально-экономические связи между народами и

нациями. В исторические периоды в результате смешения межэтнических отношений происходили процессы смешения, интеграции и переселения народов.

Межнациональные отношения - это термин, обозначающий взаимоотношения и взаимодействие различных народов мира. Это могут быть как личные отношения двух людей, так и взаимодействие в социальной и других сферах общественной жизни.

Межнациональные отношения бывают типов:

- между нациями в одном государстве;
- между народами, расположенными в разных государствах [2].

Межнациональные отношения между народами, находящимися в разных государствах, играют важную роль в международных отношениях. Отношения между народами, проживающими в каждой стране, дружеские отношения между ними, а также разногласия влияют на международные отношения. Вот почему роль ООН в регулировании межнациональных отношений в мире имеет большое значение.

Устав Организации Объединенных Наций был подписан 26 июня 1945 года в Сан-Франциско по завершении Конференции Организации Объединенных Наций по международной организации и вступил в силу 24 октября 1945 года.

Параграф 2 статьи 2 главы 1 Устава ООН гласит: «Развивать дружественные отношения между нациями на основе уважения принципа равенства и самоопределения народов, а также принимать другие соответствующие меры для укрепления глобального мира» [3] и повышает уровень дружеских отношений между народами в мировом сообществе.

Межнациональные отношения внутри государства служат основой мира и благополучия, политического, социально-экономического развития каждого государства.

Из мирового опыта известно, что стабильность государства во многом зависит от его способности решать различные проблемы в межнациональных отношениях. В последнее время эта проблема стала особенно актуальной в контексте нарастающих конфликтов в глобализирующемся мире, в том числе межэтнических конфликтов. В этом плане межнациональное согласие - решающий фактор для любого многонационального государства [4].

Межнациональные отношения - это, прежде всего, сфера государственной идеологии, направленная именно на решение таких приоритетных задач, как консолидация населения, улучшение его положения, воспитание самосознания и национального самосознания, формирование патриотизма и социальной сплоченности [5].

Обеспечение межнационального согласия - одно из основных направлений любой государственной политики в нынешнюю эпоху глобализации, которая характеризуется геополитическими и идеологическими процессами, а также в условиях нарастающих экономических, политических, национальных, религиозных и иных конфликтов в мире.

История независимого развития Узбекистана совпала с новым веком, веком межнациональной и межрелигиозной розни в мире. На наш взгляд, терпят поражение целые государства, и настоящая причина этого - конфликт национальных интересов в этих государствах. Поэтому, когда мы говорим, что величайшее достижение Узбекистана - межнациональное согласие, мир и стабильность, это не только общеизвестный факт, но и большой успех республики в сегодняшнем беспокойном мире.

В мире существует множество причин этнических конфликтов, и большинство из них вызвано тремя основными проблемами:

1. Глобализация расширяет человеческое взаимодействие, позволяет всем обществам извлекать выгоду из новых технологических достижений, радикально меняет экономические структуры, превращает мир в единую коммуникационную систему, в то же время лишая многих людей их исторических корней - национальных особенностей, языка. Культура и религия вызывают естественное беспокойство по этому поводу, чувство, которое иногда вызывает сопротивление носителей других этнических и религиозных ценностей.

2. В результате глобализации в некоторых национальных государствах нарастают внутренние конфликты, исчезают государственные границы, и через эти границы в общество проникают не только блага цивилизации, но и многие глобальные угрозы.

Предыдущие меры безопасности, направленные на защиту страны, меры безопасности, направленные на защиту внешних границ страны и предотвращение военной угрозы более не является достаточно эффективным средством борьбы с такими пороками, как международный терроризм и религиозный экстремизм, транзит наркотиков и торговля людьми.

Хотя новый процесс, именуемый «миграцией народов», обостряет проблему нелегальной миграции, он также подрывает многие из бывших монолитных основ мира. Хотя новый процесс, называемый «миграция народов», усугубляет проблему нелегальной миграции, он также подрывает многие страны мира. В сегодняшних этнически разнообразных обществах очень сложно найти ядра, объединяющие государство и общество, но нации не хотят отходить от принципов сохранения национальных государств. Во многих частях мира различные национальные движения и партии активно стремятся использовать этнический вопрос, а политики, призывающие к ограничительным мерам в отношении этнических меньшинств и мигрантов, получают определенные позиции на местных выборах и обостряют межэтническую напряженность. Следует также отметить, что многие современные государства уже давно находятся под угрозой распада в результате внутренней межэтнической напряженности.

3. Нерешенные социально-экономические проблемы во многих местах приводят к межэтническим конфликтам. Понятно, что баланс развития нарушен во многих регионах мира, и даже внутри общества социальный статус людей не является плоским. Бедность, безработица, ограниченный доступ к ресурсам, нерешенные социальные проблемы, низкий уровень грамотности вызывают множество проблем. Почти восемьсот миллионов человек на Земле живут в условиях голода, более миллиона человек, или пятая часть человечества, зарабатывают менее доллара в день. Только 20 процентов населения мира накопили огромное состояние. Такая несправедливость вызывает сегодня в мире острые конфликты в виде экстремистских и террористических актов против представителей других народов.

Таким образом, в наше время обострение межнациональных отношений в мире достигло своего пика. Одна из самых сложных проблем XXI века заключается в том, что человечество не выработало универсальной формулы межнационального согласия. Эта проблема чрезвычайно разрушительна и лежит в основе многих опасностей в мире [6].

С первых дней независимости в Республике Узбекистан, в опасное время, когда такие межнациональные отношения активизировались, межэтнические отношения поднялись до уровня государственной политики, большое внимание уделялось укреплению межнационального согласия, воспитанию подрастающего поколения в духе межнационального общения, толерантности и интернационализма.

В нашей стране создана правовая база межнациональных отношений, которая является гарантией мирной жизни, политической стабильности и межнационального согласия в нашей стране.

Государственная политика в области межнациональных отношений в Республике Узбекистан отражена в Основном Законе Республики Узбекистан - Конституции Республики Узбекистан, «Стратегии действий», принятой по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах и в законах Республики Узбекистан, указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан.

В статье 8 Конституции Республики Узбекистан говорится, что «народ Узбекистана является гражданами Республики Узбекистан, независимо от национальности» [7], а в статье 18 говорится, что «все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы, независимо от пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения. Они равны перед законом, независимо от их убеждений, личного или социального статуса» [8]. В Конституции Республики Каракалпакстан также сказано, что «Республика Каракалпакстан обеспечивает уважение языков, обычаев и традиций наций и народов, проживающих на ее

территории, и создает условия для их развития» [9]. В Законе Республики Узбекистан «О государственном языке» говорится, что язык является великим богатством и бесценным достоянием нации, а в его четвертой статье говорится, что «языки наций и народов, проживающих на территории Республики Узбекистан, подлежат обращать с уважением» [10].

5 февраля 2021 года на двенадцатом пленарном заседании Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан был принят Закон Республики Узбекистан «Об учреждении Дня дружбы народов».

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определяет безопасность, межнациональное согласие и религиозную терпимость, а также реализацию сбалансированной взаимовыгодной внешней политики.

Закон Республики Узбекистан «Об учреждении Дня дружбы народов», разработанный для обеспечения реализации этих задач, воплощает идеи толерантности и вечной дружбы нашего народа.

На основании Указа Президента Республики Узбекистан от 4 мая 2018 года в Республике Каракалпакстан, областных центрах и городе Ташкенте созданы «Дома дружбы».

Основная цель празднования Дня дружбы народов и национальной солидарности - укрепление солидарности, толерантности, межнационального согласия и дальнейшее развитие дружественных отношений между людьми, народами, государствами и различными слоями и структурами общества в целом [11].

На основании принятых постановлений в каждом регионе созданы национально-культурные центры развития межнациональных отношений в Республике Узбекистан. Целью центров является развитие межнациональных дружеских отношений в Республике Узбекистан.

В настоящее время в стране действует 147 национально-культурных центров [12], деятельность которых координируется, а также, Республиканским международным культурным центром оказывается практическая и методическая помощь. За годы независимости более 120 активистов национально-культурных центров награждены государственными наградами, орденами и медалями, в том числе 14 членам присвоено звание «Герой Узбекистана» [13]. Эти показатели - яркий пример того внимания, которое уделяется межнациональным отношениям в Республике Узбекистан.

Дружественные политические, экономические и культурные связи с соседними народами играют важную роль в укреплении межнациональных отношений в нашей стране. Причина в том, что история, культура и духовные ценности соседних народов являются общими, а научное и литературное наследие наших предков является общим достоянием наших народов. В нашей стране широко организуются юбилеи исторических деятелей, писателей, поэтов и государственных деятелей родственных народов, популяризация их творчества. Например, произведения русского поэта Пушкина, казахского поэта Абая, туркменского поэта Махтумкули, чьи научные наследия так же ценны для каждого из нас, как каракалпаки ценят Бердаха, а узбекский народ Алишера Навои.

Сделан вывод о том, что межнациональное согласие является важным фактором социально-экономического развития любого общества, а интересы всех граждан мира, независимо от национальности, гарантированы законом. Сегодня, в результате государственной политики в области межнациональных отношений в нашей стране созданы все условия для того, чтобы каждый этнос получил образование на родном языке, реализовал свой потенциал.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Нация>
2. <https://zen.yandex.ru/media/psychologik/korotko-o-mejnacionalnyh-otnosheniiah-5f6cd6d43aa39e43aa977ff5>
3. <https://www.un.org/ru/sections/un-charter/chapter-i/index.html>
4. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Т. «Университет» 2007,

5. Бугай Н.Ф. Проблема межэтнических отношений Российской Федерации в современной историографии. 1990-е – 2017 гг. // «Белые пятна» российской и мировой истории. 2017. № 4-5. С. 55.
6. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Т. «Университет» 2007, с.7-8.
7. Конституция Республики Узбекистан. Т. 2014. – с.6.
8. Конституция Республики Узбекистан. Т. 2014. – с.6.
9. Конституция Республики Каракалпакстан. Н. 2014. –с.6.
10. <https://www.lex.uz/acts/121051>
11. <https://interkomitet.uz/bosh-sahifa-kir/zbekistonda-hal-lar-d-stligi-kuni-belgilandi/?lang=oz>
12. <https://interkomitet.uz/bosh-sahifa-kir/zbekistonda-hal-lar-d-stligi-kuni-belgilandi/?lang=oz>
13. Газета «Халқ сўзи». Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных отношений с зарубежными странами». 2017г. 23 май, №101 (6795)

УЎК 101.8

АҚШДА НЕОКОНСЕРВАТИЗМ МАФКУРАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ҒОЯВИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

А.С. Тураев, катта ўқитувчиси, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада АҚШда шаклланган неоконсерватизм сиёсий мафкурасининг ғоявий-сиёсий эволюцияси омиллари, тарихий шарт-шароитлар ҳамда давлат бошқарувида таъсири масалалари таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: АҚШ, неоконсерватизм, сиёсий мафкура, ички ва ташқи сиёсат, неоконсерватор, ғоя, сиёсат, ғоявий-сиёсий эволюция, маргинал.

Аннотация. В статье анализируются факторы идеологической и политической эволюции политической идеологии неоконсерватизма, сформировавшейся в США, исторический контекст и влияние на государственное управление.

Ключевые слова: США, неоконсерватизм, политическая идеология, внутренняя и внешняя политика, неоконсерватор, идея, политика, идейно-политическая эволюция, маргинал.

Abstract. The article analyzes the factors of the ideological and political evolution of the political ideology of neoconservatism, which was formed in the United States, the historical context and the impact on public administration.

Key words: USA, neoconservatism, political ideology, domestic and foreign policy, neoconservative, idea, politics, ideological-political evolution, marginal.

АҚШдаги консерватив оқимлар ичида неоконсерватизм йўналиши мамлакат ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларга кучли таъсир кўрсатувчи, дунёнинг мафкуравий манзарасини ўзгартириш таъсирига эга бўлган оқим сифатида эътироф этилмоқда. Шунинг учун неоконсерватизм тарафдорларининг АҚШ давлат бошқарувидаги ўрни ва ташқи сиёсий концепциялари шаклланишига таъсирини тадқиқ этиш айниқса, бугунги кун сиёсатшунослигининг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги замонавий мафкуравий оқимлар таҳлилларида неоконсерватизмнинг мазмуни, ғоявий асоси ва “муддао”си борасида турли туман талқинлар мавжуд. Эътиборли жиҳати шундаки, бу оқим борасидаги тадқиқотларнинг аксарияти бевосита АҚШ неоконсерватизмига тааллуқли. “Неоконсерватизм” атамаси биринчи марта 1973 йилда демократ-социалист М.Харрингтон томонидан “Диссент” (Dissent) журналида фаровонлик сиёсатига бағишланган мақоласида қўлланган[1]. Консерватизм негизида вужудга келган неоконсерватизм ғоялари XX асрнинг 60-70-йилларида пайдо бўлган бўлса-да неоконсерватизмнинг шу кунгача аниқ таърифни келтириб ўтиш қийин кечмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мафкуравий ўринлари ривожда неоконсерваторлар турли хил ғоявий-сиёсий анъаналар билан боғлиқ қатор хусусиятларни ўз қарашларига сингдириб боришди. Уларнинг кўпчилиги 1930-йиллардаги сўл радикализмдан 1940-1960-йиллардаги классик либерализмга, 1960-70-йиллар охирида эса консерватив қарашларгача

бўлган йўлни босиб ўтишди.

АҚШда неоконсерватизмнинг шаклланиши ва ривожланиб бориши ўзида зиддиятли тенденцияларни намоён қилади. Бу борадаги қарашларнинг турли-туманлиги ва кўплаб қарама-қарши ёндашувлар унинг сиёсий оқим сифатидаги шаклланиш босқичларини аниқлаштиришни янада мураккаблаштиради. Баъзан неоконсерватизм консерватизмнинг алоҳида замонавий йўналиши эканлиги рад ҳам этилади. Мазкур мураккаблик шароитида АҚШ неоконсерватизми шаклланишининг даврлаштирилиши масаласида ҳам турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, АҚШ неоконсерватизми устида чуқур изланишлар олиб бораётган россиялик олим К.Блохин неоконсерватив ташқи сиёсий доктринанинг шаклланиши босқичлари нуқтаи назаридан ёндашади ҳамда уч босқични ажратиб кўрсатган[2]. Неоконсерватизмнинг сиёсий оқим сифатида шаклланиши босқичларини россиялик тадқиқотчи С.Кислицин[3] тизимлаштиришга ҳаракат қилган ва фикримизча мазкур ёндашув ўз қамровига кўра масаланинг моҳиятини тўлароқ очиб беришга ҳизмат қилади. У халқаро муносабатлар ривожланишининг замонавий тенденциялари, кўп кутбли тизимнинг шаклланиши ва АҚШ ташқи сиёсатининг стратегик ва концептуал элементлари қайта қурилиши шароитида АҚШ неоконсерватизми ривожининг янги даврлаштириш босқичларини кўрсатиб беради. Яъни, унинг фикрича, АҚШ неоконсерватизми шаклланиши ва ривожини тўрт даврга ажратиш мумкин: биринчи давр – бу неоконсерватизмнинг пайдо бўлиши даври бўлиб, 1930-1960-йилларни ўз ичига олади. Бу даврда неоконсерватив оқим намоёндалари ўзларининг мафкуравий ва профессионал позициясини топиш даври сифатида изоҳланади. Шу билан бирга Д.Рузвелтнинг “янги курси” руҳи шароитида улар қарашларининг сўл радикализмдан либерализмга трансформацияси билан характерланади. Иккинчи давр – бу фаоллашув даври бўлиб, 1970-1980-йилларни қамраб олади. Бу даврда неоконсерваторлар халқаро муносабатлар муаммоларига эътибор қарата бошлашди. Бу даврда неоконсерватизмнинг асосий ташқи сиёсий мафкураси шаклланди. Оқим тарафдорлари эса аввалида ўзларини Демократлар партияси тарафдорлари сифатида кўришган бўлса, эндиликда босқичма босқич Республикачилар партияси сафларига ўта бошлашди. Учинчи давр – неоконсерватизмнинг қайта туғилиш даври бўлиб, 1990-2008 йилларни қамраб олади. Бу давр неоконсерватизмнинг асосчилари ўз ўринларини кейинги авлод вакилларига бўшатиб бериши билан характерланади. Янги авлод АҚШнинг “Марҳаматли гегемон”лиги ёки Американинг ҳарбий-сиёсий етакчилиги ғоясини ўзида мужассамлаштирган мафкуравий концепцияни ишлаб чиқишди. Бу давр неоконсерватизмнинг сиёсий таъсири энг юқори паллага чиққан даври бўлиб, бунга ёрқин мисол Кичик Жорж Буш ҳукумати даврида бошқарув жамоасининг шаклланиши ҳамда 2003 йилда Ироқдаги урушнинг бошланишидир. Тўртинчи давр – “яширин давр” бўлган 2009-2019 йилларни қамраб олади. Яъни Б.Обаманинг икки муддатли президентлик бошқаруви ҳамда Д.Трамп ҳукумати фаолиятининг бошланиши давридир. Бу даврда неоконсерваторлар жорий ҳукумат фаолиятига муҳолиф муносабатда бўлишиб, шу билан бирга уларнинг бирлиги анчайин дарз кетганлиги билан характерланади. Халқаро вазият ўзгарувчанлиги шароитида мафкуравий ёндошувлардаги утопик элементлар ҳамда АҚШнинг ташқи сиёсий таъсир имкониятлари кучсизланиши каби масалаларда қарама-қарши фикрлар юзага келди. Шу билан бирга бу давр АҚШ олдида турган ташқи сиёсий мўлжаллар ҳамда халқаро муносабатларни ривожлантириш йўллари борасида неоконсерватизм тарафдорлари қарашларига танкидий муносабатда бўлиши билан ҳам қизиқарлидир. Бир вақтнинг ўзида неоконсерватизмнинг ташқи сиёсат соҳасидаги алоҳида ғоя ва концепцияларига амалиётда эҳтиёж сезилганлиги, хусусан, Д.Трампнинг бошқарувга келиши даврида кузатилди.

Кейинги даврларда неоконсерваторларнинг иккинчи авлоди шаклланди. Улар нуқтаи назарига кўра асосий вазифа “бир кутбли вазият”ни “бир кутбли эра”га айлантириш[4] бўлиши керак бўлди. Таникли неоконсерватор Чарльз Краутхаммер фикрича, агар Америка барқарорлигини истаса уни фақат ўзи яратади[5]. Мазкур барқарорлик орқали ёш неоконсерваторлар халқаро хавфсизликнинг америкача маркази архитектураси – “Рах Америка”ни яратиш ҳақида фикр юритишади. Бу даврда неоконсерватизмнинг таъсири ва

тажрибали вакиллари бўлмиш П.Вулфовиц, Р.Перл, Э. Абрамс, Льюс “Скутер” Либбилар, шу билан бирга Республикачилар вакиллари Ричард Чейни, Ж.Маккейн ва яна маълум даражада Д.Рамсфелдлар каби янги давр ғоядошлар гуруҳи шаклланиши учун имкониятлар етарли бўлди.

Демак, АҚШ неоконсерватизмининг шаклланиш тенденцияларига эътибор қаратилса, у ўзини интегратив типдаги мафкура сифатида намоён этади. Чунки, у ўз таркибига ҳам ўнг, ҳам сўл ғояларни қамраб олган. Оқимнинг асосий мафкуравий базаси шаклланиши жараёни сўл социализмдан ўнг консерватизмга, демократлардан республикачиларга ўтиш эволюцияси билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Неоконсерватизм ярим аср мобайнида АҚШ ташқи сиёсати анъаналарига салмоқли таъсир кўрсатиб келди ва турли даврларда жамият сиёсий маданияти тизимида етакчилик мавқега давогарлик қилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, неоконсерватизм – бу чуқур ижтимоий-маданий ва тарихий илдизларга эга воқелиқдир. Адабиётларда неоконсерватизм тафаккур мактаби, ғоя ва ҳатто маслак сифатида талқин этилади. Бундай турли-туманлик неоконсерваторларнинг ўз фаолиятида бирор аниқ тузилмага, ягона етакчи ва бирор дастурга эга эмаслиги билан изоҳланиши мумкин. Неоконсерватизм аввало ҳукмрон элитанинг ХХ асрнинг иккинчи ярмида АҚШнинг жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборидан четлашиб қолиши эҳтимолининг кучайиши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий чақириқларга жавобан шаклланган назарий мафкурасидир дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахшмир П.Ю. Американские консерваторы и Европа//Международная экономика и международные отношения . – 2004. - № 7. – С. 31.
2. Блохин К. <http://www.dissercat.com/content/vneshnepoliticheskaya-kontseptsiya-amerikanskogo-neokonservatizma-i-ee-realizatsiya>
3. Кислицын С. Внешнеполитическая идеология и практика американского неоконсерватизма. Диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. – М.2019.
4. Kagan R., Kristol W. Present Dangers: Crisis and Opportunity in America's Foreign and Defense Policy. San Francisco: Encounter Books, 2000, Kindle Edition. P. 4.
5. Krauthammer Ch. The Unipolar Moment Revisited // The National Interest. – Winter 2002/03. – No. 70. – P. 5-18.

УЎК 93/94

АРВОҲЛАРГА АТАБ ЧИРОҚ ЁҚИШ ОДАТИ

(Қорақалпоғистон ўзбеклари мисолида)

М.И. Ходжонов, ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар ИТИ, Нукус

Аннотация. Мақола Қорақалпоғистонда яшайдиган ўзбекларнинг дафн маросимида ўрин олган чироқ ёқиш одатига бағишланган. Мазкур удум республикада олиб борилган дала материаллари асосида ёритилган бўлиб, қисман бошқа ўлкаларда яшайдиган ўзбекларнинг чироқ ёқиш одатлари билан таққосий ўрганилиб чиқилган. Шунингдек, мақолада арвоҳнинг маълум муддат ўз уйига келиши, унга бағишлаб қилинадиган ритуаллар, умуман олганда исломдан олдинги одатларнинг саркал кўринишлари ҳусусида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: ўзбеклар, дафн маросими, анимистик қарашлар, чироқ ёқиш, арвоҳ, руҳ.

Аннотация. Статья посвящена обычаю зажигания лампы на похоронах узбеков, проживающих в Каракалпакстане. Традиция проиллюстрирована на основе полевых материалов, проведенных в стране, и частично изучена в сравнении с световыми привычками узбеков, проживающих в других странах. В статье также приводится информация о прибытии призрака в его дом на определенный период времени, посвященных ему ритуалах и саркастическом облике доисламских обычаев в целом.

Ключевые слова: узбеки, похороны, анимистические виды, зажигание лампы, привидение, дух.

Abstract. The article is devoted to the custom of lighting a lamp at the funeral of Uzbeks living in Karakalpakstan. This tradition is illustrated on the basis of field materials conducted in the

country, and in part studied in comparison with the lighting habits of Uzbeks living in other countries. The article also provides information about the arrival of the ghost in his house for a certain period of time, the rituals dedicated to him, and the sarcastic appearance of pre-Islamic customs in general.

Keywords: Uzbeks, funeral, animistic views, lighting a lamp, ghost, spirit.

Дафн ва таъзия маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар ичида ўзининг қадимий ўтмишига эга бўлган ритуаллар жуда кўп ҳисобланади. Ана шундай эски одатлардан бири бу арвоҳларга атаб чироқ ёқиш маросимидир. Оловни ёқиш одати жуда катта даврни ўз бошидан кечириб, шу кунга қадар етиб келган. Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, баъзи олимлар бу маросимни қадимги зардуштийлик дини билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар, баъзи бир тарихчилар эса уни неолит давридан мерос деган фаразни илгари суришади (12, 129).

Мазкур масала ўтмишдан мерос одат бўлганлиги сабабли қатор элшунос олимларнинг қизиқиши марказида бўлган. Жумладан, чироқ ёқиш ва у билан боғлиқ қарашлар масаласида М.С.Андреев каби машҳур олим дастлабки маълумотларни келтирган (4, 195-196). XX асрнинг ўрталарига келиб, қирғиз, козоқ, тожик ва ўзбек халқини ўрганган олимларнинг илмий ишларида ҳам чироқ ёқиш ва унинг этнолокал хусусиятлари тўғрисида фикр юритганлигини кўришимиз мумкин (3, 320; 5, 113; 13, 120-121; 19, 153). Мазкур одат масаласида Хоразм воҳасида узоқ йиллар мобайнида фундаментал тадқиқотлар олиб борган Г.П.Снесаревнинг изланишларида ҳам қайд этилган. Бошқа олимлардан фарқли ўлароқ рус этнографи дафн маросимларининг илдизлари, тарихи, эвалуцияси, шунингдек, чироқ ёқиш анъанаси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирган (14, 132).

XX асрнинг охирига келиб марҳумларга атаб чироқ ёқиш масаласида олимлар ўз изланишларини давом эттирди. Айниқса, А.Т.Толеубаев ва Н.С.Бабаева, каби этнографларнинг илмий ишларида олов ёқиш масаласи зикр қилинганлигини кўришимиз мумкин (16, 108; 6, 97-98).

Мустақиллик даврига келиб ўзбек халқининг дафн ва мотам масаласида алоҳида тадқиқот ишларини олиб борган Қ.Насриддинов ва М.Пайзиевалар илмий монографияларида чироқ ёқиш, унинг исломга зид анъана эканлиги ва трансформацион жараёнларини ётириб берганлигининг гувоҳи бўламиз (10, 14-15; 12, 122). Хоразм воҳасининг этнолог олимлари З.Абидова зиёратгоҳларда қабрларга чироқ ёқишнинг бугунги кундаги ҳолатини ўрганган бўлса, У.Абдалов воҳадаги дафн маросимларидаги олов ёқишнинг ханузгача сақланиб қолганлигини қайд этганлар (1, 106; 2, 122).

Айнан чироқ ёқиш, арвоҳларни эъзозлаш каби масалаларда тожик олими А.З.Лашкариев, ўзбек фольклоршуноси Д.Ўраева ва қорақалпоқ тадқиқотчиси Қ.Ж.Турекеевларнинг алоҳида мақолалари чоп этилди (9, 97-109; 18, 27-28; 17, 149-161).

Юқорида исми атаб ўтилган элшунос олимларнинг бу масалада тадқиқот ишларини олиб борганлигига қарамадан Қорақалпоғистон ўзбекларида мазкур муаммо бўйича бирорта ҳам изланишлар олиб борилмаганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шу сабабдан биз марҳумларга атаб чироқ ёқиш ва унинг бугунги кундаги ҳолати юзасидан тадқиқот ишларини олиб боришни мақсад қилдик.

Шу кунга қадар нашр қилинган адабиётларга эътибор берар эканмиз марҳумни хотирлаш билан боғлиқ маросимларда мазкур масала алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, археологик манбаларда берилган маълумотларда ўликга бағишлаб, чироқ ёқиш анъанасининг қанчалик узоқ ўтмишдан мерос эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Қорақалпоғистон археолог олимларининг тадқиқот ишларида ҳам ўрта асрларда қабр бошида маълум муддат олов ёқилганлиги тўғрисида маълумотлар бор (7, 74). Демак, шундан кўриниб турибдики, оловни қабр бошига ёқиш қадимда ва ўрта асрларда русм бўлган. Архаик қарашлар билан боғлиқ бўлган бу анъана Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида ўтган асрнинг ўрталарига қадар сақланиб қолган. Лекин бу одат биз олиб борган ўзбек қишлоқларида қабристонда эмас, майит ювилган хонада кечқурун ёқиб қўйилган (22). Чирокни айнан ўлик ювилган (ёки жони чиққан) хонада ёқиш нафақат минтақа ўзбеклари, балки Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида истиқомат

қиладиган ўзбеклар, шунингдек тожик, қозоқ ва қорақалпоқ халқларига ҳам ҳосдир (4, 195; 13, 120; 14, 132; 8, 149; 11, 393; 16, 108; 17, 154.).

Мазкур масалада этнографик адабиётларга назар ташлайдиган бўлсак, «одамнинг ўлимидан кейинги дастлабки кунларида унинг руҳи нариги дунёга ўргана олмасдан, уйга қайтиб келиши мумкинлиги тўғрисида қарашлар пайдо бўлган. Яъни, «марҳумнинг руҳи ўз уйини тополмасдан, адашиб юрмаслиги учун чироқ ёқилган» (17, 154). Ана шундай анимистик қарашларга асосланиб, минтақа ўзбеклари Қўнғирот туманида 7 кун, Хўжайли ва Тахиятош туманларида эса 40 кун мобайнида ҳар куни кечаси марҳум оила аъзоларидан биттаси чироқ ёқади (20, 21, 23). Хоразм, Фарғона ва Тошкент ўзбеклари ҳам асосан 40 кун мобайнида чироқ ёқишади (14, 132; 8, 149; 11, 393).

Ўзбекларнинг дафн маросимлари бўйича тадқиқот олиб борган этнологларнинг ишларида чироқни битта одам томонидан ёқилганлиги қайд этилган. Масалан, Тошкент шаҳри ўзбекларида оиладаги катта ёшдаги эркак киши бу ишни бажарган бўлса, қозоқларда аёл киши (ёки қизи) ўликнинг чироғини ёққан (12, 130; 15, 159). Бу минтақалардан фарқли равишда бизнинг тадқиқот олиб борган шаҳар ва қишлоқларимизда асосан ўғил бола мазкур ишни бажарган бўлса, баъзи ҳудудларда ўғил ёки қизи бўлишига қарамасдан чироқни ёқиш ҳолатлари ҳам учрайди (20, 21). Энг асосийси марҳумнинг яқинлари бу амални бажаришни унга бўлган ҳурмат ва оилавий бурч деб ҳисоблайдилар.

Ўликларга ёруғлик кераклиги асосида шакилланган бу одатга эътибор қаратадиган бўлсак, баъзи трансформацион жараёнларга учраганлигининг гувоҳи бўламиз. Чучончи, XX аср ўрталарига қадар асосан тош чироқларда, сўнгра лампа чироқлардан фойдаланилган бўлса, янги аср бошларига келиб эса, электр ёриткичлардан фаол фойдаланилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки ўликка аталган чироқ ким ёқишидан қабтий назар асосан кечқурун ёқилиши ва арвоҳ 40 кун мобайнида қабрдан ўз уйига учиб келиши тўғрисида маълумотларни экспедиция мобайнида кўплаб учратдик. Айнан нима бўлиб учиб келиши тўғрисидаги бизни қизиқтирган саволларга этнографик адабиётларда қизиқарли жовобларни топишимиз мумкин. Яъни, шу кунга қадар чоп этилган элшуносларнинг илмий изланишларида ўзбек халқида арвоҳ ўз уйига қапалак шаклида келиши ва яқинларидан тез-тез хабар олишини қайд этганлар (12, 42). Албатта, бундай ҳашорат кўринишида марҳумнинг келиши нафақат ўзбек халқига балки бошқада Ўрта Осиёда яшайдиган этносларда кенг тарқалган (13, 178).

Қорақалпоғистонда яшайдиган этносларнинг архаик тасаввурларига кўра, ҳашорат шаклидаги арвоҳ ўз уйига маълум кунларда келишига ишонган баъзи одамлар арвоҳ сув ичиши учун чироқ ёқилган хонага идишда (пиёла ёки косада) сув қўядилар (17, 154). Бундай тасаввурлар минтақада яшайдиган халқлар каби ўзбекларга ҳам ҳосдир. Рус этнограф олими Б.Х.Кармышева «дуо ўқилиб бўлинган вақтда, арвоҳ сувдан хўплайди ва уни эсга олаётганидан хурсанд бўлиб, нариги дунёга учиб кетади», деб ёзади (8, 150). Косада арвоҳ учун сув қўйиш масаласида олиб борган изланишларимиз натижасида шуниси бизга маълум бўлдики, минтақанинг жунубида яшайдиган ўзбекларда бу одат сақланиб қолган бўлса, шимолий-ғарбий туманларда деярли йўқ эканлигини аниқладик.

Мазкур масалада сўз юритар эканмиз, бу одат исломий анъаналарга зид бўлишига қарамасдан, чироқ ёқилган вақтда Қурон оятлари ўқилишини баъзи олимларнинг илмий ишларида қайд этилган. Яъни чироқни қиблага қаратиб ёниб бўлгунча Қуръон тиловат қилган (10, 15; 12, 130). Қорақалпоғистонда яшайдиган ўзбекларда мазкур одатда баъзи фарқлар мавжуд бўлиб: чироқ кун ботган пайитда жон чиққан хонада марҳумнинг қариндошлари эмас, балки мулла келиб, 3 ёки 7 кун мобайнида Қуръон оятларини ўқийди. Мазкур одат минтақа ўзбекларида «*Ҳаўир намоз*» деб аталади.

Хулоса, ўрнида шуни таъкидлаш керакки, марҳумга атаб чироқ ёқиш одати халқимиз орасида ханузгача мавжуд. Марҳум руҳини шод этиш, уни эсга олиш асносида қилинадиган бу одат минтақада истиқомат қиладиган халқлар билан умумий сифатларга эга. Шунингдек, бошқа ўлкаларда яшайдиган ўзбеклар билан эътиқодий ва архаик тасаввурларида умумийлик

қарашларнинг мавжудлиги биз томонимиздан олиб борилган дала тадқиқотларида ва нашр қилинган этнографик адабиётларни таққосий ўрганиш жараёнларида ўз исботини топди. Демак, бу удум асрлар мобайнида қўшни халқларнинг маданиятига таъсир қилишига қарамасдан Қорақалпоғистон ўзбеклари ўзининг асрий қадриятларини сақлаб қола олган деган хулосага келишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот). Тар.фан. док. (PhD) диссертацияси. – Тошкент: 2018. – 144 б.
2. Абдалов У. Ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида зардуштийлик излари (Хоразм воҳаси материаллари асосида). Тар.фан. док. (PhD) диссертацияси. – Тошкент: 2020. – 151 б.
3. Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Ленинград: Наука, 1971. – 404 с.
4. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Вып 1. – Сталинабад: Издательство академии наук Таджикской СССР, 1953. – С. 195.
5. Арғынбаев Х.А. Қазақ халқындағы семья мен неке. – Алма-ата., «Ғылым», 1973. – 328 б
6. Бабаева Н.С. Древние верования горных таджиков Южного Таджикистана в похоронно-поминальной обрядности (конец XIX - начало XX вв.). – Душанбе: Дониш, 1993. – 156 с.
7. Базарбаев Ж, Хожаниязов Г, Базарбаев Б. Өййемги Окс дәрьясының төмениндеги зардуштлик динининг излери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – 136 б.
8. Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., Наука, 1986. – С. 139-181.
9. Лашкариев А.З. Поминальные обряды очищения дома и возжигания священной лампы у Исмаилитов Западного Памира // ЭО, 2008, - № 1. – 97-109 с.
10. Насриддинов К. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Тошкент: Мерос, 1996. – 144 б.
11. Пайзиева М. Похоронно-поминальная обрядность // Народы и культуры. Узбеки. – М.: Наука, 2011. – С. 388-394.
12. Пайзиева М. Ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий мотам маросимлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – 176 б.
13. Писарчик А.К. Смерть. Похороны // Таджики Каратегина и Дарваза. Вып 3. – Душанбе: Дониш, 1976. – С. 120.
14. Снесарев Г.П. Реликты домусулманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 336.
15. Стасевич И.В. Социальный статус женщины у казахов: традиции и современность. – СПб.: Наука, 2011. – С. 202.
16. Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов. – Алма-Ата: Ғылым, 1991. – 213 с.
17. Турекеев К.Ж. Современные представления каракалпаков, связанные с традицией почитания духов предков // Вестник антропологии, 2019. – № 4. – 149-161 с.
18. Ўраева Д. Шамчирокни ёқдилар // Саодат. – 2002. № 6. – Б. 27-28.
19. Шаниязов К. Узбеки – Карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – 195 с.
20. М.Ходжановнинг дала ёзувлари, 2020 йил, № 4. Қўнғирот тумани. Ахборотчи – Хожаниязова Злиха. 1956 йил туғилган.
21. М.Ходжановнинг дала ёзувлари, 2020 йил, № 7. Хўжайли тумани. Ахборотчи – Худойберганов Гойиб. 1948 йил туғилган.
22. М.Ходжановнинг дала ёзувлари, 2021 йил, № 10. Амударё тумани. Ахборотчи – Алламберганов Юлдашбай. 1953 йил туғилган.
23. М.Ходжановнинг дала ёзувлари, 2021 йил, № 11. Тахиаташ тумани. Ахборотчи – Палвашова Муборак. 1962 йил туғилган.

CONCEPTUAL RESEARCH OF THE CONCEPT OF "MONEY" IN LINGUOCULTUROLOGY*S.A. Erdanova, senior teacher, Tashkent Financial Institute, Tashkent*

Аннотация. *Мазкур иш тил, онг ва маданият ўртасидаги муносабатларга бағишланган концептуал тадқиқотлар асосида олиб борилган бўлиб, ушбу мақолада лингвистик маданиятда "пул"- "money" тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши ўрганилади. Ишнинг долзарблиги, биринчи навбатда, замонавий дунёда содир бўлаётган глобал интеграция жараёни, шунингдек, этномаданий масалаларга қизиқишининг ортиши билан боғлиқ. Тадқиқот жараёнида "лингводаний концепт" тушунчасини аниқлаш ва конкретлаштириши учун таҳлил усули ишлатилган; тил ва маданият ўртасидаги муносабатни ўрганишида тизимли усул; лингвистик маданиятда "пул" концепциясини ишлаб чиқишининг умумий ва турли хил хусусиятларини аниқлаш мақсадида қиёслаш усулдан ҳам фойдаланилган.*

Калит сўзлар: *"пул" тушунчаси, билиш фаолияти, лингво- маданиятшунослик, дунёнинг суръати, лингвистик маданият, инсоният жамияти, концептуал дунёқараш.*

Анотация. *Эта работа проводится в соответствии с концептуальными исследованиями, посвященными взаимоотношениям языка, сознания и культуры. В статье исследуется формирование и развитие понятия «деньги» в языковой культуре. Актуальность работы во многом обусловлена процессом глобальной интеграции, происходящим в современном мире, а также растущим интересом к этнокультурным вопросам. В ходе исследования методом анализа было определено и конкретизировано понятие «языково-культурный концепт»; системный метод исследования взаимосвязи языка и культуры; сравнительный метод выявления общих и различных характеристик в развитии понятия «деньги» в языковой культуре.*

Ключевые слова: *понятия «деньги», познавательной деятельности, лингвокультурологические исследования, картина мира, языковая культура, человеческая общность, концептуальной картиной мира.*

Abstract. *This work is carried out in line with conceptological studies devoted to the relationship between language, consciousness and culture. This article will examine the formation and development of the concept of "money" in linguistic culture. The relevance of the work is primarily due to the process of global integration taking place in the modern world, as well as the growing interest in ethnocultural issues. In the course of the research, the method of analysis was used to define and concretize the concept of "linguocultural concept"; systemic method in the study of the relationship between language and culture; a comparative method in order to identify common and different features in the development of the concept of "money" in linguistic culture.*

Key words: *the concept of "money", cognitive activity, linguistic and cultural studies, picture of the world, linguistic culture, human society, conceptual picture of the world.*

One of the tasks of linguistics at this stage is to study the way knowledge is reflected in the language. As a result of cognitive activity, a person categorizes certain areas of the conceptual image of the world. Since the images of the world have national specificity and speakers of different languages can see and share the world in different ways, through the prism of their languages, it becomes necessary to compare them. This helps to reveal the peculiarities of knowledge among representatives of different ethnic groups, the peculiarities of their mentality.

Description of the models of fragments of the linguistic picture of the world and their comparison is a task that researchers pay attention to. This is confirmed by linguoculturological studies devoted to the study of the national originality of the linguistic picture of the world and its individual fragments, both at the present stage and later, the reconstruction of archaic ideas about the

world embodied in languages. at different historical stages. In the study, the term "concept" means a mental, nationally-specific education, the content plan of which is the entire set of knowledge about a specific object, and the plan of linguistic expression is a set of lexical, paremic, phraseological units that form a given name and a description of the object [2, p. 5].

It should be noted that the concept of "concept" at the present stage of development of linguistics has not yet been definitively defined and the search for what constitutes a concept continues. Although different authors offer different interpretations of the concept, we believe that it is possible to adhere to the above understanding of the term to achieve the goal of research, more or less consistently testing the material that attracts us. The concept in our understanding is "a set of known essential characteristics of an object". Under the "conceptual image of the world" is understood the "image" of the world, not clothed in any system of signs, under the "linguistic image of the world" - that part of the conceptual world of man, which is "linked" to language. Since the research includes both the money token and the MONEY concept, we have adopted the following conventions: the token is in italics and the concept name is in capital letters. Money plays a very important role in the life of human society. When the lexeme money is observed, the individual's consciousness turns to the object of reality mentioned by this word, and at the same time, the concept of "something understood" appears in consciousness, which stands behind this name. A person as a living organism that exists in the world and interacts with the surrounding reality receives experience, the result of which is a concept - a mental structure that reflects and fixes the experience [1].

The number of fragments of the conceptual image of the world is huge, but not all of them have received reinforcement and expression in the linguistic image of the world, since society does not elevate them to the rank of a decisive factor affecting people's lives affects. A person's life experience has different meanings, so the terms do not have the same meaning. There are also general terms and narrower ones. Analyzing the language and the types of terms reflected in it, comparing the number of different units used to express these terms, and the frequency of their use, we come to the conclusion about the special meaning of some of the terms behind these words. The phenomenon of human social life is most vividly reflected in the language. To reflect this phenomenon, there is a wide range of linguistic units, and what lies behind them plays a very important role in the life of human society. Money is part of the daily activities of a person as a living organism, therefore, experiencing a sign called money is extremely important for a person, and therefore the term behind this name is also important.

The linguistic worldview is a general schematic representation of the major parts of reality about which the world is "gossiped". It is so fragmented that the most important parts of human existence are captured in it. Although languages differ from one another, they all reflect human experiences which, no matter what language a person speaks, very often turn out to be similar. And if we look at a fragment of the linguistic worldview that reflects the sphere of currency relations in different languages, then we can see some differences that have cultural or national characteristics. But these differences will be much smaller than what we have in common in all linguistic images of the world, because money and monetary relationships exist everywhere. The analysis of linguistic data shows that the term is related to the word money and emerged from a linguistic description, a very important term, since in modern human conditions of existence goods-money relationships are the basis without which no progress is possible. Hence, money (in the broadest sense as the sphere of money circulation) is one of the most important realms in which a person exists.

The concept encompasses all the numerous actions carried out with money: earned, spent, bought, sold, stolen, rescued, rescued, buried, torn, printed, painted, etc. Much can be said about the importance of money as a social phenomenon, but the analysis of language material can prove and substantiate its importance.

American English has 140 words that mean "money", so money is the most important term in the world of this ethnic group. In many civilized societies, money is the engine of social relationships. Each state lives its own independent life, but money is everywhere. They are named differently, have different histories, weights, etc. However, among a multitude of nations there is one that dictates the rules of the game in this area of life. The world is ruled by capital and world capital is ruled by

America. This may explain that the term MONEY caught our attention precisely as a fragment of the American worldview. We are interested in the average American's perception of money, which is reflected in the language units in which he speaks about money.

According to Y.S. Stepanov, "money" is one of the fundamental cultural terms that are included in the categorization of today's world [3, p. 661]. This is entirely justified since money is one of the basic concepts of human experience, an integral attribute of modern civilization. The proposed research is an attempt at a comprehensive description of the means of linguistic representation of the cultural concept of MONEY. The consideration of this concept and its linguistic means of expression is of interest as it is only possible in combination with data from other linguistic sciences.

So, with the help of language material, a specific portrait of the concept under consideration is presented in this article. The study showed that the prominent fragment is very representative in the American worldview, as it is important for man's understanding of the world and his present existence in it. The meaning of the term MONEY is confirmed by different linguistic ways of naming and description.

In addition to the general information potential, language also brings in-depth information about the associations of a particular society, its value system and its culture. One approach to the problem of identifying cognitive differences between cultures is to examine the deep informational and associative potential of words. The free associative experiment made it possible to discover the deep associative contours of the money names, which are manifested in a combination of words. The peculiarities of the functioning of units with the general meaning of "money" in English, as well as data from dictionaries, suggests that the role of money in the life of society is increasing.

Money is increasingly playing the role of an agent who can successfully manipulate people and society as a whole. In connection with changes in society, people's lives change and with them their attitudes towards money. These changes are reflected in the language. Using linguistic material, a specific portrait of the concept under consideration is presented. The study showed that the selected fragment is very representative in the linguistic worldview, since it is important for the conceptualization of the world by a person and his present existence in it. The meaning of the term MONEY has been confirmed by a variety of different linguistic means for its naming and description.

REFERENCES:

1. Jackendoff R. Semantics and cognition. Cambridge (Mass.). L., 1983.- XIII.- 283p.
2. Panchenko N.N. Means of objectification of the concept of "deception" (on the material of English and Russian): Author's abstract. Candidate dissertation in Philology, Science: 10.02.20./ Volgograd, 1999.24 p.
3. Stepanov Y.S. Constants. Dictionary of Russian culture. Research experience / Y.S. Stepanov. M., 1997.- 824p.

UO'K 81-13

O'ZBEK TILI MUSIQIY TERMINLARIDA METAFORA

Sh. Eshbo'tayeva, tadqiqotchi, Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek tili musiqiy terminlarining jahon va o'zbek tilshunosligida o'rganilganilishi hamda metafora usuli orqali yasalishi bayon qilingan. Musiqiy terminlar badiiy uslubda ma'no ko'chishiga uchrab, jonlantirish, epitet, metafora, o'xshatish kabi uslubiy xususiyatlarga ega ekanligi aniqlangan. Asosan cholg'u nomlari hamda ularning qismlarini ifodalovchi, shu bilan birga, maqom tarkibiga oid terminlar badiiy asar tarkibida obrazlilik va ta'sirchanlikni oshirishga xizmat qilishi misollar orqali asoslangan.

Kalit so'zlar: musiqiy termin, musiqiy terminologiya, badiiy uslub, metafora, epitet, jonlantirish, o'xshatish

Аннотация. В статье описывается изучение узбекских музыкальных терминов в мировой и узбекской лингвистике и их построение через метафору. Было обнаружено, что музыкальные термины имеют стилистические особенности, такие как анимация, эпитет, метафора и аналогии, поскольку они меняют значения в художественном стиле. По сути, названия инструментов и их частей, а также условия статус-кво основаны на примерах, которые служат для увеличения образности и воздействия произведения искусства.

Ключевые слова: музыкальный термин, музыкальная терминология, художественный стиль, метафора, эпитет, анимация, сравнение

Abstract. This article describes the study of Uzbek musical terms in world and Uzbek linguistics and their construction through metaphor. Musical terms have been found to have stylistic features, such as animation, epithet, metaphor, and analogy, as they have shifted meanings in artistic style. Basically, the names of the instruments and their parts, as well as the terms of the status quo, are based on examples that serve to increase the imagery and impact of the work of art.

Key words: musical term, musical terminology, artistic style, metaphor, epithet, animation, analogy

Kirish (Introduction) Tilning madaniyat va san'at sohalari bilan munosabatini o'rganish natijasida xalq ma'naviyatini ochib berishga qaratilgan ushbu tadqiqot o'zbek tili tarkibidagi musiqiy terminlarning funksional-stilistik xususiyatlarini aniqlash orqali terminologik tizimni tartibga solish va ushbu terminlarning uslublar negizida o'ziga xos semantik o'zgarishlarni aniqlash yuzasidan ham muhimdir. Zero, "O'zbek tilining xalqimiz ijtimoiy hayotida va xalqaro miqyosdagi obro'-e'tiborini tubdan oshirish, unib-o'sib kelayotgan yoshlarimizni vatanparvarlik, milliy an'ana va qadriyatlarga sadoqat, ulug' ajdodlarimizning boy merosiga vorislik ruhida tarbiyalash, mamlakatimizda davlat tilini to'laqonli joriy etishni ta'minlash..."[1] kabi Prezidentimiz da'vatlari ham til xususiyatlarini ochib berish, tartibga solish, tarkibiy qismini sof saqlab qolish va boshqa ko'plab vazifalarni oldimizga qo'yadi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review)

Musiqiy terminlar nafaqat musiqashunoslar, balki tilshunoslar tomonidan ham alohida tadqiqot obyekti sifatida chuqur o'rganilgan. Tatar tilshunosligida E.M.Galimova "Традиционная музыкальная культура пермских татар"[2], rus tilshunosligida J.A.Nazarova "К истории музыкальной терминологии западно европейского происхождения в русском языке (название музыкальных инструментов)"[3], Sh.D. Samushia "музыкальная терминология в современном русском языке"[4], Azarbayjon tilshunosligida Iroda Abdullayeva "Azərbaycan dilinin musiqişünasliq terminlərinin leksik-semantik va struktur təhlili" va boshqa ko'plab tadqiqotlarni keltirish mumkin. Jahon tilshunosligida musiqiy terminlar bugungi kunda antoposentrik porodigma asosida tadqiq etilmoqda. Uning lingvokulturologik, kongnitiv tomonlari aniqlanmoqda.

O'zbek tilshunosligida esa musiqiy terminlarni ilk bor lingvistik qonuniyatlar asosida obyekt qilib olgan tadqiqot 1981-yil filolog Sami Azizov tomonidan yaratilgan "Лексико-грамматическое исследование музыкальной терминологии ўзбекиского языка" nomli dissertatsiya edi. Ushbu tadqiqotda musiqiy terminlarning leksik va grammatik xususiyatlari tahlil qilingan. Shuningdek, N.Shodmonovning "Abdurahmon Jomiyning musiqiy atamalari"[5], Z.Aripovning "Arab musiqa terminlari tizimining shakllanishi va taraqqiyoti (X-XV asrlar O'rta Osiyo olimlarining musiqashunoslikka oid asarlari asosida)"[6] nomli dissertatsiyalar tarkibida ham o'zbek tiliga arab va fors tillaridan o'zlashgan musiqiy terminlarning shakllanishi va rivojlanishi yoritilgan. Shu bilan birga ko'pgina tadqiqotlar tarkibida musiqiy terminlar qisman izohlangan.

Musiqiy terminlarning o'ziga xos xususiyatlaridan yana biri bu ma'no ko'chishi natijasida yangi ma'nolarni hosil qilishidir. Ma'no ko'chish turlaridan metafora eng faol termin hosil qiluvchi hisoblanadi. "Terminlar sistemasida metaforaning o'rni va rolini o'rganish XX asrning 60-yillaridan boshlangan edi. M.Pavlovaning ta'kidlashicha, termin-metaforaning yuzaga kelishi har doim ham aniq individning ijodiy akti bilan boshlanadi. Metaforik ijod aktida albatta ikkita shaxs, ya'ni metaforani yasovchi va ushbu metaforaning mazmun-ma'nosini idrok etuvchi qatnashishi shart"[7]. Metafora semantik usulda yangi termin hosil qiladi. Ya'ni leksik qatlamga oid so'z muayyan sohada yangi tushunchani ifodalash uchun termin darajasiga ko'tariladi. Bu jarayonda terminga aylangan so'z o'zining uslubiy bo'yoqdorlik darajasini yo'qotib, muayyan sohaga xoslanganlik xususiyatiga ega bo'ladi.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology)

Musiqiy terminlar O.S.Petrovskaya "Формирование и развитие музыкальной терминологии исполнительского искусства на материале (русского, итальянского,

английского, французского языков)”[8] nomli asarida: “Musiqiy terminologiya – bu inson faoliyatining ajralmas qismi. Inson faoliyati u yoki bu tarzda musiqa bilan bog‘liqdir. Milliy tilning ozmi-ko‘pmi qismini tashkil qiluvchi musiqiy terminlar nafaqat musiqachilar, balki tilshunolar uchun ham o‘rganish obyekti”, - ekanligini ta’kidlab o‘tadi.

Demak, musiqiy termin – doimiy kasbiy tushuncha. Semantik jihatdan yaxlit, og‘zaki va yozma shaklga ega. Tilning aniq, funksional jihatdan muhim elementi.

Musiqiy terminologiya – san’at terminlari to‘plami. O‘zbek tilida musiqiy terminlar semantik usulda ko‘pincha metafora orqali hosil bo‘ladi. N.Mahmudov “Metafora mohiyatidagi ikkiyoqlamalikka ko‘ra bu hodisaning ikki asosiy turini: lisoniy metafora va poetik (badiiy) metaforani farqlaydi”[9].F.Usmonov ham lingvistik va badiiy metaforani farqlar ekan: “lingvistik metaforaning ekspressiv emasligi, badiiy metaforaning esa ekspressiv xususiyatiga egaligini qayd etadi”[10].R.Suvanova ham “Metafora natijasida hosil bo‘lgan ko‘chma ma’noning ba’zi hollarda bunday bo‘yoqqa ega bo‘lmasligini ko‘rsatadi”[11].Bugungi kunga kelib metafora oddiy stilistik figuragina emas, balki serqirra kognitiv fenomen, mental operatsiya, bilish usuli sifatida baholanmoqda.

Tahlil va natijalar (Analysis and results)

Umumxalq tilidan metafora usulida ma’no ko‘chishi natijasida hosil bo‘lgan musiqiy terminlar:

“Kosa – dutor, tanbur, g‘ijjak va boshqa shunga o‘xshash cholg‘u asboblarda tovush beruvchi bo‘shliq[12]. Bilamizki, kosa dastlab yog‘ochning ichi o‘yilib ishlangan va u asosan “suyuq taomlar solish uchun mo‘ljallangan oshxona anjomi” ma’nosida qo‘llanilgan. Ayni shunday musiqa cholg‘usining kosa kabi “o‘yilgan” qismi shakl o‘xshashligi asosida ma’no ko‘chishiga uchrab, metafora usulida yangi musiqiy tushunchani ifodalagan: “Kosa – torli cholg‘u asboblardagi yog‘och kosa bo‘lib, unga tor tortiladi. Kosa sado berishda tordan chiqadigan tovushni kuchaytiradi, boshqacha aytganda rezonans beradi”.

“Quloq” so‘zi o‘zbek tilidagi “qulog‘ini buramoq” birikmasi tarkibidagi harakat o‘xshashligi asosida ma’no ko‘chishiga uchraganini ko‘rishimiz mumkin: “Quloq – torli cholg‘u asboblarda torlarni tortib turuvchi yog‘och yoki temir detal. Cholg‘u asbobini sozlashda quloqni burash yo‘li bilan torni tarang qilish yo‘shatish mumkin. Natijada tovush baland yo‘past bo‘ladi”. Ushbu termin asosan musiqiy cholg‘u qismlarini ifodalovchi terminlar tarkibiga kiradi.

“Qopqoq” so‘zi ham “ochiq qismni yopish” xususiyatiga ko‘ra ma’no ko‘shiga uchragan va cholg‘u qismini ifodalovchi termin vazifasini bajargan: “...torl cholg‘u asboblarda kosa ustiga yopiladigan yupqa qopqoq bo‘lib, torlardan to‘lqinlanib chiqqan tovushni kuchaytirib beradi”.

“Til” leksik qatlamga oid ushbu so‘z shakli va bajaradigan vazifasi jihatdan metafora usulida ma’no ko‘chishini hosil qilib: “...bir yo‘ikki qavatli qamishdan yasalgan yassi parcha. Puflama yog‘och cholg‘u asboblarning ko‘piga til qo‘yilib chalinadi”kabi xususiyatlarga ega musiqiy termin shakllangan.

Ushbu terming -cha kichraytirish qo‘shimchasi qo‘shiladi. “Tilcha – yupqa va kichik plastinka bo‘lib, cholg‘u asboblarning chalinadigan tomoniga biriktiriladi”.

“Tirnoq” ushbu so‘z shakli va vazifasiga ko‘ra ma’no ko‘chishiga uchrab: “Dutor va tanburlarda tor bog‘laydigan pastki o‘rin. Bu atama ko‘proq Toshkentda qo‘llanilgan”.

“Dasta” bajaradigan vazifasi jihatdan metafora hodisasi asosida ma’no ko‘chishi yuz bergan. Ushbu musiqiy termin musiqiy cholg‘u nomlarining “tutqich” qismini ifodalaydi: “Dasta (fors.) – torli cholg‘u asboblarda maxsus, qattiq yog‘ochdan qilingan va tovush beruvchi kosaning yuqori qismiga o‘rnatilgan turli shakldagi yog‘och”. Ushbu termin o‘zlashma so‘z bo‘lib, o‘zbek tilining terminologik tizimiga xos.

“Parda – 1. Musiqa cholg‘u asboblarning ma’lum balandlikdagi tovushlarini olish uchun chap qo‘l barmoqlari bilan bosiladigan o‘rni. 2. Parda dutor, tanbur, rubobga o‘xshash cholg‘u asboblarda dastaga bog‘lanadigan, qo‘y ichagidan qilingan ip. 3. Musiqali sahna asarlarining tugal yirik qismi – akt”. Ushbu termin “to‘siq” ma’nosini ifodalovchi o‘zlashma so‘zning bajaradigan vazifasi jihatdan metafora usulida ma’no ko‘chishi orqali hosil bo‘lgan.

“Qovurg‘a – dutorning kosasi ayrim yupqa taxtachalarning bir-biriga ulanishidan tuziladiki, mana shu kichik taxtachalar “qobirg‘a” deb ham ataladi”. Ushbu so‘z leksik qatlamdan terminologik tizimga shakl o‘xshashligi asosida ma‘no ko‘chishi natijasida o‘tgan.

Bunday musiqiy terminlar uslubiy xoslangan bo‘lib, hissiy bo‘yoqdorlikka ega emas. Ular musiqiy terminologiya sohasining musiqiy cholg‘u qismlarini ifodalash jarayonida termin darajasiga ko‘tarilgan.

Musiqiy terminlar badiiy uslubda, asosan, she‘r va g‘azallar tarkibida turli xil semantik o‘zgarishlarga uchrab, badiiy tasvir vositasi vazifasini bajaradi. XV asrda yashab ijod etgan Ahmadiy taxallusi bilan she‘rlar yozgan ijodkorning “Sozlar munozarasi” asarida musiqiy terminlarda ko‘chim xususiyati yaqqol namoyon bo‘lgan. Masalan:

“Nuql g‘amu boda yurak qonidan,

Ud xijil nolishim afg‘onidin”[13]. Ushbu baytda ijodkor insongagina xos bo‘lgan “xijil bo‘lmoq” ma‘nosini “ud” cholg‘usining holatinini ifodalash uchun qo‘llab, badiiy ko‘chim orqali musiqiy terminga “xijil bo‘lmoq” xususiyatini yuklaydi.

“Majlisida hozir edi jam‘i soz,

Har biri bir pardada go‘yoyi roz”.

Ushbu baytda ijodkor “soz”, “parda” kabi musiqiy terminlarni badiiy ifodani jonlantirish maqsadida qo‘llaydi. Go‘yoki, barcha musiqiy cholg‘ular bir joyga yig‘ilib, o‘z pardalarida suhbatlashmoqdalar. Ma‘noviy ko‘chim musiqiy terminlar orqali jonlantirilgan.

Asarda ud sozi tilga kirib:

“Dediki: - Men barchangizga shohmen,

Jumla maqomatin ogohmen”, - deya o‘zini har nedan ogohlik ma‘nosini “maqomat” termini orqali bayon qiladi. Ya‘ni “maqomat arabcha maqomlar” ma‘nosini beradi. Ammo ushbu baytda u “har ne holatdan” ma‘nosini ifodalash uchun qo‘llanilgan.

Udning bu da‘vosini eshitgan “tanbura” cholg‘usi:

Barcha maqomatlarindin qolib,

Homila xotun kibi qorning solib,

Egri bo‘lib bo‘ying-u boshing sening,

Qolmadi behuda taloshing sening”, - deya go‘zal o‘xshatishni bayon qiladi. Ud cholg‘usining tashqi ko‘rinishini ijodkor ajoyib holat bilan ifodalashga erishadi. Go‘yoki, udning katta qorni “homilador ayolning qorniga” o‘xshatilib, endi uyatdan boshi egik holatda ekani aytiladi. Ahmadiy ushbu bayt orqali o‘quvchi ko‘z o‘ngida ud cholg‘usining tashqi ko‘rinishini mahorat bilan tasvirlaydi.

Tanburaning ustidan kulgan “qo‘buz”ga:

Tanbura dedi: - qo‘buze behayo,

Ochmag‘in og‘zimni, baroyi xudo.

Kim sanga tegmas degasen mouman,

Yuzunga choruq kibi tortib sozan.” Ushbu baytlarda “qo‘buz” va “sozan” musiqiy terminlari qo‘llangan bo‘lib, bu davrda ushbu cholg‘uning “sozan” nomli asbob orqali chalishganini go‘zal badiiy tasvir va jonlantirish orqali bayon qiladi. Bizningcha, “sozan” bugungi kundagi “kamon” bajargan vazifa, ya‘ni qo‘buzning yuzini tirnab chalish vazifasini bajargan.

Ahmadiyning “Sozlar munozarasi” nomli asarida musiqiy cholg‘ular turli ko‘chimlar orqali jonlantirilgan. Asarda “yotug‘on” musiqiy cholg‘u nomi ham keltirilgan bo‘lib, uning xususiyatlarini ijodkor tanbur tilidan bayon qiladi:

“Marakada yotqurub urg‘on seni,

Xushlar urar ulki midog‘on seni”.

Demak, bu cholg‘u xalq marakalarida, to‘y-u tomoshalarida ijro etiluvchi urma-zarbli cholg‘udir. Ushbu termin bugungi kunda istorizmlar tarkibiga kirgan.

Shuningdek, munozaraga qo‘shilgan “rubob” cholg‘usini ijodkor tanbur tilida:

“Seni Abubakr rabboni urub,

Qo'ydi mulinglar eliga topshurib", - deya tasvirleydi. Bu bilan ijodkor ushbu cholg'uning Abubakr rabboni tomonidan yaratilganiga ishora qiladi. Shu bilan ijodkor "rubob" so'zining "rabboni" so'zidan shakllaniga urg'u bermoqchi bo'ladi.

Asarda "g'ijjak" cholg'usining "kamon" bilan chalinganini go'zal o'xshatishlar orqali bayon qiladi. Shuningdek, "kungura" nomli cholg'uni tasvirlar ekan:

Boshing-ayog'ing sening ikki kadu,

Sen kibi rasvo manga bo'lg'ay adu", - deya bu cholg'uning "ikki kadu"dan iborat ekanini aytadi.

Munozara yakunida ijodkor:

"Ushbu muhol uzra fig'on tuzdilar,

Musiqoning majlisini buzdilar", - deya musiqiy sozlar piri "musiqa"ni jonlantiradi.

"Oqibatikor o'shal jami soz,

Qildilar ohangi yarashmoqni soz" bayti orqali ijodkor cholg'u ma'nosini beruvchi "soz" musiqiy terminining "yaxshi" ma'nosini beruvchi so'z bilan omonim shaklda qo'llash orqali tajnis san'atini hosil qilgan.

Ahmadiyning 6 sahifadan iborat "Sozlar munozarasi" asarini tahlil etish jarayonida ijodkorning musiqa ilmidan xabardorligiga va badiiy qobilyatiga amin bo'lindi. Chunki, asarda ijodkor musiqiy terminlardan badiiy tasvir yaratishda mahorat bilan foydalanadi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations) Demak, musiqiy terminlar semantik usuldametafora orqali yasaladi hamda badiiy asar tarkibida ma'no ko'chishiga uchrab, jonlantirish, epitet, metafora, o'xshatish kabi uslubiy vasitalar bo'lib kela oladi. Natijada badiiy asar ta'sirchanligi, obrazlilik ta'minlanadi. Asosan cholg'u nomlari va ularning qismlarini ifodalovchi hamda moqom tarkibiga oid musiqiy terminlar badiiy asar tarkibida yuqoridagi vazifalarni bajaradi. Shuningdek, ushbu terminlar tarkibida snekdoxa, metanomiya usullari orqali hosil bo'lganlarini aniqlash, ularning badiiy uslubdagi semantik taraqqiyotini belgilash kelgusidagi tadqiqqlarimiz maqsadidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasi prezidentining farmoni. PF-5850. 21.10.2019. Lex.uz
2. Галимова Е. Традиционная музыкальная культура пермских татар. Казань, 2017.
3. Назарова Ж.А. К истории музыкальной терминологии западноевропейского происхождения в русском языке (название музыкальных инструментов). Автореф. Канд.филол.наук, 1973.
4. Самушиа Ш.Д. Музыкальная терминология в современном русском языке. Автореф. Канд.фил. наук. – Тбилиси, 1969.
5. Shodmonov N. Abdurahmon Jomiyning musiqiy atamallari. Phd. – Toshkent, 1997.
6. Aripov Z. Arab musiqa terminlari tizimining shakllanishi va taraqqiyoti (X-XV asrlar O'rta Osiyo olimlarining musiqashunoslikka oid asarlari asosida). DSc., 2019.
7. Dadaboyev H. O'zbek terminologiyasi. – Toshkent, 2020. – B.91.
8. Petrovskaya O. Формирование и развитие музыкальной терминологии исполнительского искусства на материале (русского, итальянского, английского, французского языков. Автореферат. Майкоп, 2009. – С. 25-30.
9. Mahmudov N. Termin, obrazli so'z va metafora // O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2013. – 4-son. B. – 3-4.
10. Usmonov F. Termin, metafora va sinonimiya // Nutq madaniyati va o'zbek tilshunosligining dolzarb masalalari. Respublika ilmiy anjumani materiallari. Andijon, 2015. – B. 35.
11. Suvanova R. Metaforalar tasnifiga doir // O'zbek tili va adabiyoti. Toshkent, 2010. 6-son. – B. 111-112.
12. Akbarov I. Musiqa lug'ati. –Toshkent, 1987. – B.168.
13. Ahmadiy. Sozlar munozarasi. www.ziyouz.com

UO'K 808.3

KADASTRGA OID QISQARTMA SO'ZLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA IFODALANISHI

Z.R. Fattoyeva, assistent, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

Annotasiya. Tilshunoslik insoniyat tilini o'rganadigan mustaqil fan bo'lib, tilning paydo bo'lishi va rivojlanishi, til va tafakkur, til va jamiyat o'rtasidagi munosabatlar, tilning jamiyatdagi o'rni, ichki tuzilishi - tilning tasnifi, uni tahlil qilish usullari va shu kabi masalalarni o'rganadi. Ushbu

maqolada kadastrga oid qisqartmalarining ingliz va o'zbek tillarida ifodalanishi, ularning yasash qoidalari, shuningdek, farqli va o'xshashlik jihatlari yoritilgan.

Kalit so'zlar: tilshunoslik, fan, atama, lingvistika, qisqartma so'zlar, abbreviatura, olimlar, manbaa, tushuncha, nutq jarayoni, farq, soha, kadastr, atama, AutoCAD, BRL.

Аннотация. Лингвистика это самостоятельная наука, изучающая язык человечества, изучающая такие вопросы, как возникновение и развитие языка, язык и мышление, взаимоотношения языка и общества, место языка в обществе, его внутреннее строение-классификация языка, методы его анализа и тому подобное. В этой статье рассматривается выражение кадастровых сокращений на английском и узбекском языках, правила их создания, а также различия и сходства.

Ключевые слова: Лингвистика, наука, термин, аббревиатуры, ученые, источник, понятие, речевой процесс, различие, отрасль, кадастр, термин, АКД.

Abstract. Linguistics is an independent science that studies the language of mankind, the emergence and development of language, language and thought, the relationship between language and society, the role of language in society, its internal structure - the classification of language, the methods of its analysis and the others. This article deals with the definition of cadastral abbreviations in English and Uzbek languages, their rules of legalization, the differences and similarities between these languages.

Key words: linguistics, science, term, abbreviated words, abbreviation, scientists, source, concept, speech process, difference, sphere, cadastre, term, AutoCAD.

Azaldan bizga ma'lumki, tilshunoslik insoniyat tilini o'rganadigan mustaqil fan bo'lib, ushbu atama bilan bir qatorda ilmiy manbaalarda lingvistika atamasi ham keng qo'llanib kelmoqda. Tilshunoslik tilning paydo bo'lishi va rivojlanishi, til va tafakkur, til va jamiyat o'rtasidagi munosabatlar, tilning jamiyatdagi o'rni, ichki tuzilishi - tilning tasnifi, uni tahlil qilish usullari va shu kabi masalalarni o'rganadigan- fandır. Til - nutq bo'lib, fikr, his-tuyg'u, istak kabilarni ifodalashda xizmat qiladigan fonetik, leksik va grammatik vositalar tizimi; kishilar orasida asosiy va eng muhim aloqa, fikrlashuv quroli bo'lib xizmat qiladigan ijtimoiy hodisa. Tilshunoslikning bir qismi hisoblanmish qisqartma so'zlar, abbreviatura yillar davomida qator olimlar tomonidan o'rganilib, ko'plab ilmiy manbaalarda yoritilgan. Ushbu tushunchalarni o'rganishda O.Yesperson, G. Kannon, L. Blumfeld, N.N.Alekseyeva, V.P.Korovushkin, L.B.Tkacheva V.V.Borisov, I.V,Arnol'd, M.T.Irisqulov, A.Hojiev kabi olimlar o'z hissalarini qo'shganlar. Tilshunoslikda qisqartma so'zlar hamda abbreviatura tushunchalari keng qo'llanib kelinmoqda. Bu atamalar o'rtasida deyarli katta farq bo'lmasa-da, ularning har ikkalasi alohida atama sifatida o'rganilgan. Ushbu atamalarni alohida tushuncha sifatida ko'rib chiqadigan bo'lsak, ularning har biriga tilshunoslikka oid manbaalarda quyidagicha ta'rif berilgan: Qisqartirish natijasida olingan so'zlar qisqartmalar yoki murakkab so'zlar deb ataladi. Qisqartma so'zlar bu mustaqil so'z birikmalarining bosh harflarini yoki ma'lum bir qismini qo'shish orqali hosil qilingan so'zlardir. Qisqartma so'zlarni quyidagi misollarda ko'rishimiz mumkin:

mat-chet – matematika – chet tili yo'nalishi, BMT - Birlashgan millatlar tashkiloti, IIB – Ichki ishlar boshqarmasi.

Qisqartmalar nutq jarayonida ixchamlikka erishish zarurati tufayli dastlab yozma nutqda paydo bo'lib, keyinchalik og'zaki nutqda ham foydalana boshlangan.

Qisqartma so'zlar, asosan, ot turkumiga mansub bo'lib, quyidagi usullar orqali hosil qilinadi:

1) so'z birikmasi komponentlarining birinchi harflarini qo'shish orqali. Masalan, DTS - Davlat ta'lim standarti, MTRK – Milliy teleradiokompaniya; Qisqartma so'zlarning ushbu turi ilmiy adabiyotlarda abbreviatura deb ham ataladi;

2) so'z birikmasi tarkibidagi 1-so'zning 1-bo'g'inini, qolgan so'zlarning 1-harflarini olib qo'shish orqali hosil qilinadi. Masalan, O'zMU - O'zbekiston milliy universiteti, O'zAS - "O'zbekiston adabiyoti va san'ati";

3) so'z birikmasi tarkibidagi so'zlarning bosh qismlarini olib qo'shish orqali - biofak - biologiya fakul'teti, jurfak - jurnalistika fakul'teti;

4) so'z birikmasi tarkibidagi 1-so'zning 1-bo'g'inini, qolgan so'zlarni qisqartirmay qo'shish orqali -O'zdonmahsulot, O'zgazloyiha;

5) aralash yo'l orqali -O'zbektelekom, O'ztelekomi kompaniya, O'zavtoyol va boshqalarni bunga misol tariqasida ko'rsatishimiz mumkin.

Qisqartma so'zlar xalqaro tashkilotlar (BMT, YuNESKO), mamlakat va davlatlar (BAA, RF, AQSh), siyosiy partiyalar, harbiy uyushmalar (O'zLDP, NATO), ilmiy-o'quv muassasalari (O'zRFA, O'zDJTU, BuxDU), vazirlik, idora, muassasa, tashkilot, korxonalar (XTV, DTM, O'zmashholding, Toshshaharnur), mashina, asbob-uskunalar va inshootlar (EHM, ATS, GES) va boshqalarning nomlarini bildiradi. Qisqartma so'zlar tayyor holda boshqa tillardan o'zlashtirilishi (YuNESKO, FIFA, FIDE, NATO) yoki muayyan til, masalan, o'zbek tili leksik birliklari asosida hosil qilinishi ham mumkin. Keyingi turga mansub o'zbekcha qisqartma so'zlarning aksariyati rus tilidagi so'z birikmalari va ular asosidagi qisqartma so'zlarning ko'chirmalari hisoblanadi, masalan, BMT-OON, DAN-GAI, OAV - SMI, YeHM-EVM kabi [5]. Qisqartma so'zlardan farqli ravishda, abbreviatura – ital'yancha “abbreviature”, lotincha “abbrevio” degan so'zlardan olingan bo'lib, qisqartma, qisqartiraman degan ma'nolarni ifodalaydi. Tilshunoslikda abbreviatura so'z birikmalarini qisqartirish orqali hosil qilingan so'zlar hisoblanadi. Abbreviatura quyidagi turlarga ajratiladi: a) birikma tarkibidagi so'zlar birinchi harflari alifbo tartibida o'qiladi yoki oddiy so'z – harflar anglatgan tovushlar kabi talaffuz yetiladi. Masalan, OTM (o-te-em)– Oliy ta'lim muassasasi, MDH (em-de-he)- Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi; b) murakkab qisqartma so'zlar: So'z birikmalari tarkibidagi so'zlarning birinchi harflaridan tashqari, ularning ma'lum qismlari (morfemalari) olinib yasaladi. Masalan, O'z.Res.- O'zbekiston Respublikasi, filfak (filologiya fakul'teti) [6]; Ushbu qisqartmalar nafaqat tilshunoslikda, balkim har bir sohada, ya'ni sohaga doir atamalar orasida ham anchani tashkil qiladi. Sohaga oid qisqartma so'zlar atamalarini ixchamlashtirishga katta yordam beradi. Quyida kadastr sohasiga oid ba'zi bir qisqartma so'zlarni ingliz va o'zbek tillarida ifodalanishini ko'rib chiqamiz:

№	ENGLISH	UZBEK
1.	AUTOCAD-Automatic computer-aided design	AKD-Avtomatik komp'yuter dizayn
2.	BRL – Building Restriction Line	QChCh -Qurilishni Cheklash Chegarasi
3.	BS – Back Sight	TK-teskari ko'rish
4.	BSL – Building Setback Line	BBCh-Binoning Boshlanish Chegarasi
5.	CL – Center Line	MCh-Markaziy Chiziq
6.	ConMonF–Concrete Monument Found	BBP-Beton bino poydevori
7.	EBL – East Boundary Line or Eastbound Lane	ShChCh- Sharqiy Chegara Chizig'i
8.	EDM-Electronic distance measurement	EMO'-Elektron Masofaviy O'lchagich
9.	EIP – Existing Iron Pipe	MTQ- Mavjud Temir Qoziq
10.	FD – Found	P.-poydevor
11.	GPS-Global Positioning System	GNT-Global Navigasiya Tizimi
12.	IPF – Iron Pipe/Pin found	TQP-temir qoziq poydevor
13.	IRF – Iron Rod Found	TBQP-Temir –beton qoziqli poydevor
14.	IRS – Iron Rod Set	TQM-Temir qoziq majmui
15.	L.O.D. – Limit of Disturbance	BCh-Buzilish chegarasi
16.	NBL – North Boundary Line or Northbound Lane	ShChCh- Shimoliy Chegara Chizig'i
17.	NIP – New Iron Pin	YaTQ-Yangi temir qoziq
18.	SBL – South Boundary Line or Southbound Lane	JChCh-Janubiy chegara chizig'i
19.	SC – Standard Corner	SB-Standart burchak
20.	SR – Steel Rebar	PA-Po'lat armatura

Ushbu misollardan ko'rinib turibdiki, garchi bir sohaga tegishli bo'lsada, ingliz va o'zbek tillarida atamalarining qisqartmasi turli xil usullarda yasalgan. Qisqartmalarni tarjima qilish texnikasi va qoidalari qisqartmaning umumiy qabul qilinganligi yoki muallifligiga bog'liq. Umumiy qabul qilingan qisqartmalarni tarjima qilish mualliflikka qaraganda osonroq. Biroq, bu yerda qiyinchilik texnik atama doimo ravishda yangilanib turadi. Hatto bugungi kunda umumiy qabul qilingan atamalar ham rasman chop etilgan akademik lug'atlarda qayd etilmasligi mumkin. Muallif tomonidan tarjima qilingan qisqartmalarni tarjima qilish yo'llari yanada qiyinlashadi. Uning murakkablik

shundaki, bunday qisqartmalar ma'nosi boshqa bo'lishiga qaramasdan boshqa soha atamaları bilan mos kelmasligi kerak. Bu esa muallifdan diqqat va e'tiborni talab qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Volkov A. Аббревиатуры – Православная энциклопедия .Под ред. Патриарха Московского и всея Руси Кирилла. Москва: 2000. С. 35–37.
2. Irisqulov M.T. Tilshunoslikka kirish –Toshkent :Yoshlar matbuoti , 2009.
3. Nabiya Idrisovna, A., Maqsudovna, A. M., Abduraxmonova, S. D., &Raxmatovna, F. Z. (2020). Abilities to Express Lexical Units in Translation. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(1).
4. Abdullayeva Nabiya Idrisovna. (2021). Skills of discovering students' psychological character in the world and Uzbek literature. Philosophical Readings, XIII(4), 619–625. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5083298>
5. Abdullayeva N.I. (2020). Students portrait and its features in English literature. Journal/X. Multidisciplinary Peer reviewed journal.6.Issue 4
6. Abdullayeva, N. I., Sulaymonova, D. H., &Fattoyeva, Z. R. (2019). Methods of teaching in foreign and nonspecific directions. European Journal of Business & Social Sciences,(7), 610-611.
7. Sulaymonova, D. H. (2020). Music and songs as an effective means of teaching foreign languages in ESP classes. InternationalJournalofInnovationinEngineeringresearchandtechnology.
8. Xamzayevna, SulaymanovaDilnoza (2021) Web of Scientist: International Scientific Research Journal, Volume 2, Issue 5, P531-534
9. Sulaymonova, D. H. (2021). Ways of using innovative methods in teaching english. E-Conference Globe, P 179-183
10. Rakhmatovna, F. Z. (2021). Shortened words or abbreviation similarity and differences. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(05), 480-484.

UDC 81-13

THE TYPES OF TASKS AND THEIR USAGE IN CLASS

Fozilova N., lecturer, Fergana Institute of Public Health, Fergana

Annotatsiya. 1980-yillarda til o'qitishning asosiy yutuqlaridan biri bu vazifaga asoslangan holda o'qitishning favqulodda holati edi. Bu o'quvchilarning nafaqat tilni bilishi, balki kommunikativ maqsadlarga erishish uchun undan foydalanish ko'nikmalarini rivojlantirishini ham ko'rsatgan muhim harakat edi.

Kalit so'zlar: vazifa, muloqot, axborot bo'shlig'i, tajribali o'rganish, dialoglar, rolli o'yinlar.

Аннотация. Одним из основных событий в преподавании языка в 1980-х годах, соприкасавшимся с коммуникативным преподаванием языка, была чрезвычайная ситуация, связанная с преподаванием и изучением языка на основе заданий. Это было важным движением, которое подчеркнуло, что учащимся необходимо не только знать язык, но и развивать способность использовать его для достижения коммуникативных целей.

Ключевые слова: задача, общение, информационный разрыв, экспериментальное обучение, диалоги, ролевые игры.

Abstract. One of the major developments in language teaching in the 1980s, in contact with communicative language teaching was the emergency of task-based language teaching and learning. This was an important movement that highlighted students not only need to have knowledge of a language but also need to develop the ability to use it to achieve communicative purposes.

Key words: task, communication, information gap, experiential learning, dialogues, role plays.

The types of tasks and their usage in class. The concept of "task" has become an important element in syllabus design, classroom teaching and learner assessment. It highlights major research agendas and it has impacted on educational policy making in both ESL and EFL. Pedagogically, task-based language teaching has strengthened the following principles and practices:

1. To introduce authentic materials into the learning situation.
2. To enhance learners' private experience and knowledge as vital contributing factors to classroom learning
3. To create a connection of classroom language learning with language use outside the classroom.
4. Communication by interactive methods in the second language teaching

5. To focus on learners attention not only on language but also on the language process itself.

The clear definitions of the terms target task and pedagogical tasks should be mentioned here. Target tasks refer to the tasks which are used outside of the classroom. However, pedagogical tasks mean the tasks that happens in the classroom. A task is a work-plan that requires to process language pragmatically in order to achieve an outcome that can be evaluated in terms of whether the correct or appropriate propositional content has been conveyed.

Experiential learning. An important conceptual basis for task- based language teaching is experiential learning. This approach takes the learner's immediate personal experience as the point of departure for the learning experience. Intellectual growth occurs when learners engage in and reflect on sequences of tasks. The active involvement of the learner is therefore central to the approach, and a rubric that conveniently captures the active, experiential nature of the process is 'learning by doing'. In this, it contrasts with a 'transmission' approach to education in which the learner acquires knowledge passively from the teacher. Experiential learning has roots in a range of disciplines from social psychology, humanistic education, developmental education and cognitive theory. Experiential learning theory provides the basic philosophical view of learning as part of personal growth. The goal is to enable the learner to become increasingly self- directed and responsible for his or her own learning. This process means a gradual shift of the initiative to the learner, encouraging him or her to bring in personal contributions and experiences. Instead of the teacher setting the tasks and standards of acceptable performance, the learner is increasingly in charge of his or her own learning.

According to David Nunan there are seven principles for task- based language teaching: Principle 1: Scaffolding Lessons and materials should provide supporting frameworks within which the learning takes place. At the beginning of the learning process, learners should not be expected to produce language that has not been introduced either explicitly or implicitly. Principle 2: Task dependency within a lesson, one task should grow out of, and build upon, the ones that have gone before. The task dependency principle is illustrated in the instructional sequence above which shows how each task exploits and builds on the one that has gone before. Principle 3: Recycling. Recycling language maximizes opportunities for learning and activates the 'organic' learning principles. Principle 4: Active learning. Learners learn best by actively using the language they are learning. Here the active tasks are given to the learners. Principle 5: Integration Learners should be taught in ways that make clear the relationships between linguistic form, communicative function and semantic meaning. More recently, applied linguists working within the framework of systemic functional linguistics have argued that the challenge for pedagogy is to 'reintegrate' formal and functional aspects of language, and that what is needed is pedagogy that makes explicit to learners the systematic relationship between form, function and meaning. Principle 6: Reproduction to creation Learners should be encouraged to move from reproductive to creative language use. In reproductive tasks, learners reproduce language models provided by the teacher, the textbook or the tape. These tasks are designed to give learners mastery of form, meaning and function, and are intended to provide a basis for creative tasks. In creative tasks, learners are recombining familiar elements in novel ways. Principle 7: Reflection Learners should be given opportunities to reflect on what they have learned and how well they are doing. The types of tasks. There many different types of tasks on task based language. For example: Information gap Reasoning gap Opinion gap.

Information gap: it involves a transfer of given information from one person to another- or from one form to another, or from one place to another- generally calling for the decoding or encoding of information from or into language. One example is a pair or in which each member of the pair has a part of the total information and attempts to convey it verbally to the other.

Reasoning gap: it involves deriving some new information from given information through processes of inference, deduction, practical reasoning, or a perception of relationships or patterns.

Opinion gap: it involves identifying and articulating a personal preference, feeling, or attitude in response to a given situation. One example is story completion; another is taking part in the discussion of a social issue. The activity may involve using factual information and formulating

arguments to justify one's opinion, but there is no objective procedure for demonstrating outcomes as right or wrong, and no reason to expect the same outcome from different individuals or on different occasions. Another typology that appeared at about the same time as that proposed by Pattison (1987), he sets out seven tasks and activity types.

Questions and answers. These activities are based on the notion of creating an information gap by letting learners make a personal and secret choice from a list of language items which all fit into a given frame. The aim is for learners to discover their classmates' secret choice. This activity can be used to practice almost any structure, functions or notion. Dialogues and role plays. These can be wholly scripted or wholly improvised. However, if learners are given some chance of what to say, and if there is a clear aim to be achieved by what they say in their role plays, they may participate more willingly and learn more thoroughly than when they are told to simply repeat a given dialogue in pairs. Matching activities. The task is for the learner to recognize matching items, or to complete pairs or sets. "Bingo" "Happy families" (where learners match given phrases) are examples of matching activities. Communication strategies. These are activities designed to encourage learners to practice communication strategies such as borrowing, inventing words, using gestures, asking for feedback and simplifying. Picture and picture stories. Many communication activities can be stimulated through the use of pictures (spot the difference, memory, test, sequencing pictures to tell a story.) Puzzle and problems. The following scheme proposes five different strategy types: 1.Cognitive; 2.Interpersonal; 3.Linguistic; 4.Affective; 5.Creative;

Task-types. The value of tasks resides in the fact that they represent a worthwhile, integrative, purposeful, contextualized piece of work. Building on this value, tasks may be grouped in different ways to ensure a comprehensive range and variety of experiences for learners. These groupings are called task-types. The most frequently used way of categorizing tasks is according to the four macro-skills: listening, speaking, reading and writing. According to neither way was developed in the six activity-types. These include: interacting and deciding/transacting; obtaining information and using it; giving information personal response; personal expression. Another system of task-types focuses on higher order thinking skills: enquiring, interpreting; presenting; problem-solving; performing; creating, designing, composing; judging, evaluating, responding.

Thus, the task-type categories provide a means for ensuring that students engage with a range of learning experiences, participate in a range of language use in different contexts and, through this, learn increasingly to manage the variability of context. A dimension that is not sufficiently captured in these systems of task-type categorizations is a focus on reflection.

REFERENCES:

- 1.Schleicher, A. & Stewart, V. (2008, October). Learning from world-class schools.Educational Leadership, 66(2), 44-51.
2. Hanushek, E. A., Jamison, D. T., Jamison, E. A., &Woessmann, L. (2008, Spring). Education and economic growth.
- 3.Globalization and the Educational Needs of the 21st century by Jose Ramon Abad(may 2003)

UO'K 808.5

ALISHER NAVOIYNING "SADDI ISKANDARIY" DOSTONIDA FOL MOTIVI VA UNING ILDIZLARI

I.Ismoilov, PhD, Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada jahon adabiyotida muhim o'rin tutuvchi Psevdo-Kallisfen an'anasi va uning sharq adabiyoti, xususan, Alisher Navoiy ijodiga ta'siri, fol motivi masalalari tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: Psevdo-Kallisfen, an'ana, Alisher Navoiy, Aleksandr (Iskandar), fol motivi.

Аннотация. В данной статье анализируется традиция Псевдо-Каллисфена, которая занимает важное место в мировом литературе и её воздействие на восточную литературу, особенно на творчество Алишера Навои, мотив пророчество.

Ключевые слова: Псевдо-Каллисфен, традиция, Алишер Навои, Александр (Искардер), мотив пророчество.

Abstract. The article analysis the Pseudo-Callisthenes tradition, that plays an important role in world literature, and its influence on oriental literature, in particular, on the work of Alisher Navoi.

Keywords: Pseudo-Callisthenes, tradition, Alisher Navoi, Alexander (Alexander), tarot motif.

Aleksandr Makedonskiy hayotiga oid turli epizodlar (haqiqiy va xayoliy) haqida qiziqarli tarzda hikoya qiluvchi "Aleksandr romani" o'rta asrlarda juda mashhur bo'lgan. U yunon tilidagi asl matndan Yevropa, Osiyo va Afrikadagi turli tillarga tarjima qilingan. Mana shu jarayonda asarning muallifligi ba'zi qo'lyozmalarda noto'g'ri tarzda yunon tarixchisi, Aristotelning jiyani Kallisfenga nisbat berilgan, shu bois ushbu asarni "Psevdo-Kallisfen" (Soxta Kallisfen) deb atash ham urf bo'lgan. Tarixdan ma'lumki, Kallisfen haqiqatan saroy tarixchisi bo'lgan va Aleksandrning salnomachisi sifatida faoliyat ko'rsatgan, biroq u Aleksandrning hukmi bilan zindonband etilgan va Aleksandrdan ancha oldin vafot etgan. Tabiiyki, u Aleksandr hayoti va yurishlarini to'liq yoza olgan emas. Shu tariqa, noma'lum muallif hanuzgacha "Psevdo-Kallisfen" (Soxta Kallisfen) nomi bilan mashhur bo'lib kelmoqda.

Aleksandr Makedonskiyning hayoti va yurishlari to'g'risida hikoya qiluvchi bu asarning asl versiyasi milodiy 338-yilga qadar yunon tilida yozilgan. Ayrim tadqiqotchilar fikricha, romanning yozilishi miloddan avvalgi III asrdan boshlangan va milodiy III asr boshlarida qayta to'ldirilgan. Roman garchi tarixiy yadro atrofida qurilgan bo'lsa-da, asosan badiiy to'qima, xayoliy-fantastik uydirmalardan iborat. Uning sujeti asrlar davomida rivojlanib borgan, turli afsonalar va xayoliy elementlarni o'ziga singdirgan. Roman ko'plab nusxalarda ko'chirilgan va tarjimalar qilingan. IV – XVI asrlar orasida "Aleksandr romani" kopt, arab, fors, arman, suriya, ibroniy va o'rta asrlar Yevropa xalqlari tillariga tarjima qilingan, mazkur jarayonda asar voqealari son-sanoqsiz o'zgarishlarga uchrab boravergan. Asl yunon romaniga tayanuvchi turli xil asarlar ko'pligi tufayli ba'zan "Aleksandr romani"ga alohida asar emas, balki *adabiy janr* sifatida ham qarashadi.

Tadqiqotchilarning fikricha, milodiy III asrda tartib berilgan yunoncha matnning eng qadimgi nusxasiga asoslangan boshqa versiyalar orasida suryoniy versiya (VII asr) ham alohida e'tiborga molik. Ayni ushbu versiya "Psevdo-Kallisfen" (Soxta Kallisfen)ning arab versiyalari yuzaga kelishi va Sharqda keng ommalashishiga asosiy omil bo'lgan. Psevdo-Kallisfen an'anasini maxsus tadqiq etgan Faustina Doufikar-Aertsning tasdiqlashicha, Firdavsiyning "Iskandarnoma" dostoni aynan suryoniy versiya ta'siri ostida yozilgan [1, p. 91]. Ko'pgina sharq tarixchilari ham o'z asarlarida ayni shu versiyaga tayangan. Ayrim manbalar, "Psevdo-Kallisfen"ning pahlaviy versiyasi mavjud bo'lganini ham ko'rsatmoqda.

Firdavsiyning "Iskandarnoma" dostoni sharq adabiyotida masnaviy shaklida yozilgan dastlabki yirik asarlardan biri bo'lib, keyinchalik u ko'pgina shu tipdagi asarlar yaratilishiga asos bo'ldi. Xususan, xamsanavislik an'anasi doirasida yaratilgan barcha iskandarnomalarda bevosita yoki bilvosita ta'sirini ko'rsatdi. Aytish mumkinki, Alisher Navoiy ham "Saddi Iskandariy" dostonini yaratishda ushbu asar bilan yaqindan tanish bo'lgan, qolaversa, Navoiy ko'proq tayangan Nizomiy ham o'z "Iskandarnoma" sini yaratishda Firdavsiydan ta'sirlangan edi. Bizningcha, Psevdo-Kallisfen an'anasi va Alisher Navoiyning "Saddi Iskandariy" dostonini qiyosiy o'rganishga yetarli asoslar mavjud va bunday yondashuv juda ko'p qiziqarli kuzatishlar, xulosalarga sabab bo'ladi.

Misol uchun, "fol" motivining badiiy transformatsiyasi masalasini tahlil etish ushbu manbalarning qanchalik o'zaro aloqadorligini tushunishda muhim ahamiyat kasb etadi. "Psevdo-Kallisfen"da fol, umuman yo'yimlar juda ko'p uchraydi yoki asar sujetining asoslaridan biri deyish ham mumkin. "Psevdo-Kallisfen"ning bosh qahramonlaridan biri Nektanebus (so'nggi fir'avn) kohinsifat odam, munajjim kishi edi va u kelajak haqida fol orqali bilardi. Masalan, dushmanlar hamlasi va ularni qaytarish uchun mis tog'araga yomg'ir suvini to'ldirib, unga kemalar va odamlarning maketlarini solib, o'zining duolarini o'qib, farishtalar va xudolar orqali dushmanlariga qarshi kurashardi. Keyinchalik o'z yurtidan qochib ketgach, Pellaga boradi va u yerda ham bashoratgo'y va munajjim sifatida shuhrat qozonadi, malika Olimpiya huzurida ham fol ochadi. Yoki Nektanebus Olimpiya bilan qilgan axloqsizliklarini sun'iy tushlar vositasida pardalaydi. Jumladan, Filip urushda bo'lgan paytda Olimpiyaning homilador bo'lib qolishini izohlash uchun sehr orqali Filipga tush ko'rdiradi. Filip tushida o'rta yoshdagi, qo'chqordek shoxlari bor Ammonning Olimpiya

bilan yotgani, Olimpiya qornidagi homila o'zining zurriyodi ekani va tug'ilajak bola Olimpiyada va Filip uchun qasos olishini aytganini, Nildek daryo oqayotgani, zig'ir to'qiyotgan odam qiyofasini, Olimpiyadaning qorni oltin uzuk bilan muhrlangani va muhrning ustiga panjasida quyoshni ushlab turgan sher, yonida qamchin va qanotlari bilan pana qilib turgan qarchig'ay tasviri o'yib tushirilganligini ko'radi.

Filip bularni tushida ko'rgach, tongda ta'burchilarni chaqirtirib tushni aytib beradi. Keyin bu tush haqiqatligini, Olimpiyaning xudodan homiladorligini, zig'ir to'qiyotgan odamning nasli misrdan ekani, qornining oltin bilan muhrlanishi o'ta boyligiga ishora ekani, panjasida quyoshni ushlab turgan sher va qamchi uning Sharqqa borishi, sher kabi yurish qilib barcha mamlakatlarni bo'ysundirishi, qamchi bilan shaharlarni olishi hamda u ko'rgan o'rta yoshdagi, boshida shoxli bo'lgan xudo Liviya xudosi Ammon ekani va farzand undan bo'lganini ta'brilashadi [2, p. 8-9]. Bunday yo'yimlar bilan bog'liq epizodlar asarda juda ko'p.

Avvalo shuni qayd etish kerakki, sharqda yaratilgan iskandarnomalarda ham fol motivi keng tarqalgan va muhim o'rinlarda undan samarali foydalanilgan. Masalan, xamsanavislik an'anasi doirasidagi iskandarnomalarda keng tasvirlanuvchi ana shunday epizodlardan biri Iskandarning o'z o'limiga oid fol ko'rishi va uning amalga oshishidir. Psevdo-Kallisfenda ham Aleksandrning hayoti haqida fol ko'rish epizodi bor, faqat bu fol Aleksandrning o'zi tomonidan emas, otasi Filip tomonidan ko'riladi. Unga ko'ra, Filip yozgi oshyonda o'tirganda ko'pgina qushlar uning atrofida don cho'qib yurishar edi, qo'qqisdan bir makyon uning tizzasiga o'tirib tuxum qo'yadi, Filip tuxumni olib yerga qo'yadi va u dumalab borib yoriladi, ichidan kichik ilon chiqib, atrofida aylanib yuradi, so'ng ortiga qaytib, tuxumiga bosh suqishi bilan halok bo'ladi. Filip darrov Antifonni chaqirib, voqea haqida so'raydi. Antifon esa tug'ilajak bola o'g'il bo'lishi, shoh bo'lishi, u butun dunyoni kezib chiqib hamma odamlarni qudrati bilan o'ziga bo'ysundirishi, uni odam mag'lub eta olmasligi, ammo ortga qaytib, o'z yurtiga kelishi bilan bir necha kun ichida vafot etishini aytadi. Uning so'zlariga ko'ra, ilon – shohlik, tuxum – butun dunyoning belgisi; va o'sha yerdan chiqib, uning atrofida aylanib yurgan ilon qaytib kelib, boshini ichiga qo'yganda, darhol o'ldi: xuddi shu tarzda, u butun dunyoni aylanib o'tib, u o'z yurtiga qaytgan vaqtda o'ladi [2, p. 11]. Psevdo-Kallisfenda tasvirlangan ushbu voqeaning sarchashmasi Bibliyada. Bibliyada Danil (Donyor) payg'ambar sharqdan kelgan ikki shoxli qo'chqorni yenguvchi g'arbdan kelgan bir shoxli taka haqida so'zlar ekan, qo'chqorni yengganidan so'ng takaning shoxi tezda sinib, o'rnidan to'rtta shox o'sib chiqishini aytadi va bu – Aleksandrning Doroni yengib, tezda vafot etishi va uning o'rnida to'rtta sarkardasi hukmronlik qilishiga ishora, deb izohlanadi [3, glava 8]. Umuman, bunday bashorat-u talqinlar asosida Aleksandrning tarixan juda qisqa umr ko'rgani haqidagi haqiqatga ishora va aloqadorlik masalasi yotadi.

“Psevdo-Kallisfen”dagi mazkur epizod Nizomiy “Xamsa”sida biroz o'zgarishlar bilan tasvirlangan, uning ayrim izlarini Navoiy ijodida ham aniq kuzatish mumkin. Birinchidan, Filipning Iskandar kelajagiga oid ko'rgan tuxum bilan bog'liq tasodifiy foliga o'xshash holat Navoiyda ham tasvirlangan. Faqat Navoiy versiyasida bu bashoratni Faylaqus emas, balki Iskandarga dastlabki ta'limni beruvchi ustoz Naqimohus ko'radi. Naqimohus *ayn ul-yaqin* darajadagi ustoz bo'lib, u Iskandar tug'ilganida burjlar-u yulduzlar holatiga qarab, uning kelajakda butun dunyoni egallashi, barcha ilmlarda tengsiz bo'lishi, tilsimlar bog'lashi, sad qurishi haqida bilgan edi. Faqat Naqumohis bashoratlarida Iskandarning tezda vafot etishi motivi tushib qolgan, ya'ni Navoiy talqinida mazkur bashorat butunlay islomiy xarakter kasb etgan va shunga muvofiq unda “qisqa umr, tezda o'lish” haqidagi pessimistik nuqtalar optimistik qarashlar bilan almashgan.

Ikkinchidan, Navoiy dostonidagi yana bir epizodda Iskandar o'zining “oltin osmon va temir yer o'rtasida vafot etishi”ni fol ko'radi va bu ish sodir bo'ladi. Faqat Navoiyda ushbu fol Iskandarning o'zi tomonidan yoshligida ko'rilgani aytiladi. “Tuxumdan chiqqan ilonning yana tuxumda vafot etishi” hamda “oltin osmon va temir yer o'rtasida vafot etish” lavhalar orasida bog'lanish bor, ularni bir shaxsning o'limiga oid bashorat ekani birlashtirib turadi, faqat bu yerda tafsilotlar o'zgarib ketgan.

Uchinchidan, “Psevdo-Kallisfen”dagi mazkur fol epizodida muhim detal, motiv va o'xshatish mavjud. Bular “makiyon – qush” detali, “tuxum” motivi va tuxumning Yerga o'xshatilishidir. “Psevdo-Kallisfen”dagi mazkur fol epizodi ko'p jihatdan “Saddi Iskandariy”da tasvirlangan Doro va Iskandarning o'zaro turli vositalar orqali munozara qilgani haqidagi epizodni yodga solidi. U yerda

ham voqea “tilla tuxum” shaklidagi bojni so‘rashdan boshlanadi, tilla tuxum qo‘yadigan “qush” uchib ketgani aytiladi va Doro yuborgan “go‘y” Iskandar tomonidan “dunyo” deb talqin etiladi. Ushbu epizodlarda detal, motiv va o‘xshatishlar uyg‘unligidan tashqari voqea-hodisalarga oid yo‘ymilar, ularni izohlash tarzi ham juda o‘xshash. Garchi ikki epizod har ikki asarda turli o‘rinlarda va maqsadlarda keltirilgan bo‘lsa-da, ularning tasvir uslubi va maqsadlari bir xil. Shu bois bu o‘rinda, garchi chalkashlik asosida yuz bergan bo‘lsa-da, detal, motiv va tashbehtar transformatsiyasi haqida gapirish mumkin.

Umuman olganda, Psevdo-Kallisfen an‘anasida, xususan, suryoniy versiyada fol, kelajakni bilishga intilish motivlari juda muhim o‘rin tutadi, chunki Aleksandrning haqiqiy tarixida ham turli fol va tabirlar bilan bog‘liq voqealar juda ko‘p uchraydi. Bu hodisa, shubhasiz, sharqdagi iskandarnomalar, jumladan, “Saddi Iskandariy”da ham o‘z izlarini saqlab qolgan va asarning bir necha o‘rinlarida ushbu motivning turlicha badiiy transformatsiyalarini kuzatish mumkin. Navoiy dostonida saqlanib qolgan fol motivlarining ildizi, bir tomondan, Psevdo-Kallisfendagi fol motivlarining hosilasi va transformatsiyasi sifatida izohlanishi zarur. Faqat Navoiy asarida fol motivi yangicha sharoit va xarakter kasb etgan bo‘lib, bu jihatga alohida ahamiyat berish va tahlil etish kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Doufiker-Aerts Faustina. Alexander Magnus Arabicus. – Paris – Leuven – Walpole: 2010, Peeters. p. 91.
2. The History of Alexander the Great. Being the syriac version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts with an english translation and notes by Ernest A. Wallis Budge M.A. – Cambridge: At the university press, 1889. p. 8-9.
3. <http://bibliya-online.ru/kniga-proroka-daniila-glava-8/> (Tarjimasi: https://kitobook.com/web/Muqaddas-Kitob/27_Doniyor_MK.html) (10.04.2021)

UDC 81.22

PECULIARITIES OF TRANSLATION OF SCIENTIFIC AND TECHNICAL TEXTS

M.P. Jakbarov, teacher, Uzbekistan State University of World Languages, Tashkent

Аннотация. Ушбу мақолада илмий –техник матнларни таржима қилишнинг айрим хусусиятлари, шунингдек, илмий –техник матнлар билан ишлашнинг қийинчиликлари муҳокама қилинади. Ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблиги технология, илмий билим ва ютуқларнинг ривожланиши ва шу тариқа илмий –техник таржиманинг аҳамияти ортиб боришига асосланади. Ҳар йили маълум бир илмий –техник ихтиро билан бир қаторда, сўз бойлигимизда янги қадриятларга эга сўзлар пайдо бўлади. Илм бир жойда турмайди, шунинг учун илмий матнларнинг таржима даражаси вақт ва техника талабларига жавоб бериши керак. Мақолада шу каби назариялар асослаб берилади.

Калим сўзлар: илмий-техник таржима, қисқалик, изчиллик, материални тақдим этиши, терминологик бойлик, матннинг эмоционаллиги, фан соҳаси.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые особенности перевода научно-технических текстов, а также трудности работы с научно-техническими текстами. Актуальность предмета данного исследования основана на развитии технологий, научных знаний и достижений и, следовательно, на возрастающей значимости научно-технического перевода. Каждый год вместе с тем или иным научным и техническим изобретением в наших словарях появляются слова с новыми значениями. Наука не стоит на месте, поэтому уровень перевода научных текстов должен соответствовать требованиям времени и технологий. Данная статья основана на таких теориях.

Ключевые слова: научно-технический перевод, краткость, лаконичность, логичность, изложение материала, терминологическая насыщенность, эмоциональность текста, сфера науки

13. Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy. Asarlar. III jild. Zubtatu-t-tavorix. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi N.Jabborov. Toshkent: 2019. – B. 124.
14. Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyozu-d-davla. Nashrga tayyorlovchi A.Oʻrozboyev. Toshkent: 2020. – B. 123.
15. Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy. Asarlar. V jild. Jomeʼu-l-voqeoti sultoniy. Nashrga tayyorlovchi I.Ismoilov. Toshkent: 2021. – B. 33.
16. Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy. Asarlar. VI jild. Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchi A.Oʻrozboyev. Toshkent: 2019. – B. 132.
17. Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy. Asarlar. VII jild. Shohidu-l-iqbol. Nashrga tayyorlovchi N.Shodmonov. Toshkent: 2019. – B. 40.
18. Nyuberg H.A. Manual of Pahlavi. Pt2. Glossar. Wiesbaden, 1974. –P. 120.
19. Oʻrazboyev A. Ogahiy tarixiy asarlari leksikasi. Filologiya fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. T.: 2018. –B. 24.
20. Oʻzbek tilining izohli lugʻati. I tom. –T.: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 386.
21. Oʻzbek tilining izohli lugʻati. II tom. –T.: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 320.
22. Oʻzbek tilining izohli lugʻati. III tom. –T.: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 57.
23. Oʻzbek tilining izohli lugʻati. IV tom. –T.: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008. –B. 332.
24. Räsänen M. Versuch eines etymologischen Wörterbuchs der Türkischen Sprachen. Helsinki, 1969. – P. 89.
25. Shermuhammad Avazbiy mirob oʻgʻli Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy. Asarlar. II jild. 1-kitob. Firdavsul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi I.Bekchonov, N.Polvonov. Toshkent: 2019. – B. 42.
26. Shermuhammad Avazbiy mirob oʻgʻli Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy. Asarlar. II jild. 2-kitob. Firdavsul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi I.Bekchonov, N.Polvonov. Toshkent: 2019. – B. 246.
27. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Nashrga tayyorlovchi P.Shamsiyev. T.: Yulduzcha, 1989. –B. 44.
28. Древнетюркский словарь / Под. ред. Надеяева В.М., Насилова Д.М., Тенишева Э.П., Щербака А.М. Л., 1969. – С. 126.;
29. Лившиц В. А., Хромов А. Л. Согдийский язык // Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. М., 1981. – С. 414.

30. Персидско-русский словарь. М., Русский язык. 1983. Том I. – С. 45.
 31. Персидско-русский словарь. М., Русский язык. 1983. Том II. – С. 91.
 32. Шервашидзе И. Н. Фрагмент общетюркской лексики. Заимствованный фонд // Вопросы языкознания. 1989. №2 – С.59-60.
 33. شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. ۱۳۸۶. در چهر جلد.

UDK: 811.512.133'373.2:254.2-24(043.3)

OGAHİY TARIXIY ASARLARIDAGI YEVROPA TILLARIDAN O'ZLASHGAN AYRIM SO'ZLARNING GENEZISI

R.Maxmudov, katta ilmiy xodim, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva

Annotatsiya. Ushbu maqolada Ogahiy tarixiy asarlarida uchraydigan Yevropa tillaridan o'zlashgan ayrim o'zlashmalarning geniologik tahlili amalga oshirilgan.

Kalit so'zlar: tarixiy asar, tarkibiy tahlil, o'zlashma, geniologik tahlil, o'z qatlam, o'zlashma qatlam, lug'at tarkibi.

Аннотация. В этой статье представлен генеологический анализ некоторых заимствований из европейских языков, обнаруженных в исторических трудах Огахи.

Ключевые слова: исторический труд, структурный анализ, ассимиляция, генеологический анализ, собственный слой, ассимиляционный слой, словарная структура.

Abstract. This article presents a genealogical analysis of some borrowings from European languages found in the historical works of Ogahi.

Key words: historical work, structural analysis, assimilation, genealogical analysis, own layer, assimilation layer, vocabulary structure.

Yevropa tillaridan o'zlashgan o'zlashmalar Ogahiyning mustaqil tarixiy asarlari silsilasidan to'rtinchisi hisoblanmish "Gulshni davlat"da nisbatan ko'proq uchraydi. Bunga asosiy sabab asar voqealari qamrovi hijriy 1272-1281-yillarni (milodiy 1856-1864-yillar) o'z ichiga olganligidadir. Tarixiy voqelikka e'tibor qaratsak, ayni shu davrlarda rus qo'shinlari ilk bor Xiva xonligi hududiga kirib kela boshladi. Ayni shu davrlarda Rusiya bilan diplomatik aloqalar yanada kuchaya boshladi. Bu esa o'z navbatida rus tilidagi so'zlarning sekin-asta o'zbeklar tomonidan qo'llana boshlashiga sabab bo'ldi. Rus tilini o'rganishga ehtiyoj paydo bo'ldi. Natijada so'z o'zlashish jarayoni yanada tezlashdi. Rus bosqini kuchaya borgan sari harbiy, texnikaga oid, ijtimoiy-siyosiy, ma'muriy-hududiy tuzilmaga mansub o'zlashmalar ham ko'paydi. Bu holat Ogahiy tarixiy asarlaridan ayni shu davr voqealarini yoritgan "Gulshani davlat"da o'z aksini topmasligi mumkin emas. Shu sababdan asar leksikasi lingvistik jihatdan alohida tadqiq qilinmog'i lozim. Quyida biz ijodkorning mazkur asarida uchraydigan rus tili va u orqali Yevropa tillaridan kirib kelgan ayrim o'zlashmalarni geniologik tahlilini keltiramiz.

Politsiya. Ayrim mamlakatlarda: mavjud ijtimoiy va davlat tuzumini, himoya qiluvchi, jamoat tartibini saqlovchi, jinoyatchilik va huquqbuzarlikka qarshi kurashuvchi ma'muriy organlar tizimi [4, 84]. Sharqda bu vazifani mirshablar bajargan. So'z eski o'zbek tilining so'nggi davrlarida rus tili orqali o'zlashgan. *Politsiya* atamasi ilk bor Rusiya bilan aloqalar natijasi o'laroq XIX asrning birinchi yarmida kirib keldi. Ayni damda Ogahiy ushbu so'zning eski o'zbek tilidagi shaklini – *bolyuz* tarzida ilk bor o'zbek tilida yaratilgan asarda qo'llagan: *Bu holdin o'rus bolyuzi va ingliz bolyuzi xabar topib, ittifoq bila Shukrulloh oqaning oldig'a kishi yiborib dedilarkim...* [2, 222] Shuni ta'kidlash kerakki, *bolyuz* Ogahiyning tarixiy asarlari orasida faqat so'nggi tarixiy asar – "Gulshani davlat"da to'rt o'rinda uchraydi. Yuqoridagi jumlada ikki o'rinda qo'llanganini kuzatdik. Shuningdek, muarrix ushbu so'zni yana bir o'rinda qo'llab: *Bolyuzlar bu so'zni eshitib, xurram va xushvaqt bo'ldilar va o'zga so'z demadilar*, unga ijodkor tilshunos sifatida hali o'quvchilarga yaxshi tanish bo'lmagani uchun izoh ham berib o'tadi: *Ma'lum bo'lsunkim, "bolyuz" deb har mamlakat podshohining tujjor va o'zga musofirning ahvolidin xabardor bo'lmoq uchun uchan (kema, paraxod) chiqaturg'an yoqishlarda ta'yin etib qo'yg'an kishini ayturlar* [2, 223]. Ushbu izohdan aniq ma'lum bo'ladiki, *bolyuz* bu *politsiya* o'zlashmasining dastlabki shaklidir. Ushbu so'zning genezisi va eski o'zbek tiliga kirib kelish tarixini o'rgandik.

Politsiya (Ogahiyda *bolyuz*) soʻzi genezisi qadimgi yunon tilidagi *davlat, shahar* maʼnosini anglatuvchi πολιτεία asosi bilan bogʻlanadi. Bugungacha πολιτεία Yevropa davlatlari tillarida turli shakllarda yashab kelmoqda. Xususan, fransuz tilida *police*, nemis tilida *polizei*, ingliz tilida *police*, dat tilida *politi*, irland tilida *póilíní*, ispan tilida *policía* va boshqalar.

“Politsiya” atamasini birinchi boʻlib garchi u yunoncha soʻz boʻlsa-da, 1542-1545-yillarda Saksoniya saylovchilari huzurida kansler boʻlib ishlagan Melxior fon Ossa ishlatgan [9, 206]. Lekin u uchun ham 1750-yilda “Politsiya haqida traktat” ni yozgan Nikolya de Lamar uchun ham *politsiya* atamasi *jamoat tartibi* maʼnosini anglatgan, xolos. Yunon tilida πολιτεία shahar, davlat maʼnosida qoʻllangan, xolos. Yunonistonda tartib askarlar va ularning qoʻmondoni tomonidan oʻrnatilgani maʼlum. Shuningdek, qadimgi Misrda ham jamoat tartibi oʻrnatuvchi maxsus harbiy guruhlar – mejai boʻlgan [6, 224]. Qadimgi Xitoyda ham shunday harbiy guruhlar boʻlganligi maʼlum [10, 73]. Umuman olganda, atamaning qoʻllanishi XVIII asr oxirigacha sekin-asta kengayib borda. Bu davrda *politsiya* atamasi jamoat tartibini oʻrnatishga, adolatli hukm chiqarishga, qonuniylikka va xavfsiz, baxtli hayot kechirishga masʼul boʻlgan shaxslarga nisbatan qoʻllana boshlangan. XVIII asr oʻrtalarida kameralistlar va boshqa koʻpgina nazariyotchilar traktatlarida ushbu atama yanada kengroq qoʻllana boshlandi. Xususan, Adam Smit 1766-yilda *politsiya* atamasini poklik, xavfsizlik va arzonlik yoki moʻl-koʻllikni singdirish orqali davlatdagi kamchiliklarni yumshatuvchi sifatida qoʻllagan. XVIII asr oxiri va XIX asr boshlariga kelib atama maʼnosida torayish yuz berdi va davlatning jamoat tartibini hamda qonunlarga, xususan, jinoiy qonunchilikka rioya etilishini taʼminlash vazifasini bajaruvchi guruh maʼnosida qoʻllana boshlandi.

Birinchi politsiya xizmatini yaratuvchisi 1667-yilda Parijda politsiya boshligʻi etib tayinlangan Gabriel Nikolas de la Renis edi. Ammo qonun va tartibni taʼminlash funksiyalarining davlat tomonidan monollashtirilishi nisbatan yaqinda – XIX asrning boshlarida sodir boʻlgan. Aytish mumkinki, zamonaviy turdagi ilk politsiya 1829-yilda Robert Pil tomonidan tashkil etilgan London shahar politsiyasi hisoblanadi [7, 25].

Ushbu soʻzning rus tiliga kirib kelishini quyidagicha izohlashimiz mumkin: Rossiya muntazam politsiyasi Pyotr I tomonidan 1718-yil 27-mayda “General-plismeyster punktlari va maʼlumotlari”ni tasdiqlagan va shimoliy poytaxtning birinchi general-polismeysteri Anton Manuylovich Deviyerni tayinlagan kunda paydo boʻldi [11, 46]. Sovet davrida jamoat tartibini militsiya taʼminlagan boʻlsa [15, 71], 2011-yilda Rossiya ichki ishlar boshqarmasi tizimi oʻzgartirilgach militsiya yana politsiyaga aylantirildi. *Politsiya* atamasi, Fasmerning fikricha, rus tiliga polyak tilidagi *policja* va nemis tilidagi *polizei* soʻzlari orqali oʻzlashgan [14, 310]. Lekin XV-XVI asrlardan boshlab Rusiya amaldorlari orasida fransuz tilini bilish va unda soʻzlashish alohida obroʻ sifatida qaralganini eʼtiborga olsak, ushbu soʻz fransuz tildagi *police* soʻzi orqali rus tiliga kirib kelgan degan mantiqiy xulosani yuzaga keltiradi. Bunga sugʻurta maʼnosidagi *polis (полис)* soʻzining rus tiliga ayni shu davrda fransuz tilidagi *police* orqali oʻzlashgani ham isbot boʻladi.

Ogahiyning “Gulshani davlat” asarida qoʻllangan *bolyuz* ayni biz tahlil qilayotgan politsiya ekaniga hech qanday shubha yoʻq. Mustamlaka davrida hududni ruslar politsiya va polismeysterlar yordamida boshqara boshlagach bu soʻzning qoʻllanishi kengaya boshladi. Ismoilov G.M. shu sababdan boʻlsa kerak, *politsiya* soʻzining oʻzlashish davrini koʻproq “Turkiston viloyati gazetasi”, Abdurauf Fitrat asarlari, yaʼni XIX asrning soʻnggi choragi va XX asr boshlari bilan bogʻlaydi [8, 63-65]. Gazeta 1870-yildan boshlab hududda avval rus tilida soʻngra oʻzbek tilida chiqarila boshlangani maʼlum. Demak, tadqiqotchi Ogahiy tarixiy asarlaridagi *bolyuzdan* bexabar boʻlgan. Asar voqealari esa 1856-yildan boshlanadi. Bundan xulosa chiqadiki, oʻzlashmaning til lugʻat qatlamiga kirib kelish davri 15-20 yil ilgari sodir boʻlgan.

Zakon. Oʻzbek tilining lugʻat tarkibida aks etmagan boʻlsa-da, vulgarizm sifatida ogʻzaki soʻzlashuvda keng qoʻllangan. Fonetik varianti *zakun*. Ushbu soʻzni va u asos boʻlgan bir necha yasalmalarni ayrim badiiy asarlarda *zakunchi, zakonniy, zakunniy, zakun* tarzida uchratamiz. Baʼzan uni laqab tarzida qoʻllanganini ham badiiy asarlarda kuzatish mumkin [1, 56]. Ushbu fikrlarni umumlashtirib aytishimiz mumkinki, *zakun* oʻzbek tili lugʻat tarkibida aks etmagan, ammo ogʻzaki soʻzlashuv jarayonida keng isteʼmolda boʻlgani uchun, ayni damda, oʻzbek tilidagi yaratilgan asarlar orasida ilk bora Ogahiy tarixiy asarlarida qoʻllangani ushuni ham ushbu oʻrinda geniologik tahlil

qilishni ma'qul ko'rdik. Demak, *zakun* eski o'zbek adabiy tilining so'nggi davrlarida rus tili orqali kirib kelgan o'zlashmadir. Ogahiy tarixiy asarlari orasida faqat "Gulshani davlat"da bir o'rinda qo'llangan: *Bizlarning zakunimizda hech kishini zarada qo'ymoq ravo ermastur. Agar xohlasang barcha mol va mato'ingni zo'ye' bo'lg'anlari bila bahoyi tamom berib, sotg'un olurmiz* [2, 222]. Bundan xulosa chiqadiki, so'zning qo'llanishi hali keng tus olmagan.

Zakon umumslavyan so'zlaridan biri bo'lib, uning genezisi o'rta yunon tilidagi ζάκων bilan bog'lanadi va qadimgi bolgar tili orqali slavyan tillariga kirib kelgan. Qadimgi rus tili va qadimgi slavyanda ushbu so'z **законъ** νόμος, θέσπισμα shaklida qo'llangan va barcha slavyan tillarida keng istifoda etiladi. Xususan, qadimgi ukrain tilida *закін* tarzida qo'llanib, *iqror bo'lish, birlashish* ma'nosini anglatgan. Bolgar tilida *закон*, serboxorvatda *закон* shaklida qo'llanib, *odat, qonun, ishonch* ma'nolarini ifodalagan. Sloven tilida *zakon*, chex va slovakda *zakon* – *qonun*, polyakda *zakon* – *qonun, ahd, monastir tartibi* ma'nolarini ifodalaydi. So'z *кон* – *boshlanish* asosi bilan bog'lanadi, rus tilidagi *исконі, начатъ, начнұ* so'zlari ham ayni asos orqali hosil qilingan. Bunga latish tilidagi *cinatiēs* – *ko'tarilish so'zi* ham isbot bo'ladi. Lotin tilidagi *recēns* – *yangi, barra, yaqindagi* sifati, irland tilidagi *cinim* – *men paydo bo'lmoqdaman* so'zlarini ham ayni asos bilan bog'lash mumkin [13, 75]. Ushbu fikrlardan xulosa qilishimiz mumkinki, *zakon* so'zi *dastlabki an'ana bilan belgilanadigan narsa* degan ma'noni ifodalaydi [16, 38].

Gubernator. Hukmdor, boshliq. Rossiyada 1917-yilga qadar gubernada oliy hukumat amaldori; gubernator boshlig'i, hokimi. *Guberna gubernator* bilan bir asosdan hosil qilingan, Chor Rossiyasi va 1929-30-yillargacha bo'lgan davrda Sovet Rossiyasida asosiy ma'muriy-hududiy birlik. *Gubernator* hozirgi bir qator federativ davlatlarda (Rossiya, AQSH, Buyuk Britaniya, Daniya kabi) saylab qo'yiladigan oliy ma'muriy shaxs; viloyat, shtat, graflik ma'muriyatining boshlig'i [3, 514]. Ushbu so'z eski o'zbek tilining so'nggi davrlarida rus tili orqali o'zlashgan o'zlashma. Uni o'zbek tilida yaratilgan asarlar orasida ilk bor Ogahiy o'zining "Firdavsu-l-iqbol" asarida bir o'rinda qo'llaydi: *Tovuq yili o'rus to'ralaridin Davlat Girey va Andrey gubernot o'ttuz ming o'rus bila Shayx Jalil tog'ikim, oltun va kumush ma'danidur, aning orzusi, balki Xorazm fathining tamannosi bila Orol hududig'a nuzul qildi* [5, 152]. Ushbu o'rindagi *gubernot* gubernatorning eski o'zbek tilidagi shaklidir. Ogahiyning boshqa biror tarixiy asarida *gubernator* so'zi qo'llanmagan. Bundan xulosa chiqadiki, so'z hali ommalashmagan. So'zning keng iste'molga kirishi esa Rus mustamlaka siyosati tufaylidir.

Gubernator so'zining genezisini tadqiq qilganimizda quyidagi xulosalarga keldik: so'z rus tiliga polyak tilidagi *gubernator* orqali kirib kelgan. Polyak tilida ushbu so'z 1594-yildan *Губернатаръ* shaklida qo'llana boshlagan. So'zning ildizini Fasmer lotin tilidagi *gubernātor* bilan bog'laydi [12, 469]. Ushbu fikrga qo'shimcha ravishda shuni ta'kidlash lozimki, qadimgi yunon tilida *κυβερνήτης* [*kybernētēs*] so'zi mavjud bo'lib, *qal'aning harbiy boshlig'i, qo'mondon, boshida alohida farqli dubulg'asi bor* degan ma'nolarni ifodalagan. Bizningcha, so'zning ildizini ayni qadimgi yunon tilidagi *κυβερνήτης* bilan bog'lash mantiqan to'g'ri bo'ladi. Rusiyaga bu so'zning kirib kelishini Pyotr I bilan bog'lash to'g'ri bo'ladi. Chunki ayni Pyotr I Rusiyani gubernalarga bo'lib boshqarishni yo'lga qo'ygan va gubernalarning boshqaruvchilarini o'zi tayinlab, ularni *gubernator* deb atagan. So'zni ikkinchi qismi *tores* qadimgi yunon tilida *boshqaruvchi, nazorat qiluvchi* ma'nosini anglatgan. Bu komponent bugungi kunda ko'plab so'zlarda uchraydi. Xususan, *direktor, rektor, manipulator, moderator, diktator* kabi bizga yaxshi tanish bo'lgan so'zlardagi *tor* komponenti ayni *gubernator*dagidagi *tor* bilan bir asosga ega. Shundan kelib chiqilsa, rus tilidagi *gubernator* aynan *guberna boshqaruvchisi* ma'nosida qo'llangan.

Biz ushbu faslda genetik tahlil qilgan Yevropa tillaridan o'zlashmalardan tashqari Ogahiy o'z tarixiy asarlarida *Tiflis, O'runburg* kabi toponimlar; *Girey, Andrey, Danilevskiy* kabi antroponimlarga oid rus tili va u orqali kirib kelgan o'zlashmalar qo'llangan.

Yuqoridagi tahlillardan Ogahiy dahosi ko'z oldimizda shunday gavdalanadi, muarrix nafaqat arabiy, forsiy va turkiy salafлари tarixnavislik an'alarini davom ettirdi, balki ularning an'anasini yana bir daraja yuksaltirdi. Bu bir jihatdan ko'plab muarrixlarning asarlarini turkiy tilga mohirona tarjima qilganligida ham bo'y ko'rsatdi. Ikkinchi tarafdin ijodkor zamon bilan hamnafas va yangilikka intiluvchan ekanligi shubhasiz. Shu sababdan muarrix o'z asarlarida hali o'quvchiga

umuman notanish bo'lgan so'zlarni ham bimalol qo'llaydi va ularga mohir tilshunos sifatida izoh ham beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hoshimov O'. Ikki eshik orasi. –T.: Sharq. 2012. –B. 56.
2. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. VI jild. Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchi A.O'rozboev. Toshkent: 2019. – B. 222.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. I tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 514.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. III tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 84.
5. Shermuhammad Avazbiy mirob o'g'li Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. II jild. 1-kitob. Firdavsul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi I.Bekchonov, N.Polvonov. Toshkent: 2019. –B. 152.
6. Wilkinson T. Dictionary of Ancient Egypt. — Thames & Hudson, 2005. –P. 224.
7. Алексушин Г. В. История правоохранительных органов. Самара: Издательство АНО «ИА ВВС» и АНО «Ретроспектива», 2005. –С. 25.
8. Исмаилов Г.М. Начальный этап заимствования русских военных терминов в староузбекском языке в XIX в. // Проблемы востоковедения. №2 (60). 2013. –С. 63-65.
9. Кревельд М. ван. Расцвет и упадок государства / Мартин ван Кревельд; пер. с англ. под ред. Ю.Кузнецова и А.Макеева. –М.: ИРИСЭН, 2006. –С. 206
10. Редер Д.Г., Струве В.В. Хрестоматия по истории древнего Востока. — Издательство восточной литературы, 1963. –С. 73., 552.
11. Рыбников В.В., Алексушин Г.В. История правоохранительных органов Отечества. –М.: Щит-М, 2007. –С. 46.
12. Фасмер М.Р. «Этимологический словарь русского языка». Перевод с немецкого и дополнения О.Н.Трубачева. Том I. М.: Прогресс . 1986. –С. 469.
13. Фасмер М.Р. «Этимологический словарь русского языка». Перевод с немецкого и дополнения О.Н.Трубачева. Том II. М.: Прогресс . 1986. –С. 75.
14. Фасмер М.Р. «Этимологический словарь русского языка». Перевод с немецкого и дополнения О.Н.Трубачева. Том III.–М.: Прогресс. 1987. –С. 310.
15. Шеймин П. Н. Полиция // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890-1907. –С. 71.
16. Этимологический словарь русского языка. Под редакцией Н.М.Шанского. Том II. Выпуск 6. –М. ИМУ. 1975. –С. 38.

UDC 81-13

DIALOGUE-EXPERIENCE IS THE SOURCE OF TEACHING

U.S. Namazova, teacher, Termez State University, Termez

Annotatsiya. *Ushbu maqolada o'qitishning asosiy qismlaridan biri bo'lgan dialog- kechinma muhokama qilinadi. Dialog - bu gaplashish yoki yozish orqali ikki kishining muloqotimumn namunasidir. Ushbu maqolada dialog-kechinma haqidagi qarashlar ko'rib chiqiladi. Dialoglarning asosiy afzalligi shundaki, siz ularni o'qiyotganda, uning tili orqali madaniyatini o'rganasiz. Dars davomida o'qituvchilar ushbu tajribadan foydalanishlarini maslahat berardim. Quyida men bu haqda to'liq ma'lumot beraman.*

Kalit so'zlar: *muloqot, ajoyib, o'qitish, muloqot, madaniyat*

Аннотация. *В этой статье рассматриваются основные части педагогического диалога. Диалог - это не что иное, как общение между двумя людьми посредством устной или письменной речи. В этой статье я рассмотрю устной. Самое замечательное в диалогах то, что вы изучаете культуру народа через его язык, когда читаете их. Учителя должны использовать этот опыт во время урока. Ниже я привожу полную информацию о нем.*

Ключевые слова: *диалог, великий, обучение, общение, культура.*

Abstract. *This article deals with the main parts of the teaching dialogue experience. Dialogue is nothing more than communication between two people through either speaking or writing. For this article, I will consider speaking ones. The great thing about dialogues is that you are learning the culture of a people through its language when reciting them. During the lesson teachers should use this experience. Below I give full information about it.*

Key words: *dialogue, great, teaching, communication, culture*

For example, in a conversation on the topic of introductions, students quickly learn that males are introduced to females in American culture and that it is customary for people to shake hands, including men shaking hands with women. A conversation might also reveal that it is impolite or improper to ask a person about their age, weight, or salary or income. Practicing dialogues is a great way for English students to test their skills and develop a better grasp of the language. Dialogues are useful for a number of reasons:

- Dialogues provide models on which students can base their own conversations.
- Dialogues force students to focus on language production in a way that helps them practice correct usage.
- Student-created dialogues can be used to encourage creativity.
- Dialogues can be used as a basis for listening to comprehension exercises.

Using dialogues to help students develop their conversation skills is a common practice in most English classes. There are a number of different ways to go about incorporating dialogues into classroom activities. The suggestions below encourage students to role-play and practice new tenses, structures, and language functions. Once students become familiar with these new language elements, they can then use the dialogues as models to practice writing and speaking on their own.

Vocabulary Exercises

Using dialogues can help students become familiar with standard formulas used to discuss different topics. This is especially helpful when practicing new idioms and expressions. While these expressions might be easy to understand on their own, introducing them through dialogues can help students immediately put the new vocabulary into practice.

Divide students into pairs and give each pair a topic to talk about. Challenge each student to incorporate a few given idioms or expressions into their dialogue before time runs out.

Gap Fill Exercises

Dialogues are perfect for gap-fill exercises. For example, take a sample dialogue and delete keywords and phrases from the text. Choose a pair of students to read the dialogue to the rest of the class, then ask the other students to fill in the missing words and phrases. You can also have students create their own sample dialogues and quiz each other to see how well they can fill in the blanks.

Dialogues for Role-Playing and Acting

Having students write dialogues for short scenes or soap operas helps them focus on correct expressions, analyze language, and develop their writing skills. Once students have completed their scripts, have them act out their scenes and skits for the rest of the class.

Dialogue Dictations

Have students write sample dialogues for popular TV shows such as *The Simpsons* or *The Office*. Alternatively, write a script together as a class, and have each student be responsible for a particular character. This exercise gives students time to pay attention to details as the plot moves forward.

Memorizing Dialogues

Have students memorize simple dialogues as a way to help them improve their vocabulary skills. While old-fashioned, this type of rote work can help students build good habits as their English skills improve.

Open-Ended Dialogues

Create sample dialogues that show the words of only one speaker, then have students complete the dialogues using a list of responses you've provided. Another variation is to provide only the beginning or end of a sentence for each speaker. Completing this type of open-ended dialogue can provide a bigger challenge for upper-level English learners.

Though we have intentionally put the terms of the relation in this order it is obvious that we are in front of a reciprocal learning situation, as these two particular skills are so much interconnected and they serve each others' interest in the most perfect way. It is advisable that at any grade/ level the reading listening activities be accompanied by visual aids of any type, as they facilitate the strong relation between two human perceptive senses: sight and hearing. It was scientifically proved that a better comprehension of what we read/learn through reading is enhanced by audio supplementary

input. Some classroom activities by means of which we can reinforce listening through reading are listed below:

- Reading aloud in the classroom is an activity which can demonstrate its benefits at every grade level, being an efficient tool for vocabulary expansion, improvement of reading comprehension, as well as self confidence. The activities can undertake different forms from:
 - the model reading done by the teacher with the students following in their books;
 - students taking turns in reading aloud parts of a text or passages of a book;
 - students reading aloud a written assignment.
- Listening to recorded texts while reading the script, which is a slightly more solicitating task as the speech rhythm is more alert; aspects such as intonation, dialect or accent of the speaker on the recorded material can influence understanding. Nevertheless, it has been noted that students are more likely to comprehend a text if this one is accompanied by a listening material. Handouts to check comprehension through both skills can be included.

Recreating Scenes

Have students re-create their favorite scenes from different movies. Ask a group of volunteers to act out a scene in front of the class, then compare their version to the original. Developing listening and speaking skills through the use of dialogues has helped me immensely in becoming proficient in Chinese Mandarin. Their effective use in my EFL and ESL classes has also aided my students in improving their listening and speaking skills. Through years of experience, I am convinced that recitation of dialogues definitely does help in making all language learners better listeners and speakers. In this article, I present five compelling reasons why they have a place in listening and speaking classes.

REFERENCES:

1. Collins Cobuild, "Usage English", Birmingham" 1987
2. Safarov Sh.O. "Kognitiv tilshunoslik", Toshkent, 2000
3. Ceplair. L. Linking up (combining) words: Phrasal verbs usage. The Unpublished Manuscripts of Larry Ceplair. №9, 2008
4. Claridge, C. Multi-Word Verbs in Early Modern English: A Corpus Based Study. Amsterdam/Atlanta: Rodopi, № 3, 2000
5. Collins Cobuild, English Grammar, London- Harper Collins Publishers, № 4, 1995
6. Saidova S.E "Произведение великих поэтов в инновационном развитии студентов" Достижения науки и образования №9, (63), 2020
7. Alaudinova D.R "New methods of teaching languages", International Journal EPRA, 2020, february
8. Gurevich S. M. Newspaper: yesterday, today, tomorrow / Textbook for universities. M.: Aspect Press, 2004 .;
9. Dobrosklonskaya T.G. Medialinguistics: a systematic approach to the study of the language of the media, M., 2008;
10. Mashkova, S.G. Internet journalism: textbook / S.G. Mashkova. - Tambov: Publishing house of TSTU, 2006.- 79s .

UDC 81-13

INNOVATIVE APPROACH IN THE TEACHING ENGLISH LANGUAGE

M.A. Rasulova, teacher, Uzbek language and literature University, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada yangi ta'lim tizimi jarayonida ingliz tilini o'qitishda innovatsion yondashuv yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: salohiyat, daraja, kasb ta'limi, o'qish mexanizmi, innovatsiya.

Аннотация. В данной статье освещается инновационный подход в обучении английскому языку в процессе новой системы образования.

Ключевые слова: потенциал, степень, профессиональное образование, механизм чтения, инновация.

Abstract. In this article highlights innovative approach in the teaching English language in the process of new education system.

Key words: potential, degree, professional education, reading mechanism, innovation.

Today, the skills of knowing foreign languages are becoming an integral part of professional education. Since the indicator of cooperation with foreign partners in specialists in various fields is high, the demand for language learning in them is high. In modern society, foreign languages are becoming an important component of vocational education. Such knowledge is studied by people who are first introduced to schools, colleges, lyceums, later institutions, educational courses or independently with a basic set of knowledge that helps to study abroad.

Today, there are large collections of educational materials for people with different levels of language knowledge. Success in achieving this goal depends on the practical methods and skills of the teachers. The ability to use information technology and modern teaching methods will help a quick understanding of new materials. By combining different methods, the teacher will be able to solve certain educational programs. In this regard, teachers and students should get acquainted with modern methods of teaching foreign languages. As a result, the skills of being able to choose the most effective ways to achieve their goals are formed. The use of several techniques of teaching and learning in this gives an effective result. Training is carried out in small stages and is based on the existing knowledge system of the student. As time progresses, news in every field is increasing. In language teaching, too, different styles arise. In teaching English, the potential and level of the learner, step-by-step teaching, depending on his age, gives a good result. In this, the students are divided into groups on the basis of primary stage training, secondary stage training, higher stage training. For each stage, a special program is developed from the side of the teacher.

At the initial stage, an important emphasis is placed on pronunciation. At the beginning of the learning process, the teacher should focus the main attention on the pronunciation of the student. Gram mathematics and vocabulary are considered the main thing, if the speaker's pronunciation is not spoken, then all this is futile. Native speakers can also understand speech with grammatical errors if the speaker pronounces words by mistake. Therefore, in teaching, the first focus is on the main exclamation pronunciation. This gives a good result when you file from different audios of this native speakers.

During the lesson, the teacher must teach how to pronounce letters, words by turns. As such, at the initial stage, great attention is paid to oral speech and the development of reading techniques. Considering the types of speech activities of teaching a foreign language in this, when teaching them, it is necessary to perform the following tasks:

- a) Make the reading mechanism;
- b) Development of oral reading techniques;
- c) To teach to understand what he read.

At the initial stage, a wide role is allocated mainly to the type of reading aloud, which is called Reading. Even the texts that are allocated for reading are complicated, from the simplest to the simple. But I must say that despite the fact that the work activity in the initial stages is mainly focused on the development of oral skills cannot solve the problem of the development of oral speech in English. He passes only the preparatory stage to work on real oral speech. It remains to say that beautiful and fluent reading of words increases the student's love for this study.

In the middle stage of teaching English, the main emphasis should be on the use of methods that help to increase thinking, speech activity, initiative in the understanding of reading more voluminous texts. Students are given texts as homework. New words coming out of the text are memorized. As a result of making a question-answer, the ability of those words to be repeated in memory and to use them in speech is formed. In addition, the organization of various games in the lessons increases the pace of learning, increasing the interest of the reader in language learning.

Language learning software on computers, phones also helps to teach language well at the initial and middle stage. We can illustrate how to speak (English speaking practice), Daily English, Learn English (English master), How to speak real English etc. These programs are structured in such a way that the reading (reading), listening (hearing), test sections are all in place.

Another good way to hear the learned new words in free time by typing them on the phone Dictaphone. In addition, more display of English subtitles films, cartoons are also considered effective methods of teaching language.

At a higher stage, independent work plays a special role, especially with a foreign language. The requirements for the lesson at this stage are different from those of the previous stages. Now the lesson cannot be seen on the basis of oral speech, since at this stage most of the material of the language is passively studied (without a prescription). That is, reading plays a key role. Textiles are also large in size, while the language material is complex.

Reading, speaking, listening exercises are constantly sharpened. In the organization of the lesson, a separate day is assigned to reading, a separate day to speaking, a separate day to listening. Tasks assigned to the House are also made more and more complex than the previous stages. In the lessons of Speaking, a subject is thrown in the middle and a 2-minute speech is marked. In another way, cards on which text topics are written are distributed to readers. Each schoolboy expresses his own opinion about the subject, which is given on the card of his choice. In speech, it is required to use the previously mentioned combinations, phraseological units, introductory words, new words, synonyms.

Press, it is possible to give as a homework the preparation of additional text topics using publications, media, internet materials. Texts about interesting research and scientific discoveries are studied by readers with interest.

In conclusion, it should be said that modern language teaching is more focused on the formation of a cultured personality, as long as it has the skills of self-analysis and systematization of new knowledge. Innovative methods are an integral part of the modernization of the entire system. With this in mind, it is possible for teachers to get acquainted with the most advanced peers, and then combine them and achieve significant growth in the educational system, having used them in their work. Many organizations are moving to a new level by leveraging multimedia capabilities to send and receive information. The use of computers and other devices determines the success of the entire educational process.

Adequate attention should be paid to the formation of speech skills and the development of social adaptability in the training process. In addition, the success of each lesson in education in many respects depends on the correct Organization of training. The lesson should be based on the creative cooperation of the teacher and the student. Only then the students will be able to think independently freely, their willpower will be trained.

REFERENCES:

1. Пассов Э. И. Общительный метод обучения иностранного разговора. – Москва., 1985: – 10 - bet.
2. Harmer J. The Practice of English Language Teaching. – London., 2001: – 64-bet.
3. Jalolov J. Chet tili o'qitish metodikasi. – Toshkent., 2012: – 48-bet.

UO'K 808.5

MO'MINJON TOSHQIN – JADID ADABIYOTINING SO'NGGI VAKILI

G.A. Sherg'oziyeva, doktorant, Andijon davlat universiteti, Andijon

Annotatsiya. *Ushbu maqolada jadidchilik namoyanlaridan biri, jadidchilik adabiyotining so'ggi vakillaridan biri Mo'minjon Muhammadjov hayotiy faoliyati, o'zbek adabiyoti tarixida tutgan o'rni xususida ma'lumotlar berilgan. Shuningdek, adibning tahsil yillari, ilmiy faoliyati, ijod yo'li masalasiga alohida e'tibor qaratilgan.*

Kalit so'zlar: *Mo'minjon Muhammadjonov, Toshqin, "Turmush urinishlari", "Toshkent shoirilari", "Qonli kun" pesasi, "Erk ashulalari", "Oq otlik o'g'lon", "Nasoyih ul-atfol", Mehtarobod, Mulla shalg'am, Miq va Mim, Mulla Tirti.*

Аннотация. *В статье представлена информация о жизни и роли Муминджона Мухаммаджова, одного из представителей джадидизма, одного из последних представителей джадидской литературы в истории узбекской литературы. Особо отмечены академические годы писателя, его научная деятельность и карьерный рост.*

Ключевые слова: *Муминжон Мухаммаджанов, Тошқин, «Попытки замужества», «Поэты Ташкента», стихотворение «Кровавый день», «Песни свободы», «Мальчик на белом коне», «Насойих уль-атфол», Мехтарабад, Мулла шалг Ом, Мик и Мим, Мулла Тиртик.*

Abstract. *This article provides information about the life and role of Muminjon Muhammadjov, who was one of the representatives of Jadidism, one of the last representatives of Jadid literature in the history of Uzbek literature. Especially, the academic years of the writer, his scientific activity and his career development were highlighted.*

Key words: *Muminjon Muhammadjanov, Toshqin, “Marriage attempts”, “Poets of Tashkent”, “Bloody day” poem, “Songs of freedom”, “Boy on a white horse”, “Nasoyih ul-atfol”, Mehtarabad, Mulla shalg’om, Miq and Mim, Mulla Tirtiq.*

XIX asr oxirlarida boshlangan chor mustamlakachiligi XX asr boshlariga kelib Turkiston o'lkasida kuchayib bordi va buning natijasida Markaziy Osiyoning ko'p shahar va qishloqlarida jadidchilik harakati avj ola boshladi. Jadidchilik harakatining maqsadi o'sha davr hamda mavjud jamiyatning ijtimoiy-madaniy hayotini isloh qilishga, yangi tizim yaratishga qaratilgan edi. XX asr boshlari nafaqat o'zbek xalqi, balki o'zbek adabiyoti namoyandalari uchun ham juda og'ir va turli sinovlarga to'la davr bo'ldi. O'zbek adabiyoti vakillari qiyin damlar va katta yo'qotishlarni o'z boshidan o'tkazdi. Xususan, bu davr adabiyoti namoyandalari orasida o'zlarining ma'rifatga intilish, erk va ozodlikni kuylash, milliy tilni tiklash, omi xalqni savodli qilish maqsadlari yo'lida jonini, umrini tikdilar va bu maqsadlari yo'lida sobit turdilar.

Shunday qilib, XX asr boshlarida jadidlar va jadidchilik harakati yuzaga keldi. Bugungi kunda esa bizning oldimizda jadidchilik adabiyotini va ularning vakillarini o'rganish eng muhim masalalardan biri hisoblanadi. Ulardan biri XIX asr oxiri XX asrda yashab ijod qilgan Mo'minjon Toshqinning hayoti va ijodi hali adabiyotshunoslikda maxsus monografik tarzda o'rganilmagan. Adabiyotshunoslik ilmidagi bu bo'shliqni to'ldirish zarurati seziladi. Xususan, uning asarlari hozirga qadar to'laqonli ravishda o'rganilmagan, tabdil va tahlil to'laqonli amalga oshmagan. Ammo keying yillarda bu borada bir muncha ishlar yo'lga qo'yildi [1].

Mo'minjon Muhammadjonov 1883-yilda Toshkent shahrida Ko'kcha dahasi Pichoqchilik mahallasida tavallud topgan. U yozuvchi, ma'rifatparvar, tarjimon, mudarris, jadidchilik harakatining namoyandasi sifatida Toshqin taxallusi bilan ijod qilgan. “Mushtum” gazetasida Mehtarobod, Mulla shalg'am, Miq va Mim, Mulla Tirtiq taxalluslari bilan tanqidiy-hajviy she'rlar yozgan. Eski maktabda tahsilni boshlagan bo'lsa-da, u yerda hech narsa o'rganolmay, otasi mulla Muhammadjon Karimjon o'g'lidan savod chiqargan. Otasi ancha savodxon kishi bo'lib, xat yozishni juda yaxshi bilmasa ham tojikcha va arabcha kitoblarni yaxshi mutolaa qilar edi. Beshyog'och daha O'zbek mahallasidagi madrasada qo'qonlik Muhammad Rasul domladan yozishni o'rgangan. Otasi kambag'al uzangisoz usta bo'lib, ro'zg'ordan oshinib farzandlarining o'qishiga mablag' topib berolmagan. Shu sababli Mo'minjon Muhammadjonov mullabachechalarning hujra va bog' xizmatlarini qilib, yoz kunlari mardikorlik qilib o'qigan. Ota-onasi tif kasali bilan vafot etganlaridan so'ng, ikki ukasi va ikki singlisini amakisi Ibrohim akaga topshirgan va yana mardikorchilik qilib o'qishni davom ettirgan. Shu tariqa Toshkentdagi Sharafboy, Beklarbegi madrasalarida, keyinchalik Ufadagi madrasayi Oliyada tahsil olgan. Turli joylarda eski maktablarda o'qituvchilik qilgan. 1919-yilda Uchinchi Oxunguzar mahallasida joylashgan 9-“Javhari Forobiy” maktabida muallimlik qilgan, keyinroq shu maktab mudiri bo'lib ishlagan. Toshkent, Namangan, Qo'qon, Andijon, O'sh, Jalolobod, Xo'jand, Shahrisabz va ko'plab shaharlarda yangi usuldagi maktablar ochgan. Xivada maorif ishlari endigina rivojlanayotgan – 1920-yilda Xiva maktablarida kunduzi inspektor bo'lib ishlagan va kechqurunlari kurslarda katta yoshdagi kishilarni o'qitgan. Uning bilimliligi va yaxshi muomalasi tufayli Xorazm xalqi orasida uning obro-e'tibori juda yaxshi edi. Lekin bu yerning havosi unga yoqmay, yuzlarida shish paydo bo'ladi va uning sog'ligida jiddiy muammo paydo bo'lib, shifokorlar tavsiyasi bilan bu yerdan ketishga majbur bo'lgan.

Mo'minjon Toshqin “Sadoyi Turkiston”, “Ishtirokiyun”, xotin-qizlar uchun chiqadigan “Yangi yo'l”, Xorazmda chiqadigan “Inqilob quyoshi” gazetalarida va “Maorif”, “Mushtum” jurnallarida ishlagan, ularda turli maqolalari va she'rlari chop etilgan. “Maorif” jurnalida adabiy xodim va korrektor bo'lib ishlagan.

“Inqilob quyoshi” gazetasida tanqidiy maqolalari va she'rlari bosilgan bo'lsa, 1923-yildan e'tiboran “Mushtum” jurnali chiqa boshlagach, unda hajviy she'r va xabarlar bosilib turgan. 1925-

yilda “Mushtum” jurnaliga sarkotib bo'lib ishga kirgan va shu paytdan e'tiboran uning ijodida anchayin o'sish kuzatilgan. Shu yili “Koorperativ zuluklari”, “Bo'yoqchi tutosh” kabi kichik sahna asarlari yozgan. Bu sahna asarlari o'sha paytlarda pesalar yo'qligi sabab Toshkent Chorsuvidagi sirkda tomoshaga qo'yilgan. Har ikki sahna asari “Qizil O'zbekiston” gazetasida ishlovchi mashhur feletonchi Komil Aliyev maqtoviga sazovor bo'lgan. So'ngra hamkasbi Ziyoy Said bilan hamkorlikda “Qonli kun” pesasini yaratadi. Bu sahna asari 1916 – yil Toshkentdagi mardikorlik qo'zg'oloniga bag'ishlangan edi. Bu sahna asarini Tashtram ishchilarining teatr havaskorlari to'garagi a'zolari 1925-yili “Kolliziya” teatrida sahnaga qo'yanlar. Shu asar qo'yilgan kuni tomosha zal liq to'la bo'lib, bilek yetishmay qolgan. Bu asar xalqqa juda manzur bo'lganidan, 1926-yili O'zbekiston Davlat nashriyoti kitob qilib bosib chiqargan. Shundan so'ng bu nashriyot “Turmush urinishlari” asarini ham bosib chiqargan. Eski turmushning chirkin tomonlarini ro'yi rost ochib bergani uchun bu asari ham kitobxonlarga manzur bo'lgan.

Mo'minjon Toshqin asarlari orasida “Toshkent shoirlari” tazkisasi alohida o'rin tutadi. Oybek daldasi bilan yuzaga kelgan bu asar an'anaviy tazkira usulida bo'lib, uni o'z kuzatuvchilari va shahid bo'lgan odamlarining ma'lumotlari asosida yozgan va boshqa viloyatlarda tug'ilib, Toshkentda muqim yashab qolgan bir qator shoirlarni ham ehtirom bilan qalamga olgan. Adibning ana shunday noyob asarlaridan yana biri “Adabiyot qoidalari”dir. Mo'minjon Muhammadjonov o'g'li unga kamtarona ravishda “Til va adabiyotga oid qisqacha turli qoidalar” deb nomlagan va qavs ichida “Qo'llanma yo'sinida yozildi” deya izoh bergan. Uning yana “Eski maktab turmushi yoki tolib” (Toshkent, 1923; 1926) asari, “Nasoyih ul-atfol” (Toshkent, 1912; 1916) nomli o'quv kitobi, “Qizil nashtar” (Tojikiston, 1936) nomli tanqidiy she'rlar to'plami, “Erk ashulalari” (Tojikiston, 1936) va “Xayroh bibi” (Tojikiston, 1936) kabi kitoblari ham mavjud [2].

Mo'minjon Muhammadjonov tarjima bilan ham shug'ullanib, turli tillargan qator asarlarni o'zbekchaga o'g'irgan. “Diniy qurbonlar” – Chig'atoy asari (tatarchadan tarjima). 1930, O'zgiz nashri. “Pomir hikoyalari”.- “Hikoyahoi Pomir” nomli tojikcha kitobdan tarjima, 1932. O'zgiz nashri. Nizomiyning “Layli Majnun”idan 1000 misrani she'r bilan tarjima qilgan.-“Guldasta” to'plami, 1947. “Yahudiyhoyi Buxoro”ning “Buxoro yahudiylari” nomli tarjimasi (Buni Sadridin Ayniy yozgan bo'lib, Mo'minjon Toshqin tarjima qilgan, O'zgiz qilgan). “Oq otlik o'g'lon”-Taxmasuf asari. Ozarbayjonchadan tarjima.-Toshkent,1959. Uzdavnashr.

Alisher Navoiyning “Devoni Foni” asarining ikki jildiga kirgan g'azallarining aksariyat qismini forschadan o'zbekchaga tarjima qilgan. Tojikistonlik adabiyotshunos olim Murodiy (Tojiboyev Hojimore) nashrga tayyorlagan “Devoni Foni” asari qo'lyozmasinng bir jildiga kiritilgan 267 g'azalning aksariyat qismini hamda keying jildiga kiritilgan 285 g'azalning ham ko'p qismini o'zbekchaga o'g'irgan [3].

Adib Mo'minjon Muhammadjonov 1965-yilning 12- sentabr kuni 82 yoshida olamdan o'tdi. Uni Chig'atoy qabristoniga dafn qildilar. G'afur G'ulom uy-muzeyi sobiq ilmiy xodimasi Dilafro'z Jalilovanning ta'kidlashicha, adibning yotog'idagi qutida o'zbek teatri tarixi, rus chorizmining Xorazmni istilo qilishi, Qofqaz taassurotlari va boshqa mavzulardagi asarlari, ko'pdan ko'p tarjimalari, yillar davomida to'plangan manbalari qo'lyozma holida qolib ketdi. Mo'minjon Muhammadjonov umrining oxirgi yillarida kasalxonada yotgan paytda uning “Teatr tarixi”, “Xorazmning rus chorizmi tomonidan istilo qilinishi”, “Milliy musiqa tarixi” va boshqa mavzularga oid bir qator asarlari qo'lyozma holida yotar edi. Adib hayoti davomida bir umr ham moddiy, ham ma'naviy qiynalib yashadi. Hayoti yoshlikdan nochorlik va yo'qchiliklar bilan boshlangan edi, shu tarzda yakun topdi. Maorifga qancha xizmat qilgan bo'lmasin, u ham o'sha davr mafkurasi tazyiqlaridan chetda qolmadi. Hatto 1916-yilda mardikorlikka jo'natishadigan bo'lib qolganida ham, “Muallimlar mardikor olinmaydi” degan buyruqqa qaramasdan yangi maktab dushmanlarining qistovi bilan olib ketiladigan bo'lib turganda, komissiyaga ariza qilib zo'rg'a qutuladi, lekin o'zi va amakisining o'rniga ukasi Xasanni borishini talab qilishadi. Shunday qilib, bir amallab mardikorlikka borishdan qutulub qolgan, biroq ukasi mardikorlikdan og'ir xastalikka chalinib kelgan va vafot etgan.

Yo'qchilik sababli yoshi qirqdan oshganda tanish-bilishlarining yordami bilan uylangan adib, turmush o'rtog'ining ham o'qib bilimli bo'lishiga ko'maklashadi. Turmush o'rtog'i Xadicha Toshkentda Darhon mahallasida Muxtoriyat maktabi qoshida ochilgan qizlar sinfiga muallima bo'lib

ishlay boshlaydi. Shu yerda to'rt yil ishlagandan so'ng u vafot etadi. Undan uch yoshli Erkin ismli qizcha yodgor qoladi.

Mo'minjon Muhammadjonov jadidlar bilan yelkama-yelka xizmat qilib jadidchilik rivojiga o'z hissasini qo'shgan. Andijonda Cho'lpon, Toshkentda Hamza bilan hamkorlik qilgan. Abdulla Qodiriy bilan "Mushtum" jurnalida birgalikda ishlagan, Qodiriy, Abdulla Avloniy, Hoji Muin, G'ozi Yunus, Mirmuhsin Shermuhammedovlar kabi ko'plab ma'rifatparvarlar qatori xalqqa xizmat qilib, el-yurtning jaholat botqog'idan olib chiqish uchun kamarbasta bo'lib xizmat qilgan, qator asarlar yozgan va yuqoridagi yozuvchilar va boshqa ma'rifatparvarlar haqida qimmatli ma'lumotlarni keltirib o'tgan. Qator tarixiy voqealarni ham kuzatuvchisi, ham ishtirokchisi sifatida bu voqeliklarni bir qancha asarlarida bor holicha tasvirlab bergan. Bu bilan ham tarixiy voqealarni o'z ko'zi bilan ko'rgan tarixiy shaxs, ham uni keng kitobxonlar ommasiga yetkazib beruvchi yozuvchi sifatida qadrlidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mo'minjon Muhammadjonov. Turmush urinishlari. -Toshkent: G'afur G'ulom nashriyoti, 1969.
2. Mo'minjon Toshqin. "Turmush urinishlari". -Toshkent: MUMTOZ SO'Z, 2015.
3. Jalilova D. Toshqinning hayoti va ijodiy faoliyati // "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali, 2012. 6-son.
4. navoi.natlib.uz

UDC 81-13

ANALYSIS OF THE SEMANTIC FEATURES OF WORDS WITH THE CONCEPT OF "PROPERTY"

D.A. Shokirova, teacher, Andijan State University, Andijan
Sh.I. Shokirov, PhD, Andijan State University, Andijan

Аннотация. Мақола инглиз тилида “мулк” концептига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб унда инглиз тилидаги бундай лексемаларнинг ахборот етказишидаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар ва иборалар: концепт, когнитив, лингвокультурология, структура, прототип, молекула, патент, инструмент.

Аннотацияи. Статъя посвящена анализу семантических особенностей слов с понятием «свойство» в английском языке, что объясняет роль таких лексем в английском языке в передаче информации и их стилистические особенности.

Ключевые слова: концепция, когнитивный, лингвокультурный, структура, прототип, молекула, патент, инструмент.

Abstract. The article is devoted to the analysis of the semantic features of words with the concept of "property" in the English language, which explains the role of such lexemes in the English language in the transmission of information and their stylistic features.

Key words: concept, cognitive, linguocultural, structure, prototype, molecule, patent, tool.

It is known that in the process of knowing the world, the language system with a system of thought emerges as phenomena that complement each other, necessitating the existence of one another. A well-known Russian linguist scientist S.D. Kasnelson said in his commentary, "The system of thought is repeated by the language system, repeating the basic structural features of the system of thought Lasa is also different from it in essence (sharply)".

In the process of cognition of the real world in the environment, a person acquires a familiar (understanding) of those surrounding things and phenomena and an idea of the inextricably interconnected between them. In the process of human cognition of the world, the formation of cognitions takes place in the form of a subjective image of being that surrounds us in the human consciousness on the basis of emotion, which is formed as a result of the activity of the human sensory organs, its nervous system and brain in cooperation.

When it comes to the question of "concept", it seems to me that it is necessary to mention the following about its properties.

Cognitive linguistics, or cognitology, is one of the foundations of the ideas that advance, according to which man's knowledge and imagination about the object reality, that is, about the external world, is formed in the form of a concussion, that is, as a product of intelligence that reflects various aspects of human activity, and is stored in the mind of a person. In the process of thinking, a person thinks on the basis of concepts, combining them together creates new concepts.

The term "concept" was originally used and included in scientific consumption by the Russian Linguist S. A. Askoldov in 1928 [6, 1997, p. 267-279]. By the 80-ies of the XX century, this term began to be widely used in linguistics. Currently, this term is widely used in such fields as cognitive linguistics, linguoculturology, etc.

Concept is formed in the human mind under the influence of the outside world and reflects the experience and knowledge of human activity in the process of contemplation.

Concept (imagination) is the formation of information about what is in the external world and events and their properties process is born. This information contains information about the external world that surrounds us and what is contained in it, Events and events. This information will consist of information about what a person sees, feels, feels, knows, guessed or imagined, and events.

It is widely used in describing the semantics of "concept". The meaning of language units and expressions is reflected in concepts, which are embodied in them. In this concept can be considered as a concept that is proportional to the meaning of the word, while the meaning of the word is recognized as a "concept", which in turn covers the sign of the language.

Concept is reflected the meaning plan of the language sign is expressed through a certain language unit. So, apparently, the language means reflect a short story of Concept with the meaning expressed in itself.

According to the recognized opinion of linguists, concepts have a prototypic (stepped) structure, the structure of which is formed on the principle of "center- periphery".

As a confirmation of this sound, it is enough to recall many synonyms and different definitions of the present tense of the same consonants.

We pay attention to the definition given in dictionaries to the lexeme of "property" in English. Webster's third new international dictionary of the English Language (Webster's third new International dictionary of the English Language), Konemann, 1993, P. 1818) category inbound horse at the word "property" of the middle ages in the English language the word "proprete", in the French language of the middle ages ""proprete, proprius" Latin language "proprietas-, proprietas", and leading its original meaning is "proprius own, particular" (the property owner) that is written is [5. R. 1818]:

We have identified other meanings of the word "property" by the method of translation in the dictionary sequence as follows:

1. a) quality and attribute to an individual or thing: the quality given to an individual "Eye is the given property to a person";

b) the influence of a material thing or substance on one or more senses of another object or observer (the properties of natural objects do not mean for themselves and for themselves what belongs to certain objects, but always mean interdependence); (the optical properties of a mineral), the properties of the objects of nature do notify signify anything proper to the particular objects in and for themselves, but always a relation to a second object (including our sense organs) H.L.P. von Helmholtz) (alkaline properties of ammonia) (optical properties of a mineral);

c) special strength or ability: **virtue**; a popular resort property due to its healing properties; health resort property popular because of the healing properties attributed to the water of its spring property America. Guide Series: (rhythm is a property of words —C. H. Rickword).

d) (1) character, property or distinctive character (protein molecules, characteristic for all members of the class or species... an important feature that has the ability to multiply themselves is called); (2) the mantle of Aristotle: (characteristic and characteristic of the species, but a sign that does not enter into its essence and does not exist in its definition): PROPRIUM - (also called unnecessary property); predicable-compare (nonessential property);

2. a) what is owned or not: wealth goods; specific: a piece of real estate (*identify*: a piece of real estate), (*the house . . . surrounded by property G.G.Weigend*). b) the exclusive right to own, use and dispose of a thing: a valuable right or interest mainly as a source or element of wealth: **ownership** (all individual property a form of monopoly – Edward Jenks); c) what a person has the title of law: property in material assets (such as land, goods, money) or in intangible rights (such as copyright, patent) or rights protected by law by a person.

3. Property, fitness;

4. a) any articles or items used in the performance or motion pictures except painted landscapes and actors' "costumes"; b) a tool to achieve the goal: (impossible I should love thee, but as a property), synonym is quality.

In addition to the given definitions, it is possible to add another dictionary information in such a way. According to the Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English, published in 2000 by A.S.Horinby, we can observe such meanings again [4: R. 1016]:

- Property belonging to someone: This building is government property. Be careful not to damage other people's property — *see also* intellectual property, lost property, public property.

- Personality and common property: The price of property has risen enormously, o property prices, a property developer;

- Buildings or buildings and surrounding lands: There are a lot of empty areas in the area;

- Quality or feature that has something: *Compare*: the physical properties of the two substances, a plant with medicinal properties.

We also observed the following portable meanings of "property " semantics.

- **propertied** – 1. possession of property, 2. the stage;

- * **exploit** (definitions) - construct a tool (to reveal the meaning, meaning of something, to clarify, to explain (formulate): (this diamond exploit earned him his captain's commission and a sword of honour from);

- **appropriate** - suitable (That suit is appropriate for the wedding).

Concepts can have a simple and complex structure. Simple concepts have a more semantic meaning and are not so dependent on the way of life of the people. They have their own lexical meaning in all languages, and it is possible to include them in the category of lexical consonants. And the concepts of a complex character can be imagined as a long – standing process of a people speaking the same language - a concept formed on the basis of a people's lifestyle, for example, a concept formed on the basis of a phraseological combination of idiomatic character.

The word of "property" combined with the words **insurance** and **damage**, is the protection of the insured against the legal liability of the insured for damage caused by his car to the property of others; for example: Property damage liability coverage is required by law in most states.

Tax on the increase in the basic value of real estate in contrast to income and others; property – **increment tax**. For example: property – increment tax definition is a tax on increase in the value of the principal of an estate as distinct from income actually realized.

In such cases, "property" acts not as an attribute of wealth to a person, but as a specific instruction (tool) to the society or the state which he lives.

It seems that it is also worth noting the following features of the "property":

Lexemes with semantics "property " **man** or **master**. used in a portable sense with verbs such as "property" - "the one who deals with the purchase and management of theatrical or film stage properties" - the second meaning; creates metaphorical models, such as " the one who is responsible for the equipment used in the coal mine". *For example*: a property master, at least in the world of film, is the person responsible for all portable objects (props) on a set.

Also" property " comes in two different meanings merged with word right 1. the right to conclude contracts, to conduct business, to work or to use and dispose of property is protected by the Constitution. 2. a legal right or interest against a particular property, in contrast to the applicable right to a person. *For example*: Property rights are structures in economics for determining how a resource or economic good is used and owned. Courts are filled with claims property rights that are disputed by other parties.


Such models can also be met in some proverbs and sayings: **Property will not earn life, but life will earn property, they call one "generous" and make one lose one's property, they call one "brave"**; – (property will not have life, but life will have property); (they call one "generous", another "brave" and deprive one of his own property) – in his article "property, from property" – a metaphorical model applied.

Based on these examples, it can be said that in English words that have the semantic "property" fulfill the role of a specific boundary between the inner and outer world of a person.

In addition to metaphorical models, the so-called "property" in English is used in metonymic models of human life. *For example*: the three types of property insurance coverage include replacement cost, actual cash value, and extended replacement costs.

The word "property" can be expressed in a secluded state and in the composition of word combinations, phraseological combinations of different, correct and portable meanings. The analysis showed that some of them have the corresponding equivalents in the translation language, while others do not have the corresponding units. *For example*: prop, prop up, pecuniary, estate agent, propriety, plentiful, productive, chattel, estate, ownership of, quality, poverty stricken, property developer, property ladder, property management, property owner, property owning, keep possession of, get possession of, propertyless and etc.

Proceeding from the above considerations, we will try to outline the stages of the cognitive process of language factors that characterize the main state of property semantics on the basis of the graph.



Based on the above comments, it can be noted that the core of the concept "property" creates an active association for language owners, while the less significant ones take place on the periphery, and the more distant from the center, the meaning of them slows down. The property is recognized as the core of the conjugated the basic concept (imagination) formed in the verbal consciousness. And its periphery creates an area in which one can evaluate and interpret the cognitive nature of the core and interpret it.

The concept gives a reflection of the cognitive connection between person and his knowledge of the external scientist surrounding him. The study of cognition as a cognitive category consists of many aspects and it is of interest to linguists both in one language material and in several language material as an object of study. So, exactly one thing that relates to different spheres of human activity is that it reflects the different features of concentration.

REFERENCES:

1. A. Sobirov. Study of the lexical level of the Uzbek language on the basis of the principle of systems. – T. Manaviyat. 2004.
2. Askoldov S.A. Concept and word // Russian literature. From the theory of literature to the structure of the text. Anthology. M., 1997. p. 267-279.

3. Hornby A.S. OXFORD Advanced Learner's dictionary. sixth edition/ Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000. P. -581-582-583.
4. John Galsworthy. Apple Tree and other stories. J. Galsworthy. - M.: Published foreign language, 1961
5. Katsnelson S.D. Categories of language and thinking: from the scientific heritage / S.D. Katsnelson. M.: Language. Slavic culture, 2001. 864p.
6. Safarov Sh. Semantics. T., 2013. -340 p.
7. Sh. Iskandarova. Study of Uzbek lexicon as a semantic field (personal microfield). - doctor of philological sciences, abstract –T.1999.
8. Sh.Shokirov. The lexical-semantic field of "eye" in different systematic languages and the typology of its constituent language units. – Doctor of Philosophy and Philology, Abstract - T. 2020.
9. Webster's third international dictionary of the English language. Kōnemann.1993.
10. William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard. W. S. Maugham. – M.: Manager, 2000.

UO'K 81:372.881

ERKIN VOHIDOVNING “DONISHQISHLOQ LATIFALARI” TURKUM SHE'RLARIDA LATIFALARDAN FOYDALANISH MAHORATI

D.A. Xajiyeva, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'zbekiston Qahramoni, Xalq shoiri E.Vohidovning “Donishqishloq latifalari” turkum she'rlari xususida so'z yuritiladi. Bu turkumdagi ba'zi she'rlar tahlil qilinadi. Ularda shoirning xalq latifalaridan foydalanish mahorati, ularni ijodiy o'zlashtirishi, yangi latifalar yaratishi ochib beriladi. E.Vohidovning xalq latifalaridan foydalanishdagi mahoratining ba'zi qirralari yoritiladi.

Kalit so'zlar: E.Vohidov, “Donishqishloq latifalari”, Matmusa, turkum she'rlar, xalq latifalari, tasvir, ifoda, mahorat qirralari, badiiy bezak.

Аннотация. В статье рассматривается цикл стихотворений «Анекдоты доньшикишлака» Героя Узбекистана, народного поэта Э. Вахидова. Проанализированы некоторые стихотворения этой серии. В них раскрывается умение поэта использовать народные анекдоты, его творческое мастерство, создание новых анекдотов. Освещены некоторые аспекты умения Э. Вахидова использовать народные анекдоты.

Ключевые слова: E.Вахидов, «Анекдоты доньшикишлака», Matmusa, цикл стихов, народные анекдоты, образы, выражения, умения, художественное оформление.

Abstract. This article deals with the series of poems "Donishqishloq Anecdotes" by the Hero of Uzbekistan, People's Poet E.Vakhidov. Some of the poems in this series are analyzed. They reveal the poet's ability to use folk anecdotes, their creative mastery, the creation of new anecdotes. Some aspects of E.Vakhidov's skill in using folk anecdotes are covered.

Keywords: E.Vakhidov, "Donishqishloq anecdotes", Matmusa, a series of poems, folk anecdotes, images, expressions, skills, artistic decoration.

Erkin Vohidov o'zbek she'riyatining zabardast ustunlaridan biri bo'lib, uning lirikasi mavzu rang-barangligi, falsafiy teranlik, samimiy hajv va yumorga yo'g'rilganligi, xalqona ohang hamda ohorli tashbehlarga boyligi bilan ajralib turadi. Ayniqsa, shoirning hajviy-yumoristik asarlari unga juda katta shuhrat keltirdi. Erkin Vohidov ijodining ilk davriga mansub bo'lgan - 60-yillar oxirida yaratilgan “Oltin devor” komediyasi shoirning naqadar mohir komediyanavis, hajv ustasi ekanligini ko'rsatdi. Shoirning 1976-1991-yillar oralig'ida yaratilgan “Donishqishloq latifalari” turkum she'rlari va uning afandisifat qahramoni Matmusa ham xalq orasida mashhurlikka erishdi.

Ma'lumki, yumorda, xususan, latifalarda har bir xalqning o'ziga xos, xarakterli xususiyatlari yorqin aks etadi. Latifalar xalq og'zaki ijodining og'zaki va yozma adabiyotda keng tarqalgan janri bo'lib, ular mavzu jihatdan rang-barang, kichik syujetga ega ixcham hikoyachadir. O'zbek adabiyotida Nasriddin Afandi latifalarning barqaror obrazi sifatida keng tarqalgan. Keyingi yillarda, ayniqsa, yozma adabiyotda latifa janri imkoniyatlaridan keng foydalanilib, xilma-xil asarlar yaratilmoqda. Erkin Vohidov, Ne'mat Aminov, Anvar Obidjon, Tursunboy Adashboyev kabi qator

ijodkorlar asarlarida latifalardan ijodiy foydalanilgan. Yozma adabiyotdagi she'riy latifa namunasi Erkin Vohidov ijodiga alohida ko'rk bag'ishlagan.

She'riy latifalar asosiga qurilgan “Donishqishloq latifalari”da shoir qishloqning sodda, ishonuvchan va samimiy odamlarining kulguga boy hayotini zavq-shavq bilan tasvirlaydi. “Donishqishloq latifalari”ni o'qib hamma kuladi, - deydi shoir munaqqid N.Karimov bilan bo'lgan suhbatda. – Vaholanki, men ularni alam bilan yozganman. Aql-idrokka zid, teskari ishlarimiz el boshiga kulfat va uqubatlar keltirib yotgani sir emas-ku. Kosasi teskari charxpalaklar kammi? Bir pardani tutgancha qola bergan, bir xil ohangni qo'ymay chalabergan Matmusalar ozmi? O'zimiz yaratgan qoliplarni tandirday kiyib olib yo'lni ko'rolmay, osmonga qaragancha ketayotgan hollarimiz yo'qmi? Bular kulguli ishlarmas, achinarli, ofatli hodisalar” [1]. Darhaqiqat, shoir Matmusa obrazi, uning butun sarguzashtlari orqali jamiyatdagi, insonlar xarakteridagi kamchilik va nuqsonlar, ba'zi illatlarni ochib tashlaydi. Shu bois ham adabiyotshunoslar “Donishqishloq latifalari” asarini ijtimoiy satiraning eng yaxshi namunalaridan biri sifatida yuqori baholaydilar. 17 ta she'riy latifadan iborat bo'lgan turkum she'rlar o'zining milliy ruhi, xalqchilligi, xalqona hazil-mutoyibalarga boyligi, eng muhimi, hazil zaminidagi ma'noning teranligi bilan ajralib turadi.

Ma'lumki, Erkin Vohidov she'riyatida xalq og'zaki ijodining o'rni juda katta bo'lib, “Donishqishloq latifalari” asarida she'riy latifalardan o'rinni qo'llangan. Eshak minib ko'pgina sarguzashtlarni boshidan kechirgan Afandi haqidagi latifalarni eshitmagan kishi bo'lmasa kerak. “Donishqishloq latifalari” da esa shoir xalq latifalaridan farqli ravishda Matmusa obrazini tanlaydi va o'zbek adabiyotini yana bir yumoristik qahramon bilan boyitadi. “Donishqishloq latifalari” turkumining “Matmusaning tandiri”, “Matmusaning qalpog'i”, “Matmusaning lagani”, “Qiziquvchan Matmusa”, “Matmusaning charxpalagi”, “Matmusaning uylanishi”, “Tandir kiygan Matmusa”, “Matmusa va o'g'rilar”, “Matmusaning eshak sotgani”, “Matmusaning mehmondo'stligi” kabi qator she'rlarida insonlar hayotidagi ko'plab kulguli holatlar xalqona hajv orqali go'zal badiiy tasvir etiladi.

“Matmusaning qishlog'i” she'rida shoir shunday yozadi:

Donishqishloq degan joy
Bordir bizning tomonda.
O'sha qishloq ahlidek
Dono xalq yo'q jahonda.

Jo'yak tortib tomiga,
Makka ekan o'shalar.
Kalishini perronga
Yechib ketgan o'shalar.

Yuz qop ganchni bir yo'la
Suvga qorgan u yerlik.
Echkini sartaroshga
Olib borgan u yerlik [2].

Shoir Matmusaning qishlog'ini ta'riflar ekan, bu zaminning minoralarni teskari quduqqa o'xshatgan, devori yo'q hovlisiga darvoza o'ratgan, kalishini perronga yechib kelgan sodda odamlari ustidan kulmaydi, balki ularning hayotidagi bu holatlardan to'g'ri xulosa chiqarishga da'vat qiladi.

“Matmusaning qalpog'i” she'rida qalpoq sotib olgan soddadil Matmusa uni ulfatlari bilan restoranda “yuvadi”, sharobxo'rlik qizigandan qiziydi, oxiri esa ziyofatning haqini to'lashga puli yetmay qolib, ofitsiantga telpagini topshirib qutuladi:

Kirdilar, o'ltirdilar,
Buyurdilar araqni.
Dono Matmusa uchun
Ichdilar bosh qadahni.
Qalpoqqa teri bergan
Suvsar uchun ichdilar.

Shunday qalpoqni sotgan
Ovsar uchun ichdilar (501-bet).
Eslanmagan qishloqning
Itigacha qolmadi.
Maqtalmagan qalpoqning.
Ipigacha qolmadi.

“Matmusa sodda, quv, sho‘x odam. Donishqishloq latifalari bahonasida shoir olam jahon fikrlarni aytib oladi. Erkin Vohidov hazillarida fikr va ifoda, fitrat va qiyofa mutanosibligi bor” [3]. Ayniqsa, “Tandir kiygan Matmusa” she’rida juda katta ijtimoiy fikr, falsafiy ma’no mujassam. She’riy latifa syujeti Afandi haqidagi latifalar syujetiga monand keladi. Yo‘llarda eshak minib, ustiga tandir kiyib turli hangomalarni boshidan kechirgan Afandi haqida latifalar ko‘p uchraydi. Biroq, “Tandir kiygan Matmusa”da o‘zgacha holat. “Matmusaning tandiri” she’rining mantiqiy davomi sifatida yuzaga kelgan bu she’rda o‘zi tandir qurishni eplay olmagan Matmusa tandir bozoriga borib tandir sotib oladi. Odamlar maslahati va ko‘magi bilan eshagiga minadi va tandirni kiyib oladi-yu, qishlog‘iga qarab yo‘lga chiqadi. Tandir kiyib olgani bois yo‘lni ko‘rolmaydi va Ollohdan eshagiga aql berishni so‘rab, tavakkal qilib ketaveradi:

Bedapoya ko‘rganda
Eshak sho‘rlik netadi?
Qishloq qolib mag‘ribda,
Mashriq tomon ketadi.

Kun botar-u shom tushar,
Yulduz chiqar osmonga,
Hamon borar Matmusa,
Yetmas manzil-makonga.

Deydilarki, to bu dam
Yo‘lda emish Matmusa.
Boshi ham yo‘q, cheki yo‘q
Cho‘lda emish Matmusa.

Hazil ostidagi nihoyatda og‘ir zil she’rning xulosasida beriladi, shoir o‘quvchini yo‘lidan adashgan bir mo‘minning ustidan kulmaslikka chaqiradi. Erkin Vohidov bu she’r orqali butun bir elning taqdirini “dono” yo‘lboshchilarga topshirib, o‘z borar manzilini ko‘rolmagan mustabid davr kishilari, o‘sha jamiyat dardlarini tasvirlaydi. She’r faqat kulgu qo‘zg‘atishga xizmat qilmaydi, balki ana shu kulgu zamiridagi shoir so‘zlari insonning vijdoni, ichki dunyosini uyg‘otadi.

“Matmusaning lagani” she’rida Matmusa shaharga borib, chiroyli lagan xarid qiladi. Keyin buni uyga olib borsam, xotanim uni pishloq solinadigan idishga aylantirsa-yu, bolalarim pishloq talashib, laganni sindirib qo‘yishsa, chegalatish uchun yana shaharga kelishim kerak, deb o‘ylaydi. Shunda dono Matmusa ovragarchilikning oldini olish niyatida laganni o‘zi sindirib, bir yo‘la chegalatib ko‘ngli tinchiydi. Buni eshitgan qishloqdoshlari uning aqli ko‘pligiga qoyil qolishadi.

“Donishqishloq latifalari” turkum she’rlarida Erkin Vohidov Matmusani xuddi Nasriddin Afandi singari turli xil holatda tasvirlaydi. Ma’lumki, xalq og‘zaki ijodiga mansub latifalarda Nasriddin Afandi goh uddaburon, quv, goh ovsar, lapashang sifatida tasvirlanadi. Ba’zi latifalarda Nasriddin Afandi ezilgan, xo‘rlangan xalqqa yordam beruvchi jo‘mard, ba’zan oddiy holatda ham kulguga qoladigan sodda odam sifatida qalamga olinadi. Erkin Vohidov Matmusa obrazini yaratar ekan, Nasriddin Afandi obraziga xos xususiyatlarni Matmusa obraziga singdirib yuborgan. “Matmusaning mehmondo‘stligi” she’rida bir o‘rinda turli narsaga aqli yetadigan, o‘zini xatarga qo‘yib bo‘lsa-da yordamga shoshiladigan kishi, boshqa holatda oddiy narsaga ham aqli yetmay kulguga qoladigan shaxs sifatida tasvirlanadi. Bu shoirning badiiy mahoratidan darak beradi. Erkin Vohidov yozadi:

Mehmon juda azizdir
Donishqishloq tomonda

Derlar, mayli biz o'lsak,
Mehmon bo'lsin osmonda.

Mana, shaharlik mehmon,
Qishloq kezib yuribdi.
Unga go'zal tabiat,
Ma'qul bo'lib turibdi....(514-bet)

Shu tariqa tabiat oshuftasi bo'lgan shaharlik mehmon suvga tushib oqib ketadi. Cho'ka boshlagan mehmon turli tillarda "Qutqaringiz", "Spasite", "Dast bideh", "O may friend, xelp mi pliz", deya yordam so'raydi. Matmusa xalq latifalaridagi Nasriddin singari unga javob qiladi va suvdan olib chiqadi:

"Shuncha tilni o'rganib
Boyvaccha bo'larmiding?
Undan ko'ra suzishni
O'rgansang o'larmiding?" (514-bet).

She'rning shu qismigacha E.Vohidov xalq latifasidan foydalangan, unga badiiy bezak bergan. Shu joyidan keyin esa shoir mahoratini namoyon qilgan va ta'bir joiz bo'lsa, o'zi ham latifa to'qigan. E.Vohidov xalq latifalarini puxta biluvchi, ulardan ijodiy o'rganib, o'zi ham yaxshigina latifalar yaratgan hajvchi ekanligi namoyon bo'ladi. Shoir yozadi:

"Shaharlik shaharlik-da"
Der Matmusa ko'nglida,
"Kerakli arqonini
Olib yurar bo'ynida".

Qirg'oqqa chiqdi shoshmay,
So'ng aqlini yuritib,
Arqonidan daraxtga
Osib qo'ydi quritib (514-bet).

Yuqoridagi misralardan ko'rinadiki, E.Vohidov mashhur latifani yangi zamonga moslab davom ettirdi. Zamonaviy kishi, albatta, zamonaviy kiyinadi. Uning bo'ynida bo'yinbog' bo'ladi. Ana shu kichik detalda E.Vohidov go'zal topilma ko'ra olgan. Bo'yinbog' orqali afandisifat Matmusaning holatidan kulguli vaziyat yarata bilgan. Bu bilan shoir iqtidorli ijodkor ekanligini yana bir bora namoyon qilgan.

"Donishqishloq latifalari"dagi kitobxonni har satrda kuldiradigan hangomalar zamirida davrning yirik ijtimoiy muammolari, kamchiliklari yumorga o'rab beriladi. Ko'rinadiki, asarda Erkin Vohidov xalq latifalaridan ijodiy foydalanadi, ularni qayta ishlab, ma'nolarini kengaytiradi, yangilarini kashf qiladi. Natijada, shoir she'riyati tilining boy va ta'sirchan bo'lishiga, yumoristik mahoratining yanada oshishiga erishadi.

Biz yuqorida tahlilga tortgan "Matmusaning qishlog'i", "Matmusaning qalpog'i", "Tandir kiygan Matmusa", "Matmusaning tandiri", Matmusaning mehmondo'stligi" she'rlarida E.Vohidov xalq og'zaki ijodi janri bo'lmish latifalardan unumli foydalangan. Ularga monand yangilarini zamon va makonga moslab yaratgan. Xalq latifalariga badiiy bezak bergan. Badiiy tasvir va ifodada soddalik, ravonlik, mahorat ko'zga yaqqol tashlanadi. Bu esa E.Vohidovning xalq og'zaki ijodi namunalarini puxta o'rgangan, ulardan ijodiy foydalangan mahoratli shoir ekanligini isbotlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Эркин Воҳидов. Қалб садоқати. Асарлар. 5-жилд. –Тошкент."Шарқ". 2018. Б.243.
2. Воҳидов Э.Танланган асарлар. – Тошкент: "Шарқ". 2018, Б.499. Бундан кейинги шеърӣй парчалар шу китобдан олинади ва қавс ичида саҳифаси кўрсатилади.
3. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. –Тошкент. "Шарқ". 2007. Б. 255.

ZAMONAVIY INGLIZ BOLALAR ADABIYOTI YOZUVCHILARI VA ULARNING ASARLARINI O'ZIGA XOSLIGI

G.Sh. Xudoyberdiyeva, o'qituvchi, Toshkent davlat texnika universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada asosiy e'tibor bolalar adabiyotining rivojlanish tendensiyalari, ushbu janrda ijod qilayotgan zamonaviy yozuvchi va adiblarning asarlariga murojaat qilgan holda, ularning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganishdan iborat. Sir emas bolalarda adabiy fikrning shakllanishi orqali ulardagi dunyoqarashni boyitish mumkin. Shuningdek, yosh kitobxonlar uchun yaratilayotgan asarlarning mazmun-mohiyati o'quvchilarning ongiga ta'sir ko'rsatuvchi omillardan biri hisoblanadi.

Kalit so'zlar: bolalar adabiyoti, zamonaviy bolalar adabiyoti yozuvchilari, adabiy fikrlash, dunyoqarash, ong.

Аннотация. Основной упор в статье делается на изучение тенденций развития детской литературы, их специфики с обращением к произведениям современных писателей и писателей, творящих в этом жанре. Не секрет, что через формирование у детей литературной мысли у них можно обогатить мировоззрение. Также содержание произведений, создаваемых для юных читателей, является одним из факторов, влияющих на сознание читателей.

Ключевые слова: детская литература, писатели современной детской литературы, литературное мышление, мировоззрение, сознание.

Abstract. The main in the article is to study the trends in the development of children's literature, their specific features, referring to the works of modern writers and writers who work in this genre. It's not a secret that through the formation of a literary thought in children it is possible to enrich the worldview in them. Also, the content of the works created for young readers is one of the factors that influence the minds of the readers.

Key words: children's literature, writers of modern children's literature, literary thinking, worldview, consciousness.

Aytish kerakki, bugungi kunda yosh kitobxonlar uchun maktab darsliklari orqali chet el bolalar adabiyoti namunalaridan foydalanish, ularni o'qib-o'rganish cheklangan. Ular aksincha bu kabi zamonaviy yozuvchilarning hayoti va ijodini internet orqali, ba'zan kinofilmlar orqali o'rganadilar. Ayniqsa xorijiy tillarni, xususan ingliz tilini makammal o'rganishni istagan yoshlar ingliz adabiyoti Evropa adabiyotining klassikasi ekanligini bilishlari kerak. Zero, har bir asarning asl nushasini o'qib, o'rganish nafaqat til ko'nikmalarining rivojlanib yanada boyishiga, balki adabiy saviyaning yuksalishiga xizmat qiladi.

Quyidagi ma'lumotlar orqali ingliz yozuvchilarning hayoti va ijod yo'li to'g'risida to'xtalamiz. Britan adiblari xususida fikr bildirganda shubhasiz Daniel Defo ismini ta'kidlab o'tmasdan bo'lmaydi. Daniel Defo turli mavzularda 500 ga yaqin romanlar yozgan ingliz yozuvchisi. U Evropa romanchiligining asoschilaridan biri sifatida qayd qilinadi. Ayniqsa yozuvchining 1719 yilda dunyo yuzini ko'rgan "Robinson Kruzo" nomli asarini eshitmagan yoki o'qimagan inson kamdan kam topilsa kerak. Shubhasiz ushbu roman uning hayotidagi eng mashhur asarlaridan biri bo'ldi. Shuningdek, "Kolonel Jek", "Mol Flandriya", "Roxana" kabi asarlari ham adabiyot ixlosmandlari tomonidan sevib o'qiladi.

Ingliz adabiyotining yana bir mashhur insonlaridan biri bu detektiv janr otasi Artur Konan Doyldir. Artur Konan Doyle (ser Artur Ignatius Conan Doyle) 1859 yilda tug'ilgan bo'lib, yozuvchining asarlarida tarixiylik, sarguzasht va yumor kabi jihatlar ustaunlik qiladi. Jumladan, Sherlok Xolms, Professor Challenger kabi asarlari butun dunyoda sevib mutoala qilinadi. U shuningdek, qator tarixiy romanlar bilan birga, hikoyalar ham yozgan. Rudyo Kipling (ser Juz Joshyard Ruddar Kipling) 1865 yildan 1936 yilgacha bo'lgan ingliz shoiri, yozuvchi. U jahon adabiyoti tarixida bolalar uchun hikoyalar va ertaklar muallifi sifatida tanilgan. Rudyolar Kipling nafaqat adabiyot bo'yicha Nobel mukofotining eng yosh laureati, balki ushbu mukofotni olgan birinchi ingliz sifatida tarixga yozilga.

Yozuvchining "Rikki Tika-Tavi", "Kim", "Kaa ovi", "Fil", Qanday harflar bor edi" kabi asarlari mashxurlari hisoblanadi.

Bolalar va o'smirlar uchun yaratilgan badiiy, ilmiy, ommabop va publitsistik asarlar aynan bolalar adabiyotining fundamentini tashkil etadi. Bolalar adabiyotining o'ziga xos xususiyatlari bu - uning hodisalarning o'zgarib borishi, kitobxon yoshi, tarixiy davr va ijtimoiy muhit bilan bevosita bog'liq. Zero o'quvchining yoshini hisobga olish bolalar adabiyotining asosiy jihatlaridan. Bolalar adabiyotining yana bir xususiyati uning harakatga boyligidir. Bunda voqealarning tezkor, qiziqarli, fantaziya va yumorga boy ravishda kitobxonga etkazilishini talab qiladi. Agarda sharq xalqlari tarixiga nazar solsak, "nasihatnoma", "axloq kitoblari" singari nomlar bilan tasnif qilinuvchi asarlar aynan bolalar adabiyotining dastlabki namunalari hisoblanadi. Kaykovusning "Mav'izatnomai Kaykovus" ("Qobusnoma"), Shayx Savdiyning "Guliston" va "Bo'ston", Jomiyning "Bahoriston" asarlari shular jumlasidan. Bundan tashqari, Alisher Navoiyning "Hayrat ul-abror", "Mantiq ut-tayr" va "Mahbub-ul-qulub" asarlari, Gulxaniyning "Zarbulmasal" asarlari o'zbek bolalar adabiyotining mumtoz namunalari sifatida asrlar mobaynida yosh avlodni insoniy fazilatlar ruhida tarbiyalashga xizmat qilib kelmoqda.

Ma'lumki, barcha xalqlar bolalar adabiyotida ma'rifatparvarlik kabi jihatlar ustunlik qiladi. Xususan, o'zbek bolalar adabiyoti ning barqarorlashuvi XIX-asr ikkinchi yarmi va XX-asr boshlaridagi ma'rifatparvarlik harakatiga borib taqaladi. Munavvarqori, Abdulla Avloniy, Mahmudxo'ja Behbudiy, Hamza kabi o'nlab ma'rifatparvarlarning "yangi usul" ("usuli jadidiya")da yaratilgan ellikka yaqin alifbo va kitoblar o'zbek bolalar adabiyotining tom ma'nodagi yorqin namunalari hisoblanadi. Bolalar adabiyotiga bolalar uchun maxsus yaratilgan asarlar sifatida qarash, uning o'ziga xos tamoyillarini belgilash XX-asrning boshlarida yuzaga keldi. O'zbek bolalar adabiyoti jahon bolalar adabiyotining ilg'or an'analari ta'sirida rivojlanib bordi. Jahonning nodir asarlari asta-sekin o'zbek tiliga tarjima qilina boshlandi. "Gulliverning sayohatlari" (J. Svift), "Robinson Kruzo" (D. Defo), "Tom tog'aning kulbasi" (BicherStou) kabi durdona asarlar shular jumlasidan. Sharq adabiyoti eng yaxshi namunalarini arab, fors tilidan tarjima qilish Bolalar adabiyoti tarjimachiligidagi bir yo'nalish bo'lsa, G'arb adabiyoti, xususan, rus adabiyoti namunalarini o'zbekchalashtirish ikkinchi yo'nalishni boshlab berdi. Krilov masallari, Pushkinning "Baliqchi va baliq haqida ertak" asari, Ushinskiy hamda Tolstoyning bir qancha hikoyalari ayni shu davrda tarjima qilinib, yangi usuldagi maktablar darsliklariga kiritildi. Natijada o'zbek ijodkorlari tarjima jarayonida jahon bolalar adabiyotining o'ziga xos xususiyatlarini yanada mukammal o'rgandilar. E'tiborlisi bolalar uchun ijod qiladigan yozuvchi adiblar guruhi shakllandi. XX-asrning 20-30 yillarida Hamid Olimjon, G'afur G'ulom, G'ayratiy, Shokir Sulaymon, Ilyos Muslim, Gulom Zafariy, Elbek, Zafar Diyor, Sulton Jo'ra, Qudrat Hikmat, Quddus Muhammadiy, Shukur Sadulla, Hakim Nazir, Po'lat Mo'min va boshqa ijodkorlarning asarlari o'zbek bolalar adabiyotining rivojlanishi hamda adabiyot sifatida shakllanishida muhim ahamiyat kasb etdi.

Shuningdek, o'zbek bolalar adabiyotida adabiy ertak janri ham rivojlanishi natijasida Hamid Olimjonning Oygul va Baxtiyor, "Semurg' yoki Parizod va Bunyod", Mirtemirning "Ajdar", Shukur Sa'dullaning "Uch ayiq", "Ayyor chumchuq", Zafar Diyorning "Yangi ertak", "Toshxon bilan Moshxon", "Tulkining hiylasi", Sulton Jo'raning "Zangor gilam" va "Qaldirg'och" singari asarlari yaratildi. O'tgan asrning 40-60 yillarida o'zbek bolalar adabiyoti yanada rivojlandi desak bo'ladi. Bolalar uchun ijod qiladigan yozuvchilarining safi kengayib Nosir Fozilov, Xudoyberdi To'xtaboyev, Tolib Yo'ldosh, Farhod Musajonov, Latif Mahmudov kabi qalamkashlar adabiyot sahnasida paydo bo'ldi. O'z navbatida Uyg'un, Mirtemir, Asqad Muxtor, Sayd Ahmad, Shuhrat, Mirzakalon Ismoiliy, Mirkarim Osim singari adiblar ham bolalarga atab asarlar yaratdi.

O'zbek bolalar adabiyoti janrida hikoya masal, pandnoma ertak, sarguzasht kabi yo'nalishlar bilan birga Ona tabiatni sevish, uni asrashga undovchi asarlar ham yozila boshlandi. Xususan, Quddus Muhammadiyning besh jilddan iborat "Tabiat alifbosi" aynan yosh kitobxonlarni Ona tabiatga, hayvonot va o'simliklar dunyosiga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashga yo'g'rilgani bilan e'tiborga molik.

Bundan tashqari, XX-asrning 50-60 yillarida G'afur G'ulomning "Shum bola", Oybekning "Bolalik", Abdulla Qahhorning "O'tmishdan ertaklar", Nazir Safarovning "Ko'rgan kechirganlarim"

qissalari nasriy bolalar adabiyoti rivojiga munosib ulush qo'shdi. Shuningdek, Xudoyberdi To'xtaboyevning "Sehrli qalpoqcha", "Sariq devni minib", "Sariq devning o'limi" asarlari ham sara asarlar qatoridan o'rin oldi. Ular ko'pgina xorijiy tillarga ham tarjima qilindi.

O'z navbatida, 80-yillar o'zbek bolalar adabiyotida Anvar Obidjon, Safar Barnoyev, Rauf Tolipov, Qambar Utayev, Hamza Imonberdiyev va boshqa ijodkorlarning asarlari yosh avlodni eng yaxshi insoniy fazilatlar ruhida tarbiyalashga xizmat qilishi bilan e'tiborga sazovor bo'ldi. Mamlakatimiz mustaqilligi yillarida bolalar adabiyotining rivojlanishi yangi bosqichga ko'tarildi. Bu jarayonda tarjima asarlarining ulushi va badiid saviyasi yuksala boshladi. Asrlar osha eldan elga, tildan tilga o'tib, bolalar qalbidan joy olib kelayotgan "Qizil Shapkacha" (Sh. Perro), "Robinzon Kruzo" (D. Defo), "Gulliverning sayohatlari" (J. Svift), "Dyumchaxon" (H. Andersen), "Oltin baliq" (A. S. Pushkin), "Tom Soyerning boshidan kechirganlari", "Shahzoda va gado" (M. Tven), "Kapitan Grant bolalari", "Ostin-ustin" (S. J. Vern), "Don Kixot" (J. Servantes) kabi asarlar yosh kitobxonlar uchun munosib tuhfa bo'ldi.

XX asrda yaratilgan "Maugli" (R. Kipling), "Kichkina Shahzoda" (A. De Sent – Ekzyuperi), "Katta va kichik Karlson" (A. Lindgren), "Toshkent – non shahri" (A. Neverov), "Vinni Pux" (A. Miln), "Ahmoq sichqoncha haqida ertak" (S. Marshak), "Uch baqaloq" (Y. Olesha), "Quvnoq jabbaqlar" (B. Kerboboyev), "Doktor Aybolit" (K. Chukovskiy), "Temur va uning komandasi" (A. Gaydar), "Chipollinoning sarguzashtlari" (J. Rodari), "Styopa amaki" (S. Mixalkov), "Kim bo'lsam ekan?" (V. Mayakovskiy), "Bilmasvoy quyosh shahrida" (N. Nosov) singari olam kezib yurgan asarlar o'zbek kitobxon bolalarida katta taassurot qoldirmoqda. Yuqorida tilga olingan asarlar yosh kitobxonni ezgulikka chorlab, Ona vatanga muhabbat, uning ozodligini asrash, pand-nasihad, tabiatga mehr, uni asrash, o'zgalar mehnatini qadrlash, o'qish va o'rganish kabi olijanob g'oyalarni ularning qalbidan paydo bo'lishiga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
2. Suyumov A., Kichkintoylar adabiyoti, T., 1962;
3. Jahongirov F., O'zbek bolalar folklori, T., 1975;
4. Bolalar adabiyoti va zamonaviylik, T., 1981;
5. Safarov O., O'zbek bolalar poetik folklori, T., 1985; O'zbek bolalar adabiyoti va adabiy jarayon, T., 1989;
6. Barakayev R., Jonajonim, she'riyat, T., 1997.

УЎК 808.3

АХУРА МАЗДАГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАЭВА КУЛТИНИНГ МОҲИЯТИ

Ш.Б.Абдуллоев, таянч докторант, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Мақолада зардуштийликнинг олий илоҳи Ахура Мазада ва унга қарши даэваларнинг култи ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган. Даэваларнинг моддий ва номоддий қиёфаси, хусусиятлари, моҳияти ҳамда уларнинг мавжуд оламга таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: Ахура Мазда, ахуралар, Ахриман, дев, даэва, дайва, Авеста, зардуштийлик, Ака Мана, ангра, дуздаҳ, дружвант, ачишта, аесня манаҳ, аствант.

Аннотация. В статье анализируются сведения о верховном божестве зороастризма Ахура Мазаде и культе даэва против него. Изучаются материальный и нематериальный облик, свойства, сущность даэвов и их влияние на существующий мир.

Ключевые слова: Ахура Мазда, ахуры, Ахриман, дев, даева, дайва, Авеста, зороастризм, ака мана, ангра, дуздах, дружвант, ачишта, аесня манах, аствант.

Abstract. The article analyzes information about the supreme deity of Zoroastrianism Ahura Mazada and the cult of the Daevas against him. The material and non-material appearance, properties, essence of the Daevas and their influence on the existing world are studied.

Key words: ahura mazda, ahura, ahriman, dev, daeva, daiva, avesta, zoroastrianism, aka mana, angra, duzdah, drujwant, achishta, asnya manah, astvant.

Мавзунинг долзарблиги: Авестанинг энг қадимги қисмлари –Гаталарда, фақат Ахура Мазда сифинишга лойиқ деб улуғланиб, ундан бошқа илоҳлар сохта, ёлғон, мавжуд бўлмаган худолар сифатида қораланган. Бундай сохта илоҳлар ёки иблислар (демон) “Авеста”да даэва номи билан эсланади [12, 165-б.]. Демакки, Ахура Мазда култи рад этилган даэвалар ўрнига тақлиф этилган, шу нуқтаи назардан даэва култиниң ўрганилиши Заратуштра ислоҳоти моҳиятини англатиш билан бирга, бу таълимотдан олдинги эътиқод, унинг пантеони ҳамда инқирози сабабларини очиб беради.

Тадқиқот усули. Мақола манбаларни қиёсий - мантиқий таҳлил этиш усулида ёзилди ҳамда фанлараро ёндашув методи қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Сақланиб қолган энг қадимги динлардан бири – зардуштийликнинг дастлабки матнлари тахминан мил. авв. II мингйиллик охирларида яратилган [4, 139-б; 10, 317-б.]. Бироқ, Кичик Авеста матнларининг ёзила бошланиши милоддан аввалги I мингйилликнинг ўрталарида бошланиб, тахминан милодий VI асрнинг охирларида, яъни сосонийлар ҳукмронлигининг якуний палласида ниҳоясига етган. Бу дин илк кунлариданоқ эзгулик ва ёвузликнинг ўзига хос этиологиясини ифодалаган. Тадқиқотчилар таълимотнинг ёвузлик манбайи ҳақидаги қарашлари “монотеистик” ёки “дуалистик” тасавурлардан шаклланиши масаласида баҳслашадилар [5, 61-б.]. Сўнги тадқиқотлар, бу қарама- қарши атамалар яҳудий ва насроний илоҳиётидан келиб чиққани ва зардуштийлик муаммосини акс эттирмаслиги ҳақидаги мулоҳазаларни ҳам олға сурмоқда [3, 63-64-б.; 11б, 93-118]. Гаталарнинг асосий мазмуни – Ахура Маздани алқов ва эътиқодга лойиқ мақомга кўтаришдир (Ҳ 30.1). Гаталар ва Ясна Ҳаптангхаитида Ахура Мазда бутун оламнинг “яратувчи” си ёки “эга”си (Ҳ 28.2, 31.11, 43.3, 35.1) бўлган “донишманд” (ав. mazda Ҳ 44.2–4, 37.3) сифатида таърифланган.

Гаталардаги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги очик курашга қарамай, “доно ҳукмдор (хўжайин)”, “жон бағишловчи” ёки “эзгулик таратувчи” (*спэнта*) ва “эзгулик” (*воху*), “эзгу фикр” (*ваҳишта манаҳ*) ва “эзгу муқофот” (*воху аши*)нинг ижодкори Ахура Мазда билан рақобат қилувчи ёвуз қудратнинг номи учрамайди. Бироқ, Авестада бир неча маротиба Ахура Мазда яратган моддий ва номоддий оламнинг камолоти бегона манбадан яралган ёвузлик босқинидан бузилгани таъкидланган. Бир томондан, Ахура Мазда ўзининг тафаккури билан барча тириклик (*гаэтха*), илоҳий идрок (*даэна*) ва билимнинг (*храту*) яратувчиси (Ҳ 31.7-8, 11) ва ибтидоси сифатида улуғланади (Ҳ 48.6). Бошқа тарафдан, унинг ижодига рақиб куч “ёвузлик тарбиячиси” (*душ.састис*), “ёвуз” (*Ака*), “ёвуз фикр” (*ака манаҳ*), “зулмат” ёки “ҳалокатли” (*ангра*), “чалғитиш” (*наиримаити*), “ҳийла” ёки “ёлғон” (*друж*), “ёвуз ниятли” (*дуддаҳ*) ва “табиатан алдамчи” ёки “ёлғонга муккасидан кетган” (*дружвант*) сифатлари билан аталувчи “ёмон нарсалар” (*Ачишта*) ни ифодалайди. Ахура Мазда томонидан яратилган олам тартиб-интизомини бузиш ҳақидаги бундай қарашлар жон ато этувчи, борлиқнинг ҳимоячиси бўлган эзгулик яратувчиси, ва унга қаршилиқ кўрсатувчи ёвузлик ижодкорларидан иборат икки қарама-қарши куч мавжуд бўлган космогоник тизимга ишора қилади [9, 58-б.].

Гаталарнинг сатрларида номи кўрсатилмаган даэвалар идроки “ғазаб” (*аэшма*)га асосланиб, ҳақиқатни ажратишга қодир эмаслиги туфайли, ёвуз ниятни танлаб, залолатга учрагани ҳамда Ахура Мазда яратган оламнинг нафратига мубтало бўлиши ҳақида хабар берилади [9, 73-б.]. Демак, даэвалар Ахура Мазда тарафдори бўлмасдан, балки борлиқнинг самовий (космик) тартиби ва ҳақиқат низоми (“Авеста”да *Аша*) га таҳдид қилувчи тартибсизлик ва ёлғон (*друж* атамаси ифодаланган) ни тарғиб этишган. Улар оламнинг ижобий тизимида иштирок этмайдилар, балки одамлар орқали касаллик ва ўлимга сабабчи бўладилар. Борлиқни ички тарафдан кемирувчи бу иллат олам ва бутун мавжудотнинг барқарорлигига хатар ҳисобланувчи ёвузлик ҳақидаги қарашларни шакллантирган [7, 104-б.]. Даэвалар Ахура Маздага эътиқод тизимига кирмаса-да, улар ва эътиқодчиларининг Ригведадаги ўхшаш атамалар билан аталиши, қачонлардир ҳиндиэроний ҳамжамиятидан келиб чиққан эронийларнинг ижтимоий ва диний оламига тегишли бўлганидан далолат беради [2, 599-б.; 10б 64-б.]. Бироқ, Авестанинг бирон бир жойида уларнинг Ахура Мазда ижодига мансублиги ҳақида маълумот учрамайди, аксинча уларнинг Ахура Мазда билан иттифоқ бўлишга

уринишлари қатъиян рад этилиб, улар ва эътиқодчилари рижкорона ният ва амалларини давом эттирганлари учун жазога маҳкум этилади (Ҳ 32.3). Табиатига кўра улар ижобий мавжудот бўла олмайди, даэвалар қудрат ва мавқеъига кўра ҳам Ахура Маздага тенг бўлолмайди [7, 101-102-б.; 2, 599-б.]. Даэвалар Авестанинг қадимий қисмларидан бири бўлган Ясна Ҳаптанхитининг муқадас кўшиқ (гоҳ) ларида тилга олинмайди, аммо Авестанинг нисбатан кейинроқ шаклланган қисмларидан бўлган Яшт – “эътиқодга лойиқ мавжудотлар” – язаталарга бағишланган алқовларда кўп тилга олинган. Яштларда даэваларга нисбатан *аесня* (*ayesnya*) – “эътиқодга нолойиқ” сифати қўлланилган (Ҳт 19.81), бу уларни Ахура Мазда билан боғлиқ бўлган язаталардан ажратиб туради, масалан, язаталардан бири бўлган Митра алқовида бу язата худди Ахура Мазда каби “ибодат ва алқовга лойиқ” деб таърифланган (Ҳт 10.1). Язаталарда иккала тоифа мавжудот сифатлари мужассамлашган: “фикр (*манаҳ* – номодий олам, рух)” ва “суяк (*аствант* – моддият, жисм)”. Бу тушунчалар Авестанинг кейинчалик пайдо бўлган қисмларидаги *маинйава* “тафаккур ва илҳом орқали етишиш мумкин” ва *гаэтишйа* “тирик мавжудотлар” деган маънони англатувчи атамалари билан ҳам боғлиқликка эга [10, 62-б.].

Даэвалар эса фақат фикр оламига тегишлидирлар [8, 83-б.]. Манбага кўра, даэвалар мавжудот (онтологик) сифатида фақатгина майнйава қатлами билан чекланган, бу атама нафақат “сохта худолар” ни, балки Гата мантларининг дуалистик қарама-қаршилик ҳақидаги “хаёлий (тасаввурдаги, виртуал) душман” ни англатган [7, 100-б.; 6, 86-87-б.]. Даэвалар ёвуз фикр, ёвуз сўз ва ёвуз амалларни одамлар ва баъзи диний амалдорлар воситасида амалга оширсалар-да, уларнинг таъсири руҳий (ёки фикр) олами чегараларидан чиқиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда Ахура Мазад ва унинг измида бўлган язаталар ҳам маънавий ва ҳам моддий оламда ифодаланган ҳолда, даэвалар фақатгина номоддий оламда, аниқроғи тасаввурда мавжуддирлар. Бироқ, даэвалар инсонларнинг шуурига таъсир қилган ҳолда, ёвуз хислат ва амаллар ёрдамида эзгулик оламига зарар етказа оладилар ва бу билан дунёни ҳалокатга олиб борадилар. Зардуштийлик дуализмини ташкил этувчи эзгулик ва ёвузлик курашида даэвалар Ахура Мазда билан бевосита курашга қодир эмаслар, улар Ахура Мазданинг ёрдамчилари язаталар томнидан мағлуб этилиши таъкидланади. Шу нуқтаи назардан, даэвалар култини Ахура Мазданинг рақиби эмас, балки у яратган оламнинг душманлари сифатида тушуниш керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Gnoli, G. ‘Evil in Ancient Iranian Religions’, in *Encyclopaedia Iranica*. New York: Routledge & Kegan Paul, Vol. 9, 1998. pp. 79–85.
2. Herrenschildt, C., and Kellens, J. ‘Daiva’, in *Encyclopaedia Iranica*. Costa Mesa, CA: Mazda, Vol. 6, 1993. pp. 599–602.
3. Hintze A. ‘Monotheismus zoroastrischer Art’, in *Echnaton und Zarathustra: Zur Genese und Dynamik des Monotheismus*, ed. J. Assmann and H. Strohm. Munich: Wilhelm Fink, 2012. pp. 63–92. 63–4. Худди шу жилда
4. Hintze, A. ‘The Migration of the Indo-Iranians and the Iranian Sound-Change s>h’, in *Sprache und Kultur der Indo-Germanen: Akten der X. Fachtagung der Indogermanischen Gesellschaft*, Innsbruck, 22–28. September 1996, ed. W. Meid. Innsbruck: Institut für Sprachwissenschaft, 1998. pp. 139–53.
5. Jenny Rose. *Early Zoroastrian thought // The History of Evil in Antiquity 2000 BCE–450 CE. Volume I*. Routledge. London and New York. 2019. pp. 59-76.
6. Kellens, J. *Le Panthéon de l’Avesta ancien*. Wiesbaden: Ludwig Reichert. 1994.
7. Panaino A. ‘A Few Remarks on the Zoroastrian Conception of the Status of Angra Mainyu and of the Daevas’, *Res Orientales*, 2001, 13: 99–107.
8. Schmidt, H.-P. ‘The Non-Existence of Ahreman and the Mixture’, in *Second International Congress Proceedings of the K. R. Cama Oriental Institute*, ed. H. M. Desai. Mumbai: K. R. Cama Oriental Institute, 1996. pp. 79–95.
9. Skjaervø ‘Zarathushtra: A Revolutionary Monotheist?’, in *Reconsidering the Concept of Revolutionary Monotheism*, ed. B. Pongratz-Leisten. Winona Lake, IN: Eisenbrauns, 2011. pp. 317–50.
10. Skjaervø P.O. ‘Zoroastrian Dualism’, in *Light Against Darkness: Dualism in Ancient Mediterranean Religion and the Contemporary World*, ed. A. Lange et al. Göttingen and Oakville, CT: Vandehoek & Ruprecht, 2011. pp. 55–76.
11. Stausberg, M. ‘Zoroastrische Unterscheidungen’, in *Echnaton und Zarathustra: Zur Genese und Dynamik des Monotheismus*, ed. J. Assmann and H. Strohm. Munich: Wilhelm Fink, 2012. pp. 93–118.

12. Абдуллоев Ш.Б. “Авеста”да “Даэва”лар образи ёхуд уларнинг дастлабки илмий талқини // “Қадимий Жиззах воҳаси – тарих, маданий тараққиёт ва замонавий ўзгаришлар чораҳасида” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Жиззах, 2021 – Б. 165–169.

13. Авеста. Хордэ Авеста [Младшая Авеста] /Подготовка авестийского текста, перевод, предисловие, комментарий М. В. Чистякова. – СПб., 2005. – 384 с.

14. АВЕСТА: «Видевдот» китоби (М.Исҳоков таржимаси). - Т.: ТошДШИ нашриёти, 2007. - 100 б.

УЎК 81'25

ИБОРАЛАРНИ ИККИНЧИ ТИЛГА ЭКВИВАЛЕНТЛАР ЁРДАМИДА ТАРЖИМА ҚИЛИШ

Ш.Ш. Жумаева, ассистент, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада таржима ва унда учраб турадиган муаммолар, қийинчиликлар аниқ ёритиб берилган бўлиб, асосий урғу адекват таржимаб яъни бир тилдаги ибораларни иккинчи тилга эквивалентлар ёрдамида таржима қилишга бағишланган. Мақолада инглиз иборалари, асарлардан намуналар ва уларнинг таржималари берилган.

Калит сўзлар: таржима, адекват таржима, эквивалент, функция, маъно, стилистик функция, лексик таркиб

Аннотация. В статье четко описан перевод, а также проблемы и трудности, возникающие в нем, основной упор делается на адекватный перевод, то есть перевод фраз с одного языка на другой с использованием эквивалентов. Статья содержит английские фразы, примеры из произведений и их переводы.

Ключевые слова: перевод, адекватный перевод, эквивалент, функция, значение, стилистическая функция, лексическое содержание.

Abstract. The article clearly describes translation and the problems and difficulties encountered in translation, the main focus is on adequate translation, i.e. the translation of phrases from one language to another using equivalents. The article contains English phrases, examples from works and their translations.

Keywords: translation, adequate translation, equivalent, function, meaning, stylistic function, lexical content.

Таржима ҳақида гапиришдан олдин, атоқли таржимон, адабиётшунос ва адиб Иброҳим Гафуровни эслаб ўтмасак бўлмайди. Бу инсон таржима қилиш учун унча-мунча асарга қўл урмайди. У таржиманинг муваффақиятли чиқиши ососн эмаслигини таъкидлайди:

“Таржима жараёни-тиллари бир-бирига қиёсан мукамал ўрганиш, тиллар муҳити ва стихиясига эгалик қилиш, муайян таржимага сидқидилдан тайёргарлик кўриш – турли илмий адабиётлар, маълумотномалар, ранг-баранг луғатлар билан ишлаш, мамлакатлар, уларнинг маданиятлари, адабиётларини яхши билиш – бунда олтин малака ва кўникма ҳосил қилиш – таржима жараёнида ҳозиргача назариётчилар ҳам, амалиётчилар ҳам айтарли эътибор бермаган, ҳисобга олмаган – изчиллик ва муттасиллик мавжудлигини кўрсатади. Барчасига изчил, муттасил, яъни узлуксиз риоя қилингандагина, орадаги жараён халқаларидан бирортаси ҳам эътиборсиз қолиб кетмагандагина жараён юксак маърифатли тус олади, таржима муваффақиятлар гаровига айланади».

Биз биламизки, битта тилдаги фразеологик ибораларни иккинчи тилга эквивалентлар ёрдамида таржима қилиш адекват таржиманинг энг самарали йўли ҳисобланади, чунки эквивалентларда иборалар маъноларидан ташқари уларнинг образли асослари ҳам бир-бирига ўхшайди. Бу эса уларнинг стилистик функция жиҳатдан бир бирига кўпроқ мос келишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тажрибали таржимонлар ўз ишлари давомида кўпроқ ушбу, яъни адекват таржима усулини қўллайдилар.

Бироқ ушбу усулда таржима қилинганда ҳам ҳақиқий тилдаги, ҳам таржима тилидаги иборалар маъноларини англамасдан, улар ўтаб келаётган стилистик функцияларни чуқур тушунмасдан фойдаланиш адекватликнинг яралмай қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бир-бирларига эквивалент - инглизча ва ўзбекча фразеологик ибораларни қуйида таснифлаймиз ва

ўз таснифимизга асос сифатида икки тил фразеологик ибораларнинг грамматик тузилиши ва семантик белгиларини оламиз. Бу фикрлар ва хулосалар бадиий таржиманинг бойишига, ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлайман.

1. Бир-бирига маъно, лексик таркиби, функция ва сон жиҳатларидан мос бўлиб, сўз тартиби фарқ қиладиган эквивалентлар:

As fat as a pig - чўчкадай семиз

As Sly as a Fox – тулкидай айёр

As Plain as Day – кундай равшан

As Free as a Bird – қушдай озод

Улардан сўз тартибининг ўзида бир-бирларидан фарқ қилиши ҳам таржимон олдиға маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

2. Маъно ва стилистик функция жиҳатларидан мос бўлиб (сўз тартибида камдан-кам мос бўлса, сонда ҳам камдан-кам фарқ қилади), лексик таркиби жиҳатидан юзаки худди фарқ қилгандай, аслида фарқ қилмайдиган эквивалентлар. Булар иккига бўлинади:

1) бир тилнинг иборасида мавжуд бўлган баъзи компонентлар иккинчи тилдаги иборада формал равишда йўқ, аммо иборани талаффуз этганда ўша йўқ компонентлар ҳам кўзда тутилади;

Fish begins to stink at the head - Балиқ бошидан сасийди;

The dog bark, but the caravan goes on - Ит ҳурар, қарвон ўтар.

Cut the cloth according to the cloth – Қулочингга қараб кетмон чоп.

If it were not for hope, the heart would break - Уминингни узма, кўнглингни бузма

Кўриниб турибдики, бу ибораларнинг ўзбекча вариантлари инглизча вариантларига қараганда қисқароқ, яъни ўзбекча вариантларда инглиз тилида мавжуд бўлган баъзи компонентлар тушириб қолдирилган. Лекин ўзбек тилида ҳам ибораларни талаффуз қилганда ўша туширилиб қолдирилган компонентлар назарда тутилади.

3. Бир-бирларига маъно стилистик функция ва сон жиҳатдан мос бўлиб (сўз тартиби жиҳатдан, деярли ҳар доим фарқ қилади), лексик таркиби жиҳатдан битта, баъзан иккитадан компонентлари фарқ қиладиган эквивалентлар:

As gentle as a lamb - қўйдайд юввош;

As harmless as a dove - мусичадай беозор;

As Hungry as a Bear – бўридай оч

As busy as beaver – чумолидай банд

Ўзлари таллуқли бўлган халқ тимсоллари билан боғлиқ бўлган бундай эквивалентлар кўпчиликни ташкил этади. «As harmless as a dove», «as hungry as a bear», «as busy as a beaver» ибораларини ўзбек тилига «кабутардек беозор», «айиқдай оч», «кундуздайд банд» деб таржима қилиш маъно жиҳатдан тўғри келмаса, уни «мусичадай беозор», «бўридай оч», «чумолидай банд» эквивалентлари орқали таржима қилиш адекватликни таъминлайди.

4. Бир-бирига маъно ва стилистик функция жиҳатларидан мос бўлиб, лексик таркиби жиҳатидан биттадан компонентлари ўхшамайдиган, сўз тартиби ва сон жиҳатдан фарқ қиладиган эквивалентлар:

to agree like cats and dogs-ит мушук бўлмоқ

5. Сохта эквивалентлар. Бир- бирига шакл, лексик таркиб жиҳатларидан мос бўлиб, маъно, стилистик жиҳатдан фарқ қиладиган сохта эквивалентлар:

Dogs day-ит куни

Тилларда сохта эквивалентлар мавжудлиги, бизнинг фикримизча, кўпроқ тилларнинг миллий характерга эга эканлигини, халқларнинг ибораларни, мақолларни яратишда воқеа-ҳодисага нисбатан мустақил ўз муносабатини кўрсатади.

Муқобил вариантлар ёрдамида бир тилдаги фразеологик ибораларни иккинчи тилга таржима қилиш ҳам таржиманинг ҳақиқийдагидек чиқишига олиб келади. Таржимон иборани таржима қилиш учун таржима тилида мавжуд бўлган синонимик иборалардан энг мосини танлай олиши зарур ва бу таржимонга қийинчилик туғдиради.

“Every dog is lion at home”- Нар ким о’з uyida bek

Ҳар бир миллий тилнинг бойиши фақатгина шу тилнинг ички имкониятлари, ресурслари эвазига эмас, балки шу тилга ташқаридан келган ресурслар, сўзлар ва сўз бирикмалари ҳисобига ҳам содир бўлишини биз яхши биламиз. Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тиллари, бошқа кўпчилик миллий тиллар сингари ҳам ички, ҳам ташқи ресурслар ҳисобига бойиган ва сайқаллашган. Чунончи, ўзбек тилига феодал, минут, секунд, режим француз тилидан, концерт, опера, студия итальян тилидан, шунингдек, «совуқ уруш», «совуқ курул», «ҳаёт учун кураш» иборалари эса инглиз тилидан калька йўли орқали кириб келган. Энг сермахсул йўлларида бири бу бир тилдан иккинчи тилга калька, йўли билан сўз ва сўз бирикма қабул қилиш ўзлаштириш бўлиб, бу йўл тиллар бойишида энг кўп ҳиссасини кўшади. Фразеологик ибораларнинг калька йўли билан таржима қилиниш масаласи ўзбек илмий адабиётида етарли даражада ўрганилмай келинмоқда. Қисман, Н.М. Шанский ўзининг «Фразеология современного русского языка» номли китобида фразеологизмларнинг калька йўли билан таржима қилинишини иккига:

1. Фразеологик калька
2. Фразеологик ярим калькаларга бўлади.

Тилдаги иборанинг иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилиниши кўзда тутадиги таржима қилинган ибора тўла мос келса, фразеологик калька дейилади. Ўзбек тилига нисбатан рус тилида бу йўл анча тараққий этган:

“struggle for life”, “to be or not to be” - “борба за жизнь”, “быт или не быт”.

Уларнинг бир бирларига тўла мос эканлигини қуйидагича изоҳлайди: 1) struggle- борба, for- за, life- жизнь; 2) to be- быт, or- или, not to be- не быт.

Компонентларининг бир қисми сўзма- сўз таржима қилиниш орқали, бошқа бир қисми эса трансляция йўли билан бошқа тилга ўзлаштириш фразеологик ярим калька дейилади.

“Uncle Sam”, “yellow-press”- “Дядя Сем”, “Желтая пресса”

Фразеологик ибораларнинг калька йўли билан таржима қилинишнинг Н.М. Шанский томонидан келтирилган, бу икки усул таржимада бўлган барча ҳолатларни қамраб олмайди.

Таржимада асар таржимасининг яна бир йўли борки, буни таржимон фақатгина юқорида қайд этиб ўтилган таржиманинг уч йўлидан фойдаланишнинг иложи бўлмагандагина қўллаши мумкин. Бунда у ёки бу фразеологик иборани бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда, таржимон иборани ибора орқали эмас, балки унинг маъноси эркин маънодаги сўз ёки сўз бирикмалар ёрдамида тушунтириш орқали беради. Бу эса, ҳақиқийдаги иборада акс этган образлилик ва бадиийликнинг сусаёишига, кўпроқ йўқолишига олиб келади:

“to be in a devil of state”- ahvoli juda og'ir bo'lmoq

«Том Сойернинг бошдан кечирганлари» (Марк Твен) асаридан олинган ушбу мисолда :

The howling stopped. Tom picked up his ears. “to pick up one's ears” фразеологик ибораси қўлланилган бўлиб, бу иборанинг ўзбек тилида «қулоқни диккайтирмоқ» деган эквивалентини қўйиб, тасвирий усулдан фойдаланилган, натижада, ҳақиқийдаги бадиийлик, таъсирчанлик сусайиб қолган.

Ушбу мақолада адекват таржима ҳақида сўз юритдик. Таржима ва унинг турлари, ундаги қийинчиликлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бунинг ўзига хос қийинчиликлари мавжудлигини ҳам ҳаммамиз яхши биламиз. Битта мақола орқали унинг мушкул томонларини очиб беришнинг иложи йўқ. Кейинги мақоламизда таржимада миллий колоритнинг берилиши ҳақида аниқроқ ёритиб беришга ҳаракат қиламан. Бунда ўзбек адибларимиз Ўткир Ҳошимов ва Ойбекнинг асарларидан парчалар келтириб ўтаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавқисизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт каюлатлари», Т, 1997. 137- 138-бет.
2. И.А.Каримов «Юксак маънавият - энгилмас куч», Тошкент, «Маънавият» нашриёти 2008-й, 55-57-бетлар.
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», Тошкент-«Ўзбекистон» 2011 й.
4. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», Давлат миллий нашриёти, Тошкент-2003, 272-273-330-543-544-бетлар.
5. Шомаксудов. Ш «Маънолар махзани» Ш.Шомуродов, Ўзбекистон миллий Давлат нашриёти 2001-й,
6. Азаматов М. «Ҳикматлар хазиnasi», Тоскент 1982-й,

7. Мирвалиев С., «Ўзбек Адиблари» «Фан» нашриёти. Тошкент 1993й.
8. Ирискулов М «Тилшуносликка кириш», Тошкент 2008-й,

УЎК 81'371

ЎЗБЕК ТИЛИДА “ҚУЛОҚ” СЕМАНТИКАСИГА ЭГА БЎЛГАН ГАПЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д. Қозоқбоева, тадқиқотчи, Андижон давлат университети, Андижон

Аннотация. Мақолада семиотиканинг муҳим тармоқларидан бўлмиш прагматика ва бу тушунчанинг ўзбек тилидаги гапларда унинг намоён бўлиши ҳақида мулоҳаза юрилади. Ўзбек тили материали асосида “қулоқ” семантикасини мазмун-моҳиятини аниқлаш ва матнда қўлланиш хусусиятларини семантик-прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат.

Калим сўзлар: синтагматика, парадигматика, лексик-семантик майдон, ретсептор, полисемантик, интензивлик, сема.

Аннотация. В статье речь идет об особенностях прагматики как отрасли семиотики и её проявление в предложениях узбекского языка. Он основан на материале узбекского языка для определения содержания семантики «ухо» и изучения особенностей его использования в тексте с семантико-прагматической точки зрения.

Ключевые слова: синтагматика, парадигматика, лексико-семантическое поле ретсептор, полисемантический, интенсивность, сема.

Abstract. The article discusses the properties of pragmatics as a branch of semiotics and its expression in the utterances of the Uzbek language. It is based on the material of the Uzbek language to determine the content of the semantics of "ear" and to study the features of its use in the text from a semantic-pragmatic point of view.

Key words: syntagmatics, paradigmatics, lexical-semantic field, retseptor, polysemantic, intensity, seme.

Прагматика – семиотиканинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, тилшуносликнинг нутқ жараёнида пайдо бўладиган лисоний ҳосилаларнинг қўлланишини ўрганувчи соҳасидир. Бошқача айтганда, прагматика ифодаланаётган фикр билан сўзловчи ва инсон фаолиятини англаувчи контекст ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи соҳадир.

Семиотиканинг асосчиларидан бири Ч. Моррис семиотиканинг уч тармоғини ажратиб кўрсатади: 1) сўзнинг ўзи англатаётган нарса (семантика)га, 2) сўзнинг бошқа сўзларга бўлган муносабати (синтактика) ва 3) сўзнинг нутқ иштирокчиларига(прагматика) нисбатан бўлган муносабати.

Агар семантика сўзловчи нимани гапираётганини англатса, синтактика у қай тарзда гапираётганини англатади, прагматика эса унинг (сўзловчининг) нега ундай гапираётганини ифодалайди.

Нутқ фаолияти қуйидаги уч компонентдан иборат бўлади: сўзловчи, мурожаат қилинаётган адресат (суҳбатдош), нутқда ифодаланётган ахборот (шу жумладан, пресупозиция (нутқдан фаҳмланадиган маълумот), берилаётган ахборот мақсади, нутқ вазияти, нутқ иштирокчиларининг шахсий муносабатлари. Бу компонентлар нутқда акс этаётган қатор категориялар орқали ифодаланади, яъни улардан бири сўзловчига қаратилган, бўлса, иккинчиси тингловчига (берилаётган информацияга), учинчиси эса нутқ иштирокчиларининг ўзаро шахсий муносабатларига (муомала маданияти, стилистик воситалар)га қаратилади.

Нутқ типологияси – маълум мақсадга йўналтирилган нутқ фаолияти сўзловчининг мақсадлари асосида белгиланади. Нутқ информатив ва ноинформатив характерда бўлиши мумкин. Ноинформатив характердаги нутқ (сўлашув) тингловчига аниқ бир мақсадли информация бермайди, балки суҳбатдош билан бўладиган салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашуви ёки об-ҳаво ҳақидаги маълумотлардан ташкил топади ва улар суҳбатдош билан контакт

ўрнатиб олиш учун хизмат қилади. (Масалан, - “Эшитяпсизми?, - Ёмон эмас., - Пастми? - Дуруст каби).

Информатив характердаги нутқ тингловчига бирон-бир маълумот (хабар) етказиш ёки ундан ана шундай хабарни олишга қаратилган бўлади. Улар оддий хабарни англатиши (Тингла.) буйруқ, ваъда ёки илтимос (*қулоқ тутинг*)ни ёки саволни ифодалаш мумкин (*Бу ердан қулоқ тутиб бўлмайдими?*)

Гапнинг барча турлари асосий информация ташувчи етакчи феъл семантикаси ва феъл шакли асоосида шаклланади. Прагматика эса турли нутқ элементларини – нутқда қўлланиладиган ёрдамчи воситалар – *менимча, эҳтимол, ҳайриятки, албатта, ахир, ҳам* каби воситаларнинг моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Ўзининг семантик маъноси билан бир қаторда айtilган гап (фикр) ўзининг прагматик маъносига эга, яъни прагматик вазифани ҳам бажаради. Масалан, навбатда турган кишининг ёнида турган кишига айтган “*Менга қулоқ солинг*” деган гапи ортида вазиятга кўра “*Мени тушунишга ҳаракат қилинг*” деган маъно ҳам англашилади. Бу унинг прагматик маъносидир.

Гапнинг семантик маъноси унинг функционал-прагматик маъносига тўла мос тушмайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, *Қулоқ-мияни еб юбордиз* гапи *Гапирманг!* маъносини тақозо қилади.

Бундай типдаги гаплар лисоний, мантикий асосда, нутқ вазияти тақозоси билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлади. Масалан: *Унинг қулоғи борми? –У гап уқмас.* Бу гапда лингвистик пресуппозиция ўрин олаяпти, яъни икки иборанинг синонимик қатори ҳосил бўлаяпти.

- *Қачон эшитдинг?* - 2019 йилда эълон қилинди. Бу гапда мантикий пресуппозиция ҳодисаси ўрин олаяпти, яъни янгиликни йил асосида аниқланыпти.

- *Қулогингиз битканми?* Бу гапда *Мен сизга гапиряпман* маъноси англашилаяпти, яъни ситуатив пресуппозиция ҳодисаси кузатилаяпти.

Бирон нарсанинг етишмаётгани ёки камлиги ҳақидаги эслатма ўша етишмаётган нарсани тўлдириб қўйиш зарурати ҳақидаги истакни ифодалаш мумкин. Масалан: *Қулоқлашиб туринг* гапида *Соғлигидан хабар олиб туринг* деган маъно ифодаланади.

Ушбу вазиятда семантик жиҳатдан гўё ортикчадек туюлган фикрларни ёрдамчи воситалар орқали ифодаланган прагматик маъноли гаплар деб аташ мумкин. Масалан, “*Ие, эшитмадингми?*” деган гапда прагматик жиҳатдан рўпарангизда сиз кутмаган кишининг пайдо бўлишини англатса, семантик жиҳатдан сизнинг ҳайронлигингиз ифодаланапти. Бундай гаплар нутқнинг турли жанрларида кенг миқёсда қўлланилади. Улар турли-туман стилистик ифода воситалари орқали англашилади.

Тилда бундай гапларнинг кўрсаткичлари (индикаторлари) шакланган. Сўроқ юкламаси “-ми”нинг қўлланиши ана шу кўрсаткич вазифасини бажарса, “*ие*” сўзи сўзловчининг ҳайронлигини англатади. Бундай гаплар кўчма манода қўлланилиб, ўзига хос метафора вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бундай гапларни конвенционал характердаги гаплар деб атайдилар. – *Кечирасиз, қизнинг қулогини пишиқтириб қўйдингизми?* сўроқ гапида “*Қизни ҳаммасидан хабардор қилиб қўйинг, илтимос*” деган маънодаги мулойим илтимос ифодаланган. Бунда мулойимлик оттенкасини “*қулогини пишиқтириб қўймоқ*” шаклидаги модаллик маъносини англаувчи феъл бажаради.

Семантик майдон нуқтаи-назаридан қараганда “қулоқ” лексемасининг ядровий (марказий) маъноси инсон ва ҳайвонлардаги ташқи оламни эшитиш воситаси сифатида тушунилади. З.М.Маъруфовни 1981 йилда ва А.Мадвалиевни 2020 йилида чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ларида от сўз туркумига мансуб “қулоқ” сўзининг қуйидаги асосий маънолари санаб кўрсатилади:


1.1. Одам ҳамда умртқали ҳайвонларнинг эшитиш ҳамда мувозанат аъзоси ва унинг ташқи қисми: *Одамнинг қулоғи*. 2. Баъзи нарсаларнинг ушлаш, илиб қўйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми; *Челакнинг қулоғи*. 3. Бош кийимларнинг қулоқларини ва иякни ёпиб, иссиқ тутиб туриш учун тушириб қўйиладиган узун қисми; *Телпакнинг қулоғи*. 4. Баъзи механизм ва мусиқа арбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми; *Машиқлар ўз асбобларининг қулоқларини бураб, созини тўғрилашди*. А.Қаҳҳор,

Сароб. 5. Автомобиль трактор ва ш. к. Машиналарни бошқариш учун хизмат қиладигон курилма; руль. *Хушёрлик билан машина қулогини бураб кетаётган ёш шофёр Козим, ўзининг ҳарбий ҳолатда эканини сезиб ниҳоятда гайратланган.* М.Муҳаммедов, Машқ. 6. Ўсимликларнинг барг ёки ниҳол ёзадигон ери; дастлабки ниҳолча, баргча. *Уч юз гектарча ернинг гўзаси учинчи марта экилади. Аммо биз ҳам бўш келмадик: гўза қулоқ кўрсатди дегунча парваришлаб, яганалайвердик.* Й. Шамшаров, Енгиш (4.616-617).

1.2.1. Сувнинг анҳор, канал, ўқариқ ва ш.к дан кичик сув йўлагига, ариқларга тармоқланиб ўтадиган жойи; даҳана. *Отанг мироб бўлса ҳам, қулоқнинг бошида бўл!* Мақол. 2.2. Шундай жойдан ўтадиган сув миқдори. {Ақбар аканинг кўзига} *Шу қадимий дарёдан экинига бир қулоқ сув чиқариб ололмай армонда ўтган, бахт излаб элма-эл кезган гурумсаройликлар кўринди.* Й.Шамшаров, Бахт излаб.

1.3. {р. Қулак- мушт, муштум} *тар.* Қароллар, камбағаллар, умуман, деҳқонларнинг ёнланма меҳнатидан фойдаланувчи катта ер эгаси, кишлок бойи; бой ёки ўртаҳол деҳқон (мустабит шўро тузуми 1929-33 йилларда бундай кишиларни “қулоқ- муштумзўр” номи остида синф сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган). *Иш текширилди, Бозор ота.. аллақадердан қочиб келган қулоқ бўлиб чиқди.* А.Раҳмат, Варракчи чол(5.372-373).

Бу ҳолатни куйидаги чизма орқали тасвирлаш мумкин.



“Қулоқ” семасига эга бўлган лексеманинг прагматик характери инсон табиатини, унинг хиссиётларини ва умумий психик ҳолатини тушунишда ҳам намоён бўлади. Бунда инсон бошидан кечираётган илиқлик, ҳурмат, ғазаб, ёвузлик, бахт, саодат, умид, ишонч, безовталиқ, кўркув, хафалиқ, маюслиқ, қизиқувичанлик, самимийлик, олижаноблик каби кўплаб ҳиссёт ва туйғу элементларини ифодалаш мумкин.

“Қулоқ” лексемалар нутқда турли стилистик восита сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, бу лексемадан метафорик ва метонимик моделлар яшаш орқали нутқда қўллаш мумкин.

Масалан, “Қулоқ – сиғим (идиш)” метафорик модели инсон тасаввурини чуқурлик ва кенглик ўлчамларига эга бўлган макон (объект) сифатида юзага чиқаради. М.: *Уни қулогигқ қуюб қўйди.*

Метафорик моделлар билан бир қаторда “қулоқ – инсон (одам)” типигаги метонимик моделлар ҳам қўлланилади. М.: *Ёшликдаги қулоқ (қизнинг қулоги) тишлашлар ҳам чиппака чиқди; Сизни юзлаб қулоқлар (одамлар) эшитиб турибди.*

Юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, қулоқ ўз ранги, товланиши, шакли, ҳажми ҳамда ўз ўрнига эга бўлган жисмоний объект бўлиб, у

кишининг қайси миллатга мансуб ва ҳис-туйғуларини ифодаловчи муҳим соматизмлардан бири сифатида лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади. “Қулоқ” семасига эга бўлган лексемалар турли сўз туркумларига мансуб бўлган лексемалардан бўлиб, улар инсон танасидаги фақат эътиш органигина эмас, балки, унга ёндош бўлган коннотатив маъноларни ҳам ифодалаб ўзининг прагматик хусусиятларини намоён қилади. У нутқда қўлланганда унинг прагматик характери (коннотатив маъноси) доим унга ҳамроҳ сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Искандарова. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). - филол. фанлари док. автореферат-Т.1999.
2. А.Собиров. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. - Т.Маънавият.2004.
3. Ш.И.Шокиров “Турли тизимли тилларда “кўз” лексик-семантик майдони ва уни ташкил этувчи тил бирликлари типологияси” ф.ф.ф док. автореферат-Т.2020.
4. М.Мадвалиев. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V- жилд, Т., 2020. - 402-404б.
5. З.М.Маъруфов. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II- жилд, М.,1981. – 634-635 б.
6. Апресян Ю.Д. Коннотация как часть прагматики слова. М.,1988.
7. Вежбицкая, А. Из книги «Семантические примитивы» [Текст] / А. Вежбицкая // Семиотика. Антология. — М. : Академический проект; Екатеринбург : Деловая книга, 2001. - С. 242-270.
8. Маслова, 1989)]. Маслова, В. А. Введение в когнитивную лингвистику. 3-е изд., испр. М., 2007. 296 с.
9. Моррис, Ч. У. Основания теории знаков [Текст] / Ч. У. Моррис // Семиотика: Антология. - Изд. 2-е, испр. и доп. — М. : Академический проект; Екатеринбург : Деловая книга, 2001. - С. 45-97
10. Ш. Шокиров, Д. Козокбоева. Инглиз тилида "ear-қулоқ" семасига алоқадор булган сузларнинг семантик хусусиятлари. FarDU. Ilmiy xabarlar. - Научный вестник. ФерГУ. 3-сон, 2021

УЎК 808.3

ТИЖОРИЙ ЁЗИШМАЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ- ПРАГМАТИК АСПЕКТИ

*С.А. Маннонова, тадқиқотчи, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
Тошкент*

Аннотация. Мазкур мақолада тижорий ёзишмаларнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари тадқиқ этилади. Муаллифнинг таъкидлашича, расмий хатлар ташиқлотлар (давлат ва нодавлат ташиқлотлари, корхона ва фирмалар)нинг асосий коммуникация воситаларидан бири ҳисобланади. Мақолада хатлар ёрдамида музокаралар олиб борилиши; ташиқлотлар ўртасидаги муносабатлар ўрнатилиши; ариза ва шикоятлар, сўровлар, миннатдорлик ва узрлар билдирилиши; муайян тадбирларда иштирок этиши учун таклифномалар тузилиши ҳамда муҳим ҳужжатлар йўлланма хатлар орқали юборилиши таъкидланади.

Калит сўзлар: коммуникация, прагматик, адресат, адресан, интенция, ахборот бериш, ҳаракатга ундаш, шикоят, рад этиши, розилик, кечирим сўраш, миннатдорлик.

Аннотация. В статье исследуются коммуникативно-прагматические особенности коммерческой переписки. Автор статьи отметил, что деловые письма являются одним из основных средств коммуникации организаций (государственных и негосударственных организаций, предприятий и фирм). В статье отмечается, что с помощью писем можно вести переговоры; устанавливать отношения между организациями; подавать заявления и жалобы, запросы, благодарности и извинения; составлять приглашения для участия в конкретных мероприятиях, а также направлять важные документы посредством писем.

Ключевые слова: коммуникация, прагматика, адресат, адресан, интенция, информирование, мотивация к действию, жалоба, отказ, согласие, извинение, благодарность.

Abstract. This article is dedicated to the analysis of the communicative-pragmatic characteristics of commercial correspondence. The author of the article notes that official letters are one of the main means of communication of organizations (state and non-governmental organizations, enterprises and firms). The article states that negotiations are carried out with the help of letters; establishment of relations between organizations; application and complaints,

requests, gratitude and apology; structure of invitations to participate in certain events, as well as important documents are sent through direct letters.

Key words: *communication, pragmatic, intent, giving information, incitement to action, complaint, refusal, consent, asking for forgiveness, gratitude. addressee, addresser.*

Расмий хатлар ташкилотлар (давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона ва фирмалар)нинг асосий коммуникация воситаларидан биридир. Хатлар ёрдамида музокаралар олиб борилади; ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ўрнатилади; ариза ва шикоятлар, сўровлар, миннатдорлик ва узрлар билдирилади; муайян тадбирларда иштирок этиш учун таклифномалар тузилади. Муҳим ҳужжатлар йўлланма хатлар орқали юборилади.

Турли прагматик вазифалар орқали расмий хатларини таҳлил қилиш натижасида, юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчаси расмий хатнинг матнини тузишда тил белгиларини танлашга сезиларли даражада таъсир кўрсатади деган хулосага келиш мумкин. Биринчидан, хат кимга қаратилганлигига боғлиқ: агар хат муайян соҳа мутахассислари учун ёзилган бўлса, унда очиб берилиши талаб қилинмайдиган турли хил қисқартмалар, айни соҳа терминлари ишлатиладиган мураккаб иборалар, Масалан: *Cox Student Center at Northern State University –шимолий давлат университети қошидаги Кокс талабалар маркази; If you have an interest in attending or sending a company representative to meet with our students, please let me know at your earliest convenience and I can reserve a table for you* - бўлиши мумкин. Агар хат маълум бир соҳада кам маълумотга эга бўлган одамлар учун тузилган бўлса, у содда ва имкон қадар тушунарли бўлиши керак. Айтиш мумкинки, расмий коммуникация тили муружаат этувчига ва манзилга қараб ўзгаради. Кейинги омил коммуникация вазияти бўлиб, унда коммуникациячилар ўртасидаги муносабат (улар шунчаки таниш, дўст ёки фақат бизнес шерик) эътиборга олинади. Расмий хатларда ҳамкорлар ўртасидаги муносабатни тузилиш жиҳатига кўра (жўнатувчи манзили, қабул қилувчи манзили, кириш қисми (саломлашиш), асосий қисм, хулоса ва имзо қисми)) аниқлаш мушкул, чунки улар бу жиҳатдан бир хил. Тил воситаларига келадиган бўлсак, хатларда расмий характерга эга стандарт қолип ва иборалардан фойдаланилиб, коммуникациячилар ўртасидаги муносабат акс этмайди. Бундай ҳолатни биз буюртма ва илтимос хатлари мисолида кўришимиз мумкин. Миннатдорлик ёки шикоят хатларининг хулоса қисмида адресатнинг розилиги ёки норозилигини ифодаловчи муносабат билдирилади. Масалан, шикоят хатида: *I demand that payment of the full amount be paid to me at the above address within 7 days from the date of this letter. Instead of accepting this appropriation, your staff refused to abide by my common law rights.* Бу ерда миждонинг норозилиги ва бирор бир ҳатти-ҳаракат қилиш таҳдиди мавжуд. Миннатдорлик хатида: *Thank you very much for your marvelous help during our recent store renovation.* - адресатнинг бундай муносабатида илиқликни кузатиш мумкин. Лекин бу турдаги хатларда ҳиссий белгилардан ҳоли бўлган стандарт қолип ва иборалар мавжуд, масалан: *Thank you again for your flawless service, and I look forward to working with you in the future.* Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, расмий хатларда муаллифнинг муносабати камдан-кам ҳолларда намоён бўлади. Ахборот узатувчисининг (муаллиф) коммуникатив мақсади коммуникация жараёнининг асосий характеристикаларидан бири ҳисобланади ва бундай мақсад гўё атайлаб ҳосил қилинган коммуникатив интенция сифатида матн структурасида ва мазмунида лисоний воқеланади. Бундай коммуникатив мақсаднинг яна бир хусусияти у матннинг мазмуний ва структур тузилишига боғлиқлигида, рецепторга кўрсатган коммуниктив таъсирида (унинг хулқида, жавоб муносабатларида) ўз аксини топади [1]. Интенция (коммуникатив мақсад) омилга келадиган бўлсак, айнан интенционал белгилар матн ҳосил қилувчи омил ҳисобланади. Мазкур термин замонавий тилшуносликка нутқий акт назариясини яратган Ж.Остиннинг издошлари томонидан киритилган. Бу янги концепциянинг вазифаси иллокуция ва иллокутив функцияни тавсифлашда юқори аниқликка эришишдир. Нутқ актни Ж.Остин учта босқичли фаолият тарзида ажратади: локутив, иллокутив ва перлокутив [2].

Локутив акт дейилганида, биринчи суҳбатдош томонидан коммуникатив мақсаддан келиб чиқиб, иккинчисига бирор фикрнинг, ахборотни узатилиши, ахборотни қабул қилиниш

жараёни тушунилади. Локуция – “эшиттирмақ, узатмақ, тингламақ, қабул қилмақ” маъноларини англатади. Иллокутив актда сўзловчи ва тингловчининг талабларини қондириш мақсади назарда тутилади. Бу ҳаракат ва мақсад сўроқ, ундов ва дарак гаплардан ташкил топиши мумкин. Бундай вазифани прагматик мазмунни аниқлаштирувчи, коммуникация мақсади мазмунини ва нутқий ҳаракат кучини аниқ белгилайдиган иллокутив феъллар бажаради. Масалан, “*the product– ...маҳсулотни*”; “*send after -сўнг жўнатишимизни*”; “*would like to remind - ... эслатмоқчимиз*”; “*hope you to accomplish - ... бажарасиз деган умиддамиз!*”; “*how many orders can you take? - ... қанча ҳажмда буюртма қабул қила оласиз?*”; “*please apply our sales representative for samples – намуналар учун бизнинг вақилимизга мурожаат қилишингизни*”; “*We will send you the order today - Сизга бугуноқ буюртмани жўнатишимизни*”.

Нутқий акт структурасининг учинчи, якуний босқичи перлокутив акт бўлиб, у нутқий таъсирнинг натижаси сифатида таърифланади. Перлокутив акт сўзловчи томонидан тингловчига бирор ҳаракатга ундаш мақсадида амалга оширилади. Нутқий таъсир даражасини аввалдан айтиш қийин, сўзловчи фикрини эшитган (локуция), ўқиган тингловчининг бўлғуси ҳатти-ҳаракати, жавоби турлича бўлиши мумкин. Перформатив тузилмаларда фақат ахборот узатилиб қолмасдан, балки тингловчига жадал таъсир ўтказиш, уларни жавоб ҳаракатига ундаш мақсадлари ётади. Ж.Остин нутқ актларидаги прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатни ифодаловчи лисоний бирликларни қуйидаги гуруҳларга бўлади: а) вердикатив; б) экзерситив; в) комиссив; г) беҳабитив; д) экспозитив [3].

О.С. Ахманованинг фикрига кўра, интенция потенциал ёки виртуал ифода мазмуни сифатида тушунилади [4]. Ушбу таърифда, ният актуал ёки ифода этилган мазмунга зид келади. Агар интенция сўзловчининг нутқини ифодалаш учун мўлжалланмаган бўлса, у ҳолда коммуникатив мақсад ҳам ва бир вақтнинг ўзида коммуникатив-прагматик таҳлил мавзуси ҳам бўла олмайди. Бу ифода этилган коммуникатив мақсад, гапирувчининг асл нияти билан мутаносиб бўлиши керак ёки сўзловчи ҳар доим тингловчи унинг ҳақиқий ниятини англашига интилади деган маънони англатади. Коммуникатив омадсизлик ҳам айнан коммуникатив мақсад билан гапирувчининг асл нияти мос келмаганлиги ёки сўзловчи онгли равишда тингловчини чалғитишга уриниши сабабли содир бўлади. Тушунарли ва яхши шаклланган интенция коммуникатив муваффақиятнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда дейиш мумкинки, адресат ва адресант, коммуникация вазияти каби баъзи омиллар расмий хат матнини тузишда аҳамиятсиз рол ўйнайди, чунки хатнинг тузилиши ўзгаришсиз қолмоқда. Шу сабабли, энг муҳим ва асосий омил – интенция (ният) бўлиб қолмоқда. Нутқ мақсадлари масалага эътиборни тортиш, адресатга маълумот бериш, муаммони ҳал қилиш, бирор нарсада иштирок этишга бўйин эгдириш, зарур чораларни кўриш учун ҳаракатга ундаш, ҳар қандай ҳодисага ҳуқуқий мақом бериш (кўпинча молиявий битим) ҳужжатлаштириш, бизнес алоқаларини сақлаб қолиш, уларни янада мустаҳкамлаш каби бир қатор шартлар билан боғлиқ [5].

Шундай қилиб, иллокуция коммуникациянинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, расмий хатларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қуйида расмий хатларни интенция (коммуникатив мақсад)га кўра таснифини келтирамиз.

Барча расмий хатлар қуйидаги коммуникатив мақсадлар бўйича таснифланиши мумкин: ахборот бериш; ҳаракатга ундаш; шикоят; рад этиш; розилик; кечирим сўраш. Энг кўп учрайдиган расмий хатлар коммуникатив мақсади маълумот беришдан иборат бўлган хатлардир. Ёзишмалар орқали маълумот алмашиш зарурати ҳозирги кунга хос бўлган расмий мулоқот жараёнида пайдо бўлади. Масалан: ҳамкорни бирор нарса ҳақида огоҳлантириш, таништириш эҳтиёжи туғилиши, хатга илова қилинган қўшимча материаллар тўғрисида маълумот бериш, юборилган материаллар олинганлигини тасдиқлаш ҳақида хабар бериш, таклифни тасдиқлаш ва сўровнома тайёрлаш ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, бундай вазиятларнинг ҳар бири муайян мазмун билан характерланадики, натижада расмий хатлар матнларининг ташқи хилма-хиллигига қарамай, битта асосий мақсад - маълумот бериш бўлган стереотиплари шаклланади. Юқорида келтириб ўтилган расмий вазиятларнинг ҳар бири учун муайян стереотиплар қўлланиши кузатилади. Бу

стереотиплар қуйидагилардан иборат: - йўлланма хат - унга илова қилинган хужжатлар ҳақида маълумот беради [6].

It is my pleasure to recommend Mike Applicant, his performance working as a consultant for Main St. Company proved that he will be a valuable addition to any company. I have known Mike for two years in my capacity as Assistant Manager at Main St. Company. Mike worked for me on various projects as a consultant, and based on his work, I would rank him as one of the best consultants we have ever had. If I can be of any further assistance, or provide you with any further information, please do not hesitate to contact me. тасдиқловчи хат - юборилган материалларнинг қабул қилинганлиги ҳақида хабар беради [7]. *This letter is to confirm my order for the following: Samsung LCD TV 21" screen, Ipad and PlayStation 3 priced at \$300, \$700 and \$400 respectively, for a total of \$1400. I placed the order on March 5 through an online payment form your site. The confirmation email says that I will receive the following items after three days but until now I haven't received any. I have attached a printout of the confirmation email for further proof.* хабарнома, эълон / огоҳлантириш хати - факт ёки ҳодиса ҳақида хабар қилади [8]. *Doe Sports Shop, your exclusive source for high tech camping equipment, announces the latest in high country hiking boots. The new lightweight, waterproof boots with special ankle supports are available now at special introductory prices. Designed for rugged terrain and wet conditions, the new boots are proving to be a hiker's dream come true. "You have to wear them to appreciate what a difference they can make," says John Doe, who recently returned from a 10-day hike in the Uinta Mountains. The boots are available only at the Sports Shop. Drop in and see what they can do for you on your next outing.* Расмий хатлар стереотипларининг ҳар бирини мақсади мулоқотчиларга маълумот беришдан иборатдир. Ҳақиқий расмий вазиятларда бундай хатлар ташаббускор бўлиб, одатда жавобсиз қолдирилади, чунки уларга ҳеч қандай жавоб талаб қилинмайди [5]. Хулоса қилиб айтганда, расмий хатларни коммуникатив-прагматик нуқтаи назардан ўрганиш, уларни қуйидагича гуруҳлашга асос бўлади: ахборот берувчи, ҳаракатга ундовчи, жавоб талаб этувчи, декларатив ва ижтимоий хатлар. Шундай қилиб, расмий хатларни коммуникатив-прагматик нуқтаи назардан ўрганиш, уларни қуйидагича гуруҳлашга асос бўлади: ахборот берувчи, ҳаракатга ундовчи, жавоб талаб этувчи, декларатив ва ижтимоий хатлар. Расмий хатларнинг асосий мақсади – расмий мулоқот доирасида алоқага киришувчилар ўртасидаги муносабатларни бошқариш ва муайян вазиятдаги масала ҳақида маълумот беришдан иборат. Бу турдаги хатлар, регламентга амал қилган ҳолда, матн воситасида расмий ахборот ташувчиси бўлиб хизмат қилади. Бунда расмий мулоқот жараёни амалга оширилади, расмий хатлар эса мукаммал алоқа воситаси сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов Р.Г.Тижорат хатларининг коммуникатив-прагматик аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари материалида). Фил.ф.ф.док. (PhD). Автореф. Т., 20186.
2. Остин Дж.Л. Слово как действие. В.кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. –М.: Прогресс, 1986. –С.21.
3. Ахманова, О. С. Словарь лингвистических терминов / О. С. Ахманова. 1969. 608с.
4. Гольдин В. Е. Сиротинина О. Б. Внутринациональные речевые культуры и их взаимодействие // Вопросы стилистики. – Саратов, 1993. – Вып. 25.
5. Кинг, Ф.У. Коммерческая корреспонденция на английском языке: Курс для изучающих английский язык как иностранный: учеб. пособие /Ф.У. Кинг, Д. Энн Кри; рус. пред., англо-русский глоссарий, примечания Н. Крупнова.
6. <https://studymoose.com/letter-of-recommendation-employment-essay>.
7. businessletterformat.org
8. www.writeexpress.com URL: <https://www.writeexpress.com/announ19.html>

УЎК 82-31/-32.

ТОНИ МОРРИСОННИНГ “СУЛАЙМОН ҚЎШИҒИ” РОМАНИДА МИФЛАР МОҲИЯТИ

Н.Мухаммедова, PhD, доц., ЎзДЖТУ, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақола мифларнинг мазмун моҳиятини XX аср Америка адабиётининг машҳур ёзувчиси Тони Моррисон асарлари асосида таҳлил қилади. Мифларнинг

аҳамияти, турлари адибанинг “Сулаймон қўшиғи” романи мисолида аниқланади ва асослар келтирилади.

Калит сўзлар: роман, миф, фольклор, сюжет, блюз, анъана, афроамерика.

Аннотация. В статье представлено использование мифов и их значение в романе “Песнь Соломона” американского современного писателя Тони Моррисона. Значение мифов и их типов рассматривается на основе выбранных примеров из романа.

Ключевые слова: роман, миф, фольклор, сюжет, блюз, традиция, афроамерика

Abstract. The article presents the use of myths and their importance in the novel “Song of Solomon” by American modern writer Toni Morrison. The meaning of myths and their types is explained and analyzed based on the selected examples from the novel.

Key words: novel, myth, folklore, blues, tradition, Afro-American, plot.

XX аср Америка адабиётининг таниқли адибаси, 1993 йил Нобель мукофоти соҳибаси Тони Моррисон (1913-2019) ижодида этник ўзликни англаш ғояси кенг талқин қилинади. Ёзувчи мазкур мавзуга халқига ўзлигини тушуниш ва сақлаш учун ёрдам бериш истагида мурожаат қилади. Тони Моррисон яратган қахрамонлар қуллик ҳақидаги хотираларни унутиб, янги маданий жамиятга киришни ҳохлайдилар. Адибанинг бадиий маконини мифологик мотивлар ва мифологик образлар сифатида рамз, архетип ва маросимларни ўз ичига олган мифологик комплекс ташкил этади. Адабиётшунос А.Ф.Кофманнинг фикрича мифологик образлар ва мифологик мотивлар бадиий матннинг мифологик инфратузилмасини ташкил этади. Уларнинг рамзий маънолари эса муаллифнинг ижтимоий маданий муҳитга асосланган олам образини намойиш этади. Мифологик мотивлар ва мифологик образлар Тони Моррисон романларининг семиотик инфратузилмасининг асоси ҳисобланади ва ёзувчи тафаккурининг ўзига хослигидан далолат беради. Муаллифнинг дунёқараши, фалсафий, эстетик, ахлоқий олами бир бирини тўлдирган образ ва мотивларнинг рамзий маъноси орқали ифодаланади. Адиба поэтикасида рамзлар ва архетиплар нафақат кодланган маънони англантишда, балки роман сюжетларига асос бўлган ғояларда ҳам акс эттирилади. Шу тариқа асарларда оламни яратадиган образлар туғилмайди, балки, олам образларда яратилади. Тони Моррисон поэтикасида архетип мифнинг асосини, маросим эса уни амалга ошириш услуби ҳисобланади. Маросим мифологик мотивларга асосланади, архетип ва рамз – мифологик образдир. Мифнинг маросим орқали амалга ошиши ёзувчи учун муҳим саналади, чунки маросим мифнинг саҳнадаги тимсолидир.

1977 йил Тони Моррисон “Сулаймон қўшиғи” (Song of Solomon) романини китобхонларга тақдим этди. Мазкур романда адиба ҳикоя қилишнинг эпик услубини, персонажларнинг кўп қирралигини ва ижтимоий муаммонинг муҳимлигини уйғунлаштира олди. Асосий воқеалар 1963 йил, америка жамиятида фуқаролар ҳуқуқлари учун ҳаракат ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида афроамерикаликларнинг ўрнини тубдан қайта кўриб чиқиш масаласи авжга чиққан даврда содир бўлади. Мана шу воқеаларга эътибор қаратган ёзувчи қора танлилар ҳолатини ўзгартирган кулдорлик бекор қилинган даврдан бошлаб фуқаролар ҳуқуқлари учун олиб борилган воқеалар фонида Мейкон Ўлган III (Macon Dead III¹) лар оиласининг тарихини тасвирлайди. Асар Америка қора танли аҳолисининг миллий ўзлиги англаш инқирозини бартараф этиш истагини ифодалади. Шунинг таъкидлаш лозимки, ёзувчи учун замонавийлик муаммоси Американинг фольклори, афроамерикаликларнинг тақдири ва тарихи билан узвий боғлиқ.

Ёзувчи мазкур романини бежизга мифологик тарзда бошламайди. Адибанинг бундай ёндашуви ўз халқининг этник онгини қайта тиклашга бўлган қизиқишини ифодалайди. Асарнинг услуби қора танлилар муסיқасининг оҳангига асосланган. Унда фольклор, миллатнинг эски эътиқодлари ва афсоналари билан уйғунлик сезилади. Тони Моррисон

¹ Асар бош қахрамони исми Macon Dead III. Инглиз тилида “dead” сўзи “ўлган” маъносини англатади. Унинг отаси Macon Dead Jr (Jr кичик деган маънони билдиради) ўз исминини саводсиз отасидан олган бўлиб, унга шахсни тасдиқловчи ҳужжатни маст ҳолдаги ходим тўлдирди ва ҳужжатига Macon Dead I деб ёзади.

“Сулаймон кўшиғи” романидаги ғаройибот кўплигини куйидагича изоҳлайди: “Мен учун қора танлилар фольклори, уларнинг сеҳр-жодуга ишониши бой манба эди. Улар сеҳр-жодуга жудаям ишонишади. Бир куни мендан сўрашди: “Сиз руҳларга ишонасизми?” Мен жавоб бердим: “Албатта. Сиз микробларнинг борлигига ишонасизми?” Бу меросимизнинг бир бўлаги” [2, 46]. Асардаги эпизодларнинг кўпчилигини руҳларга, қоҳинларга ишониш, табиатнинг сеҳрли кучи каби мифологик ҳикоялар ташкил этади. Шу билан бирга ёзувчи африка мифларидан ташқари роман бадиийлигига христиан ва грек мифларини ҳам қўшади.

Роман марказида – Сутчи (Milkman) лақабини олган асосий қаҳрамон Мейкон Ўлган Шнинг тақдири, унинг аждодлари ватанига саёҳат вақтида маънавий тикланиши тарихи, ўз “мен”ини топиш жараёни туради. Ҳатто асар бошида келтирилган эпитафияда ҳам бош ғоя ифодаланган: “Оталарга учини хос. Фарзандларга эса уларни билиш хос” [3, 20]. Мазкур эпитафия қора танлилар мифологиясида кенг тарқалган учини мотивига ва ромanning бош ғоясига ишора қилади. Асар ўз қанотларида “Меҳрибонлик уйи”дан учини кетишни ваъда қилган суғурта агенти Роберт Смитнинг ўлими олдидан қолдирган мактуби билан бошланади. Романдаги воқеалар маълум бир аниқ вақтда содир бўлади: “18 февраль, 1931 йил, чоршанба, кундузги соат 3” – яъни ёзувчининг туғилган куни. Кўришиб турибдики, Тони Моррисон асарига автобиографик элемент киритади. Эртасига шаҳарда ғаройиб ҳодиса содир бўлади: биринчи марта касалхонада қора танли гўдак, Мейкон Ўлган Ш, узок вақт онасини эмганлиги учун Сутчи лақабини олган, асар қаҳрамони туғилади. Бир вақтлар шу касалхона тоmidан Смит парвоз қилган эди. “Мистер Смитнинг мовий ипак қанотлари гўдакнинг ҳаётида балки из қолдиргандир”, – ёзади адиба [3, 27]. Вояга етгач ҳам у “ҳар сафар учаётган нарсани кўрса, ажойиб завқни туяди” [3, 207]. Романи ўқиган сари асар қаҳрамонидаги парвоз қилиш истаги унга ўтмишда йигирма битта гўдакни хотини Рина билан ерда ташлаб, пахта далаларидан ватани Африкага учини кетган бобоси Сулаймондан ўтганлиги маълум бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, мазкур мотивнинг қўшимча маъноси бор, яъни, бу мотив нафақат африка, балки антик мифологиясида ҳам учрайди. Адабиётшунос С.Дэвис роман сюжетини Дедал ва Икар ҳақидаги юнон афсонаси контекстида кўриб чиқиб лозимлигини таъкидлайди [3, 226]. Бироқ, ёзувчининг ўзи эса, ижодидаги асосий мифлар манбасини африка ёки афроамерика анъаналари ташкил этишини айтади: “Парвоз қилиш метафораси Икар билан боғлиқ эмас, аксинча, уча оладиган африкаликлар ҳақидаги мифлар билан боғлиқ. Қоратанлиларнинг ватанимизга келишидан олдин уча олганликлари борасида кўп эшитганман. Бу ҳақда кўшиқларда кўп куйланади. Бироқ, мен буни ғарб маданияти анъаналарида ифодаланган қочини кетиш маъносига кўриб чиқишдан йироқман. Бунда тўртта элементнинг хавфлироғида ўзини қандай тутиш ҳақида гапирилади: хавода, ишона олиш, таваккал қилиш, ўзини англай олиш, яъни ердан кўтарила олиш ва хавода ўзини тута билиш, шу билан бирга парвозни бошқара олиш” [4, 113, 115]. Фикримизча, романда парвоз мотиви афроамерикаликларнинг эрқа ва миллат тарихидаги салбий ҳодисаларни баргараф этишга бўлган кўп асрлик интилишини акс эттиради.

Мазкур романда Тони Моррисон афроамерика оғзаки ижодининг бойлигини тўлиқ акс эттиришга муваффақ бўлган. Кўшиқлар оҳанги, афсоналарнинг оғиздан оғизга ўтиши ҳикоя услубининг ўзига хослигини таъминлайди. Романда мусикий шакллар асосий бадиий воситага айланади - Сутчининг ўз ўтмишини излашдаги муваффақияти қора танлилар кўшиқларини тинглай олиш ва улардаги сир-синаотни топа билишига боғлиқ. Кўшиқлар (асар номи ҳам “Сулаймон кўшиғи”) сюжетлар структурасини ташкил этади. Кўшиқни куйлаш асосий тамойилга айланади ва аждодлардан янги авлодга етказиб бериш вазифасини бажаради. Сутчи дунёга келиши олдидан Пилат кўшиқ куйлайди, Сутчи ҳам Пилат вафот этаётганда кўшиқ куйлайди. Таъкидлаш керакки, афроамерикаликларнинг фольклор кўшиқлари афроамерика прозаси поэтикасига жиддий таъсир кўрсатиш билан бирга, айнан, Тони Моррисон поэтикасига ҳам ўз таъсири ўтказди. Ёзувчи блюз (инглиз тилида *blue devils* иборасидан пайдо бўлган *blues*, яъни, *тушкунлик* маъносини англатадиган афроамерика мусикасининг тури) каби поэтик шаклга эътибор берар экан, унга миллий унсурларнинг боғлиқлигини ҳам айтиб ўтади. Блюз сюжетларининг муҳим қисми жоду, афсун воситаларига қурилган. Шу тариқа,

асарда ҳам блюз африка анъаналарига туташган анъанавийлик ва қадимийликни сақлаб қолган. Блюз анъанасининг давомчиси Пилатнинг овози романнинг таъсирчан лавҳаларида пайдо бўлади ва халқининг маънавий ва маданий қадриятларини, африка ўтмишини авлодларга етказиб бериш рамзини ифодалайди.

Тони Моррисон романларида мифларни қайта тиклаш истаги кузатилади. Муаллиф мифология ва образларда акс этган жамоаси тарихи ва билими доирасида фикр юритади. Адибанинг таъкидлашича, афроамерикаликлар маданиятида миф турли шаклларда намоён бўлади. Миф уларнинг мусиқасида, рақсларида ва динида ҳам акс этган. “Биз мана шуларни оламиз ва авлодга етказамиз. Мифлар, эртаклар ва афсоналар ҳар биримиз учун тушунарли... Бу бизга кимлигимизни эслатиб туради, биз шу боис ҳам яшаймиз” [5, 185]. Ёзувчи ижодидаги мифларнинг асосий мақсади – жамиятда замонавий афроамерикаликнинг ўрнини, мавқени белгилашдир. Адиба оқтанлиларнинг ирқга оид мифларини, стереотипларини бузишга интилади. Шу билан бирга, муаллиф “ўзиникилар” ва “бегоналар”га бўлинмайдиган жамият ҳақидаги янги тасаввурни яратишга ҳаракат қилади ва мана шуни амалга ошириш учун мифлардан самарали фойдаланади. Тони Моррисон ижодининг асосий мавзуси миллат хотирага мурожаат этиш, вақт, анъана, шахс ва жамоанинг маънавияти муаллиф асарларининг муҳим ғояси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Watkins, M. Talk with Toni Morrison / M. Watkins // Conversations with Toni Morrison. - Jackson: Univ. Press of Mississippi, 1994. - P. 43-47.
2. Morrison T. Song of Solomon. – Knopf Doubleday Publishing Group, 2004. - 352 p.
3. Davis, C Y. Self, Society and Myth in Toni Morrison's Fiction / C. Y. Davis // Toni Morrison. - N.Y.: Palgrave Macmillan, 1998. - P. 27-42.
4. Brown, C. Interview with Toni Morrison / C. Brown // Conversations with Toni Morrison. - Jackson: Univ. Press of Mississippi, 2008. - P. 107-125.
5. Ruas, Charles. Conversation with American Writers. NY 1985. - p. 237.

УЎК 82

ЭНН БРОНТЕ ИЖОДИДА БИОГРАФИК МАНБАЛАР

Х.Мухаммедова, доц., PhD, ЎзДЖТУ, Тошкент

Аннотация. *Мазкур мақолада инглиз адабиёти тарихида йирик даврни ўзида акс эттирган викториан даврида ижод қилган Энн Бронте прозасида биографик манбалар таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *викториан даври, инглиз адабиёти, биографик манба, роман хусусиятлари*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются элементы биографического романа в прозе Энн Бронте, писательницы викторианской эпохи английской литературы.*

Ключевые слова: *викторианская эпоха, английская литература, биографические источники, особенности романа*

Abstract. *This article focuses on the biographical elements in Ann Bronte's novels in Victorian period of English literature.*

Key words: *Victorian period, English literature, biographical novel, features of novel*

Жаҳон адабиётшунослигида роман инсонни ўзлиги, ижтимоий муҳити ва олам муаммолари билан фаол муносабатда тасвирловчи, одамлар қисмати орқали жамият жорий ҳолатини поэтик таҳлил қилувчи сертармоқ сюжет, залворли мазмунга эга бўлган эпик турнинг мураккаб жанри сифатида талкин этилади. Европа, хусусан инглиз адабиёти роман жанрида яратилган асарларни кузатганда адибалар насрини таҳлил этиш масаласи тобора кучайиб борганлигини кўриш мумкин.

XIX аср инглиз адабиёти тарихида опа-сингил Бронтелар (Шарлотта, Энн, Эмили) яъни Бронте феномени алоҳида ажралиб туради. Опа-сингил Бронтеларнинг ижоди бугунги кунда жаҳон адабиётининг классик намунаси сифатида эътироф этилади. Опа-сингил Бронтеларнинг

кенжаси бўлган Энн Бронте ҳаёти давомида иккита йирик асар яратди. Мақоламизда таҳлилга тортилган “Агнес Грэй” асари том маънода адибанинг автобиографик асари ҳисобланади.

1847 йилда адибанинг “Агнес Грэй – Agnes Grey” асари йилда чоп этилади. Ёш кизнинг ҳаётини ҳикоя қилувчи асар қисман романтик туйғулар билан бойитилмагани билан ажралиб турарди. Асар ҳаётдаги қийинчиликларга қарамай оёққа тура олган қаҳрамонни ўзида акс эттиради. Мазкур асарни мутоола қилаётган китобхон ўн тўққиз ёшга кирган Агнес билан танишади. Ўзининг шахсий тажрибасига таянган ҳолда асар яратган адиба биографик манбаларидан унумли фойдаланади. Аҳамиятга молик тарафи шундаки автобиографик типга мансуб асарларнинг аксарияти викторианликлар томонидан “аҳамиятсиз асар-minor fiction” деб баҳоланганидир. Инглиз тадқиқотчиси Элизабет Жей айнан аҳамиятсиз асарда тасвирланган тимсолдан кўра кўпроқ унинг муҳимлигини исботлаш кўзда тутилганлигини таъкидлаб ўтади[2. 79].

Адабиётшунос олим Д.Қуроноов автобиографик асар жанрини қуйидагича изоҳлайди: “муаллифнинг ҳаётини изчил ҳикоя қилишга асосланган адабий жанр. Автобиографик асарни ёзувчининг турли муносабат билан ёзилган таржимаи ҳолдан фарқлаш лозим. Автобиографик асар муаллифи баъзан бадиий тўқималарга ҳам йўл қўйиши табиий, чунки у ҳаётини яхлит эстетик мушоҳада қиларкан, уни ижодий қайта яратади”[3.5]. Автобиографик асар билан мемуарлар, кундаликлар ва айрим сайёҳатномалар ўртасида ўхшашликлар мавжуд. Мемуар асарда муаллифни воқелик қизиқтирса, автобиографик асар марказида муаллифнинг воқелик билан узвий алоқадаги шаклланиш тарихи, қалб ва онги туради.

Энн Бронте ўз таржимаи ҳолига асосланиб “тўқима биография - fictional biography” ярата олди. Адабиётшунос олим В.Пинард “Мен ўқиган тўқима биографиялар” деб номланган мақоласида Д.Дефонинг “Молл Флэндерс” (1722), Ч.Диккенснинг “Девид Копперфильд” (1850), Ш.Бронтенинг “Жейн Эйр” (1847) каби бир қанча автобиографик романларни мисол сифатида келтириб ўтади. “Тўқима биография” шахсий ҳаётга оид ҳақиқий ҳужжат, далил, хатлар каби деталларни ўзида қамраб олади. Энн Бронте автобиографик қаҳрамонни яратар экан, унга таржимаи ҳолини, характери ва ҳаттоки ўз тақдирини ҳам сингдириб юборади. Китобхон атобиографик персонаж билан ёзувчини бир-бирига қиёслашда, ҳаттоки уларни бир хил деб ҳам қисман қабул қилади. Биринчи қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиш орқали муаллиф китобхонга яқинлашади ва у асар яратувчисига ҳам айланиши кузатилади. Энн Бронте нафақат тўқима образларни тасвирлайди балки, ўз прототипини яратишга муваффақ бўлади ва мана шу прототип тақдир мисолида викториан даврининг қишлоқ ҳаётини кўрсатиб беради.

Асарда айнан она Агнеснинг таълим-тарбия олишида катта вазифани ўтайди. Зодагон аристократ фарзанди бўлган онаси оддий йигит билан турмуш қуриши туфайли меросдан маҳрум қилинган. Онасининг бундай қарорга келиши келажакда бахтли яшашига сабаб бўлган. Агнес онасини “*my dear, kind mother – менинг меҳрибон онам*” деб атади. Шу билан ўқимишли она характеридаги ибрат бўла оладиган жиҳатларини кўрсатишга уринади: “*My mother, being at once highly accomplished, well informed, and fond of employment, took the whole charge of our education on herself – менинг онам яхши таълим тарбия кўрган аёл бўлганлиги сабабли, менинг ўқишимни ҳам ўз бўйнига олган эди.*”[1.5].

Отаси Ричард Грэй иккала қизини жонидан ортик кўрар, фарзандлари учун жонини беришга тайёр ота эди. Отаси мисолида Энн Бронте отаси Патрик Бронтени жонлантириб беришга уринган. Шу билан бирга адиба Ричард Грэйнинг рафиқасига бўлган муҳаббатини яхшироқ тасвирлаш учун “бебаҳо бойлигим” иборасини кенг ишлатади. Ҳаттоки отасининг вафоти онасининг иродасини букмаганлигини ва яшашда давом этганлигини таъкидлайди. Яхши рафиққа ва яхши она бўла олган аёл фақатгина ўз отаси вафот этганидан сўнг унга тегишли мерос қолдирганини хат орқали билиб қолади. Ота ўз хатида агар қизи қилган қароридан пушаймон эканлигини опаси олдида тан олса унга мероснинг тенг ярми тегишидан хабардор қилганди. Аммо Агнеснинг онаси иккала қизи олдида ҳеч қачон отасини танлаганидан пушаймон эмаслигини бир неча бор таъкидлайди. Бу қарор ортидан аёлнинг кучли ва қатъиятли характери намоён бўлади. Онасининг ҳаётини обдон билган Агнес ундан ўрнак олишга ва онасидай тўғри қарор қила оладиган бўлишга ҳаракат қилади. Жаноб

Мэррейнинг уйида гувернантка бўлиб ишлар экан, ўқувчилари олдида етарлича улғайганлигини ҳис қилади. Жаноб Мэррейнинг фарзандлари ўн ёшли Чарльз, ўн бир ёшдаги Жон, ўн тўртга кирган Матилда ва ўн олти ёш Розали Агнеснинг ўқувчилари эди.

Викториан оиладаги таълим-тарбия масаласини адиба мана шу ўқувчилар мисолида очиб беришга уринади. У ҳар бир персонажни алоҳида эътибор билан тасвирлайди. Ўз ҳаётида гувернантка бўлиб ишлаган Анна Бронте ўқувчиларининг сифатларини асар персонажларига сингдиради. Муаллиф Матилданинг тарбиясиз ва ўқиш истаги йўқлигини билан бирга шўхлиги сабаб ўғилболага ўхшаб кетишини таъкидлайди.

Агнес ўз ўқувчисини таълим олиш, ҳаётга жиддий қараш, хушахлоқли бўлиш ва қўлидан ҳамма иш кела оладиган қиз бўлишига кўп ҳаракат қилади. Матилда устозининг бу ҳатти-харакатини пучга чиқарарди. Мисс Матилдани на таълим олиш ва на устози Агнеснинг ўғитлари қизиқтирарди. Уни кўпроқ отларда сайр қилиш, овга чиқиш ва хайвонлар билан ўйнаш ёқарди. Унинг синглиси Розали эса опасига қараганда гўзал ва малоҳатли эди. Розалида мавжуд бўлган гўзаллик билан унинг характерида енгилтабиатлик устунлик қиларди. Айниқса унинг хулқ-атворида енгилтабиатлилиги кўриниб қоларди. Ўқиш қолаверса таълим олишга иштиёқманд бўлмаган Розали ахлоқсиз ва жуда мағрур қиз эди. Бу унинг ҳатти-харакатларида ҳам акс этиб турарди. Агнес уринишлари самарсиз кечишига афсусланарди. Розалини турмушга чиқиши ва фарзандли бўлиши натижасида у ҳаётга ўзи ўйлагандек енгил қарамаслик кераклигини тушунади. Аммо фарзандли бўлган аммо бахтсиз Розали учун ҳч нарсани ортга қайтариш имкони мавжуд эмас. Матилда ва Розали Мэррейлар Агнесни тўғри танбех бера олган ва ҳаётга жиддий қарашга ўргата олган устоз эканлигига вақт ўтиб амин бўлишади.

Адиба Энн Бронте асарнинг асосий хронотопида таълим-тарбия масаласини талқин қилади. Гувернантка сифатида ишлар экан оила фарзандларига тўғри таълим беришга катта эътибор қаратади. Ҳаттоки унинг ташқи кўринишини асарнинг иккинчи планида тасвирлайди. Асар бош қахрамон тилидан ҳикоя қилинади.

Агнес Грэйнинг ташқи кўринишини адиба асарнинг ўрталарида тасвирлайди. Жаноб Уэстон билан танишиши ва уни севиб қолганида унинг ҳақиқий кўриниши муаллиф эътибор билан қарайди. Агнес муаллиф ифода этганидек гўзал эмас аммо, ақлли ва иродали қиз. Агнес Грэйнинг қатъиятлиги ўқувчиларига сабоқ беришида бир кўринса иккинчи марта ҳаётда мустақил қарор қабул қилишида яққол кўзга ташланади. Ундаги оптимизм эртанги ҳаётга умид билан қарашда кўринади. Ёш гувернантканинг ҳаёт йўлларидаги машаққатларни бирма-бир енгиб чиқишида адиба Энн Бронтенинг ўзи намоён бўлади. Уйдан уйга кўчиб ишлайдиган гувернантка Энн Бронте ҳаётидаги машаққатлар бирма-бир асарда ўз акини топган. Унинг онаси ва опаси Агнесни худди Энн Бронтенинг опалари сингари мустақил ҳаётга тайёр бўлмаган кичкина деб ҳисоблашарди. Ундан ташвишланишарди. Оиланинг кичкинаси бўлганлиги сабаб унга на уйдаги юмушларни на ишлаб пул топишга қўйишмасди. Адибанинг ўзи ҳам бу туйғуларни бошидан ўтказганди ва уни қуйидагича ифода этади: *“I was always regarded as the child, and the pet of the family: No love, you cannot indeed – there is nothing here you can do. You cannot, indeed, dear child. Go and practice your music, or play with the kitten – Мен ҳар доим оиланинг кичиги бўлганман. - Йўқ азизам, сенга муҳтожлигимиз йўқ бу ерда сен қиладиган ишнинг ўзи йўқ. Сен қила олмайсан азизам. Бориб мусиқангни машқ қил ёки мушугинг билан ўйна [1.11]”*. Аммо Агнес ўзини етарлича улғайган деб ҳисоблар ва викториан анъаналарга кўра кўпроқ оиласига ёрдами тегишини истарди. Оиласига ёрдам қиладиган кунлар узоқ куттирмади Агнесни. Отасининг тўшакка михланиши вазиятни ўзгартириб юборди. Ва Агнес гувернантка бўлиб ишлашга қатъят билан киришди. *“I should like to be governess. Well! I don't see anything so very extraordinary to it. I am above eighteen, and quite able to take care of myself. – Мен гувернантка бўламан. Ёмон эмас, бундан ноодатийроқ нарсани кўрмаймман ҳам. Мен ўн саккига кирдим ва ўзим ҳақимда ўзим қайғура оламан [1.12-13]”*. Агнеснинг мустақил қарор қабул қилиши орқали викториан жамиятнинг ўзгарган янги аёл образини кўриш мумкин. У маълумотли аммо, бадавлат эмас. У ўз ҳаёт тарзини ўзгартирадиган вақт келганлигини ҳам яхши тушунади. Ҳаёт тарзини ўзгартириш орқали

кучли характерга эгалигини ҳам кўрсатади. Блумфилдлар оиласига жойлашиб, бутун диққатини ўқувчиларига қаратади. Барча уринишларига қарамай уни ишдан ҳайдашларига баъзан афсус ҳам қилмасди. Айниқса унга нисбатан адолатсиз муносабат ва ўқувчиларининг яхши ўқишга ҳаракат қилмасликларига тоқат қилмасдан ишдан бўшатишган заҳоти ҳатто хурсанд ҳам бўларди. Агнес ўзи ҳақида қайғуришлари ва эртанги кунга катта умид билан боқиши унинг ижобий, оптимистик характерга эгалигини намоён этади. Агнес ишдан ҳайлар экан ўзини тоблар ва янги ишга ғайрат билан киришарди. Энн Бронте ўз қаҳрамонининг юксак ахлоқини жонли ифода этишга ҳаракат қилади.

Ўқувчилари Агнеснинг қаттиққўлиги сабаб “*queer creature – галати мавжудот*” деб аташарди. У бошқа гувернанткалардан очиқ кўнгиллиги, айниқса таълим беришда жонкуярлиги қолаверса хушмуомала ва жасурлиги билан фарқ қиларди.

Агнес Грэй ўрта табақа оила вакиласи эди. Бу ҳақда у оилада мустақил таълим олганлигини айтиб ўтади. Оиладаги муҳтожлик ва етишмовчилик қизларни мустақил равишда дарслар билан машғул бўлиши ва гувернантка учун билиши лозим бўлган билимларни эгаллаганлигини таъкидлайди. Биографик манбаларга бой бўлган Энн Бронтенинг мазкур асари том маънода адиба ҳаётини ҳикоя қилади. Агнес бир томондан хизматкор бўлиши мумкин эди. Унинг машғулотлар билан банд бўлиши, тинимсиз ўз устида ишлаши натижасида яхши таълим олиши унга гувернантка бўлиб ишлаш имкониятини беради. Блумфилдлар оиласидаги адолатсиз муносабат ва буйруқ беришларига Агнес тоқат қилиб ўтирмайди. Унинг журъатлилиги ҳам шунда кўринади. У яхши таълим олиш ва таълим бериш машаққатини обдон таътиб кўрганлардан эди. Агнеснинг ўзи гувернантка бу шунчаки хизматкорга ўхшаш вазифа эканлигини ва агар уни ҳайдашса, пули бўлмаллигини яхши тушунарди. Пулсиз эса оиласига ёрдам қила олмасди. Шу билан бирга оилалардаги муҳитга викториан аёл каби тоқат қилишга мажбур эди. Агнес Грэй юқори табақа вакиллари учун кўзга кўринмайдиган, аҳамиятсиз шахс. Шундай бўлишига қарамай Энн Бронте Агнес Грэйни викториан даврининг идеали сифатида тасвирлашнинг уддасидан чиқади. Асар қаҳрамонининг керакли вақтда жасуруна қадам ташлаши, ақл билан иш кўриши инглиз жамиятида ўз ўрнига эгалигини намоён қилади. Адибанинг биографик маълумотлари билан суғорилган асар бевосита Энн Бронтенинг ўзига хос ҳаёт тарзини очиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bronte A. Agnes Grey. The electronic book company. 2009.-P. 12-13.
2. Jay E. The religion of the heart. Anglican Evangelism and the Nineteenth Century Novel. Oxford: Clarendon Press 1979.
3. Куронов Д. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Академнашр. 2013.

УЎК 808.3

ГЕОЛОГИЯГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Б. Омонов, докторант, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек тилида геологияга оид терминларнинг шаклланиши, тузилиши ва ҳосил бўлиш усуллари ҳамда геологик терминологиясини ривожлантиришга ҳисса қўшган дастлабки ўзбек олимларининг ишлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Термин, геология, семантик бирликлар, суффикс, префикс, лексикологик тизим, лексик-семантик услуб, морфологик усул, морфологик-синтактик усул.

Аннотация. В статье анализируются методы образования, образования и образования терминов по геологии в узбекском языке, а также работы первых узбекских ученых, внесших вклад в развитие геологической терминологии.

Ключевые слова: термин, геология, семантический единицы, суффикс, приставка, лексикологическая система, лексико-семантический метод, морфологический метод, морфолого-синтаксический метод.

Abstract. This article analyzes the formation, structure and methods of formation of geological terms in the Uzbek language, as well as the work of early Uzbek scientists who contributed to the development of geological terminology.

Keywords: *Term, geology, semantic units, suffix, prefix, lexicological system, lexical-semantic method, morphological method, morphological-syntactic method.*

Терминларнинг терминологик маъно ифодаловчи birlikлар сифатида шаклланиш хусусиятларини аниқлаш учун ҳар қандай тилда терминологиянинг шаклланиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш аҳамиятлидир. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, термин ҳосил қилиш сўз ҳосил қилишга нисбатан кенгроқ жараёнлир, чунки терминларни ҳосил қилишда морфологик усул туфайли нафақат оддий сўз ҳосил қилиш воситалари, балки уларнинг ўз воситалари – сўз бирикмаси ҳосил қилиш усуллари ҳам қўлланилади. Ҳамма нарса тилдаги терминларнинг ҳақиқий ўзига хос лингвистик хусусиятлари, терминларнинг маълум соҳанинг тилида қўлланилиши билан белгиланади.

Геология фанининг, шунингдек, геологик терминологиянинг ривожланишига ўрта асрларнинг яна бир буюк олими – Абу Райхон Беруний ўзининг “Китоб-ул-джамохир фи-маърифати л-джавохир” китоби билан қимматли ҳисса қўшган. Муаллиф ўз асарига ер ички қисмини ўрганиш ва тадқиқ этиш йўллари, фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиши ва қимматбаҳо тошларнинг тавсифини муҳокама қилади, шунингдек Қоратегин ва Шугнан худудларидаги олтин, Фарғона водийсидаги нефт, Зарафшондаги симоб ва кумуш конларига ишора қилади.

Кейинги даврларда ўзбек тилида тадқиқотлар олиб борган кўплаб муаллифлар Абу Али Сино ва Беруний қўллаган терминлардан кенг фойдаланганлар ҳамда “шу аснода Ибн Сино қўллаган терминларга ўхшаш бир қатор янги терминлар яратилган” (5, 134). Урушдан кейинги даврда ўзбек тилида дарсликлар, техник адабиётлар ва терминологик луғатлар пайдо бўлган даврда терминология, жумладан, минерал ресурсларга оид терминология соҳаси такомиллаштирилди.

Минерал ресурсларга оид терминлар орасида асл ўзбек тилига хос бўлган сўзлар ҳам мавжуд: *кон – mine; қимматбаҳо минералларнинг зарраларини ўз ичига олган дарё ёки қўл тубидаги қум ёки шагал кони – placers; об-ҳаво – weathering, филтрлаш – filtering; бурғулаш – drilling, ковак – chink.*

Асл ўзбек тилига хос бўлган сўзлар билан биргаликда мазкур тилдаги геология соҳасига оид терминология орасида келиб чиқиши араб тилига тақалувчи сўзлар ҳам учраб туради: *фируза – turquoise, кўрфаз – bay, маъдан – ore, кумуш – silver, қазши – working, риф – reef, фойдали – useful, минора – tower, зоваклилик – porosity.*

Тадқиқотларимиз шунинг кўрсатдики, рус тили ўзбек тилидаги геологик терминологияни бойитиш учун энг муҳим манба ҳисобланади. Шубҳасиз, ўзбек ва рус тилларининг ўзаро бойиши чуқур илдизларга эга. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўша давр тақозоси билан ўзбек ва тили рус тилига янада яқинлашди.

Ўзбек тилининг географик терминологиясига рус ва бошқа тиллардан кўплаб терминлар ўзлашган. Рус тилидан сўз ва сўз бирикмаларнинг ўзлашиши ўзбек тилидаги геологик терминологияни бойитишда муҳим рол ўйнайди. Кўплаб терминлар таржима қилинмасдан тилга ўзлаштирилади, бироқ уларга изоҳлар берилади, масалан: *мергел – мергел- chalky – оқ чўкинди қават, 25 дан 50 фоизгача лой материаллари ва 50-75 фоиз калий карбонатдан ташкил топган барқарор, баъзан гил-карбонат шиферга ўхшаш; абласён (ейиш, ювиш) – абляция – ablation.*

Тилнинг ички ресурсларига асосланган термин ҳосил қилиш, ҳудди сўз ҳосил қилиш жараёни каби тил сўз бойлигини бойитишнинг энг муҳим воситасидир. Ўзбек тилида сўз ҳосил қилишнинг 4 усули мавжуд: морфологик, лексик-семантик, морфологик-синтактик, семантик-синтактик. [II, 5, 352].

I. Термин шаклланишнинг энг самарали усулларида бири морфологик усул ҳисобланади ва у ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: префиксал ва суффиксал. Ўзбек геологик терминологиясининг шаклланишида иштирок этувчи префиксларнинг сони нисбатан камчиликни ташкил этади. Буларга *но-, бе-* префикслари киради ва улар бирор хусусиятнинг мавжуд эмаслигини ифодалайди: *беқарор (unstable); беҳаракат (unsteady); номунтазам*

(uneven); *ноустувор (unsteady)*. Юқорида келтирилган мисоллар ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикслар ёрдамида ясалади.

Суффиксация – суффиксларнинг кўшилиши содда терминларга нисбатан ҳам, ясама терминларга нисбатан ҳам қўлланилади.

–**а** суффикси – *хароба (hillford); чашма (source); давра (period);*

–**гик** суффикси – *тайёргарлик (preparation); экологик (ecological);* –**ал** суффикси – *минерал (mineral),* –**гия** суффикси – *аэрогеология (aerogeology);* –**лик** суффикси *қаттиқлик (hardness); нишаблик (slope); зоваклилик (porosity); тезлик (speedful);*

–**ли** суффикси – *асосли (grounded); омадли (successful); фойдали (usefull);*

–**иш** – *кўчиш (migration); тушиш (fall).*

II. Лексик-семантик услуб – оддий сўзлар маъносини ўзгартириш орқали терминларни шакллантириш. Терминларни шакллантиришнинг бу усули бошқа усуллардан шуниси билан фарқ қиладики, бошқа усулларда янги тушунчани ифодалаш учун янги шакл яратилса, бу усул ёрдамида эса янги мазмун эски шаклга юкланади. Шунга ўхшаш номланишлар белгиларнинг ўхшашлиги (тана қисмлари, кийим бўлаклари, ҳайвонлар, ўсимликлар номлари); ҳаракатнинг тузилиш жиҳатдан ўхшашлиги; тушунчаларнинг ўзаро боғланганлиги асосида юз беради: *бетон ёстиқлар (concrete pad); қошиқ бурғулаш (gauge auger); новда бурғулаш (rod drilling); геологик кесма (geological cross-section); тўйимлилик, тўйинганлик (saturation); сузувчи кўприк (floating bridge); ўтқир ўқ (cutting tip); поябзал қозиги (shoe pile)* каби.

III. Морфологик-синтактик усул. Тадқиқотимизда таҳлилга тортилган содда ва мураккаб терминлар ўзбек тилининг географик терминлари таркибида мавжуд бўлиб, улар қуйидаги турларга бўлинади: содда терминлар – а) ўзак сўзлар, б) ясама сўзлар; мураккаб терминлар – а) асл қўшма сўзлар, б) сўз бирикмалари.

Содда терминлар: а) ўзак сўзлар (фақат бир туб морфемадан иборат сўзлар): *чегара-border, қобиқ-cortex, замин-land, кон-mine, парма-drill, ковак-chink, тош-stone, жинс, зот-breed, феруза, мовий-turquoise, тафт-magma.* б) ясама сўзлар (туб морфема ва сўз ясовчи кўшимчалардан ташкил топган сўзлар): *юмиоқ-ductility, табақаланиш-stratification, пайвандчи-welder, эгилювчанлик-elasticity.*

Кўшма терминлар: Ўзбек тилида, асосан, асл қўшма геологик терминлар икки ёки уч асосдан (туб морфемадан) ташкил топади ва шу тариқа кўплаб қўшма терминлар ҳосил бўлади, шу жумладан ўзбек ва турли тиллардан ўзлашган ўзаклар қоришмасидан ҳосил бўлади: *шағал, майда тош – macadam; унумдор ер – loam; оқ олтин – platinum; атроф-муҳит – environment; чўқинди – deposits; бурғи қудуғи – borehole; амалий – applied; қатламли – plicate; қумли унумдор ер – sandy loam; қумлоқ тупроқ – loamy.*

IV. Лингвистик материал таҳлили шуни кўрсатдики, геологик терминологиянинг асосий қисми от+от шаклидаги номинал геологик сўз бирикмалардан иборат бўлади: *сув аномалияси (water anomaly); тўпланиш асослари (accumulation basis); zilzila кучи (degrees of earthquake); ер ости сувлари (ground water); ернинг ёши (age of the Earth); тошқўмир (weathered coal); фойдали қазилмалар авлуди (generation of minerals).* От+сифат таркибли: *металлогеник таҳлил (analysis of metallogen); палеогеографик атласлар (palaeo geographic atlases); руда билан бошқариладиган (ore-run); артезиан ҳавзаси (artesian basin); қидирув бурғулаш (exploratory drilling); доимий музлаш (permafrost); ishqoriy bazaltlar (alkaline basalts);* От+сифатдош шаклидаги: *фаоллашган вулқон (active volcano); ёпилган конлар (closed field); йўлга қўйиладиган намлик (adjustable humidity); юмшатиладиган тош (loosened rock); алмашинадиган*

Шу аснода, ўзбек илмий терминологияси, жумладан, геологик терминология, яратилиши XI аср бошларида ҳали ўзбек тилининг адабий тил сифатида илмий ишларда қўлланилиб бошланишидан анча олдин юз берган. Унинг келиб чиқишида буюк олимлар – Абу Али Сино ва Беруний асосий ўрин тутишган. XX асрда кенг ривож топиб, геологик терминология фаннинг ҳозирги ривожланиш босқичда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбек тилида геологик терминларни шакллантириш ва ифодалашнинг энг муҳим ва маҳсулдор усуллари бу – рус тилидан калькалаш усули орқали ясаш ва рус, инглиз ва араб тилларидан ўзлаштириш усуллари. Геологик термин яшашнинг энг кўп тарқалган усули – сўз кўшишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.– М.: Просвещение, 1975. – 271 с.
2. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. Изд-во Акад. наук СССР, 1959. - 14 с.
3. Суперанская А.В. Общая терминология. Терминологическая деятельность. - М.: УРСС, 1993.–288 с.
4. Нетьматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент: Фан, 1989. – 192 с.
5. Маматов Н. Қўшма сўзларнинг ясашиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. -№ 6. – Б. 31-36.
6. Палуанова Х. Д. Из истории развития экологической терминологии //Язык и культура (Новосибирск). – 2014. – №. 15. – С. 54-58.
7. Палуанова Х. Д. Инглиз, ўзбек, рус ва коракалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривационсемантик принциплари: дис. Ташкент, 2016.
8. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Хозирги узбек адабий тили. - Лексикология. Фонетика. Морфология. Тошкент.: Ўқитувчи, 1975. –175 б.
9. Бурдюг М.Г. Термины геоморфологии в «Записках путешевии» на Восток в XIX веке // Русский язык, история, диалекты, современность. – М., 2000. – Вып. 2. – С. 81 – 88.
10. Omonov B.Kh. Terminological system as an object of research in linguistics // International journal of discourse on innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – S. 187-193.

УЎК 808.3

ЖАНР ТУШУНЧАСИ ГЕНЕЗИСИ ВА МОҲИЯТИ

Г.М. Орипова, PhD, Фаргона Давлат Университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада жанр тушунчасининг келиб чиқиш манбалари ва семантик эволюциясига мурожаат қилинган. Жанр поэтиканинг муҳим категорияларидан бири сифатида тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: жанр, тушунча, семантик эволюция, поэтика

Аннотация. В статье рассматриваются истоки и смысловая эволюция понятия жанра. Жанр был исследован как одна из важнейших категорий поэтики.

Ключевые слова: жанр, концепт, смысловая эволюция, поэтика.

Abstract. The article addresses the sources and semantic evolution of the concept of genre. The genre has been explored as one of the most important categories of poetics.

Key words: genre, concept, semantic evolution, poetics

Адабий асарларни таснифлаш ва уларнинг жанр белгиларини аниқлашнинг асосий мураккаблик жиҳатлари адабиётдаги тарихий ўзгаришлар ҳамда жанрларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳодисалардир. Бугунги кунда жанр муаммоси баҳсли, шунингдек, долзарб масалалардан биридир. Жанр тушунчасининг келиб чиқиш манбалари ва семантик эволюциясига мурожаат қилиш ҳам семантик мазмунининг ўзгармас асосларини аниқлашга, ҳам маъно қатламларини аниқлашга ёрдам беради. Жанр тушунчасининг илдизи ва келиб чиқиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмай туриб унинг моҳияти ҳақида фикр юритиш қийин. Жанр сўзи французча “genre”нинг рус тилидаги транскрипциясидир. Унинг тўғридан-тўғри таржимаси “тур” тушунчасини англатиб, рус санъати тарихида биринчи бўлиб XIX асрда “жанр” атамаси қўлланган. “Тур” тушунчаси энг кенг тарқалган таснифлаш белгиларидан бири бўлиб, фаннинг барча соҳалари ва сўзлашув услубида қўлланилмоқда. “Жанр” атамаси эса фақат гуманитар соҳага тегишли бўлиб, санъат асарлари учун характерлидир.

Рус адабиётшунослигида “жанр” атамасининг пайдо бўлиши дастлаб тасвирий санъат билан боғлиқ ҳодиса деб қаралган. Айнан шу масала билан шуғулланган Г.Г.Павлуцкийнинг ёзишича, Францияда “жанр” тасодифан пайдо бўлган. Бу ҳақда В.В.Стасов ҳам шундай ёзади: “картиналардаги сюжетлар “инсон ҳаётидан...иккинчи даражали нарса деб қаралди...Ушбу тасвирий санъат қонуниятларига мос келмайдиган картиналар “жанр” деб номланган”. Реализмнинг вужудга келиши “жанр” тушунчаси санъатнинг бошқа турларига ҳам тарқалишига сабаб бўлди. И.А.Гончаров уни “Миллион азоб” номли мақоласида театр ва драмага нисбатан қўллайди. Ф.М.Достоевский эса “Ёзувчи кундалиги” (1873)да рассом-

жанристлар Диккенс ва Гоголни қиёслаб, санъатнинг ушбу йўналишига умумий таъриф беради: “Жанр бу шундай санъатки, расмом ҳозирги воқеликнинг замонавий тасвирини ўз кўзлари билан кўрсин ва ҳис қилсин” [1. 120]. Е.Марковнинг Достоевский ҳақидаги мақоласида “адабий жанр” сўз бирикмаси қўлланди. В.Н.Захаров “жанр” тушунчасининг семантикасини тубдан қайта қуришда унинг маъновий тўлиқлиги ўтган асрнинг тадқиқот ишларига мурожаат қилишда ҳисобга олиниши зарурлигини таъкидлади. [2. 5-8]

XIX аср охирига келиб 1890 йилда Ф.Брюнетъеранинг адабий жанрлар эволюцияси тўғрисидаги китоби нашр этилган. Лекин баъзи тадқиқотчилар томонидан ушбу китобнинг роли аҳамиятсиздек баҳоланган. Масалан, А.С.Субботин тўғридан-тўғри “атамани руслаштириш бу мақоланинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эмас” деб ёзган. Аслида гап ёзилган асарнинг ўзида эмас, деярли ярим асрлик жимжитликдан, яъни Гегель ва Белинский давридан сўнг адабиёт назариясининг жанр муаммосига қизиқиш яна кескинлашувида эди. Жанр таснифига бағишланган “Тарихий поэтиканинг уч боби” (1899) номли асар муаллифи А.Н.Веселовский мазкур асардан таъсирланган, деб ёзади В.Н.Захаров. Аммо А.Н.Веселовский Ф.Брюнетъера тажрибаларини кўриб чиқиб, 1893 йилдаёқ ўз асарида “жанр” тушунчасини таснифий-типологик маънода қўллаган: “XV асрдан бошлаб драма адабий жанр сифатида танилган”. [3. 13] “Жанр” атамасининг энг муҳим ҳаволаси сифатида “род”(жинс) аналогини жорий этиш Ф.Брюнетъеранинг 1890 йилда нашр этилган китобига К.Арсеньев томонидан ёзилган шарҳда ифодаланган эди. Унда “жанр” тушунчаси рус адабиётшунослиги учун анъанавий бўлган “жинс ва турлар”(роды и виды)ни бутунлай ўзгартирган. Муаллиф дастлаб адабий жанрнинг моҳиятини аниқлаштириш учун савол билан мурожаат қилган ҳолда Брюнетъеранинг “жанрлар мавжуд” концепциясини “туғилган адабий жанрлар яшайди...” тарзида баён қилиб, “жанр ўзгарувчанлиги”, “жанрнинг тўлиқ ўзгариши”, “жанрларнинг эволюцияси” ҳақида фикр юритганлигини исботлайди. [4. 740] Айнан шу шарҳдан сўнг “адабий жанрлар” атамаси ўзининг таснифий белгилари асосида илмий муомалага киритилган. Мазкур атама А.Н.Веселовскийнинг қайд этилган асарларидан ташқари кўпинча француз муаллифларининг таржималарида ҳам учрайди.

“Жанр” таснифий-типологик тушунча сифатида ўзида “род”(жинс) семантикасини тўлиқ камраб олади ва улар “кенг маънога эга синонимлар” (В.Н.Захаров) вазифасини бажаради. А.С.Субботиннинг илмий мулоҳазаларида ҳам “жанр” категориясининг “жинс” ва “тур” билан алоқаси масаласи бор. [5. 3] Бугунги кунгача жанр атамасини қўллаш кўпчилик тадқиқотчилар томонидан сақланиб қолган. Санъат тарихининг XVIII асргача бўлган даврини ўрганиш билан шуғулланган олимлар тадқиқотларида ҳам жанр тушунчаси ривожланганлиги ва “истеъмол”да бўлганлиги қайд этилган. Хорижий олимлар томонидан яратилган луғатларнинг баъзиларида “жанр” тушунчаси XVIII асрга қадар муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланган. 1925 йилда нашр қилинган “Адабий атамалар луғати”да “эпик, лирик ва драматик деб ҳисоблаш мумкин бўлган асосий жанрларни алоҳида навларга қўллаш аниқроқдир”, дейилган. [6. 237] Жанр категориясининг ҳажм жиҳатдан чегаралари ўзгарувчан бўлганлиги учун моҳияти ва табиати бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Жанр (франц. genre - тур, хил) – бир хил жинсга тегишли маълум бир турдаги адабий асарлардир. Мазкур атаманинг луғатлардаги бир қанча изоҳини келтириш мумкин:

1) миллий адабиёт тарихида мавжуд бўлган ва анъанавий термин билан белгиланган турли хил асарлар (Эпик турда эпопея, роман, повесть, новелла в.х.; драматик турда комедия, трагедия в.х.; лирик турда ода, элегия, баллада каби);

2. Муайян адабий асарнинг “идеал” тури ёки мантикий тузилган модел сифатида кўриш мумкин бўлган инварианти (атаманинг бу маъноси у ёки бу жанрнинг ҳар қандай таърифида мавжуд, қачонки биз нафақат бу асар унга тегишли эканлигини айтамыз, балки унинг моҳияти нимадан иборатлигини ҳам тушунтирамыз). [7. 69] Демак, мазкур тушунча адабиётни даврлаштириш билан уйғун. Ҳар қандай тарихий жанр таркибида ҳар бир адабий жараённинг янгиланган хусусиятлари амалга ошганки, улар бевосита маълум бир давр адабий тизимининг муҳим босқичи, аниқ бир йўналишидаги ўрни ва функцияси билан боғлиқ. Бу хусусиятлар муайян бир тарихий жанрни ўзидан олдинги ва кейингиларидан ажратиб туради. Жанр

адабиёт ривожининг ҳар бир босқичида индивидуал асарнинг яратилиш жараёнида янгидан туғилади ва янгиланади, шунингдек, “ҳар қандай танқидий ёндашув янги тур занжири, янги жанр моделини кашф этишни англатади”. [8. 244] Ҳар бир тарихий давр адабиётида ўзига хос жанрлар тизими мавжуд. Ҳар қандай бадиий матн танланган жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда асослангирилиши керак. Шундай экан, адабий жанр ўзининг табиати, адабиёт тараққиётининг энг барқарор абадий анъаналари билан акс этади. Жанрда архаиканинг ўчмас элементлари доимий янгиланиб, модернизация туфайли сақланиб қолади. Жанр ҳар доим бир вақтнинг ўзида эски ва янгидир. Ҳозирги жанр давом этади, лекин ҳар доим ўзининг ўтмиши ва бошланишини эслайди. [9. 363] Шундай экан, жанр тарихий ҳодиса бўлиб, у аста-секин ўз хусусиятларини эгаллаши ва тўплаши, доимий ўзгаришга учраши муқаррар. С.Аверинцев таъкидлаганидек: “Баъзан улар “ўлишади”, тирик адабий жараённи тарқ этишади, баъзида эса, одатда, ўзгартирилган шаклда ҳаётга қайтишади”. Жанр ривожини турли адабий даврларда такрорланмас ҳодисадир. «Жанр қанони ҳар сафар тарихий жиҳатдан ўзига хос типологик хилма-хилликни акс эттиради», шунинг учун жанр доимий ривожланиб боради. Жанрнинг адабий категория сифатида ривожланишига бевосита тарих, социология, иқтисод, психология каби бир қатор омиллар ҳам боғлиқ. Д.С.Лихачев адабий жанр тарихий категория сифатида қуйидагича талқин этган: “адабий жанрлар фақат сўз санъати ривожланишининг маълум бир босқичида пайдо бўлади” [10. 42] кейин эса ҳар бир даврда уларнинг ўзгариши ва алмашинуви муқаррардир. Жанр категориясини ўрганишнинг мураккаблиги унинг динамикаси билан ҳам боғлиқ. Чунки муайян жанр қайси давр бўлишидан қатъий назар аниқ текшириш мураккаблик туғдиради. “Жанрларни мантиқий ва қатъий таснифлаш мумкин эмас. Уларнинг фарқланиши ҳар доим фақат муайян тарихий момент учун амал қилади...” [11. 162] Чунки жанр динамик ҳодиса. Муайян жанрнинг хусусиятлари кўпинча бошқасига ўтади ва янги жанрларни келтириб чиқаради. Бу ҳақда Ю.Н.Тыняновнинг фикрлари асосли бўлиб, адабий жанрнинг ўзгарувчанлигини қуйидагича таъкидлайди: “Янги” жанр анъанавий жанр билан тўқнашуви натижасида пайдо бўлади”. [12. 202]

Жанр тузилишини тавсифлаш муаммоси дастлаб формалистлар томонидан тадқиқ этилди. Ю.Н.Тынянов матнларнинг типологик умумийлиги асосида жанр ҳодисасининг содир бўлиши “диалектик жиҳатдан пайдо бўлаётган йўналишнинг бирлашишида поэтик сўзнинг мавзуга айланиши ва керакли даражада “тарқалиши” билан боғлиқ, деган хулосага келади. Бундай бирлашиш, яъни шакл ва мазмуннинг ажралмаслиги жанр тарихи ҳосил қилади. Бахтин роман жанрига нисбатан учта элементнинг кесишиш нуқтасини мазмун, шакл ва услуб, деб асослайди. Н.Д.Таморченко Бахтиннинг жанр муаммосини “уч ўлчовли конструктив яхлитлик” дея баҳолашига аниқлик киритиб, формалистларнинг қонуниятлари асосида у жанрнинг учлик табиатини қуйидагича шакллантиради: биринчидан, “ҳаётий вазият билан функцияланиши”га узвий боғлиқ, иккинчидан, “жанрда дунё манзараси ёки “образ”нинг истиқболи кўринади” ва учинчидан “эстетик реаллик ва ноэстетик мавжудлик ўртасидаги...бу икки оламнинг макон-замонга ўзаро таъсири” чегараси муҳим. Н.Л.Лейдерман жанр учлигини мазмун, тузилиш ва идрок деб кўрсатган. Е.Н.Левинтованинг фикрига кўра, ҳар қандай жанр “классик учликка асосланади: субъект – замон – макон”. Кўринадики, жанр поэтиканинг муҳим категорияларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Достоевский Ф. М. Об искусстве. — М., 1973. — С. 219—220.
2. Захаров В. Н. К спорам о жанре // Жанр и композиция литературного произведения. — Петрозаводск, 1984. — С.5-8.
3. Веселовский А. Н. Историческая поэтика. — Л., 1940. — С 13
4. Арсеньев К. Новый опыт истории французской критики // Вестник Европы. -1890.- № 12.-С. 740.
5. Субботин А. С. О категории жанра и ее отношениях с «родами» и «видами» // Проблемы литературных жанров. — Томск, 1975. — С. 3
6. Словарь литературных терминов: В 2-х т. — М.; Л., 1925. — Т. 1. Ст. 237.
7. Поэтика: слов.актуал.терминов и понятий/ [гл.науч. ред.Н.Д.Тамарченко]. — М.: Издательство Кулагиной; Intrada, 2008. — С. 69.
8. Уэллек Рене, Уоррен Остин. Теория литературы. —М.: «Прогресс»,1978. - Стр.244

9. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М. : Сов. писатель, 1963. – 363 с.
10. Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. -Л.: Художественная литература, 1971. -С. 42.
11. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. -Москва: Аспект Пресс, 1996. С. 162.
12. Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. -Москва: Наука, 1977. С. 202

УДК 808.5

НАЦИОНАЛЬНЫЕ ТРАДИЦИИ ОСНОВА ПЕРЕВОДА В КУЛЬТУРНЫХ ПОДБОРКАХ

С.Н. Остонова, преподаватель, Бухарский государственный медицинский институт, Бухара

Annотatsiya. Ushbu maqola ingliz, nemis, rus va boshqa lingvomadaniy jamoa vakillari orasida bevosita ikki tilli muloqot jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tafovutlarni, madaniy to'siqlarni tarjima orqali bartaraf etishga bag'ishlangan. Shu munosabat bilan, badiiy matnning mazmunini uning "madaniy" komponentlariga alohida e'tibor bilan ifodalash muammolari o'rganiladi. Shu bilan birga, muallif milliy va madaniy tafovutlar tarjimadagi asosiy qiyinchiliklardan biri, degan mutaxassislar tomonidan qayta -qayta aytilgan fikrdan kelib chiqadi.

Kalit so'zlar: madaniyat, etnomadaniy jihatlar, urf -odatlar, tarjima, muloqot, lingvjomadaniy aspektlar.

Аннотация. Данная статья посвящена описанию наиболее характерных несоответствий в языковой картине мира у представителей английского, немецкого, русского и некоторых других лингвокультурных сообществ и способов устранения культурных барьеров с помощью перевода, которые могут вызвать «сбои» в процессе опосредованного двуязычного общения. В связи с этим исследуются проблемы передачи содержания художественного текста с особым вниманием к его «культурным» компонентам. При этом автор исходит из неоднократно высказываемого экспертами мнения о том, что национально-культурные различия являются одной из основных трудностей перевода.

Ключевые слова: культура, этнокультурные аспекты, традиции, перевод, общение, лингвокультурные аспекты.

Abstract. This article is devoted to the description of the most typical inconsistencies in the linguistic picture of the world among representatives of the English, German, Russian and some other lingua-cultural communities and ways to eliminate cultural barriers through translation, which can cause "disruptions" in the process of indirect bilingual communication. In this regard, the problems of conveying the content of a literary text with special attention to its "cultural" components are investigated. At the same time, the author proceeds from the opinion repeatedly expressed by experts that national and cultural differences are one of the main difficulties in translation.

Key words: culture, ethno-cultural aspects, traditions, translation, communication, lingua cultural aspects.

Передача культурного содержания в переводе - передача (описанного выше) содержания ПТ1, прямо или косвенно связанного с национальной культурой, - вызвана проблемой выбора между сохранением прямо или косвенно связанного с национальной культурой, - вызвана проблемой выбора между сохранением в переводе чуждых в культурном отношении элементов для адресатов ПТ или их замена функционально подобными явлениями в их собственной культуре. В этой связи необходимо сказать о двух полярных подходах к решению этого вопроса, преувеличивая одну возможность и игнорируя другую. Речь идет о дословном и вольном переводе - двух крайних традициях, первая из которых была направлена на погружение читателя ПТ в чуждую ему культуру без какой-либо адаптации соответствующей культурной информации к восприятию носителя ПЛ, а вторая была направлена на чрезмерную адаптацию, которая часто превращалась в переработку чужого произведения. Вольный перевод - это ненужная лингвокультурная адаптация, потому что языковая и культурная трансляция производится с чрезмерными поправками для получателя перевода.

У получателей перевода создается ложное впечатление, что культура носителей языка оригинала не отличается от его собственной. Переводчик не столько наводит мост через пропасть, разделяющую две культуры, сколько делает вид, что такой пропасти не существует. Такой свободный перевод был главным препятствием на пути сближения языков и культур, поскольку читатель полностью теряет информацию о культуре народа. В истории литератур многих народов немало случаев, когда представители направления «свободного перевода», получившее широкое распространение в 18 веке, преимущественно во Франции, тщательно выгравировали из переведенных произведений все национально специфичное. Иноязычные повествования переносились на родную землю, герои получали национальные имена, менялось место и время действия и т.д. русского народных потребителей (бузурманы, липы, Иван Ерофейч, Хлебное Зерно и др.). В «Современнике» Некрасова в 1851 году был высмеян такой перевод «Ярмарки тщеславия» Теккерея, где английские герои выражали себя так: «Да, сэр, это ништо, справедливо судите...», «Дай ему пиво, вино, котлеты, а суплеты — все мечи, которые находятся в печи» [Чуковский 1988, 107]. Одним из самых известных приверженцев свободного перевода является Ириарх Введенский, который, по словам К.И. Чуковского, «и Диккенс, и Теккерей, и Шарлотта Бронте стали гражданами России, жителями Песков или Охты» [Чуковский 1988, 264]. Чуковский также вспоминает, что не зря сам Диккенс называл Введенского Вреденским.

В соответствии со своими теоретическими взглядами на перевод, Введенский перевел английских героев в русское общество в 19 веке, поэтому в его переводах англичане стали «тыкать» лакеев, «ездить на таксистах», «ковыряться в воротах», писцов — писцы — писцы, шапки — в кепках, таверны — постоянные постоянные и т.д. Ланна и А. Кривцова, которая перевела на русский язык ряд произведений Чарльза Диккенса. Их переводы подверглись резкой критике со стороны К.И. Чуковский. В частности, Чуковский приводит примеры дословных переводов Кривцовой: «Я, который столько знает и может подтянуть столько людей, не считая себя ...»; «Воздух кажется слишком загрязненным для этой скверны и скверны». «Иногда, когда проводилось расследование в отношении приходского ребенка, которого не заметили, и он опрокинул кровать, или который...»; «Кулак слишком часто оставлял отпечатки на его теле, чтобы не запечатлеться глубоко в его памяти» [Чуковский 1988: 50-51]. По вопросу дословного перевода единого мнения нет. Таким образом, Альфред Мальблан, разделяя все виды перевода на прямой и косвенный, ставит дословный перевод в один ряд с двумя другими видами перевода - калькой и заимствованием. Однако ни кальку, ни заимствование нельзя считать дословным переводом в указанном выше смысле. Calca - это дословный перевод слова (по морфемам) или устойчивой фразы (по лексемам). Калка может быть ассимилирована изучаемым языком и стать заимствованием, что способствует сближению и взаимному обогащению культур. Дословный перевод также не следует путать с буквальным переводом. Дословный перевод - это максимально приближенная семантическая и структурная копия переведенного сегмента ИТ на ЯЗ. Понятие «дословный перевод» не содержит оценки. Это может быть хорошо, если он не нарушает норм ЛЛ и Узуса, если он понятен носителю ЛЛ и может быть адекватно истолкован. Если есть возможность переводить хорошо и буквально, то это следует делать, поскольку это соответствует социальной цели перевода. Однако такие случаи не всегда возможны. Есть два источника и два типа буквализма. Первый кроется во внешнем сходстве иностранных и русских слов, графическом или фонетическом сходстве. Такие слова называют «ложными друзьями переводчика». Второй тип буквализма заключается в использовании переводчиком наиболее распространенного значения слова вместо контекстного или переводе фразеологизмов исходя из индивидуальных значений его компонентов. Несмотря на то, что со временем переводческая практика отказалась от буквального направления, и в настоящее время есть ученые, которые считают дословный перевод единственно возможным.

В переводе проявляется диалектическая связь и коммуникативно-прагматическая взаимозависимость основных компонентов коммуникативно-прагматической ситуации - отправителя, текста и получателя. Без должного учета коммуникативного потенциала

реципиента, ориентации на его понимание и адекватной интерпретации текста невозможно обеспечить эффективность двуязычного общения, преодолеть лингвоэтнический барьер, каждый из факторов которого имеет свой вес. как антикоммуникативный фактор, препятствующий общению между носителями языков FL и PL в отсутствие лингвистического посредника. Соответственно, нереализованная нейтрализация того или иного из этих факторов по-разному (отрицательно) сказывается на двуязычном общении с переводом, на его качестве.

В одноязычном общении отправитель воплощает коммуникативное намерение в тексте таким образом, чтобы он объективировал те естественные моменты, которые, согласно его намерению, должны обеспечивать адекватность понимания смысла в процессе восприятия текста. При двуязычном опосредованном общении прямая связь между отправителем и текстом и получателем нарушается, сам текст должен подвергаться коммуникативно-прагматической адаптации, основанной на отношении к получателю на иностранном языке. Реализация адекватного прагматического воздействия перевода во многом зависит от выбора переводчиком языковых средств при создании текста перевода. Лингвокультурный перевод в процессе перевода осуществляется с различной степенью адаптации I. Он может быть слабым, сильным или вообще отсутствовать (чистый лингвистический перевод). В связи с этим перед переводчиком встает вопрос: как поступить с элементами культуры при передаче контента: сохранить соглашения ИТ или заменить их соглашениями ИЛ? Выбор переводчика определяется заранее выбранной стратегией и зависит от места культурной и этнической информации в системе ценностей, представленной в исходном текст.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Avtamonov Ya.I. Plant symbolism in Great Russian songs // Journal of the Ministry of Public Education. - SPb., 1902. - Ch. 344. - November - December. - S. 79–103.
2. Alekseeva I.S. Professional training of a translator. - SPb.: In-t foreign. language, 2000.
3. Alpatov VM Preliminary results of linguistics of the XX century. // Linguistics at the end of the XX century: results and prospects: Abstracts. int. conf. - M., 1995. - T. 1. - S. 15–87.
4. Antipov G.A., Donskikh O.A., Markovina I.Yu., Sorokin Yu.A. Text as a cultural phenomenon. - Novosibirsk, 1989. -- 178 p.

УЎК 808.5

А. ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДА ОБРАЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

У.С. Очилов, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада А.Қодирийнинг “Bygone days” романида кўрсатилган образларларда жамият ва манфаатнинг салбий таъсири ҳақида сўз юритилади. Натурализм адабий оқими ўзбек тилида мукамал ўрганилмаган. Мақоламизда натурализмга реализмнинг турларидан бири сифатида эмас, алоҳида оқим сифатида ўргандик. Асардаги образлар иродасизлиги ва ташқи таъсир натижасида маънан синиши, уларнинг натуралистик образлигидан дарак беради.

Калит сўзлар: натурализм, танқидий реализм, адабий оқим, ижодий метод, ўзбек адабиёти.

Аннотация. В статье рассматривается негативное влияние общества и интересы героев романа А. Кадирий «Минувшие дни». Литературное течение натурализма на узбекском языке до конца не изучено. В нашей статье мы изучали натурализм не как вид реализма, а как отдельное направление. Негативность образов в произведении и их духовный распад в результате внешних воздействий указывают на натуралистичность образов.

Ключевые слова: натурализм, критический реализм, литературное течение, творческий метод, узбекская литература.

Abstract. The article deals with the negative impact of society and the interests of the characters in the novel "Bygone days" by A. Qodiriyy. The literary current of naturalism has not been thoroughly studied in Uzbek. In our article, we have studied naturalism not as a type of realism, but as a separate

trend. The reluctance of the images in the work and their spiritual breakdown as a result of external influences indicate their naturalistic imagery.

Keywords: *naturalism, critical realism, literary movement, creative method, Uzbek literature.*

Абдулла Абдулла Қодирийнинг 1925-1926 йилларда китоб ҳолида нашр этилган “�ткан кунлар” романида тасвирланган воқеалар, ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, 1847 йилдан бошланиб, 1852 йилда ниҳоясига етади. Бу асар ўзбек адабиёти тарихида яратилган биринчи роман бўлиб, унда тарихий воқеалар, ўша даврдаги оила, никоҳ, урф-адатлар, ота-она ризолигига бўлган муносабатлар нодир маҳорат билан тасвирланган. Асардаги бош қаҳрамонлар табиатидаги натуралистик хусусиятлар улар ҳаётининг фожиавий тугашига сабаб бўлади.

Абдулла Қодирий асарларида ҳам ҳаётий ҳамда табиат манзарала-рини маҳорат билан тасвирлаш ҳолатлари кўп учрайди. Аммо табиат манзараларини икир-чикирлари билан тасвирлашни реализмнинг барча кўринишларида учратиш мумкин. Натурализмнинг (ёки натуралистик реализмнинг) асосий хусусиятларидан бири ундаги асосий қаҳрамонлар-нинг табиат ёки атроф муҳитнинг олдида чорасизлигини тасвирлашдир. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларини тадқиқ қилиш жараёнида “Меҳробдан чаён” романи танқидий реализм, “Ўткан кунлар” эса натурализмга алоқадор деган фикрга келдик. Фикри-мизни далиллаш учун ушбу романлардаги асосий қаҳрамонлар образла-рига мурожаат этамиз. Бу романларнинг асосий қаҳрамонлари кўпгина жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаса-да, жамият таъсирига берилишда, курашчанликда улар орасида катта фарқ бор. Жумладан, “Ўткан кунлар”-нинг Отабеки ҳам, “Меҳробдан чаён”нинг Анвари ҳам ўз замонасининг пешқадам, зиёли ёшларидан. Гарчи Отабек азалдан бой оиланинг фарзанди, Анвар эса камбағал оилада туғилиб, кейинчалик юқори мавқега эришган бўлса-да, иккиси ҳам атрофдагилар ҳурматини жойига қўювчи одобли, диёнатли, камтарин, ҳам ботиний, ҳам зоҳирий жиҳатдан дилкаш, мард йигитлар.

Кумуш билан Раъно - ҳаёли, иболи, ўқимишли, ота-она ва қариндош- уруғларни ардоқловчи, гўзал, паричеҳра қизлар. Аммо Отабек ва Анвар, Кумуш ва Раъно табиатида бир асосий фарқ бор. Бу фарқ Отабек ва Кумушнинг ҳаёт оқимига қараб боришида бўлса, Анвар ва Раънонинг шу оқимга қарама-қарши сузишида, курашчанлигидадир. Худди шу фарқ Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини натурализм (ёки натуралистик реализм) оқимига, “Меҳробдан чаён” романини эса танқидий реализм оқимига алоқадор деб ҳисоблашга асос бўла олади. Ўзбек адабиётшунослигида натурализм адабий оқимининг деярли ўрганлма-ганлигини инобатга олиб, бу фикримизни аниқроқ ва мисоллар воситасида ифода этишга ҳаракат қиламиз. “Ўткан кунлар” романидаги Кумуш ва Зайнабни ҳам натуралистик образлар сирасига киритса бўлади. Кумуш ҳам Отабек сингари ота-онаси чизигидан чиқмайдиган, миллий урф-одатларга риюя қиладиган андишали инсон. Отабекни севса ҳам, унинг иккинчи марта ўйланишини истамаса ҳам, мажбур бўлгани туфайли бунга рози бўлади. Кузларида ёш, қалбида алам билан кундошли бўлишга кўнади, ҳатто Отабекка далда беришга интилади. Отабек ундан таъна-дашномлар кутган, ҳатто ота-она орзусига қарши бормоқчи бўлган бир пайтда, розилигини айтиб уни ҳайратда қолдиради. Ёзувчи бу эпизодни шунчалик ишонарли ва таъсирчан тасвирлаганки, Отабекнинг ҳайрати беихтиёр китобхонга ҳам ўтади:

“Отабек гарангсиз қолган, ўзини овутмоқчи бўлган бу олийжаноб гўзалга нима дейишни билмас, қаердан сўз бошлашқа ҳайрон эди:

–Ким йиғлатди сизни?

–Йиглабманми?

–Кўзингиз, кипригингиз...

–Ўзи шунақа...

–Йиғлатган мен эмасми?

–Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқунг, мен эшитай.

–Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми?

–Мен рози, мен кўндим, – деди дафъатан Кумуш, бу сўзни нимадандир қўрққандек шошилиб айтди.

–Кўндингиз... нега, а?

Отабек ҳайрат ва таажжуб ичида эди.

–Негаки, – деди Кумуш, – мен сизга шионаман...

–Шунинг учун...

–Шунинг учун кўндим.”.

Юқорида келтирилган парча биринчи ўқишда ва кейинги ўқишларда турлича хиссиётларни уйғотади. Ушбу парча биринчи ўқишда китобхонда, ҳали у бу розиликнинг натижаси фожиа билан тугашини билмаганлиги туфайли, Кумушнинг фидокорлигидан, мулойимлигидан ҳайрат ва эҳтиром туйғусини уйғотса, кейинги ўқишларда бу туйғуларга яна афсусланиш ва надомат хиссиётлари қўшилади. Қани энди Кумуш бирозгина дадилроқ бўлганида ва кундошли бўлишга розилик билдирмаганида унинг ҳаёти фожиа билан яқун топмаган бўлар эди, деган хаёлларга берилади. Кумушнинг мана шу ҳаддан ташқари кўникувчанлиги, алтруистлиги, ҳаёт оқимини ўз йўлига қўйиб берганлини уни табиатнинг ва атроф муҳитнинг бир ночор заррасига айлантирадики, бу ҳам унинг характеридаги натурализм хусусиятларидан дарак беради. Раъно ва Анварда эса натуралистик хусусиятлар мавжуд эмас, Улар иродасизлик қилмай ўз мақсадлари йўлида охиригача курашадилар.

Абдулла Қодирийнинг асарларини ўрганар эканмиз, фақатгина “Ўткан кунлар” асаридагина натуралистик хусусиятлар намоён бўлишини кузатдик. Адибнинг катта ҳажмдаги асарларидан “Меҳробдан чаён” романи танқидий реализм оқимига мансуб бўлса, “Обид кетмон” қиссасида социалистик реализмга тааллуқли жиҳатлар мавжуд. Бу ёзувчининг реализм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлганлигидан, реализмнинг турли кўринишларида муваффақиятли ижод қилганидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Карим, Б. А. Қодирий ва герменевтик тафаккур : илмий монография / – Тошкент : Akademnashr, 2014.
2. Каримов, Н. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – № 3. – Б. 3–10.
3. Климович, Л. Первый узбекский романист. Абдулла Кадыри и его роман «Скорпион из алтаря» // Наследство и современность. Очерки о национальных литературах. – Изд. 2-е, доп. – Москва, 1975. – С. 131–141
4. Лутфиддинова, Х. Кумушбиби – эстетик идеал намунаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1999. – № 4. – Б. 42–45.
5. Мирвалиев С. «Абдулла Қодирий». «Фан» нашриёти. – Т.: 1992.
6. Норматов, У. «Ўтган кунлар» романи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – № 2. – Б. 49–57.
7. Улуғов, А. Замон ва макон мусаввири : [Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги образлар ҳақида] // Sharq yulduzi. 2015, № 2. – Б. 189–194.

УЎК 808.5

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДА НАТУРАЛИСТИК ОБРАЗЛАР

У.С. Очиллов, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги натуралистик образлар ҳақида сўз юритилади. Маълумки, натурализм адабий оқими ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Бу мақолада натурализмга реализмнинг бир тури сифатида ёндашилиб, натуралистик оқимга мансуб асарларда воқеалар ҳаққоний тарзда акс эттирилиши, аммо инсон иродасиз, ожиз жонзот сифатида тасвирланиши ҳамда унинг тақдири аксар ҳолларда фожиавий тугаши кўзда тутилади.

Калит сўзлар: натурализм, танқидий реализм, адабий оқим, ижодий метод, ўзбек адабиёти.

Аннотация. В статье рассматриваются натуралистические образы в романе Абдуллы Кадири «Минувшие дни». Известно, что существуют разные взгляды на литературное течение натурализма в мировой литературе. В данной статье натурализм рассматривается

как разновидность реализма, так как в натуралистических художественных произведениях события изображаются реалистически, однако человек характеризуется как беспомощное, безвольное существо, судьба которого часто заканчивается трагически.

Ключевые слова: натурализм, критический реализм, литературное течение, творческий метод, узбекская литература. **Abstract.** The article deals with the naturalistic images in Abdulla Qodiri's novel "Bygone Days" ("O'tkan kunlar"). It is well known that there are different views on the literary movement of naturalism in the world literature. In this article, naturalism is approached as a kind of realism, because in the imaginative works of naturalism the events are presented in a realistic way, but a human being is portrayed as a helpless weak-willed creature, and his fate often ends tragically.

Keywords: naturalism, critical realism, literary movement, creative method, Uzbek literature.

Маълумки, Абдулла Қодирий замондошларидан унинг асарларига танқидий кўз билан қараган Назир Тўрақулов, Сотти Хусайн, Ғози Юнус кабиларнинг мақолаларидан ўша даврдаги баҳсу мунозараларга сабаб бўлган. Ушбу масалалар, баҳсу мунозаралар ўзбек адабиётшунослигида анчагина кенг муҳокама этилганлиги, ҳали ҳам эътибордан четда эмаслигини қайд этган ҳолда, биз диққатимизни Абдулла Қодирий асарларининг ҳозиргача ўрганилмаган жиҳатларидан бири – улардаги натурализм хусусиятларини талқин этишга ҳаракат қиламиз.

Гарчи ўзбек адабиётшунослигига натурализм адабий оқимиغا етарлича эътибор берилмаган бўлса-да, бу термин ўзбек мунаққидларига 1930-йиллардаёқ маълум бўлган. Адабиётшунос Баҳодир Карим 1930-йиллардаги тадқиқотларда Абдулла Қодирийнинг ижодий методи масаласига ҳам диққат қилинганини эътироф этади ва бунга Сотти Хусайннинг “Абдулла Қодирий асосан романтик бўлиб, қисман реалистдир. Натурализм унсурлари ҳам чакана бордир” деб ёзганини мисол келтиради. [1, 12-б.] Бу ўринда Сотти Хусайннинг натурализмни эслатгани ва уни қандай изоҳлагани эътиборимизни тортди. Унинг таъкидлашича: “Абдулла Қодирий табиатни тасвир қилганда албатта қаҳрамонларининг қандай боровини кўзда тутди. Табиатдаги кўриниш билан қаҳрамонлардаги аҳвол руҳиятни солиштириб боради” [11. 66-б.] Юқорида берилган Сотти Хусайн ишидан келтирилган кўчирмада унинг натурализмни ҳозирги адабий талқиндан бошқачароқ, асосан табиат ва унинг қаҳрамон руҳияти билан уйғунлигини тасвирлаш деб тушунгани сезилиб турибди. Мунаққид натурализм ижодий методи тушунчасига бир томонлама ёндашган бўлса-да бу ҳали натуралистик бадий асарлар ҳақида умумлашмаларга эга бўлмаган 1930 йиллар ўзбек адабиётшунослиги учун анчагина илғор фикр эди. Ҳатто ҳозирги пайтда ҳам ўзбек адабиётшунослари орасида натурализмни жўнгина қилиб табиат тасвирига боғлайдиганлар бор. Агар чиндан ҳам натурализмнинг моҳияти фақатгина табиатни моҳирона тасвирлаш билан боғлиқ бўлганида, унда Америка табатини жуда ўринлатиб тасвирлаган романтик ёзувчиси Фенимор Купер энг кўзга кўринган натуралист ҳисобланган бўларди. Лекин Купер бирон бир адабий манбада натуралист сифатида эътироф этилмаган, чунки унинг қаҳрамонлари шу табиат фарзандлари бўлгани билан бирга, ниҳоятда курашчан, жонини берса ҳам охиригача курашади. Бу мисол табиатни тасвирлаш натуралистик асарларнинг бирламчи хусусияти эмаслигини кўрсатади. Отабек ва Кумушни нега натуралистик образлар сирасига киритганимизнинг сабабларини аниқлаштирамиз. Отабек ва Анварнинг табиати кўп жиҳатдан бир бирига ўхшаш, фақат ирода ва курашчанликда бир-биридан фарқ қилади. Аслида Отабек ҳам иродали ва курашчан, у фақат бир ўринда иродасизлик қилади, ўз бахти учун курашолмайди, чунки у ота-онасининг розилиги олдида уларга бўлган ҳурмати туфайли ожиз. Мана шу ожизлик ва иродасизлик унинг уч кишини бахтсиз қилишига сабаб бўлади. Ёзувчи Отабекнинг ота-онаси орзусига қарши туришга ҳаракат қилганини ва охири енгилганини катта маҳорат билан тасвирлаган:

“ – Бизни кутдирма, ўғлим.

Отабек мағлуб бир боқии билан бу сўзни айтгувчи отасига қаради ва ялинчоқ бир оҳанда жавоб берди:

– Мен сизларнинг орзуларингизни бажаришига – агар хурсандчилигингиз шу билан бўлса – ҳар вақт ҳозирман. Аммо бир бечорага кўра-била туриб жабр ҳам хиёнат...

Ҳожиди ўглининг мақсадига дарров тушина олмади ва сўради:

– Кимга, хотинингизми?

– Йўқ, сизнинг оладирган келинингизга. Ўғлингизнинг вужуди билан орзуингизни қондириш осон бўлса ҳам келинингиз қаршида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида тасаввур қилингиз”. [9, 106-б]

Кўриниб турибдики, отабек ота-онасини уни қайта ўйлантириш фикридан қайтариш учун раҳм-шафқатга, инсофга чақирмоқчи бўлади, ялинади, лекин бари бефойда эканлигига амин бўлгач, ноиложликдан уларнинг ниятларига ён беради. Мана шу ўринда ўқувчида у катъийроқ, иродалироқ бўлганда, ота-она орзусига қарши тура олганида, ҳаёти фожиали яқун топмаган бўлармиди, деган фикр туғилади. Бу Отабекнинг иккинчи хатоси бўлса, биринчи хатоси унинг ота-онасига билдирмай, уларнинг розилигини олмай, Кумушга ўйланиши эди. Шунчалик тарбияли, ота-онаси, атрофидагиларнинг ҳурматини жойига қўядиган, миллий урф-одатларга риоя қиладиган бу оғир-босиқ йигитнинг қутилмаган шошқалоқлиги, сабрсизлигининг сабаби ҳам унинг ҳис-туйғулар олдидаги ожизлиги эди. Эҳтимол биринчи хато бўлмаганда, иккинчиси ҳам содир бўлмасди. Отабек образидаги шу иродасизлик, ожизлик, атроф-муҳит таъсирига, ҳис туйғуларга берилувчанлик ва бунинг натижасидаги мудҳиш фожа унинг натуралистик қаҳрамон эканлигидан дарак беради. Шундай бадиий асарлар борки, уларни бир марта охиригача зўра ўқийсиз ва шу билан ёпиб қўйиб, қайта қўлга олмайсиз, аммо шундай фазилатли асарлар ҳам борки, уларни қайта-қайта ўқийсиз ва ҳар ўқиганингизда янги бир маъно, янги бир ҳиссиёт кашф этасиз. “Ўткан кунлар” ҳам кўп ўқиладиган ва ҳар ўқиганда янги бир қирраси намоён бўладиган асарлардандир. Абдулла Қодирий яратган Кумуш, Раъно ва Зайнаб образларини таққослар эканмиз, Кумуш ва Зайнаб натуралистик образлар, Раъно эса реалистик образ деган фикрга келдик.

“Ўткан кунлар”даги Зайнаб энг трагик натуралистик образдир. У ёшлигидан “писмиқ” сифатлашига эга бўлса-да кейинчалик опаси таъсирида қотилга айланишгача ўзгаради. Зайнаб ва унинг опаси Хушрўй орасидаги фарқни ёзувчи куйидагича тасвирлайди:

“Зайнаб эгачиси Хушрўйдан етти ёш чамаси кичик эди. Гарчи бу икки эгачи-сингил бир қориндан талашиб тушкан бўлсалар ҳам, сажия – характерда таниб бўлмаслик даражада бир-бирларидан фарқлик эдилар. Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо важида ҳам катта ўзгаликлари бор эди.... Хушрўйга болалик чоғиданоқ уй ичи ва қўни-қўшини “шаддод” деб исм берганлар, чунки ул кимдан бўлса-бўлсин, айтганини қилдирмай қўймас, агар бирарта иш унинг тилагига тескари кетса шовқин суронни худди бошига кийиб олар эди. ... Зайнаб эгачисининг аксича ўз яқинларидан “писмиқ” деб исм олган, онаси бўлса аччиғи чиқганда “мингаймас ўлгур” деб уни қарғар деб уни қарғар эди.” [9, 282-283-б.]

Аслида кумушга заҳар бериш Зайнабнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Бу “писмиқ”, “мингаймас ўлгур”нинг қотилликка қўл уришига унинг “шаддод” опаси ундайди. Зайнаб эса иродасизлик ва заифлик қилиб бундай қалтис хаёллар ва ишга қарши турулмади. Бу унинг натуралистик хусусиятидир.

Раъно ва Анварда эса натуралистик хусусиятлар мавжуд эмас, Улар иродасизлик қилмай ўз мақсадлари йўлида охиригача курашадилар.

Абдулла Қодирийнинг асарларини ўрганар эканмиз, фақатгина “Ўткан кунлар” асаридагина натуралистик хусусиятлар намоён бўлишини кузатдик. Адибнинг катта ҳажмдаги асарларидан “Меҳробдан чаён” романи танқидий реализм оқимида мансуб бўлса, “Обид кетмон” қиссасида социалистик реализмга тааллуқли жиҳатлар мавжуд. Бу ёзувчининг реализм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлганлигидан, реализмнинг турли кўринишларида муваффақиятли ижод қилганидан дарак беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Карим, Б. А. Қодирий ва герменевтик тафаккур : илмий монография /– Тошкент : Akademnashr, 2014.
2. Каримов, Н. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – № 3. – Б. 3–10.

3. Климович, Л. Первый узбекский романист. Абдулла Кадыри и его роман «Скорпион из алтаря» // Наследство и современность. Очерки о национальных литературах. – Изд. 2-е, доп. – Москва, 1975. – С. 131–141
4. Лутфиддинова, Х. Кумушбиби – эстетик идеал намунаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1999. – № 4. – Б. 42–45.
5. Мирвалиев С. «Абдулла Қодирий». «Фан» нашриёти. – Т.: 1992.
6. Норматов, У. «Ўтган кунлар» романи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – № 2. – Б. 49–57.
7. Сирожддин, А. «Ўтган кунлар» унда жамият ва шахс муаммоси : [Абдулла Қодирийнинг романида кўтарилган масалалар ҳақида] // Нуқуқ ва бурҷ. – 2014. – № 4. – Б. 34–37.
8. Улуғов, А. Замон ва макон мусаввири: Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги образлар ҳақида// Sharq yulduzi, 2015, № 2. – Б.189–194.
9. Қодирий, Абдулла. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018.
10. Ҳаққул И. «Меҳробдан чаён» романида маънавий мағлубият тасвири // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – № 2. – Б. 13–20.
11. Ҳусайн С. «Ўтган кунлар». -Тошкент - Баку, 1931.

УЎК 81-13

БИР БАШОРАТ ҲАЙРАТЛАРИ

О.Очилова, ўқитувчи, Урганч шаҳар 29-сон мактаб, Урганч
Р.Маширибова, ўқитувчи, 2-Академие лицей, Урганч

Аннотация. Ушбу мақола Оллоҳёр Мухсиннинг тазкираси асосида ёзилган бўлиб, илк марта чоп этилмоқда. Унда Шайх Нажмиддин Кубронинг Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги кароматига ишора қилинади, уни Хоразм элининг буюк фарзанди, донишманди. Кароматлар соҳиби каби фазилятлари баён этилади. Шайхнинг барча фикрлари бажо қилингани мақола мазмунида акс этган ва журналхонларни янги маълумотлар билан таништиради.

Калим сўзлар: Нажмиддин Кубро, тазкира, каромат, Оллоҳёр Мухсин, Паҳлавон Маҳмуд, ривоят.

Аннотация. Это статья, написанная по тескире Оллаёра Мухсиня, печатается первый раз. В нём Нажмиддин Кубро указывает чудесную силу Пахлавана Махмуда, мудреца, великого сына Хорезмского народа, повествуется достоинство владельца чудесной силы, Все мысли Шейха хорошо выражены в содержании статьи и знакомит читателей с новыми сведениями.

Ключевые слова: Нажмиддин Кубро, тескире, чудесная сила, Оллаёр Мухсин, Пахлавон Махмуд, легенда

Abstract. This article is being edited first time and it was based on Ollohyor Mukhsin's tazkira. There is given personal features about Pahlavon Mahmud by Shaykh Najmiddin Kubro. Pahlavon Mahmud was described as a perfected and great son in Khorezm. Subscribers may get useful information in this article.

Key words: Najmiddin Kubro, tazkira, features, Ollohyor Mukhsin, Pahlavon Mahmud, legend.

Маълумки, валийлар каромат ва башорат сифатларини мукаммал эгаллаган донишмандлар бўлганлар. Бу хислатларнинг ибратли намуналари ўрта асрлар Шарқ тасаввуф таълимотининг йирик намояндалари Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221) ва Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) қарашларида ёрқин акс этган. Сўфийлик илмидаги жавонмардлик йўлининг бу икки даҳо вакилларининг ҳаёти, фаолияти ва дунёқарашидаги муштарак ва ўзига хос жиҳатлар ҳақида турли манбалар-маноқиб, тазкира, тарихий-диний ва бошқа китобларда кўплаб маълумотлар мавжуд. Бу ҳақда А.Қаюмов, О.Усмонов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Э.Очилов, М.Абдулҳакимов ва бошқалар жиддий тадқиқотлар яратганлар. Лекин уларнинг асосий қисми турли замонга мансуб хотиравий, бадий ва илмий асарларда қайд этилган. Улардан бири Шайх Нажмиддин Кубронинг Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги башоратига даҳлдор бўлиб, алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу хусусият таниқли адабиётшунос Н.Комиловнинг куйидаги фикрлари билан боғлиқдир: “Шайх кароматларининг тури кўп: чунончи: *қувваи назар, қувваи нафас, қувваи дил* орқали одамларга таъсир этиш, воқеаларни олдиндан тушда

кўриш ёки ўнгда ҳам бўлажак ишларни олдиндан сезиш, руҳан оламларни сайр қилиб қайтиш ва ҳаказо” [1]. Каромат ва башорат хислатларини умумлаштирувчи ушбу эътирофларнинг ҳар бири Кубро умрининг барча босқичида ўз аксини топган, айти давр, келажак ҳамда сафдош ва шогирдлари тақдири хусусидаги қарашларида рўёбга чиққан. Бу жиҳатдан Паҳлавон Маҳмуд тўғрисидаги башоратларда қайд этилган қувваи истеъдодлар ифодаси намоён бўлади.

Паҳлавон Маҳмуд номи зикр этилган муҳим манбалардан бири – Оллоҳёр ибн Худойберди Маҳзуннинг “Риёз ул-зокирин” тазкирасида бундай дейилган: “Шайх Нажмиддин Кубро Хивакдан Кўхна Урганча борғонларидан сўнг Чингизнинг Хоразмга босқини арафасида аҳли Хивак: “Пирим, бизларни бесар (бошсиз, раҳнамосиз) қилиб кетдингиз”-деб кўп бетоқат бўлгонларидан сўнг “Сизларга бир улуғ пир юборурмиз”,-деб ваъда қилиб эрканлар”. У важҳдин Пирёр баққол деган ўзларининг бир халифаларини Хивакга юбориб, меҳрибон бўлгон эрканлар. “Бор, сен Хивакга-аҳли Хивакни залолат бодиясидан ҳидоят ниҳоясига далолат қилғил. Сенинг аҳлиянг, яъни хотунингнинг қорнида бир жанийн бордур, ул худ бизнинг нафас ўғлимиздур. Хоразм диёрининг хуллаи аҳди онинг зиммаи иқтидоридадур. Ул писар (ўғил) бизнинг нафас ўғлимиздур. Онинг оти Маҳмуддур. Ул фарзанд зиёда бақувват паҳлавон бўлур. Ул важҳдин кўп киши анинг отини билмай “Паҳлавон ота дерлар” деб юбориб эрканлар” [2].

Ушбу парчанинг мазмунида иккита йўналиш кўзга ташланади. Биринчиси, Маҳмуднинг отаси Паккаёр, иккинчиси, унинг ўзи ҳақидадир. Паҳлавон падари таърифидаги фикр “қувваи назар”га асосланган бўлиб, Шайх кароматига мисолдир. Шайхнинг бу лавҳадаги нутқи икки нуқтага-Хивак аҳли ва Паккаёрга қаратилган бўлиб, биринчиси ваъда, иккинчиси халифага буйруқ оҳангида акс этган. Муҳими шундаки, устознинг ўз шогирдини “улуғ бир пир” деб аташида ҳам илоҳий маъно бўлиб, Маҳмуднинг азизлар сулоласига мансублигига ишорадир. Шунингдек, Шайхнинг Паккаёрни Хивакга раҳнамоликка лойиқ кўриши, чўл-сахро (бодия) бағрида қийналаётган шаҳарни нокасу залолатдан сақлаб, ҳидоят йўли сари бошлашига даъват этиши ҳам валитарош қалбидаги халоскорлик, каромат ифодасидир.

Юқоридаги фикрлар устоз нутқининг иккинчи қисми- туғилажак фарзанд ҳақидаги каромату башоратларнинг қоришиқ шаклдаги баёнида янада кенгайтирилади. Бу қисмда “қувваи нафас” ва ўнгда бўлажак воқеаларни олдиндан сезиш қобилиятлари билан тасдиқланувчи намуналар етакчилик қилади ва талқинларни умумий хулоса сифатида яхлитлаштиради.

Шуни таъкидлаш керакки, аёл вужудидаги фарзанд мавжудлигининг аён бўлиши ботиний иқтидор билан ўғилнинг ҳайратомуз ғаройиб сифатлар соҳиби бўлиб етишиши хусусидаги ишонч зоҳирий билимнинг ўзаро алоқаси ва узвийлигини ойдинлаштиради. Бу жараёнда “ул (Маҳмуд) бизнинг нафас ўғлимиздур” жумласининг такрори алоҳида ижтимоий-илоҳий маъно касб этади ва унда икки ният бир-бирини тўлдиради ва бир бутун тасаввур ҳосил қилади: биринчиси, “жанийн (гўдак)” Хоразмни маржон ипи каби бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч сифатида (зиммаи иқтидори) намоён бўлиши назарда тутилса, иккинчиси, “нафас ўғил” тушунчасида унинг ҳақ йўли ва илоҳият таълимотига киришига ҳавола назарда тутилган.

Бундан ташқари, ўғил номи унинг паҳлавонлиги ва “ота” сўзининг кўшиб айтилиши бўлажак реал олам воқеаларини руҳан сезиш, ҳис қилишнинг ғойибий инъикосидир. Ўғилнинг оти Маҳмуд бўлиб, зиёда бақувват паҳлавон бўлиши, кўп киши унинг отини билмай “Паҳлавон ота” дейишлари хусусидаги башоратларининг исботи оғзаки ва ёзма маълумотларда қайд этилган. Алишер Навоий ҳам бу жиҳатга эътибор бериб, “лақаби машҳур Пурёрга баъзан Паккаёр” дебдурлар” [3],-деб ёзадики, бу ўринда Маҳмудга нисбатан Пирёрвалий, Фаноий, Қитолий, Бегёр лақабларининг қўлланиб келиши юқоридаги фикрнинг исботидир.

Шуниси характерлики, Маҳмуд “бизнинг ўғлимиздир” иборасининг тағмаъноси унинг Кубро йўлига кирганини англатади. Табиийки, бу йўл “футувват”-мардлик, саҳоват мақоми экани тарихдан маълум. Бу ҳақда Жомийнинг “Нафаҳотул унс”, Навоийнинг “Насойимул

муҳаббат” тазкиралари ва бошқа турли даврларга мансуб манбаларда етарли маълумотлар келтирилган.

Маҳзуннинг ушбу тазкирасидаги фикрлар талқинида яна бир муҳим жиҳат диққатни тортади. Бу-Кубро нутқи билан боғлиқ замон ва макон муносабати, яъни бадиий “хронотоп” (М. Бахтин ибораси) масаласидир. Маълумки, Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд яшаган даврни бир аср вақт ажратиб туради. Чунончи, Паҳлавон Шайх вафотидан 26 йил кейин туғилиб, яна 56 йил умр кўрди. Бу ораликдаги вақт хусусиятлари айни ва бўлғуси замон ҳамда макон билан муайян даражада туташади, умумий контекстда эса ҳар бирининг микёс ва воқе бўлиши ҳам акс этади.

Бунда хронотоп ҳодисаси тарихийлик концепсияси асосида юзага чиқади. Жумладан, Кубронинг Хевақ аҳли билан учрашуви акс этган эпик лавҳадаги монологик нутқи мазмуни реал макон ва замон намунаси бўлса, Маҳмуд шахсияти ҳақидаги башоратларида замон умумий тарзда бўлиб, сарҳадсиз ва кенгқамровлидир.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Кубро фожеасидан кейин ҳам у асослаган тариқат ислом маънавий оламида, илоҳий-фалсафий қарашлар такомилида фаол давом этди, ўтмиш тажрибаларида теран ва адолатли муносабатга таянди. Бу жараёнда тариқат моҳиятини ташкил этувчи Ҳаққа интилиш, инсон комиллиги, шаъни ва қадрини улуғлаш, ватанпарварлик, эзгуликни тарғиб қилиш ғоялари Шайх издошлари томонидан бардавом адо қилинди, янада бойитилди. Хусусан, Паҳлавон Маҳмуд амалий фаолияти, ижоди ва фалсафий-маънавий ақидалари алоҳида босқич сифатида шаклланди. Бу босқичдаги узвийликнинг бир қисми устоз ва шогирд шеърларидаги муштарак маъно ва оҳанглар уйғунлигида кўринади. Бу уйғунликнинг бир қирраси анъанавий ишқ мавзусининг мардлик, ошиқ собитлиги ва нафсни жиловлаш мотивлари билан кенгайганлигида акс этади. Жумладан, Паҳлавон Маҳмуд Кубронинг “Ошиқ кишининг кўнгли тўла дард бўлғай, эл дарди билан мард яна ҳам мард бўлғай” деган пурмаъно рубойисининг яна бир жиҳатини кашф этади:

Нафсингни тийиб, сен унга шоҳ бўл, мардсан,
Кимсаси йўқларга паноҳ бўл, мардсан.
Номардлар оёқости қилар мискинни,
Мискин ва ғарибга пойгоҳ бўл, мардсан [4].

Табиийки, Нажмиддин Кубро ҳақидаги мулоҳазалар беихтиёр Паҳлавон Маҳмудга бориб тақалади ва бу даҳо жуфтлик қарашларидаги улуғворлик, донишлик кўнглимиздан кечади. Бу хусусият айниқса устоз-шогирд сиймосида акс этган оғзаки ва ёзма асарларда бўртиб туради. Бу асарларнинг илк замини асосан ривоят бўлиб, шу омил унсурлари тарихий факт, ҳодиса ва бадиий тўқима синтези сифатида тўққиз асрдан буён адабиётимиздан жой олиб келмоқда.

Уларнинг қатор намуналари замонавий миллий адабиётимизда ҳам яратилди ва яратилмоқда. Жумладан, адабиётшунос Б.Раҳимова ўзининг монографиясида бу йўналишда ёзилган “Фил Маҳмуд” халқ достони, К. Икромовнинг “Маҳмуд дарбоз қиссаси”, О.Матжоннинг “Паҳлавон Маҳмуд” драматик достони, Э.Самандарнинг “Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий қиссаси” асарларида Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд муносабатларининг айрим аспектларини қисман ёритган [5].

Мустақиллик йилларида эса бу мавзу янада кенгайиб, Нажмиддин Кубро ҳақидаги ривоятлар тўплами, шунингдек, Хуршид Давроннинг “Шаҳидлар шоҳи” қиссаси, Омон Матжоннинг “Дравахоним (Тўрабекахоним)” қиссаси, “Шайх Нажмиддин Кубро” трагедияси чоп этилди. Булар орасида Омон Матжон қиссаси кубравия тариқатининг икки пешвоси тўғрисидаги талқин ва адабий-тарихий характер яратишни нисбатан қамровлиги билан ўзига хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. Тошкент. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1995. Б.25.
2. Маҳмудов Ж. Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг матний таҳлили. Филол. фанл. номз. дисс. автореферати. Т. 2006. Б.11.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17 жилд. Насойим ул-муҳаббат. Тошкент. Фан. 2001. Б.300.

4. Пахлавон Махмуд. Ким агар озоддур. Рубоийлар. М. Абдулҳалил таржимаси. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1992.Б.8.

5. Раҳимова Б. Ўзбек адабиётида Пахлавон Махмуд образи талқинлари. Урганч. УрДУ ноширлик бўлими. 2012.94.Б.

УЎК 81-13

ХОРАЗМ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБЛАРИ

(Жанубий ва Шимолий Хоразм достончилик мактаблари таснифи)

Н.Э. Сабирова, доц., PhD, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада сўз Хоразм достончилик мактаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида боради. Достончилик мактабларининг турлича шаклланишига халқнинг этногенетик тарихи ҳам жиддий таъсир этиши, чунки ҳар қандай этник гуруҳ ўзининг қадимий анъаналарини барқарор сақлаши, буни Хоразмдаги достончилик мактабларида яққол кўриш мумкинлиги ҳақида фикрлар билдирилади. Шунингдек, санъатишунос олим Б.Матёқубов ўз рисоласида Бола бахши берган маълумотга асосланиб Хоразм достончилигини уч дўконга бўлиниши, Хоразм достонлари, бахшичилик мактаблари хусусида фольклоршунос С.Р.Рўзимбоев ҳам кўпгина мулоҳазаларни билдиргани, воҳада иккита достончилик анъанаси мавжуд эканлиги ҳақида илмий-назарий маълумотлар берилган. Мақола Жанубий ва Шимолий Хоразм достончилиги анъаналари таснифи асосида таҳлил қилинди, достончилик мактабларининг ўхшаш ва фарқли томонлари Хоразм достонларидан олинган мисоллар билан исботлаб берилди.

Калит сўзлар: Достончилик, Хоразм достончилик мактаблари, Жанубий Хоразм достончилик мактаби, Шимолий Хоразм достончилик мактаби, Хоразм достончилиги дўконлари, Юқори дўкон, Ўрта дўкон, Ошоқ(қуйи) дўкон, Хоразм бахшилари, Бола бахши, Ошиқ Ойдин Пир.

Аннотация. В данной статье речь идёт о школах Хорезмского эпоса и их особенностях. Говорят, что этногенетическая история народа оказывает существенное влияние на формирование различных школ эпической поэзии, поскольку любой этнос сохраняет свои древние традиции, что хорошо видно в эпических школах Хорезма. Также искусствовед Б.Матёкубов разделил Хорезмский эпос на три части, основываясь на информации Бола Бахши, фольклорист С.Р.Рузимбаев также прокомментировал Хорезмские эпосы, школы Бахши, а в оазисе существуют две традиции эпической поэзии. Статья анализируется на основе классификации традиций эпической поэзии Южного и Северного Хорезма, на примерах из эпоса Хорезма доказываются сходство и различие эпических школ.

Ключевые слова: Эпическая, Хорезмская эпическая школа, Южно-Хорезмская эпическая школа, Северо-Хорезмская эпическая школа, Хорезмские эпические магазины, Верхний магазин, Средний магазин, Ошский (Нижний) магазин, Хорезм Бахши, Бола Бахши, Ошик Айдын Пир.

Abstract. In this article we will talk about Khorezm epic schools and their peculiarities. It is said that the ethnogenetic history of the people has a significant impact on the formation of different schools of epic poetry, as any ethnic group preserves its ancient traditions, which can be clearly seen in the epic schools of Khorezm. Also, art critic B.Matyokubov in his pamphlet divided the Khorezm epic into three shops based on the information given by Bola Bakhshi, folklorist SRRuzimbaev also commented on Khorezm epics, Bakhshi schools, and there are two traditions of epic poetry in the oasis. The article is analyzed on the basis of the classification of traditions of epic poetry of South and North Khorezm, the similarities and differences of epic schools are proved by examples taken from Khorezm epics.

Key words: Epic, Khorezm Epic Schools, South Khorezm Epic School, North Khorezm Epic School, Khorezm Epic Stores, Upper Store, Middle Store, Osh (Lower) Store, Khorezm Bakhshi, Bola Bakhshi, Oshiq Aydin Pir.

Достончилик халқимиз маънавиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. “Уни куйловчи бахшилар нодир маънавий бойликларни мукамаллаштиришда муҳим вазифани амалга оширишади. Улар юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган образларни бадий қайта ишлаш орқали асарнинг ғоявий мазмунини янада чуқурроқ илдиз отишига замин хозирлашади”[1]. Бахшилар ўзларининг юксак хотираси, хонандалик қобилияти, жонли халқ тилининг хассос билимдони сифатида асрлар оша келаётган эпик аънаналарни, бой ва ранг-баранг эпосни авлоддан авлодга етказишда кўприк вазифасини ўтаб келишмоқда. “Ўзбек бахшилари ғоявий йўналишда, эпик репертуарнинг ягоналиги, ижро усули ва куй –қўшиқда бир хил аънанага эга бўлсаларда бари бир улар ўзига хос услуб, ижро йўналишлари, репертуар характери билан ўзаро фарқларга эга. Бу ҳодиса достончилик мактабларини келтириб чиқаради”[2].

Достончилик мактабларининг турлича шаклланишига халқнинг этногенетик тарихи ҳам жиддий таъсир этади[3]. Чунки ҳар қандай этник гуруҳ ўзининг қадимий аънаналарини барқарор сақлайди. Буни Хоразмдаги достончилик мактабларида яққол кўриш мумкин. Санъатшунос олим Б.Матёкубов ўз рисоласида Бола бахши берган маълумотга асосланиб Хоразм достончилигини уч дўконга (дўкон-манзил, макон, ҳудуд маъносида) бўлади.

Юқори дўкон. Бу дўкон ўз ичига шартли равишда Туркменистоннинг Лебоб вилояти (Чоржўй), Дарғон ота, Питнак туманларини қамраб олади. Бу дўкон бахшиларининг куй йўллари мўътадил бўлиб, дуторларининг ҳажми ҳам Фарғона-Тошкент дуторларига ўхшашлиги билан ажралиб туради. Мазкур дўкондан Хўжаёз бахши, Амин бахши, Мурод бахши, Эшнӣёз бахши ва бошқалар етишиб чиққан. Унинг марказини шартли равишда Ҳазорасп деб белгилаш мумкин.

Ўрта дўкон ўз ичига Хива, Хонқа, Янгиариқ, Урганч, Қўшқўпир, Шовот туманларини бирлаштиради. Унинг марказини шартли равишда Хива шаҳри сифатида белгилаш мумкин. Ушбу дўкон бахшиларининг куйлари жўшқин ва ўйноқидир. Уларнинг дутори ҳам юқори ва куйи дўконларникидан кичикроқдир. Уларга хос яна бир хусусият дуторга буломон ва доирада жўр бўлишади. Бу дўконнинг вакиллари Эшвой бахши, Матнӣёз гўржа (Ғарибнӣёз), Нурмамат чўлок ва бошқалардир.

Ошоқ (қуйи) дўкон –Гурлан, Тошовуз, Кўҳна Урганч, Хўжайли каби Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳудудларни ўз ичига олади. Унинг марказини шартли равишда Манғит шаҳри деб белгилаш мумкин. Бу ҳудуд бахшилари кўпинча яққа дутор жўрлигида достон куйлашади. Дўконнинг ёрқин намоёндаларидан бири Ризо бахши бўлиб, у Ферузнинг хос бахшисидир. Шунингдек, Эрназар бахши, Суяв бахши, Отажон бахши ва бошқалар ҳам ўша дўкон услубида достон куйлашган[4].

Хоразм достончилиги аънаналарининг илдизлари жуда қадимий ва мураккабдир. Чунки бу ўлкада миграция жараёнлари фаол бўлиб, узоқ давом этган форсий ва туркий халқлар аралашуви натижасида достончилик аънаналари ҳам эволюцияга учраган. Бу жараён ХХ асргача давом этиб келган. Бу масала махсус тадқиқотларда таҳлил этилган[5]. Хоразм достонлари, бахшичилик мактаблари хусусида фольклоршунос С.Р.Рўзимбоев ҳам кўпгина мулоҳазаларни билдирган. Унинг қайд қилишича, воҳада иккита достончилик аънаси мавжуд:

1. Жанубий Хоразм достончилиги аънаналари.

2. Шимолий Хоразм достончилиги аънаси.

Биз ишимизда ана шу тасниф асосида фикр юритдик.

Ушбу тасниф муаллифининг айтишича, Ҳазорасп маркази бўлган “юқори дўкон” аънаналари ХХ аср бошларида Жанубий Хоразм достончилиги аънаналари билан сингишиб кетган.

Дастлаб Жанубий Хоразм достончилиги аънаналари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу достончиликнинг илдизлари жуда қадимийлиги билан ажралиб туради. ХІ асрга келиб ўғуз туркларининг эрон тилли аҳоли билан чатишувининг кучайиши тилнинг туркийлашиш жараёнини тезлаштирди, ўзини сарт номи билан атовчи субстрат аҳоли туркий тилли суперстрат билан бирлашиб, янги бир этник гуруҳни шакллантирди. Бу гуруҳ вакиллари

hozirgi ўғуз лаҳжасида гапирувчи ўзбек аҳолисининг энг қадимги авлодлари бўлиб, улар Хоразмнинг жанубий томонига жойлашганлар[6]. Ўша сабабга кўра, бу ҳудуддаги дostonчиликда қадимги хоразмийларга хос анъаналарнинг сақланиб қолганлиги табиийдир.

Х асрлардаёқ бу ҳудудда шаҳарларнинг сони 30 тага етган. Урганчдан кейин Ҳазорасп, Дарғон, Хива шаҳарлари вужудга келган[7]. Бу шаҳарларда ўтроқ ҳаётнинг барқарорлашуви, шаҳар маданиятининг ўсиши адабиёт ва санъатга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Жанубий Хоразм дostonчилик анъанаси асосан ўғуз лаҳжасида гапирувчи аҳоли яшайдиган ҳудудларни қамраб олади. Бунга Амударёнинг чап қирғоғидаги Ҳазорасп, Боғот, Янгиарик, Хонқа, Урганч, Хива, Қўшқўпир, Туркменистоннинг Тошовуз вилоятидаги жанубий туманларни киритиш мумкин. С.Р.Рўзимбоев бу ҳудудга ўнг қирғокда жойлашган Тўртқўл ва Эллиққалъа туманларини ҳам киритади. Бироқ, айрим тадқиқотларда таъкидланишича, бу ҳудудда, хусусан машҳур дostonчи Қурбонбой жиров репертуарида икки тилда куйланган дostonлар ва фақат ўзбекча ёки қорақалпоқча куйланган дostonлар ўзларида қорақалпоқ дostonчилиги анъаналари руҳини бўртдиргани ҳолда Нурота, Қўрғон, Жанубий Хоразм дostonчилик мактабларига хос анъаналарни ҳам синкретик тарзда мужассам этган фольклор асарлари ҳисобланади[8]. Шу сабабли Тўртқўл, Эллиққалъа туманлари ҳудудида асосан ўғуз тилли аҳоли яшаса-да, улардаги дostonчилик анъаналарини махсус тадқиқ қилишга тўғри келади.

Жанубий Хоразм дostonчилигига хос асосий хусусиятлар куйидагича:

а) бахши дотор ва гармон (соз) жўрлигида куйлайди, кейинги пайтларда тор асбоби расм бўлди. Бахшига буломончи, ғижжакчи ва доирачи жўр бўлишади. Насрий матнни бахши ҳикоя қилиб, шеърий парчалар ижросида бахшига доирачи ҳам қўшилади. Албатта қадимда асосий чолғу асбоби дотор бўлган. Соз (гармон) эса XX асрнинг охириги чорагида руслар Хива хонлигини босиб олгандан кейин воҳага кўчиб келган немис меннонитлари томонидан олиб келинган. Уни дастлаб Қурбон созчи-Қурбон Исмоилов, Сафо созчи-Сафо Муғаннийлар қўллашган. Кейин бахшилардан Қодир созчи, Жумёз созчилар гармон, буламон, ғижжак жўрлигида дoston ижро қилишган. Бола бахши 1928 йилдан торда куйлай бошлаган, Жанубий Хоразм дoston куйлари шўх ва ўйноқи. Унда мақом уфорилари ҳам ишлатилади. М.Л.Садоков: “Хоразм қўшиқлари латиф, ўзига хос назокатга эга, ритмикаси эса рақсга мойил”[9], деб ёзганида Жанубий Хоразмга хос куйларни назарда тутган. Куйларнинг шўх, ритмикага бойлиги бахши ансамблида доира асбоби бўлишини тақозо қилади. Хоразмда оғзаки тарқалган халқ қўшиқлари ҳам дoston куйларига мос келади, в) Бу ҳудудда тарқалган дostonлар асосан китобий характерга эга. Шу сабабли уларда ҳажмий мўъжазлик кўзга ташланади. Ижро вақти 2-2,5 соатни ташкил этади.

Вамбери асарида қайд қилинган “Бахши китоби” асосан Жанубий Хоразм бахшиларининг қўлида қўлланма бўлиб хизмат қилган. Ёш бахшилар дostonларни қисса-дostonлар орқали ўзлаштирганлар. Албатта, оғзаки репертуар алмашиш анъанаси ҳам давом этган. Дoston ижросида куй-қўшиққа катта эътибор қаратилган. Дoston матнидаги ҳар бир қўшиқ махсус куйлар орқали ижро этилган. Жанубий дostonчиликда ишлатиладиган мусиқа куйлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Улар Ширвоний усули деб юритилади. Хоразм дoston номалари (куйлари) ўзининг тугал шакли, очик овозда куйланиши, халқ қўшиқларига яқинлиги, дoston воқеаларига боғлиқлиги, ўзига хос ёрқин услуби билан ажралиб туради. Улар мақом ва ўзга мумтоз куй йўллари каби ўзига хос номланишга ва туркумланишга эга[10].

Дoston ниҳоясида “Оромижон” ва “Бартавул уфориси” ижро этилади. Бу чолғу куйларида сурнай ҳам иштирок этади. Охирида қайроқ ўйини авжга чиқади. Ниҳоят “Танги сози” куйи чалинади. Шу билан бахшилар чиқиши яқунланади[11]. Қадимги тўйларда бахшилар хизмат қилишган. Улар билан бирга масхарабозлар, дорбозчилар ҳам иштирок этишган. Бахшилар танаффуси вақтида масхарабозлар, дорбозлар томоша кўрсатишган. Сўнгра дoston куйлаш давом этган. Ўтган асрнинг 50-йилларигача турли бахши жамоалари воҳанинг шарқидаги Дарғонотадан тортиб токи ғарбидаги Кўхна Урганчгача бўлган ҳудуддаги тўйларда хизмат қилиб дoston куйлаганлар, томоша кўрсатганлар. Ўша жараёнда ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ бахши-жировлари ўзаро репертуар алмашган. Икки-уч

тилда дoston ижро этадиган бахшилар анчани ташкил қилган. Ўз навбатида айтишув мусобақаси уюштирилган. Голиб бахшиларга от, туя, хўкиз, пўстин каби совринлар тақдим қилишган. Юқорида қайд қилганимиз-юқори, ўрта ва ошоқ (қуйи) дўкон бахшиларига хос турли мактаблар ўша даврда фаол ишлаб турган. Барча бахши жамоаларида масхарабозлар гуруҳи бўлган. Ўша гуруҳда иштирок қилган манғитлик Юсуф масхарабознинг ўғли Шукрулла Юсуповнинг ёзиб қолдирган хотирасига кўра, унинг отаси Юсуф масхарабоз Манғитлик Аҳмад бахши Матназаровнинг гуруҳида иштирокчи бўлган. Масхарабозларнинг репертуарида машҳур бахшиларнинг дoston айтишини муқаллид усулида намойиш қилиш одати бор эди. Юсуф масхарабоз ўзбек, туркман, қozoқ ва қoraқалпоқ тилларида эркин сўзлай олган. Аммо тоталитар тузум даврида сен бошқа миллат тилларини масхаралайсан, деган айб билан уни қamoққа олишди ва талантли ижодкор у ёқдан қайтиб келмайди. Хоразм бахшилари дoston айтиш жараёнида халойиқни зериктирмаслик учун ҳамisha масхарабозлар жамоасини бирга олиб юришган ва нафас ростлаб олиш пайтларида уларга навбат беришган. Баъзи тўйларда ўзбек ва туркман бахшиларининг айтишув мусобақалари ташкил этилган. Бундай мусобақа-айтишувлар бахшилар пири бўлмиш Ошиқ Ойдин пир қабри жойлашган Вос-Бўстон шаҳрида (Туркменистоннинг Тошовуз вилояти) Мунтазам равишда ўтказилган. Бу анъана 1994 йилда тўхтаб қолган. Бу анжуманнинг шиори сифатида “Гўрўғли” туркуми дostonларининг “Хирмондали” шoхoбчасидан олинган қуйидаги мисралар шиор қилиб олинган эди:

Бундан борсанг шаҳри Бўстон бoриб ўт,
Ошиқ Ойдин пирдан дуo олиб ўт.

1994 йилги бахшилар мусобақасида Туркия, Озарбайжон, Қozoғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қoraқалпоғистондан келган бахши –жиров-оқинлар туркман бахшиларига меҳмон бўлиб ўз санъатларини намойиш қилишган. Байрам –мусобақа икки кун давом этиб мингдан ошиқ бахши иштирок этган[12]. Ушбу анъаналар халқларимизнинг бахшичилик санъатига нақадар ҳавасманд эканлигидан дарак беради. Ўша анжуманда томошобинлар сони 150мингдан ошиқ бўлган. Бахшиларга ноёб совғалар берилган, олқишлар айтилган. Ушбу тантаналарда Бола бахши ўз ўғиллари Норбек, Матёқуб ва Етмишбойлар билан биргаликда қатнашиб, охириги марта севган дostonларини қуйлаган ва сал ўтмай вафот этган. Турли миллат бахшиларининг ўзаро учрашуви, мусобақалашиви, яқиндан танишуви эпик анъаналарнинг ривожланишига таъсир кўрсатиши табиийдир. Хоразм воҳасидаги ўзбек, туркман, қoraқалпоқ бахшилари азалдан устоз-шогирдлик анъанасига эга. Шу сабабдан ҳам Суяв бахши уч тилда, Бола бахши ва Қурбонбой жировлар икки тилда дoston қуйлаш имкониятини қўлга киритишган. Ушбу ҳолат халқлар дўстлиги, маънавий бирдамлик тўйғуларини уйғотишда муҳим рол ўйнаган. Жанубий Хоразм дostonчилигида бахши дотор, гармон, тор воситасида қуйлайди. Уларнинг ёнида ҳамisha буламон ва ғижжак жўрлиги сақланади. Шу ўринда Жанубий Хоразм дostonчилигига хос бўлган яна бир анъана хусусида гапиришга тўғри келади. Хива бахшилари, хусусан Бола бахши дoston ижро қилган пайтда насрий қисми ўзи баён қилади. Қўшиққа навбат етганда унга доирачиси ёки шогирди жўр бўлиб, шеър икки овоз бирикувида ижро этилади. “Авазхон” дostonи ижросида барча қўшиқлар ота-бола –Бола бахши ва Норбеклар томонидан биргаликда ижро этилган. Ушбу анъана “Бозиргон” дostonи ижросида ҳам амалга оширилган. Ушбу ижрода қўшиқлар Бола бахши ва доирачи Солай Ортиқовлар томонидан биргаликда қуйланган. Бундай анъана фақатгина жанубий Хоразм бахшилари ижросига хос хусусиятдир. Икки овозда қўшиқ қуйлаш тўй даврасида ашуланинг барча тигловчига эшитарли тарзда рўёбга чиқишига ёрдам беради. Аммо бадеҳағўйликни чеклайди. Қўш овозда қўшиқ қуйлаш анъанаси дostonлар қўлёзмага қўчирилгандан сўнг мунтазам матн асосида келиб чиққан бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шимолий Хоразм бахшилари ижросида ушбу анъана учрамайди. Шимолий Хоразм бахшиларининг дoston қуйлаш анъаналари илгари ички (бўғиз) товушида амалга оширилган. Буни илгариги фаслларимизда келтирилган Н.Муравёвнинг “они поют хрипким голосом”, деган маълумоти ҳам тасдиқлайди. Уларнинг дoston қуйлашдаги ушбу қадимий анъанаси Жанубий дostonчилик таъсирида XX аср бошларида барҳам топган.

Бахши ўз номаларига чалинадиган куйларни эроний йўли деб аташади. Мусикашунос Б.Матёкубов Ширвоний ва эроний мусика йўналишларининг фарқи ҳақида гапириб, асосий алоҳидалиқлар услубларнинг мусикий нукталарида, дoston номларининг номланишидан тортиб оҳанг, услуб, куй тузилиши, мусикий чолғуларнинг қўлланилиши ва вазифаларининг белгиланиши каби жиҳатларида намоён бўлади[13], деб таъкидлайди. Эроний ва ширвоний номлари ҳақида сўз юритиб, бу атамаларнинг келиб чиқишини Хоразмнинг қадим замонларданок Эрон ва Озарбайжон (Ширвон) мамлакатлари орасидаги тарихий маданий алоқаларга боғлайди.

Кекса санъаткорлар билан мулоқотда улар бошқачароқ фикр билдиришади. Мусика ҳеч қачон бошқа мамлакатдан олиб келинмайди. Улар халқ тарихи, менталитети билан боғлиқ ҳолда асрлар оша яшаб келмоқда.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, икки анъананинг қоришиқ ҳолда учраши ўзаро таъсир ва репертуар алмашиш натижаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чичеров В.И. Школы сказителей Заонежья.–М.: Наука, 1982.–С.132. (196)
2. Мирзаев Т. Эпос и сказител.-С.99.
3. Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. –Урганч, “Университет”, 2008. –Б.18.(58)
4. Матёкубов Б. Дoston навалари. –Т.: “BUILDING PRINT” 2009. –Б.23-26 (342)
5. Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. –Т.: Фан, 1985. –Б.22-23 (96)
6. Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари, 4-бет.
7. Жуманиёзов Р. Қадимги Хоразм тарихи. –Урганч, “Мураббий”, 1993. –Б.45. (122)
8. Мадраҳимова Н.Я. “Ширин билан шакар” дostonининг қиёсий –типологияк таҳлили. Номзод. Дисс. Автореферати. –Т.: 1996. –Б.18. (27)
9. Садоков И.Л. Тысяча осколков золотого саза. –М.: Наука, 1981. –С. 164. (210)
10. Матёкубов Б. Дoston навалари. –Б.41.
11. Рўзимбоев С. Хоразм дostonларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси докторлик дисс.) –Т.: 1990. –Б.45
12. «Ашык-Айдын-94. –Дашховуз, «Хыял», 1994.(29-30 август) –Б.7-8.(30)
13. Матёкубов Б. Хоразм дoston ижрочиларининг зарҳат саҳифалари.–13

УДК 81-13

ТАМБУРЛЕН ВЕЛИКИЙ КАК ПСИХОТИП ВОСТОЧНОГО ПРАВИТЕЛЯ В ПОЭЗИИ КРИСТОФЕРА МАРЛОУ

*Н.З. Ташева, преподаватель, Бухарский государственный медицинский институт,
Бухара*

Annotatsiya. *Ushbu maqola Sharqiy monarxlarning xarakterini va umuman Sharqiy O'rta asr voqeliklarini Kristofer Marlov ismli mashhur ingliz shoiri va dramaturgining prizmasidan ochib beradi. Bu tadqiqotning asl maqsadi Marlovning "Buyuk Temurlan" pyesasi asosida Sharq qiyofasini o'rganishdir. Muallif bu tasvirning tarixiy Temurlan va o'z davrining Sharqiga mosligini tahlil qiladi; Marlou Sharqiy va Evropa olamlari o'rtasidagi munosabatni qanday taqdim etadi va Marlouning bu spektaklini (va umuman, uning zamondoshlarining asarlarini) bugungi mashhur postkolonial nutqda joylashtirish qanchalik o'rinli.*

Kalit so'zlar: *sharqshunoslik, postkolonial tadqiqotlar, ingliz adabiyoti, Uyg'onish davri ingliz dramasi, obraz, shaxsiyat, psixotip, mumtoz she'riyat, davr.*

Аннотация. *Данная статья претендует на раскрытие характера восточных монархов и восточных средневековых реалий в целом через призму такого известного английского поэта и драматурга по имени Кристофер Марлоу. Таким образом, актуальной целью исследования является изучение образа Востока на основе пьесы Марлоу: «Тамбурлен Великий». Автор анализирует соответствие этого образа историческому Тамбурлену и Востоку своего времени; как Марлоу представляет отношения между восточным и европейским мирами, а также насколько уместно поместить эту пьесу Марлоу (и, в целом, произведения его современников) в популярный в наши дни пост колониальный дискурс.*

Ключевые слова: Ориентализм, пост колониальные исследования, Английская литература, Ренессансная английская драма, образ, личность, псих тип, классической поэзии, эпохи.

Abstract. *This article claims to reveal the character of eastern monarchs and eastern medieval realities in general through the prism of such a famous English poet and playwright named Christopher Marlowe. Thus, the actual goal of the study is to study the image of the East based on the play by Marlowe: "Tamburlaine the Great". The author analyzes the correspondence of this image to the historical Tamburlen and the East of his time; how Marlowe presents the relationship between the Eastern and European worlds, and how appropriate it is to place this play by Marlowe (and, in general, the works of his contemporaries) in the popular postcolonial discourse today.*

Key words: *Orientalism, postcolonial studies, English literature, Renaissance English drama, image, personality, psychotype, classical poetry, era.*

История мировой литературы насчитывает имена нескольких выдающихся писателей и поэтов, в творчестве которых тема Востока раскрывается настолько ярко и образно, что эти произведения оставили неизгладимый след в душах читателей разных эпох и времен. В истории английского романтизма это имя великого английского поэта Джорджа Гордона Байрона; в немецкой классической поэзии это великий Гете. Но мало кто знает, что эта тема также связана с именем выдающегося представителя английского «университетского ума» эпохи правления королевы Елизаветы I - Кристофера Марлоу, которого по праву считают предвестником другого гениального английского поэта и драматурга. эпохи Возрождения Уильям Шекспир. Королева Англии Елизавета I (1558–1603) - последняя королева династии Тюдоров, правившей Англией с 1558 по 1603 год. Период с середины 1500-х до начала 1600-х годов обычно носит ее имя. В этот период, называемый елизаветинской эпохой, английские писатели и поэты создали множество величайших шедевров поэзии и драмы, вошедших в сокровищницу мировой литературы, которые глубоко читаются и почитаются по сей день. Ряд культурных и экономических событий способствовали этому выдающемуся литературному буму елизаветинской эпохи. Одно из самых важных событий произошло в 1476 году, когда Уильям Кэкстон (1422-1492) изобрел печатный станок, основал первую типографию в Англии и напечатал первую книгу на английском языке. Королева Англии Елизавета I (1558- 1603) был последним монархом династии Тюдоров, правившей Англией с 1558 по 1603 год. Период с середины 1500-х до начала 1600-х годов обычно носит ее имя. В этот период, называемый елизаветинской эпохой, английские писатели и поэты создали множество величайших шедевров поэзии и драмы, вошедших в сокровищницу мировой литературы, которые глубоко читаются и почитаются по сей день. Ряд культурных и экономических событий способствовали этому выдающемуся литературному буму елизаветинской эпохи. Одно из самых значительных событий произошло в 1476 году, когда Уильям Кэкстон (1422–1492) изобрел печатный станок, основал первую типографию в Англии и напечатал первую книгу на английском языке. Он был первым, кто напечатал книгу на английском языке и напечатал книгу в Англии. Первой книгой на этом языке была «Recuyell of the Historyes of Troy» - перевод Кэкстона популярной французской приключенческой сказки. Кэкстон напечатал эту книгу в Брюгге, на территории современной Бельгии, примерно в 1475 году. Первой книгой, напечатанной в Англии, была «Сказания философов», выпущенная в 1477 году [6, с.322]. Печать позволила производить гораздо больше книг по гораздо более низкой цене. Большая доступность книг и их более низкая стоимость стимулировали желание многих научиться читать. По мере роста грамотности рос и спрос на книги. В течение 1500-х годов английские ученые вместе с другими европейскими учеными заново открыли для себя культуру, философию и литературу Древней Греции и Рима, которыми они в значительной степени пренебрегли в течение сотен предыдущих лет. Переводы греческих философов и особенно римских литературных произведений оказали сильное влияние на писателей елизаветинской эпохи. Кроме того, в английскую литературу были введены новые литературные формы. Например, английские авторы напрямую заимствовали или модифицировали такие

литературные формы, как эссе из Франции (Мишель Монтень - основоположник этого жанра) и сонеты из Италии.

Еще одно знаменательное историческое событие произошло в 1588 году, когда английский флот победил Непобедимую испанскую армаду. Эта великая победа вызвала всплеск патриотизма, что нашло отражение в поэзии и особенно в драматургии того времени. Еще одним знаменательным событием елизаветинской эпохи стало то, что в 1576 году Джеймс Бербедж построил первый в Англии театр под названием «Театр». До этого времени драмы разыгрывались на улицах, в домах знати или дворцов, а также в английских университетах. После того, как Бербедж построил «Театр», появились другие театральные дома, что также способствовало быстрому росту популярности драмы эпохи Елизаветы I, отличавшейся новыми чертами - страстью и живостью [7, с. 317]. В этом особая роль принадлежит группе ведущих елизаветинских драматургов, которых называли «университетскими умниками», потому что они учились в известных английских университетах - Оксфорде или Кембридже. Среди этих драматургов были Роберт Грин, Кристофер Марлоу и Джордж Пил. Кристофер Марлоу был самым важным драматургом среди Уитов, значимой фигурой в драматическом жанре среди них в Англии. Кристофер Марлоу (26.02.1564 - 30.05.1593) - английский драматург XVI века, основоположник жанра высокой трагедии эпохи Возрождения в Англии. Он писал трагедии о сильных личностях. Он истинный представитель искусства эпохи Возрождения, когда «ярко выражены идеалы индивидуалистического гуманизма, утверждающие величие земного, человеческого начала во всей его полноте и творческой активности» (1, с. 268). Верно и то, что творческая деятельность Кристофера Марлоу приходится на начало современного периода истории Англии (1485-1603 гг.) Времен правления династии Тюдоров и, в частности, ее последней представительницы Елизаветы I. инициатор трагедии о могущественных исторических деятелях, среди которых - трагедия «Тамбурлен Великий» (ок. 1587 г.). Кристофер Марлоу получил свою громкую театральную репутацию благодаря написанию этой самой драмы «Тамбурлен Великий», где он изобразил внушающего трепет завоевателя Амира Тимура, или, как его еще называли, Тамерлана Великого, с поразительной поэтической прозой и развлечением. Спектакль отражает всеобщее восхищение масштабами и пределами стремления человеческой воли к могущественному господству, которое было широко распространено во времена Кристофера Марлоу. Освобождение личности от средневековой аскетической морали, богоборческий пафос также характеризует трагедию «Тамбурлен Великий» (опубликована в 1587 году).

Настоящим триумфом стало появление в театральном сезоне 1587-88 годов трагедии Кристофера Марлоу «Тамбурлен Великий». Написав эту драму, Марлоу оказал влияние на более позднюю драму той эпохи, сосредоточившись на создании героической фигуры - внушающего трепет завоевателя и превратив поэзию в гибкую поэтическую форму трагедии. В центре пьесы - титаническая личность, человек, ставящий перед собой грандиозные цели, которые хорошо вписываются в дух и букву Возрождения, когда человек и его достоинство считались его единственно достойными. Соответственно, именно так Марлоу рисует образ Тамбурлейна: златовласого, «высокого роста и прямо вылепленного, как его желание, возвышенного и божественного. Такие большие конечности, его суставы так крепко сплетены, такие широкие плечи, как могло бы быть. в основном побеждал бремя Старого Атласа ... Его руки и пальцы длинные и жилистые, свидетельствующие о доблести и избытке силы. Во всех пропорциях он хотел, чтобы этот человек подчинил мир Тамбурлену» [5, с.119-120 В драме Тамбурлен - «неизвестный скиф, простой пастырь», обладающий сильной волей и физической силой, стремящийся создать огромную империю и стать правителем мира. «Тамбурлен Великий» - это пьеса, в которой Марлоу демонстрирует наиболее последовательную силу, самую непреходящую творческую силу и самые щедро расходуемые поэтические ресурсы, которыми он мастерски владел. Это необычайно сильное и самобытное творение, и большая часть энергии авторского творчества сосредоточена на личности главного героя. Тамбурлайн - знаменитый Тимур, правивший в Самарканде в XIV веке, завоевавший персов, татар, сирийцев и турок, и только смерть помешала ему сразиться с китайцами. В пьесе Марлоу это

скифский пастух, достигший величия благодаря своему характеру, за которым следуют смелые и решительные мужчины, любимые красивой и доброй женщиной, всегда побеждающей. Может показаться, что это не те штрихи, из которых строится великая драма, поскольку можно спросить, что является жизненно важным элементом конфликта, если не в простом противостоянии (повторяющемся во многих эпизодах) одной стороны против другой. Но конфликт в драме «Тамбурлен Великий» принимает особую форму, включая реакции и суждения. В Прологе сказано: «Смотрите, но его изображение в этом трагическом стекле», «а потом аплодируйте его удаче, как вам угодно» [5, с.105]. В этом есть характерная нотка вызова, так как вскоре и для зрителей, и для самих персонажей встает вопрос, как следует рассматривать судьбу этого завоевателя:

Какой бог, или злодей, или дух земли,
Или чудовище превратилось в мужественный облик,
... Он растет из земли, ада или неба. [5, с.131]

Это вопрос, который Ортигиус задает в начале пьесы (действие 2, сцена 6), и он твердо направляет наше внимание на конфликт судей, который является фундаментальным. Ибо христианское суждение должно сказать аудитории, что судьбе этого человека вообще нельзя аплодировать; тем не менее, драма помогает противодействовать этому и вызывать восхищение у тех, чьи ценности противоположны христианским. Главный герой - боец с огромными амбициями и огромной жизненной силой. Он изливает душу в длинных, полных пафоса монологах, которые Кристофер Марлоу ввел в арсенал приемов елизаветинской драмы. Истинные истоки трагического персонажа поэт видел не во внешних обстоятельствах, определяющих его судьбу, а во внутренних духовных противоречиях, раздирающих эту поистине гигантскую личность, поднявшуюся над обыденными и общепринятыми нормами: уже в Прологе Тамбурлена. Великолепно, замечено стремление автора проложить новые пути в драматическом искусстве, чтобы заинтриговать публику образами всемирно-исторических событий, картинами падения царств и народов.

Подводя итог, следует отметить, что Кристофер Марлоу был первым, кто попытался поставить действие драмы на психологическую основу, осмыслить его внутренними мотивами. И для этого он выбрал образ восточного правителя. В лице Тамбурлена он выявил тип амбициозного человека, охваченного ненасытной жаждой власти; Тамбурлен употребляют только со страстью к завоеваниям. В то же время он живой человек, способный любить. Но даже в любовных снах рядом с любимой женщиной он предается мечтам о будущей власти. Монологи Тамбурлейна посвящены размышлениям о величии и красоте человека. В боях он жесток и беспощаден. И даже зная, что его ждет смерть, он продолжает битву и хочет подчинить своей воле и болезнь, и смерть. Он хочет побеждать даже над естественным ходом вещей. Писатель видит единство трагедии в том, что все лица приведены в связи с этой трагической чертой характера восточного завоевателя, они поднимаются и умирают через нее.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Фролов И.Т. Перспективы человека. - М., 1979. -336 с.
2. История средних веков. - М., 1980. - 576 с.
3. Шадманов К.Б. Английская духовность и язык. - Дюссельдорф: Ламберт, 2015. - 264 с.
4. Кристофер Марлоу. Полные пьесы. - Книги пингвинов. 1977. - 601 с.
5. Всемирная книжная энциклопедия. V.3. - Чикаго, 1995. - 550 с.
6. Арабо-мусульманская лингвофилософия и джадидизм Б.Н. Бакаевич Центральноазиатский журнал теоретических и прикладных наук 2 (5), 114-118 2021 г.
7. Общекультурные и образовательные ценности древнеклассического латинского языка Т.Н. Зайнидиновн, С.С. Шарофиддинович Центрально-азиатский журнал теоретических и прикладных наук 2 (5), 77-80 2021
8. Ислам в эволюции социальных и политических взглядов узбекских джадидов, их роль в формировании идеи национальной независимости К. Б. Шадманов, С. С. Шодиев, Т. Н. Зайнидиновна Центрально-азиатский журнал социальных наук и истории 2 (2), 44- 50 2021 г.

"АЛПОМИШ" ДОСТОНИДА НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМЛАРИНИНГ БАДИИЙ
ТАЛҚИНИ

Худайкулова Л.А., ф.ф.н., к.и.х., ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти,
Тошкент

Аннотация. Ушбу илмий мақолада “Алпомиш” достонида никоҳ тўйининг эпик талқини ҳамда никоҳ тўйи маросимлари фольклори, урф-одатлар ҳамда ҳудудий-локал хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: достон, урф-одат, маросим, тўй, анъана, фольклор.

Аннотация. В данной научной статье описывается эпическая интерпретация свадьбы в эпосе «Алпомиш», а также фольклор, обычаи и региональные особенности свадебного обряда.

Ключевые слова: эпос, традиция, обряд, свадьба, традиция, фольклор.

Abstract. This scientific article describes the epic interpretation of the wedding in the epic "Alpomish" and the folklore, customs and regional features of the wedding ceremony.

Keywords: epic, tradition, ceremony, wedding, tradition, folklore.

Никоҳ умуминсоний кадрятларни ўзида мужассамлаштирган урф-одат бўлиб, ибтидоий жамиятнинг сўнгги даврида юзага келган ва кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросим шаклини олган. «Никоҳ» арабча сўз бўлиб, «эр-хотинликни шариат йўли билан қонуний расмийлаштириш», “оилавий иттифоқ” деган маънони билдиради [1].

Никоҳ тўйи маросимида оид илк қайдлар XI асрнинг улуг тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотут-турк” асарида, никоҳ тўйи билан боғлиқ бир қанча сўзларнинг изоҳи келтирилади [2].

Ҳозирги кунга келиб ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорининг баъзи бир қадимий узвлари унутилиб кетган бўлса-да, кўпгина анъанавий жанрлар жонли ижро ҳолатида яшашда давом этмоқда. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўтказиладиган никоҳ тўйи маросими удумларида “этак йиртар”, “бешиқ керти”, “ёр-ёр”, “келин салом”, “ирга таги”, “келин ўтирсин”, “куёв ўтирсин”, “вакил сўраш”, “тўққиз товоқ”, “тўш қайтарар”, “тўй олқиши”, “бет очар” каби кўплаб анъанавий поэтик фольклор ўзининг қадимий хусусиятларини бугунги кунгача сақлаб келмоқда.

Халқимизнинг ушбу қадимий урф-одатлари, удумлари ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” достонида ҳам ўз ифодасини топган.

«Алпомиш» достонининг Қора бахши Умировдан ёзиб олинган вариантыда болаларни «этак йиртиш» қилиб унаштириб қўйиш удуми шундай тасвирланган: «Хизр «Бойбўрининг ўғлига Ҳақимбек деб, Бойсарининг қизига Барчиной деб от қўйди. Ҳақимбекнинг ийнига шаппак билан бир урди, беш панжанинг изи доғ бўлиб қолди. Икки гўдакни икки тиззасига олиб, иккисига белги солди, Ҳақимбек билан Барчинойнинг орқа этагини бирга ушлаб йиртди, икковини «этак йиртиш» қилиб унаштириб қўйди» [3].

Қадимдан ўзбек оиласида фарзанд туғилгач ота-она унинг бахти, келажаги ҳақида қайғуради, шу боис ўғил фарзанд кўрган кишилар ўзларининг бирорта яқин қариндоши ёки таниш-билишларидан бирининг аёли қиз кўрса, уларни болалигиданоқ бир-бирларига атаб қўядилар. Халқ орасида *этак йиртар*, *«бешиқ керти»*, *қулоқ тишлатар* деб юритилган бу одат кўпинча қиз фарзанд туғилган оилада ўтказиладиган «Бешиқ тўйи» маросимида амалга оширилган. Икки оила аъзолари фарзандлари катта бўлганидан кейин қуда бўлишни ният қилишади ва қиз болани илк бор бешиққа белаётганда ўғил томон қизга атаб тикилган қўйлакни кийдириб қўяди. Андижон вилоятида ўғил фарзанд кўрган киши қизалоқ бешигининг бирор жойини пичоғи билан озгина кертиб қўйган ва шу билан бу қизалоқ ёшлигидан «эғалик бўлган» ҳисобланган [4].

Этнограф К.Шониёзов қорлуқларнинг никоҳ тўйи маросими удумлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни ёзади: «Келин бўладиган қиз танлангандан кейин йигит томондан икки аёл – куёв бўлгичнинг аммаси, холаси ёки турмушга чиққан опаси совчиликка боришади. Улар ўтовга киришдан аввал «Қулчиликка келдик!» – дейдилар. Қизнинг онаси эса «Хуш келибсизлар!» – деб кутиб олади. Совчилар олдига дастурхон ёзилади ва чой ичишиб ўтириб, гап орасида совчилардан бири мақсадни аён қилади».

«Алпомиш» достонида Қоражоннинг онаси Барчинга совчи бўлиб бориши мотивида ҳам ана шу анъана ўз ифодасини топган. Барчинга совчиликка борган Сурхайил кампир шундай дейди:

*Қозонда қайнаган ширбоз гўшмиди,
Шу қизингнинг агар боши бўшмиди?
Боши бўшми дейин, сендан сўрайин,
Келин қилиб бошига рўмол ўрайин,
Қоражонга аташтириб бораин.
Меҳмон бўлиб бирор гузарим тушди,
Итинг кўп талади, кўп нашам учди.
Шул қизингни кўриб кўнглим хушдир,
Албатта қизингнинг бул боши бўшдир.
Бойбича, эшитгин айтган сўзимди,
Кўнглинг бўлиб, хафа қилма ўзингни,
Келин қилиб кетай сенинг қизингни,
Сенинг қизинг Қоражонга лозимдир [5], –* деб мурожаат қилади.

Кўринадики, қалмоқ полвони Қоражоннинг онаси Барчинга совчи бўлиб борганда: «Шу қизингнинг боши бўшми?» – деб сўрайди. Бу ўринда «боши бўш» ибораси қиз бировга фотиҳа қилинмаганлигини аниқлатса, «рўмол ўраш» бирикмаси унинг бошини «банд қилиш», яъни фотиҳа қилишнинг рамзий ифодаси сифатида қўлланилган.

Тўйнинг асосий қисми бошланишидан бир кун аввал куёв ўз жўралари ҳамда яқин қариндошлари билан қизнинг уйига келган. Ўша куни никоҳ ўқишдан олдин қизнинг уйида «вакил сўраш» удуми ўтказилган. Бунда қиз ўз вакилини тоғасига бериш керак деб ҳисобланган. Куёв томондан эса вакил отага сарпо ва пул берилган. Шундан кейин келин никоҳлашга ҳақли ҳисобланган. «Вакил сўраш» удуми тонгга қадар давом этган. Шундан кейин тонгда келин ўз вакилини тоғасига берган ва мулла томонидан келин-куёвга никоҳ ўқилган [6].

Бу удумлар айрим жойларда, масалан, Зомин тумани қишлоқларида ҳозирги кунга қадар сақланиб қолганлиги илмий манбаларда қайд этилган [7]. Халқимизнинг ушбу қадимий удуми ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” достонида ҳам ўз ифодасини топган. Булуғурнинг Лойқа қишлоғида яшаган атоқли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли Алпомиш билан Барчиннинг тўйини тасвирлар экан, ўз ҳамқишлоқларининг никоҳ тўйи удумларини бирма-бир баён этиб шундай дейди:

*Барчинойни бул ўртага олади,
Қадимги расими шундай бўлади:
Барчинойни қиз опқочди қилади,
Не келинлар юриб қизни сўради,
Бир ердан буларни топиб олади.
Икки вакил у мулладан келади,
Келиб қизнинг ихтиёрин сўради,
Уялгандан қабул қилмай туради.
Қиз суйлатар деган расим бўлади,
Қиз гапиртган анча пулни олади.
Барчин вакилини энди беради,
Ҳақимбекни энди қабул қилади...*

Домласи вакилларида сўраб, булар ҳам гувоҳлигига бир нима олиб, мулла хутбасини ўқиб, никоҳ қилиб, мулланинг сўраган сўзини вакиллар ҳам қабул қилиб қайтди. Ҳақимбекдан ҳам не шартлар сўраб, шарти, шароити билан қабул қилиб, ҳамма димоғи чоғ бўлиб, мазгилига қайтиб кетди [8].

Илгарилари қиз қаерга “яширинганлиги”ни топган янга келиннинг дугоналарига турли совға-саломлар, қанд-курс, танга бериб келиннинг никоҳ ўқитиш учун вакилликни “вакил ота”га олиб берган.

Никоҳ тўйининг иккинчи босқичидан жой олган «**Тўққиз товоқ**» удуми жараёнида келиннинг уйда куёв ва унинг жўралари алоҳида тайёрланган хонада меҳмон қилинган. Анъанага кўра, куёвжўраларнинг дастурхонига тўққиз хил таом тортилганлиги учун бу удум воҳада «тўққиз товоқ» деб юритилган [9].

Бинобарин, тилшунос олим Б.Тўйчибоевнинг қайд қилишича, «Алпомиш»да тасвирланган куёв навкар бўлиш, тўққиз товоқ қилиш, тўққиз товоққа пул солиш, ўртага ўт ёқиш, куёвнинг келинликка борганда салом солиши одатлари ҳам қипчоқ ўзбекларида яқин-яқингача сақланиб қолган» [10].

Бу удум «Алпомиш» достонида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, Фозил Йўлдош ўғли талқинида:

*Бойваччалар бекнинг гирдин олади,
Куёв нўкар бўлиб бунда туради.
Ўзбекнинг расими шундай бўлади:
Қизу жувон бари йигилиб келади,
Аёллари тўққиз товоқ қилади,
Куёвнинг олдига шундай боради,
Опборган таомин нўкарлари еб,
Товоғига танга-тилла солади,...[5] – тарзида баён қилинган.*

Этнограф олим А.Аширов ёзиб олган «ёр-ёр»ларда эса Сурхон воҳасида яшовчи қўнғиротларнинг турмуш тарзига хос «ўтов», шунингдек, воҳа бахшилари репертуаридан кенг ўрин олган «**Алпомиш**» достони қаҳрамонлари номининг келтирилиши матннинг ўзига хос локал хусусият касб этишини таъминлаган:

*Оқ ўтовнинг бекаси,
Барчин чечам, ёр-ёр,
Ойдин-ойдин осмонлар,
Ойдин кечам, ёр-ёр.
Ойдин-ойдин осмонлар,
Ойдин кечам, ёр-ёр,
Ўзбек элим қизлари,
Жони дилим, ёр-ёр.*

Этнограф А.Аширов ёзиб олган маълумотга кўра, «ёр-ёр» жанрига оид матнлар **ўланг** деб аталади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклори ўзбек аҳолисининг этник таркиби, тарихий-маданий анъаналари, турмуш тарзи ва урф-одатларининг ўзига хослигидан келиб чиқувчи муайян локал хусусиятларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Никоҳ тўйи таркибидаги «совчилик», «нон синдириш», «фотиҳа тўйи», «куёв синов», «оловдан айлантлар», «келин салом», «юз очди», «ит ириллатар», «кампир ўлди», «ойна кўрсатар», «соч сийпатар», сингари кўплаб удумлар талқинида умумўзбек фольклори учун муштарак бўлган белгилар кўзга ташланади. Шу билан бир қаторда “Алпомиш” ўзбек халқ достонида мавжуд удумларнинг бажарилиши чоғида ижро этиладиган қўшиқ ва айтимлар, яъни вербал қисм талқинида ўзбек маросим фольклорининг ўзига хослиги кўзга ташланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т.1. – М.: Рус тили, 1981. – Б.502.
2. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Т. II, III. – Т., 1960-1961.
3. Муродов М., Ҳақимов Н., Эргашев А. Қадриятнома. 1-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – Б.35-36.

4. Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросим номлари (Андижон группа шевалари материали асосида): Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1971. – Б.158.
5. Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.37.
6. ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1833.–Б.9-10.
7. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б.33.
8. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 1-жилд. “Алпомиш” (Ўзбек халқ қахрамонлик достони). Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.205.
9. «Тўққиз товоқ» удуми ҳақида қаранг: Жўраев М. Тўққиз сири // Сирли олам. 3-тўплам. – Тошкент, 1986. – Б.48-55.
10. Тўйчибоев Б. «Алпомиш» ва халқ тили. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.31.

УЎК: 811.512.133'373.23 (043.3)

АНТРОПОНИМЛАРДА САНАЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИ ВА ТИЛАК ОТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Юлдашев Д.Т., ф.ф.д., Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада антропонимларда саналаштириши тамойили ва саналар билан боғлиқ номлар, умуминсоний ономастик код намоён қилувчи тилак отларининг ўзига хосликлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: атоқли от, антропоним, номинатор, саналаштириши, тилак отлари, антропоцентризм, ономастика.

Аннотация. В статье раскрывается принцип перечисления в антропонимах и именах связанных с датами, специфика имен пожеланий, отражающих универсальный ономастический код.

Ключевые слова: имя собственное, номинация, номинатор, перечисление, имена связанные с желанием, антропоцентризм, ономастика.

Abstract. The article reveals the principle of enumeration in anthroponyms and names associated with dates, the specificity of the names of wishes, reflecting the universal onomastic code.

Key words: proper noun, nomination, nominator, enumeration, names associated with desire, anthropocentrism, onomastics.

Маълумки, атоқли отларни антропоцентрик аспектда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳар бир ном асосида инсоннинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари, номинаторнинг қандайдир фаолияти акс этади. Э.Бегматов тўғри таъкидлаганидек, «Социолингвистик тадқиқотлар орасида атоқли отлар, жумладан, антропонимларни ўрганишга оид махсус ишлар ниҳоятда кам. Бунинг сабаби, бизнинг назаримизда, социолингвистик тадқиқ методининг тилнинг барча соҳаларига бир хилда татбиқ этилмаётганидир. Шунга қарамадан, тил ономастик тизимининг жамият ривожини билан боғлиқ муаммолари “социолингвистика” термини остида бўлмаса-да, номшунослар томонидан доимо ўрганиб келинган, чунки ономастик тадқиқотларни нолингвистик омилларни ҳам етарли ҳисобга олмасдан амалга ошириш мумкин эмас».[1, 44]

Дастлабки атоқли отларнинг турдош отлардан шаклланганлиги шубҳасиз. Бу жараён бугунги тиллар ҳали юзага келмаган, бир-биридан ҳар томонлама узоқлашган халқлар ўртасидаги умумийлик йўқолмаган жуда узоқ даврларга тўғри келади. Шунинг учун турли тиллардаги ономастик индикаторлар таҳлили улар ўртасида умумийликни яққол кўрсатиб бериши ажабланарли эмас. Ҳатто қариндош бўлмаган тиллардаги ўхшашлик, умумийлик инсоният тафаккур тарзининг шаклланиши ва ривожигадаги босқичларни илмий асослашга хизмат қилади.

Антропонимлар таҳлили киши исмлари тараққиётида дунёнинг кўпгина халқлари бир-бирига яқин босқични босиб ўтганлигини кўрсатади. Бу жараён маълум тадрижий тараққиёт турли халқларда қайсидир даврда кечгани билан фарқланади. Шунингдек, киши исмларининг шаклланиши ва тараққиётида халқларнинг ўзаро таъсири, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданият даражаси, диний қарашларининг ўрни ҳам катта. Булардан диний дунёқараш таъсири кейинги

босқичлардан бирини ташкил қилади. Дин инсоният тафаккури ва тамаддуни ривождаги юқори босқич саналиши шубҳасиз. Хусусан, исломдан олдин маълум ҳудудларда бир неча динларга эътиқод қилган туркий халқлардаги киши исмларида ўтмиш ақидаларининг ҳам маълум маънода изларини кўриш мумкин.

Ислоний ақидаларга келсак, бу динда ота-она зиммасидаги муҳим вазибалардан бири фарзандига муносиб исм танлаш ҳисобланади. Ном боланинг туғилгандан кейинги ҳақлари сирасига киради. *Жаъал* (*Кўришанпалак*) исмли киши исм бобида ўз отасидан шикоят қилиб келганида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ота фарзанд ҳаққини адо этмаганлиги учун унинг арзини ўринли ҳисоблаганлари ҳақида ривоят бор.

“Бахтиёр оила” китобида қандай исм муносиб исм, исм танлаш билан боғлиқ ислом тарихида муҳим воқеалар, шартлар каби масалалар муфассал ёритилган.[3, 278-288] Исмларнинг ҳам гўзал бўлиши шартлигига Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятдаги “Албатта, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севадир” ҳадиси шарифи асос қилиб олинган.[4, 279] Муҳими, исломий ақидада исм нафақат дунёвий, балки ухровий аҳамиятга молик. Мазкур ўринда фарзандга *Абдул Уззо* (Уззо санам кули) каби исмларни қўймаслик кераклиги уқтирилади. Бундан ташқари, Пайғамбаримиз туя соғишни *Мурра* (Аччик), *Ҳарб* (Уруш) исмли саҳобаларга топширмай, *Яъийш* (Яшар) номли саҳобага топширганлари, шунингдек, *Фуроб* (Қарға) исмини Муслимга, *Абдулҳажар* (Тош кули) исмини *Абдуллоҳ* (Аллоҳнинг кули), *Заҳм* (Тиқилинч) исмини *Башиёр* (Башорат, Севинч)га алмаштирганлари исмда хосият катталигини кўрсатади.

Антропонимларда мавжуд номинация тамойиллари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борган. Шундай тамойиллар борки, улар жуда муҳим узвийликда бўлиб, бирини иккинчисиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбек антропонимларида кузатилган саналаштириш тамойилида бола таваллуд топган кун, ой кабиларни эътиборга олиш муҳимдир. Лекин қайд этиш лозимки, бунда бошқа омилларнинг ҳам маълум ўрни бўлиши мумкин. Бу ҳам, номинация жараёни иштирокчилари сонининг чекланганлиги, уларни бевосита таҳлил қилишнинг имкони йўқлиги, яъни ҳар бир номинатор (исм танловчидан)дан айнан шу тамойилга асосланганини сўраб қайд этиш имконсизлиги билан боғлиқ.

Ўзбек халқи ўз тарихи давомида бир неча тақвимлардан фойдаланган, аммо барча ой номлари ҳам антропонимга айланган эмас. Масалан, Ўрта Осиё ва Эронда қадимдан қўлланиб келаётган ой номларидан фақат Баҳмангина киши исмига айланган.

Баҳман بهمن “Авесто”да *Vehumana*, паҳлавийда *Vehuman* бўлиб, “яхши”, “эзгу” маъносидаги *vehu* ҳамда “ўй”, “фикр” маъносидаги тап сўзларидан таркиб топган. Табарий унинг маъносини арабчада الحسن النية деб беради. *Баҳман* зардуштийлар эътиқодидаги амшоспандлардан бири бўлган. Йилнинг ўн биринчи ойи ва ҳар ойнинг иккинчи куни *баҳман* дейилган.[7, ?] Бу сўзнинг бошқа маънолари ҳамда атоқли от сифатида *фаршита*, *тоғ*, *аҳоли яшаш жойи*ни англатиши ушбу луғатда батафсил берилган.[8, ?] Баҳман рост сўзловчи, тўғри иш қилувчи, кўп билувчи қўллари узун бола каби маъноларни ифодалайди.[2, 10]

Баҳман сўзи ой номи сифатида “Қисаси Рабғузий”да учрайди: “Кечти *баҳман* замхарир киш, қолмади қори, бузи”. Бизнингча, номинатор назарида *Баҳман* исмининг луғавий маъноси муҳим. Сабаби бу исм қадимги ой номлари буткул истеъмолдан чиқиб кетган даврларда ҳам қўйилган. Эпик ном сифатида “Шоҳнома” қаҳрамонларидан бири Баҳман – Исфандиёрнинг ўғлининг номи.

Ўзбек адабиётида “Гул ва Наврўз” достонида Баҳман образи бўлиб, у Наврўзга муқобил салбий қаҳрамон саналади. Бу исмнинг кейинги даврларда ҳам қўйилишининг зардуштийликка алоқаси йўқлигини Алихон Тўра Соғуний зурриёдларидан бирининг исми *Баҳманёр* экани ҳам тасдиқлайди.

Эндиги таҳлилга тортилажак ой номларидан антропонимга айланган *Ражаб*, *Рамазон*, *Сафар*, *Шаъбон* исмларида бошқача ҳолатни кўрамиз:

1. Бу исмларга асос бўлган ойлар мансуб тақвим – ҳижрий қамарий XX аср бошларигача расман ва кейинчалик диний соҳада ҳамда халқ орасида истеъмолда бўлган. Шу жиҳатдан қадимги қуёш календари ва ҳижрий шамсийдан фарқланади.

2. Хижрий қамарий тақвимдаги барча ой номлари эмас, асосан, бештаси антропоним сифатида учрайди. Буларнинг тўрттаси “шуҳуру-л-ҳаром”, яъни эҳтиром қилинадиган ойлардир.

Бир неча қариндош ва қариндош бўлмаган тил соҳиблари бўлмиш халқлар киши исmlарини солиштириш уларнинг тафаккур дунёси, орзу-умидлари, борлиққа муносабатлари каби жиҳатлар бир-бирига жуда ўхшаш эканини кўрсатади. Биз қуйида ўзбек исmlари характеридан келиб чиқиб, тилак отлари гуруҳини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Тилак отларини фарқлашда апеллятивнинг маъносига таянилди. Бундай апеллятивларни умуминсоний фазилатлар, инсон орзу-ниятлари, эзгулик каби мавҳум тушунчалар ташкил этади. Масалан, ўзбекларда *Қувонч*, *Қувончай*, *Қувондиқ*, *Бахт*, *Бахтигул*, *Қутлуг*, *Қутлибика*, *Қутлугқадам*, *Севинч*, *Гўзал*, *Қаҳрамон*...

Тилак отларини биринчи ўринда қайд этишимизга сабаб бугунги кунда антропонимларнинг аксари ушбу гуруҳга мансублигидадир. Аслида хронологик нуқтаи назардан бу тип охириги ўринлардан бирини эгалласа ажаб эмас. Сабаби, биринчидан, инсон мавҳум тушунчаларни номлашдан олдин реал тушунчаларни номлаган бўлса, иккинчидан, уларнинг айримлари апеллятив сифатида бошқа сўз туркумларига мансублигидир.

Эътибор қаратиш лозимки, бу тип исmlарнинг турмуш тарзи турлича, географик жиҳатдан бир-биридан олис, иқтисодий шароитлари бошқача халқларда баробар тарқалганлиги яна бир бор инсон ҳар қандай табиий ва иқтисодий шароитда ўз маънавий қиёфасини сақлаб қолишга интилганини кўрсатади. Масалан, мўғулларда қўлланган қуйидаги исmlарни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин: *Az* – бахт, *Azjargal*, *Bayar* – севинч, байрам, *Bayarbaatar* – севинч ва ботир, *Bayarsaixan* – севинч ва гўзал, *Mõnx* – абадий, мангу, *Mõnxsaixan* – абадий, мангу; гўзал.[5, 220]

Аслида бундай исmlарни бир неча ички гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, мангулик, узоқ ёш тилаб қўйилган номларга ўзбекларда *Ўлмас*, *Ўлмасой*, *Яшар*; мўғулларда *Mõnx*, *Mõnxsaixan*; арабларда *Холид*; форсларда *Жовид* кабилар. Апеллятив бу тип исmlар инсонлар томонидан ўрмон қонунлари асосида кун кечирган даврлариданоқ урф бўлган, деган хулосани чиқаришга имкон беради. Энг қадимги ёзма ёдгорликлар бўлган “Веда”, шунингдек, “Авесто” ва “Гилгамиш” материаллари ҳам бу мавзу гуруҳига мансуб атоқли отлар қадимийлигини кўрсатади. Масалан, *Al Hatun* – Чингизхон қизининг исми. 1209 йилда эдикут Баржуқ унга уйланган.[6, 7]

Таҳлил қилинган материаллар атоқли отлар тизимида антропонимларга антропоцентрик нуқтаи назардан алоҳида тип сифатида қараш зарурлигини кўрсатади. Чунки бу тип атоқли отларда бир неча номинация тамойиллари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, баъзан уларнинг аслини муайян шахс ҳаётидаги айни сабабини кўрсатиш орқалигина аниқлаш мумкин бўлади. Шунинг учун уларнинг номинация тамойилларини тўғри белгилашда, бизнингча, апеллятив маънонинг этнолингвистик талқинига таяниш лозим.

Номлар табиат ва жамиятдаги маълум ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда муайян қонуниятлар асосида вужудга келади ва, демакки, уларнинг вужудга келиши ҳамда ўзгаришлари халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов Э. Антропонимияни тадқиқ қилишнинг социоллингвистик аспекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №4. – Б. 44.
2. Маҳмудов Р. О‘zbek tili tarixi fanida ilk o‘zlashmalarni o‘qitish metodikasi. – Хива: Xorazm Ma‘mun akademiyasi noshirlik bo‘limi, 2021. – Б.10.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Nilol nashr, 2015. – Б. 278-288.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Nilol nashr, 2015. – Б. 279.
5. Bulet Gul. Monghol Kışı Adları // Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. – Cilt Sayı 1. Mart 2010. – S. 220.
6. Quliyev Ə. A. Əski türk onomastik sözlüyü. – Bakı: Elm, 1999. – S. 7.
7. علي اكبر دهخدا. لغت نامه دهخدا. جلد چهارم. موسسه انتشارات وچاپ دانشگاه تهران. ۱۳۷۷ ص ۵۱۲۷.
8. علي اكبر دهخدا. لغت نامه دهخدا. جلد چهارم. موسسه انتشارات وچاپ دانشگاه تهران. ۱۳۷۷ ص ۵۱۲۶ – ۵۱۲۷.

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

УЎК 616.367-089.48 (075.8)

ХОЛЕЛИТИАЗЛАРДА ХОЛЕДОХОСКОПИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

З. Янгибаев, шифокор, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Урганч
Д.Ю.Батиров, шифокор, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Урганч
Ш.Ш.Пирматов, шифокор, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Урганч
О.З.Янгибаев, шифокор, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Урганч

Аннотация. Мақолада ўт-тош касаллиги ва унинг холедохолитиаз асорати, холедох терминал қисми ва Фатер сўргичи ўтказувчанлиги бузилиши кузатилган 124 нафар беморларнинг текширув даволаш натижалари келтирилган. Беморларнинг ёши 19 ёшдан-74 ёш оралигида бўлган. Беморлардан 76 (63%) нафарини аёллар, 48 (37%) нафарини эркаклар ташкил қилган. Ушбу беморларга интраоперацион даврда қўшимча диагностик, даволаш ва назорат холедохоскопия ўтказилиши натижасида ХТҚ ва ФС ўтказувчанлиги бузилишларининг сабаблари ва касаллик даражалари аниқланишига эришилган. Бу эса, ушбу беморларнинг жарроҳлик даволаш натижаларининг яхшиланишига эришилганлиги қайд қилинган.

Калит сўзлар: Холелитиаз, холангит, холедохолитиаз, Фатер сўргичи стенози.

Аннотация. В статье представлены результаты обследования и лечения 124 пациентов с желчнокаменной болезнью и ее осложнением холедохолитиазом, нарушением терминальной части холедоха и проницаемости присоски Фатера. Возраст пациентов от 19 до 74 лет. Из пациентов 76 (63%) составляли женщины и 48 (37%) - мужчины. Дополнительная диагностика, лечение и контрольная холедохоскопия у этих пациентов в интраоперационном периоде позволили выявить причины и степень тяжести нарушений проводимости НТQ и FS. Отмечено улучшение результатов хирургического лечения этих пациентов.

Ключевые слова: холелитиаз, холангит, холедохолитиаз, стеноз толстой присоски.

Abstract. The article presents the results of the examination and treatment of 124 patients with gallstone disease and its complication of choledocholithiasis, impaired terminal part of the choledochus and Fater sucker permeability. The age of the patients ranged from 19 to 74 years. Of the patients, 76 (63%) were women and 48 (37%) were men. Additional diagnostic, treatment, and follow-up choledochoscopy in these patients during the intraoperative period resulted in the identification of the causes and severity of НТQ and FS conduction disturbances. It has been noted that the results of surgical treatment of these patients have improved.

Keywords: Cholelithiasis, cholangitis, choledocholithiasis, Fater sucking stenosis.

Муаммонинг долзарблиги: Холелитиаз - Ўт-тош касаллиги (ЎТК) ҳозирги кунда дунёда энг кенг тарқалган касалликлардан биридир. Бутун жахон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (БЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 10-15% ида ЎТК кузатилади [1, 2, 3, 4, 7]. Ёши 60 дан ошган аҳоли орасида кейинги ҳар 10 йилда ушбу касаллик сони деярли 2 баробаригача ортиши аниқланган. ЎТК ва унинг холедохолитиаз, холедох терминал қисми (ХТҚ) ва Фатер сўргичи (ФС) ўтказувчанлигининг тош ёки стеноз - торойишлари туфайли бузилиши каби асоратлари манбааларда келтирилишича 5 – 10 % дан то 57,8% гача ва ундан ҳам ортиқ ҳолларда қайд қилинади.

Бундай бир биридан кескин фарқ қилувчи маълумотларнинг-фактларнинг турли сабабларини келтириб ўтиш мумкин. Беморларнинг касалликни ўтлаштириб - кечикиб келишлари, касалхоналарнинг зарур ташхислаш ва жарроҳлик жиҳозлари билан таъминланиши, жарроҳларнинг малакаси, тоифа -даражалари ва ҳ.лари каби кўплаб факторларга боғлиқдир. Шулар орасида ташхислаш ва даволаш холедохоскопия эса асосий ўринни эгаллайди. Минг афсуски бу объектив ташхислаш ва даволаш усули негадир кенг қўлланилмасдан келмоқда. Айнан бу усул ЎТК нинг энг кўп учрайдиган асоратлари

ҳисобланмиш холедохолитиаз, холедох терминал қисми (ХТҚ) ва Фатер сўрғичи (ФС) ўтказувчанлигининг тош ёки стеноз - торойишлар туфайли бузилишини ташхислашда ва даволашда операциягача ва операция давомида қўлланиладиган барча усуллар ичида энг ишончлисидир [5,6,8,9,10].

Тадқиқот мақсади: Ўт-тош касаллиги ва унинг холедохолитиаз асорати, холедох терминал қисми ва Фатер сўрғичи ўтказувчанлиги бузилиши кузатилган беморларни холедохоскопия усулларида фойдаланиш натижасида ташхислаш ва жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборатдир.

Материаллар ва текшириш усуллари: Биз ЎТҚ ва унинг холедохолитиаз, ХТҚ ва Фатер сўрғичи ўтказувчанлиги бузилиши туфайли комплекс текширилган ва операция қилинган беморларда (124 нафар) қўлланилган холедохоскопия натижалари келтирилган. Беморларнинг ёши 19 ёшдан-74 ёш оралиғида бўлди, уларнинг 76 (63%) нафарини аёллар, 48 (37%) нафарини эркеклар ташкил қилди. Ушбу беморлар орасида гипертония касаллиги, қандли диабет, сурункали панкреатит, сурункали камқонлик, юрак ишемик касаллиги каби ёндош терапевтик касалликлар 44 (35,5%) нафар беморда кузатилди. Операциядан олдинги даврда

47 нафар беморга (кейинги 4 йил давомида кузатилган беморларда) УТТ, РПХГ, МРТ холангиография ўтказилди, қолган барча беморларга стандарт умумий клиник-лаборатор текширишлар ўтказилди. Барча, 124 нафар беморга интраоперацион даврда холецистэктомия босқичидан кейин диагностик, даволаш ва назорат холедохоскопиялари ўтказилди. Тадқиқот натижаларини таҳлилий ўрганилди (статистик ишлов берилди). Ишончлилик даражаси 0,05 дан кичик бўлди.

Олинган натижалар: Кузатувларимизда бўлган 124 нафар Ўт-тош касаллиги ва унинг холедохолитиаз асорати, холедох терминал қисми ва Фатер сўрғичи ўтказувчанлиги бузилиши кузатилган беморлардан 7 (5,65%) нафарида холецистэктомия босқичи лапароскопик усулда, 117 (94,5%) нафарида эса, очик усулда амалга оширилди.

Олдин Ўт-тош касаллиги ва унинг холедохолитиаз асорати, холедох терминал қисми ва Фатер сўрғичи ўтказувчанлиги бузилиши кузатилган беморлар 5-10% ни ташкил қилган бўлса, беморларни қўшимча холедохоскопик текширувлардан сўнг (барча операциягача ва операция давомидаги бўлган даврлардаги текширувлардан ташқари ва уларга қўшимча) ушбу беморларда холедохолитиаз ва Фатеров сўрғичи стенози 50-60% ва ундан ҳам юқори фоизларида аниқланди.

Ушбу беморларда интраоперацион даврда ўтказилган холедохоскопия натижасида, ХТҚ ва ФС ўтказувчанлигининг бузилишининг тош ва торойишининг I даражаси, 58 (47%) та ҳолатда, II даражаси, 41 (33%) та ҳолатда, III даражаси эса, 25 (20%) та ҳолатда аниқланди. Холедохоскопия давомида 29 (23%) беморда катарал, 47 (38%) беморда катарал ярали ва қолган 25 (20%) беморда ўчоқли некротик холангит, ҳамда 16 (13%) та беморда холедохолитиаз ва назорат холедохоскопияда 7 (6%) та беморда резедуал холедохолитиаз аниқланди. Ушбу беморлардан ХТҚ ва ФС ўтказувчанлиги бузилишининг I даражаси кузатилган ҳолатларда ФС нинг ва сфинктер механизмини бужлаш ва баллонли дилатацияси амалга оширилди. II ва III даражали ХТҚ ҳамда ФС ўтказувчанлигининг бузилиши кузатилган 66 нафар бемордан, 34 (51,5%) нафарига супрадуоденал холедоходуоденоанастомоз, 22 (33,3%) нафарига ХЭЖ амалиётидан кейин эндоскопик папиллосфинктеротомия ҳамда 10 (15,2%) нафар беморда эса, цистикохоледохоэнтероанастомоз амалиётлари бажарилди.

Операциядан кейинги даврда 12 (9,6%) нафар беморда қисқа муддатли дренаж найчаларидан ўтли ажралма ажарилиши кузатилди ва бу ҳолат 7-14 кун оралиғида ўз-ўзидан тўхтади. 4 (3%) нафар беморда эса, ўтли ажралма ажралиши 24 кунгача давом қилди ва кейинчалик тўхтади. Биохимик таҳлиллардан қондаги билирубин фракциялари операциядан кейинги даврда 8 (6,5%) нафар беморда нормадан юқори кўрсаткичларда бўлди ҳамда 7 кундан 15 кунгача бўлган ораликда нормал ҳолатига қайтди. Операция жароҳатининг йиринглаши ҳолати 5 (4%) та ҳолатда, серома ажралиши 7 (5,6%) та ҳолатда кузатилди. Ўрин кунлар сони ўртача 11,24+-1,17 кунни ташкил қилди.

Хулоса: Ўт-тош касаллиги ва унинг холедохолитиаз асорати, холедох терминал қисми ва Фатер сўрғичи ўтказувчанлиги бузилиши кузатилган беморларни жарроҳлик даволашда интраоперацион холедохоскопиядан фойдаланиш натижасида холедох терминал қисми ва Фатер сўрғичи ўтказувчанлиги бузилишининг аниқ даражалари аниқланади ҳамда бу адекват жарроҳлик усулини тўғри танлаш имкониятини беради, шу сабабли жарроҳлик даволаш натижалари яхшиланишига эришилади.

Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати:

1. Габриэль С.А., Дынько В.Ю., Гольфанд В.В. и др. Эндоскопические чреспапиллярные вмешательства в диагностике и лечении холедохолитиаза. *Medical sciences. Fundamental research*. 2012. № 2. С. 276-282.
2. Королёв М.П., Федотов Л.Е. и др. Холедохолитиаз в нестандартных ситуациях: возможности комбинированных методов малоинвазивного вмешательства. *Вестн. хирургии им. И.И. Грекова*. 2012. № 4. С. 74-78.
3. Литтманн И. Оперативная хирургия. Операции на желчных путях. Будапешт: Изд-во академии наук Венгрии, 1982. С. 579-620
4. Ежов В.Н., Валетов А.И., Рудакова М.Н., Мешков В.М. “К выбору тактики лечения холедохолитиаза”. *Эндоскопик хирургия*. 2000. № 6. С. 13-15.
5. Аралова М.В., Глухов А.А. Характер оперативных вмешательств при холедохолитиазе и его осложнениях. *Вестн. новых мед. технологий*. 2010. Т. 17, № 2. С. 101102.
6. Шаповальянц С.Г. Ардасенов Т.Б., Федоров Е.Д. и др. Хирургическая тактика лечения холедохолитиаза, осложненного механической желтухой, у больных с измененной анатомией билиодуоденальной области. *Хирургия им. Н.И. Пирогова*. 2011. № 10. С. 35-38.
7. Бурдюков М.С., Нечипай А.М., Юричев И.Н. Оценка тяжести состояния больных, обусловленной механической желтухой опухолевой природы, в прогнозе развития осложнений ЭРХПГ и эндоскопической ретроградной билиарной декомпрессии. *Эксперим. и клинич. гастроэнтерология*. 2010. № 4. С. 78-84.
8. Колокольцев В.Б. Эндоскопическая ретроградная холан- гиопанкреатография. Эндоскопическая хирургия БДС и общего желчного протока. Вопросы организации медицинской помощи в условиях крупного медицинского центра. 1994. С. 165-167.
9. Кушнеренко О.Ю. Значение ЭРХПГ в диагностике заболеваний желчевыводящих путей и поджелудочной железы. *Проблемы медицины и биологии*. Кемерово, 1996. С. 54-55.
10. Васильев Ю.В., Зеленикин С.А., Ставинский А.А. Диагностическая эндоскопия у больных с холедоходуоденальным анастомозом. *Клинич. хирургия*. 1984. №10. С. 8082.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№10 (81)
2021 й., октябрь**

Ўзбекча матн муҳаррири:

Русча матн муҳаррири:

Инглизча матн муҳаррири:

Мусахҳиҳ:

Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод

Ҳасанов Шодлик

Мадаминов Руслан, Ламерс Жон

Ўрозбоев Абдулла

Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 04.10.2021
Босишга рухсат этилди: 15.10.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 20 б.т. Буюртма: № 12-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими

220900, Хива, Марказ-1

Тел/факс: (0 362) 226-20-28

E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz

xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18